

# Uzbekiston Ёзувчилари Ойномаси

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

2 ' 1992

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**

*(Танқид ва адабиётшунослик  
бўлими мудири)*

**Машраб БОБОЕВ**

*(Наср бўлими мудири)*

**Мурод МАНСУР**

*(Кичик наср бўлими мудири)*

**Омон МУХТОРОВ**

*(Бош муҳаррир ўринбосари)*

**Икром ОТАМУРОД**

*(Назм бўлими мудири)*

**Носир ФОЗИЛОВ**

*(Масъул котиб)*

**Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ**

*(Мақоланавислик бўлими мудири)*

61-йил чиқиши

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА  
ФАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

...Махбуслар бу кеч ҳам тахта чорпояга кўтарилиб, Абдурахмонга: «Қани, бошладик!» дейишди.  
«Навоий ўтириб, дўстининг шахсий ишлари ҳақида сўрагандан кейин,—томоқ қириб олиб, давом этди Абдурахмон,—аввалги суҳбатларда бўлганидек, гап яна давлатга, халққа доир умумий масалалар соҳасига кўчди...»

\* Адабиётшунос олим Наим Каримовнинг бир асар қисмати тўғрисидаги «Шам ва чақмоқ» деган қизиқарли воқеий ҳикояси билан ойноманинг 153—158 саҳифаларида танишасиз. \*

● ● ●

*Ғавоча поядан поя бўларма?  
Бошингга талпагинг соя бўларма?  
Булбулди йилотқон Амаджон болам,  
Душман тувматиннан зоя бўларма?..*

\* Бугун афсуслар ила таъкидлаш лозимки, таниқли давлат арбоблари, улуғ ёзувчи-шоирлар бошига тушган шафқатсиз кунлар, қора қисмат зарбалари созандаларни, халқ бахшиларини ҳам четлаб ўтмаган экан! Манғитлик машҳур Аҳмад бахши Матназар ўғли ҳақидаги эссени, шунингдек, бундан олтмиш икки йил муқаддам бахшидан Ҳоди Зарипов ёзиб олган, матбуотда илк бор эълон қилинаётган «Қирқ минглар» достонини ойномамизнинг 185—206 саҳифаларида ўқийсиз. \*

---

**ЖАМОАТ КЕНГАШИ:** Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Хуришид ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурад МУҲАММАД ДУСТ, Умарали НОРМАТОВ, Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА, Муҳаммад СОЛИҲ, Хайриддин СУЛТОНОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Шукр ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобозон ШАРИПОВ, Ислам ШОҒУЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚўЧҚОРОВ

---



Ортиқбой Абдуллаев

# АЧЧИК МЕВАЛАР

Эссе

## 1. АЛДАНГАН УМИДЛАР

Яқинда дорилфунун талабаларидан бири: «Шахсга сиғиниш йилларидаги фожиалар Сизнинг хаётингизда ҳам рўй берганми?» — деб сўраб қолди. Бу савол мени ўйлантириб қўйди. Қандай жавоб берсам экан? Эсимни таниганимдан бери оиламизда қувғинга учраган, ноҳақ қамалган киши бўлмади. Очарчиликни кўрмаганман. Жуда «ошиб-тошиб» кетмасакда, қорнимиз оч, ўзимиз яланғоч қолган эмасдик. Едимда бор, ҳали мактабга бормагандим, зоғора нон еб, кўчада ўйнаб юрганимда, мактабда супурукчилик<sup>1</sup> қиладиган хотинлардан бири: «Раисни ўғлиям зоғора нон ейди-ми?» — деб «уялтирган» эди. Буни у киноя билан айтганми, кесатганми, мазах қилганми — унисини билмайман.

Ўқувчилик пайтимизда тартиб-интизом кучли эди. Ҳозирги болаларга ўхшаб ўйинкароклик қилиш қайда дейсиз! Ўқитувчининг ҳар бир гапи, ҳар қандай топшириғи биз учун «қонун» эди. Айниқса, пионерга ўтиб, қизил галстук тақиб юрган пайтларимизда етакчимиз: «Бўл тайёр!» деса, бир овоздан «Доим тайёр!» — деб қичқиришимизни ҳозир эсласам... Замон экан-да! Аммо биз тўғри сўз, самимий эдик. Келажакда ҳаммани бирдек бахтиёр қиладиган порлоқ коммунистик жамият қурилишига астойдил ишонардик, ҳаётдаги барча машаққату етишмовчиликларни «ўткинчи», вақтинчалик нарса» деб билардик. Тўтиқушга ўхшаб, ўргатилган ҳамма гапни бурро-бурро қилиб такрорлаганимиз билан фахрланиб юрардик. Севимли кўшиғимиз:

<sup>1</sup> Хумсонда феррош шундай аталади.

эди. Уни кўпчилик жўр бўлиб айтардик.

Бошланғич синфда ўқиб юрганимизда Сталиннинг қадди-комати келишган, чехрасидан нур ёғилиб турган хушмўйлов портретлари, хайкалларини кўриб қувониб кетардик. Ҳаммамиз уни улуғ отамиз, Ленин бобомизнинг содик шогирди, деб чин дилдан севардик. Сталин ўлган куни... йиғлайвериш шишиб кетганман. Шунда учинчи синфда ўқир эдим. Бу одам — дохий ҳақида зиғирча ёмон хаёлга боришни тасаввуримизга сиғдирилмасдик ҳам.

Аниқ эсимда — иккинчи синфда ўқиётганимизда — 52-йилнинг баҳорида бир нохуш ходиса бўлиб ўтган. Мендан катта Тожи опам етгинчини битириш арафасида эди. Бўстонлик туманида «Стахановчи» деган рўзнома чиқарди. Худди ҳозиргидек, ҳамма юкори синф ўқувчилари унга юз фойиз «ёзилган» экан. Синфком ана шу рўзноманинг навбатдаги сонини таркатаётган пайтда Тожи опамга йиртилган нусха тегиб қолади. Ҳамманики бутун. Опам ранжиб:

— Бошқасини бер, — деб талаб қилади. Синфком кўнмайди. Иккаласи гижиллашиб, можаро даҳанаки жангга айланади. Орада кўтармачилар ҳам бўлган, албатта, ловуллаб турган опам:

— Ўзинг ўқийвер йиртиқ газитингни! Менга кераги йўқ! — деб уни шартта иккига бўлиб, отиб юборади. Бахтга қарши, рўзномада улуғ дохий Сталиннинг катта сурати босилган экан, қок ўртасидан йиртилган-ку! Ана, энди томошани кўраверинг! «Хушёр» ўқувчилар бир зумда йиртиқ рўзномани идорага етказишади. Мактаб тўс-тўполон бўлиб кетади. «Қимсан, фалончи душман экан. Дохийни расмини йиртиб ташлапти-я!» «Масаласини кўйиш керак!» «Комсомолдан ҳайдаш керак!» «Энди камалиб кетади».

Гангиб қолган бечора опам:

— Билмасдан йиртиб кўйдим. Сталинни сурати борлигини кўрмапман. Билсам йиртармидим, — деб ҳиқиллаб йиғлайди. Аммо унга ким қулоқ солади дейсиз? Икки-уч кунгача опамга тинчлик бўлмади. «Қоқвош. Кўзинг қаёқда эди? Сталинни суратини йиртиб бўладими?» деб уйда турткилашади. Мактабда эса идорага чақириб тергагани-тергашган: «Нега йиртдинг?» «Қим ўргатди?!» «Билиб туриб йиртгансан?» «Капитализмга сотилмоқчи бўлдингми?»

Бахтимизга холам — Ўғил Маҳмудова мактаб директори эди. Амаллаб ишни тинчитиб, босди-босди қилиб кўйди. Опам бўлса анча вақтларгача таъна-дашном эшитиб юрди...

Шу пайтда оиламиз устидан совуқ бир кўланка айланиб ўтган экан. Замоннинг калтислигини қарангки, ҳатто ўқувчиларда ҳам «синфий хушёрлик», «сезгирлик» гуйғуси ўта кучли шакланган эди. Дохий — муқаддас. Унга тил теккизиш мумкин эмас, суратини йиртиш эса ростмана жиноят! Қиёслаб кўринг. Ҳозирги кунда рўзномадаги расмга ким қарайди дейсиз?! Ўқийсизми, бирон нарса ўрайсизми, йиртиб ташлайсизми — ихтиёр ўзингизда. Сурат-ку ўз йўлига, Сталиннинг хайкаллари аллақачон ҳамма ерда кўпориб ташланди. Тарихнинг аччиқ ўйинини қарангки, навбат Ленинга ҳам етиб келди. Қўшни Тожикистонда «инсоният дохийси»нинг улкан хайкали қандай қулатилганини ойнаи жаҳон орқали кўпчилик кўрди... Бугунги ёшлар учун бир пайтлар Сталин расмини йиртгани учун одамлар қаттиқ жазолангани афсонавий бир гапдек туюлиши мумкин. На чора! Тарих ўз дардларини ўзи даволаб борар экан!

Болалигимда одамлар жуда кўтаринки руҳ билан колхоз даласида ўз томорқаларида кун-тун тер тўкиб ишлаётганларини кўрганман. Ер қўш-ҳўкизда ҳайдалар, буғдойни экишдан бошлаб, янчиб, тозалаб, омборга туширгунча бўладиган ҳамма ишлар қўлда, от-уловда бажариларди. Уйимизнинг бир чеккасида катта «қанор коп» бўларди. Ҳар нечук, қўклам ўтиб, ёзга келганда бу коп шалвираб қоларди-ю, куз, киш пайтларида тўлиб, тик турарди. Тегирмон навбати бизга келганда доим эргашиб борардим, узун, силлиқ новдан шовуллаб тушиб, ёғоч парракни чириллатиб айлантираётган шиддатли сув оқимини, халқ даҳоси яратган бу содда қурилмани томоша қилишни яхши кўрардим. Новга беҳосдан тушиб кетмасин, деб Арофат опам албатта қўлимдан ушлаб турарди... Шу кезларда анча маъносиз манзараларни ҳам кўрганман. Гарчи мактабда бир оғоздан: «Бу жаҳонда қувнок эр, Мен бахтиёр

пионер!» деб кийкириб юрсак-да, ўқитувчиларнинг гапи билан турмушдаги, кўча-кўйдаги ишлар бошқа эканлиги сезилиб турарди.

Мендан бир ёш катта Абдулла Мамиров деган қариндошимиз бор эди. (Беш-олти йил олдин оламдан ўтди). Асли отасининг исми Маъмур — урушда ҳалок бўлган. Онаси — Турди хола касалванд бўлиб, оғир ишга ярамасди. Узок вақтлар кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолганини кўп кўрганман. Эри учун ҳукумат арзимаган нафақа — 12 сўм тўларди. Вояга етмаган икки киз, бир ўғил, қийналиб кун кечиришган. Абдулла ҳам, қизлар ҳам кўпинча бизникида юришарди. Бирга ўйнардик. Катта қизи Боғлар билан опаларим машоқ тергани кирга чиқишар, даладан ўтин йиғиб, бошига кўйиб кўтариб келишарди. Абдулла кундузи бемалол юраверарди-ю, қоронғи тушганда тимирскиланиб, йўл тополмай қоларди. Сабабини сўрасам:

— Шапкўр бўлиб қолганман, кечаси кўзим кўрмайди, — дер эди.

— Энди нима қиласан? — ҳайратим ошиб сўрардим.

— Жигар есам тузаламан. Апам<sup>1</sup> жигар топиб қовуриб беради, — деб жавоб қайтарарди у маънос овозда.

Жигар эса ҳадеганда топилавермади чоғи, мен талай вақтларгача кечқурунлари уни етаклаб юрган эдим. Ҳатто бир куни онамга: «Абдулла янги сўйилган мол жигарини ейиши керак экан, топиб беринг», — деб тикилинч ҳам қилганман. (Кейинчалик Абдулла Қаххорнинг машҳур «Бемор» ҳикоясини ўқиганимда кўз ўнгимга бот-бот раҳматли Турди хола келиб тураверди.)

Ана шу оила мисолида Октябрь инқилоби ўзбек хонадонига нима берганини (тўғрироғи, не кўйга солганини) яхши тасаввур қилиш мумкин. «Семиз-семиз кўйларимиз, сигиримиз бор эди. Уйимиздан одам узилмасди», деб хўрсиниб гапириб қоларди баъзан Турди хола. Укаси Жўра аканинг (лақаби «Бодрингкўп», ким шундай атаган, маъноси нима — буниси менга қоронғи) янги бекасам тўни, қора хром («амиркон») этиги, шойи белбоғи бўлган экан.

— Ўртоғлари уйланганда чимилдиққа укамни кийимларини кийиб киришарди, — деб Турди хола хумсонлик йигитлардан уч-тўрттасини тилга оларди. (Уларни яхши танийман. Ҳозир ҳаммаси ўзига тўқ, бадастур яшайди.)

Шу ночор оилани эсласам, ҳамон юрагим туздек ачишади. Ахир оламга келиб нима кўрди улар? Қотган зоғора нон, ун оши-ю, йиртиқ-ямоқ кийимлар, эски ўрин-кўрпа... Шунга чидаш, шунга шуқур қилиб яшаш керак эди! Йўқчилик, муҳтожлик, қўли қисқалик туфайли Турди хола бу оламдан ич-этини еб, армон билан кетгани аниқ. Бу шафқатсиз дунёда ярим оч, ярим яланғоч қолаётган болаларининг қисмати не кечишини ўйлай-ўйлай азоб билан жон берган бўлса керак шўрлик. Бевафо дунё! Абдулланинг оғзи ошга етганда бурни қонади — рўшнолик кўра бошлаганда ўпка хасталигидан ўлди. Унинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига ҳам аслида ана шу ночор турмуш сабабчи эди.

Хумсондаги бир тиланчи чолни ҳам яхши эслайман. Узун эски увада — шинелми, пальтоми — нималигини билиб бўлмайдиган нарсани кийиб, қўлтиктаёқ билан юрарди. Урушда майиб бўлиб қайтган, ишлашга қурби етмасди. Кўпинча эшигимиз олдига келиб, ичкарига қараб индамай тураверарди. У киши тиланиб, уйма-уй судралиб юрса-да, негадир овоз чиқариб хайр-садақа сўрамасди. Маънос қиёфаси, оғир сукут ичра туриши юрак-юрагимизни эзиб юборарди. Узокдан қорасини кўришим билан: «Опа, нон беринг, ... бува келаяпти!» деб уйга югуриб кирардим. Унга ҳамманинг раҳми келар, ҳеч ким тиланчи деб камситмай, отини айтиб, ҳурмат билан муомала қиларди.

Бошланғич синфдалигимда Меливой бувамизнинг Шари, Бари деган (асл исмлари Шаҳриддин, Баҳриддин) ўғиллари қишда ялангоёқ, қор кечиб ўқишга борганини эсласам, хўрлигим келаверади. Уларнинг бахтига турадиган жойлари (у ҳам бировнинг уйи) мактабга яқин эди. Тўхтамай югуриб келишар, синфга қира солиб, қизариб шолғомга айланган оёқларини печкага тоблаб иситишарди...

Бундай бахтсиз оилалар, ночор болалар Ўзбекистонда, бошқа жумҳуриятларда, бутун Иттифоқда қанча бўлган экан?..

Қишлоғимизда чечен миллатига мансуб кишилар ҳам кўп эди. Мен ту-

<sup>1</sup> Хумсон шеvasида она.

шунмайдиган ғалати тилда кичкириб гаплашадиган, жулдур чопон, ёз пайт-ларида ҳам кўй терисидан тикилган жингалак тукли қалпоқ кийиб юради-ган бу кишилардан биз болакайлар жуда кўрқардик. Улар уришқоқ, жанга-ри бўлгани учун болалари билан бирга ўйнашга ҳам хайқардик. Аммо у йилларда бу бечора, шўрпешона одамлар Сталиннинг бир оғиз буйруғи билан ўз она юртларидан, кадрдон ховли-жойларидан жудо бўлганлигига, бегона ўлкаларда, қувғинди, сарсон-саргардонликда яшашга мажбур этил-ганлигига ақлимиз етармиди? Биз-ку бола эдик, лекин катталар ҳам шубҳа билан қарар, «Немис-фашистларга сотилиб, аскарларимизга орқадан зарба бермоқчи», бўлганлиги учун улар ўз юртдан қувғин қилинган, деб қаттиқ ишонар эдилар. (Тўғрироғи, ишонишга мажбур этишган бўлса керак, рас-мий ахборот шундай эди-да!) Эсимни таниганимда мен бу гапни катталар-дан кўп эшитганман. Ҳар замонда отам шу бечора одамларга ачиниб, «Со-ветга қарши турган бўлса, катталари уришгандир, аммо бешикдаги чака-лоғигача уришиптими? Бола-чақа, хотин-халаж, чол-кампирларда нима гуноҳ?» — деб хўрсиниб кўярди. Отам уруш пайтидан бошлаб, эллигинчи йилнинг охиригача колхозда раис бўлиб ишлаган. Шундан уйимизга ҳар хил одамлар, райондаги «катталар» кўп келиб туришар, баъзи гап-сўзлар, гарчи моҳиятини унчалик тушунмасам ҳам, қулоғимга чалиниб турарди. Чеченлардан Мухтор деган барваста гавдали, новча, келишган киши уйи-мизга кўп келар, адам у билан улфатчилик қилиб, гаплашиб ўтиришни ях-ши кўрарди. Чеченларнинг тили бошқача бўлгани билан ўзлари мусулмон халқ экан, шароитга мослашиб, ўзбек тилини, урф-одатларини жуда тез ўр-ганиб олишган эди. Мухтор ака ҳам ўзбек тилида яхши гаплашарди. Отам кейинчалик (чеченлар юртига қайтиб кетгандан кейин) ўз улфатларига: «Мухтор жуда ақлли йигит эди. Абдулла ака, Сталин ўлмагунча бизга кун йўқ, қачон Сталин ўлади, шундан кейингина юртимизга қайтамыз, унгача кетолмаймыз дер эди», — деб қайта-қайта гапирганини эшитганман. Яна бир нарса эсимдаки; отам кўлидан келганича уларга яхшилик қилиб, ҳар қандай ёрдамни аямаган эди. Шунинг учун ҳам (1954 ёки 1955 йилларда бўлса керак) рухсат тегиб, юртига қайтадиган бўлганда, қишлоғимиздагилардан ташқари ҳатто қўшни Хўжакентда яшайдиганлар ҳам уйимизга келиб, отам билан хайр-хўшлашиб, миннатдорчилик билдириб кетишган эди. Отам чеченларнинг кўп-чилигини очликдан ўлиб кетмасин, ҳеч бўлмаганда сут-қатикқа оғзи тегиб юради-ку, деб чорвага — «сигир ферма»га қўйган экан. Бу ақлли тадбир яхши натижа берган: кўп чечен оилалари жон сақлаб қолишган.

Кейинрок отам айтган бир воқеа менга қаттиқ таъсир қилган эди. Эсимга тушса, ҳали ҳам юрагим зирқирайди.

— Чеченларни бир амаллаб хонадонларга жойлаштирдик. Ишга ярайди-гани колхоз юмушларига қарашадиган бўлди. Бир куни — ёзнинг бошларида, арпа ўрими вақти эди, автомат кўтарган икки аскар идорага келди. Чеченлар-дан қанчаси ишлаб, қанчаси бекор юрганини суриштирди. Болалик аёллару кексалар, ёш-ялангдан бошқаси далада эканини айтдик.

— Аёллар ҳам, кексалар ҳам ишга чиқиши керак. Ватан хоинларини бемалол юргизиб қўйиш мумкин эмас. Буйруқ шундай. Ҳаммасини идорага тўпланг! — деб ўдағайлади биттаси. Илож йўқ, қари-қартанг, ёш болали аёлларни бир амаллаб идорага олиб келдик.

— Ҳаммаси келдимми? — деб сиёсат қилди ёши каттаси. Сойиб бува деган қария анчадан бери касал эди. Ўрнидан туришгаям мажоли келмади. Шунини айтдик. «Бошқалари ҳам ишлайдиган аҳволда эмас, емишнинг тайини йўқ, силласи қуриган ҳамасининг. Бекор уринтираяпсизлар», — деганимизга қу-лоқ солишмади. Гапимизга ишонмай, Сойиб бува яшайдиган Окмачит ма-ҳалласига бориб, ўзлари кўришди, қарияни зўрлаб турғизмоқчи бўлишди. Туролмаслигига кўзи етгандан кейин идорага қайтишиб, тўпланганларни қир томонга, қишлоқдан уч чақиримча узоқдаги Бечитга арпа ўришга ҳайдаб кетишди. Йўлда бечоралардан икки-учтаси юролмай йиқилиб қолди. Автомати-ни ўқталиб, кечгача мажбурлаб ўроқ ўрдиришди. Сойиб бува ордан икки-уч кун ўтмасдан узилди...

— Бу золимлик-ку! Одамни хўрлаш-ку! Биронта киши қарши чикмади-ми? — деб сўрайман хайрон бўлиб.

— Ким қарши чиқарди дейсан? Қўлида автомат. Финг десанг отаман деб турибди. Қаттиқ замонлар эди. Сизлар нимани кўрибсизлар.. Айтишга осон...

Бугун шахсга сиғиниш қурбонлари ҳақида ўйлаганимда беихтиёр ана шу бахтиқаро одамлар кўз ўнгимда жонланади. Улар ҳақида ҳозир «40 миллион киши репрессияга учради» деб ёзаяпмиз. Қирқ миллион! Бу совуқ рақамлар ортида эса қирқ миллион тирик жон, қирқ миллион тирик одам, қирқ миллион тақдир турибди. Улар Абиш бува, Сулаймон бува, Сойиб бува, Мухтор ака, Зовурбек ва бошқа миллион исмга эга бўлган сизу бизга ўхшаган орзуманд одамлар эди. Улар ҳам инсонга бир мартагина бериладиган ҳаётда эрққа, муҳаббатга, озод меҳнат нашидасига муяссар бўлиш учун дунёга келган эдилар. Ўз юртининг мовий осмони остида, юксак тоғларидаги шарқирама булоклари сувидан ичиб, кўкка сапчиган асов дарёларидек жўшқин ва эркин яшаш, билак кучи билан боболар масканини гуллайтиб-яшнатиш уларнинг ҳам муқаддас орзуси эди... Бир оғиз сўз, биргина беписанд буйруқ билан бутун бошли халқ қувғинга учраб, мисли йўқ кулфатлар, хўрликларни бошдан кечирди. Уларни ҳатто суд ҳам қилиб ўтирмадилар. Ҳеч қандай далил-исботсиз шафқатсиз таъғга босилди: «Ватанга хиёнат қилган!» Тамом-вассалом!.. Бундай оғир қисмат бошқа кўпгина туркий халқларнинг бошига ҳам ёғилди. Қрим татарлар, болқорлар, қорачойлар, меҳсетилар, қабардинлар, ингушлар бошига тушган мусибатларни вақти келиб ёзувчилар, шоир ва муаррихлар қаламга олса ажаб эмас. «Бу халқларнинг гуноҳи нима эди?» деган шафқатсиз савол ҳали кўп юракларни зирқиратади.

Энди қрим-татарларнинг қисматига боғлиқ ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берай.

1983 йилнинг сентябрида илк марта Қримга келиб, Кўктўба (Кўктепа — Кўктебел)даги ижод уйида дам олган эдим. Қрим-татарлари ҳали батамом «оқланмаган», шунинг учун улар ўз она юртларида деярли кўринмасди. Қозонлик машҳур олим, фан доктори Аброр Қаримуллин билан танишиб қолдик. Қўнларимиз тарих муаммолари, туркий тилларнинг қадимийлиги ва бу борадаги сохта илмий талқинлар, адабиёт, маданият ҳақида мароқли суҳбатлар, баҳслар билан ўта бошлади. Кўп масалаларда фикрларимиз, қарашларимиз бир жойдан чиқиб, кадрдон бўлиб кетдик. Ҳозир ҳам хабарлашиб, хат ёзишиб тураимиз. Бир қуни Аброр оғанинг шогирдларидан бири — янглишмасам Омск педагогика институтида рус тили кафедраси мудири бўлиб ишлайдиган профессор Рафик Музаффаров йўқлаб келди. У киши асли қримлик экан. Ундан-бундан гаплашиб ўтириб, вақт алламаҳал бўлганда меҳмон кетиш тараддудига тушиб қолди. «Ётиб қолинг, жой топамиз», деганимизга қулоқ солмади. Қистайверганимиздан кейин ноилож тан олишга мажбур бўлди. «Қримга рухсатсиз келган эдим. Агар эрталаб чиқиб кетмасам, билиб қолишса, ҳеч қандай судсиз, терговсиз икки йилдан тўрт йилгача кесиб юборишади. Махсус комендатуранинг рухсатсиз Қримда 48 соатдан ортиқ туришга ҳаққимиз йўқ. Хотиним Феодосияда яшайди. Ҳозир бориб, уни кўраман, эрта билан хайрлашиб, йўлга тушишим керак», — дейди бечора олим. Мен бу гапни эшитиб, тахта бўлиб қотиб қолдим. Дунёдаги «энг адолатли, инсонпарвар» тузум бўлган Совет Иттифоқида одамлар бу даражада таҳқирланиши мумкинлигини сира ақлимга сиғдираолмасдим. Унгача қримликларнинг фақат мухторияти йўқотилган, ўзлари яшаш учун бўлмаса-да, дам олишга бемалол келиб-кейтиб юрса керак, деган содда тасаввурда эдим. Рус тили ва адабиётини тарғиб қилувчи йирик мутахассис лоақал тирноқча имтиёзга эга бўлмагандан кейин бошқаларни қўяверинг!..

Шунда қримлик бўлиб кетган кекса украин кишидан (у урушгача Ўзбекистонда яшаган, боғбон, ўзбек тилини яхши билади, тасодифан танишиб қолганмиз) бу масалага қандай қарашини сўрадим. У, албатта, энсаси қотиб, истар-истамас жавоб берди:

— Татарлар қайтиб келишига қарши эмасмиз. Чўл зоналаримиз бор, ўзлаштириладиган ерлар кўп. Аммо улар илгари яшаган жойларини талаб қилишяпти, биз кўрсатган ерга боришни хоҳлашмаяпти...

Қаранг-а, ноҳақ қувғин қилинган бечора ўз киндик қони тўкилган юртига келиши, туғилган гўшасида «ўз уйим — ўлан тўшагим» деб тинчгина яшаши

мумкин эмас. Уларни ҳайдаб чиқариш пайтида буйруқ каттик бўлган. 24 соат ичида бутун Қрим ярим оролида битта ҳам қрим-татар оиласи колмасин, дейилган. Қизил вагонларни қаторлаштириб қўйишган. «Ватанга садоқат билан хизмат қилишга» қасамёд қилган аскар болалар милитк ва автомат ўқталиб, «сотқин халқ»нинг нолаи-зори, оху фарёдига қулоқ солмай машъум буйруқни ўз вақтида беками-қўст адо этишган. Темир йўлга яқин хонадонлар, қишлоқлардаги аҳоли биргина имтиёз — кўпроқ буюм, кийим-кечак, озик-овқат олишга улгуришган. Олис жойларда, тоғларда яшайдиганларга битта одам кўтариши мумкин бўлган микдорда юк олишга рухсат берилган, сўнг машиналарга босиб, темир йўл бекатларига ҳайдаб келишган. Қаерга олиб кетишаяпти, неча кун йўл юрилади, шароит қандай бўлади — ҳеч нарса айтилмаган, улар билан одам сифатида муносабатда бўлиш тақиқланган.

Бундай вазиятда иложсиз одамлар нима қилиши мумкин? Имкон борича иссиқ кийимларни кийиб, бугдойми, жўхори, қўноқми — ишқилиб егулик нарсаларни, биров бир қоп, биров ярим қоп кўтаришга ҳаракат қилишган. Уни ҳам уйда дон-дун асраганлар олишган. Бугун бизга ўхшаб магазинга термулиб ўтирадиганларнинг аҳволи нима кечганлигини тасаввур қилаверинг! Йўлда очлик азобидан кўп одам қирилиб кетган. Булар ҳақида менга журналист, шоир Абдулазиз Валиев ҳикоя қилиб берди. Ана шу қора кунда у тўрт яшар бола экан. У ўзича «исён» кўтарган. Аскар болаларнинг қўлидан юлқиниб чиқиб, далага қочган, орқасидан қувганларга эпчиллик қилиб тутқич бермаган. Шунда... ёш болага қараб автоматдан ўқ узишган. Омади бор экан, ўқ фақат сонини ялаб ўтган, йиқилиб қонга беланиб, чирқираб йиғлаб ётган болаини кўтариб келиб машинага улоқтиришган...

Яхши нарсанавис сифатида танилган Айдер Осмоновнинг эслашича, бу машъум эшелон бир неча кеча-кундуз йўл юриб, Қозоғистон чўлларидан ўтаётган пайтда ғалати хабар тарқалиб қолибди: «Бошимизга тушган бу қулфатлар душманларнинг кирдикорлари экан. Булардан Сталиннинг хабари йўқ экан. У бу ҳақда эшитиб қолиб, дарҳол орқасига қайтарилсин, деб буйруқ берипти!» Ҳамма хурсанд. Улуғ дохийни алқаб, неча кунгача уй-уйимизга қайтамиз, деб умидвор бўлиб юришган экан. Бечора оққўнғил одамлар! Уларни олдинда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шафқатсиз қийноқлар қутмоқда эди. Поездга талатўп қилиб босиш пайтида биров отасини, биров онасини, биров боласини йўқотган, ака укадан, опа сингилдан айри тушган эди. Уларни Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон чўллари бўйлаб, ҳар ер-ҳар ерга бўлиб-бўлиб ташлаб кетаверишган. Ким қаерга тушган бўлса, фақат шу жойда яшаши мажбурий эди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, қариндош-уруғларини қидириб топиш, хат ёзишиш мумкин бўлмаган. Буларнинг ҳаммаси эса ана шу халқларни батамом йўқ қилиб юборишни кўзлаб, олдиндан пухта ўйлаб тузилган режа асосида амалга оширилганини яққол кўрсатиб турибди.

Қримдаги туб аҳоли қувғин қилинган, туркий номлар билан аталувчи қишлоқлар, кўча-кўйлар бутунлай ўзгартириб чиқилган. «Насиб кўй» деган маъмур, обод қишлоқ «Насипное»га, «Жана кўй» (Янги қишлоқ) деган машхур жой эса «Жанкой»га айланган. А. С. Пушкин ва бошқа рус шоирлари шеърларида тилга олинган, тарихий қимматга молик «Ўтуз» (Ўттиз) қишлоғи «Шепетовка» деб аталадиган бўлган. Бу номлар кимга халақит беради дейсиз? Мақсад — ярим оролдан қрим халқининг бутунлай изини, номи-нишонини қуритишга қаратилган. Энг даҳшатлиси, Ўтуз қишлоғидаги муслмон қабристонини бузиб, текислаб, ўрнига чебурекхона қуришибди. Инсон авлодини, хотирасини бу даражада топтаб, оёғости қилишга... ҳатто Қримни маълум вақт забт этиб турган немис-фашистларининг ҳам қўли бормаган...

Қримнинг келажаги қандай «ҳал қилинган»? СССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари А. Н. Косигиннинг юқори доирадаги раҳбар ўртоқларга йўллаган маълумотномасида ёзилишича, Давлат Мудофаа Қўмитасининг 1944 йил 12 августдаги махсус фармонида мувофиқ Қримга 17 минг хўжалик — 51 минг жон қўчириб келтириш мўлжалланган. Шундан 14 минг хўжалик — 42 минг жон РСФСР (асрсан, Воронеж, Орлов, Брянск) вилоятларидан, 3 минг хўжалик — 9 минг жон Украинадан кўчирилган. 1944 йилнинг 10 октябрида бу фармон ортиги билан бажарилган — 17.082 хўжалик — 64.902 жон 85 эшелонда ярим оролга келиб жойлашган. Улар билан бирга



819 рахбар ходим, жумладан 165 колхоз раиси, 125 кишлоқ совети раиси, 148 ўқитувчи, 33 врач, 57 комбайнчи, 223 тракторчи, 14 механик, 37 агроном ва 17 зоотехник юборилган. Умуман, фармонда 769 мутахассис жўнатиш кўзда тутилган.

Кримликларнинг бўшаб қолган уйлари (биринчи навбатда денгиз ёкала-рига, албатта) ҳалок бўлган денгизчиларнинг оилаларига ва эвакуациядан қайтганларга берилган. 1500 оила Жанкой, Евпатория, Колай каби чўл ра-йонларига жойлаштирилган (Уларга нақд жаннат — курорт шаронти, тоза ҳаво, тиник сув ваъда қилинган бўлса керак.) Келганларнинг аксарияти боғ ишлари, айниқса, узумчиликдан бутунлай беҳабар бўлганлиги учун боғбончи-лик сирларини махсус ўргатишга тўғри келган. Шу йўл билан ўша йилги ҳосил зўрға саклаб қолинган. («СССР тарихи хрестоматияси», М., «Просвещение», 1991, 2-жилд, 514—515-бетлар).

Бу ишларнинг ҳаммаси урушда қатнашаётган қрим-татар жангчиларидан қаттиқ сир тутилган. Ғалабадан кейин бу фожиаларни билган бечора аскар-ларнинг — қахрамонлар, шавкатли нишондорларнинг ҳолатини кўз олдингизга келтиринг! Бундай савдо ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Уларнинг Ватан олдидаги хизматлари заррача инобатга олинмаган — шафқатсизларча қувғин-га дучор этганлар. Бўйсунмаган, ҳақиқат, адолат талаб қилганлар отиб таш-ланган ёки қамоққа олинган.

Энди билсам, олис болалигимдан бошлаб шахсга сиғиниш қурбони бўлган минглаб бахтиқаро одамларга дуч келган эканман. Гарчи қариндош, яқинин-гиз бўлмаса-да, ноҳақлик, адолатсизлик жабрини тортаётган кишиларнинг азобларига лоқайд қараб туролмайсиз-ку! Ҳар нечук мен ўша оғир йилларда қандайдир бир ички туйғу билан кишлоғимиздаги чеченлар душман эмаслигини дил-дилдан сезган эдим. Бу ўринда, отамдан эшитган гапларнинг таъсири кучли бўлган, албатта.

## 2. ҚИШЛОҚ — ЗУЛМ ОСТИДА

Оиламизга қайтайлик. Ҳузур момамни — онамнинг ойисини яхши эслай-ман. Ҳамма оксоч бувилардек мунис, меҳрибон кампир эди. Ун бир кизни бир ўзи қийналиб бокиб ўстирган, тўй қилиб, турмушга чиқарган эди у. Момам билан бувам жуда оқибатли, меҳр-шавқатли одамлар бўлганини икки оғизгина айтиб ўтай. Улуғ Ватан уруши йилларида минглаб рус оилалари, етим болалар юртимиздан паноҳ топгани ҳаммага маълум. Момам кўл учида кун кўришганига қарамай, Петя (биз «Петка» дер эдик) деган ота-онасиз рус боласини асраб олади. (Мен уни яхши эслайман. Кўзлари кўк, ўзи новчадан келган. Уйдаги майда-чуйда юмушларга қарашарди, кунда бир-икки челақ сув ташир, ҳар заманда ўзига тенгқур болаларга қўшилиб даладан ўтин орқалаб келарди. Мактабда ҳамма қатори ўқирди. Ўзбекчани яхши биларди.) Уруш тамом бўлгандан кейин Петкани ҳеч ким дараклаб келмади. Бир куни момам «Петка-ни ўзимга ўғил қилиб оламан» деб қолди. Қариндошларнинг эътирозига қара-май, ош дамлаб, ўзича кичкина тўй қилди, мўйлови чикиб қолган йигитнинг қўлини ҳалоллади. Петка шундан кейин ҳам момамнинг уйида яшаб юрди-ю, аммо барибир вафо қилмади. Қўлидан айни иш келадиган пайтда ҳеч кимга билдирмай, уйдан кетиб қолди. Кейин сира қорасини кўрсатмади. На ўлиги, на тиригидан дарак бўлмади. Унинг бадар кетганига ҳеч ким ачинмади. Садқаи сар! Аммо оғир кунларда бошини силаган, очлик-муҳтожликда авайлаб асра-ган, одам қаторига қўшган кекса кампирга бир оғиз раҳмат демай кетгани ҳаммамизга алам килди.

Яқинда уйда гаплашиб ўтириб, Петкани эслаб қолдик. Мен унинг беоки-батлигини қораладим. Шунда отам бошка бир воқеани айтиб берди:

— Петкани кейин Искандарда кўриб қолдим. Эғнида янги кастим-шим. Аяғида яхши ўтик. «Ассалому алайкум Абдулла почча», — деб олдимга келди. «Магазинларга гўшт ташийман, ишларим зўр бўлиб кетган», деди. Эллик сўм қарз сўради. «Уйга гўшт обориб бераман», — деб ваъда қилди. Ишониб, инда-май бериб юбордим. Шу бўйи кўрганим йўк. Маниям алдаб кетган, ярамас.

Момамнинг асранди ўғли — Петка ҳаммамизни ана шундай чув туширган... Оксоқол бувам ҳам бир ўғил болани топиб олган экан. Инкилобдан олдин

бўлса керак — у киши Ниёзбекка (ҳозирги Чирчик шаҳри) бозорга келади. Ишларини битириб, уйга қайтаётганда кўчада йиғлаб юрган ёш болани кўриб қолади. Суриштирса, ота-онасиз, етим экан. Бувамнинг ўн битта қизи бор, аммо ўғли йўқ эди. «Буни менга худо етказди», — деб болани яхши ният билан уйга олиб келади. Исмини Ёқуб қўядилар. Бола улғайгач, комсомол сафига кириб, қишлоқ фаолларидан бирига айланади. Бувам тухмат билан қамалиб кетгандан кейин уни район марказига ишга олишади. Айтишларича, Ёқуб Маҳмудов Бўстонлик туманида илк комсомол котиби бўлган экан.

— Аскар кийимида, қора тўрик от миниб уйга келар эди, — деб эслайди онам. Аммо у бечоранинг умри қисқа экан, аynи қирчиллама пайтида қирчинидан кийилади. «Емоннинг қучи япалокка етибди», деганларидек, 1929 йилда Чотқолдан районга хужум қилиб келган бир гуруҳ қирғизлар<sup>1</sup> уни тутиб олишади ва қўл-оёғидан ушлаб судраб келиб, тириклай Чирчик дарёсига улоқтириб юборишади. Мудҳиш ваҳшийлик! Хумсонлик ва хўжакентлик қариялар бу фожиа ҳақида менга кўп гапириб беришган.

— Раҳбарлар қочиб кетишди. Ёқуб чинор устига бекинган экан, кўриб қолишди. Бечорани чинкириб додлаганига қарамай, ҳаммани кўз ўнгида дарёга ташлашди. Бозор кўни эди...

Бизда мавҳум номаълум жангчини улуғлаш, унга рамзий ҳайкал тиклаш одати бор. Байрамларда пионерлар унинг пойига гуллар қўйиб, хотираси учун бир лаҳза сукут сақлаб туришади. Митинг ўтказилади. Баландпарвоз сўзлар айтилади... Қисмати аччиқ фожиа билан тамом бўлган, ўз даври ғоялари учун садоқат билан хизмат қилиб ўзига яраша қаҳрамонлик кўрсатган Ёқуб Маҳмудовнинг эса на қабри, на номи-нишони қолган. Мен бир неча йил олдин — 1970 йилнинг 1 январиди «Совет Ўзбекистони» рўзномасида босилган «Мангулик» номли мақолада бу жасур комсомол ҳақида анча батафсил ёзган эдим. Йиллар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди, аммо Ёқуб Маҳмудов ҳамон номаълумлигича қолиб келмоқда. Ҳеч ким унинг хотирасини эслаш ёки бирон-бир тарзда абадийлаштириш ҳақида жиддий бош қотиришни ўйлагани ҳам йўқ...

Адамнинг ойиси — Умри аҷам<sup>2</sup> жуда эрта вафот этган экан. Марҳум буваларим ҳақида негадир жуда эҳтиёт бўлиб гапиришар эди. Сабабини кейин билдим. Адамнинг отаси — Абдуовит халфа бувам нафаси ўткир домла бўлган. Жунуни кўзиб, занжирга солиб келтирилган телбаларни тутга боғлаб қўйиб, узоғи билан бир ҳафта деганда тузатиб юборар экан. Ўзига келган бемор халфа бувамнинг оёғига йиқилиб: «Айланай тақсир, мени ким бу ерга олиб келди? Қайси қишлоққа келиб қолдим ўзи?» деб йиғлар, оғир дарддан қутулганини билгандан кейин бир умр миннатдор бўлиб юрар экан. Жомбой қишлоғида яшайдиган қозоқлар илтимос қилишиб, у кишини имомликка сўраб олишади. Бахиллик, ҳасад аралашганми, ким билсин, Абдуовит халфа бувамини ана шу қишлоқда номаълум одамлар кечаси бўғиб ўлдириб кетишади...

Онамнинг отаси — Маҳмуд оксоқол ҳам Хумсондаги нуфузли кишилардан бўлган. Уни икки марта қамокқа олишади. Биринчи гал — йигирманчи йилларнинг охирларида бўлса керак, қишлоқда мачит солдиргани учун Беркин бува билан бирга қамашади. Оксоқол бувамнинг ўғли бўлмаганидан, «тўй қилиб беролмадим, юртга савоби тегсин» деб ўз маблағи ҳисобига мачит қурдирган экан. (Болалик пайтимизда бу ниҳоятда баланд, усти тунука билан ёпилган мухташам бино қолхоз омборига айланган эди, кейинчалик ташландик ҳолда қолиб, бузилиб кетди.) Замонанинг зайлини қарангки, Маҳмуд оксоқолнинг бу улкан ҳимматини қадрлаш, эъозлаш ўрнига унга қамокни раво кўришади! Устига-устак, у киши ана шу қувғин кезларида: «Қамокда бўлсак ҳам муслмончиликдан чиқиб кетганимиз йўқ, намоз ўқиб, тоат-ибодат қилиб турибмиз, кўриб қўйинглар», деган мазмунда атайлаб, таҳорат пайтида суратга тушган экан. Ўзингизга маълум, тирсақ ювилаётган вақтида қўл букилиб, юкорига қўтарилади, панжалар беихтиёр тугилиб, чеккага ёки қулоқ олдига келиб қолади. Ана шу сурат Маҳмуд оксоқолнинг иккинчи марта қамалишига

<sup>1</sup> Бу ўринда гап миллатда эмас. Тўғри йўл тополмасдан адашиш ҳамма халқларда ҳам бўлган. Уларни тўғри тушуниш керак.

<sup>2</sup> Анжа — Хумсон шевасида буви, момо.

«асос» бўлади. Илк сургун муддати тугагандан кейин бувамга Хумсондан 50 чақирим узокликда туришга рухсат берилади. У Байтқўрғон кишлоғини танлаб, дехқончилик қилиб, умр ўтказа бошлайди. Табиийки, шу ерда колхозга ҳам кирган бўлса керак. 30-йилларнинг катағон кезларида хумсонлик «фидойи актив»ларнинг чақувига кўра у яна ҳибсга олинади. Бу гал уни босмачиликда айблашади. Далил — бояги сурат! «Мана кўринг, бу киши асли муштумзўр. Ўла-ўлгунимча советга қарши курашаман деб кўлини мушт қилиб турибди!» Буваларим етти оғайни бўлган. Кишлоқда уларни «тошотар»<sup>1</sup> деб аташган. Бу ғалати лақаб ҳам Маҳмуд оксоқолнинг зарарига хизмат қилган. Қадимдан булар зўравонлик қилиб, ҳеч кимга кун бермай келган, деб осонгина хулоса чиқарилган. Шундай қилиб, умрида «босмачи» нималигини билмаган, юртни ҳалол бошқариб, кишлоқ аҳлига қўлидан келганича яхшилик қилиб келган одам «халқ душмани»га айланиб, «арзимда» вафот этади. Унинг қабри қаерда қолиб кетганини ҳеч ким билмайди.

Лоақал уч энлик хат билан у кишининг тақдири хусусида хабар беришмаган; шунча сиёсий ўзгаришлар, оқлашлардан кейин ҳозир ҳам бувам ҳақида ҳеч нарсани билмаймиз. Ё ажаб, шунчалик оқлаб бўлмайдиган катта жиноят қилган эканми Маҳмуд оксоқол?!

Яна бир гап. Ўтган йили Москвага ўқишга борган пайтимда СССР Олий Советининг Ҳарбий хайъати (Военная коллегия)га кириб, Маҳмуд оксоқол ҳақида суриштирдим. Махсус картотекани текшириб кўришди.

— Биздаги рўйхатда бундай одам йўқ, — деб жавоб беришди.

Мен ўзимча тушунтирган бўлдим. Навбатчилик қилиб ўтирган ҳарбий зобит:

— Бирон сиёсий партия ёки антисовет гуруҳга кирган бўлса, Давлат Ҳавфсизлик Қўмитасидан сўраш керак, — деб маслаҳат берди.

— Оддий дехқон, кишлоқда муқим яшаган одам бундай гуруҳларни тасаввур ҳам қилмагандир, — деб эътироз билдирдим.

— Ундай бўлса, бу иш «тройка»ларнинг қўлидан ўтган, — деди у.

— Нима бўлганда ҳам қаергадир қайд қилиб қўйишгандир? Қамокка олинган одам шунчалик изсиз йўқолиб кетаверадими?

Зобит елкасини қисди.

— Биласизми, тройкалар қўлидан минг-минглаб иш ўтган. Ҳаммасини суд қилиб, қайднома ёзиб ўтиришга баъзан улгуришмаган, баъзан...

Мана шунақа одамга алам қиладиган гаплар.

(Шу ерда яхши хабарни ҳам айтиб қўяй. Дунёда адолат бор. У қачон бўлмасин, юзага чиқади. Мен бобомнинг қисмати ҳақида Ўзбекистон прокуратурасига хат билан мурожаат қилган эдим. Мазкур қораламаларимни ёзиб битириб, қайта кўздан кечириб ўтирганимда бир мактуб келиб қолди. Ўқиб ҳам сеvindим, ҳам йиғладим. Мана у:

«Сизни Ўзбекистон жумҳурияти прокуратурасига бобонгиз Додимов Маҳмуджонни бедарак йўқолганлиги тўғрисида ёзган аризангиз кўриб чиқилди.

Бобонгиз Додимов М.га нисбатан кўзғатилган жиноят иши қайта кўрилиб, унда жиноят состави йўқ деб топилди, жиноят ишини бекор қилиш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Судига протест келтирилди.

Протест кўрилганидан кейин Сизга бобонгиз оқланганлиги ҳақидаги ҳужжат ЎзССЖ Олий Судидан юборилади.

Ўзбекистон ССЖ прокурори  
катта ёрдамчиси Дерень Т. В.»

Ниҳоят, бувамнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқлиги, ноҳақ катағон қилинганлиги расмий ҳужжат билан тасдиқланди. Худога шукр!)

30-йилларда кичкинагина Хумсон кишлоғида ҳам анчагина «халқ душмани», «ёт унсур» фош этилган. Уларга қўйилган сохта айбларни эшитган бугунги кун одами беихтиёр ёқасини ушлайди. Уста Маҳмуд деган шинаванда киши

<sup>1</sup> Бу лақабнинг илдизини ўйлар эканман, хаёлимга Тошкентда 1893 йилда бўлиб ўтган «Тошотар» кўзғолони келди. Бу ҳақда тарих китобларида ёзилган. Бувам ва амакиларимдан бири бу кўзғолонда қатнашиб, халқ орасида ана шу номни орттирган бўлса ажаб эмас.

чойхонада улфатлари ўртасида ўтирган экан. Давра кизиби, ўйин, аския авжиги чикиб турган пайтда кимдир репродукторни бураб кўрибди. Улуғ дохийнинг навбатдаги нутки ўкиб эшиттирилади экан. Ўтиришдан файз кетмасин, давра совимасин деган максатда (ўзи ҳам кизишиб турган бўлса керак) устанинг оғзидан беихтиёр: «Овозини ўчир, анави... ни» деган сўз чикиб кетибди. Уста Маҳмуд билан бир дастурхонда бирга ўтирган нон кўр килгурлардан бири уни сотади. Тамом! Шу бўйи кишлокқа қайтиш устага насиб этмайди.

Яна бир Маҳмуд исми, умри кўш ҳайдаб ўтиб келаётган оддий дехконлардан бири 'дала йўлида узилиб ётган симни: «Бекор ётибди-ку, хотиним кир ёйишга ишлатар» деган ниятда ҳовлисига олиб келади. (Симни Маҳмуд аканинг томига билдирмай ташлаб кетиб, «телефон симини узиб кетгансан» деб тухмат қилишган, деган тахмин ҳам бор). Шу заҳотиёқ у киши «диверсант»га айланади ва камокқа олиниб, дом-дараксиз бўлиб кетади. Ҳомиладор хотини вояга етмаган бир тўда кизалок билан чиркираб қолаверади.

Мана шу Маҳмуд ака қисматини қоғозга тушираётган пайтимда беихтиёр оксокол бувамнинг исми ҳам Маҳмуд эканини эсладим. Унгача бу ўхшашлик ҳақида сира ўйлаб кўрмаган эканман. Тасодифни қарангки, бир кишлокда туғилиб ўсган учта Маҳмуд бир вақтда тухматга учраб, бегуноҳ камалса, бекордан-бекорга йўқ бўлиб кетса!.. Бундай адашлар озмунча бўлган дейсизми?!

Хумсонда туғилиб-ўсган машҳур шоир Элбек (Машриқ Юнусов)нинг қисмати ҳам фожиали. У ғирт камбағал, кашшоқ оилада вояга етади. Ерлари йўқлигидан қияликда не машаққатлар билан боғ қилишади, ўрик, бодом, ёнғок ниҳолларини амаллаб кўкартиришади. Бу мевали дарахтларнинг баъзилари хозир ҳам бор, кўпчилиги кесилиб кетган...

Элбекнинг тақдирида М. Горький саргузаштларини эслатадиган жиҳатлар бор. У ҳам болалигидаёқ тирикчилик ғамида уйдан кетишга мажбур бўлади. Тошкентга пиёда келиб, саргардон кезади, кечалари бозордаги аравалар устида ётиб кун ўтказади. Ғариб болага ачинган меҳрибон одамлар уни мактаблардан бирига жойлаштириб қўйишади. Шоир ўз «Таржимаи холи»да ёзишича, бу ерда яхши ўқиса-да, ноҳақликларга чидаб туролмаган, ўқитувчилар билан тез-тез айтишиб қолаверган. Охири бу даргоҳдан ҳайдалган. У «Намуна» мактабига киргандан кейингина ғайрат билан ўкиб, чинакам билим олишга эришади. Шеърлар ёзиб, матбуотда кўрина бошлайди. Айниқса, масаллари тез тилга тушади. 20-йиллардан бошлаб Элбек таниқли ижодкор, йирик мураббий, тилшунос, фольклоршунос олим сифатида ном қозонади. Унинг ўнлаб ҳикоя, шеър тўпламлари, адабиёт ва она тили дарсликлари тўхтовсиз босилиб турган. Ана шу камбағалдан чиққан, инқилобни чин дилдан олқишлаган, ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликларни севиниб куйлаб умидланган маърифатпарвар шоир, куюнчак инсон ҳам катагон замонда «халқ душмани»га айланади.

Шоирнинг камалиш кезлари ҳақида бизнинг тарих ўқитувчимиз, кекса мураббий Нишонбой ака Юсупов бир вақтлар гапириб берган эди:

— Бир иш билан Тошкентга тушсам, дўконда Элбекни янги китоби сотилаётган экан. Номини эсимда йўқ — «Совға»ми, «Болалар кўшиғи»ми эди. Юпкагина китоб. Ичида расмлари кўп. Дарров сотиб олдим. Йўлда ўкиб келдим. Ичида бир ғалати шеъри бор экан. Сира эсимдан чиқмайди:

*Янтоғингни ёғи йўқ, лаққа шиқилдоқ,  
Одамингни соғи йўқ, лаққа шиқилдоқ...*

Шуни ўқиганимдаёқ юрагим жиз этди. «Аттанг, Элбек акаям камалиб кетадиган бўпти-да. Жуда ёмон шеър ёзипти-ку!» — деб кўнглимдан ўтди. Тахминим тўғри чиқди. Салдан кейин Элбек «миллатчи», «халқ душмани» деб камокқа олинганини эшитдик...

Тухматга учраган шоирнинг оиласига ҳам тинчлик бўлмайди. Табиатга қизиққан Олимжон деган укаси шу пайтда Тошкентда ўкиб, ишлаб юрган эди. Унинг бошига ҳам қора кунлар тушади. «Халқ душмани»нинг укаси деб ишдан бўшатиб қўйишади. Тирикчилик ўтказиш оғир. Бировга мадад берадиган мард йўқ, ҳамма ўзидан кўркиб қолган. Олимжон ака кўп идора, ташкилотларга

<sup>1</sup> «Нафосат» журналининг бош муҳаррири, таниқли файласуф олим Тилаб Маҳмудовнинг отаси.

бош уриб боради. Хеч каерда уни ишга олишмайди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлиб, жонидан тўйган ёш йигит тергов маҳкамаларидан бирига ўзи кириб бориб: «Мени камокка олинглар, мен халқ душмани Элбекнинг укасиман», деб талаб қилади. Йўқ. Уни қамашмайди. Шафқат қилишади. «Ишга олинсин, ақаси учун укаси жавобгар эмас» деган ҳужжат қилиб беришади.

Олимжон ака Хумсондаги мактабда табиат фанларини ўқитиб юради. Касбига меҳр қўйган фидойи ўқитувчи эди. Синф шароитида тирик қурбакаларни ёриб, ички аъзолари, асаб тузилишини бемалол намойиш қилаверарди. «Халқ душманининг укаси» деган тамғадан барибир қутулмаган экан, эллигинчи йилларда эсан қора қуюнлар унинг боши узра яна айлана бошлади. Хайрият, бу гал ҳам у қамалмайди, аммо ишдан ҳайдалиб, қишлоқдан бадарға қилинади. Олимжон ака кўп йилларгача бошқа юртларда мусофир бўлиб яшаб, муаллимлик қилиб юрганни ўзим яхши биламан.

Элбек камокда — Магаданда ўпкаси шамоллаб ўлган, деган хабарлар бор, аммо Давлат Хавфсизлик Кўмитаси берган ҳужжатда у киши ҳам Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар билан бир кунда — 1938 йил октябрь ойида отилган деб кўрсатилган... Кичик тоғ қишлоғининг оташин фарзанди ана шундай оғир қисматга дучор бўлди. Буни ҳаммамиз алам билан эслаймиз. Элбек ижодини тўла рўёбга чиқариш, хотирасини абадийлаштириш учун ҳали кўп ишлар қилиш зарур.

Хумсонда Холик Сафоев деган ўтган. Паҳлавон келбатли, бақувват киши экан. Қишлоқ фаолларидан бўлган. (Махфий ходим эди, деган мишмишлар ҳам бор). Ҳаммага гапини ўтказиб юрган... Ана шу Холик оқсоқолни тоғнинг ичкарасидан — Хумсондан йигирма чақирим олисдаги Бўғичалпак деган манзилгоҳдан ушлаб олиб кетишади.

— Хўжакентдан ёлғиз келаётган эдим, — деб эслайди отам. — Чинорда бир гуруҳ отликлар учраб қолди. Биттасига Холик ака минган. Оёғида чўқай.<sup>1</sup> Мени кўриб: «Абдулла укам, мана, навбат менга ҳам келди. Олиб кетишяпти. Қайта кўришамизми, йўқми, билмадим. Яхши қол», деди. Шундагина гап нимадалигини англапман. Эртаси куни хайр-хўшлашиб қолай деб Хўжакентга тушсам, шаҳарга ҳайдаб кетишган экан.

Шу кўйи Холик оқсоқол қишлоққа қайтмади. Унинг гуноҳи нима эканини ҳалигача ҳеч ким билмайди.

Бувамнинг амакиси — Аҳмад мингбошига ҳам «босмачилик ҳаракатида қатнашган» деган катта айб қўйилган. 20-йилларнинг олағовур пайтида Чоққолда яшайдиган бир гуруҳ қирғизлар «Советни ағдарамиз» деб Бўстонлик тумани марказига — Хўжакент қишлоғига ҳужум қилишиб, анча-мунча алғовдалғовга сабаб бўлган эди. Шунда уларга кўшилмоқчи бўлган бир гуруҳ хумсонликларни Аҳмад мингбоши: «Бир-икки қоврак кўтарганга ишониб, ҳукуматга қарши туриб бўладими? Бу ҳукуматни енгиб бўлмайди», — деб зўрға тўхтатиб қолган экан.

Келиб-келиб, шу одамга «босмачилик» тамғаси ёпиштирилганини қаранг! Уни Олтинтепада отишган дейишади. Фалакнинг гардиши деб шуни айтишади-да.

Жўра исмли киши чойхонада ўтириб: «Янги чопон кийсам юрт қўймайди, эски чопон кийсам бит қўймайди!» деб қизиқчилик қилиб мақол айтиб қолади. Эҳ, бечора бобо! Тилингизни тийиб юрсангиз бўлмасмиди?! Ахир тил югуриги бошга дейишади-ку!

Ҳам чойхоначилик, ҳам қассоблик қилиб зўрға тирикчилигини ўтказиб юрган Нормат аканинг ўргатилган «Қорақўз» исмли ов қуши бор экан. Уни олиб кетишаётганида ҳам ана шу қушини қўлидан қўймаган. Билагига қўндириб олиб: «Гаҳ, Қорақўз. Е сани бахтингга келди, ё мани бахтимга келди!» деб нола қилган экан бечора!.. Бу кишиларга ҳам она юртини қайта кўриш насиб этмаган.

Жуман мўйлов (дугторни сайратиб юборадиган ўнг қўлини урушда майиб қилиб қелган) мўнди<sup>2</sup>нинг ичига озгина буғдой солиб қўйган экан, кейин эси-

<sup>1</sup> Улоқ терисидан тикилган оёқ кийими.

<sup>2</sup> Кичкина хум.

дан чикиб ховлида қолиб кетипти. Тасодифан мўндининг ичига сув тушиб, ивиган буғдой униб, кўкариб қолипти. Ғалла излаб юрган «Обискачлар»<sup>1</sup> хонадонини тит-питини чиқариб юрган пайтда бояги мўндини топиб олишади, ўзбекчани чала-чулпа гапирадиган рус бошлик кўкарган буғдойни хидлаб кўриб:

— Ҳрани хиди келади, — деган экан, энсаси котиб турган чапани Жуман мўйлов: «Яхшилаб хидла, онангини хиди келмаяптими?» деб сўжиб қолади. У ёғи ўзингизга маълум. Жуман буванинг омади бор экан, олти ой ётиб, қишлоққа омон-эсон қайтиб келади.

Қанок раиснинг тақдири ҳам жуда аянчли. У киши оккўнгил, раҳмдил киши бўлган экан. Очарчилик пайтида юрт қирилиб кетаётганига нидай одмасдан уруғлик буғдойни одамларга едириб юборади. (Кўкламда бошқа жойдан топиб келармиз, деган нияти бўлган, албатта). Аммо катагон замонда яхшилик билан ким ҳисоблашади дейсиз? Унга ҳам «синфий душман», «кўпоровчи» каби даҳшатли айблар қўйишади. Қанок акани, яна икки хумсонлик — Аҳмад Миркаримов, Замит акалар билан бирга олиб кетишаётган пайтда хўрлиги келган раис: «Бегона юртларда йўқ бўлиб кетгандан кўра ўлигим ўз қишлоғимда колсин, лоакал қариндош-уруғим қафанлаб кўмади-ку», деб нидо қилиб, кўприқдан ўзини пишқириб оқаётган ўғам дарёсига ташлайди. Аҳмад ака ҳам унга эргашади. Қий-чув, тўполон кўтарилади. Сокчилар уларни қочқин ҳисоблаб ўк ота бошлайдилар. Бир ўк Қанок раисга тегеди. («Дарёнинг усти қонқора қон бўлиб кетди», — деб эслайди одамлар.) Югуриб боришиб ҳариккисини ушлаб олишганда Қанок ака ҳаётдан кўз юмган эди. Аҳмад акани эса барибир камашади...

Хумсонликлар Матмуса деган кишини кўп тилга олишади. Жуда ҳазилкаш, кизикчи одам экан. Урушда ҳалок бўлган. Ана шу киши замон бузилиб, одамларнинг боши алғов-далғовлардан чиқмай қолгани ҳақида ғалати бир нақл тўқиган: «Япалоққуш инда ширин хаёл суриб ётган экан:

— Нонуштага човлини<sup>2</sup> есам...

— Тушликка қарчиғайни есам...

— Кечкурун кирғийни есам...

Шу пайт ногоҳ кирғий бостириб келиб, япалоққушни гип бўғиб олибди. Бечора япалоққуш: «Ўз уйингда тинчгина хаёл суришгайм қўйишмайди-я. Қандай замон бўлди ўзи бу?» — деб фарёд кўтариб, кирғийга ем! бўлар экан...»

Бу нақлни илк бор эшитганимда Гулханий яратган «Зарбулмасал» қаҳрамонларидан бирининг номи халқ орасида яшаб келаётганидан хурсанд бўлдим, аммо ундаги теран мазмун, ўтқир мажоз юрагимни зирқиратиб юборган эди.

Сиртдан беозор кўринган бу нақл билан Жўра бува айтган мақолнинг маъзини яхшилаб чақиб, уларни туғдирган каттол замонни кўз олдингизга келтириб кўринг. Даҳшат! Мудҳиш йиллар, мудҳиш замон таъриф-таърифини бундан орттириб ифодалаб бўладими? Қаранг-а, янги кийим-бошингиз бўлиб, уни кийсангиз — «бой-қулок»ка айланасиз, камашади, меҳнатга сотиб олганингиз бир пул, эски кийим-бош кийишга мажбурсиз — битга ем бўлиб яшашдан ўзга чора йўқ.

Мана сизга «янги тузум»нинг шарофати. Чидайсиз. Финг деб кўринг-чи! Халқимизнинг:

*Кимга айтиб, кимга йиғлай*

*Бевафо ёр зулмини?! —*

деган мунгли кўшиғи бежиз тўкилган дейсизми?..

Ана шу машъум йилларда «халқ душмани»нинг ёки «домла»нинг бодаларига, невараларига муносабат қандай бўлиши мумкин?! Шунинг учун хонадонимизда «оч қорним — тинч қулоғим» қабилда сукутни афзал билишган, албатта.

Яхшиямки, ота-онамга буваларимдан на ҳовли-жой, на бойлик, на биронта

<sup>1</sup> Қидирувчилар маъносида.

<sup>2</sup> Қушларнинг бир тури.

буюм колган. Ёш етим отамни, Жуман ва Абдуфаттоҳ исмли икки укаси ҳамда Қумри, Латифа деган сингилларини яхши кишилар асраб олишган.

Отам сал катта бўлгач, Хўжакентда турли кишилар эшигида саккиз йил хизмат қилган, кейинчалик бир гуруҳ тенгқурлари билан Тошкент яқинидаги Шўртепада қарол бўлган... Хуллас, бу ғалати тарих. Мавзудан чалғиб кетмаслик учун қисқача айта қолай, кишлоғимизда колхоз тузилганда, отам биринчи аъзо бўлган, оддий колхозчи, яхши ишлаб, бригадирликка, анча йиллардан кейин раисликка сайланган. Замон оғир, юрт нотинч. У вақтдаги раислар маишат қилишу бойлик орттиришни хаёлига ҳам келтиришмаган. Эллигинчи йилнинг охирларида отам раисликдан тушиб, йилки фермасида мудир бўлиб ишлай бошлади. Райондаги эски оғайнилари-ю таниш-билишлари шунда ҳам уйимизни тарқ этишмасди. Бир куни район ижрокўмининг раиси Омонбоев Шукур ака: (уйдагиларнинг ҳаммаси у кишини негадир «Омонбоев бува» деб чақиришарди. Исмини кейин эшитганман.) «Шунча йил раислик қилиб, битта янги пальто олиб киймадинг-а!» — деб таъна қилганини эшитганман. Шундагина отамнинг кийимига разм солиб қарабмиз: эғнида ранги ўчиб кетган фуфайка, пахталик шим, йўғон керза этик... Бутун кишлоқ аҳлининг кўз ўнгида ҳалол меҳнати билан нон топиб, рўзғор тебратгани учун отамга ҳам, ўз навбатида фарзандларига ҳам ҳеч ким ёт унсур — қулоқнинг ёки домланинг боласи, невараси деб дашном бермаган. Ҳарҳолда, ўзим шундай таънани эшитмай ўсганман. Аммо бу «сиёсий» тамға нималигини яхши биламан. Болалик пайтимизда бодринг ёки қулупнай пишганда, тенгқур жўралар билан полизга яшириниб борган, қўлга тушиб, дакки еган пайтларимиз қўп бўлган. (Тўғриси, мени ҳеч ким қоймас эди, аммо ўртоқларимдан ажралмасдим, «жазо»ни баравар тортиш учун кизариб, ерга қараб, ҳамма қатори жим туриб берардим.) Шунда қоровуллар қаттиқ сўқишибгина қолмай, қаттарок болаларнинг орқасига тарс-турс қамчи тортиб юборишарди. Айниқса, битта «охранник» ҳаммани зада қилган эди. Жийрон от миниб, қамчи ўнатиб, қатта-ю кичикка сира кун бермасди. Берухсат на бир боғ пичан, на бир боғлам ўтин олиб бўларди унинг дастидан. Ана шу қоровул: «Ҳа, бой қулоқни невараси!» деб сўққанда, тоқат қилиб туриш кийин эди. «Ҳаммангни қириб юбориш керак! Битта қўймай қаматиш керак ҳаммангни, қулоқни авлодлари!» деб дағдаға қиларди у. Сўқишнинг мазмуни-ю, оҳангига эътибор беринг. «Ҳаммани қириш керак!», «Ҳаммани қамаш керак!» Гўё одамларни қамаш, қириб юборишдан кўра осон нарсаяўқдек дунёда! Гўё гап инсон тақдири устида эмас, арзимайдиган пашша устида кетаётгандек! Бундан ҳам ёмони шу эдики, ана шу қабих ҳақоратларни эшитаётган, қалтақланаётган бола (ёки қатта киши) мутеларча бошини эгиб туришга мажбур эди. Отаси ёки бобоси «қулоқ қилинган» болалар (ва қатталар ҳам) ўзларини давлатга қарши жиноятчиларга ярим шерикдек ҳис қилар, чидашдан, бўйин эгишдан бошка иложи йўқ эди. Ота-боболарининг давлатга душманлиги, аслида нимадан иборат эканлигини билмаса ҳам уларнинг тили қисик, дами ичида эди. Гўё шундай яшайсан, деб манглайига муҳр уриб қўйилгандек! Ана шуниси қатта фожиая эди...

Райондан келган вакилнинг қувғинди чеченларга муносабати билан «охранник»нинг дағдағалари орасидаги яқинликни сезяпсизми? Булар зулм дарахтининг икки хил мевалари, маъмурий-буйруқбозликка, дўқ-пўписаларга асосланган бюрократик идоранинг одатдаги иш услуби, янада очикроқ айтсак — сталинизмнинг аччиқ мевалари эмасми?

Бундан ярим йилча аввал Хумсонда бояги «охранник»ни учратиб қолдим. Саксондан ошган бўлса ҳам, ҳали тетик. Кўчани гурсиллатиб юради, баланд овозда гаплашади. «Ҳа, айланай Сталин, кадринг ўтди-я!» деб астойдил афсусланади у. Унга ҳеч нарсаяўқмайди. Ҳаммаёқни гўё ўғри, муттахам, текинхўр босиб кетган. Сталин йилларидаги қаттиққўликка (яъни маъмурий-буйруқбозлик иш услубига) қайтилмагунча, аҳволни ўнглаб бўлмас эмиш. Сталин ҳамон унинг учун раҳнамо, ноҳақ қораланган даҳо ҳисобланади. Қўйиб берсангиз қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғини қуритишга ҳозир ҳам тайёр у. Осонликча эътиқодидан қайтадиганлар хилидан эмас. Унга ҳеч нарсани уқдириб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайди.

Минг афсуски, Сталин даврини қўмсайдиган одамлар жуда қўп. Тўғри,

улар турғунлик йилларида ҳаётимизда рўй берган ва ҳозир ҳам давом этиб келаётган порахўрлик, ўғрилик, кўзбўямачилик, уюшган жиноятчиликдан ниҳоятда безор бўлганликлари, ундан қутулиш чорасини тополмаётганликлари туфайли нажотни каттиққўлликдан изламоқчи бўладилар. Аммо бу «Сталинча темир интизом» биноти миллионлаб қурбонлар суяги устига қурилганини, халқни, мамлакатни бундай шафқатсиз усуллар билан бошқариб бўлмаслигини, Сталин хатти-ҳаракатлари инсониятга бутунлай ёт эканлигини кўришни хоҳламайдилар. «Шундай каттиқ турмаса, социализм қуриб бўлармиди?», деб машғум қотилликларни оқлаб ҳам қўядилар. Мен мана шу ёлғон тушунчаларга алданиб, ўзини ишонтириб юрган одамларни ҳам сталинизмдан мерос қолган аччиқ мевалар деб ҳисоблагим келади.

Якингинада ҳамқишлоқлардан бири милициядаги бемаъниликлардан нозир бўлиб гапирар экан, ҳеч қутилмаганда «Сталин тартиблари»ни қўмсаб қолди. У киши олтишидан ошган. Мен ётиғи билан: «1933 йилдаги очарчиликни эслайсизми?» — деб сўрадим.

— Ие, нега эсламайин? Жуда оғир бўлган эди. Қўп одам бекорга қирилиб кетган. Уйма-уй юриб, кимни буғдойи бўлсин, арпаси бўлсин тартиб олиб кетаверишган. — У хумсонлик икки-уч кишининг исми-шарифини айтди. (Мен улар ҳақида килгай ҳам эшитганман, баъзилари ҳаёт. Майли, ҳозир улар кимлигини ошқорла қилмай қўяколай. Мавриди эмас. Одамнинг юзи иссиқ.) — Биз Қўрғонтошда яшар эдик. Мен бола эдим. Дўдам беланги бўлиб, ўрнидан туролмай ётиб қолганди. Ярим қоп тариқни тўшак ичига солиб, тагига тўшаб, бекитиб қўйган эдик. Шуниям сезиб қолишиб, бизни биғиллаб йиғлаганимизга қарамай олиб кетишган. Хайрият, бошқа ерда тошлар орасида ўрага қўмилган буғдойимиз бор эди. Қидириб топишолмади. Керак бўлганда ўзим яширинча бориб, оз-оздан олиб келиб турдим. Шундай қилиб пишиқчиликка амаллаб етганмиз...

Мана шу киши — очарчиликда зўрға омон қолганига қарамай, Сталин даври яхши эди, деб мактайди. (Уни ҳам тўғри тушуниш керак. 22 ёшли навқирон ўғлини — ёш совхоз ишчисини милиция капитанининг арзандаси енгил машинада босиб ўлдириб кетди. Эркатой ўғилда лоқал ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам йўқ эди. У, ҳуқуқшунослар тили билан айтсак, бирданига икки жиноят содир этди: машинани қонунсиз ҳайдади, оқибатда бегуноҳ бир йигитнинг ҳаётига зомин бўлди — қотилга айланди. Айбдор бегона киши бўлганда борми, қонун химоячиси — капитан нима қилишини ўзи биларди-я! Аммо совет қонунчилигидан кўра фарзанд манфаати — шахсий манфаат қучли экан, мана, икки-уч йилдан ошдики, мазкур иш солинган ҳужжатлар ҳали у идора, ҳали бу идора ўртасида сарсон-саргардон. Аслида, бу ерда бош қотирадиган нарсанинг ўзи йўқ. Бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган киши машина ҳайдаб қўчага чиқди — қоида бузилди, у қўлга тушса жазо олиши керакми? Устига устак, қоидабузар бировни босиб ўлдирди — бу ёғи энди жиноят. Совет қонунчилигига кўра уни қамаш кераклигини ҳаммадан кўра шу соҳанинг нонини еб юрган капитан яхши билади-ку! Ҳа, билади, фақат унга амал қилишни хоҳламайди. Шунинг учун ҳам у мансабини суиистеъмол қилиб, ўғлининг гуноҳсизлигини исботлаш учун тинимсиз елиб-югуриб юрибди! Бу ерда ҳақиқатан ҳам ўта адолатсизлик, манфаатпарастлик бор. Аммо бундай қонунбузарлик ҳоллари Сталин даври тартибларини қўмсашга асос бўла олмайди.)

Қатагон даврларни ҳадеб соғинганларга машғум очарчилик йиллари воқеаларини эслатиб туриш керакка ўхшайди.

Матбуотда келтирилган маълумотларга қараганда, 30-йилларда фақат очарчилик туфайли СССРда 13 миллион одам қирилиб кетган. Инглиз ёзувчиси Ж. Конквист Украинада рўй берган даҳшатлар ҳақида «Мусибатлар ўрими» номли ҳужжатли асар ёзган ва одамни ларзага солувчи кўплаб далилларни келтирган. (Бу асар «Новый мир» журналинда босилиб чиқди). Афсуски, Ўзбекистондаги очарчилик ҳақида деярли тузукрок асар ёзилгани ёки ишончли маълумотлар келтирилганидан хабаримиз йўқ. Қозоғистондаги фожиалар ҳақида эса фақат айрим рақамлар айтилди, холос. Шунга кўра, бу жумҳуриятда 3 миллиондан ортиқ одам очликдан қирилиб кетган. Худди ана шу даврда, 1930—32 йилларда Совет Иттифоқи 12 миллион тонна ғаллани чет мамлакатларга сотган. (1927—29 йилларда 2,5 миллион тонна ғалла четга чиқа-



рилган, бу рақам йил сайин ошириб борилган.) Ана шу ғалланинг учдан бир қисми қолдирилганда ҳам жануб жумхуриятлари ва Волга бўйларидаги аҳоли бу даражада шафқатсиз кўргуликларга дучор бўлмасди. Халқлар отаси буни кўра-била туриб хоҳламаган, сабаби, «ялпи коллективлаштириш»дан манфаатдор бўлмаган ва қўйдек бўйсинишни истамаётган миллионлаб ўзига тўқ одамлар бемалол яшашига у асло тоқат қила олмас эди.

Пухта режалаштирилган жазо машинаси беками-кўст ишлаган. Уйма-уй юриб, кимдан ғалла, дон-дун бўлса, супуриб олиб кетишаверган. Қаршилиқ кўрсатган ёки буғдойни бекитганлар шафқатсиз жазоланган. Коммунистлар, комсомоллар ва бошқа фаоллар бу ишга мажбурий тарзда жалб этилган. Улар ўз вазифасини қандай «ҳалол» бажарганини хумсонлик қариялар яхши эслашади.

Отамни ҳам мажбуран бу отрядга қўшиб, бир марта Нанай кишлоғига юборишган экан.

— Ноилож ахволда қолдик, — деб сўзлаб беради у, — уйма-уй юриб тинтув ўтказдик. Буйруқ — қатъий. Олдин ҳам изғиб ҳаммаёқни шип-шийдам қилиб кетишгани учун бирон уйдан бир қафт ун ёки бир ховуч буғдой чикмасди. Чоғроққина ховлига кирдик. Кекса тожик кампир бир тўда невараларини бағрига олиб, йиғлаб ўтирибди. Ёнида қирқ ёшлар чамасидаги ўғли хўмрайиб турибди. Ичқаридаги хоналарни тинтиб чиқишди, ҳеч нарса топилмади. Мен кирганим йўқ. Бир маҳал бошлиғимиз ховли ёнбошидаги хароб ошхонани кўрсатиб: «Текшириб кўринглар», — деди. Яхшиям кўчада турганим. «Хўп бўлади», — деб шу ёққа жадаллаб бордим. Орқамдан тожик йигит эргашди. Эски тахта эшикни ғийқиллатиб очиб, ярим қоронғи хонага қадам қўйдим. Не кўз билан кўрайки, шундоққина эшик орқасида ярим қоп буғдой турибди. Изма-из кирган уй эгаси қўлимдан ушлаб олди. «Ако, айтманг, айнанай ако, раҳм қилинг, ҳаммамиз ўлиб кетамиз», деб йиғлайди бечора. «Аҳмоқ, — деб овозимни пасайтириб дўқ урдим унга. — Бекитгани бошқа жой тополмадингми? Устига эски бир нарса ташла. Биз кетишимиз билан қурит бу ердан!» Шундай деб ташқарига юрдим. Хумсонлик фаолларимиздан бири энди бу ёққа тумшугини тикмоқчи бўлиб турган экан. «Ҳеч нарса йўқ. Кириб овора бўлма», — деб уни остонадан қайтардим. Ҳаммамиз ховлидан чиқиб кетдик. Ана шу тожик йигитнинг мўлтираб йиғлаб туриши сира эсимдан чиқмайди.

Бу воқеа бир бахтли тасодиф. Ҳамма ҳам отамга ўхшаб раҳм-шафқат қилиб ўтирган дейсизми? Хумсоннинг ўзида уйма-уй кезавериб одамларни жонидан бездириб юборишган экан. Балки ортиқча ғаллани мусодара қилишиб, жон бошига етадиганини қолдиришгандир, деб ўйларсиз. Қошки шундай бўлса? Кўзга кўринган унми, кўноғу арпами, ҳатто кепакни ҳам қолдиришмаган. «Хўш, бу бечоралар кейин нима ейишади?» деган савол ҳеч кимни қизиқтирмаган. «Буларнинг ҳаммаси муғомбир. Ўрага ғаллани кўмиб, яшириб қўйишган» деган қатъий ишонч ҳукмрон бўлган.

— Айниқса, Бўстонлик туманига Москвадан (!) вакил қилиб юборилган Галамусов, Олмаотадан келган Восконов, Эрназаров, олдин милиция бошлиғи, кейин райижрокўм раиси бўлган нанайлик Соли Бобоевларни кўрганда ҳаммамиз зириллаб турардик, — деб эслайди хумсонлик кекса коммунист, фаоллардан бири бўлган Қудрат Акрамов. — Ҳаммасини қўлида узун темир таёк. Девор ораларига, полга, ховлининг дуч келган ерига тикиб, ўра бор-йўқлигини текшириб кўришарди. Шу йили Хумсонда ҳосил яхши битмаганди. Давлат аҳолини боқиш ўрнига еб турган бир бурда нонини ҳам тортиб олиб қўйди.

*Мулла ўра бор,  
Мулла ўранинг тегиди  
Мулла Жўра бор, —*

деб Соли Бобоев ўзича шеър тўқиганди. Мен тажриба даласида ишлардим. Бир кунга 200 грамм ун билан 28—30 дона ёнғоқ беришарди. 14 ёшли Хуррият деган синглим очликдан ўлиб қолди.

— Қишлоқ бўйича қанча одам нобуд бўлган, эслайсизми? — деб сўрайман ундан.

— Мингдан кўп одам ўлди, — деб жавоб беради у. — Бир кунда қабрис-

тонга 10—12 киши кўйилган пайтлар ҳам бўлди. Комсомоллар олиб бориб кўмишарди. Турсунбой ака гўрков эди. Ҳар уйдан камида икки-учтадан ўлик чикди. Қурбонали деган киши боласини сўйиб еб кўйган. Бир сонини пишириб еб ўтирган пайтда кўни-қўшнилар билиб қолишди. Ўласи қилиб дўп-послашди. Эртаси куни ўлди. Хотини олдинроқ очликдан нобуд бўлганди.

Хумсонлик обрўли қариялардан бири Қанок ака Ниёзалиев кўшимча қилади:

— Пўлат деган одам ҳам ўғлини сўйиб еди. Хотини Фароғат кўчадан келса, тўрт-беш яшар ўғли йўқ. Эри бир қозон гўшт қайнатиб ўтирган экан. «Вой-дод, ўғлимни сўйиб кўйипти!» — деб фарёд кўтарган бечора. Бирпасда одам тўпланган. Эрини ўртага олиб, уриб ўлдиришди. Бояқиш хотин фарзанд доғида телба бўлиб қолди. Хей, нимасини айтамиз, укам, одам ўз боласини сўйиб еди-я! Хей, аттанг! Бундақа қаттол замонга баҳо борми?!

Қанок ака шундан бошқа нохуш воқеани ҳам эслади:

— Бир одам, кимлиги ҳозир эсимда йўқ, тугун кўтариб кўчадан ўтиб кетаётган эди. Ичида нони бор экан. Ўспирин йигитлардан бири тугунга чангал солиб, битта нонни олиб қочди. Орқасидан қувдик. Ярамас қочиб кетаяпти-ку, нонни ямлаб оғзига тикади. Охири етиб олдик. Боши-кўзи демай дўп-послашга тушдик. Икки букилиб ерга ётиб олди-ю, калтакни кўрдим демай, нукул нонни оғзига уради, қизталок... Ярмини тортиб олдик, ҳаш-паш дегунча яримта нонни еб кўйипти. «Ўтганинг ўзингники, чайнаганинг гумон» деган замонлар эди-да ўзиям...

— Вакил деганларимиз ҳеч қандай ёрдам бермадимми?

— Қаёқда дейсан? — қўл силтайди Қудрат ака. — Ёрдам ўрнига Галамусов: «Буғдойни сенлар егунча ҳўкиз есин. Ҳўкиз ишлайди. Сенлардан фойда йўқ», — деб сўкарди.

Отам ҳам шунга яқин гапларни кўп айтиб берган.

— Бир куни, саҳарда уйғониб, кўчага чиқсам, оқ кўйлак кийган, бош-яланг, сочлари ёйилган бир тўда аёл эски кўрпага ўралган бир нарсани кўтариб келишаётибди. Ажинами деб ўйлаб, капалагим учиб кетди. Дағ-дағ калтирайман. Кейин эс-хушимни тўплаб, яхшилаб қарасам, Ҳарам маҳаллада турадиган таниш аёллар, жасадни мазорга олиб кетишаётган экан. Шу куни жуда каттик кўрққанман...

У гапиради, мен эса мудҳиш манзараларни кўз олдимга келтириб, жунжикиб кетаман. Одатда мусулмончиликда аёл киши дафн маросимида қатнашмайди. Мурдани қабристонга фақат эркаклар тобутда кўтариб борадилар. Бу ишга аёллар аралашипти, демак, у ёғини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Қарияларнинг айтишича, одамлар очликдан қовоғи, қўл-оёғи шишиб, кўча-кўчада ҳам ўлиб қолаверишган. Мурдани бир амаллаб қабристонга олиб бориб, қўммасдан ташлаб келишган пайтлар ҳам кўп бўлган. Ҳатто ҳовлилардаги ўрага ташлаб, тупроқ тортиб юбораверишган. Бу иш учун тергайдиган, сўраб-суриштирадиган мард топилмаган. Одам зоти шу даражада хор бўлган, топталган.

Отам хўрсиниб, кийнала-кийнала давом этади:

— Не-не паҳлавон йигитлар қачон тўйиб нон ер эканмиз, оғзимиз нонга тегармикин, деб бекорга ўлиб кетишди. Қоровой, Шопўлат, Турғун деган йигитлар кураш тушиб юришарди. Азамат болалар эди. Ҳаммаси очдан ўлди. Оксоқол бувангни амакиси Мирбува бола-чақаси билан қирилиб кетди.

Бу гапларни эшитган ҳар қандай одамнинг юраги ларзага тушади. Жуман амаким муаллим бўлган. Ҳукумат — шафқатни қарангки — ўқитувчиларга оз бўлса-да, ун ва буғдой бериб турган экан. Шу туфайли бир тўда жон тирикчилигини бир амаллаб ўтказган. Кўпчилик онлалар кишлокдан бош олиб кетган. Йўлда йиқилиб қолмай Тошкентга ёки шаҳар атрофларига етиб олганлар тирик қолишган. Бу ерда ҳам аҳвол ҳавас қиладиган даражада эмас эди. Дўстқоровой деган киши катта шаҳарда ҳадеганда иш ҳам, қўним ҳам тополмай, дуч келган жойда тунаб юради. Бир куни кўчада уни тутиб олиб, ҳозирги Бобур парки (илгари «Губир боғ» — губернатор боғи, кейинчалик Киров парки деб аталган) ичига қамаб кўйишади. Тентираб юрган одамларни шу ерда сақлаб, кечаси отиб ташлашар экан. Буни сезиб қолган Дўстқоровой

девордан ошиб қочиб қолади. Кейинчалик шу одамнинг ўзи бу ёвуз саргузашт-ни ҳамқишлоқларига айтиб берибди.

Яна бир гуруҳ одамлар Хумсон атрофларидаги тоғларга чиқиб, ожит, олғи деган ўсимликлар илдизини еб, тирикчилик ўтказади. Бу ажойиб ўсимликлар ҳам кўпчиликнинг кунига ярайди. Халқ орасида кейинчалик шундай кўшиқлар тўкилган:

*Ожит демангиз бизни,  
Уч ой боқармиз сизни.  
Бугдой пишгандан кейин  
Унутиб кетмангиз бизни.*

Ожитнинг илдизи лавлагиникига ўхшаган бўлса ҳам, аммо таъми аччик. Қозонга сув солиб, ёғоч қўйишган, устига ожитни териб чиқиб, сувни қайна-тишган. Ожит бугда пишиб, аччиғи йўқолган, кейин уни худди паловга ўхша-тиб дамлаб ейишган. Аммо қуруқ илдизнинг кучи қанчага етарди дейсиз? Кўп одамлар ноиложликдан кунжара еб, шишиб ўлган.

Шу йиллардаги оғир мусибат Гул хола ҳаётида шафқатсиз из қолдирган-ки, бу ҳақда алоҳида айтмаса бўлмайди. Маҳмуд оксоқолнинг укаларидан бири — Мулла Аъзам жуда чапани, дангалчи бўлган экан. У дарё бўйида чойхона очади. Қамбағал, бечораҳол одамларни, етим-есирларни тўплаб, ўз ҳисобидан боқиб ётади. Хумсонда Олим қозининг қароргоҳи бор эди. У хос хизматкорлари ва амалдорлари билан юрт айланиб, манзилга қайтаётганда Аъзам ака ҳатто ўрнидан ҳам турмасдан, ёнбошлаб ётган кўйи: «Ҳа, мурид овлаб келяпсанми? Хуржунинг тўлдими?» — деб заҳарханда гап қотар, қози ҳар қанча ғазабланмасин, гинг демай ўтиб кетар экан. Гул хола ана шу мулла Аъзамнинг қизи. Очарчилик йилларида иккита нораста ўғли бўлган. Эри Темир ака билан тоққа кетаётганларга қўшилиб, Дудисойга боришади ва бир неча кун олғи, ожит билан кун кўришади. Ҳар кун тирикчилик машаққат бўлиб бораверади. Нон йўқ, овқат йўқ. Қишлоққа қайтмаса, очликдан ўлиб кетишларига кўзи етган Гул хола йиғлаб-сиктайди. Темир ака сал илгари бугдой ўғир-лаб қўлга тушиб, юзи шувит бўлгани учун Хумсонга қайтишга унамайди. «Бор, қетсанг кетавер, биз тирикчилигимизни тоғда ўтказаверамиз», — деб болалари-ни ҳам олиб қолади. Гул хола судралаб, тинка-мадори қуриб, шу кезларда Хўжакентда супуруғчилик қилиб юрган Хузур моманинг олдига бир амаллаб етиб олади. Кўп ўтмай, тоққа гиёҳ излаб борган одамлар Дудисойнинг Ўғам дарёсига қўшилиш жойида, Мачиттош деб аталган катта тош ёнида, улкан ёңғок остида Темир ака икки ўғли билан ўлиб ётганини кўришади. Бечоралар бир-бирининг пинжигга кириб ғужанак бўлиб қолишган экан. Ен-атрофда Мирбува ҳамда яна бир неча хумсонликларнинг мурдаси... Жасадларни бир ерга йиғиб, устига тош қалаб қўйишади. (Бу фожиалардан беҳабар жияним Ҳамидулла — у ўрмонбеги бўлиб ишлайди — яқинда менга Дудисойда сочилиб ётган одам суяқларини кўриб кўрқиб кетганини гапириб қолди.) Гул хола очарчиликдан омон чиқди. Бора-бора ғам-ғуссаларини унутгандек бўлди. Урушдан майиб бўлиб қайтган Азивой ака (асли Азизбой бўлса керак) билан турмуш қурди. Аммо қайта фарзанд кўриш унга насиб этмади, бири икки бўл-май яшади. Хўрлиги келиб йиғлайди. Мудҳиш кунларни қарғаб ўзини овутади: «Боламни биттасини судраб бўлсаям олиб келмайманми, мен коквош», — деб манглайига муштлайди бечора.

Бир вақтлар юрт қозисини писанд қилмай, гуриллаб юрган мулла Аъзамнинг ёлғиз туёғи умрини ана шу тарзда забун ҳолда ўтказди.

«Ўтган кунингни унутма, ҳўл чорифингни қуритма», деганларидек, бу машъум даврларни кўмсаб, соғиниб юрганлар: ана шуларни ҳам бир эслаб қўйсин. Биз бошида мурдалар устига иморат солиб юборганмиз. Энди уни бузиб, тозалаб, қайта қурмагунча қосамиз оқаришига ишонмайман.

Уруш даври ёки ундан кейинги йиллар яхши ўтган дейсизми? Тўғри, ҳарбу зарб пайти, юрт бошига ташвиш ёғилган кунларда фаровонлик, маъмурлик йўқолиши табиий. Ана шу оғир кунларни тасаввур қилиш учун мажбурий со-ликлар тартиби билан танишайлик. Қишлоқдаги ҳар бир хонадон 530 сўм

харбий солик, 52 кг гўшт, 16 кг ёғ (бир сигир хисобига), 2 дона тери, кишлок хўжалиги солиғи, заём (200 сўмдан 1000 сўмгача), 32 дона тухум тўлаши шарт бўлган. Моли йўқлар гўшт, ёғ, тери, тухумни сотиб олиб беришган. Тўловдан бош тортганлар қамалган. (Одамларнинг эслашича, кўрпача ичидаги пахтани тортиб олишган пайтлар ҳам бўлган.) Юрт чайкалиб турса, эркаклар жанггоҳда бўлса, шунча солиқни тўлаш шўринг кургур аёллару қариялар учун нақадар машаққат эканини ўйлаб кўринчи! Лекин халқимизга раҳмат, ана шу оғирликларнинг барчасига чидади, урушда енгиб чиқайлик, фашистга қул бўлмайлик, деб қанча қийинчилик бўлмасин, индамай гарданида кўтарди. Ана шу сабот-матонат туфайли ёв енгибди, бўлмаса унинг техникасига бас келиш осон эмас эди. Шу ўринда халққа мадад берган, уни офату балолардан сақлаган яна бир омил борлигини айтишим керак. Бу — ер. «Халқлар отаси» ҳар қанча золим, шафқатсиз бўлмасин, колхоз аъзоларини шахсий томорқа хўжалигидан маҳрум қилмаган эди. Қишлоқ аҳолисининг ҳаммасига 25—30 сотих (баъзиларда 50—60 сотихгача) атрофида ер берилганди. Уруш йилларида ҳам, ундан кейинги оғир тикланиш чоғида ҳам асосий тирикчилик ана шу томорқадан олинган зиғирдек ҳосил ҳамда мева-чева ҳисобига ўтиб турди. Юқорида тилга олинган солиқлар ҳам шу туфайли катта қулфат келтирмади. Ҳар бир кишлокда бир неча тегирмон, жувоз тинимсиз ишлаб турар эди. Томорқада етиштирилган буғдой ёки жўхорини тортиб ун қилиш, зиғир ёки кунжутдан мой олиш учун ҳамиша имконият бўлган. Мен ана шу қаҳатчилик йиллари билан ҳозирги «фаровон» кунларимизни хаёлан кўп киёслаб кўраман. Бошқа жойларни билмадим, хумсонликларда ҳозир деярли ер йўқ (Хрушчев даврида тортиб олинган), тегирмону жувозлар аллақачон бузилиб кетган. Ҳар томонлама давлатнинг қўлига қарам бўлиб қолганмиз. Шу шароитда... Ишқилиб тинчлик бўлсин, бу ёғи ўзбекчилик, бундан бошқа нима ҳам дея оламиз?

Отам урушдан кейин бўлиб ўтган бир ғалати ҳодисани айтиб берган. Баҳор пайтида вилоят маркази Чимкентдан<sup>1</sup> бир қозоқ вакил Хумсонга келипти. Қлубга аҳолини тўплаб, узундан-узоқ нутқ сўзлапти. Табиийки, биров тушунган, биров яхши тушунмаган. Сўзининг охирида «мамлакат жағдайини жақсиллаш ушун бир данадин жумуртка (тухум) берасиндар, уни кузда жиғиб аламиз. Кузгешейин бир жумуртка бир товуқ бўлади», депти. Одамлар келиб рўйхатга ёзилаверипти. Биров битта, биров ўнта, яна бири: «тухум ҳам гап бўптими, кузгача топиб берамиз-да, менга юзта ёзиб қўй», — деб хатга тиркаб қўйибди. Вакил ҳеч нарса олмай, хайр-хўшлашиб қайтиб кетибди. Кеч куз бўлганда у бояги рўйхатни кўтариб, кишлокка қириб келибди. Халойиқ тўплагандан кейин қоғозни олиб ўқишга тушибди:

— Фалончи — Нурматов Тожибой, ўнта тухумга ёзилганмисиз?

— Ҳа, ёзилганман.

— Ўнта тухумдан ўнта жўжа чиқади. Битта жўжа кузгача бир кило гўшт қилади? Қилади, 10 кило гўшт топшириб қўйинг!

Одамларнинг эҳсонаси чиқиб кетипти. Аёллар йиғлаган, қарғаган, додлаб шовкин солган, аммо фойда йўқ. Баъзи «ватанпарварлик» қилиб элликта, юзта тухум ёздириб қўйганларнинг шўрига шўрва тўкилган.

— Соғин сигирларини сотиб берганлар ҳам бўлди, — деб афсусланади отам. Аммо ҳеч ким: «Ҳой, оғайни, мен товуқ эмас, тухум бераман. Ана юзта тухум, раҳмат деб олиб кетавер. Бунақа найрангни бошқа жойда қил, бу ерда ўтмайди», — деб айтишга журъат қилмаган. Сабаби, инқилобдан кейинги ҳисобсиз зўравонликлар, қатағон, қама-қамалар одамларни мутеликка, ноҳақликка қўниқишга мажбур қилган. Уларнинг вужудига, қон-қонига манқуртлик иллоти ва каттанинг гапини икки қилиб бўлмайди, деган сохта тушунчалар, йиллар давомида зўрлаб сингдириб борилган эди-да!

Бугун буларни фақат афсус билан эслаймиз.

<sup>1</sup> Уша пайтда Хумсон Жанубий Қозоғистон — ҳозирги Чимкент вилоятига қараган.

### 3. ЗАМОНАВИЙ МАНҚУРТЛАР

Энди сталинизмнинг қалбларда ҳамон яшаб келаётган маънавий асо-  
ратлари ҳақида гаплашайлик. Кўрдингизки, шахсга сиғиниш баҳонасида сиз  
билан анча-мунча дардлашиб олдим. Сиз ҳозир: «Булар-ку ўтмишда бўлган,  
бугун замон бошқача, энди ким такрорлайди бундай иллатларни?», — деб  
эйтироз билдиришингиз табиий. Аммо шошилманг. Атрофга яхшилаб разм  
солиб кўринг-чи, ҳамма нарса ўзгариб, дориламон замон бўлиб кетганмикин?  
Одамлар ҳар жиҳатдан фаол, сиёсий етук, саводхон, барча муаммоларни  
мустакил ҳал қиладиган бўлганмикин? Бошлиқларимиз ҳам шароитга қараб  
иш тутамиз, режани ўзимиз тузиб, етказган маҳсулотларимизга ўзимиз эғалик  
қиламиз, деб марказни-ку қўйиб тулинг, лоақал ўз туманидаги раҳбарлар  
билан таллашиб-тортишаяптимикин? (Мен урчиб кетган бошқа иллатлар ҳақи-  
да гапирмай қўя қолай.) Хўш, ўйлаб кўрдингизми? Энди айтинг-чи, шунча гап-  
сўзларга қарамай, аҳвол нега ўзгармаяпти? Бунинг асосий сабаби нимада?  
Асосий сабаб, минг афсуски, яна биз қурган янги тузум иллатларига бориб  
тақалади. Одамлар кўпдан бери мустикал ўйламайдиган, бирон масалани ўз  
майлича ҳал қилмайдиган бўлиб қолишган. Улар оддий ижрочилар, буйруқни  
итоаткорлик билан бажарувчи замонавий қуллар даражасига тушириб қў-  
йилган. Юқоридан буйруқ берилдими — тамом! Беками-кўст адо этиш керак!  
Қани, бажармай кўринг-чи!

Гапим курук бўлмасин учун Бўстонлик шароитидан иккитагина мисол  
келтираман. «Турғунлик» йилларида хумсонлик қариялар ўзаро маслаҳатла-  
шиб, аҳолидан пул йиғиб, материал тўплаб, ҳашар йўли билан қабристон  
чеккасига бир иморат қуришган эди. Бу ишга Мирзахмат бува, Қанок ака,  
Холик ака, Икром ака, Аъзам бува, Қабир бува ва бошқа кўплаб отахонлар  
бош-кош бўлишган. Қабристон обод бўлсин, зиёратга келган одамлар бир зум  
ўтириб ҳордик чиқарсин, деган яхши ниятдан бошқа мақсаду манфаат йўқ эди  
бу ерда. Хуфиялардан бири дарров райкомга буни етказган, албатта. «Хумсон-  
да мачит солишди. Диний саркитларни авж олдиришмоқчи». Ряснова деган  
мафкура котибаси бор эди. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир де-  
гандек, битта таппак кўтариб бели оғримаган бу «саводхон» опамиз: «Қани,  
мачитни бузмаганингни кўраман» деб оёғини тираб туриб олди-ку! Бу гапни  
эшитиб, бир-икки маҳаллий раҳбарларга: «Иморатни бузмаглар, жуда қў-  
йишмаса, кишлоқнинг музейига айлантиринглар. Ахир Хумсондан озмунча мўъ-  
табар одамлар чиққанми? Мехнат ва уруш ветеранлари тўлиб ётибди-ку! Ҳеч  
бўлмаса, шуларнинг таржимаи холини ёзиб, сурати билан осиб қўйинглар»,  
деб кўп илтижо қилдим. Улар-ку кўнишди. Аммо сохта «фидойи»лар ҳукм  
сурган даврда тўғри маслаҳатга ким қулоқ соларди? Охири раиснинг кўзига  
фирка билети азиз кўринди, шекилли, ўзи тепасида туриб, иморатни зўрлаб  
буздириб ташлатди. У-ку буйруқни бажарди, бошқа иложи йўқ эди. Аммо  
бутун кишлоқ аҳолиси бу мудҳиш воқеага индамай қараб, лоқайд кузатувчи  
бўлиб турди. Биронта одам ёвузликнинг олдини олай деб майдонга тушишни  
хоҳламади.

Қизиғи шу бўлдики, қабристондаги иморат бузилгандан кейин шўро  
раисининг қўл-оёғи ишламай қолди. У анча вақт даволаниб, зўрға ўзига  
келди. Бир неча йил ўтгач, динга муносабат ўзгарди, «Мен атеистман!» деб  
кўкрагига уриб юрган саводсиз ходимлар мансабидан учиб кетди. Вазият  
тинчигандан кейин... шўро раиси ана шу қабристонда яшириқча жон сўйиб,  
хайри-худойи қилди. Мен бу гапни у кишини қоралаш учун айтаётганим йўқ.  
Ихлос қўйган экан, отасига раҳмат. Аммо ранс шу ноҳақ буйруқ берилган  
пайтнинг ўзидаёқ халққа таяниб, район раҳбарларига: «Кўпчиликнинг мех-  
нати сингган иморатни буздирмайман. Халқ шунга талаб қилаяпти», — деб  
қатъий айтиши, одамларни оёққа турғазини мумкин эди-ку! Мумкин эди!  
Лекин у буни қила олмади. Амал ширин кўринди.

Эшитишимча, фақат кишлоқ домласи — Мирзахмат бува (Холик оксо-  
колнинг ўғли) норозилигини айтиб у ёқ-бу ёққа югуриб, одамларни кўта-  
ришга уриниб кўрган экан. Аммо унинг ҳақли талаби тошбағир бульдозер-  
ларнинг шовкини остида қўмилиб кетади. Шўро раиси унга дўқ-пўписа қи-  
либ, аралашманг дейди, қария қулоқ солмагач, шу ерда ҳозир у нозир

бўлиб турган милиция бошлиғига... домлани камокка олишни буюради. Кўй-дек ювош одам — Мирзаҳмат бува шу куннинг ўзидаёқ домлаликдан туширилади, уни қария деб сийлаб ўтирмайдилар. «Жамоат тартибини бузган» домла жарима тўлаб зўрға қутулиб чиқади. «Ўйнашмагил арбоб билан...» деб шуни айтадилар-да!

Раснова эса шундан кейин ҳам бир неча йил райком котиби сифатида хотиржам ишлаб, ҳаммага ақл ўргатиб юрди. У ана шу нобоп қилмиши учун ҳалигача ҳеч қандай жазо олгани йўқ.

Иккинчи воқеа Бўстонликқа қуриш мўлжалланган янги завод жоғросига боғлиқ. Бу ҳақда матбуотда кўп ёзилгани, кўп шов-шувлар бўлиб ўтгани ҳаммага маълум. Шунинг учун барча тафсилотларга тўхталиб ўтирмайман.

Бояги шўро раиси билан ана шу кезларда яна бир тўқнашишга тўғри келди. «Бекорга ҳаракат қилиясизлар. Кучинглар етмайди. Завод барибир қурилади», деб насихат қилди у. Мен ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимни айтган бўлдим, у киши эса ҳамма раҳбарларга хос беписандлик билан истар-истамас эшитди. «Халқ соғлиғига, табиатга зарар етадиган бўлса, ҳукумат сираям қурмайди. Бекорга ваҳима тарқатяпсизлар!»— деб қатъий хулоса чиқарди у. Чирчикдаги кимё заводлари, «Капролактам»ни эслатдим. Шунда, Шўро раиси... хотиржам ҳолатда: «Тўғри, бу иш хато бўлган. Аммо у... турғунлик йилларида (!) қурилган», деса бўладими? Шароитга мослашиш, замонавий сўзлар, ибораларни илиб олиб, ўз фойдасига ишлатиш маҳоратини кўринг! Эсимга тушса, ҳали-ҳали ҳайратда қоламан. Мен жонимдан ортик севганим Бўстонлик худудида манқуртнинг мана шундай замонавий нухасини учратаман, деб сира ўйламаган эдим. Ахир, зиддиятга тўла ана шу кунларда биз нима учун елиб-югурдигу, бу киши аравани қаёққа тортмоқчи? Бунчалик ўжарлик, итоаткорлик билан нимага эришмоқчи у?

«Юкори» раҳбариятга ёқаман деб халқдан, оммадан ажралиб қолгани, кўпчиликнинг хайрли мақсад-интилишлари йўлида «ўтиб бўлмас» тўсикқа айлангани ва охир-оқибатда буларнинг ҳаммаси ўзига тавқи лаънат бўлиб қайтишини нега ҳис қилмайди у?

Тўғри, уларни ҳозирча суяб турадиган «баланд тоғлари» бор. Шуларга орқа қилиб, кўнглига ёққан номаъқулчиликдан қайтмай юришади. Аммо бу баланд тоғлар абадий эмаслигини, бир куни улар кулаб тушиши ва фақат ҳақиқат, эзгулик йўлида қилинган яхши ишларгина одамлар дилида яшаб қолишини ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди... Бояги шўро раисининг ўз ихтиёри билан амалдан кетганига ҳам икки-уч йил бўлиб қолди. Ҳозир ҳамма қатори пиёда юрибди. «Садоқатли» хизматлари учун на бирон нишон, на бирон унвонга эга бўлди.

Мен хизмат бурчини фақат юкоридан берилган буйруқни қулоқ қокмай ўз вақтида итоаткорлик, садоқат билан бажаришдан иборат деб билган ва бундан бошқа ҳамма нарсани (жумладан, кўпчиликнинг фикри, хошиш-истагини) писанд қилмайдиган «махаллий раҳбарча»ларни ҳам сталинизмнинг аччиқ мевалари деб ҳисоблайман. Ана шуларнинг фаолияти, «холис хизмати» туфайли бугунги кишлоқлардаги кўпчилик аҳоли ташаббуссиз, лоқайд, ижрочи оломонга айланиб қолди.

Айтмоқчи бўлганим иккинчи мисол ҳам юқоридаги мулоҳазаларга боғлиқ. Бўстонликда СССР Олий Советининг депутати Турсуной Қозоқова яшайди. Ўзи оддий ўқитувчи. Халқ унга юксак ишонч билдирган. (Аслида, унинг номзодини ким тавсия этган, сайлов қандай ўтган — буниси бизга қоронғи. Ҳарқалай, туман аҳолиси «фақат шуни сайлаймиз, бошқа одамнинг кераги йўқ» деб оёқ тираб олмагани аниқ)

Ана шу депутат Олий Совет мажлисларидан бирида замонамизнинг улғу олими, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг толмас қурашчиси академик Сахаровни «фош қилувчи» дарғазаб нутқ сўзлаганини биламиз. Шунда Иттифокнинг турли ўлкаларидан Қозоқовани кораловчи мактублар, телеграммалар ёғилиб кетди. Улардан бир қисмини олис Нанай ўлкасидан келган кекса депутат аёл Майер мажлис аҳлига кўрсатди ва Бўстонлик туманидан сайланган нотикқа (ҳа, у фақат нотик, русча, ўзбекча, тожикча, қозоқча сўзлашни билади, аммо афсуски, ҳеч қандай жамоат арбоби эмас) қарата: «Оламга машҳур олим ва

жамоат арбобини халқ номидан лаънатлаш учун сенга ким ҳуқуқ берди?»— деб дангал хитоб қилди. Тўғри гап ҳаммага ёқади. Зал гулдурос қарсақлар билан Майерни олқишлади. Мен шу мажлисни депутат Қозоқова учун инкироз нуқтаси, катта шармандали ҳодиса деб биламан. Хўш, шундан кейин нима бўлди? Бирон-бир жойда депутатнинг ана шу ноҳўя чиқиши қораландими? Унинг хатти-ҳаракатларига баҳо берилдими? Лоақал сайловчилардан биронтаси матбуот орқали ёки жамоатчилик йигинида сўзга чиқиб: «Бизга бундай депутатнинг кераги йўқ. Уни чақириб олиб, ўрнига бошқа муносиб одамни сайлаймиз!»— деган масалани кўтардими? Йўқ! Нега? Нима учун?! Бу саволлар устида жиддий бош қотириш керак.

Шу мажлисдан кейин Ўзбекистонда кўп нохуш воқеалар рўй берди. Бўстонликнинг шундоққина биқинидаги Паркент туманида бегуноҳ одамларнинг қони тўқилди. Атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаш, Орол хавзасидаги танг вазият, нарх-наво, жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволи, Фарғона, Ўш, Бўка фожиалари ва ҳоказо долзарб масалалар ҳақидаги кескин баҳс-мунозаралар ҳамон давом этиб турибди. Аммо... ўша машҳур нотик, оламга таниқли олимни кунпаякун қилган «дадил», «муросасиз», «адолат курашчиси» бўлган депутат Қозоқова қани? Нега у жумҳуриятимизнинг қайноқ ҳаётига аралашмайди? Етилиб, пишиб турган муаммоларимизни ечишга ҳисса қўшмайди? Дардларимизга дармон бўлмайди? Ўзбекистон жумҳурияти учун олий мажлисда академик Сахаровни қоралашдан кўра, ҳеч бўлмаганда, болалар ўлими кўплиги жихатидан жаҳонда биринчи ўринда туришимизни айтиб, бу кулфатни йўқотиш учун мадад, амалий чора-тадбир белгилашни талаб қилиш муҳим эмасмиди? Лоақал она сифатида Қозоқова ана шу муаммони кўтариб чиққанда, ҳамма «отангга раҳмат, бор экансан-ку»,— деб бошига кўтарган бўларди-я!

Олий мажлисда мана-ман деган депутатларимизнинг ҳам сўз олиши осон бўлмаяпти. Шундай экан, минбарга чиққан халқ номзоди, ҳеч бўлмаганда, ўз сайловчиларининг дардини айтиши керак эди-ку! «Отилмаган соққон ҳам бошга тегади, ҳам кетга» деганларидек, ўйламай, орқа-олдига қарамай айтилган гап фақат ношуд депутатнигина эмас, бутун халқимизни иснодга қўйди.

Хуллас, гапираверсак гап кўп, дардларимизни айтиб, адо эта олмаймиз... Бу ерда ҳам, нафсиламбирини айтганда, аслида ўзимиз айбдормиз. Номзодни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, танлаб олганимиз йўқ. Сайлов пайтида «менга нима, сайланса сайланибди-да, бориб шаҳар олиб берармиди?» деганга ўхшаб лоқайд қарадик. Сайлов жараёни қандай ўтаётгани, ҳужжатлар қандай расмийлаштирилаётганини назорат қилиш ҳаёлимизга ҳам келмади. Мана, энди ёв ўтгандан кейин қиличимизни қаерга чопишимизни билмай, ҳайрон бўлиб юрибмиз.

Ҳозир депутатларимизнинг фаолиятсизлиги, масъулиятсизлиги ҳам сталинизмдан қолган иллат деб осонгина хулоса чиқариб, ҳазин ўй-кечинмаларимга нуқта қўйишим мумкин эди. Анча-мунча гапларни айтиб, кўнглимни ҳам бўшатиб олдим чоғи. Аммо бошқача йўл тутишни лозим топдим. Қани, бир сарҳисоб қилиб кўрайлик-чи, Октябрь тўнтаришидан кейинги шунча қурбонлар эвазига, талофотлар, йўқотишлар эвазига нимани қўлга киритдик? «Жаҳон инқилоби қиламиз», «буржуйлар, бой-помешчикларни, қулоқларни битта қўймай кириб битирамиз» деб не-не одамларни қамаб, йўқ қилиб, охир-оқибатда қаерга етиб келдик? Магазинлардаги қуруқ пештахталару, осмону фалакка чиқиб кетган нарх-наволар ва арзиманган маош учун боболаримиз қон тўккан эдими? Нега жаҳондаги барча давлатлар, жумладан, неча йиллар сўқиб, махв этиб келганимиз «жирканч, ўлиб бораётган капитализм» мамлакатларидан садақа сўраётгандек ёрдам оладиган аҳволга тушиб қолдик? Хўш, буларнинг ҳаммасига фақат Сталин айбдорми? Балки бу ерда бошқа сабаблар ҳам бордир? Бундай оғир саволларнинг мағзини чақиб кўрсак, мудҳиш манзаралар кўз ўнгимизда қайта жонланади ва хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам тарих қаърига чуқурроқ назар ташлашга мажбур бўламиз.

Кейинги уч-тўрт йил ичида Сталин ва унинг атрофидаги гуруҳ томонидан амалга оширилган даҳшатли, мудҳиш қирғинлар ҳақида жуда кўп ёзилди. Ленин ўлмаганда ҳаёт бошқача бўларди, чинакам социализм мезонлари бузилиб кетди, деган гап қайта-қайта айтила бошланди. Хўш, шу фикр тўғрими? Борди-ю, Сталин ўрнига тарих саҳнасиغا Троцкий, Бухарин, Дзержинский ёки

Зиновьев чикканда шафкатсиз террор юз бермасмиди? «Еппасига коллективлаштириш», «кулоқларни синф сифатида тугатиш», «халқ душманлари»ни битта кўймай охиригача фош этиш» каби антика шиорлар кун тартибига кўйилмасмиди? Алданган, содда оломон, Сталин ўрнига бошқа бир даҳо шаънига олқишлар, мадхиялар ёғдирмас эдими? Ўша дахшатли йиллардаги қирғинлар фақат бир кишининг пўлат иродаси ёки хатосигагина боғлиқ эмас, аксинча биз кўкларга кўтариб мактаган ва дунёда ягона деб ҳисоблаган тузум табиатидан келиб чиқмасмикин? деган савол эса кўпчиликни безовта қилмади. Тўғри, хозир марказий матбуот бу масалага қайтиб, анча кеч бўлса ҳам асл ҳақиқат илдиэларини очиб беришга дадил киришди. Инсоният тарихида мисли кўрилмаган шафкатсиз террор Совет ҳокимияти илк қадам кўйган кезлардан бошланганини кўрсатувчи ҳужжатлар, мақолалар эълон қилинди. Шу жиҳатдан Халқ Комиссарлар Советининг илк фармонларидан бирини кўздан кечириш зарар қилмайди: «Қора денгиз флотининг Бош Комиссарига контрреволюцияга қарши курашиш учун кўрсатма.

26 ноябрь (9 декабрь) 1917 йил.

Юқоридан буйруқ кутиб ўтирмасдан халқ душманларига қарши қатъият билан курашинг. Калединлар, Корниловлар, Дутовлар — қонундан ташқари деб ҳисобланади. Контрреволюцион кўзғолон раҳбарлари билан ҳар қандай музокара олиб боришни қатъиян тақиқлаймиз. Даъво-талабларга мардона революцион ҳаракатлар билан жавоб беринг...»

(«Совет ҳокимиятининг декретлари», 1-том, 160-бет).

Бу — аслида анча «юмшоқ» буйруқ. Аммо у бир қанча жиҳатлари билан эътиборга лойиқ. «Халқ душмани» деганда кимларни тушуниш керак? (Аслида, халқнинг чинакам душмани ким ўзи?) Чор армиясининг кўмондонлари билан урушни, қон тўкишни тўхтатиш учун музокара олиб борилса, мамлакат ва халқ манфаатларига, қолаверса, эл-юртга Озодлик, Ер, Тинчлик ваъда қилиб майдонга чиққан Совет ҳукумати талабларига айнан мос келмайдими? Қарангқи, илк қадамлардаёқ ёлғон, зиддият уруғи сепаиб борилган. Шиорларга одамларни маҳлиё қиладиган сўзлар ёзилган, амалда эса бутунлай тесқари иш тутилган. Зўравонликка асосланган юқоридаги буйруқнинг ҳар бир сатридан қон томчилаб турганини сезиш қийин эмас. Ана шундай кўрсатмалардан яна бири «Новый мир» журналининг 1991 йил 1-сонида босилган А. Авторхоновнинг «Ленин Россия тақдирида» номли мақоласида эълон қилинди. Унда ёзилишича, 1921 йил 11 июнда ВЦИК номидан барча маҳаллий ташкилотларга қуйидаги буйруқ юборилган экан:

«1. Ўз исмини айтишдан бош тортган фуқаро ҳеч қандай судсиз шу жойнинг ўзида отиб ташлансин.

2. Қурол яширган қишлоқ одамларини гаровга олиш ҳақида ҳукм эълон қилинсин, қуролни беришдан бош тортганлар отиб ташлансин.

3. Бандитни ўз уйига яширган оила аъзолари камокка олинсин ва губернадан бадарга қилинсин, бундай оиланинг бошлиғи шу жойнинг ўзида судсиз отиб ташлансин.

4. Бандитнинг оила аъзолари қочиб кетган бўлса, мол-мулки Совет ҳукуматиға садоқатли деҳқонларға бўлиб берилсин, уйи ёндириб юборилсин». (174-бет).

Беихтиёр бошқа ҳодиса эсимға тушади. Туркистон халқларини қон қашатган чор жаллодларидан бири генерал М. Д. Скобелев Болгарияда туркларға қарши шафкатсиз уруш олиб борганини яхши биламиз. Ана шу конхўр генерал, ҳар қанча золим бўлса-да, қатлга доир ҳукму қарорларни суд орқали ижро этган экан. Рассом В. В. Верешчагиннинг «натура»дан расм чизгиси келиб қолиб, асирликда бўлган икки албан йигитини дорға осиб ўлдиришни илтимос қилади. Улуғ ижодкорға текин томоша керак. Чизадиган расми жонли, «ҳаётий», «табиий» қиқса бас. Худди: «Эчкига жон қайғуси, кассобға ёғ қайғуси» деганларидек. Скобелев бунга дарҳол рози бўлади, аммо қон кечиб, қон тўкиб юрганига қарамай, масалани ҳарбий дала суди ҳукмиға ҳавола қилади. Кейин эса бошқа бир кўнгилчан рус зобитининг илтимосиға кўра тутқунларға омонлик беради. Адолатсизлик қилгиси келмайди. Ана шу воқеа билан юқоридаги фармонни киёсланг. Айниқса, биринчи бандға эътибор беринг: «Ўз исмини



айтишдан бош тортган фуқаро ҳеч қандай судсиз шу жойнинг ўзида отиб ташлансин». Бу буйруқ мислсиз зўравонлик, шафқатсизликлар учун кенг йўл очиб берапти-ку! Ахир шубҳа остига олинган фуқаро ким, касб-кори нима, бировга жабр-зулм қилганми, янги ҳукуматга қарши бўлганини исботлайдиган далиллар борми? Булар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Исми-шарифини айтмаса бас, отиб ташланаверади! Инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилувчи шунга ўхшаш фармонлар туфайли миллионлаб гуноҳсиз одамлар қириб ташланган. Қўрамизки, бизнинг «инқилобчилар» золимликда чор жаллодларини ортда қолдириб кетган экан.

Ҳўш, бундай буйруқлар амалда қандай бажарилгани ҳақида маълумотлар борми? Машҳур адиб М. Горький «Бемаврид мулоҳазалар» номли китобида (бу асар 1918 йилда Петроградда босилган ва шу йилнинг ўзидаёқ большевиклар томонидан тақиқланиб, катағон қилинган) Россиядаги алғов-далғовлар ҳақида дард ва алам билан куюниб ёзган эди. Езувчи бир ўринда кишлоқда яшовчи таниши йўллаган антика хатни келтиради: «Кейинги пайтларда айниқса ўтган ҳафтада кишлоғимизда жуда кўп кўнгилсиз ишлар бўлиб ўтди... 3 апрелда кишлоғимиз — Баскага 300 га яқин қизил гвардиячи келиб, ўзига тўқ хонадонларни битта қўймай талади. Улар ҳаммани товон тўлашга мажбур қилишди, ундан минг, бундан икки минг, баъзилардан олти минг — жами 85,350 сўм пул тўплашди ва ўзлари билан олиб кетишди. Бундан ташқари, тинч фуқародан тортиб олинган ғалла, ун, кийим-кечакни санаб санафига етиб бўлмади... Одамларни қамчи билан шунақа савалашди, шунақа савалашдики, эслаганда қўрқувдан ҳалиям сочим тикка бўлиб кетади. Бу жуда даҳшатли манзара эди! Баскаликлар ана шу икки кунни қанчалик қўрқув ва ваҳима ичида ўтказганини тасвирлашга қалам ожиз. Қароқчиларнинг ваҳшийликлари олдида дўзах азоблари ип ечолмайди».

«Бу Россиядаги гап-ку, бизда бу даражада ваҳшийликлар бўлмаган», деб эътироз билдирарсиз? Йўқ, янглишасиз. Ўзбекистондаги шафқатсиз «қизил террор» олдида юқоридаги манзаралар ҳолва. Инқилобдан кейинги Туркистонда тузилган илк муस्ताқил миллий ҳукумат — «Қўқон мухторияти» қай тарзда хиёнаткорона қириб ташлангани М. Ҳасанов, Н. Норкулов, Х. Бобобеков, Қ. Маҳмудовнинг мақолаларида ҳолис баён этилгани ўқувчига маълум. Арман дашноқлари уюштирган ёвузликлар ҳам хужжатлар асосида очиб ташланди. Рус ёзувчиси Ю. Попоров Фарғонадаги даҳшатли қирғинларнинг илдинини тўғри таҳлил қилиб берди. («Юность» ойномаси, 1990, 1-сон). Фарғона воқеаларини текшириш учун Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси махсус комиссия тузишга мажбур бўлган. Туркистон Компартиясининг 3-ўлка қурултойида бу масала хусусида махсус маъруза ўқилган. Эътиборингизга ана шу маърузадан айрим парчаларни ҳавола қиламиз: «Мусулмонларнинг ҳамма нарсаси тортиб олинмоқда, тортиб олинса майли-я, уларни ўлдириб кетмоқдалар. Аскарларимиз аҳолини ҳимоя қилиш ўрнига талончилик ва қирғин уюштирмоқдалар. Улар ҳеч қандай из, ном-нишон қолдирмасдан ўлдиришга уста. Хонавайрон бўлган одамлар кишлоқлардан қочиб кетмоқдалар. Қароқчилар тўдаси кўпаймоқда. Бу зўравонликларни партия эмас, Қизил армия ўтказмоқда, деб эътироз билдиришингиз мумкин. Аммо партия раҳбарлик қилмоқда-ку! Барча ҳокимият органлари тепасида ҳам кадрли партиячилар туришибди, лекин улар аҳволни яхшилаш учун деярли ҳеч қандай иш қилмаяптилар. Уларнинг ҳомийлиги туфайли ҳамма жойда арақхўрлик ва бошбошдоқлик авж олдики, бунинг учун ҳам барча масъулият партия зиммасига тушади...»

Мусулмон йўқсуллари руслардан мадад кутади, булар эса «уларга ишониб бўлмади» деб рад этадилар. Мусулмонларни заҳарламоқдалар, отиб ўлдирмоқдалар, оқибатда мусулмон йўқсуллари икки ўт орасига тушиб қолди — бир томондан уларга руслар ишончсизлик билан қарайди, иккинчи томондан қароқчи тўдалар таҳдид солади. Биз эса ҳамон одамларни мусулмонлар ва ғайри мусулмонларга ажратиб келмоқдамиз.

Фақат ҳақорат ва камситишларни кўриб турган мусулмон миллатпарварлари бундай шароитда биз билан дўстона муносабатда бўла оладими? Ўзимиз уларни миллатчиларга айлантиряпмиз». (Шундан кейин нотик мусулмонлардан бири ёзган қуйидаги шикоят хатини ўқиб беради: «...ҳокимиятнинг ҳозирги маъмурлари фақат русларни ўз ҳимоясига олди, уларни

яхши боқиб, яхши кийинтирди, ўзгалардан тортиб олинган камёб матолар билан уларнинг хонадонини беади. Биз мусулмонларга қандай каромат кўрсатдилар? Қорнимизни тўйдирдиларми? Йўқ! Қийим-кечак беришдими? Йўқ! Агар кийим беришганда, биз, мусулмонлар оёқяланг юрмас эдик, овқат беришганда минглаб-ўн минглаб очликдан ўлмаган бўлар эдик. Уйларимизда ҳозир нима қолди? Йиртиқ кўрпадан бошқа ҳамма нарсамиздан жудо бўлдик...»)

Ростгўй нотик — юкоридаги комиссия раиси Сорокиннинг бу сўзларига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Ўзингиз хулосани чиқариб олаверинг.

20-йилларда рус шовинистлари орасида «нега туртасан, мен сенга сартмидим» деган ибора кенг тарқалган экан. (Маҳаллий аҳолини камситиб, таҳқир этувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.) Ойномалардан бирида калондимоғларнинг куракда турмайдиган кирдикорларини фош этувчи хужжатлар келтирилган: «Сулаймон суди. Фарғонадаги № бекатда маст ҳолатдаги қизил аскар икки сартни ўласи қилиб урган. Тартиб-интизом ўрнатиши зарур бўлган Фарғона милицияси мазкур қизил аскарни жазолаш учун уезд ҳарбий комиссарлигига топширади. Аммо гап бунда эмас. Қизил аскар томонидан калтақланган бояги сартларни энди милиционерлар ўртага олиб: «Шикоят қилиш мана бундай бўлади» деб роса дўппослайдилар».

Шундан кейин «Милиционер жасорати» деган кичик сарлавҳа остида қуйидаги ҳодиса баён этилади: «Тошкент кинотомошагоҳларидан бирининг ёнида кекса сарт бир челақ сувни йўлкага қўйиб ўтирган эди. Кинодан чиққан милиционер индамай келиб челақни бир тепиб, сувни ағдариб кетади».

Кейинги хужжат «Кондуктор жасорати» деб аталади: «Тошкент вокзалидан шаҳар марказига қараб трамвай келаётган эди. Бекатлардан бирида унга кичик тугун кўтарган майиб ўзбек киши чиқади. Рус кондуктор юриб кетаётган трамвайни тўхтатиб, майиб кишини зўрлаб тушириб юборишга ҳаракат қилади. Майиб ўзбек ноилож тушиб кетгунча у қўнғирокни бетўхтов жингиллатиб туради. Трамвай кўзғалади, бечора қария қопини кучоқлаганча ифлос ва лой кўчада қолиб кетаверади».

Мана шунақа гаплар. Бу ножўя ишлар, хатти-ҳаракатларни тийиб қўядиган, жазолайдиган мард топилмайди. Шаҳарда, ўша пайтда ҳам Туркистоннинг пойтахти ҳисобланган Тошкентда аҳвол шундай бўлгач, Фарғонада ва бошқа жойларда минг-минглаб бегуноҳ одамлар кириб юборилгани учун ажабланмаслик керак. Мақсад — маҳаллий аҳолини кўрқитиш, зўрлаб бўйсундириш, тутқунлик ва забунликда ушлаб туриш... Ноҳақликларни, маҳаллий халққа етказилаётган беҳад жабр-зулмни ўз кўзи билан кўрган большевик Георгий Сафаров «Мустамлакачилик инқилоби» деган китоб ёзиб, «қизил террорчи»ларнинг ҳақиқий башарасини фош этган эди. (Афсуски, бу асарни Тошкент кутубхоналаридан топиб бўлмайди. Бугунги мустақил Ўзбекистонда вояга етаётган ёш авлод ҳақ сўзлар ёзилган ва большевизм мафкурачилари томонидан қатагон этилган бундай дадил асарларни бемалол ўқиб, асл ҳақиқатни билиши зарур. Бунинг учун ҳар хил чеклаш ва тамғаларни йиғиштириб қўйиб, барча шарт-шароитларни яратиб бериш керак. Чунки мустақил жумҳурият қурувчилар ўтмишдан қанчалик тўғри сабоқ олсалар, адашиш ва алдашиш хавфи шунчалик кам бўлади.)

Хуллас, ҳозирги кунда бевосита В. И. Ленин, Я. М. Свердловларнинг ташаббуси билан жорий этилган шафқатсиз «қизил террор» қандай усуллар билан амалга оширилгани баён этилган бундай тарихий хужжатлар кўплаб тилга кира бошлади. Уларни ўқиган одам даҳшатга тушади. Хўш, Сталин «мухташам қошона»га айлангирган социализм биносининг пойдевори қандай қурилган эди? Мана бу телеграмма мазкур саволни ойдинлаштиришга қўмаклашар балки? «Царицин. Халқ комиссари Сталинга... Биз юзлаб эсерларни гаровга тутиб турибмиз. Контрреволюционерлар кууролига айланган бу жирканч ва разил муттаҳамларни ҳамма ерда раҳмсизлик билан янчиб ташламоқ зарур... Сўл эсерларга қарши раҳмсизлик билан иш кўринг ва тез-тез хабар бериб туринг. Ленин». (В. И. Ленин, ТАТ, 50-том, 129-бет).

Энди Л. Д. Троцкийга юборилган мана бу телеграммаларни ҳам ўқиб кўрайлик: «Қозонга қарши операциянинг сусайганидан жуда ҳайронман ва хавотирдаман. Менимча, **шаҳарни аяб**, операцияни узокқа чўзиб бўлмайди,

чунки, модомики, Қозоннинг темир халқа ичида қолганлиги рост бўлса, аямасдан қириш зарур. Ленин» (Ўша том, 201-бет, таъкид бизники). Иккинчи телеграмма ҳам шу мазмунда: «Миннатдорман. Жуда яхши шифоланяпман. Қозондаги чехларни ва оқ гвардиячиларни, шунингдек уларни қувватлаган конхўр кулоқларни бостириш иши намунали суратда шафқатсизлик билан ўтказилади, деб ишонаман» (Таъкид бизники). Ҳа, буни бизнинг Ленин — дунёдаги одамларнинг энг одабийси йўллаган. Ҳеч ажабланманг! Аммо мантиққа эътибор беринг, мисраларнинг маъзини яхшилаб чақинг. Террор ишлари... «намунали суратда шафқатсизлик билан ўтказилиши» зарур. Токи, одамлар бир умр унутмасин, кўрқувдан титраб-қақшаб, қалтираб юрадиган бўлсин ва ҳар қандай буйруқни кулоқ қокмай бажарадиган манкуртларга айлансин. Энди Андижон кўзғолони қандай бостирилгани ва исёнчилар қай тарзда жазоланганини эсланг. Шунда ҳам авлод-авлодларга намуна бўладиган йўсинда иш тутилган эди-ку! Ҳатто Мадали эшон ва унинг сафдошлари дорга осилаётганини кўрсин деб ёш-ёш гўдак болалар зўрлаб ҳайдаб келинган экан. Бу даҳшатли манзарани кўрган болаларнинг кўпчилиги беҳуш йиқилиб қолгани ҳақида тарих гувоҳлик беради. Хўш, Лениннинг кўрсатмаси билан чор жаллодлари зулми орасида қанча тафовут бор?

Қуйидаги телеграмма Саратовга, Пайкесга юборилган: «... фитначилар ва беқарорларни ҳеч кимдан сўраб ўтирмасдан ва бемаъни сансалорликка йўл қўймай отиб ташланг». (Ленин, ўша том, 186-бет). (Мантиқни қаранг. Шубҳа остига олинган одам «фитначи»лигини ким исботлайди? «Беқарор» деганда кимни назарда тутиш керак? Боринги, гуноҳкорни судлаб, айбини бўйнига қўйиб, кейин ҳукм чиқарилмайдими?)

А. Г. Шляпников номига йўлланган мана бу телеграмма ҳам шафқатсизлиги билан кишини ларзага солади: «... бу ерда номлари айтиб ўтилган аблаҳларни албатта тутинг. Астраҳандаги чайқовчиларни ва порахўрларни қўлга олиш ҳамда отиб ташлаш учун бор кучингиз билан ҳаракат қилинг. Бу ифлосларнинг шундай адабини бериш керакки, ҳаммаси умрбод унутмайдиган бўлсин... Салом! Сизнинг Ленинингиз». (Ўша том, 248-бет).

Сталин ҳар доим ўзини Лениннинг содиқ шогирди деб билар ва у бошлаб берган ишларнинг давомчиси бўлганлигидан фахрланар эди. Шундай экан, танглайи юқоридаги кўрсатмалар билан кўтарилган бу тошжорак даҳодан яна нимани кутиш мумкин?

Бу гапларни айтишдан мурод шуки, ҳақиқат ва адолат учун курашга, чинакам мустақил жумҳурият қуришга бел боғладикми, бу йўлда охиригача собит туришимиз керак. Бир кишига боғлиқ нуқсонларни аёвсиз фош этсагу, уни келтириб чиқарган асл илдишларни четлаб ёки индамай ўтсақ, унда ўзимиз амал қилишга одатланганимиз «диалектик материализм» қонунларига зид иш тутган бўлмаймизми? Бундай бир ёқлама ҳаракатларимиз эса бизга барибир, қачон бўлмасин, каттик панд беради. Шахсга сизиниш, каттол замон иллатлари, «қизил террор» ҳақида гап бошладикми, бас, унинг бутун моҳиятини ҳаққоний кўрсатишимиз зарур.

Тарих ёлғонни тан олмайди. Кейинги йиллардаги жўшқин воқеалар бунинг энг ёрқин мисоли. Халқ биздан тўғри гапни, ҳақиқатни талаб қилмоқда. Ҳозир ҳаётимизни чинакамага поклаш, барча кишанларни парчалаб, туб ўзгаришлар ўтказишдан бўлак йўл йўқ эканлигини ҳаммамиз кўриб, ҳис этиб турибмиз. Энди халқни алдаб, чалғитиб бўлмайди. Унга инқилоб тарихи ҳақида бор ҳақиқатни очиқчасига, дангал айтиш лозим. Қаерда хато қилганмиз, қаерда адашганмиз, қаерда имкониятларимизни бой берганмиз — буларни ҳамма билиши керак. Шундагина аср бошида танлаган манзилимизнинг тўғри ёки нотўғрилиги ойдинлашади. Умримизни, куч-қувватимизни елга совурмасдан, аниқ мақсад сари юриш имкони туғилади. Ахир бир мартагина бериладиган умрни ҳадеб адашувлару йўл излашлар, қайта қуришлар билан ўтказавериш жонга тегмайдами? Наҳотки кейинги авлодларга биздан ёлғон ҳақиқатлару хатолар мерос қолса? Наҳотки манглаймиз муҳтожликдан, йўқчилик, етишмовчиликдан чиқмай қолаверса?! Халқимиз қотган парча нону бир қултум сувга шукр қилиб қачонгача индамай яшайди?!

Ёлғон — аччиқ мевадан баттар. Шундоққина ширин-шакар неъматлар ёнимизда турса-ю, бир умр аччиқ мева еб яшашга маҳкум этилсак, буни оқлаб бўладими?!



Жаббор Эшонқул

● ● ●

Ойномамизда ҳар йили юздан ор-  
тиқ ёш шоир, носир, адабиёт ихлос-  
мандлари ўзларининг шеърлари,  
ҳикоя ва қиссалари, мақола ва  
мақтублари билан иштирок этиша-  
ди. Шунга кўра, «Шарқ юл-  
дузи» ойномасини чин маънода ёш-  
ларнинг таянчи, ишончли маънавий  
ҳомийси, дейиш мумкин.

Мана, бу гал ҳам анъанамизни  
давом эттириб, йил бошидаги илк  
мушоирамизга жумҳуриятимиз-  
нинг турли бурчакларида яшаб  
ижод билан шуғулланаётган ёш,  
умидли шоирларни таклиф қил-  
дик. Бу дийдор ҳам хайрли бўлар,  
деган умиддамиз.

● ● ●

\* \* \*

Термулдим  
кўзимга сиғмади осмон  
қорачиқда қотди сенинг сувратинг  
сен эса...

Термулдим  
интиқ нигоҳимда ёнди аланга —  
қурбонликқа берай сенга жонимни  
юзингдан ёришган тунингни бергил  
сен эса...

Танимда  
гуллади соғинч дарахти  
кўкламларни кутди йиллар интизор  
найсон томчиларни  
истади ўпмоқ  
сен эса...

Сен эса  
кўзингга тунларни қамаган  
тонглардай ёришсин вужудинг  
кўксингдаги тошлар  
юз очсин гулдай  
муסיқа оқсин-эй томирларингда.

\* \* \*

Ёмғир ёғаётир — сендан ҳидоят —  
кутурман, тилларим номинг такрорлар  
Чақинлар хабаринг олиб келадир  
кўксим ҳам кўк билан  
бўйлашиб борур

Ёмғир ёғаётир — насим гулларинг —  
кўксимда пориллаб очилаётир  
Тонгинг-ла ёришиб бормоқда умрим  
юлдузлар кўксимга санчилаётир

Ёмғир ёғаётир — сенинг калиманг  
дилимни пойлайдур, дилим хотиржам  
Руҳимни кучгайдир ёруғ Ҳавасинг —  
интиҳом сендадир, сенга илтижом...

Ёмғир ёғаётир...

\* \* \*

Тўрт томон — Қибла  
Тўрт томон — Бўшлиқ  
Юрагимга сингиб кетади  
Тўрт томонни ёндирган кўшиқ  
Алвидо  
Алвидо  
Видо

Бўғзимдан отилар нидо  
Тўрт томонга ботади қуёш  
Тўрт томонга селдай оқади  
Тўрт томонга кўзларимдан ёш

Алвидо  
Алвидо  
Видо

Азобларинг руҳсиз танамни  
Тўрт томонга кетади бошлаб

\* \* \*

Сен ва мен  
иккимиз кузги боғ кўйнида  
шовуллаб тўкилар япроқлар  
кўзингдан қуйилиб келади оқшом  
тимқора туннинг-да бир ўтли чўғи  
қорачўғинг сенинг сўнмас аланга  
танамни ёқар-о сочинг тўлқини —  
бир майин шаббода

шаббода

хазонлар шивири  
денгиз шивири  
япроқлар  
жон узиб тинар-да мададми сўрар  
худди қайғум каби пойингни ўпиб  
қорайган яланғоч новдалар  
ибодат қилмоққа шай турар  
туннинг-да кўксини тилимлаб  
кўкнинг-да кўлида бир юлдуз  
бир митти гул каби порлайдир

очилар кўксингда нимадир  
нимадир кўксимда ёнадир  
нигоҳлар осмонни бўйлайди ойдин тун  
кузги боғ япроқлар сарғайган сўқмоқ-  
самонинг йўли  
— ойнинг оғушига кетаркан бошлаб  
асира бўламиз иккимиз бу тунга  
бу тунга

бутунга...

\* \* \*

Сочилиб кетади товушлар  
ҳада этади тусини олма  
япроқдай тўкилар соғинчлар

Кўксимга ёғилар томчилар  
муסיқа оқади томирларимда  
Ғунчалар очилар хаёлларимда

Шабнамдай киприкда ҳаяжон қалқир  
бағрига чорлайди бир осмон  
умрим тушларга очилар

Муҳаббат илдизи кўксимга ботар  
улғайиб бормоқда умиднинг гули  
Тонг энди менинг кўксимда отар



Кўшон Абдулла

Қамаш

## Тунга илтижо

Тун!  
Мени тезроқ бағрингга олгин,  
юлқилаб ташвишнинг кучоқларидан.  
Сизмадим бу дайди дунё кўксига,  
ўзинг халос этгин  
дарднинг консираган пичоқларидан.  
Мен ҳануз ўғайман барчага,  
кўзимга тиғ урди кундузлар.  
Кимга ҳам сиғинай ўзингдан ўзга,  
на бевурд ойлари  
на ёлғон юлдузлар.  
Кўнгилинг елвизак даричалари  
коп-қора пардангга кўмилсин.

Бу сўқир кўларим, сенинг, тун  
майлига, бағрингда юмилсин.  
Мен — на вужуд ва на бир хилқат,  
на ерга, на кўкка сиғмаган дайди.  
Кундузнинг очофат итлари  
бу кеч шу дайдини талайди.  
Кел! Мени ўраб ташла  
пардаларингга.  
Дунёга тириклай сиғмадим,  
биламан, лошим ҳам сиғмас ҳеч ерга...  
Тун!  
Тезроқ бағрингга олгин,  
шу миттигина дайди юракни.

## Кечикиб ёзилган мактубга жавоб

Йиллар тўлқинида ҳеч қайтмас бўлиб,  
оқиб кетди умрнинг таъми.  
Кексайганда ишқни ёд олмоқ —  
хотиротнинг қабрини очиб,  
шаҳид муҳаббатнинг  
шўрлик руҳига  
қайта озор бермоқ эмасми?!  
Бас!  
Андишалар салтанатининг  
биз—бебурд, нотаваон фуқаролари,  
қисматнинг ҳукмига ночор бош эгиб  
ўлдириб қўйганмиз севги—гўдакни.  
Сен—балки она,  
Мен—балки ота,  
дилларимиз — балки бешик бўларди.  
Тожмаҳаллар яратиб бахтдан  
тўрига ўтказиб қўярдик уни...  
Бироқ!  
У на толе бўлди  
ва на келажак.

Уни ҳам, ўзни ҳам увол қилдик биз.  
Сен аллалар айтдинг  
аламларингга,  
Мен бошин силадим  
армонларимнинг.  
Етолмай ташвишнинг адоғларига  
уриниб-суриниб яшайвердик биз.  
Тожмаҳал қурмадик, бешиклар синди,  
йўргаклар кафанга айланди, ҳайҳот.  
Измидан чиқолмай  
андишаларнинг  
севгидан айрилдик абадул-абад.  
Бу кун уни ёдга олмоқ—афсус, кеч,  
шундоқ ҳам бахт—етим, умр—қувғинди.  
Қўй, энди тинч ётсин, чирқиратмайлик,  
кўзи очиқ кетган, биз увол қилган,  
андиша ўлдирган  
севги руҳини!..  
... Кечикиб ёзибсан мактубларингни...

\* \* \*

Андишанинг қўли бўғади мени,  
изҳорга шайланган тилларим кесик.  
Энди айтолмайман: «Жоним, мен сени...»  
ҳали севилмаган бу кўнгил ўксик.  
Сени узатдилар куз шамоллари  
айрилиқнинг олис юртига.  
Боролмайман. Оёғимни  
кесган андиша,  
михландим тақдирнинг тўшакларига.  
Куз!  
Юрак қовжираган хазондек беҳол,  
ҳижрон шамоли эсар. Эгнимда  
андишанинг жулдур-жандаси.  
Хотирлаш оғир.  
Хаёллар ҳам абадий тутқун,  
Мен—севги худосининг етим бандаси.  
Мисралар—дардларнинг болачалари,  
талпинар сен сари, сен сари.  
Сен менинг шеъримга оналик қилгин.  
Мени — изҳор қилинмаган шўрлик севгини  
ва ниҳоят ўлдирар бўғиб —  
андишанинг қонли қўллари.

Тошкент



Шухрат Аҳмедов

Юрагимнинг остонасидан  
Ўтолмайди сира қувончим.  
Таъкиб қилар Ватандай армон  
Кўзларимда аламли томчи.

Чўнтагимда йиртиқ рўмолча —  
Ватанимнинг харитасидай.  
Кўзларимга босаман уни  
Гуноҳсиз гуноҳкор басирдай.

### Энг оғир надомат

Йиғлашга сабаб йўқ,  
кулишга ҳожат.  
Сўзлашга журъат йўқ,  
жим туришга куч.  
Ўлишга эртароқ,  
яшамоққа кеч.

## Ҳижрон

Рауф Парфига

Сўзлардан мусиқа чаламан,  
Тебранган бошларим санокли.  
Ҳам дангал, ҳам дағал боламан,  
Кунларим келажак ардоқли.

Ҳали бу менинг ҳам юзимга  
Сирли шаббодалар тегажак.  
Пайт келиб, ҳаммадан ўтувчи,  
Сени соғиндим, эй келажак!

### Сўқмоқлар

Йўқ орқада қолмадим ҳали,  
Уйғонмоқда ғазабу, алам.  
Алласини тугатар энди,  
Юрагимда ҳаёт муттаҳам.

Қайлардадир депсиниб борар,  
Олислаган асабий карвон.  
Изларида ўсар синоат,  
...Йўлларимда пойандоз армон.

Узоқларда баҳайбат довон,  
Этагида чўзилган карвон —  
Ҳорғин туялари чўқмоқда...

### Моцартнинг ўлими

Сальери — жаҳоннинг шубҳаси,  
гуноҳкор эмас.  
Гуноҳкор эмасдир  
хўрлик, зорлик ҳам.  
Мангулик учун яралган,  
мангулик ҳақида ўйламаган  
даҳога,  
мангулик ҳақида сўзладилар, холос.

Олтиариқ



## Абдуғаффор Холматов

Фалакнинг тоқига рўмолин ёзиб,  
Ошён куриб олмиш Ёсуман кампир.  
Жодугар қўлида асира ойнинг  
Кўзёши юлдузга айланди бир-бир.

Усмон Носир  
Вагонларда ухлайди тарих,  
Вагонларда тақдирлар ухлар.  
Нигоҳида жойлаб Ватанни,  
Кетиб борар бир шоир йиғлаб.

Филдираклар айланар тинмай,  
Қайга элтар бу темир излар?!  
Шоирнинг қалб осмонидан зор  
Тўкилади ғамгин юлдузлар.

Теракларнинг япроқларида  
Охлар қолар шамолда учиб.  
Эзгуликнинг бешикларида  
Тонглар ухлар ғафлатни кучиб.

## Саратон

Сариқ девлар ғазабга тўлиб,  
Майсаларга қирон келтирар.  
Қовжираган туғлари бошда,  
Қизғалдоқлар маъюс қалтирар.

Бир дамгина кўзни очирмас,  
Азроилнинг элчиси — довул.  
Айланади жисми оловга,  
Сабрдан тўн кияр саксовул.

Жарқўрғон

## Абдунаби Ҳамроев

### Минора устидаги лайлак

Тошларнинг забони шамширдай кескир,  
Тошларнинг юраги оламдай беҳад.  
Бу тошлар бағрида минг асрлик сир,  
Бу тошлар, аслида, битмаган тоқат.

Замонлар ўтдилар сўнгсиз карвондай,  
Тошлар жим ётдилар, соқов, безабон  
Ва, охир, дардлари танига сиғмай —  
Лайлакка дил ёрди Минори Калон.

Сўйлайди, чор-атроф тебрана бошлар,  
Сўйлайди, ғамларнинг йўқдай адоғи,  
Оҳдан қизиганда оташдай тошлар,  
Лайлак шарт кўтарди битта оёғин!





## Ғижжак ҳақида ривоят

Бир кун тонгда тарқалиб миш-миш,  
Барча тешик қулоққа етди:  
«Эшитдингми, ўв-в, эшитдингми,  
Улмас Расул Тошкентга кетди!»

Узункулоқ гапда қанот бор,  
Учди масжид, гумбазлар оша.  
Ҳайратдан бир силкинди минор,  
Сўнг бошланди ажиб томоша.

Уйланмайман деди бир йигит,  
Улмас Расул қайтиб келмаса,  
Қизлар эрга тегмас, тўйида —  
Улмас Расул ғижжак чалмаса.

Лабиховуз чойхонасида  
Ногоҳ ғалағовур бошланди.  
Энди нима қилдик, деб аста  
Эшагидан тушди Афанди.

...Шошда эса, шинам бир уйда,  
Давом этар сеҳрли эртақ.  
Ярим тунда инграб юборар —  
Бухорони соғинган ғижжак.

## Умр

Бу шаробни ғамдай симирдим, мана,  
Пушаймондай едим бир бурда нонни.  
Аччиқ тамакини ташвишдай чекдим,  
Кўнглимдай бўшатдим бу дастурхонни.

Энг сўнги, ягона ҳалол луқмам деб,  
Бўғзимга тикилган тилимни ютдим.  
Қорним тўймади, сўнг, таъзимни еб,  
Бу бепоён уйдан чиқдим у кетдим...

Олот



## Суюндиқ Мамиров

### Уйғоқ виждон

1

У бугун  
умрида биринчи марта,  
тун бўйи ухломмай қийналиб чиқди.  
Тонгга яқин йиғлаб юборди  
виждони тирик эканин сезиб.

2

Мана, сизга моҳияти илдизнинг —  
кексайиб қолган дарахт,  
ёнидаги катта-кичик ниҳолларга  
хотиржам тикилиб турибди.

### Дард

Сўзларингга ишондим.  
Кимгадир «ёрилмасанг» бугун,  
эртага ўлардинг аниқ.  
Энди мингга кирасан, —  
тили йўқ одам.

\* \* \*

Кучли шамол эсар,  
сўнг жала куяр,  
Чақмоқ чақар — нима ўзгарар?!  
Ана жойида ётибди,  
оқ харсанг тош — бамайлихотир.

### Замонавий одамлар

Ҳамма кулар,  
яна овози борича,  
янғ такрор — такрор.  
Бирдан бир-бирига тикилиб,  
сўнг жимгина жўнашар уй-уйига.

### Ҳиссизлик

Совуқ қотдим жазирама иссиқда,  
қаҳратон қишда терга ботдим.  
Нега жилмаясан,  
осмонни бунчалар севасан, қушча?!

Фаллаорол



## Абди Гардаев

\* \* \*

«Отам уни отади», дебсан,  
Болалигим оппоқ кунда.  
Совғамни ҳам тошга урибсан,  
Мўминкулнинг қора тунда.

Шодмон опа ёлғончи экан,  
Ёлғон экан менга куйинчи.  
Деди: «Абди, бахтинг ёр экан —  
Совғанг олди, чўз-чи суюнчи!»

Хув, самога тирмашган тоғлар  
Шодлигимдан мунғайиб қолди.  
Буғдой ўрган қирқ кокил қизлар  
Қилиғимдан қикирлаб толди.

Болаларни алдаб бўлмайди,  
Болаларнинг бағри тош эмас.  
Шодмон опа нега алдади,  
Кўзларимдан оққан ёш эмас?!

... Бир кун отанг елкамга туртди:  
«Шоир ўғлим, омон бўл, омон!»  
Фаришталар совғалар тутди,  
(Пок бўптида кечаги ёмон).

Ох, тақдирнинг жуфт қўлларини  
Бирини оку биттаси қора.  
Йиртиқ кўйлак — болалик кетди,  
Юрагимда қолдириб яра...

\* \* \*

Сизларнинг ҳам айбингиз бор,  
Ғам, шодликдан тошган почталар.  
Кимдир менга мактублар битиб —  
Жавоб кутган, тикиб кашталар.

Сизлардан ҳам кўнглим қолди-эй,  
Кўп сирлардан воқиф юлдузлар.  
Мен ҳақимда сизга айтгандир,  
Тилаклари ойдаи хур қизлар.

Қочинг, сиз ҳам ёқмай қолдингиз,  
Қишлоқнинг тун соқчиси итлар.  
Балки сизга суюклар ташлаб  
Уни олиб кетгандир ётлар...


\* \* \*

Хайрлашмоқ оғирдир менга,  
Яна кўрмоқ дилим ўртайди.  
Ойдин йўллар очилсин сизга,  
Сизни кутиб кўзим киртайди.

Тақдир тунда жуда шошилиб,  
Олиб кетди сизни отида.  
Мен югурдим, улгурмай қолдим,  
Ўчим қолди қанотларида.

Олтинсой





Илҳом Зойиров

## Эпатак

Қисса

Мамат эрталаб ўрнидан турганида, боши Алпомишнинг гурзисидек оғир, чаккалари лўқиллаб оғир эди.

— Ичкиликнинг падарига минг лаънат! Ичингга мойдек киради-ю, ҳаял ўтмай одамни ит кунига солади. Вой бошим-а...

У эринибгина устидаги чит кўрпани оёғи билан суриб, қўлларини икки ёнига чўзиб, керишди. Турмоқчи бўлган эди, бирдан мувозанатини йўқотиб, йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Бир амаллаб ўзини ўнглаб, девордаги қозиққа илиб қўйилган олача чопонини елкасига солиб, эндигина атак-чечакка ўрганган болакайдек эшик томонга судралди.

Даҳлизда ошхонадан оғир тоғора кўтариб чиқаётган хотинига кўзи тушиб, бақириб берди:

— Зарифа! Ҳой, Зарифа! Ерга қўй қўлингдагини! Неча бор сенга айтаман-а, оғир юк кўтарма деб. Жонингда қасдинг борми?!

Хотини тоғорани ерга кўяр экан, ўгирилиб эрига қаради. Мамат хотинини имлаб чақирди. Хотин бу имони пайқамагандек яна ошхонага кириб кетди. Маматнинг жаҳли чиқди. — Зарифа! Қулоғинг том битганми? Бу ёққа қарасанг-чи! Бир пой туфлим қани?

Зарифа ошхона ойнасидан бошини хиёл чиқариб бобиллай кетди.

— Қанақа туфли? Қаёқдан билай? Узингиз бирор гўрга тиқиб келган чиқарсиз-да! Бо яна бақирганингиз ортиқча! Уша зормондани хурмачангизга сиққанича ичсангиз ўласизми? Афтингизга бир қаранг, мурдашўйнинг қўлига тушгандай шалпайи-иб қолибсиз. Текин экан, деб ўша гўрсўхтани ичавераркан-да киши! Иби, шу кечаси қандай келганингизни биласизми ўзи? Ким ташлаб кетганини-чи? Толиб акани ўғлини ёнида ер ёрилмади, ман кириб кетмадим. Бошингизни қашийсиз. Сизга барибир-да. Бо яна менсимайсиз. Адойи тамом бўлдим-ку охи...



Зарифа кўзига ёш олди. Мамат қўлини бир-икки марта ҳавода силкитиб, «бас» ишорасини қилди.

— Оби-дийданг ҳам тайёр-да дарров. Бўлди! Ичсам ўзимни пулимга ичибманми?

Хўрматингни қилиб олдинга келтириб қўйишган бўлса... Билиб-билмай гапирармай-ди одам, бундоқ ўзича фикр қилади. Қўй энди шу нишхўрд гапларингни, яхшиси туфлимни бир пойини топиб бер. Бўл тезроқ...

— Оёқяланг келувдиз. Мана бу калишни кийиб олинг, — деди Зарифа кўз ёшларини энги билан артар экан. — Сизнинг ишингиз фақат одамни хўрлаш экан-да.

Мамат хотини олиб келган ўқчаси йиртиқ калишни оёғига илиб ҳовлига чиқди. Бир парча ҳаром гўштни талашиб, қақиллаб юрган икки-учта олачиפור хўрозларга қараб ижирғаниб кетди. Бу хўрозларни у собиқ хўжайини Боқи Мардоновичга тақлид қилиб сотиб олган эди. Боқи Мардонович билан оралари бузилди-ю булар ҳам кўзига балодай кўринадиган бўлиб қолди. Ана энди шу хўрозларга кўзи тушди дегунча, хўжайини эсига тушиб ёғиниб сўкинади. Ҳозир ҳам ғаша келди:

— Зари! Мана бу ҳаром ўлгурларни катагига қамаб қўймайсанми? Шу бугун шуларни баҳридан ўтаман, жонга тегди. Узинг ҳам қулоқ-миямни еб юрган эдинг, идиш-товоқларга тегаверади, деб.

Эри мавзунни бошқа томонга буриб юборганидан Зарифанинг энсаси қотди.

— Каллаи-саҳарлаб хўрозларга ёпишиб қолдингиз, сизга нима ёмонлик қилди? Товуқ шўрва ичгингиз келиб қолдими? Худога шукр, ҳозирча уйда гўшт бор, меҳмон-пеҳмон келганда сўярсиз.

Мамат ҳам хотинининг гапини маъқуллаб бошини қимирлатди.

— Бу гапинг ҳам бир ҳисобдан тўғри. Гўштни килоси палон пул бўлиб турган пайтда меҳмон кутишининг ўзи бўлмайди. Аммо-лекин, мен сенга айтсам, бундан буёғи ҳовлида товуқ боқмаймиз. Паррандаларнинг ичида энг ифлоси шу, қиладиган иши фақат гўнг титиш. Боқи Мардоновичнинг ҳам феъли шунақа эди. Биласанми, энди нима боқамиз? — Зарифа эрига «нима» дегандек қараб қолди. Мамат гапини давом эттирди. — Қўй боқамиз! Хидирхон акамларнинг кўйга ишқибозчилик жойлари бор экан...

Зарифа эрининг гапини чўрт кесди.

— Нимаси баракали бўларкан? Қўй гўшти — қуён гўшти, деганлар. Ундан кўра битта буқа ёки сигир боққанингиз минг марта афзал. Қўйнинг сассиғи ёмон. — Зарифа куймаланиб, яна ғудранди. — «Хўжайиним уни ёқтираркан, буни ёқтираркан» деб, бу каталакдай ҳовлида ит боқдингиз, қуён, каптар боқдингиз, бедана жинниси ҳам бўлдингиз, энди қўй қолувди. Топган акахонингиз кўйга ишқибоздир-да? Ким бўлди ўша Хидирхон акангиз, ишқилиб чўпон эмасми?

Мамат аччиқланиб, тождор хўрозни тепмоқчи бўлди. Оёғини кўтарган заҳоти, хавфдан огоҳ бўлган хўроз пар этиб қочиб қолди. Мамат ошхонадаги совутгичнинг эшигини очиб тимирскиланди, қидираётган нарсасини топмагач, эшикчани жаҳл билан ёпди. «Ўзи пишиб турибди, сўрасам яна бобиллаб кетмасин», деган хаёл билан «ярим-та»нинг қаердалигини хотинидан сўрамади. Ликобчада турган бодрингдан биттасини олиб, карсиллатиб ея бошлади. Нима демоқчилиги эсига тушдими, хотинига қараб:

— Ҳали айтмовдимми сенга?! Кечқурун узунтераклик Соливойнинг ўғил тўйида Хидир Хидирович деган бир одам билан танишдим. Оғзидан чиқаётган гапларни эшитсанг борми, анграйиб қоласан. Кўпни кўрган одам-да! Сўзини сўзга уриштириб, шунақанги доно гапларни қиладики, товба дейсан. Нима дейдилар де: «Маматхон бўтам, тасаддуғиз кетай, пулни этагини тутинг, пул — ҳар қандай занглаган қулфнинг калитидур!» Гапга қара, Зари, гапга. Яна нима эмиш: «Пулнинг қанча кўп бўлса, парвозинг ҳам шунча баланд бўлади. Тоғ қанча баланд бўлса, бургут парвози ҳам шунча баланддур!» Мана, ўзинг бир фикр қил, — Мамат хотинига бу гапларнинг мағзини чақиб бермоқчи бўлиб, жаврай кетди. — Хидирхон акамларни айтган-гаплари бирор марта бўлса ҳам сени калланга келганми?.. Ана кўрдингми, келмаган! Э Зари, бу дунёда ажаб одамлар бор-да! — Мамат ширин бир орзиқиш билан ютиниб олди ва елкасидаги чопонини ҳовли ўртасидаги ўрик шохига илиб, сувқувурнинг жўмрагини буради. Калласини оқиб турган сувга тутиб, бир лаҳза шу алпозда турди-да, сўнг жуссасига ярашмаган ҳаракатлар билан «ҳаҳ, ҳаҳ» деб овоз чиқариб ярим белигача ювиниб бўлган, хотини тутиб турган сочиққа артинар экан, жиддий сўради:

— Зари, ростдан ҳам бир пой туфлимни ташлаб келибманми?

Зарифа энди хиёл илжайди:

— Улинг сиз. Ҳали ҳам таъбирингизни емабсиз-да. Шу зорманданинг касофатидан-ку бинойидай ишлаб турган ишингиздан ҳайдалдингиз, — Зарифа гапига ялинганнамо тус берди. — Мамат ака, энди шу қилиғингизни ташланг, бирорта ишни бошини тутинг. Болалар ҳам катта бўлиб қоляпти. Қишлоқнинг ошини егансиз...

Мамат яна тўнини тескари кийиб олди:

— Ақлинг фикр-ғиж бўлса ҳам, менга ўргатма. Иш бўлса қочиб кетмас. Хидирхон акам «сен менга ёқиб қолдинг, қанотим остига оламан, сенбоп бирор иш топилар», дедилар.

Зарифа ҳам зарда қилди:

— Хидирхон акам, Хидирхон акам дейсиз, ким ўзи у Хидирхон акангиз? Қаерда ишлайди? Жа, мақтаб оғзингизни суви кетаяпти.

— Райсабеснинг раиси, каллаварам, ҳалитдан бери қулоғингга танбур чаляпман-

ми? — Мамат кўрсаткич бармоғи билан хотинининг бошига нуқиди. Бу нуқиди бир томондан эркалашга ҳам ўхшаб кетарди. — Худо хоҳласа, яна битта ўғил туғиб берсанг, — Мамат хотинига кўз қисиб, деди, — исмини Хидирхон акамнинг шарафларига, Хидирвой қўямиз. Нима дединг?

Зарифа эрининг чўзилган қўлига сочиқ билан уриб, бир қадам орқага тисарилди.

— Кўпам эзма бўлаверманг, қўлингизни тортинг. Насиб бўлса бунга раҳматли отамнинг исмини қўймоқчиман. Етар учта ўғлимизга ўша кучукбоқар, товукбоқар хўжайинларининг исмини қўйганингиз. Хўжайинингиз янги бўлди дегунча, дарров «ўғил туғиб берасан» деб ҳоли-жонимга қўймайсиз. — Зарифа аразлаган киши бўлиб ошхонага кириб кетди: — Мен сизга нима, ўғил зовутиманми? Ҳар биттаси учун биттадан ўғил туғаверсан. Нима кўп, ҳозирги замонда хўжайинларнинг алмаш-алмаши кўп...

Ҳовли дарвозасининг зулфини шақиллаганда, майчанан турган Мамат чопонини елкасига ташлаб олган эди. У дарвоза томонга қараб бир-икки марта йўталди. Баланд овозда:

— Дарвоза очиқ, кираверинг, — деди.

Дарвоза қия очилиб, Зарифанинг амакиваччаси Шарифнинг қораси кўринди. У бир пой туфли кўтариб олган эди. Шариф Маматнинг истиқболига юриб келар экан, бошини силкитиб-силкитиб куларди. У Зарифа билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, поччасига қараб:

— Эй, почча, почча... — деди ва кулгусини тўхтатолмай қаҳ-қаҳа отиб юборди.

— Поччаламай гапнинг пўскалласини айтавер. Нега куласан? — деди Мамат.

— Кеча тўйда байроқни ўзингиз олдингиз. Унинг устига, бизнинг хўжайин Хидир Хидировични ўпавериб, бетини шилта қилиб юбордингиз. Тўйхонадан чиққандан кейин зўрға ажратиб олдим. Бир пой туфлингизни тўйхонада қолдириб келган экансиз, эрта-лаб Соливойнинг хотини келинингизга чиқартириб юборган экан, машинага ташлаб қўювдим. — Шариф қўлидаги туфлини поччасига узатар экан, — яна туфлисиз уйдан чиқолмай ўтирманг, деб олиб келяпман.

Мамат туфлини қўлига олиб, у ёқ-бу ёғига қараб, деди:

— Мени туфлим эканлигини Соливойнинг хотини қаёқдан билибди?

Шариф яна кулди.

— Товонхонада Соливойнинг хотинига бир пойини гаровга қўйиб, ароқ олиб чиққан экансиз.

— Буни қара, эсимда йўқ экан, мен бўлсам «туфлим қани» деб аммангни ёжиб ўтирибман, — деди Мамат.

Сухбатни эшитиб турган эканми, ошхонадан Зарифанинг овози эшитилди:

— Поччангнинг эси йўқ-да, қилғиликни қилиб, бизни койийдилар.

Мамат хотинига қараб «узр» дегандай эгилиб қўйди ва Шарифдан тўй тафсилотларини сўрай кетди.

— Охири нима билан тугади, а? Хидирхон акамларни хафа қилиб қўймадимми, ишқилиб? «Бўлди», десам ҳам ўзлари қисталанг қилавердиларда. У кишим қизилидан, мен оқидан отаверибмиз. — Мамат Шарифдан жўяли бир гап эшитармиканман, деган ниятда унинг оғзига тикилди.

— Узингиз ҳам жа ошириб юбордингиз, — Шариф гапининг оҳангига озгина жиддийлик тусини бериб, деди. — Бунақа эмас-да, почча! Хидир Хидировичдек афторитетний одамларнинг олдида бунақа енгилтаклик қилиб бўлмайди. Ҳалиямки Хидирхон акамлар ҳазилни тушунадиган одам, агар жиртаки бўлганларида...

Бу гаплардан Маматнинг пешонаси тиришди. Шарифнинг эса чеҳраси озгина ёришди.

— Бир гап айтсам, суюнчисига нима берасиз?

— Суюнчисигами? — Мамат атрофга аланг-жалаң қаради ва кўзи олачипор хўрозга тушди. — Ана шу хўрозни олиб кетавер.

Шариф поччасини кўпам интиқ қилишни ўзига эп кўрмади чоғи, таранг қилмасдан муддаога кўча қолди:

— Хидир Хидировичга ёқиб қолибсиз! Узингиз ҳам ишсиз қийналиб юрган эдингиз, бу айна муддао бўлди. Сизни ўзларига йўриқчи қилиб олмоқчилар. Поччангиз Маматхон улфатчиликнинг қадрига етадиган бола кўринади, ўз қанотимиз остига олсак, бу қилиқларини ташлайди. Хуллас, тарбияласак одам бўладиган турқи бор, дедилар.

Мамат бу гапларни эшитиб, ич-ичидан суюниб кетди. Қувончини яшира олмай Шарифнинг икки юзидан чўлпиллатиб ўпди.

— Узим ҳам ўйловдим-а! Бунақа ақлли гап фақат Хидирхон акамлардан чиқади! Айтганларимга паришталар омин деган экан-да! Диёнатликларини кўзлари, сўзлари шундоққина айтиб турувди ўзи, адашмаган эканман, — Мамат қўлини Шарифнинг елкасига ташлаб гапини давом эттирди. — Сен чиқиб кетганидан кейин анча гаплашиб ўтирдик. «Қўйга ишқибозчилигим бор», дедилар. Энди ўйлаб турибман, ҳали амманга ҳам айтувдим буни, Хидирхон акамларга ихлос қилиб, шу гўнгитар товукларни йўқотиб, ўрнига бир-иккита қўй олсаммикан-а? Жиянларинг ҳам кўчаларда саёқ юрмай, шу қўйларга ўт юлиш билан андармон бўлиб, кўчабезориларга қўшилиб кетишмасди.

Шариф ҳам поччасининг фикрини қувватлаб, Хидир Хидировичнинг хислатлари ҳақида оғиз кўпиртирди:

— Почча, мен сизга айтсам, шу одамнинг этагини тутсангиз, чин юракдан ихлос қилсангиз, кам бўлмайсиз. Мана, ўзимдан қиёс: шу кишини олиб юрганимга беш йил бўлди, ҳали бирор марта ёмонликларини кўрганам йўқ. Эрталаб бир халта ундек ишхонага элиб ташлайман, кечқурун уйларига обориб қўяман. Бозор-ўчар, хотин, бола-чақаларининг хизмати энди кўп эмас, онда-сонда бўлиб туради, бошқа пайт ўзимга ўзим бек. Узлари ҳам айтадилар: «Ҳали ёшсиз, бўтам, ёшлигингизда тўрт-беш танга ишлаб олинг». Насиҳатларига амал қилиб, бўш пайтларимда икки-уч соат кўча айланиб одамларнинг ҳожатини, бозор куни эса мол бозорини чангини чиқараман. Аравакашнинг куни шу-да, — Шариф Хидир Хидировичнинг поччасига номаълум томонлари ҳақида ҳам гапириб берди. — Тўғрисини айтадиган бўлсам, райондаги йўғонларнинг биттаси шу киши. «Сабес»да гап кўп, йўлини билган одам топади. Ҳали борсангиз, ўзингиз кўрасиз...

— Қани, уйга кир, мен ҳам ҳозир турган эдим, бирга нонушта қиламиз, — Мамат Шарифнинг билагидан тутиб уйга етаклади.

Патнисда таом олиб кирган Зарифа Шарифга қараб:

— Шарифжон, опагинанг айлансин сендан, шу поччангни бир йўлга солсанг. Опагинангни қон қилиб юборди-ку, — деб кулди.

Мамат Шарифнинг ҳурмати учунми, ҳарҳолда Зарифанинг бу қочириқларини эшитмаганга олди, фақат бир марта ўқрайиб қараш билан кифояланди. Шариф ҳам поччасини изза қилмаслик учун аммасининг гапларига бепарвогина кулиб қўйди.

\* \* \*

Хидир Хидирович ҳақида гап кетганда, гурунғ аҳли «ҳа, ўшамми?» деб кулиб қўйгувчи эди.

Узунтрак қишлоғининг овлоқ бир гўшасида дунёга келган Хидирхон эгаллаб турган мансаб курсисига етгунча ҳаётнинг не-не тўйнуқларига бош суқиб кўрмади. Отаси унга бирон ишни буюрса, у гапни охиригача эшитмай югуриб кетар, кейин «отам нимани олиб кел», дедилар, деб бир жойда айланишиб қоларди. «Болага иш буюр, кетидан ўзинг югур», маталини айтиб, буюрган ишини отасининг ўзи бажарар эди.

Хидирхон етти қиздан сўнг дунёга келгани учунми, отаси опаларига қараганда уни кўпроқ суяр, эркалаб «Хидирчик» дерди. Хидирчик ҳар куни қишлоқнинг ўрта йўлида отасининг ишдан қайтишини пойлаб турар, узоқдан кўрди дегунча пилдираб пешвоз чиқар, отаси эса уни даст кўтариб елкасига миндириб оларди.

Ҳаёт чархпалаги бир маромда айланарди. Хидирчик ҳамма болалар каби қишлоқ мактабига қатнади. Отаси уни опичлаб мактаб ҳовлисигача элиб қўярди. У мактабни битиргунча муаллимларнинг додини берди, муаллимлар бир неча бор отасини мактабга қақриб, изза ҳам қилишди. Шунақа пайтларда отаси Хидирчикни тартибга қақирмоқчи бўлиб хивза олганда, онаси ўртага тушиб унинг жонига оро кирарди.

Хидирчик тўс-тўполон билан мактабни битирди. Тенгдошлари қатори институтга кириш тараддудига тушиб қолди. Отаси уни яна елкасига миндиргандай, топган-тутганини белига тугиб шаҳарга олиб борди. Шаҳар деганлари қатта бир даргоҳ бўлса, ҳарҳолда Узунтракдагидек битта белгили мактаби йўқки, тўғри кириб бораверса... Барбир унинг омади чопмади. Устига-устак, отаси топган «танка» ва у «танка»га сарфланган харажатларнинг бари «қулоғини ушлаб» кетди.

Қишлоққа қайтган Хидирчик сўраганларга домлаларни ёмонлаб юрди. Лекин бора-бора бу ҳақда ҳеч ким сўрамай қўйди.

У анчагача кўча-қўйда саланглаб юрди. Ахийри отаси ёнига қақриб:

— Уғлим, энди бирор ишнинг бошини тутмасанг бўлмайди. Уқишга киролмаган битта сен эмас. Қўшнилари ҳам гап қилишмасин. Яхшиси, юр, ёнимда ишлаб тур. Китобингни бўш пайтингда варақларсан, — деди.

Отаси колхознинг мева-чева омборига мудир эди, топарман-тутарман, уddaбурун одам. Аммо эрка ўсган Хидирчик елка қисди. Отасининг аччиғи келди.

— Нега елкангни томири тортишади? Шу пайтгача айтганингни қилдим, оғзингдан чиққан нарсани олиб бердим. Энди сенинг ҳам нафинг тегсин-да, бундоғ. Ҳадеб кўча чангитиб юраверасанми? Бўйинг бўйим билан баробар бўлибди, урсам ярашадими?

Хидирчик бошини ҳам қилиб тураверди. Онасининг ишораси билан отаси ҳам сал жаддан тушган бўлди.

— Манга қара, Қулмат тоғанг билан гаплашсам, Госстрахда ишлайсанми? Иши ҳам унча оғир эмас, мапет олиб бераман, фазиллаб бориб-келиб юрасан, ҳаш-паш дегунча вақт ўтиб кетади, кейин ўша ўқишингга борасан яна. Нима дейсан? Гапир!

— Ҳай де, бачам, отанг сани ямон бўл демайди-ку, — деди онаси Хидирчикни авраб.

Хидирчик зўрға бошини қимирлатди.

У Қулмат тоғасининг қўл остида, туман суғурта идорасида солиқчи бўлиб ишлай бошлади.

Чархпалак бир маромда айландими ёки тез айландими, бунни Хидирхон сезмай қолди. Бирпасда ёз келиб, ҳаво исиб кетди. Хидирхоннинг ўқиш орзуси ҳали сўнганича йўқ эди, у яна жомадонини кўтариб шаҳарга равона бўлди. Энди у таниш-билиш орқали техникумга ҳужжат топширди. Икки-уч йил деганда қишлоққа қайтди. Соҳаси бўйича иш тополмай, қўлуб мудир бўлиб ишлай бошлади. У шунақанги олифта кийинар эдики, одамлар «Хидир пўрим» деб атаб бошлашди.

Кўп ўтмай, «маоши кам» деб қўлуб мудирлигини ташлаб, газлаштириш идорасига ишга кирди. Тагида бир машина, кун ора қишлоқма-қишлоқ газ баллонларини тарқатиб юрган кезларида одамлар унга «Хидир балончи» деб лақаб тақди.

Газлаштириш идорасининг бошлиғи Сотимов билан келишолмай, «Райгаз» билан ҳам орани очиқ қилди. Бир қадар иш тополмай, почтачилик қилди. Тўй-маъракаларда кўринмай қолса, одамлар дарров «Хидир почта» кўринмайди дейдиган бўлишди.

Бир-икки марта зарур телеграммалар чўнтагида қолиб кетгани, обуначиларга газета-журналларни ўз вақтида етказиб бермай, аксинча, кўтарасига Ҳожи қассобга пуллаб юборганлиги учун алоқа бўлимидан ҳам кетди.

Бирор жойда кўним топиб ишлай олмаган Хидирхоннинг жонига яна тоғаси оро кирди. Тоғасининг қалин ўртоғи Соли Солиевич ўзи бошқараётган маданият уйига йўриқчи қилиб ишга олди.

Кунлардан бир куни Хидирхоннинг қалбига севги ўти тушди. Тунлари кўзидан уйқуси қочиб, ҳатто илҳоми келиб, шеър ҳам ёзди. Хидирхоннинг ҳаловатини ўғирлаган қиз — маданият уйи рақс тўғарагида қатнашиб юрган Жаннатхон исмли пари эди. Устига-устак, Жаннатхон Соли Солиевичнинг жияни бўларди...

Аҳду-паймон қаттиқ бўлган эканми, ажойиб кунларнинг бирида икки ёшнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Тўйдан сўнг Соли Солиевич уларга марказдан уй олиб берди.

Жаннатхонга уйланганидан кейин Хидирхоннинг иши юришгандан ҳам юришиб кетди. Унинг хаёлида чархпалак бир озгина жадалроқ айлангандай бўлди... Соли Солиевич юқоридагилар билан гаплашиб, уни ноҳиядаги кутубхоналарга бошлиқ қилиб қўйди. Бу лавозимда ҳеч қанча вақт ишламади. Туман партия қўмитасида маданият бўлимини бошқаришга таклиф қилинди, шунда қариндошчилик ришталари ўз ишини кўрсатди. Хидирхон ноҳия социал таъминот раисининг ўринбосари, сўнг раиси бўлиб ишлай бошлади. Уша кундан бошлаб унга Хидир Хидирович деб мурожат қилишадиган бўлишди. Соли Солиевич сув ўтига ўхшаб юқорига қараб ўсиб кетаверган сайин, Хидир Хидирович ҳам печакка ўхшаб унга ўралаверарди.

Ноҳия социал таъминот идорасининг иккинчи қаватида чиққунча Мамат ҳаяжонини бир қадар босиб олган эди, аммо «Қабулхона» деб ёзилган эшикка рўпара келганида яна ҳаяжонланиб, чаккасидан муздек тер оқа бошлади.

— Хидир Хидировичнинг ҳузурларигами? — котиба қиз иш столида сочилиб ётган упа-эликларини йиғиштираётди Маматдан сўради.

Мамат ҳаяжонини анча босиб олган ҳолда:

— Ҳа, ҳа, ҳузурларига! — деди.

Котиба қиз шошмасдан буюмларини йиғиштириб бўлгач, бурчакдаги электр чойнагини ўчирди ва чой дамлаётди, Маматга табассум ҳада қилди.

— Бир оз кутишингизга тўғри келади, меҳмонлари бор. Чиқиб кетса кирарсиз.

Қизнинг жамолига маҳлиё бўлиб орадан қанча вақт ўтганини Мамат билмай қолди. Бир вақт раис хонасининг эшига очилиб ичкаридан йўғон, қирғий бурун, бақбақалари осилиб кетган, бўйни танасига кириб, бош билан танаси чатишиб кетган тепакал киши кўринди, унинг орқасидан Хидир Хидирович меҳмоннинг папкаси ва шляпасини кўтариб чиқди. Мамат ўрnidан чаққонлик билан туриб уларга салом берди. Йўғон киши бир Маматга, бир Хидир Хидировичга қараб қўйди. Хидир Хидирович «ўзимизнинг одам» дегандан сўнг, йўғон одам узилиб қолган гапини давом эттирди.

— Гап шу! Тайёргарлигингизни кўраверинг, масала яқин кунлар ичида ҳал бўлиши керак. Энг муҳими, одамларнинг кўнглини топишга ҳаракат қилинг! Ҳозирги ола-ғовур замонда тагингиздаги курсини сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли шу — депутатликка сайланиш. Депутатни ҳеч ким ишдан ололмайди. — Йўғон одам яна бир бор Маматга қараб қўйди. — Ҳозир пул билан мансабни сақлаб бўлмайди, олдинги тераклар кесилиб кетди. Ҳозир пулни кимга беришни ҳам билмайсан киши, ҳамма бир-бирдан қўрқади, шунинг учун депутатликка ҳаракат қилиш керак... Ҳа, энг муҳим гапни эсдан чиқарибмизку, дала ҳовли масаласини нима қиялпсиз? Тинчидими?

Хидир Хидирович синиқ оҳангда «йўқ» деб бошини тебратди. Йўғон кишининг юзи буришиб кетди.

— Бирор ишни уддасидан чиқолмайсизлар! Биров чайнаб берса-ю, сизлар лўққа-лўққа ютиб юборсанглар! Ҳаракат қилиш керак! Йўлини топиш керак! Узим яна бир бор уриниб кўраман, сиз ҳам хотиржам ўтираверманг! Бу масала сайлов пайтларида панд бериб қўйиши мумкин.

Қолган гапларни Мамат эшитмади. Хидир Хидирович йўғон кишининг биллагидан ушлаб ташқарига чиқиб кетди.

Котиба қиз раиснинг хонасини йиғиштириб чиқди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас Хидир Хидирович қайтиб, Мамат билан яна қўл олишиб кўришди, елкасига қоқа-қоқа, хонасига етаклади.

Мамат кўрган хўжайинлардан биронтасининг хонаси бу қадар дабдабали жиҳозланган эмас эди: рангли телевизор, чет эл совутгичи, япон радиоласи, бежирим гарнитур, оёқ остида қип-қизил гилам. Мамат бир муддат анграйиб қолди. Унинг бу ҳолатини кузатиб турган Хидир Хидирович ҳузурланиб, Маматни оромкурсига таклиф қилди.

— Бу одамни яхшироқ таниб олинг, — деди Хидир Хидирович, кулумсираб. — Маданият бўлимини бошқарадилар. Соли Солиевич деганлари шу киши бўладилар. Ажойиб одам-да. «Сани депутат қиламан», дейдилар. Қўйинг десам ҳам кўнмайдилар. Бунақа одамларнинг гапини икки қилиб бўладими? «Эшшак қиламан» деса ҳам хўп деб туриш керак.

Хидир Хидирович пахта гулли пиёлада Маматга чой қуйиб узатар экан, сўради:

— Айбга буюрмайсиз, хотира озгина чатоқроқ. Исми-шарифлари нима эди?

— Муаззамов Мамат.

— Ким дедингиз?

— Муаззамов Мамат.

— Яхши, яхши. Сиз ҳақингизда Шарифхон айтиб бердилар, унинг устига, ўзингиз ҳам ёқиб қолдингиз. Аслини сўрасангиз, биз ҳам узунтерақликмиз, янгангизга уйландигу, районлик бўлиб қолдик. Шарифхон айтдиларки, анчадан бери ишсиз экансиз...

Мамат бошини қимирлатди.

— Бизда бир ўрин бўшаб қолган, агар хўп десангиз, шу ўринга тиркаб қўйсам...

Мамат қўлини кўксига қўйиб сал эгилди.

Бу Хидир Хидировичга ёқиб тушди, пиёлада совиб қолган чойни хўплаб, мамнунлик билан гапида давом этди:

— Бизнинг соҳани тушунсангиз керак? Қиладиган ишингиз — нафақахўрларнинг ишларини расмийлаштирайсиз, керакли қоғозларни тўғрилаб берасиз, ундан кейин, ойида бир-икки марта колхоз-совхозларнинг идораларида бўлиб, халқнинг аҳволини текшириб турасиз. Гапни нишхўрдини ташлаб гапирсак, йўриқчи дегани — бир мансабча.

Мамат «мансабча»га рози бўлди.

Хидир Хидирович Маматнинг қўлини маҳкам сиқди.

— Қолган гапларни иш давомида гаплашиб олаверамиз, мен бугун қарорни машинкалатиб қўяман, сиз аризангизни ёзиб Ханжара қизимизга ташлаб кетаверинг. Эртадан эса ишга тушаверасиз.

Мамат қуллуқ қилди.

\* \* \*

Маматнинг бу ерда иш бошлаганига ҳам бир ой бўлиб қолди. Бу орада Хидир Хидирович Маматга анча ўрганиб, баъзи бир шахсий юмушларини ҳам бемалол буюрадиган бўлди. Мамат ҳам хўжайиннинг мақтовига эришиш учун елиб-югуриб хизмат қилади. Қайниси Шарифхон ҳам поччасидан хурсанд. Тунов куни қўлини маҳкам сиқиб: «Почча, бу ерга келганингиз менинг ишларимни анча енгиллаштирди», деди.

Мамат эрталаб Учбулоқдаги «Шонли меҳнат» жамоа хўжалигига ўтиб, у ердаги ишлар билан танишди. Тушликни ҳам ўша ерда қилиб, сўнг йўловчи машина билан марказга етиб келди. Иккинчи қаватга кўтарилар экан, йўлакда Ханжарага рўбарў келиб қолди.

— Мамат ака, сизни Хидир Хидирович йўқлаган эдилар, қайларда юрибсиз ўзи? — деди котиба зина томон бурилар экан.

Мамат тўғри Хидир Хидировичнинг хонасига кириб борди. Хидир Хидирович ўтирган жойидан Маматга қўл чўзган эди, Мамат югуриб бориб унинг қўлини олди.

— Маматхон бўтам, қайларда юрибсиз?

— Учбулоққа ўтган эдим.

— Нима гаплар бор экан Учбулоқда? Главбух Маллаев похол шляпасини яримта қўйиб юрган эканми?

— Ҳа, юрган экан, салом деб юборди.

— Саломат бўлсин! Ҳа, яхши, ишлари жойида бўлса бўлди. Қани, ўтиринг-чи, бундоқ.

Мамат ўтирди.

— Хотирадан фаромуш бўлмасидан бир нарсани айтиб қўймоқчи эдим, — деди Хидир Хидирович, Маматга синовчан кўз ташлаб. — Айбга буюрмайсиз, эркалигимиз тутиб бир юмушни буюряпмиз. Нима дедингиз?

Мамат эса икки қўлини кўксига қўйиб, бошини ўнг томонга сал эгиб, «сиздан бую-



риш, биздан бажариш» деган маънони англатадиган ҳаракатлар қилди. Хидир Хидирович завқ билан кулди.

— Гап бундоғ, Маматхон! Мана бу адресда ким яшашини биласиз-а? Ҳа, яшанг! Эртага шу ерга бориб, бир юмушни қойиллатиб келасиз. Шу десангиз, яқинда қизимиз куёвбола билан ўйнаб келгани Сўчига кетган эди, набирачамиз қуда хола билан қолган. Гулсара гўяндани эшитган бўлсангиз керак? Ҳа, яшанг, ана шу киши бизга қуда бўлади. Қисқаси, шу набирачимизни эртага парк-марққа обориб, ўйнатиб келсангиз... Хабарингиз бўлса керак, уч-тўрт кундан буён боғда Тошкандан келган циркчилар ўйин кўрсатиш-япти. Иложи бўлса, шу томошани кўрсатсангиз, ўзингиз ҳам шу баҳонада мириқиб дам оласиз.

Мамат «Арзимаган иш экан-у, гапни қиёматдан бошлаб ўтирибди. Бунақа юмушлар бизга чўт эмас», деб ўйлади ичида.

\* \* \*

Мамат эрталаб ўрнидан туриб, соқол-мўйловини қиртишлаб, ювинди. Уйга кириб кийинаётган эди, Зарифа:

— Мамат ака, бугун бизни районга олиб боринг, — деди ялинганнамо.

— Районда нима қиласан?

— Тошкандан томоша келибди, деб эшитдик. Болалар кечадан буён хархаша қилиб юришибди.

— Районда томоша нима қилади? Томоша ана — телевизорда! Бугун «Ҳайвонот оламида» бўлади.

— Бизлар ҳам бундоғ одамга ўхшаб...

— Ҳозиргача кимга ўхшаб юрувдиларинг?

Зарифа аччиғланди:

— Тўрт девор ичида димиқиб ўлайликми энди? Сизни онангиз иш деб туққанми? Ана, ҳамсоямиз, бугун ҳам болаларини кийинтириб, бир ёқларга олиб боряпти. Биз бўлсак туҳум босиб ётаверамиз. Ё бирортасини топиб олганмисиз?

— Нималар деяпсан, қонимни қайнатма! «Бирортасини» кўрсатиб қўяман сенга...

Зарифа кўзларига ёш олганда, Маматнинг кўнгли бир оз юмшади.

— Зари, аҳволинг мундоғ бўлса, — деди у хотинининг ҳомиласига ишора қилиб, — унинг устига ишим жуда зарур. Кел, бугунчалик шу гаштагингни бир чеккага йиғиштириб қўй. Томоша кўриб шохинг чиқадими?

— Мен эмас, болалар хархаша қилишяпти, — деди Зарифа кўз ёшларини энги билан артар экан.

— Болаларни бир кун ўзим ўша томошага олиб бораман, аммо бугун ҳеч иложим йўқ, бормасам бўлмайди. Ўзинг биласан, энди-энди Хидир Хидирович билан муроса қиляпман. Бормасам, хафа бўлиб қолиши мумкин. — Мамат дарз кетган тош ойнага қараб сочини тараётиб, қўшиб қўйди. — Агар шу бугун томоша кўргиларинг келаётган бўлса, Қодирқулни болаларига қўшилишиб бориб келинглар...

Мамат паст-баланд, қинғир-қийшиқ кўчалардан юриб, катта-кичикдан сўраб-суриштириб Хидир Хидирович айтган ҳовлини топди.

Эшик қўнғироғини узоқ босса-да, ҳадеганда эшик очилавермади. Ниҳоят, «ҳозир» деган овоз эшитилиб, бир лаҳзадан сўнг юзи салқиб қолган кампир чиқиб келди. Мамат бу кампирни бир-икки таъзияларда гўяндалик қилганида кўрган, «Гулсара гўянда» деб эшитган эди.

— Танимайроқ турибман, ўғлим, ким бўласиз? — деди кампир.

— Мени Хидирхон акамлар юборган эдилар, — деди Мамат тортиниброқ.

— Ҳа, Маматхонмисиз, қани айланай, ичкарига кириб. Ўзим ҳам йўлингизни пойлаб турувдим. — Гулсара кампир ҳансираб-ҳансираб йўл бошлади. — Шу десангиз, ўғлим, Қайрилма деган қишлоқда бировини онаси қазо қилган экан, пешинда чиқарамиз, деб келишибди. Бормасам бўлмаскан. Шунинг учун Хидирхонга телпон қилувдим, бирорта дастёрларингдан юбор, Тойлоқжонни ўйнатиб келсин, деб. Қани уйга кириб, чой-пой қилиб берай.

— Чойни бошқа пайт ичармиз.

— Шунақами? Ҳа, майли, — Гулсара кампир уйга кириб кетди.

Мамат ҳовлида кутиб турди. Кампир лаҳза ўтмай Тойлоқжонни етаклаб чиқди. Тойлоқжон ҳам жуда шўх бола экан, югуриб келиб кўришди.

— Худди Хидирхон акамларга ўхшаркан, хола, — деди Мамат.

— Она томон ота томонга қараганда бойроқ, шунинг учун бола кўпроқ онасига тортган, — деди кампир.

...Тойлоқжон Маматни роса толдирди. «Худди бобосининг ўзи», — деб ўйлади фижиниб. Сўнг:

— Тойлоқ, катта бўлсанг, шопир бўласанми? — деди ўлганининг кунидан.

- Йўк, ман катта бўлсам диектий бўяман.
- Бобонгга ўхшабми?
- Бобомдан ҳам катта диектий бўяман. Бобом хумкалла-ку!
- Нега ундоқ дейсан? Ким айтди сенга?
- Дадам айттилай.
- Дадангни яхши кўрасанми?
- Ҳа, иккаямиз диектий-диектий ўйнаймиз.
- Бу қанақа ўйин экан, қани, кўрсат-чи?

Тойлоқжон Маматнинг энгидан тортган эди, у беихтиёр энгашди.

— Сиз машина, мен диектий бўяман. Утийинг, устизга миниб олай, — деди Тойлоқжон, эркаланиб. — Энди қаёққа десам ўша томонга юясиз. Қани тетдик-к, чу, чу...

Тойлоқжон «тезликни оширамиз» деб, Маматнинг биқинига оёғи билан нуқий бошлади, устига-устак қулоғини ҳам буради. Мамат чарчаб секинлашса, Тойлоқжон хархаша қилиб, баттар қийқирарди.

Боғ одамлар билан гавжум, томоша ҳали бошланмаган эди. Мамат Тойлоқжонни алдаб-сулдаб пастга туширди. Сўнг кираверишда, эшик олдидаги курсида ялпайиб ўтирган бақалоқ кампирдан патта сотиб олди ва Тойлоқжонни етаклаб томошага кирди. Ичкари дим, ғала-ғовур, ит эгасини танймайди.

Бир маҳал думли камзул кийиб олган олифтанамо бир йигит саҳнага чиқиб, томоша бошланажagini маълум қилди.

Мамат Тойлоқжоннинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. Шум-да, ўрnidан туриб кетаверади, падариқусур. Саҳнага йўлбарслар кириб кела бошлашди. Тўртта йиртқичга битта аёл буйруқ беради. Баъзан йўлбарслар аёлга қараб ириллаб қўяди. Аёл эса уларни қанд билан сийлайди. «Бу аёл йўлбарсларники шунақа кўрқитиб олибди, бечора эрига тўзим берсин. Хайрият, шунақа хотинга уйланмаган эканман, бунақаларни олдида бизни хотин тилло. Мен аҳмоқ эса эрталабдан бечорани хафа қилиб ўтирибман. Уйга борай, кечирим сўрайман. Ўзиям йиғлаб юборса керак. Биламан, йиғлайди, кўнгли бўш-да. Эркаласам, ҳалимдай эшилиб кетади...»

Йўлбарснинг ириллаши ва қамчининг қарсиллашидан Маматнинг хаёли бўлинди, чўчи ёнидаги Тойлоқжонга қаради. Хайрият, шу ерда экан.

Аёл қўлидаги қамчини яна ўйнатиб, бир нима деганди, йўлбарслар оловли ҳалқадан кетма-кет сакрай бошлашди. Мамат яна хаёл дарёсига шўнғиди: «...Бу аёл эрининг қўйнида ҳам қамчи билан ётса керак. Ўзи балиқдай нарса экан-у, барибир эрни шўрида. Бунақалар одамни нинанинг тешигидан ҳам ўтказворади. Қамчисини бир-р қарсиллатсин...»

Мамат чўчиб тушди.

— Бу кимнинг боласи? — хизматчи кампир томошабинларга қараб овоз берди.

Мамат овоз келган томонга қараса, Тойлоқжон майдонча атрофида югуриб юрибди.

— Мени болам! — Мамат ўрnidан даст туриб манеж томонга қараб юрди.

Хизматчи кампир Маматга танбеҳ берган бўлиб, алланимабалолар деб вайсаб берди ва болани қаровсиз қолдирса, томоша залидан чиқариб юборишини ўқтирди.

Мамат кампирдан уэр сўраб, орқасига қайрилган эди, қаршисида девор бўлиб турган хотинини кўрди. Шу дамда Зарифанинг кўзлари йўлбарс ўйнатувчи аёлнинг кўзларидай ғазабкор эди.

— Қа-қаердан келиб қолдинг бу ерга? — деди Мамат чайналиб.

— Болаларни олиб келувдим! — деди Зарифа ғазаб тўла кўзларини Маматга қадаб. — Сиз-чи?

— Мен ҳам...

Ўтирганларнинг икки кўзи шуларда. Зарифа одамларнинг нигоҳига чидайолмай, томошахонадан чиқиб кетди.

«Ҳаммаси тамом», деб ўйлади Мамат.

...Мамат уйга кириб борганида, йиғидан қизариб кетган кўзларини рўмолининг учи билан артиб турган Зарифа уни кўриб, ўпкасини тўтолмай яна йиғлаб юборди.

— Ку-кундошим бор экан, билмай юрган эканман-да?! Одам ҳам шунчалик ноинсоф бўладими? Айтувдим-а, бу одамда бир гап бор, бекорга дам олиш кунларида уйда ўтирмайди, деб. Мана, охир-оқибат айтганимдай бўлиб чиқди.

— Сендан бошқа...

— Баҳона қидирмай қўяқолинг, ҳаммаси энди маълум, мен бечорани калака қилиб юрган экансиз-да. Билувдим, ишхонасида бирорта мегажинга илакишган бу, деб. Қани, жавобимни беринг.

Мамат бақариб юборди:

— Оғзингга қараб гапир, Зари! Ахир у Хидир Хидировичнинг набиралари-ку! Ишонмасанг, ана телефон, Хидир Хидировичга ўзинг сим қоқиб сўра. Нима, мен кўчада қолиб кетган итмидимки, йўлиққаннинг оёғига суркалиб, илакишиб кетаверсам.

— Ит? Сиз итдан ҳам баттарсиз!

— Қонимни қайнатма деяпман сенга! Қасам ичсам ишонасанми? Тилим танглайим-га ёпишиб қолсин десам, ишонасанми?

Маматнинг куйиниши Зарифанинг шаштини пича қайтарди.

— Ушоққа бораркансиз, нега унда бизларни ҳам опкетмадингиз? Олиб борсангиз сазангиз ўлармиди? Ўзингизникидан бировларники азизми?

— Ҳа, энди... — Мамат чайналди.

— Қилиғингиз қурсин, — деди Зарифа, араз билан.

\* \* \*

Орадан икки-уч кун ўтгач, Мамат уйга ҳовлиқиб кириб келди. Ҳовлида куйманиб юрган Зарифа эрининг аҳволини кўриб:

— Тинчликми, Мамат ака? Бирор гап бўлдими? — деди хавотир билан.

— Бугунги газеталар келдими? — деди Мамат шоша-пиша.

— Ичкари уйда, хонтахтанинг устида... Тинчликми ишқилиб?

Мамат югуриб уйга кирди, газеталарни титкилаб, ахйри излаганини топди чоғи, ниманидир ўқий бошлади. Сўнг чуқур бир орзиқиш билан:

— Рост экан! — деди орқасидан эргашиб кирган Зарифага.

— Нима рост экан? Бирор жойда ер қимирлабдими?

— Ер қимирлаганда ҳам бунчалик шов-шув бўлмас-ов! Ўзинг ўқидингми буни? — Мамат хотинига газетани кўрсатди. — Узунтерақликлар Хидирхон акамларни депутатлик, яъни ноибликка сайлашмоқчи экан.

Зарифа ёқасига туфлади.

— Ҳовлиқмалигингиз ҳам бор бўлсин-да, одамнинг ўтакасани ёриб юборай дедингиз! Шунга шунчами?

Зарифа лабини буриб чиқиб кетаётган эди, Мамат уни тўхтатди:

— Ҳа, ёқмадимми?

— Уша хўжайинингиз сиз билан менга бирор нарса қилиб берармиди?

Мамат кулиб юборди.

— Қизиқсан-а, Зари! У эмас, биз бир нима қилиб беришимиз керак.

— Депутат бўлади деб бошдан-оёқ сарпо кўтариб борайликми ўша тиржавулнинг уйига?

— Эй, йўқ, сени сарпонга зор эмас у. Гап бошқа ёқда.

— Хўш, қаёқда экан?

— Узунтерақда у киши билан учрашув бўлармиш. Хидир Хидирович шу учрашувда ўз дастури билан сайловчиларини таништирармиш.

— Таништираверсин, менга нима.

— Ҳамма гап сенда-да.

— Нимага энди менда бўларкан?

— Хидирхон акам айтдиларки: «Келин бола китоблар орасида ишларкан. Бизни китоб варақлашга вақтимиз йўқ. Кўпчилик ўртасида гапни чертиб-чертиб гапирмасанг бўлмайди, шунга бадий китоблардан фойдаланиб, одамларнинг кўнглини юмшатадиган гаплардан топиб, уч-тўрт қоғозли доқладча тайёрлаб берса, яхшилиги бўйнимизда қолиб кетмас. Бир кийимликми, икки кийимликми жугут атласнинг энг зўридан топиб бериш мани таним», дедилар.

— Гап бу ёқда денг? Депутат бўладиган у кишим-у, ташвиши бизгами? Малайини топибди! Ўзининг калласи йўқ эканми?

— Калласи бўлганда, сен билан менга ялиниб ўтирармиди?!

Маматни зориқтирмаслик учун Зарифа бир оз паст тушди.

— Жудаям зарил эканми ҳозир? — деди.

— Жуда ҳам зарил эмас, шу ҳафталарда бўлса бас.

— Майли ёзиб берарман, — деди Зарифа, бўшашиб.

— Энди ўзинг биласан, депутат бўлиб олгунча сайловчиларнинг кўнглини овлаб туриши керакми, ахир? Ундоқ қилодурман, бундоқ қилодурман, деб турса, бечоралар сайлаб юборганларини ҳам билмай қолишади. Ундан кейин, эркак кишида лавз деган нарса бор. Хидир Хидировичга берган ваъданинг устидан чиқмасам, «хотинига гапи ўтмаскан-да», дейишади...

Зарифа инқиллаб-синқиллаб ошхона томон юрди. Мамат хотинини кўндирганидан хурсанд бўлиб, телевизор қулоғини буради. «Номзодлар ҳақида ҳикоялар» деган кўрсатув бошланаётган экан.

— Мана буни томоша қил, — деди Мамат. — Ҳойнаҳой депутатлар ҳақида бўлса керак, эртага доқладчани ёзаётганингда қўл келиб қолиши мумкин...

Бу номзод ҳам Хидир Хидировичдек савлатдор, пешанаси дўнг, бир тутам сочини орқасига ташлаб олган, япалоқ бурнининг остида кўнғиз мўйлови бор думалоққина киши экан. Узини Шўрбосган ноҳиясидаги бўрдоқичиликка ихтисослаштирилган совхоз

директори деб таништирган бу одамга сўз берилганида, у олдидаги қоғоздан кўзини узмай ўқишга тутинди.

— Ҳойнаҳой бунга ҳам бировлар қоғоз қоралаб берган чиқар, — деди Зарифа, Маматнинг жиғига тегиб.

Телевизордаги киши чеккасидан оқиб тушаётган терни рўмолчаси билан сидириб, жаврар эди: «...Агар мен депутат бўлсам, биринчи очиритда Орол денгизини тўлдираман, тилимизни ривожига абизателний ўз улушимни қўшаман, кўчаларни асфалтлайман, хонадонларга природний газ киритиб бераман, магазинларни тақчил моллар билан тўлдириб ташлайман. Не толка...»

— Урис малимга ёздириб олган экан, гапидан билиниб турибди, — деди Мамат, бўшаган косани бир четга суриб. — Урис малимлар гапга чечан бўлади.

— Учиринг! Қуруқ гап билан қорин тўярмиди? Ундан кўра иккинчини олинг, кино беряпти, — деди Зарифа энсаси қотиб.

— Кинога бало борми? Ундан кўра ана у хомсемизнинг гапини териб ол, — деди Мамат телевизорга кўлини бигиз қилиб. — Докладча ёзаётганингда асқотади. Қара, қанақа ваъдалар беряпти. Сен ҳам шунга ўхшаш бир нималарни қоралаб беравер, айниқса, Оролни албатта тилга олиб ўтгин. Ҳозир энг долзарб мавзу шу!

Зарифа эрига ўқрайиб қараб қўйди.

— Шу гапларнинг пуч эканлигига ақлингиз етар экан, нега мени ёлғон ёзишга ундаяпсиз?

— Сен ёзиб беравер, жавобини у беради.

Зарифа хўмрайганча Маматнинг олдидаги бўш косани олиб, ташқарига чиқиб кетди. — Ажаб замонлар бўляпти-да, — деди Мамат ўзига-ўзи ва ёстиқни тортиб, ёнбошлади...

\* \* \*

«Машъал» жамоа хўжалигининг марказида қад кўтарган икки қаватли хўжалик идорасининг ҳовлиси ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Жамоанинг ёшу қариси шу ерда. Бино пештоқига «Халқ номзодларига шон-шарафлар!» деб ёзилган алвон илиб қўйилган. Атроф супириб-сидирилган. Колхозчилар бу ҳолни тафтишчилар ё каттаконлар келгандагина қуришар эдилар. Байрам кунлари ҳам бунчалик дабдаба бўлмас. Эрталабдан ўйин-кулгию ашула авжида. Бунинг устига, жамоа аҳлининг қора қозони гўшт кўрадиган бўлди, негаки, жамоа раҳбарлари бўлажак депутат номидан буқа сўйиб, халққа тарқатди. Ҳожи қассоб гўштни нимталаб, тарозига қўяр экан, «Хидирбойга раҳмат денглар, бу тўкин-сочинлик ўшанинг шарофатидан, шунинг учун битта овозларинг бўлса ҳам, иккита овозларинг бўлса ҳам Хидирбойдан аяманглар», деб алоҳида-алоҳида ҳаман қилди. Ҳамманинг чеҳрасида хурсандчилик нишонлари барқ уриб турса-да, «Бизнинг овозимизни қадри бир кило гўштга тенг бўлдимиз?» дегувчилар ҳам бор эди...

Жамоа аҳли ва раҳбарлари меҳмонларни интиқлик билан кутиб туришибди. Жамоа раиси Сувонқулов икки кўлини кўксига чалиштириб, Маматга нималарнидир тушунтириш билан овора. Гулзор ўртасида ўрнатилган сўрида эса Таваккалов бошчилигидаги «Узунтерак шивири» дастаси пичир-пичир қилишяпти. Мўъжазгина фаввора ёнидаги супанинг чап томонида бир тўда бошланғич синф болалари қўлларидан гулдаста билан муғаннийларга анқайиб туришибди. Қари чинорнинг соясига қўйилган махсус сўрида эса жамоа фахрийлари ҳамда карнайчи-сурнайчилар қизғин гурунгни бошлаб юборишган...

Катта кўчанинг бошидан икки-уч машина чанг кўтариб жамоа идораси томон бурилганда, ўша томондан бир тўда ёш-яланг болаларнинг «келишяпти, келишяпти» деган шодон қичқириқлари қулоққа чалинди. Мамат шошиб, карнайчию сурнайчиларга «чалинглар» деган ишорани қилди. Муаллима Хуррамова гулдаста кўтариб олган болаларни бир сафга тизиб, ким кимга гул тутқазини таинглаётганда, оломоннинг ғала-ғовури бир сония тиниб, ҳамма катта кўчага қараб қолди.

Машиналар етиб келди. Мамат одамлар орасидан отилиб чиқиб, Хидир Хидирович ўтирган машинанинг эшигини очишга ташланган эди, ноҳос бировга урилиб, юзтубан йиқилиб тушди. Одамлар кулиб юборишди. Мамат бунга эътибор бермай ўрнидан даст туриб, кийимларига илашган тупроқни ҳам қоқмай, чаққонлик билан машина эшигини очди. Машинадан Хидир Хидирович ва унга эргашиб яна икки киши тушди. Гул кўтариб олган болалар уларни қуршаб олишганда, раис Сувонқулов қарсақ чалиб юборди, унга бутун оломон жўр бўлди. Юқори синф ўқувчи қизларидан бири нон-туз олиб меҳмонларга пешвоз чиққанда, биринчи бўлиб Хидир Хидирович нондан қуртаккина узиб, тузга тегизиб оғзига солган эди, бу таомилни бирин-кетин ҳамроҳлари ҳам такрорлашди. Яна қарсақ!

Мамат уст-бошини қоқиб, чолғувчиларга ишора қилди. Қулоқни қоматга келтирувчи карнай-сурнай овози тингач, ҳаловатини йўқотган қушлар яна дарахт шохларига

қўнишди. Бир лаҳза жимликдан сўнг Сувонқулов меҳмонларни қўтлаб қисқача маъруза қилди.

Хидир Хидирович атрофга олазарак кўз ташлаб, излаганини топди чоғи, кўрсаткич бармоғи билан бир чеккадаги Маматни имлаб чақирди. Мамат ҳаллослаб «акахон»нинг истиқболига етиб келди.

— Бўтам, ҳамма ишлар рисоладагидекми? — деди Хидир Хидирович қўлидаги гулдасталарни Маматга тутқазар экан.

— Ҳаммаси сиз айтганингиздек, Хидир Хидирович! — деди Мамат яшнаб. — Колхоз ажратган буқани сахармардонлаб Ҳожи қассоб билан нимталаб, сизнинг номингиздан жамоага тарқатдик, Ўн чоғли кишига гўшт етмай қолувди, бирор гап чиқмасин деб, югуриб бориб уйдаги қўйлардан бирини олиб келиб бўғизлавордик. Жиянингиз Қадамжоннинг дўконга яшириб қўйган тўрт қоп шакари билан уч яшик макарони бор экан. «Тоғанг учун бир-икки сўмнинг баҳридан кечасан», дегандим, кўнди. Бо яна, ҳа, карнайчиларни зўрға кўндирдим. Бугун пешинда митончалик Абдурайим патпатдан закалатини олиб қўйишган экан, қўлларига икки бўлагини берувдим, бу ёққа келаверишди. Отарчиларнинг одатини биласиз-ку, ким кўпроқ берса ўша томонга оғаверади, эрини ташлаб ўйнашига югурган хотинга ўхшаб. Шундай қилиб, Митончага бориб бешик тўйини эртага қолдиртирдим. Хулласи калом, Хидир Хидирович, сайловчиларингизнинг ҳаммаси хурсанд. «Битта овозимиз бўлса ҳам, яримта овозимиз бўлса ҳам шу киши билан баҳам кўрамыз», дейишяпти.

— Боплабсизлар! Жуда яхши! — Хидир Хидирович узундан-узоқ ахборотни эшитиб, Маматнинг елкасига қоқиб қўйди...

Раис Сувонқулов ўрнидан туриб, қўлини юқорига кўтарган эди, залдагилар бироз тинчишди. Раис гап бошлади:

— Ҳурматли жамоа аҳли! Ҳурматли ака-укалар, жамоа фахрийлари! Бугунги йиғилишимизнинг боиси шулким, биз ўз номзодимиз, ҳаммамиз учун ҳурматли, қадрдонимиз Хидир ҳам Ҳамроюф билан дийдорлашиб турибмиз. Жим, ўртоқлар, жим! Хидир акани ҳаммаларингиз яхши танийсизлар, у киши ҳақида маълумот бериб ўтиришимни ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Хидир ака ўзимизнинг Узунтерақдан чиққан маҳаллий кадрларимиздан. Хидир ака бизнинг 13-Узунтерақ сайлов участкамиздан халқ номзодлигига кўрсатилган. Қани, қадрли колхозчилар, келинлар, Хидир ака учун юракдан чиқариб битта қарсак чалсак, нима дейсизлар?

Сувонқулов бошлаган қарсакни ўтирганлар давом эттиришди. Хидир Хидирович ўз навбатида ўрнидан туриб ўтирганларга қараб таъзим қилгач, Сувонқулов маърузасини давом эттирди...

Хидир Хидирович боя Мамат берган қоғозларга кўз югуртирар экан, аъзои-бадани титраб, бароқ қошлари баланд-паст бўлиб кетди. У Маматни имлади.

— Б-бу ни-ма-си? — Хидир Хидировичнинг авзойиб бузилган эди. — Б-биз китобхонлар конференциясига келганимиз йўқ-ку! Мактаб кўрганмисиз ўзи? У қўлидаги қоғозни Маматга итқитди.

Мамат қоғозга кўз югуртирди:

«А. П. Чеховнинг «Олтинчи палата» асари асосида китобхонлар конференциясига тайёргарлик плани».

Унинг юраги товонига тушиб кетди:

— Хидир Хидирович, узр! Эрталаб шошганимдан келинингиз тайёрлаб қўйган маъруза ўрнига стол устида турган Чехуфни кўтариб келаверибман... Узр! Ҳозир ғир этиб уйга бориб келаман.

Хидир Хидирович «эсинг курсин» дегандек, кўрсаткич бармоғи билан Маматнинг бошига нуқиди.

— Тез бориб кел, ҳаяллаб, ишни пачавасини чиқариб қўйма тағин.

Пича вақт ўтгач, Сувонқулов маърузасини тугатди-да, «энди навбат сизга» дегандек «номзод»га қаради. Хидир Хидирович Сувонқулов томон эгилиб, унинг қулоғига нималарнидир шипшиди. Сувонқулов ўз навбатида «тушунарли» деб бошини лиқиллатди ва биринчи қаторда ўтирган «Узунтерақ шивирини» дастасининг бадий раҳбари Таваккаловни имлаб чақирди.

— Вот что, навбатдан ташқари яна иккита қўшиқ ижро этасизлар, тушунарлими? Вазият шуни тақозо этияпти, қани, шоввозларингни саҳнага чақир. Гуландомхонни чақир, кеча раёпо раисини тўйида айтган «Ҳа, дўрса» ашуласини яна бир марта айтиб берсин, мириқайлик...

...Гуландомхон ашуласини тугатди, ундан кейин яна бир қўшиқ ижро этилди, аммо Маматдан дарак йўқ. Хидир Хидирович безовта, ўзича сўкиниб кўяди. Учинчи қўшиқ бошланганида, залда ғала-ғовур бошланиб кетди:

— Биз қўшиқ эшитгани келганмизми?

— Қани, депутатнинг гапини ҳам эшитайлик!

Сувонқулов бу чақириқларни эшитмаган киши бўлиб, Хидир Хидирович билан оғиз-бурун уриштиргудек гаплашиб ўтираверди. Қўшиқ тугай-туғай деганда Маматнинг

қораси кўринди. Уни кўрган Хидир Хидировичнинг чеҳраси очилиб, ўзини анча хотир-  
жам сездди.

Кўшиқ тугагач, Сувонқулов ўрнидан турди ва қўлини юқорига кўтариб, ўтирганлар-  
ни тинчлантирди.

— Ҳурматли ўртоқлар! Мана ниҳоят, мамнуният билан сўзни бўлажак депутатимиз  
Хидирхон акага берамиз. Марҳамат, Хидирхон ака, сўз сизга.

Хидир Хидирович оғир қадамлар билан юқорига чиқди ва худди хизмат хонасидаги  
айланма курсига суянгандек, минбарга суяниб, мушт бўлиб тугилган қўли билан оғзини  
тўсиб йўталди-да, эринмай чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонасидаги реза терни,  
лаб-лунжларини артган бўлди. Сўнг қаддини ғоз тутиб, «мана мен тайёрман» дегандек  
ўтирганларга қараб қўйди. Мамат олиб келган маърузани минбар устига ёйиб, зарғал-  
доқ ҳошияли кўзойнагини қаншарига қўндирган эди ҳамки, ўтирганлардан бири ўрни-  
дан туриб:

— Ҳурматли номзод, гапни қисқароқ қилиб, аввало ўз дастурингиз билан таниш-  
тирсангиз, қолган гапларни кейин бафуржа гаплашаверамиз, — деб қолди.

Бу ногаҳоний луқмадан саросимага тушган Хидир Хидирович «дастури нимаси?»  
дегандек Сувонқуловга қараган эди, раис паст оvozда шипшиди:

— Қанақа ваъдаларингиз бор, дейишяпти... Ваъдани каттароқ қилаверинг!

Хидир Хидировичнинг пешонаси тиришиб, алланималар деб минғирлади. Томоғи  
қуруқшаб кетди. Оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб, қўлидаги қоғозларни титкила-  
ётганди, туйқус жумлалар орасидаги «ваъда бераман» деган иборага кўзи тушди. Уша  
жумлани ичида пичирлаб ўқиди. Қоғоздаги фикр кўнглига яқинроқ эканми, тарам-  
тарам бўлиб тиришган пешонаси текисланиб, юзига қизиллик югурди. Уша жумладан  
кўзини узмай, ўқий бошлади:

— ...менинг номзодимни кўрсатиб, бир қадар тўғри иш қилгандай бўлдингизлар.  
Мендек оддий бир деҳқоннинг боласини депутатликка лозим топган экансизлар, буни  
сўсалистик жамиятимиздаги демократиянинг тантанаси деб билгайман. Агар менинг  
номзодимни қўллаб-қувватласанглар, ишонтириб айтаманки, сизларнинг дастурларинг  
бўлиб қоламан, — Хидир Хидирович ўзи ўқийдиган жумлалардан ўзи завқланар, «Ма-  
матнинг хотини бало, бунақа гапларни қаёқдан толди экан?» деб хаёлидан ўтказиб,  
кулиб қўярди. — Мен сизларга замонавий, типовой уйлар қурдириб бераман, лой ва  
чанг босган кўчаларингга бир ой ичида тош ётқизиб асфалтлайман. Тез орада Узунте-  
рак ва Фарғара қишлоқларига табиий газ ўтказаман, энг асосийси, ҳаммамизнинг фоже-  
амиз бўлган Оролни тўлдиришга ўз ҳиссамни қўшаман, ўзбек тилимизнинг ривожига  
ривож қўшишга ҳаракат қиламан. Ундан сўнг, Тошбосган чўл зонасидан идорамизга  
ажратилган ерда ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, қўй-қўзиларни кўпайтириб, озиқ-овқат  
дастурини бажараман, ана шунда сизлар, ҳар куни соатлаб гўшт дўконларининг олдида  
сарғайиб турмайсизлар...

Маърузанинг худди шу ерга келганда, Хидир Хидировичнинг кўзлари кинидан  
чиқиб кетаёзди, чунки ваъдаларининг охири кўринмас, ўқилгани сайин пуфакка ўхшаб  
шишиб-кўпириб борарди: «Тилингда тирсақ чиққур Маматни хотини бу гапларни қаер-  
дан олган экан?! Ваъдаларни қара, ҳар биттасига битта жумҳуриятнинг ўзлари етмайди.  
Яна ўзининг Фарғарасини қўшганига ўлайми? Нима бало, бу мени қапамни кўйдирмоқ-  
чими?!» деб ўйлади у ўқишни бас қилиб.

Сувонқулов ўрнидан турди.

— Депутатимизнинг дастури ҳаммаларингизга ёққан бўлса керак-а? Билиб туриб-  
ман ёқди... Бу ваъдалари пуч деб ўйламанглар. Хидир Хидирович шу соҳаларнинг  
ҳаммасида ишлаб чиққанлар. Газлаштириш идорасида ҳам, йўл қурилиши идорасида  
ҳам, сув хўжалигида ҳам, хулласи калом, Хидирхон ака берган ваъдалар нимагадир  
асосланган. Агар керак бўлса, номзодларини қўллаб-қувватлаган ҳар бир сайловчининг  
хаётини суғурта қилиб беришлари ҳам мумкин, чунки у киши район суғурта идорасида  
ҳам бир неча вақт бошлиқ бўлганлар... Энди, ўртоқлар, номзодимизга қанақа савол-  
рингиз бор? Тартиб сақланглар, қуюшқондан чиқиб кетманглар.

Ўтирганлардан бири қўлини кўтариб, ўрнидан турди. Бир Сувонқуловга, бир Хидир  
Хидировичга қараб, ийманибгина сўради:

— Тракторга эҳтиёт қисмлар ҳам топиб берасизми?

Бу саволга Сувонқулов жавоб берди:

— Энди, Тўқсон ака, биламан, запчастдан қийналиб юрибсиз. Бир неча бор қабу-  
лимда ҳам бўлгансиз, саволни ҳам запчаст қилмасдан лўндасини гапираверсангиз  
бўларди. Депутат сизга механик ёки омбор мудирин эмас, ахир. Ундан кейин, Хидирхон  
аканинг эҳтиёт қисм ишлаб чиқарадиган заводлари ҳам йўқ, — Сувонқулов тутқииб  
кетди. — Иби, ўзларинг ҳам фикр қилинглр-да мундоқ!

Тўқсон тракторчи изза бўлиб жойига ўтирди.

— Агар сайланмай қолсангиз, тил масаласида ким томон бўлардингиз? — деди  
ўрта ёшдаги бир киши.

Хидир Хидирович устига обижуш тўкилиб кетган одамдек бир учиб тушди.

— Энди ука, биринчидан, бунақа ният қилманг, иккинчидан, сайланмай қолсам, канешни кўпчилик томонида бўламан.

— Оролни тўлдириш учун қандай таклифларингиз бор?

Сувонқулов яна ўрнидан туриб кетди.

— Э, ўв, қанақа одамсиз ўзи? Ҳозир қайси бир номзоддан сўраманг, «Оролни тўлдиarmoқчиман» дейди. Уларни биров ёқасидан олмайдику, тўлдирасан, деб. Сиз бўлсангиз оғиздан чиққан нарсани ёқага ёпиштиряпсиз. Иби, тўхтанг, Хидирхон ака аввал депутат бўлиб олсинлар, ҳуқуқ-пуқуққа эга бўлсинлар, кейин бафуржа гаплашаверамиз. Депутат бўлмай туриб, Оролдай баҳри уммонни тўлдириб буларканми? — деди у жиғибийрон бўлиб.

Хидир Хидирович Сувонқуловни тинчлантириш учун қўлини кўтарди.

— Қўзитуғди ака! Қўзитуғди ака, кўп нервинчит қилманг. Укамиз тўғри савол беряптилар, мен бу саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўраман. Менимча, — деди Хидир Хидировичи залнинг шифтига қараб, — Оролни тўлдириш қийин, аммо қараб туришимиз ҳам гуноҳ. Улмаган жондан умид, мени таклифим, денгизни тўлдириш учун кўпроқ митинг ва йиғилишлар ўтказиб туриш керак. Айниқса, ҳар йили бир марта «Орол қуриб боряпти!» деган темада илмий, ҳа, ҳа, илмий майлис ўтказиб, одамларни ҳушёрликка чақириб туриш мақсадга мувофиқдир. Ундан кейин, йилига бир ёки икки марта Орол денгизи бўйлаб экспедиция ташкил этиб, айланиб чиқиш ҳам фойдали...

— Амалий таклифингиз ҳам борми?

— Амалий таклифни олимлар қилади, ука, депутатлар гап-сўз билан уларни қўлаб-қувватлаб туради...

Кимдир ўтирган жойидан луқма ташлади:

— Сиз билан бирга номзоди кўрсатилган Каримжон Йўлдошев ҳақида нима дея оласиз?

Бу исми-шарифни эшитган Хидир Хидировичнинг энсаси қотди.

— Карим Йўлдошев! Карим Йўлдошев ҳақидами?

Хидир Хидировичи оғир аҳволдан яна Сувонқулов қўтқариб қолди.

— Ҳурматли ўртоқлар! Саволларни тўхтатинглар! Чегарадан чиқиб кетяпмиз! — ўрнидан турди раис. — Хидирхон акани толиқтириб қўйдик, манимча. Ҳали биз бунақа учрашувларни яна ташкил қиламиз. Хидирхон ака қочиб кетаётганлари йўқ. Депутат бўлиб олганларидан кейин ҳар куни шу ерда бўладилар. Устига-устак, уларни фарғараликлар ҳам кутиб туришибди. Шундай экан, биз ҳозир Хидирхон акани қарсақлар билан кузатсак-да, сизларни катта концертга таклиф этсак. Биламан, ҳаммаларингиз чарчадингизлар, бир қўшиқ тинглаб мириқинглар. Қани бўлмаса, бошланг, — дея Таваккаловни саҳнага таклиф қилди Сувонқулов.

Раисдан ҳайқибми, ўтирганлар бўшашибгина қарсақ чалишди...

Меҳмонлар ташқарига чиқишганда, ичкарида қўшиқ ва чолғу наволари авжида эди. Елкасидан тоғ ағдарилгандек энгил нафас олган Хидир Хидирович Сувонқуловнинг қўлини маҳкам сиқди.

— Раҳмат сизга, Қўзитуғди ака! Учрашув яхши ўтди, хурсандмиз! Энди бизларга рухсат, қайтсак.

— Йўқ, Хидирхон ака, худдонамлик қилманг, — деди Сувонқулов муғамбирона кулиб. — Биздан шундоқ қуруқ кетмоқчимисиз? Унақаси кетмайди, ҳозир ҳаммамиз боғга борамиз. Маматни ўша ёққа юборганман, жаз-биз қилиб туришган бўлса керак.

— Қўймайсиз, Қўзитуғди ака, қўймайсиз, — деди Хидир Хидирович, гўё зиёфатдан хабари йўқ одамдек илжайиб.

— Қани бўлмаса, мошинга чиқинглар! — деди Сувонқулов...

...Ширакайф Хидир Хидирович хизмат машинасининг орқа ўриндиғида ялпайиб, ҳамроҳларини оғзига қаратиб олган. Олдинги ўриндиқда ўтирган Мамат унинг узуқ-юлуқ гапларини маъқуллар эди.

— Ма-мат! — Хидир Хидирович Маматнинг елкасига шапиллатиб урди. — Қалай? Учрашув зўр ўтди-а?

— Нимасини айтасиз, Хидирхон ака? Учрашувингизни чала-чулпа кўрдим-у, аммо боғдаги «учрашув» айтганингиздан ҳам зиёда бўлди.

— Биласанми, бўтам, бу учрашувларинг бир расмиятчилик, аслида депутатлик — чўнтакдаги гап.

— Балосиз, Хидирхон ака!

— Балодан қаеримиз кам?

— Ҳай, иби, Сувонқуловни қаранг, раис деган номи бўлса ҳам, елиб-югуриб хизмат қилди.

— Лойини олгандан кейин елиб-югуради-да! Мен сенга ҳар доим айтаман: чўнтагингга пулинг бўлса, ҳурматинг доим жойида. Мана, ўз кўзинг билан кўрдинг ҳаммасини.

— Гап йўқ, Хидирхон ака! Гап йўқ сизга!

Хидир Хидирович мақтовдан ҳузурланди. Маматнинг елкасига қарсиллатиб яна бир туширди.

— Биласанми, Мамат?

— Нимани Хидирхон ака?

— Узунтеракдан яна битта лидер чиққан экан.

— Ким экан ўша лидер?

— Қурилишда инженермиш!

— Ҳозир инженердан кўпи йўқ, оти нима экан?

— Карим!

— Карим?!

— Танийсанми?

— Шакар чўпонни ўғлими? Машқолсин у бир! Ҳали зомича-ку! Депутатликни ким қўйибди унга? Мишиғини артиб олсин ҳали!

— Ҳозир ишни, ана шу мишиқиллар қилсин-да, Маматбой! Бугун менга савол бериб чалғитганлар шунинг одамлари экан, Сувонқулов айтди.

— Одамлари билан нима ҳам қила оларди ўша тирмизак? Сувонқулов сиз тараф бўлса, ташвишга не ҳожат?

— Аммо-лекин, масаланинг нозик томони бор-да.

— Қанақа нозик томон?

— Арқоннинг иккита учи борлигини биласанми?

— Ёш бола ҳам билади-ку буни, акахон!

— Тўғри, аммо шу арқонни буклаганда иккала учи ҳам бирлашишини-чи?

— Устимдан кулаяпсизми, акахон?

— Ҳа, яша! Ҳозир ўша арқоннинг бир учи Каримнинг қўлида. Мана шу арқонни икки учини бирлаштириш учун нима қилиш керак энди?

— Ўзингиз айтаяпсиз-ку, буклаш керак.

— Йўқ, билакка ўраш керак, шунда арқоннинг иккинчи учини қўйиб юборгиси келмаётган Карим биз томонга энгашиб келаверади. Масала шундаки, арқонни биричи бўлиб ўрашни бошлаган томон ютади.

— Арқонни ўртасидан кесиб юборсак-чи?

— Унда таранг тортилган арқон иккига бўлиниб, икки томонга ағанаб кетамиз.

— Ағанаб кетмасак керак, орқамизда Соли Солиевич турибдилар-ку, суяб қоладилар.

— Бир ҳисобдан бу гапинг ҳам тўғрику-я, аммо.

— Тўхтанг, ўзи нима учун Карим билан арқонни тортишамиз, акахон?

— Кейин айтаман.

Хидир Хидирович мавзуни бошқа томонга бурди.

— Ҳаммадан ҳам келинбола дастурни бошлабди.

— Э, қўйсангиз-чи.

— Нима бўлса ҳам, сену мендан кўра ақли бутун-да.

— Журнал-пурналлардан кўчирган-да.

— Журналларда бунақа гаплар йўқ, «Оролни тўлдириш чорасини кўраман!» Ҳа-ҳа-ҳа! — Хидир Хидирович қўли билан сонларига шапатилаб қаҳ-қаҳа отиб кулди. Унга Мамат ва Шариф жўр бўлди. Хидир Хидирович кулгидан ёшланган кўзларини ишқалаб гапини давом эттирди. — Оролни яратганининг ўзи тўлдирилмас, бандасига йўл бўлсин.

Мамат хотинининг ёнини олган бўлди.

— Бировдан эшитганини ёзгандир-да, акахон.

— Нима бўлса ҳам, бу яхши гап! Ҳозир одамлар ишинга эмас, ширин сўзингга қарашади! Иш билмасанг ҳам гап бил, деганлар...

Машина Хидир Хидировичнинг нақшинкор дарвозаси олдига келиб тўхтаганда сўхбат бўлинди.

Мамат қаққонлик билан машинадан тушиб, орқа эшикни очди ва хўжайиннинг тушишига ёрдамлашмоқчи бўлиб, унинг ўнг қўлтиғига кириб олди. Шариф ҳам Маматга ёрдамга ошиқиб, хўжайинининг чап қўлтиғига киргач, икковлашиб уни уйга олиб киришди.

\* \* \*

Мамат «ҳузурларига» кириб келганида, Хидир Хидирович дераза ойнасидан ташқарига қараб турарди. Ташқарида ёғаётган ёмғир кучайгандан кучаяр, томчилар ойналарга чирсиллаб уриларди. Хидир Хидирович ойнадаги аксга тикилганча ўзининг ўтмишини хотирлар, сўнги пайтларда ҳаёти чигаллашиб кетаётганидан хавотирланар эди.

Ўтган йили ноҳия социал таъминот идорасининг нураб бораётган биносини таъмирлаш учун ажратилган қурилиш материалларини собиқ инженери Дўстжонов билан гаплашиб, ими-жимиде ўзининг Боғишамолдаги дала ҳовлисига ишлатиб юборгани, шу ишни вақтида расмийлаштириб ололмаганидан фиғони фалакда эди унинг. Бир томон-



дан сайлов яқинлашиб қолган, агар бу ишлар ошкор бўлиб қолса, номзоди ўтмай қолиши мумкин. Қандай қилиб бўлмасин, бу ишни сайловгача бости-бости қилиш керак. Аксига олиб янги инженернинг ҳам номзоди Узунтерақдан кўрсатилибди. Рақиб бу вазиятдан усталик билан фойдаланиши мумкин.

Шу каби хаёлларга ғарқ бўлиб турган Хидир Хидирович Маматнинг кириб келганини сезмай қолди. Мамат йўталгандагина у деразадан кўзини олиб, серрайиб турган Маматга қаради ва келдингми дегандек бошини қимирлатиб, қўли билан буш ўриндиқни кўрсатди. Ҳадеганда гап бошламасдан турган Хидир Хидировичнинг авзойига қараб, Мамат хавотирга тушди. «Кечаги учрашув Хидирхон акамларга ёқмадимикан, ёки маърузани алмаштириб юборганимдан хафами? Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Ҳаммаси рисоладагидек ўтди-ку! Ундан кейин, келин бола бошлабди, деб Зарифани мақтадилар...» Маматнинг хаёлидан шунга ўхшаш, бир-бирини инкор қиладиган фикрлар ўтди.

Хидир Хидирович бир муддат бошини чангаллаб турган, чуқур хўрсинди ва ўзини орқага ташлаб, оромкурсига суяниб олди. Бу жимликдан Маматнинг юраги тарс ёрилай деди.

— Тинчликми, Хидирхон ака? Кайфиятингиз...

— Тинчлик, бўтам, тинчлик! — деди Хидир Хидирович. — Бир нарсага бошим қотиб қолди.

— Сизни бошингизни қотираётган нарса нима экан? — деди Мамат ҳамдардлик билан. — Эҳтимол, менинг ёрдамим...

Хидир Хидировичнинг чеҳрасига зўраки табассум ёйилди.

— Қўлингдан келармикан?

— Қўлимдан келса, жоним фидо!

Хидир Хидирович Маматнинг содиқлигига яна бир бор амин бўлди чоғи, мулоимгина кулиб, бехосдан сизлашга ўтди:

— Ҳамма ишни сизнинг гарданингизга юклайверсак, қандоқ бўларкин, Маматхон? Мамат қўлини кўксига қўйиб, Хидир Хидирович томонга сал эгилди:

— Юкингизни енгил қилармиканмиз, деб юрибмиз-да, аяхон.

— Раҳмат!

— Олдиндан раҳмат айтиб уялтирманг, ака.

— Сизга нима дейишни ҳам билолмай қолдим, Маматхон, жигарим қилмаган яхшиликларни қиляпсиз.

Мамат бу илтифотлардан кейин ўзини анча тетик тутди.

— Айтинг, нима иш экан?

Хидир Хидирович ўрнидан туриб, Маматнинг елкасига қўлини қўйди.

— Кеча учрашувдан қайтаётганимизда гапнинг бир учини чиқарган эдим, — деди у. — Шариф билмагани маъқул деб...

— Ҳа, ҳа, эсимда.

Хидир Хидирович бир сўлиш олиб, мақсадга кўчди:

— Шу десангиз, дала ҳовли учун озгина харажат қилиб қўйган эдик, ишхона ҳисобидан, шуни вақтида расмийлаштириб қўймаган эканмиз. Кеча шу ҳақда райкомга сигнал тушибди. Кечқурун Соли Солиевич кўнғироқ қилиб қолдилар. Бу иш бюрода кўрилмасдан бир ёқлик қилишимиз керак экан.

— Узлари ими-жимиди тўғриласалар бўлмасмикин?

Хидир Хидирович бош чайқади.

— У кишининг қўллариди эмас-да, бу иш, уяхон. Янги инженер гапга кирмайдиган хилидан. Очиғи, бу ишнинг калити сиз айтган ўша зомичани қўлида.

Мамат шарақлаб кулиб юборди.

— Шакар чўпоннинг зомичаси, денг.

— Ҳа, худди ўша, — деди Хидир Хидирович, оромкурсига чўкар экан.

— Арқонни билакка ўрашни олдинроқ бошлашимиз керак экан-да? — деди Мамат, Хидир Хидировичнинг гапларини эслаб. — У нима қилиб бериши керак ўзи?

— Мана шу акт қоғозига қўл қўйиб берса бўлди, олам гулистон, — Хидир Хидирович стол тортмасидан бир варақ қоғоз чиқариб, Маматга узатди.

Мамат қоғозга кўз югуртириб чиқди.

— Уриниб кўрсам майлими? Карнайчидан бир пуф-да! — деди у менсимасдан, худди бу ишни ҳамирдан қил суғургандек қойиллатиб юборадигандек. — Ҳаҳ, Шакар чўпонни бодиси-ей!..

Мамат ҳовлига кириб борганида қуёш тиккага келиб қолган эди. Қурувчилар кўрсатган кўчма уйчанинг эшигини очганда Каримжон стол устида ёйиб қўйилган айқаш-уйқаш чизмали қоғозларга мук тушиб ишлаётган экан. У бошини чизмадан кўтармай Маматга салом берди.

— Келинг, ака, ўтириб туринг, мен ҳозир, — деди ишини давом эттириб.

Мамат қўлбола ёғоч курсига ўтирар экан, Каримжоннинг бу хатти-ҳаракатларини димоғдорликка йўйди.

— Райсабесдан келгандим, — деди Мамат гапга урғу бериб.

Каримжон бошини кўтармай:

— Ҳа, Хидир Хидирович билан ишлайсизми? — деди.

Мамат муғамбирлик қилди:

— Хидир Хидирович, шу укамизни янги лавозим билан табриклар келинг, деб юборган эдилар.

— Иш бошлаганимга йил тўляпти-ку, энди эсларига тушибдимми? — Каримжон чизмадан бошини кўтарди. — Нима масалада келганингизни энди тушундим, бекор-га овора бўлибсиз.

— Тўғриси айтсам, муҳим бир иш билан келгандим, — деди Мамат, чўнтагидан қоғозларини олар экан.

— Хидир Хидировичнинг иши юзасидан денг? Бу ишга аралашмаганингиз маъқул, барибир қўл қўйиб бермайман. Биласизми, бу ерда халқ мулки талон-торож қилинган. Райкомдагиларнинг ҳам хабари бор. Яқин кунлардаги бюрода бу масала ўз ечимини топади.

Эшикдан кириб келган қотмагина қурувчи йигит гапни бўлиб қўйди:

— Узр, тушликка чиқмайсизларми? Юринг биз билан, Каримжон ака, меҳмонни ҳам олиб чиқинг.

— Сизлар боваринглар, Давронжон, менинг озроқ ишим бор, — деди Каримжон, йигитга миннатдорчилик билдириб.

Йигит чиқиб кетгач, Каримжон Маматнинг қўлидаги акт қоғозини олиб кўз югуртириб чиқди.

— Ака, гапимга тушунинг, — деди сўнг, қўлидаги қоғозни буклаб Маматга узатар экан. — Биринчидан, бу акт тузилганида мен талаба эдим. Иккинчидан, Хидир Хидирович мендан олдинги инженер Дўстжонов билан тил бириктирган. Дўстжонов ҳозир қаердалигини биласизми?

— Қамалиб кетган, деб эшитганман.

— Ҳа, ана! — деди Каримжон. — Энди акт масаласига келсак, бундан бир йил олдин ўша сиз ишлаётган идора биносини таъмирлаш учун давлат юз минг сўмлик қурилиш материалларини ажратган. Хидир Хидирович нима қилган? Дўстжонов билан тил бириктириб, ўша қурилиш материалларини Боғишамолдаги дала ҳовлисига ишлатган. Сўнг иккаласи «идорани таъмирлашга ишлатилди» деган маънода мана шу сизнинг қўлингиздаги актни тузишган. Иш шу билан тугамаган, Хидир Хидирович туллкалик қилгани учун Дўстжонов актга қўл қўймай юрган. Шу орада қурилишга комиссия келиб қолади. Дўстжоновнинг иши терговга тушиб, қамалиб кетади. Энди бу ишга мени шерик қилмоқчимисиз?

Мамат булардан воқиф бўлса ҳам, барибир Хидир Хидировичга бўлган садоқати уни ғайирликка ундар эди.

— Бунақалигини билганимда келмасдим, Каримжон, — деди Мамат, бўйинини қисиб. — Энди, биз рабобий одам, буйруқни бажарамиз. Бор дейишди, мана келдик, энди у томонини иккалангиз келишиб оларсизлар. Яхшиси юринг, бирга тушлик қилайлик. — Бу билан Мамат яна бир ғайирликни бошламоқчи эди.

Каримжон рози бўлди.

«Рақибни маст қилиш керак, сўнг қандай қилиб қўл қўйиб юборганини ўзи ҳам билмай қолади». Шу хаёл билан Мамат ошхона рўпарасидаги дўконга кириб кетди. Сотувчига ўн беш берган эди, бир шишани қоғозга ўраб берди. Ошхонага кириб овқат олишди. Мамат суҳбатлашишга қулайроқ деб, чеккароқдаги столни танлади. Ароқни сумкасидан чиқариб стол остига, икки оёғининг орасига қистириб қўйди.

— Иштаҳани очиш учун юзта-юзта қилсак, — деди у, илжайиб.

— Йўқ, мен ичмайман, узр, — деди Каримжон қўли билан пиёла оғзини берки-тар экан.

— Олсангиз-чи, биров сизнинг оғзингизни ҳидлаб турибдимми? Юз грамм ҳеч нарса қилмас, йигит кишисиз-ку, — авраё бошлади Мамат.

Каримжон розилик беравермагач, биринчи пиёлани Маматнинг ўзи бўшатди. Бир оздан сўнг яна қўйди.

— Олинг энди, ишларингизни ривожини берсин. Шу учун ҳам олмасангиз, беш кетмайман сизга.

Каримжон барибир рози бўлмади. Иккинчи пиёлани ҳам Маматнинг ўзи тинчитди.

— Юз грамм олинг, қолганини ўзим амаллайман. Қани, плонлар юз бўлиб, юзингиз ёруғ бўлсин, олинг...

Яна Мамат яққаланиб қолди.

— Энди оларсиз, — дея Каримжоннинг қитиқ патига тега бошлади у. — Ҳеч бўлмаса, бола-чақанинг соғлиги учун! Қани, таранг қилманг...

Каримжон индамай овқатланаверди. Маматнинг кўзлари ичган сари кичрайиб борарди. У яна пиёлани тўлдирар экан, чулдирай бошлади:

— Ота-она соғлиги учун ичмаган ўғил — ўғилми?.. Қани олинг, ота-онамиз ҳамини

ша... ҳиқ... бахти-миз-га... ҳиқ... Шахсан мен ота-онам учун... ҳиқ... икки бочкасини юмалатиб ташлайман... ҳиқ...

Қуйилган ароқни Каримжон ичдими ёки ичмадими, билмайди. Уйига қандай қилиб келганини, ким олиб келиб қўйганини ҳам эслолмайди.

Ярим кечаси ўзига келди. Боши хумдек оғир. Бирдан акт эсига тушиб қолди. Бош оғриғи тақа-тақ тўхтади. Апил-тапил чўнтакларини титкилашга тушди. Афсуски, то-полмади. Қаерга ғойиб бўлиши мумкин? Бирор жойда тушириб қолдирдимикан-а? Карим қўл қўйдими ўзи? Қўл қўйди-ёв! У безовталаниб қолди.

\* \* \*

Эрталаб нонуштага ҳам қарамай қурилиш майдонига етиб келганида Каримжон қурувчиларга кунлик иш режасини тушунтираётган экан. Мамат унинг бўшашини кутиб турди.

Каримжон қурувчиларга топшириқларни бериб бўлгач, Маматни хонасига бошлаб кирди.

— Қандайсиз, Мамат ака? Кеча соғ-саломат уйингизга етиб бордингизми? Бахтингиз бор экан, қурилишга бетон олиб келган мошинанинг ҳайдовчисига илтимос қилувдим, барака топкур рози бўлди. Уйингизгача обориб қўйдими, ишқилиб?

— Ҳа, раҳмат! — деди Мамат чайналиб.

— Яна ўша масала тўғрисида келдингизми? Мен сизга кеча айтдим-ку, бу ишга аралашманг деб. Халқ мулкани талон-торож қилишга ўзимиз йўл очиб берамиз-да, яна ўзимиз хаспўшлаймиз. Уша Хидир Хидировичнинг пушти-паноҳи бўлмиш Соли Солиевич ҳам шу масалада гапирганди. У кишига ҳам айтганман. Буни қарангки, узунтракликлар қўли эгри одамни ўзларига депутат қилиб сайлашмоқчи. Биламан, раис Сувонқулов эски ошнаси, шу орқали ишни амалга оширмоқчи. Бу ишни то сайловгача охирига етказаман...

Мамат унинг гапларини жимгина эшитиб ўтирди. Каримжон гапини тугатгач, мингирлаб деди:

— Гапингиз тўғрику-я, мен бошқа масала тўғрисида... Кечаги акт қоғозини шу ерга қолдириб кетмадимми ўзи?

— Эй, бор бўлинг ака! Маст бўлиб қолсангиз ҳеч нарсани билмай қоларкансиз-да, а? Ахир уни кеча ошхонада кераксиз қоғоз деб иккига бўлиб, ғижимлаб ташладингиз-ку! — Каримжон кулиб юборди.

Маматнинг таъби тирриқ бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдек серрайиб қолди.

...У турли ўй-хаёллар билан ишхонага кириб келди. Биринчи дуч келган киши кичик ҳисобчи Сайфи баданг бўлди.

— Кеча қиттаккина бўлибди-да, а? — деди у ҳазиллашиб.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз, — Мамат сирни бой бермади.

— Чарчабсиз, Мамат ака, чарчабсиз! Қиёмжонга айтсангиз, хотини дўхтир, тўрт-беш кунга справка қилдириб беради, озгина дам оласиз. Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда Сочи-Почига кетиб қолардим...

Хидир Хидирович кириб келдию иккаласининг суҳбати бўлинди. Улар хўжайин билан қўл олишиб кўришишди. Хидир Хидирович хонасига кираётиб, орқасига ўгирилди.

— Маматхон, бирпасдан кейин олдимга кириг.

Сайфи баданг ўғри мушукдек писиб хонасига кириб кетди. Мамат хаёлларининг адоғига етолмасди. Ахийри, бўлганича бўлди, деб шахдам қадамлар билан раис хонаси томон юрди.

— Сенга нима бўлди, Маматхон? Рангинг докадек оппоқ, мазанг йўқми? — Хидир Хидирович унинг тирсагидан тутиб оромкурси томон етаклади. Бир пиёла совуқ чой қўйиб берди.

Мамат уни охиригача симириб пиёлани стол устига қўяр экан, хўрлиги келиб хўнграб йиғлаб юборди.

— Мени кечиринг, акахон... Мен аҳмоқ, мен эшак... буюрган ишингизни уddaлай олмадим. Ҳаммаси ўзимдан ўтди. Ароқнинг кучига ишонган эдим, аммо ўзимни оёғимдан олди...

Маматнинг елкалари зир-зир титрарди. У шу алпозда бўлган воқеани сўзлаб берди. Бир қадар ўзини йўқотиб қўйган Хидир Хидирович Маматнинг икки билагидан тутди.

— Тур ўрнингдан, бўтам, ўтакамни ёриб юбординг-ку! Биров ўлиб қолибдими дебман. Тур, кўз ёшларингни артиб ол! Ҳай, иби, битмаган иш борми? Бугун битмаган бўлса, эртага битар. Тоес, мен ҳам бир пайтлар шу аҳволга тушганман, — Хидир Хидирович Маматга далда бермоқчи бўлди. — Қачонлиги эсимда йўқ-ку-я, аммо мен ҳам Соли Солиевичнинг юмушларини бажара олмаганман. Ҳаётда бўлади-да, ука. Эркак киши ҳам йиғлайдими?

— Ахир, акт қоғоз... — деди Мамат ранги бўздай оқариб.

— Эй, актми, бу томонидан ташвиш тортма, мен сенга иккинчи нухасини бериб юборганман. Қўл қўядими, қўймадими деб синаб кўргандим. Биринчи нухаси мана, ўзимда турибди. Демак, ўша Карим деганинг душманимиз экан, бундан кейин муомилани бошқача қиламиз.

Бироздан сўнг Хидир Хидирович асабийлашди, важоҳати кўзиб сўкинди. У Маматни сўкдими ёки Каримними, билиб бўлмасди.

— Қандай замонларга қолиб кетдик-а, Маматхон?! Боланг тенги тирмизаклар бетингга сакраса? Бу нимаси энди? Замон кўтарса, шунақаларни гўшткубакка қўйиб майда-майда қилиб ташласанг! Замон кўтармайди-да, бўлмаса... Бу демўкратия дегани ҳаммани юзини очиб юборди... Икки ҳафтадан кейин сайлов, ўшангача ишни тинчитиш керак. Бўлмаса, дудинг чиққур ташвиқот қилиб ҳаммаёққа дoston қилиб юборади. — Хидир Хидирович ғижиниб муштини тугди. Бўйин томирлари бўртиб, кўзлари косасидан чиқиб кетгундай олайиб, бурун катаклари пир-пир учди. Азбаройи жаҳли чиққанидан тили калимага айланмай, рақибини тилка-пора қилишга шайланган шердек хезланиб, Мамат томон юра бошлади.

Мамат ҳозир шу мушт менинг бошимга тушади, деб бўйнини ичига тортиб, кўзларини чирт юмди. Бир лаҳза шу алпозда турди. Сўнг кўзини аста-секин очди. Қараса, Хидир Хидирович деразадан ташқарига тикилиб, хаёл сураяптилар. Мамат унинг аҳволига ачинди.

— Нима қил дейсиз, акахон? Бирор чораси бордир? Қўлига бирор нарса берсакми-кан-а? Зора қулфи-дили очилса, мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди-ку, ахир?

Хидир Хидирович ялт этиб Маматга қаради.

— Олмаса-чи?!

— Олади! Олмай ўлибдими!

— Юзта сиз-биздан битта жиз-биз яхшироқ демоқчисан-да?

— Бўлмаса-чи, акахон!

Хидир Хидирович анча мулойимлашиб, тўсатдан уни «сиз»лашга ўтди:

— Майли, Маматхон, бу фикрингиз ҳам тўғри, ҳозир олмайдиганнинг ўзи қолмаган. Ҳозир бориб ишларингизни қилаверинг, кечгача бир қарорга келармиз. Ҳа, айтгандай, эсимдан чиқай деб қолибди. Маматхон, ғаламислар кўп, сайлов ўтгунча бизнинг ҳовлидаги нарсаларни озгинасини вақтинча сизникига ўтказиб қўйсақ, нима дейсиз?

— Қандай бўларкин? Биров билиб қолса...

— Ҳамма гап шунда-да! Ҳеч ким билмаслиги керак! Депутатнинг ҳовлисини бир кўриб қўйайлик, деб киришса, фикрлари айниб қолмасин, дейман-да. Ундан кейин, ҳовли ўртасидаги ҳовузни ҳам вақтинчалик кўмиб қўйсақ.

— Маъқул гап. Хидирхон ака, яхши ўйлабсиз.

— Тактика билан стратегияни бирваракайига олиб бориш керак, Маматхон! Шундай қилсангиз ютасиз. Хўп десангиз бугун кечаси шуларни бир ёқлик қилсақ.

— Хўп бўлади, — деди Мамат...

Мамат «хузурларидан» чиқаркан, елкасидан тоғ ағдарилиб кетгандай бўлди. Шернинг чангалидан омон қолган одамдек енгил нафас олди.

\* \* \*

Мамат алғов-далғов тушлар кўриб чиқди.

Хидирхон акаси билан Қора денгиз бўйида дам олиб юрган эмиш. Денгиздан эсиб турган сарин шабада одамнинг баҳри-дилини яйратиб юборармиш. Чўмилаётган парилар эса, ақли-ҳушингдан жудо қилиши ҳеч гап эмасмиш. Мавжланиб турган денгизга қараб Хидир Хидировичнинг кўнгли сайру саёҳатни тусаб қолибди. Шу дамда денгиз бирдан шовуллаб, чунонам наъра тортибдики, бирпасда ҳаммаёқ оппоқ кўпикка ўлиб кетибди. Катта-катта тўлқинлар қирғоққа зарб билан урилиб, даҳшатли шовуллаб кўкка сапчирмиш. Бу манзарадан кўрқиб кетган Мамат Хидир Хидировичга зорланибди:

— Қўйинг, Хидирхон ака, денгиз сайлини бошқа кунга қолдирайлик. Қаранг, ҳавонинг авзойи бузуқ, бир палакат юз бермасин.

Хидир Хидирович бепарволик билан қўл силтабди.

— Кўрқаяпсанми, бўтам? Кўрқма! Шундай кунда денгизда сайр қилишнинг гашти бўлакча бўлади.

— Тўлқинларга қаранг, ўпқоннинг ўзи, ахир.

— Тўлқинлар инсонни курашга ўргатади, бу курашга дош беролмаган жонзот ана шу кўпикларга ўхшаб йўқ бўлиб кетади...

Бир пайт қараса, денгизнинг қоқ ўртасида эмишлар. Тўлқинлар қутургандан-қутурармиш, кема эса сув юзидаги пўкакка ўхшаб у ёқдан бу ёққа отилармиш. Хидир Хидирович хонанинг бурчагига биқиниб олган Маматнинг қўлидан тортиб юқорига — палубага етаклабди. Сўнг икки қўлини икки ёнига ёйиб чуқур нафас олибди.

— Бўтам, денгизга қара, қандай чиройли!

Қўрқувдан титраб турган Мамат зўрға:

— Ҳа-ҳа... — дея олибди, холос.

Бир маҳал, денгиз тубидан бир қўлида болта, бир қўлида гурзи билан одамбашара махлуқ чиқиб келибди. Мамат синчиклаб махлуқнинг юзига қараб, таниб қолибди.

— Карим-ку, бу, Хидирхон ака!

— Қўйсанг-чи, қанақасига Карим?!

— Шакар чўпоннинг ўғли!..

Махлуқ ғазабга минибди:

— Бир-бирингга нималарни пичирляяпсанлар?

— Кечирасиз, ҳеч ҳам пичирлаётганимиз йўқ, — дебди Мамат Хидир Хидировичнинг билагига ёпишиб. — Кимсиз ўзи, акахон?

Махлуқнинг кўзларидан ўт чақнаб кетибди, қўлидаги гурзисини жаҳл билан силкитиб:

— Нега сенлар менга савол бeryапсанлар? Нега мени тергаяпсанлар? Ипириққи қумурсқадай эзиб ташлайман ҳозир!

Бу гапдан кейин Хидир Хидирович ҳам қўрқиб, тиз чўкиб ёлвора бошлабди:

— Қайси гуноҳимиз учун?

Икковлари ҳам ҳўнг-ҳўнг йиғлашармиш:

— Жонимизни олсанг ҳам бола-чақамизнинг олдида ол, мусофирликда ўлиб кетмайлик!..

— Азроил ака! — дермиш Мамат, зор қақшаб, — битта бизнинг гуноҳимиз учун бутун бошли кемани фарқ қилмоқчимисиз? Ахир, бола-чақамиз бор!

Махлуқ қўлидаги гурзисини яна ҳавода ўйнатибди.

— Қилғиликни қилаётганларингда бола-чақаларинг ёдларингга тушмайди-ку, энди зорланасанларми? Бу кемадаги одамларнинг ҳаммаси сенлардай юлғич, порохўр, лаганбардор... Қани, калималарингни келтир, ҳозир кемани фарқ қиламан! — деб гурзиси билан бир уриб, кеманинг қоқ белидан иккига ажратиб юборибди.

Кема чўка бошлабди. Тўс-тўполон бошланиб, аламли фарёдлар, аччиқ нолалар, инграшлар қулоқни қоматга келтирибди. Ит эгасини танимасмиш, ҳамма ўзининг жони омон қолиши учун тўрт томонга югурармиш. Тўполонда Хидир Хидировични йўқотиб қўйган Мамат жон ҳолатда битта қайиққа тушиб, эшкак тортиб бораверса, бир маҳал рўпарасидан Хидир Хидирович сузиб келаётган экан. Унинг орқасидан Сувонқулов ва Соли Солиевич ҳам кўринибди. Ҳолдан тойган Хидир Хидирович Маматга бақирибди:

— Мамат, дардингни олай, мени ташлаб кетма! Ердам бер!

Мамат қўлини чўзибди. Аммо Хидир Хидирович оғир экан, қайиқни ағдариб юборибди.

— Ердам беринглар! Ердам! — бақириб юборибди Мамат...

Ўзининг қўрқинчли овозидан уйғониб кетиб қараса, қора терга беланиб, ўзининг уйда ётибди. Ёнида хотини — ҳеч нарсадан хабари йўқ, тош қотиб ухляпти.

Мамат ўрнидан туриб, совуқ чойдан симириди, чанқоғини қондиргач, ёқасига тупуриб, яна қайтиб ўрнига келиб бошини ёстиққа қўйди. «Сув — ёруғлик», дейдилар-ку, деб ўзини-ўзи юпатган ҳам бўлди. Хотинига орқасини қилиб ётди.

Тонг отгач ўрнидан туриб, елкасига чопонини ташлаб ҳовлига чиқди. «Ёмон туш кўрсанг, аввал сувга айт», деган удумга амал қилиб, қишлоқ чеккасидаги Султонравот ариғига бормоқчи бўлган эди, фикридан қайтди. Биров кўриб, эшитиб қолса кулги бўлиб қолишини ўйлади.

Урикка қўлини тираб бироз ўйланиб турди-да, сўнг ҳаммомга кириб кетди. Сув кранининг жўмрагини бураб, тушини оқиб турган сувга айта бошлади...

Ҳаммомдан эшитилаётган овоз Зарифани ўзига жалб этди. «Эрим саҳар мардонлаб ҳаммомда ким билан гаплашяпти?» деган ўй билан эшикни қиялатиб, қулоқ тутди. Мамат тушини айтиб бўлгач, қўл-бетини ювиб ҳаммомдан чиқди. Тиржайиб турган хотинини кўриб пешонаси тиришди.

— Нега тиржаясан? — деди хотинига.

— Тиржайсам нима қипти?

— Дард бўлибди, ўл бўлибди!

— Жиннимисиз, ўзингиз билан ўзингиз гаплашяпсиз?

— Эшитдингми?

— Эшитдим! — Зарифа пинагини бузмади.

— Энди туш ўнгидан келади! — деди Мамат жаҳл билан.

Уни пойлоқчиликда айблаб бўралаб сўқди. Сўнг кўзи хотинининг қорнига тушгач, шашти қайтиб, ўзича минғирлади:

— Бировга гуллаб юрма, онангни кўзингга кўрсатаман, тушундингми?

— Сизнинг тушўнгиз билан бировнинг неча пуллик иши бор, — деди Зарифа, аччиғи чиқиб. — Бирор қилғиликни бошлаб қўйгансиз-да, энди тушунгиздан ҳам қўрқиб юрибсиз.

Улар қурилиш майдонига етиб борганларида, соат миллари эндигина тўққизни кўрсатаётган эди. Кўчма уйчанинг эшигидаги қулфни кўриб, тўғри қурувчилар олдига боришди.

— Каримжон ишга келдиларми? — деди Мамат улар билан кўришиб.

— Бунақа кечикадиган одатлари йўқ эди, яна билмадим, — прораб бола елка қисди. — Ишқилиб тинчлик бўлсин-да.

— У ёқ-бу ёққа ўтаман демаганмиди?

— Йўқ! Агар бирор ишлари чиқиб қолса, бизларга бир кун олдин маълум қилардилар.

— Энди қаердан топамиз уни? — деди Шариф, машина ойнасидан бошини чиқариб.

— Кетдик, — деди Мамат, шахд билан.

— Қаёққа?

— Узунтракка! Уйига борамиз! — деди Мамат машинага чиқар экан...

Дарвозани ёшгина жувон очди ва қўлини кўксига қўйиб салом берди.

— Ваалейкум... Сиз Каримжоннинг болаларими?

— Ҳа, — деди жувон хавотир аралаш. — Тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик! Бизга Каримжон керак эдилар, — деди Мамат.

— Кечкурун иситмалари кўтарилиб кетувди, дўхтир чақиртирдик, касалхонага олиб кетишди...

— Туш... Туш ўнгидан келдимикин?.. — минғирлади Мамат ўзича.

— Бир нима дедингизми? — сўради жувон унинг гапини англамай.

— Йўқ, ўзим, — деди Мамат, — Ҳали бирор хабар-лабар бўлгани йўқми?

— Бир соатча олдин касалхонага телефон қилувдим, анча тузук эканлар, ҳозир ўзим ҳам бориб-келаман, деб турувдим, — жувон рўмолининг учи билан кўзларини артди. — Ишхоналаридан келдиларингми?

— Ҳа, шунга яқинроқ, — деди Мамат шошиб. Сўнг қувонганидан юраги ҳапқириб: — Ҳечқиси йўқ, иссиқ жон-да, келин, икки-уч кунда отдек бўлиб кетади, — деб далда берди.

Жувон бош ирғади...

— Ажаб бўпти! — деди Мамат машинага чиқар экан. — Бировнинг қарғишига учраган одам авлиё бўлармиди? Битта қўл қўйиш нима деган гап? Мана энди камида бир ҳафта касалхонада ётади, унга сайлов ҳам ўтади. Хидир Хидирович сайланганидан сўнг, биров мушугини пишт деёлмайди. Депутатни ишдан олиш осонми? Қани ҳайда, Хидир Хидировичнинг уйларига!

Шариф машинани ўт олдиради экан, поччасининг бу хурсандчилигидан оғринди.

— Бировнинг ҳолига бекорга куляпсиз, почча! Тавба денг, — деди машинага газ берар экан.

— Авваламбор, ҳаммамиз мўмин-мусулмон, бу ишга тавба дейишимиз керак, лекин гапнинг пўскаллиси-да, битта имзо учун бизни не кўйларга солмади бу зангар?

— Сизларга ҳам ҳайронман, — деди Шариф йўлдан кўзини узмай. — Шу бола билан нимани талашаяпсизлар ўзи? Хидир Хидирович ҳам ёш болага ўхшаб шу билан олишиб юрибдилар! Хидир Хидировичга нима етишмайди ўзи, егани олдида, емгани ортида бўлса.

Мамат Шарифнинг саволига жавоб бермоқчи бўлиб оғиз жуфтладию лекин «ҳеч нарсадан хабари йўққа ўхшайди, билмагани маъқул» деган ўй билан индамай кўяқолди...

Пешонасига қийиқча танғиб олган Хидир Хидировичнинг ўзи дарвозани очди. Маматнинг кайфиятини кўриб сал илжайгандай бўлди.

— Ишлар битдими дейман, оғзинг қулоғингда! — деди Маматнинг қўлини қисар экан.

— Битди деяверинг! — деди Мамат қувончини яшира олмай. — Каримжоннинг ўзи эса...

— Ҳўш, хўш?

— Касалхонага тушибди!

— Сайловга чиқмаса керак-а?

— Чиқмайди! Камида бир ҳафта ётади! Унга сайланиб ҳам оласиз!

— Касалхонага тушибди, дегин, — Хидир Хидирович бир нималарни хаёлидан ўтказар экан, Маматнинг елкасига қўлини қўйди. — Бўлмаса, ҳозир бозорга бориб майда-чўйда қилиб касалхонага ўтинглар-да, аҳволини билинлар. Сайловга уч кун қолди, агар шу орада чиқадиган бўлса, главврач Мустафоевни кўриб гаплашинлар, яна бирор ҳафта олиб қолсин...

Мамат сўраб-суриштириб Каримжон ётган палатани топди. У ўзига ажратилган каравотда ёнбошлаб газета ўқиб ётган экан, Маматни кўриб қаддини ростлади.

— Ётаверсангиз бўларди, ахир касалсиз, — деди Мамат Каримжон билан кўришаркан. — Ҳа, чопқиллаб юрган киши бугун бу ерда, тинчликми?

— Озгина иситма чиқди! — деди Каримжон кулиб. — Икки-уч кунда тузалиб чиқарман, ишлар кўп, буёғи сайлов.

Мамат Каримжоннинг гапларини кулгига олди.

— Иш дегани қачон тугабди, ука? Биринчи навбатда одамзод ўзининг соғлигини ўйлаши керак. Маза қилиб бирор ҳафта оёқни чўзиб, дам олиб ётмайсизми?

— Касалхонада бир кун ётишнинг ўзи ҳам зерикарли, ундан кўра ишлаган минг марта афзал. Ҳечқиси йўқ, сайловгача бу ердан чиқаман. Эрталаб анализларни топширувдим, ҳаммаси яхши дейишяпти, — деди Каримжон. — Менинг бу ердалигимни қаердан била қолдингиз?

— Энди, биз ерни остида илон қимирласа биламиз, ука.

— Яна ўша иш бўйичами?

— Эй, ука, қизиқ одам экансиз-ку! Ишни ишхонада гаплашишади. Аҳволингиздан хабар олай деб келдим.

— Раҳмат!

— Энди, дўхтирлар нима дейишяпти?

— Айтдим-ку, эрта-индин чиқаман деб!

— Чакки қиласиз, ука, мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, камида икки ҳафта дам олардим.

— Озгина инсоф ҳам керак-да. Соппа-соғ бўлсангиз-у, бемалол ётаверсангиз, уят эмасми?

— Ҳа, унда тезроқ тузалиб кетинг, — деди Мамат зўрға, сўнг қўлидаги қоғоз халтани қўлтиқлаганча йўлакка чиқди. Хидир Хидировичнинг маслаҳати эсига тушиб, бош врач деб ёзилган эшикни очди.

Қирра бурун, бургут кўз, қорачадан келган бош врач Маматни илтифот билан қарши олди.

— Бизни Йўлдошевнинг аҳволи қалай, касалининг нўми нима экан? — сўради Мамат.

— Бирга ишласанглар керак? — деди бош врач оқ қалпоғини олиб, рўмолчаси билан бошини артар экан. — Маладес бола экан бу Каримжонларингиз. Мулоҳазалари жуда зўр, кеча кўрик пайти гаплашиб қолдим. Қани энди шунақалардан кўпроқ бўлса.

— Мен сиздан аҳволини сўраяпман, ўртоқ дўхтир.

— Аҳволи яхши, эрта ёки индин жавоб берамиз, депутатликка номзоди кўрсатилган экан. Шунақаларни сайлаш керак, — деди бош врач.

«Ҳали пилонимиз барбод бўлмаса эди», деган фикр ўтди Маматнинг хаёлидан. Бош врачга ётиғи билан тушунтира кетди:

— Сайланадиган бола ўзи! Ўзингиздан қолар гап йўқ, бунақа одамлар бизга ҳам сув ва ҳаводек зарур! Биринчи навбатда одамга соғлиқ керак! Соғлиқ бўлмаса, бариси бир пул! Шунинг учун бу одамни яхшироқ даволанглар, акахон. Икки-уч кун эмас, камида икки ҳафта даволанглар, бизга отдек қилиб беринглар. Сайлов масаласига келсак, уни ўзимиз сайлаб олаверамиз, ўша ерда бўлишлари кўпам шарт эмас.

Бош врач унинг гапларини бош ирғаб тасдиқлади. Мамат ўйлаган режаси амалга ошганлигидан хурсанд бўлиб қўлидаги қоғоз халтани бош врачнинг котибасига топширди-да, касалхонадан чиқиб кетди.

Тунги телефон кўнғироғи Хидир Хидировичнинг ҳаловатини бузди. У эринибгина қўл чўзди-да, гўшакни қулоғига тутди. Узоқдан эшитилаётган аёл-кишининг овозидан сергакланиб, диққат билан қулоқ солди. Кўнғироқдек бу овоз Хидир Хидировичнинг вужудига ширин бир эҳтирос уйғотган эди. «Тамилахонга ўхшайди, нима бало, яна эри командировкага кетиб қолдимикан-а?» деб ўйлади ўзича. Енидаги хотинини уйғотиб юбормаслик учун устидаги кўрпани эҳтиёткорлик билан чеккага суриб ўрнидан турди ва телефон лўкидонини кўтариб, оёқ учида юриб нариги хонага ўтди.

— Эшитаман, тасаддуқ, — деди Хидир Хидирович, эҳтиёткорлик билан. — Ким билан гаплашяпман?

Аёл ўзини таништирди. Хидир Хидировичнинг қўллари қалтираб, гўшакни тушириб юборишига бир баҳя қолди.

— Ҳа, янга, сизмисиз? Танимаганимни қаранг? Тинчликми? Бемаҳалда... Янга? Янга? Нима гап, ахир? Соли акамга бир нима бўлдимми?

Аёлнинг йиғи аралаш айтган нохуш хабаридан Хидир Хидирович бўшашиб, курсига ўтириб қолди.

— Қачон? — деди у, заиф овозда. — Бугун!.. Нимага?.. Ҳм... Ҳм... Йўқ! Сиздан эшитиб турибман. Менинг ҳам мазам бўлмай, бугун ишга чиқмаган эдим... Ўзлари қандай?.. Кўрпа-гўшак қилиб ётибдилар!.. Янга, мен ҳозир етиб бораман.

Хидир Хидирович шошиб ётоққа кирди. Бир нимани унутиб қолдиргандай яна

орқасига қайтиб гўшакни кўтариб, рақамларни тера бошлади. Шовқиндан уйғонган хотини бўғиқ овозда:

— Нима гап, дадаси? Ким экан у бемаҳалда тилпон қилаётган? — деди ёнбошйга ағдарилар экан. — Одамларга ҳам ҳайронсан, ярим кечада бировнинг уйқусини бузман, деб ўйламайди...

— Минғирламай ўл, — деди Хидир Хидирович нариги хонадан туриб. — Соли Солиевични ишдан олишибди, эшитдингми?..

\* \* \*

Эрталаб Маматни хотини уйғотди.

— Туринг, Мамат ака, Шариф келиб сизни пойлаб турибди. Уйга кир десам, йўқ дейди.

— Тинчликмикан? — Мамат апил-тапил кийиниб ташқарига чиқди.

Ташқарида турган Шариф қўлидаги чала-ярим чекилган папиросни девор тагида уюлиб ётган супуриндининг устига отиб юборди-да:

— Кийининг, почча, Хидир Хидирович ишхонада кутиб турибдилар, — деди ҳе йўқ, бе йўқ.

— Ишга чиқмайман, дегандилар-ку!

— Вазият ўзгариб қолди.

— Шунақами? Мен ҳозир...

— Почча, ишлар чатоқ. Соли Солиевични ишдан олишибди, — деди Шариф, йўлга тушганларида. — Хидир Хидировичга сичқоннинг уйи минг танга бўлиб қолди.

— Қачон? — кутилмаган хабардан Маматнинг эси оғиб қолай деди. — Тушунтириброқ гапирсанг-чи, нимага олишибди?

— Кеча, райком бюросида. Нимагалигини билмайман.

— Уб-бо...

— Ишни пачава қилиб қўйибсиз-ку, — деди Шариф йўлдан кўзини узмай. — Кеча бюрога Каримжон ҳам борибди.

— Каримжон?

— Кеча касалхонага бориб келганимиздан кейин кимдир унга бюро бўлишни маълум қилибди. Карим бу гапни эшитиб бош врачни олдига кириб жавоб сўрабди. Врач жавоб бермаган экан, касалхонани кийимида қочиб бюрога кирибди. Хуллас, ҳамма гапни айтибди.

— Баччағарни шашти бўлакча эди.

— Нимасини айтасиз? Хидир Хидировичнинг тагига ҳам сув кетганга ўхшайди...

Мамат қабулхонага кириб борганида котиба қиз Ханжара кўз ёш тўкиб ўтирган экан.

— Хидир Хидирович «энди мен бу ерга қайтиб келмасам керак», деб чиқиб кетдилар, — деди котиба Маматни кўриб.

— Қанақасига? Тушунтириброқ гапиринг, нега энди чиқиб кетар эканлар? Қаёққа кетдилар?

— Иккита одам келиб олиб кетди, — деди котиба ҳиқиллаб.

— Карим биздан олдинроқ арқонни ўрашни бошлаган экан, — деди Мамат ўзича пичирлаб.

— Менга гапирдингизми, Мамат ака? — деди котиба бошини кўтармай.

— Йўқ, ўзим шундай, — Мамат ўрнидан туриб эшик томон юрди.

## ХОТИМА

...Зарифа яна ўғил туғди.

Мамат хотинини кўргани туғруқхонага борди. Қоровулга бир сўм бериб ичкарига кирди-да, фаррош кампирдан олиб келган нарсаларини бериб юборди. Бирпасдан сўнг кампир бўш идишларни Маматнинг қўлига тутқазар экан, ҳовлига қараган ойна томонга ўтишини айтди.

Мамат апил-тапил ташқарига чиқиб, хотинини кўрди. Зарифа қўл силкитди, Мамат ҳам унга жавобан қўлини кўтариб, кулди.

— Яхшимисан? Полвоннинг аҳволи қандай?

Зарифа уялинқираб деди:

— Раҳмат! Ўзингиз яхши юрибсизми? Уйдагилар яхшими?

— Ҳаммаси яхши! Полвонинг исмини нима қўямиз? — қичқирди Мамат.

— Билмасам, — Зарифа бироз ўйланиб турди-да, — Хидирвой қўймоқчи эдингиз-ку, — деди гина аралаш.

— Хидирвой ҳам исм бўлибдими? — Мамат пешанасини тириштириб, бирдан олтин топган гадейдек қувониб кетди: — Исмини Каримжон қўямиз, Зари, Каримжон!..





Тоҳир Қаҳдор

*Ту-фалак тожи кӯши,  
дарди байсар*



## Даҳшатлидир

Элда бир дард бўлса, дардни  
Билмаган даҳшатлидир.  
Билгану, аммо даволар  
Қилмаган даҳшатлидир.

Ким бугун халқим дегай,  
Кимлар бироқ ҳалқум дегай,  
Халқчиман, деб, халқни кўзга  
Илмаган даҳшатлидир.

Тилка-пора бўлди элнинг  
Беғуноҳ фарзандлари:  
Халққа қотилларни айтиб,  
Тилмаган даҳшатлидир.

Кемангиз денгизда-мас,  
Саҳродадир, аҳли сароб,  
Ваҳки, юз йиллаб жойиндан  
Жилмаган даҳшатлидир.

Миллату умматни билмас  
Халқ аро золим эрур,  
Йўқ қилайлик зулми, деб,  
Интилмаган даҳшатлидир.

## Ҳар замон

Ҳар замон халқ уллари  
Юртга хизматлар қилиб келган.  
Лек саройлар қуллари  
Элга тухматлар қилиб келган.

Юрт учун юргин: қилич  
Тийғи кесолмас аёғингни —  
Рухи аждодлар, замонларки,  
Журъатлар қилиб келган.

Икки минг йил ўтган ўтмишга бок:  
Юрт гоҳ таланмишдир,  
Қайта қалқиб халқ, бироқ,  
Жангу шуҳратлар қилиб келган.

Туркимиз — Уғуз, Атил,  
Чингизу Усмон, Темурхонлар,  
Бобурий шоҳлар жаҳон  
Узра давлатлар қилиб келган.

Ёв қўли келгач баланд,  
Қолди Туркистон зимистонда,  
Оми миллат оми деб,  
Бизга миннатлар қилиб келган.

Тил бўлинди — эл бўлинди,  
Бўлинди ер — бўлинди шеър!  
Аҳли Туркистонни ёв  
«Майда миллатлар» қилиб келган.

Бир умумий тил йўқолгач,  
Умумий дил йўқолмишдир,  
Фирқаланган турк эли  
Ҳар не бидъатлар қилиб келган.

Бу не иллат? Элни бузган  
Асоратми, жаҳолатми —  
Бир-бирин еб қавми турк,  
Юртда ғафлатлар қилиб келган.

Хур ватан тушмайди кўндан,  
 Ватанни хур қилур инсон,  
 Хурриятни барқарор  
 Муслим умматлар қилиб келган.

Айтинг, эй сиз, етти иқлимда  
 Саргардон ватандошлар,  
 Бу не элки, ҳар макон  
 Ичра ҳасратлар қилиб келган?..

Юртни ҳасрат қутқаролмас,  
 Ватан қудрат билан собит,  
 Ким Ватан деб юрса, қудрат-ла,  
 Шиддатлар қилиб келган.

## Бу китоб

### Қасида

Бу китобдир жисм ила жоним менинг,  
 Бунда ҳар сўз — жони сўзоним менинг.

Бу — қадим ишқим, оқар қоним аро,  
 Ҳар калом ичра оқар қоним менинг.

Бу варақ осмон мисол доим очиқ,  
 Бу қалам — офтоб, ёзар шоним менинг.

Бу — ўзим, ўзғир замоним, ўз сўзим,  
 Узлигим бу — Узбекистоним менинг,

Тўрт томоним — дард битилган тўрт китоб,  
 Қай тараф юрсам, йўқ имконим менинг:

Чунки чексизлик кўзимни боғламиш,  
 Банди этмиш моҳи тобоним менинг.

Бу — тарозусиз фалак, мезони йўқ,  
 Дил кўзим — оламда мезоним менинг.

Бу сукут — ғафлатда сўнган онларим,  
 Елмаган лаҳзам — зимистоним менинг.

Ой кезар ёлғиз, кўзим ойбон эрур,  
 Нурли шундан тунда айвоним менинг.

Бу заминни дейдилар карвонсарой,  
 Тўхтамас лек бунда карвоним менинг.

Кун-туним бир оқ-қаро карвондурур,  
 Қай тараф бошлар у сарбоним менинг?

Бу — самосиз чўлга тушган йўлларим,  
 Бу — хаёл — юрган биёбоним менинг.

Бу шамолким, шиддатимдан кўзғалур,  
 Кўкка ўрлар оху афғоним менинг.

Бу қуюнким, бир уюм қум жониким,  
 Қумга эврилган руҳистоним менинг.

Бу — фалак тожи куёш, дарди башар,  
 Бу — элим дарди, чароғбоним менинг.

Бу оқар дарёни ютган кўл эрур,  
 Кўлга тошдай чўкди бўстоним менинг.

Кўлми тўлган ёки паймонаммикан?  
 Хасми бу сувларда, паймоним менинг?

Бу — кўзимда ётган эрк уммонидир,  
 Бу — кўзимда қотган уммоним менинг.

Йўқ, бу — диллар дарди, дарёи ниҳон,  
 Бу — элимнинг дарди, дармоним менинг.

Бағритошлик қилма, ёр, бағрим ёнар,  
 Тош заминим, тошдир осмоним менинг.

Бу — дилим армониким, ўлсам агар,  
 Сўнгагимда қолгай армоним менинг.

Бу — ғариб қиш, қушлари оч, донталаб,  
 Чарх уриб, истар улар доним менинг.

Бу — баҳор, бир фасли пайғамбардурур,  
 Мўъжизотдан ақли ҳайроним менинг.

Бу — ёнар ёз, ер ёнар, халқим ёнар,  
 Ғам чекар, кўксимда қулдоним менинг.

Ўз китобин бир хазондек ёқди қуз,  
 Бу — китоб қабри, хиёбоним менинг.

Бу — ҳақир жисмимдаги оҳанги ишқ,  
 Жилваси жоним бу жононим менинг.

Бу — нигоҳим етмаган бир нуқтаким,  
 Ундадир умри нигоҳбоним менинг.

Бу — жаҳолат арзи, бир ваҳшийхона,  
 Бунда иблис, жину шайтоним менинг.

Бу — ёвуз инсонларим, кофирларим,  
 Яхшилар — мўмин; мусулмоним менинг.

Бу — ўшал Нуҳ кемаси, сайёра Ер,  
 Ер — бугун сайёра имоним менинг.

Бу — тўфонли бир замин, ўтлиғ ўлим,  
 Бадниятлар — ўтли тўфоним менинг.

Бу ўтар кунлар ўтар, мажҳул ўлар,  
 Мажҳул ўлгай рости ёлгоним менинг.

Бу жаҳонгирларни еб-ютган жаҳон,  
 Бунда қалбимдир жаҳонбоним менинг.

Бу — ўша шоир дилим, эрк жангчиси,  
 Сўздадир шамширу қалқоним менинг.

Бу — мунофиқ дўстки, дўстан жон талаб,  
 Зулм этиб, у, истар исёним менинг.

Дўст уйин дўзах этар дўстан қочай,  
 Дўст уйи — дунёда ризвоним менинг.

Бу — Ҳиротдан янграган устоз сўзи:  
«Бас, сўйишманг, турку афғоним менинг!»

Бу — Бухородан таралган шуълақим,  
Унга чопгай руҳи урёним менинг.

Бу — Самарқанддаги бир шамсиз мозор,  
Бу ёниқ шам — чашми гирёним менинг.

Бу — тирик Фарғонада ўлган шаҳар —  
Ахсикент бу, бунда сирдоним менинг.

Бу — жаҳонда энг қадим бобил ери,  
Тилда қондош Бобилистоним менинг.

Навқирон Тошкент будир, Шош мақбари  
Узра бунёд шаҳри алвоним менинг.

Бу — Ҳалилуллоҳ, ёнар гулханли ер,  
Бу — дилим, ёнган гулистоним менинг.

Бу — қариб, ўтларга тушган кекса Шарқ,  
Бу — қуёшли бир шабистоним менинг:

Бунда аждод ақлидан бебаҳралар —  
Аҳли тун, бечора нодоним менинг,

Бунда ўз маъбадларин бузган улус,  
Кўҳна шаҳри, мулки вайроним менинг,

Бундадир ўз урфини хор этган эл,  
Чангда ётган илму урфоним менинг

Бундадир ўз юртининг фотиҳлари,  
Бунда забту зулму қурбоним менинг.

Эй сўйиқ Шарқ, эй буюк ғафлатга ғарқ,  
Кўз оч, эй дунёга посбоним менинг!

Сендаги манзар этар ақлимни лол,  
Ўз-ўзин алдарми ҳар оним менинг?!

Йўқ, ҳаёт ўзгартирар кунлар йўлин,  
Бу — ўлимдан кўрқмас Инсоним менинг!

Бу — қадим Турон ери, Шарқ кўкси бу,  
Юрти поким, бу ҳалол ноним менинг.

Бу — ватаннинг дарди, даврим тожи бу,  
Тожини кийдирди давроним менинг.

Бу — менинг қоним оқиб турган болам,  
Жонпаноҳ шоҳим, саройбоним менинг.

Мен етолмас нурга, шаксиз, у етар,  
Тоҳир, ўлсам, йўқ пушаймоним менинг.

### ТУРКМАН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Яхши йигит ҳимматли, яхши қиз қимматли.

От қозиғига эшак боғлама.

От ўлганда майдон қолар, эр ўлганда донг қолар.

Ота билан она кўнгли ўғил билан қиздадир,  
Ўғил билан қизнинг кўнгли дала билан туздадир.

Ота кўрган пичоқ тутар, она кўрган супурги тутар.

От миниб ўрганмаган ландовур эгардан ўпкалабди.

Яроқсиз овчига ов кўринар.

Яхшини яхши демоқ — доноликдан,  
Ёмонни яхши демоқ — кўрқоқликдан,  
Яхшини ёмон демоқ — ҳасаддан.



Исмоил Тўлақов

*Ўзининг қалбларини  
тўлақовнинг сўзидан*

Кўркмасдан очавер,  
очгил каттароқ,  
Очиқ турган юмуқ кўзингни.  
Тўсиб қўймадим  
қошлару қабоқ,  
Обдан синаб кўргин,  
босиб ўзингни.  
Ўзингникими кўз,  
буни ҳам сина,  
Бемаҳал чув тушиб  
қолмаслик учун.  
Чиниқтир кўзингни,  
қийнайвер, қийна,  
Сина кўзларингнинг  
вафодор кучин.  
Ёв эмаслигига  
бир-бирлари-ла,  
Тўла ишоқгунча

таъқибсиз қўйма.  
Алдамоғи мумкин  
ақл бемалол,  
Мумкин алдамоғи  
кўпроқ ҳисларинг.  
Нисбий тушунчамас,  
ҳатто эҳтимол,  
Тахминмас,  
кўзларинг —  
бўлсин дўстларинг.  
Нигоҳларга  
боқаркан дарҳол,  
оча олсанг, дўстим,  
очиқ турган юмуқ кўзингни,  
кўзларга боқишга ҳақлисан,  
ҳақлисан,  
у ҳақда бемалол  
айтмоққа сўзингни...

## Кечикдим

Кечикдим...

Чечакларим менсиз гуллабди,  
қушим учиб кетибди менсиз.  
Дарахтларим нома йўллабди:  
...умр ўтиб бормоқда сенсиз.

Кечикдим...

Қалбимга очилган дарчанинг  
кўзлари йиғлайди ўтганга.  
Муҳаббатдан ёнган арчанинг  
фарёдлари тўлар ўпкамга.

Кечикдим...

Мени кутиб кул бўлибди гул,  
ҳажримда япроқлар куйибди.  
Соғинганим сўқмоқларим — тул,  
кўкдан қўйлак бичиб кийибди...

Кечикдим...

Кечиксам-да, қайтдим уйимга,  
хотиримнинг кундоши армон  
бир дам тинчлик бермас ўйимга.  
Мени ютиб бормоқда ўпқон...

Кечикдим...

Айланурман олмадек, бесас  
хаёлимнинг камарларида.  
Қўл чўзаман, қўлларим етмас,  
осмонимнинг қамарларига...

Кечикдим...

\* \* \*

Кузги япроқ ила дардлашган қушча,  
боқаман, кўзларинг ўхшар кўзимга,  
нажиб нидоларинг менгзар сўзимга,  
кузги япроқ ила дардлашган қушча.

Термулиб тўймайман митти жуссангга,  
дилигни пардалар ичра тўссанг-да,  
шерик бўлгим келди мен ҳам ғуссангга,  
кузги япроқ ила дардлашган қушча.

Қирилиб битдими сўнгни зурёдинг,  
қанотинг қирқдими дўсти бедодинг,  
айтгил, недан, ахир, унсиз фарёдинг,  
кузги япроқ ила дардлашган қушча?

Ерда кўплигидан савобдан гуноҳ,  
ҳижрат навосини чалдингни ногоҳ,  
этай деб бу ёлғиз дунёни огоҳ,  
кузги япроқ ила дардлашган қушча.

Дилинга етдим япроғий бир ун,  
сўнгсиз парвозларинг олдидан бу кун,  
нечун кўкка боқиб сақладинг сукун,  
кузги япроқ ила дардлашган қушча?

Боқаман, кўзларинг ўхшар кўзимга,  
қўрқмагил, азизим, қўнғил тизимга,  
мурғак вужудингни босай юзимга,  
кузги япроқ ила дардлашган қушча.

Бу сокин боғлардан кетаркан йироқ,  
тийран кўзларингни очгил каттароқ,  
бизнинг қалбларимиз титраган япроқ,  
кузги япроқ ила дардлашган қушча.

Андижон



Уллибиби Отаева

*Бир мўзда кўнглимга  
нурлар сенади...*

\* \* \*

Ишонгим келади сеҳр-жодуга:  
Бош-кўзингни боғлаб бир кунмас бир кун,  
Ўзимники қилиб олишларимга.

Ишонгим келади афсоналарга:  
Сен — оқ отли ўғлон, куппа-кундузи  
Мени шарт ўғирлаб кетишларингга.

Кузатиб боради бизни буғулар,  
Оддий буғу эмас, шохи кумушдан,  
Ой билан туғишган,  
Кун-ла талашган!

Ишонгим келади кўришимизга:  
Зар жокилли ўғил, тилло сочли қиз.  
Ўғлинг олтин ошиқ ўйнаб ўтирар,  
Қизинг зар бешикка беланиб ётар.

...Сокин оқиб ётган дарё эмишман,  
Чалу ўнг қирғоғим икки зар бешик,  
Мендан бошланармиш боши йўқ дунё,  
Мендан очилармиш дунёга эшик.

\* \* \*

Илонлар пўст ташлар, қўйлар қирқилар,  
Ойлар тўлинлашар, кунлар кулади.  
Уларни кузатар эканман тўлиб,  
Менинг ҳам яшаргим келади.

...Кўклам безагунча қирни, адирни,  
Гоҳ сафроси ошиб, гоҳ қош қусади.  
Кўк, яшил, қизил ранг босар дунёни,  
Менинг ҳам қон ютиб ёзгим келади.

Тоғлар баландлашиб борар тобора,  
Минорлар наздимда йил йилдан бийик.  
Менинг ҳам юксалгим келади, бирдан  
Англайман: бўйим паст, қоматим эгик.

Бир пайтлар хаёлим етмаган само,  
Менга яқинроқдай... кўзга илади.  
Унинг муруввати, хоксорлигидан  
Тобора кескинроқ бўлгим келади.

Севгим... мени осмон қадар юксалтдинг,  
Қуллуқ, қўл етмасдай юксалтганингга.  
Хок этдинг, пок этдинг тупроқдай, нурдай,  
Шукур, тупроқ қадар хок этганингга...

## Эртакдаги юрт

Ваҳима ёприлиб келганда гоҳо,  
Эртакдаги юртни эслайман дарҳол.

Бунда ҳам бол яноқ, ширин лаблар йўк,  
Бол ўрнида аччиқ, шўр, тахир таъмллар.  
Аёллар — асабий, эрлар урар дўк,  
Мажруҳ қизлар — тақдир янглиш отган ўк...

Ўғиллар отланмас ҳарбий хизматга,  
Қўлларида қатъий тиббий хулоса:  
Яроқсиз ҳарбийга, оғир меҳнатга,  
Мажруҳлар мошинга турар навбатга...

Келинлар тонглари тандирга эмас,  
Беғуноҳ танларга олов қўйишар.

Поездлар, юраги ёрилгандайин,  
Чинқириб-чинқириб ўтишар...

Ёнган — худосини қарғар дегандай,  
Кампирлар тилидан гоҳ учар қарғиш.  
Оятлар, шукрона сўзлар ўрнига —  
Гоҳо чидаб бўлмас ҳайратли нолиш...

Бу юртда шарт эмас елкага ортиб  
Чолларни чўлларга ташламоқ.  
Кексалар йўқ ҳисоб... Насибмас бунда  
Ошингни ошамок, ёшинг яшамок...

Ваҳима ёприлиб келганда гоҳо  
Эртакдаги юртни эслайман дарҳол...

\* \* \*

Бир мужда —  
кўнглимга нурлар сепади,  
Ундан униб чиқар қувонч гуллари.  
Бу гуллари бир-бир тарқатаман мен,  
Қаранг, шодлик босиб кетар дунёни.

Сенинг ташрифингдан кўзларимда нам,  
Илтифотларингдан шошиб қоламан...  
Хушxabар кушлари кўнган елкамни  
Қўрқаман силкитиб йиғламоқликдан...

## Деҳқон

У ибодат қилмас, беҳишт боғлари,  
Йилт этиб ўтмаган ўйидан.  
Намозга турмасдан лекин бирор жон,  
Далага йўл олар уйдан.

Рўза тутишни ҳам эплай олмас у,  
Чанг ютиб, тинимсиз еб тургач заҳар.  
Дўзах азобларин бунда ўтагач,  
Тўппа-тўғри бориб жаннатга тушар.

\* \* \*

Йўлларимда ёприлди бўрон,  
Рўмолингни ташла, дедилар,  
Бошимда йўқ эди рўмолим,  
Бўрон юлди умримнинг ярмин.


Узун тунлар ваҳимасидан,  
Узун сочлар асрар, дедилар,  
Асролмаган эдим сочларим —  
Тунлар еди умримнинг ярмин.

Қирқилган соч, мана йўлимда,  
Ёпинмаган рўмол қўйнимда.  
Ўшал содиқ ёрларсиз умрим  
Осилганча йиғлар бўйнимга...

\* \* \*

Ҳижрон тоши босқилар мени,  
Сарғаяман, сомон бўламан.  
Кўкараман аламдан ёмон —  
Осмон бўламан.

Шафақларим беланар қонга,  
Бағрим дўнар ақиқли жонга,  
Айланади тилим имонга —  
Инсон бўламан.



Шукур Холмирзаев

## ОЛАБУЖИ

Романдан катта ҳикоя<sup>1</sup>

41.

Ултон бу ерлардан кўп ўтган: айниқса ёшликда... Гоҳо ҳаяжону завқнинг зўридан сўна чаққан бузоқдек югурган, кейин арчалар танасига суяниб-ўтириб олган... Ўшанда атрофнинг сокинлиги (гўё қулоғи битиб қолгандек!), ҳа чўнғ бир сокинлик ва яшил дарахтларнинг ғоят бепарво туришлари, қушларнинг ҳам ўз бошларига сайраб учишларини кўриб, кўзига ёш инган.

Ахир мактабда бошқача ўргатишарди-да: «Ҳамма нарса инсон учун!

Ҳатто булбул инсон учун сайрайди!..»

Йўқ, булбул ҳам... чигирткалар ҳам инсон учун сайрамас экан: ўз завқига сайраркан. Ва аксинча: инсон яқинлаша бошласа, сайрашдан тинаркан, учиб кетаркан.

Лекин инсон барибир... севар экан буларни! Қандайдир... Онагами, азиз бир қондошгами бўлган меҳр-муҳаббат билан севаркан.

Демак, Табиат билан Инсон орасида сирли бир яқинлик мавжуд!

— Зўр жойларимиз бор-а, домилла! — деди Наби. — Чиндан ҳам курорт ўзимизда!... Энди қаяққа ҳайдай?

— Тў-ўғрига! — Ултон бир гал ҳужрасида Табиат ва Инсон муносабати ҳақида ўйга толиб ўтираркан, бир манзарани тасаввур этган эди, шунини айта кетди. — Кўз олдинга келтиргин: кимсасиз бир макон, занглагандек жигарранг бир чўққи сўппайиб турибди. Атрофи — тош, тош! Ўша ерга тушиб қолдинг... Унда жонзот йўқ. Ўзингни қандай туясан бу маконда? Билмайсан... Мен ҳам билмайман. Бироқ, дейлик, ўша чўққининг бир жойида бир туп арча ўсиб турган бўлса... Ўшанинг тагига борасанми?

— Ҳа-да, — деди Наби.

— Ана! Чунки ўша арча билан... мана шу арчалар билан ҳам бизнинг орамызда улуғ бир қон-қардошлик бор. Тўғрими?

— Балки.

— Бор! Шунинг учун ҳам... инсон — биологик мавжудот деймиз.

— Домилла, ўзи шў экан-да: Табиат—Она, деймиз-у... Мен бир саводсиз...

— Буни билиш учун саводли бўлиш шарт эмас... Ўзинг гапни онасини айтдинг! — Кейин энсаси қотиб давом этди. — Лекин мен «Наука и Жизнь»да бир мақола ўқиган эдим: инсон — космик ҳодиса эмиш.

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.



— Нима-нима?

— Фазодан... тушган қандайдир ақлли махлуқлар инсоннинг уруғини ерга экиб кетган эмиш! — Наби анграйиб қолди. Ултон эса талтайиб кетди. — Йўқ, шундай деб ёзган!

— А, нега энди у олим...

— Чепуха! — деди Ултон. — Инсоннинг жамики яшаш тарзи, пайдо бўлишию ўлиши — табиатдаги ҳар бир жонли-жониворнинг яшаш тарзи ва пайдо бўлишию ўлиши билан... муштаракдир! Агар ўша онгли махлуқотлар инсон уруғини «экиб» кетишган бўлса, демак, бутун жонзотларнинг ҳам уруғларини «сепиб» кетган бўлади! Ҳолбуки, бир парча ерда минглаб гиёҳлар унади...

— Албатта.

Тепаликка чиққан эдилар.

— Энавер, — деди Ултон. — Ҳей қўтонга! Қорайиб кўриняпти-ку!

— Ҳўп.

Қийдан қорайиб турган қўтон атрофи тошқалама пастак девор билан ўралган, четан энгараги бор. Ялангликда қаққайган — фақат тепа шохларигина қолган қари арчанинг кесикларига лаш-лушлар илинган. Берироқда узунчоқ қапа билан чайла. Чайла устига ёпилган бўйрада думалоқ-йирик қурутлар. Бу маконнинг ҳар ёнидан сўқмоқлар кесишиб ўтган.

Бу — юрт.

«Султон чўпоннинг юрти» дейишади чорвадорлар ҳам, ўткинчилар ҳам.

Ултон эса бу манзилда, эсини танибдики, билади: куз охирлаб, қишдан хабар бергувчи совуқ шамоллар (шимолдаги Чўнтоғ дараларидан) эса бошлагач, аста-секин кўч-кўронларини от-уловларга ортиб, қўй-эчкиларни олдинга солиб, нақ қадим-ибтидоий кўчманчиларга айланиб, мораган-мачараган-бўкирган ва ҳурган товушлар ҳамроҳлигида...

...Оқсувга йўл олишарди, орқадан чанг карвонини эргаштириб.

Юрт бўшаб қолар эди.

Келаси йил Оқсув атрофларида ўт-ўланлар қуврай бошлаганда, тагин ўша алпозда...

...тоққа жўнашарди.

Етиб келганларида, юртнинг у ер-бу ерида парча-парча ўтсиз жойлар бўлмаса (капалар ўрни топталгани учун гиёҳ унишга улгурмасди), теварак-атроф тагин ям-яшил бўлиб «кутиб» оларди.

Уша пайтлардаям Ултон зинғиллаб атрофни айланар, ҳайрон бўлган Олапар унинг изидан чопиб юрар эди.

«Газик» тубанга энаркан, Ултон итнинг югуриб чиқишини тусмоллаб, тикила бошлади. Уни кўрмагач: «Молнинг ортидан кетган», деб ўйлади-да, отасининг шу ерда бўлишини илтижо қилди.

Баҳорҳол қападан чиқиб, чайлага йўналган қизил кўйлакли аёл таққа тўхтаб мошинага қаради-да, изига қайтди. «Отам шу ерда экан, айтади...» деб ўйлади Ултон ва, дарҳақиқат, сал юрмасларидан қапа оғзида қора чопонли кичкина одам кўринди.

— Отангиз-ку, домилла?

Ултон «домилла» деб аталиши бу мазгилга мос келмаслигини туюб:

— Ҳа, — деди.

— Бечора кўп қийинчилик тортган дейман-а, ўсмай қолганлар?

Ултон пиқиллаб кулиб:

— «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни». Шу кишига айтган, — деди. Кейин кулумсиради: «Ҳе, миқти чол. Лекин оғзи полвон-а! — Шунда «оғзи полвон»лик ўзидаям борлиги, ҳа-ҳа, ўзиям баъзан оғзини тўлдириб гапиришини эслаб: — Ажойиб! Боланинг отага ўхшашиям буюк сир...» деб қўйди.

Султон бобо совхоз директорининг мошинасини таниди, табиий, шунинг учун шошиб, салласини ушлаб-ўрнаштириб, айна чоғда қапага қараб бир нималар дея бу томонга йўл олди.

Наби мошинани ертандирга етдим деганда тўхтатди.

Ултон ерга тушиб, уялинқираб ва иршайиб йўналди отасига.

Ота ҳаяжонини билдирмай (билдиришни истасаям билдиролмас, ҳамма вақт қандайдир жиддий ва ўзига ишончи зўр эди), бағрини очди. Ўғилни қучиб,

расмига мувофиқ дам ўнг, дам сўл кўксини унинг кўкрагига тегизиб-тегизиб олди. Сўнг даст-панжасини қўш қўллаб қисиб:

— Хуш кепсан, улим, — деди. Сўнгра Наби билан кўришди. — Сиз яхшими, шопир болам? Э, ўзимизди Набибой-ку?

— Ўша-ўша! — деди Наби. — Ўзингиз дамлигинами? Қўйларни бўрига ол-дирмай, а?

— Олса, энди олади, — деди чол. — Қайси бўридан камсиз. — Кейин қапага қараб ҳайқирди: — Кампир, улинг келди! Мана шу сояга бир тўшанчи сол... Ултонбой шу ерда ўтиришни яхши кўради!

Наби қиқиллаб кулар, Ултон атрофга қарар экан, отасининг сўнги гапидан мамнун бўлди: бечора эсидан чиқармайди.

Ўрмакда тўқилган шолча кўтариб қападан чиққан ўрта яшар, юзларини офтоб ялаб терига ўхшатиб қўйган, шунга қарамай бошига олмагулли шол рўмолни салла қилиб ўраган аёл, яъни, Ултоннинг кичкина онаси тўшанчини тақир ерга ташлаб, қадоқ қўлларини узатганча Ултон билан кўришди.

— Яхшимисиз, Ултонбой? Чопаяпсизми? Ҳе, мундай кемай кетдингиз?

Ултон «она»си билан узоқроқ сўрашишним, гурунг қилишним унча истамайди, чунки аёлни кўзларида қотиб қолган бир хижолат ва синиқлик борки...

...ана шу «синиқлик»ни кўришга йигитнинг тоқати йўқ.

— Э, биз ҳам юриппиз-да! — деди Ултон этакларга кўз ташлаб. — Ҳа, ўзларинг чарчамай, ёзним ўтказиб олдиларинг?

— Худога шукр... Сиз яхшими, шопир?

— Отдаймиз! — деди Наби ва интилиб, шолчани кўтарди.

Султон бобо:

— Ҳай-ҳай! — деди. — Уят бўлади, меҳмон... Қани, кампир, жиз-бизгаям уннаб юбор, булар йўл босиб келган. Бўл тезроқ! Хўш, қани, арчангни томоша қилайлик! — Қари арчага қараб йўл тортди. — Набибой, бу арча Ултон акангизники! Ҳе, биқинларини ўйиб ёзган ҳам ўзи...

— Нодонлик, — деди Ултон. Ва ўша кезларда... какликним, чилним бемалол отгани, ўқ тегмаганда хафа бўлганларини тагин уялиб эслади: — Биз фақат ўзимизни жонли, деб ўйлар эканмиз-да.

— Рост, домилла — деди Наби. — Илгарлари бировнинг хўрози енгилиб ўлса, хурсанд бўлардим. Ҳозир... ачинаман. Қизиқ-а?

— Жонлини жонсиз қилиш кулли гуноҳ, — деди Султон бобо. — Ўзинг яратмаган бўлсанг... — Кейин хўрсинди. — Лекин, уруш деганини ҳалиям тунунмайман. Ҳа, вақти замонида биз ҳам отганмиз. Одамни...

Ултон ҳорғин тортиб кетди-да, ҳозир арчани томоша қилиб турли хотираларга шўнғиб ўтиргандан кўра, бўлари ишни ўринлатиб қўйишни маъқул билди.

Илло, тўй... чиқим билан боғлиқ: чолда қанча пул бор экан? Дарвоқе, ўша ҳашаматли иморатни қуриш учун ҳам, ахир анча-мунча ақчаси кетган-ку?

## 42.

Арчанинг кунботар томонига ўтиб, эски тўқимга ўтириб олган Ултон отасининг ҳам икки қадам наридан бўртиб чиққан томирга ўрнашишини кутди ва (чолга илтифот-мулозамат қилавермайди, зеро чол ҳам бунга муҳтож эмас: майда-чуйда гаплардан баланд туради-да бу кичкина одам!) падари бузрукворига ҳеч қачон «учи»ни чиқармаган, бироқ қачондир айтилиши шарт бўлган энг ҳаётий ва табиий мавзуда (албатта чолнинг ҳам ягона орзуйи шу эди...), ниҳоят, гап очажаги учун хижолат ичра бир-икки хўрсинди-да, атай чимирилиб:

— Отабой, бир гап қиқиб қолди, — деди. Гапнинг индаллоси ҳаяжонсиз бошланганидан қаноатланиб, давом этди: — Шу-у... уйни қуриб қўйгансиз-а?

— Ҳа, — деди чол собитлик билан. — Энди фақат унга кирадиган келиним қолган.

Йигит отасига қараб олди. «Ҳа бунинг орзуси — шу!» деган ўй кўнглидан ўтиб:

— Мана, билар экансиз, — дея бошини эгди.

— Хўш, улим? Айтинг.

— Сизламанг мени... — Ултон бирдан бурилиб, чақирди: — Наби! Бери

ке! — Чайла «томи»дан қурут олиб шимаётган йигитча ирғишлаб етиб келди. Ултон ўрнидан турди. Ва: «Бу қандай қилиб тушунтиради?» деб ўйлади. Бироқ уни чақириб бўлган, нимадир дейиши керак.

— Мана, Набиям билади, — деди ниҳоят. — Бизнинг вақтимиз зиқ, ота.

— Мунча?! — Чол гарангсиз кўзғалди. — Тинчликми?

— Сизниям опкетамиз. Оқсувга! Ундан районга!

— Ё, пирим-э, — деди Султон бобо. — Олдин айтинлар. Нима гап ўзи?

— Гап шундан иборатки, — деб ҳиринглади Наби. Ва чапанчасига айтди-қўйди: — Тўй!

— Йўқ, бу нарса сизга боғлиқ, — изоҳ берди Ултон отасига қарамай.

— Менга? Йўқ, улим, — деди чол ўзини ўнглаб олиб, — сизга боғлиқ.

— Ундай бўлса... — Набининг гапи оғзида қолди. Ултон: «Сизни Тўқлибой Қўчқоров йўқлаётир!» деган гапни дарҳол ўзгартириб:

— Тўқлибой ака йўқлаётир сизни, — деди. Сўнг ғижиниб кетди. Наздида у... «тунги воқеа»ниям айтиб берадигандек бўлди. Кейин уялгани-эзилганиям шу: «Э, нима бўлса бўлар! — деб юборди ичида. — Ахир, мен ёш боламанми?

— Тўқлибой Қўчқоров? — энди ҳаяжон ила сўради қария. — Райком бобоми?

— Ҳа, райком бобонгиз, — деди Ултон. Ва чолни ортиқ гумонларга бордирмаслик учун Тўқлибой Қўчқоров номини юмшатиб ва ўзига яқинлатиб деди: — М-менинг домлам... Ҳим, биласиз-ку, мени ўқитганлар.

— Ҳа-ҳа, албатта! — деди Султон чол қандайдир шишиниб ва қоматини тиклаб. — Сени сўраб турардилар. Сессияларда... «Ултон ижод қилиши керак, унга шароит яратиб беринг», дер эдилар. «Бу дунёда фақат ижод қолади...»

— Ота, — деди Ултон. — Бугун сизни кутади. Тушундингизми?

— Хўп-хўп. Борамиз. Ундай улуғ одамлар чақиришади-ю, биз учиб бормаймизми?

— Ҳ-ф!

— Улим, у киши арбоб. Арбобларни пайғамбарлар ҳам сийлаган.

— Ҳақиқий арбобларни-да?

— Тўқлибой Қўчқоров, менимча ҳақиқий арбоб! Ҳ-ў, у киши эски илмдан ҳам хабардор... Сен гурунгларига қулоқ сол: икки гапнинг бирида ҳикмат айтадилар.

— Рост, — деди Ултон. — Шундай қилиб, ҳозир биз билан жўнайсизми? Бобо қапага кўз ташлаб олди.

— Жўнаймиз! Лекин олдин...

— Ота, олдин... — Ёнларида Наби борлиги учун бир он гапдан тийилдида, кейин кулгига буриб: — Сиз бўларини айтинг, — деди, — Ҳим, ҳалиги тайёргарлик қалай? — Ана шунда илк марта бир табиий ўй келди миясига: ахир ўзи...

...ўз кучи билан ўйланиши керак-ку?

Ҳа-ҳа!

Эй, нега шуни ўйламади?

Умуман, бу тўғрида ҳеч қачон...

— Тайёргарлик? Тўйгами? — Султон бобо бир энтикиб кетиб сўради.

— Тўйга-да! — шовқин солгудек бўлди Наби. — К-келинингиз тайёр!

Ултон бир қадам четга чиқди.

— Билдингизми? — баттар жўш урди Наби. — Иш тўйга қараб қолди!..

Тўқлибой Қўчқоровичнинг ўзлари совчиликка бормоқчилар! Сиз билан!

— Ё, тавба! — Қариянинг бўйи чўзилиб кетгандек эди.

— Ҳ-ла-ри! — Кейин Набининг жағи очилди: — Ахир, Ултон акам... домилла кичкина одамми? Бунинг устига, Тўқлибой Қўчқоровнинг шогирди... Нима қипти бу киши учун совчиликка борсалар? Одамлар хурсанд бўлади: «Ана қара, райком бошини эгиб юрипти», деб.

Чол ёқасини жуфт қилиб ушлаб, ўзича бош ирғади.

— Мингга кирсинлар.

Наби ҳамон четга қараб, аммо сўзларига диққат билан қулоқ бериб турган Ултонга кўз қирини ташлаб, келин бўлмишни таърифлай кетди:

— Ўзлари олий маълумотли врач! Бунинг устига, қаранги, у кишиям Тўқлибой аканинг шогирди!

— Ў-ў-ў! — чол ютиниб-энтикиб қолди.

— А, бундан хурсанд бўлмайсизми?

— Э, хурсандчилик ҳам гапми... Худога шукр, минг қатла шукр. Бировнинг ҳақини емадик, хиёнат қилмадик... Ёлғиз ўғлимиз, деб яшадик. — Кейин, кўринишдан дийдаси қаттиқ одамнинг овози титраб кетди: — Шу тобда раҳматли энаси бўлганда эди...

Ултон бирдан жилиб, анча нарига борди. Кейин керишган каби қўлларини ёйиб, кўксида чалиштиради: ўйлаш мумкин эдики, у шу тоғлар, арчазорларни бир қучиб олди-ёв. Кейин лабига сигарет қистириб, гугуртни чақди-да:

— Бўпти! — деди буларга қараб. — Наби, қурутни е... Ота, тўй тезлашадиганга ўхшайди.

— Хўп, аини муддао-да, — деди чол. — Бизда тайёргарлик тахт.

— Қалин ҳам берарсиз? — қитмирлик қилди Наби. — Е камсамол тўйи...

— Камсомол ўз йўлига. Биз ўзбекча тўй қиламиз, — деди қария. — Урф-одатни унутиш гуноҳ. Уёғиниям қилинг, буёғиниям.

— Ў-ў-ў, зўр экансиз!

— Энг муҳими: ор-номус. Мана, биз уруш кўрдик, ўлим кўрдик. Билдикки, ўлимдан ҳам кучли нарсалар бор...

Ултон энтикиб кетди: ҳозир шартта бориб, шу кичкина отабойини шундоқ кўтариб олса!

Йўқ, истиҳола қилади.

Аммо тўйдан кейин чолни бир... қучиши бор: ҳайрон қолса керак. Ёки хурсанд бўладими?

Э-э, дунёи қўтир! Ултоннинг ҳаёт кечирини тарзи, қизиқишлари, ақидалари изидан тентирашлари шундоқ кечдики, ота — унинг учун туганмас бир ҳазина, кўзга кўринмас бир тоғ-суянчиқ бўлиб қолган эди.

Шунинг учунми, чолга қандайдир қайғуриш, уни суйиш ва ҳоказолар ортиқча даҳмаза, гўё унинг турмуш тарзи шундоқ бўлиши тайин эдию шундоқ бўлиб келаётган эди.

### 43.

Илитма-қовурдоққа тўйиб олган «меҳмонлар» Оқсувга жўнаб кетишди.

Буёқда Султон бобо эшагини миниб, машина юрмас йўллар билан Тошқўрғон пойидаги овулга — жўраси Расул подачининг юртига йўл олди. Расул бобо (Етимчўққи остида айиқни терилаган чол) ўғлимни уйлантираман, деб уч-тўртта новвос сотган экан, ўғли ҳарбийга чақирилибди-кетибди. Султон бобо ана шу пулни олади-да, ўрнига қўй-эчки беради. Сўнг тўхтовсиз районга эниб боради.

Ултонга топширилган юмушлар талайгина эди: аввало, қариянинг кун ботмасдан етиб боришидан Тўқлибой акани огоҳ қилиши керак, сўнгра Қишлоқ Шўроси (Турсунтош) билан келишиб қўйиши лозим: Оқсувда бўладиган тўйларнинг рўйхати унда... Тўғри, Тўқлибой Қўчқоров бир мўйлов қилса, ҳарқанақа рўйхатга чизиқ тортилади, қолаверса, Турсунтош — «ўзиники». Бироқ унинг ҳурмати бор-да...

Тағин Абдуқаюм новвойга бирон мингта нон буюртма этиши шарт.

Мактаб таъмирланаётган экан, демак, ташқарига чиқариб қўйилган стол-стуллар иш беради, шу-чун бу борадаям Зокир Уриновга бирон оғиз...

Хўш, тўйнинг қуюқ-суюғини Мустафоқул амаки қилади. Хотин-халаж камлиги (қариндош сифатида) учун Ҳожар опаниям огоҳлантириб қўйиш керак, ахир у Қўйсиной опанинг тутинган дугонаси...

Боз: мактабда тузук усталар бўлса, иморатни бир кўрсатиш ҳам зиён қилмас экан; кам-кўсти бор, балки қарашиб юборишар...

Яна: кечки базм боғдаги бедапояда ўтса тузукки, унияма ҳозирлаш лозим: буталардан тозалаш, қуриган беда боғларини иморат ортидаги (икки дўнглик орасида тўрт юз бош ушоқ мол сиғадиган айвон бор) қўрага ташиб қўйиш керак.

Хуллас, қапа соясидаги гурунгда Ултоқ отасининг янги жиҳатларини кашф

этгандай, жумладан, тўй тайёргарлиги бобида ўзига хос бир рисолани туширгандай эди.

— ...Ҳе, бир тўй бўлсинки! — деди Наби Оқма этагидан ўтишаркан, тагин юзига фотиҳа тортиб қўйиб. — Аммо, лекин, отангиз сизни жуда яхши кўраркан!

— Энди... — Ултон ҳам фотиҳа ўқиди-ю, Набига қаради: базмда рақс тушаётган ўйинчию рубобни сайратиб қўшиқ айтаётган Хуррам девона кўз олдига келган эди.

— Бу, Хуррамниям бозори чаққон, а?

— Аста айтасизми? — деди Наби. — Ҳозир договор қилиб борадиган бўлган!

Ултон «русчани камроқ ишлат!» демоқчи эди, ўзи:

— Ну-у? — деб юборди.

— Ҳа, лекин сиздан олмаса керак. Э, домиллажон! — дея у Ултоннинг тиззасига уриб қўйди. — Мен биламан, бунақа тўй ўтмайди бошқа!

— Нега энди?

— Райком секретари бош қўшгандан кейин — ҳазилми! Тагин ўзи совчиликка борса!.. Ҳали ҳамма ишингиз ўз-ўзидан битиб кетади!

Ултон хижолатомуз жилмайди.

— Мен ўнта бекорчи шотирни опкеламан... эртага! Отангиз буюрган ишларни ярим соатда ясаб ташлайди! — Наби Ултонга тикилди. — Аммо лекин сиз, домиллажон, кимларни айтасиз? Рўйхат тузиш керак. Эшитганмиз-да, кўпинча энг яқин кишилар айтувсиз қолади.

— Ҳа-ҳа, — тасдиқлади Ултон ва иттифоқо шундай ҳолга тушдики: Кароматниям айтадигандек...

...Сўнгра бирдан бошини эгиб қолди: «Хиёнат, жиноят! — деди ичида, гарчи бунақа эмаслигига амин бўлса-да. — Ахир унинг олдидан ўтишим керак-ку?»

Керак!

Телефон номери бор эди-я!...»

— Наби?

— Лаббай, домилла?

— Ҳим, менинг телефоним номерсиз.

— Рости биланми? — ҳайрон бўлди Наби.

— Ҳа, уни олишга қизиққаним ҳам йўқ. Мундилар комутатор орқали кўнғироқ қилишади.

— Мен суриштираман! Хотиржам бўлинг. Жуда бепарвосиз-а..

Қизил мозорнинг сойга қараган томонига тушмай, унинг кунботаридаги яйдоқ адирлар оша асфальт йўлга эниб борган «Газик» бир-икки жойга қовунтарвуз уйиб қўйилган бозорча олдида секинлаб ўтаркан, Ултон:

— Шошма, — деди. — Мен шу ерда тушиб қолай... Ана, Турсунтошларнинг уйи.

— А-а.

— Раҳмат.

— Бўлмаса, мен комутаторга бориб келай. Омон чўлоқ билади...

— Майли.

Ултон нима қилишини билмай қовун уюмлари қошидан гарангсиб ўтаркан, орқадан:

— Ултон! Уртоқ Султонов! — деган чақириқни эшитди ва: «Турсунтош», деб кўнглидан кечирди. Дарҳақиқат...

...пастаккина эшикчадан энгашиб чиқаётган экан у. Ултонни имлаб, ичкарига тортилди.

Ултон уч-тўрт марта бу ҳовличага кирган, қай бир асрда тоғдан думалаб тушиб-туриб қолган баҳайбат малла харсангтош соясида — қўлбола стол ёнида ўтириб Абдуқаюм билан гурунг қилган, калла гўшти еган эди.

У дарвозахонага қадам босибоқ четда териб қўйилган бир талай қовун

ва тарвузларни кўрди. Турсунтош сал чекиниб, қўлларини белига тираб турарди.

— Салом, Турсунтош.

— Ҳе, сизни олабўжи еб қўйсин! — деди Турсунтош. Сўнг ўнг томонидаги яқинда оқланган уйчаларга қараб бақирди: — Хўжайин, буёққа қаранг! Ултон кулумсиради.

— Бу қовун-тарвузни кейин қимматига пуллайсизлар-да?

— Сизга пуллаймиз, сизга! — гўё хужум қилди Шўро раиси. — Икки карра тўлайсиз! — Шунда тўнкарилган идишдек оқ қалпоғини бошига қўндирган Абдуқаям кўринди. Ва Ултонни қучиб, сирли табассум ила юзига боқди, кейин хотинига қараб олиб:

— Қани, буёққа ўтинг-чи, — деди.

Ултоннинг ғашни келиб:

— Нима гап ўзи? — деди. — Кечирасизлар... Турсунтош, сиз айтинг!

— Яна сиз айтинг дейди! — хуруж қилди Турсунтош. — Ҳеч нарсани билмайди бу киши!

— А, нимани билар эканман? — деди Ултон ва... зил кетди: тўй масаласи наҳотки...

— Тавба! Қаям ака, сизлар гурунг қип турунлар бўлмасам! Мен келаман... — Ултоннинг ёнидан ўтаркан, биқинига бир туртди. — Ҳамма ёқни тревога қип юборишди-ю!.. Лекин менга атлас сарпо кийдирасиз! Билиб қўйинг!

Турсунтош ташқарига чиқиб кетди.

— Қаям ака?

Новвой роҳатланиб бош ирғади.

— Шунақа... Катта чақириб тайинлапти синфдошингизиям. Ултонбой уйланыпти, тўйи абразцовый ўтиши керак, депти.

Ултон бўшашиб, ҳовучи билан юзини ёпди: «Нега бунча шошилиш?

Подадан олдин чанг чиқаргандай гап-ку бу? Демак, у киши бошқаларгаям... Ахир, мен айниб қолишим мумкин эмасми? Ёки отамда тайёргарлик... Уф, ҳақиқатан ҳам тревога!»

— Ултонбек, марҳамат, — ҳовли тўридаги қояга ишора қилди новвой.

Ултон азбаройи бу хижолат тўла ўйлар оғушидан қутулиш учун ўша ерга бориб ўтиришни афзал билди.

Бориб ёғоч ўтирғичга чўкди-да, ирғиб туриб, сигарет тутатди. Ва... куни кеча Оқсув бўйида — ёнғоқ остида шундай диққинафас бўлганини эслади: ўшанда, наздида, нимадир (у қисман аниқ эди; амбулаторияда учрашув!) содир бўладигандек, уни кутаётгандек ҳолатда эдики, ўша ҳолатини ҳозирги аҳволига менгзаб, тагин: «Э, нима бўлса бўлар! — деб юборди. — Фақат телефон қилиш керак...» Кейин Тўқлибой Қўчқоровнинг бунчалик шошилиш иш тутгани (йўқ — тутаётгани)дан яна ҳайрон қолди.

«Ултон... айниб қолади», деб ўйлаётирми? Ахир, у бўлари гапни айтди-ку?

— Қани, ўтирсилар. — Новвой оқ ятак устидан боғланган белбоғига қистириғлиқ сочиқ билан курсиларни сийпаб-тозалаган бўлди.

— Катталарнинг илтифотиям оғир тушар экан чамамда, — деди Ултон.

— Урганмагансиз-да, а? — Новвой ибрат кўрсатиб курсилардан бирига ўтирди. — Кеча бу тўғрида ҳеч гап бўлмаган эди. Мен синфдошингизга айтдим: балки, ҳим, келин Тошкентдадир, дедим...

— Йў-ўқ, — деди Ултон.

— Тўй шанбага белгиландими?

Ултон у кишига совуқ-ҳайратомуз тикилди. Сўнгра ҳушёр тортиб:

— Қизик, — деди. — А, бу кимдан чиққан гап? — Сўнг ёш боладек қизиқиш ҳам қийналиш билан ўтирди. — Жон ака, эшитганингизни айта қолинг.

— Синфдошингиз билан Эгамқуловани чақирган эканлар. Тўқлибой Қўчқорович...

— Ҳуш?

— Бўтабой Сўпининг «Жигули»сида кетишди... Ўғли учун олган мошинаси бор-ку?

— Бўлса керак. — Ултон новвойга термулди. — Бўтабой Сўпиям билди-да?

— Э, албатта! Уша киши айтди-да: «Иккита работчи юбораман, вечернинг жойини текислайди», деб...

— У ер ўзи текис,— деб юборди Ултон баттар ҳайратланиб, ҳам ғаши келиб.

— Майли-да.

Абдуқаюм дарвозахонадаги қовун-тарвузни Ултоннинг тўйига деб харид қилган экан. Бу ерларда, умуман, район атрофидаги тоғ-адирларда пахта битмагани сингари қовун-тарвуз ҳам экишмайди: бундай полиз ширинликлари жанубдаги туманликлардан келади, шу боис, зарил бўлганда топилмаслиги ҳам мумкин.

Ултон отасининг «бирон мингта нон» деганини ҳам эслатиб, хайрлашгач, бозорчадан ўтган жойда яна... Одил миршабни учратди. У узунчоқ соябон-томча тағида — пештахтада қовун еб турган экан, қўлидаги пўчоқни ташлаб чақирди:

— Ҳўв, муаллим! — Сўнг қўлини рўмолчасига артиб, илжайиб йўналди.

«Буям билар-ов... — деб кўнглидан кечирди Ултон. — Ер остида илон юрса, билади». Сўнг у билан гаплашишни шу қадар истамадики!

— Нима-нима?— деди-ю, эслаб қолди: ахир, унинг қандайдир (албатта Баҳор ҳақидаги) саволига жавоб бериши керак эди-ку? Нимаиди у?

— Салом бердик.— Милиса билагини тутди.— Қўл шира... Тоза ширин экан. Дори емаган-да!— Кейин Ултонни кечагидек ўзига яқин, ҳатто сирдош билган каби кулди.— Утган куни ўзим тўхтатиб қолган эдим бир мошина қовун-тарвузни. Карантин постда. Қўшни районга обориб, икки бараварига сотади-да.

— Ҳа, энди, меҳнат қилган,— деди Ултон.— Деҳқон...— Сўнг зардаси қайнай бошлади:— Балки тўйи бордир...— Унинг эсига Абдуқаюмнинг Қримдан кейин Масковда — бозорда учратгани дўппиликлар тушиб кетган эди.

— Ях-ши, одамга қайишасиз, — деди Эрмаматов. — Ҳўш, эшитамиз энди?

— Нимани?

— Султон бобо қачон келадилар?

— Султон бобо тахминан... уч соатдан кейин Тўқлибой Қўчқоровичнинг кабинетига бўлади,— деди Ултон.

Милисанинг кўзлари каттариб кетди.

— Уша масаладами?

— Ҳа.

— Қойил.

— Раҳмат.

— Бўлмасам тезроқ боққа бор. Қорабой иккита алкашни ишлатиб ётипти. Мен юбордим.

— Нега?

— Ана холос. «Раҳмат» дейиш ўрнига: «Нега?» Ахир, ҳа деган — туяга мадад...

Ултон гангиб жилди-ю, қадам босишлари бирдан сусайиб қолди: «Бундан чиқди, тўй бўлишини буям билар экан-да? Ҳақиқатан ҳам... Ҳа-а, бу арбобларнинг тили бир...

Лекин ўзини билмасликка солди-я! «Қойилман!» эмиш! Ҳў-ў, булар — маккорларнинг пири...

Тўқлибой акаям қизиқ одам экан-да!

...Вей бунча ўзига ишонч билан иш тутяпти-я у? Демак, унинг айтгани бўлиши керак!

Ҳа, ҳа, — ҳолсиз хўрсинди йигит. — У — хон, у — бек, у — юртнинг эгаси...

Демак, мен... истамай қолсам-да, унинг айтганини қилишга мажбур эканман?

Вей, қанақанги диктаторлик бу?»

Шу пайт Ултон бошқа «масала»ни хотирлаб, баттар ҳайрон бўлди: «Во, ажаб, отам айтган гапларнинг ўзгинаси амалга ошяпти, а?

Ёки кўпни кўрганлар бир хилда ўйлашадими... бунақанги йўриқларда?»

Ултон Ашимни кўрибоқ: «Нимага уларни ишлятяпсан?» демоқчи бўлди-ю, бундан ҳам муҳимроқ савол тилининг учига келди: у Баҳор ҳақидаги қандайдир гапни (Бўтабой Сўпи билан чап бўлиб кетиши сабабиниям) бугун... аниқроғи, Ултон билан «опа»нинг муносабати қандоқ кечувига қараб айтиб бермоқчи эди-ку?

Аттанг, кеча сўрасаям бўларкан. Ҳорғинлик, ичимлик таъсири уни тезда ётқизди...

Ултон қирғийнинг инидан сал нарида қўлини белига тираб турар, Ашим иршайиб келмоқда... миллати номаълум икки киши бир-бир боғдан бедани ачомлаб, ариқ томонга бормоқда эди.

— Мунча кайфингиз чоғ?— деди Ултон.

Ашим кўзини қисиб, «анавиларни кўряпсизми?» дегандай қараб қўйди. Сўнг сочига қўнган беда гулларини сийпаб тушириб:

— Ассалом!— дея қўлини узатди.

Ултон қўл учига кўришди.

— Улар қулларингми?

Ашим қиҳ-қиҳлаб кулди.

— Қул, қул... Русиядан келган.— Сўнг Ултоннинг Русия тарафлардан Ўзбекистонга узлуксиз келиб жойлашаётган меҳмонларга ётсираб қарашини билиши... эсига тушиб кетдими, бирдан қовоғини солди.— Иш йўқми у ёқда! Шундай катта Русияда! Тошкентга келгандан кейин ўн беш кунлик паспорт олишаркан... Бизникилар беришаркан-да, бу орада иш топишаркан...

— Балки мутахассисдир улар,— истехзоли илжайди Ултон ва хавотирланиб уйга қараб олди.

— Гўрда! Пиёниста,— деди Ашим.— Қорнимиз тўйса бўлди, шу ердаям қолаверамиз, дейди.

— Раҳмат,— деди Ултон жилиб. Ва тоқзорга кўз отди.— Ана, олақанотлар!

— Ҳа.

— Кеча нима деб эдим шулар ҳақида?

— Ҳеч нима.

— Ҳар қандай жонли-жонивор ўзининг пайдо бўлган жойида яшаши керак!

— Ҳа-а.

Ултон иттифоқо сўлғин тортиб хотирлади: ахир, рус халқининг асл макони — Ғарбда...

Новгород, Москва атрофлари...

Сибирь ҳам — туркий элатларнинг макони-ку аслида?

Шунда «Александр Невский» фильмини (қачондир) кўрганида дафъатан зир титратган бир лаҳза лоп этиб кўз ўнгида намоён бўлди: соқоли ўсиқ, барваста рус мужиклари кемалардан тушиб, соҳилдан ўзларига ўқ отаётган, яъни, ёйдан ўқ узаётган ёноғи чиқиқ, кўзлари қисик кишиларни даст кўтариб улоқтиришмоқда...

Шуниси алам қилдики, бу юртни очиш учун — яъни уни эгаллаш учун келган босқинчиларнинг ерлик халқни қириш-ўлдиришларини фильмнинг муаллифлари ҳам маъқуллайди ва бу — «ер очишлар» — чинакам қаҳрамонликдир, Рус ерини кенгайтиришдир, демак,— бу олийжаноб иш, деган фикрни олға суришади.

Машҳур князь Александр Невский эса у ёқда: «Рус ерига қилич кўтариб келган киши... қилич зарбидан ўлади!» деб нутқ ирод қилади.

Қани мантиқ?

«Эҳ-ҳе, Буюк Пётр-чи?— деб аччиқ кулиб қўйди Ултон.— У Сибирнинг қолган жойларинигина эмас, бизнинг Урта Осиёни ҳам, Хитою Ҳиндистонни ҳам босиб олишни... давлат сиёсати даражасига кўтарган эди-ку?

Ниятига қисман етишди!

...Ажаб! Октябрь инқилоби бу каби мустамлакачиликни тубдан барбод этиши лозим эди-я?

Қайда!

Қайтамга...»

— Уларга қанчадан берадиган бўлдинг?



— Э, айтдим-ку, текинга!—деди Ашим.—Миршаб опкелди!—Сўнг тайлоқ-ланиб жилмайди.— Муаллимга айтиб қўй, мен у кишини ҳурмат қиламан, деди.

— Ҳурматини пишириб есин. Уларга жавоб бер. Бор.

— Э, миршаб мени... Булар аристон ҳисобида, ака. Паспортиниям сроги ўтиб кетган.

— Жуда соз экан-да: кучала еган жойига бориб тиришсин!

— Мен қўрқаман, домлажон. У ёмонликка олса...

— Мен ҳайдавормим. Марш!— Ултон бедапояга кириб, боғлардан оз қолгани, опкетишларининг ўрни намхуш эканини кўрди. Хўрсиниб чўнқайди-ю, кўрадан хабар олиш учун яна ирғиб турди.

...Айвон пастаида «меҳмонлар» гаплашар эди, Ашимга қарамай нари ёққа ўтиб кетди.

Иккита дўнглик орасидаги кенггина сайҳонликнинг очиқ томонларига тош қалаб девор кўтарилган ва тепаларнинг ҳам бағри қирилиб-кесилиб деворга ўхшатишган, шу деворлар бағридаям уч-тўртта тўла ўйилган эди.

Ултон девор қошида тўхтаб, айвон бурчагида ғарам қилиб босилган боғларга боқди, сўнг димоғига урилаётган нишхўрд, қий ҳиди ҳадемай... бу жой бир-бирига урилган-сурилган, гангиган-гангираган қўй-эчкиларга тўлишини унга эслатди-да: «Отам билади», деб кўнглидан кечирди: Султон бобо ўғлининг сўроғига жавобан тағин икки ҳафтадан кейин Оқсувга энажагини айтган, кўлүмсираб: «Биз ўзимизам об-ҳаво бўйроси бўп кетганмиз», деган эди: ҳа, қачон совуқ тушишини чўпонлар табиатдаги ўзгаришларга қараб билишади.

Ашим келди.

— Кетишди.

— Изи ўчсин.

— Қирдан ошиб кетинглар, дедим. Кўрсатиб қўйдим. Уйчангизнинг орқаси билан...

— Бирон нарсани илиб кетишмадимиз?

— Бошдаёқ қўрқитдим-да! У нас вор нет, дедим. Воруеш — убьёт дедим. Вот двери открыто, дедим.

Ултон бош ирғади: рост, тоғларда ҳалиям эшигига қулф солинмайдиган хонадонлар кўп.

— Бўлмасам, мулла, мен мактабдан хабар олай.— Ултон шундай деди-ю, тўй... демак, бунгаям маълум бўлгани (ахир, жой тайёрлапти) учун:— Хўш,— дея унга кўз тикди.— Балки энди айтарсан?

Ашимбой ҳам айна шу нарсани эслаган эканми, бирдан бошини эгиб қолди.

— Хўш?

— Ака,— деди у юзига қон тепиб.— Ўлай агар, Баҳор опа сизга муносиб. Ёки қиз болага уйланиш... ниятингиз борми?

Ултон бир сония гангиб:

— Ҳим, қайси маънода?— деди.

Ашим ютиниб-чайнаиб:

— А, ёшига-да!— деб юборди-да, тиржайди.— Ўн саккиз яшарига!

Ултон уни шапалоқлаб юборадигандек сал тисланди-ю, «сен ҳам одамми-сан!» дегандай ижарғаниб, бурилиб кетди. Ашим нималардир деди. Йигит қулоқ осмай, уй олдидаги майдончага чиқди.

Тутзорга...

...етган чоғда нишоб кўчадан чиқиб келишаётган Махфират Эгамқулова билан Зокир Уриновни кўрди-ю, улар билан тағин тўй ҳақида гаплашишга, демак, қандайдир қитмирона-аскиянамо гапларни эшитишга мажбур эканига ишониб, дарҳол чекинди. Ариқдан ҳатлаб, тутлар орасига кирди.

Анави икковлон катта кўчага чиқиб, нақ Ултоннинг яқинидан ўта бошлади.

— Так что, бу — мероприятия,— деди мафкура котибаси.— Ўзингиз ўйлаб кўринг: совхоз директорларининг тўйига бормайдиган Тўқлибой Қўчқорович чўпоннинг маъракасига бош бўлиб турса!

— Ҳа-а, Тўқлибой Қўчқоровнинг жони соғ бўлсин. Фуқаропарварлик шунча бўлади-да,— деди Зокир Уринов.

Ултон жилмайди: Зокир ака котибани майна қилмоқда эди.

— О, секин айтасизми,— деди Эгамқулова.— Ана, райком секретари чўпон билан ўтирипти, деган гап қайда-ю...— Унинг кейинги сўзлари эшитилмай қолди.

— Эй, отам учун экан-да!— деб юборди Ултон овоз чиқариб.— Ҳа-а, очко олади...

Ултон тутзордан чиқиб, мактабга рўпара бўлди-ю, қаршисида... ярадор бир махлуқ каби чўзилиб ётган бинонинг ўнгу сўлида ғужғон ҳаракатни кўриб ушбу «бемор» учун қоришма-дори тайёрлаётган, гўё унинг бемалол юриб кетиши учун теграларида мавжуд йўлкаларни «ямаб» тузатаётган ва бу «махлуқ»нинг ичига-да физиллаб кириб чиқаётган «ишчи» номли табиблар ҳаракати... кўзига ташланиб, хаёлида бошқа фикр уйғотди: «Бу-чи? Бунинг тузалиши...

...нимадан?

Ахир, уч йилдан буён пайсалга солиб келинган иш... бирданига авж олиб кетса?

Худди ёв келаётгандек!

Ҳарқалай, Султон чўпон учун эмас...

Демак, бу ерда бошқа бир гап бўлиши керак.»

Агар бу барак таъмири Ултон билан Баҳорнинг фавқулудда райкомга чақирилиши-ю буёққа юборилиши ила боғлиқ бўлса, демак, уларнинг тўйини бу қадар тезлашиб кетиши билан ҳам қандайдир уйғунлашиб кўринади.

Қизиқ, бирисиз бирининг бўлуви мумкин эмасдай...

Ё бу — тасодифми?

Тошкўмир уюми қошида туриб қолган Ултон ўзи томон келаётган илмий мудирни кўриб:

— Салом бердик, Узоқ ака!— деди.

— Келинг... Муни қаранг-а,— деди у.— Тўйга тўёнадек бўлаётир!

Ултон унга бургут қараш қилди. Кейин:

— Ҳа, энди, қачондир бўлиши керак эди-да,— деди.— Ҳамма нарсанинг боши-охири бўлади!

Тўлаганов табассум қилди.

— Аммо лекин, дидингизга беш кетдим, мени маъзур тутасиз, ука.

— Қайси маънода?

— Келинни айтаётибман...

— А-а!— деди Ултон ва унинг тан беришида... ҳақиқат борлигини тан олди: Баҳор ҳам дидли қиз... Демак, ўзининг у тарафидан танланиши ҳам бежиз эмас...

— Коржомма киймапсизми?

Ултон саволдан муродни англади.

— Ҳечқиси йўқ!— деди.— Қани, менга бир иш кўрсатинг!

— Э, ҳазил қилдим-ку?

— Қўйсангиз-чи.

Майдонда парталар қалашиб ётар, бир-иккита татарнамо усталар ранда-теша билан ишлашар, ола-қуроқ бўлиб қўлдан чиққан парталарни шим кийган жувонлар бўяшар эди. Том устида тарақ-туруқ: синган шиферларни кўчириш-япти, янгисини михлашяпти.

Ичкаридан ўспиринлар замбиллаб тупроқ ташимоқда ва ланг очиқ деразалардан ҳам сиртга тупроқ отилиб тушмоқда: синфхоналар ерига, демак, тахта-пол қоқилади.

Мактабнинг чап томонида — жўхориюя четида кўнқайган ҳожатхоналар ҳам бузиб ташланган, вайроналардан берида шағал ҳамда қоғоз қопларда цемент уюғлиқ...

Ултоннинг кайфиятини кўтарган нарса тағин шу эдики, кўпчилик ҳамкасблари ҳам енг шимариб ишлашар, беш-олтита ота-она ва бир гала ўқувчи ҳам бор эди. Яхши-да: буларнинг-да таъмирга ҳисса қўшишлари мактаб маъмуриятини Бўтабой Сўпилар олдида унчалик қисинтирмайди.

Мактабнинг нари томонига туташ ўтинхонага беш мошина кўмирни ташиб обориш керак экан: қоп, челақ кўтариб кепқолишган ишчилар сафига Ултон дарҳол қўшилди...

Набибой ўзи қатори тўртта ўспиринни «Газик»ка босиб келганида, Ултоннинг занжидан фарқи йўқ, аммо кўзларида шодлик барқ урар эди.

— Утинг-е буёққа! Куёв ҳам шундай бўладими?— деб бақирди Наби.— Шу туришингизда опа кўрсалар, та-амом! Ким қарайди шу одамга?

Ултон хижолат тортиб... илжаяркан, Наби телефон дастагини қулоғига тутгандай қилиб, кўзини қисди. Ултоннинг миясига келган нарса шу бўлди: «Қўчқоровга айтиб қўйишим керак эди-ку?»

Ҳа, отаси тайинлаган эди.

У соатига қаради-да:

— Ҳу, Ўзоқ ака! Бизга бир соат жавоб!— деди.— Зиёд, сен айтиб қўй у одамга!

Бўтабой сўпининг ўғли Зиёдулла ҳам шу ерда, бўйнининг томири чиқиб замбилда тупроқ ташишар ва сал бўшаса, Ултоннинг атрофида уймалашар эди.

— Хўп, муаллим,— дея Зиёдулла иситгич батареялари туширилаётган машина томон чопиб кетди.

Ултон уст-бошини қоқиб, кабинага кирди. Наби опкелган шотирларига:

— Менинг дакангларим! Ишлаш қандай бўлишини буларга бир кўрсатиб қўйинглар!— деб бақирди-да, мошинани турган еридан буриб ҳайдаб кетди.— Домилла, бир гапни айтаман, кўнглингизга олмайсиз. Эн-насини...

— Қулоғим сенда.

— Сизга КГБ қизиқиб юрар экан.— Наби Ултонга кўз тикди. Ултон қарахт тортиб қолди.

— Ни-ма учун?— сўради дона-дона қилиб. Хаёлида эса, ўзи номер териб телефонда гаплашмагани...

— Унисини билмадим, домилла,— деди Наби.— Бу давлатни...

— Сўкма.

— Дарров қўрқиб қолдингизми?

— Мен фақат худодан қўрқсам керак, — деди Ултон. — Хўш, буни қаёқдан билдинг?

— Омон чўлоқ айтди. Сапхўзни камутатори... Гоҳо суриштирар экан район кэгебэсидан: ким билан гаплашди? Нима тўғрисида гаплашди?

— Аблаҳлар...— ғулдиради Ултон.— Хўш, шунинг учун номер беришмаган эканми?

— Шунинг учундир-да! Бирон жойга телефон қилар бўлсангиз, камутаторни олишингиз керак!— Ултон «ҳа-а», деди беихтиёр.— Шуниям билмайсизми?— давом этди Наби.— Э-э, ўзингиз ҳам...

— Бир ё икки марта район газетасидан кўнғироқ қилишгани эсимда. Мунди... Мунди райондами?

— Қаёққа кетарди!— Наби «Ургут»идан тутатди.— Лекин, домилла, бу гапни бировга оғзингиздан чиқара кўрманг. Жуда илтимос қилди. Менинг кетимга тепади, деди. Ўзи бир чўлоқ...

Ултон бош ирғади.

— Албатта.

— Уйламанг-е!

Ултон хўрсинди: рост, ўйламаслик керак... Лекин бу бола уч ҳарфли ўша маҳкаманинг кирдикорларидан беҳабар-да: ў-ў-ў, қанчалаб одамларни, айниқса, зиёлиларни (хусусан, илм ва санъат аҳлини) қуритди бу маҳкама: гўёки халқда истеъдодли шахслар бўлмаслиги керакдай.

Ҳа, бу иш — миллатнинг бошини олишдир. Жоҳиллик соқчилари улар: соғлом фикр душмани.

#### 47.

Шунда Ултон ўз-ўзидан ҳайрон қолди: нималарни ўйляпти? Кимларни сўқаяпти?

Ахир, кундай равшан-ку аҳвол: ўша маҳкаманинг одами шу атрофда йўқми?

Йўғасам нима учун ўзингиз ҳам баъзан гапириб туриб орқа-ўнгингизга ҳа-диксираб боқасан? Гоҳо шу қилинган нафратланиб ҳам кетасан?

Масалан, Зокир Уриновнинг ҳам уйидаги телефонни (район марказидаги уйида аппарати бор) КГБ эшитмайди, деб ким кафил бўла олади?

Ултон шундай ўйлаган эса-да, машина иморат қошига етганда, бир кўнгли бу борада Тўқлибой Қўчқоровга сим қоқиш: «Мен — ҳамма нарсадан воз кечиб, бир кулбада дарвишона ҳаёт кечираётган кимсаман! Менинг нимага қизиқади КГБнигиз? Мени, умуман, бу давлат ҳам, сиёсат ҳам, арбоблар ишиям, боринги, халқнинг аҳволиям қизиқтирмай қўйган!» дейишни ўйлади.

Кейин эса ўзининг... худди шундай яшаши у маҳкама ходимларига (бошқаларгаям!) сирли кўриниши, демак, худди шу тарзда яшашининг ўзиёқ улар эътиборини тортиши муқаррар эканига имон келтирди.

Ва мийиғида жилмайиб: «Буюм табиий, ҳа...» деб қўйди. Сўнгра чеҳраси очилиб, «улар»ни қандайдир «ташвиш»га солгани, ҳатто телефонни номерсиз ўтказганлари учун хурсанд бўлиб кетди.

— Набибой, Каттага бир сим қоқиб қўйсакми?— деб сўради.— Бобой...

— Э-э-э!— Наби «Газик»ни буриб, кулбага ҳайдади.

Ултон «07»ни териши замон у ёқда дастак кўтарилди.

— Алё, алё!

— Мен Ултон Султонов бўламан. Сизмисиз, Омон ака?

— Э, ассалому алайкум, домилла! Ким керак эди? Набижон бордиларми?

— Келди,— деди Ултон.— Раҳмат сизга...— Кейин сўради:— Тўқлибой

Қўчқорович билан гаплашмоқчи эдим.

— Ҳозир-да! Ҳозир...— Зум ўтмай Омон гўё Тўқлибой Қўчқоровга айланиб:— Лаббай. Мен эшитаман,— деди.

— Домла, мен... Ултонман.

— Э, уйинг буғдойга тўлсин! Қаёғларда юрибсан?

— Узр, отам ҳали замон...

— Отанг шу ерда ўтирипти...— Қўчқоров ким биландир икки оғиз гаплашди. Сўнг:— Ҳозир етиб кел,— деди.— Эшитдингми?

— Ҳа, домла!

— Гап бор...— Сўнг хушнуд ҳолда овозини кўтарди:— Ремонт қалай кетапти? Хурсандмисизлар?

— Жуда.

— Шунақа. Ухла, болам Бахтиёр, ҳар бир ишнинг вақти бор... Ҳе-ҳе.— Кейин трубкадан «гап тамом» дегандай тинг-тинг товуш эшитила бошлади.

Ултон остона ҳатлаб чиқди-ю, машина қошида Наби билан гаплашиб турган Ашимни кўрди. Ашим ҳам унга ялт қаради-да:

— Қайтариб келди... ўрисларни!— деди тиржайиб.— Йўлда дуч кеп қопти... Қуриган шохларни кестираяппан! Ўтин бўлади.— Сўнг елкасини қисиб, мўлтиради.— Уришманг, ака.

— Э, ишлайверсин-е!— деди Наби ҳам.— Улар ҳам худонинг бандаси-да!

Ултон айни шу нарсани унутгандай ғамгин тортиб, Қизил мазорнинг шайхи отасига айтган, отаси эса Ултонга сўзлаб бергани, сўнгра ислом динию Аллоҳнинг кенглигини бирдан инкишоф эттирган ҳикоя ёдига тушиб кетди.

Уни шу топда анавиларга баён қилиш ўзига ҳузур бағишлашини туйиб:

— Сабр!— дея пастга тушди. Сўнг атай чимирилиб:— Бир ҳикоя бор,— деди.— Қулоқ солинглар... О, бу дунёвий ҳикоя! Ҳим, бир куни Ҳотамтой Аллоҳга ёлворипти: «Эй, Тангрим, мен шунчалик бойиб кетдимки, бировга едирмасам бўлмайди». Аллоҳдан ваҳий келипти: «Сенга меҳмон юбораман!» Ҳотамтой саҳрода яшар экан, ўтовидан чиқиб кута бошлапти. Кун чошгоҳ экан, пешин бўпти. Меҳмон йўқмиш. Бир маҳал қараса, йироқдан туя минган бир кимса келаверипти. Ҳотамтой тикилиб боқса, йўловчи — яҳудий экан... Ҳотамтой яҳудийнинг саломига алик ҳам олмапти. У ўтиб кетипти. Кеч тушганда, бой тагин Аллоҳга нидо қилипти: «Эй Тангрим, меҳмон юбормадинг-ку?»— «Юбордим-ку, сен уни уйингга таклиф этмадинг, холос», депти Аллоҳ.— «Э, ахир у — яҳудий эди-ку?» депти Ҳотамтой. Тангри нима депти? «Яҳудий бўлсанг — менинг бандам у!».

— Ў-ў-ў, зўр экан!— деди Ашим.

— Албатта,— деди Ултон ва ҳикояни эслашига боис «наrsa»ни шарҳлай кетди:— Демокчиманки, Набибой, ўша ўрислар меҳмон бўлиб келишганда, бошқа гап эди... Ҳалқимиз ҳалиям кўпларини меҳмон деб эъзозлайди, улар эса

буни тушунмайдилар... чунки улар мезбон бўлиб келиш учун келишади. Фикримни тўғри тушунинглар: баъзи ўртоқларнинг айтишича, бизнинг Ўзбекистон ҳукуматимиз тепасида турган айрим раҳбарлар Русиядан атай чақиришаркан. Албатта Масков билан келишган ҳолда...

— Кейин алкашлариям кела беради?

— Ҳа... Ҳали яна кўп келади!— Ултон Олатоққа қараб олди.— Кейин қарабсанки, ўзбекдан ҳам кўпайиб кетишипти!— Унинг лаблари титраб кетди.— Шаҳарда қанча ўрис бор?

— Э, тўлиб кетган,— деди Наби.— Тағин: «Наш город!» дейди!

— Ана шунақа,— хулоса қилди Ултон.— Шунинг учун мен уларнинг «Русияда иш йўқ», деганига эгирча ишонмайман. Бундай бўлиши мумкин эмас!

— Албатта,— деди Ашим.

Наби эса хахолаб кулди.

— «Приезжайте к нам в Узбекистан!» Бизнинг бағримиз ке-енг! Уйимизнинг тўри сизники! Бизга пойгак ҳам бўлаверди... Ҳе, энангни...

Ултон ҳорғин тортиб кетди.

— Майли. Ишлайверсин...— Шунда боғдаги қуриган шохларнинг ҳам гўзал экани ва уларни атай кесмай юргани ёдига тушди-ю, кўзини юмгудек бўлди.— Саржин қилишсин... Лекин ҳақини тўлаймиз.

— Ҳўп, ака... Қўрадан ҳам анча қий чиқди! Тандирга ярайди-да!

— Яхши. Уларнинг олдига бор...— Шу кез отасининг (юртда): «Опангниям жўнатаман», деганини эслаб, у киши келса рўзғорни қўлга олиши, демак, ўзининг ҳар йўриғда бош қотиришдан халос бўлишини ўйлади.

...Наби мошинани қўш қарағай томон тислантираркан, энгарак-дарвозадан ҳовликиб кирган паст бўйли, бошида гардиши шалвираб қолган малла шляпаси бор қария мрамар зиналар томон пилдираб ўта бошлади-ю, Наби босиб-босиб сигнал берди.

— Ким у? — сўради Ултон.

Наби оғзининг таноби қочиб:

— Жуда улуғ одам! — деди. — Юринг, домиллажон. Бир кўришайлик!

— Жуда унақа улуғларга ўхшамайди-ку?

— Ҳе, сиз район халқини билмайсиз. Биласизми, кеча... Тушинг! — Узи тушиб, эшикни ёпди. — Олға! — Шляпали қария тўхтаб қолган эди, Набини кўриб, бу томон жила бошлади. — Кеча шу ерда турганингиз аллақачон гап бўпти! Мен ичкарига кириб кетганда...

— Қайси маънода?

— Нимага бу муаллим-ёзувчи шанба куни райкомнинг олдига турипти? Хўш, совхоз директорининг мошинасида юрипти?

— Оббо.

— Бу халқ ана шундай, домиллажон. Шунинг учун мени Оқсув тортади...

— Бачканалик. — «Одамлар майдалашиб кетганми? — дея фикрини ичида давом эттирди Ултон. Сўнгра халқнинг қачон «бағри кенг» бўлганини тасаввур этолмади-ю, иттифоқо боғ сиртидан ўтаётган ўткинчиларнинг ҳозир ҳам ўзларига қизиқишиб қарашаётганига эътибор этди. Ва: — Ҳа, ҳа, — деди. — Бир жиҳатдан бу — табиий ҳол: нечук энди бозор куни...»

— Салом сизга, Кенжа бобо, — Наби қария билан қўш қўллаб кўришди ва юзига фотиҳа тортди. — Бу киши бизнинг домилламиз ўртоқ Султонов бўладилар!

— Омонмисиз, бўтам? — Ултонга ҳам қўл берди мўйсафид. — Бу Султон...

— Оқсувдаги чўпон бобо бор-ку?

— Э, э, э! — Қария тортган қўлини тағин узатди. — Бизнинг жўрани ўғлимисиз? Ҳа-а, балки... Отангиз дамлигина юриптиларми?... Биз хурсандмиз Султонбекдан! — Ажабо, бу чол Султон бобонинг замонавий нусхаси эди гўё. Ултон буни англаб, юраги шувиллаб кетди. Чол эса гапдан тўхтамас эди: — Депутат бўлиш — ҳазил гап эмас!.. Узи ёшлигидаям қорувли эди-да! Ҳе, биз фин урушидаям бирга бўлганмиз! Қаранг, қанча йил ўтиб кетишти! Энди бир районда яшаб бир йилда кўриша олмаймиз. Ҳа, омон бўлсин...

— Тепага чиқасизми? — сўради Наби.

— Шу-шу ўртоқ Қўчқоров чақириптилар... Гаражда йўқ эдим. Носвой

олгани чиққан эдим. Келсам, «сизни райкомга чақиришяпти», дейишади. Ҳайрон бўлдим... Лекин биронталаринг ҳазил қилаётган бўлсаларинг, жавобини берасизлар, дедим-да, буёққа жўнайвердим.

— Хўп иш қипсиз-да! Умид қаерда? Опкеларди...

— Рейсга кетган. Эрта-бурускун кеп қолади, nasib бўлса. Хўп, эса мен борай.

— Юринг, домилла.

...Ултоннинг кўнгли сезган эди: бу одам — Баҳорнинг отаси.

— Бўлмасам ўзинг кириб чиқа қол, — деди Ултон Набига. — Мен шу ерда тура тураман.

Наби бир унга, бир чолга қаради-да:

— Майли, — деди. — Икки минутда қайтиб чиқаман.

— Хўш-да, — қария Ултонга эгилиб қўйди. — Отангизни сўранг, болам. Кенжа деган пакана жўрангиз бор экан, гаражда ишлар экан десангиз, ўзи билади.

— Хўп, — деди Ултон чолга қаролмай.

Улар кетишаркан, сигарета тутатди-да: «Ҳе, шайтон, — деди ичида. — Айтмади-я...

...Шу — Баҳорнинг отаси. Отиям Кенжа... Уям, демак, бобосининг номига ўтмаган экан», — Кейин Баҳор хаёлида кўрингандек бўлди: унга Кенжа бобо билан бетма-бет гаплашганини айтаётгандек, у қаққос отиб (хурсанд бўлиб) кулаётгандек туюлди. Шунда диққатни жамлаш ва Баҳорни аниқроқ тасаввур этиш учун ерга боқиб қарағайлар томон жила бошлади-ю, кимнингдир... ҳа-ҳа, соқчи-милисанинг қўлларини сафда юргандек қимирлатиб келаётганини пайқади ва унга совуқ тикилиб тўхтади.

— Ассалом алайкум, домилла, — у қўл узатди. — Старши сержант Баҳром Хушбоев!

— Яхшимисиз, ўртоқ Хушбоев! — Ултон унга қўл учини берди. — Бармоқларингиз қаттиққина... Қора иш билан кўп шуғуллансангиз керак?

— Нима десак бўлади, — деди у. — Энди бизда... бизга ўргатишади-да.

— Каратэни?

У хурсанд бўлиб илжайди.

— Ҳа. Керак бўп қолади. Ишимиз шу... — Кейин яна бошини эгиб, қўлини чўзди. — Табриклаймиз!

Ултоннинг жони халқумига келиб кетди: «Буям тўй ҳақида...»

— Нима билан? А? — деди. — Кечирасиз, мен сизни танимайман. — Сўнг баттар хуруж қилди: — Старший лейтенантман дейсиз, бунгаям ишонмайман.

— Э, погонгаям ишонмайсизми?

— Йўқ, — жилмайди Ултон. — Ҳужжат кўрмагунимча, ишонмайман.

— Марҳамат... Э! — У Ултоннинг эрмак қилаётганини англади. Кейин бўшашиб: — Абеда гап бўлувди-да, — деди. — Сизни бу ерга олишармиш. Табиатни қўриқлаш жамиятига раис булар эмишсиз...

Ултон бироз гангиб қолди: «Бу қанақаси? Мени марказга... Табиатни муҳофаза этиш...» — Туйқусдан у иш-лавозим йигитга ёқиб кетди: асли хизмат жойи — ўша идорадек.

...Йўқ! Идорада нима бор?

Унинг жойи — тоғлар... Олатоғ! Унинг табиатини қўриқлашга бош бўлиш-да!

Бироқ... давлатга қарши бориб бўлмайди: яъни кўмир билан ишлайдиган электр станциясини тўхтатишнинг иложи йўқ: давлатнинг гапи — гап!

Кўкмайдондаги қўналғаям... О, унга қарши бориш душманлик!

(Ултон ўша майдон фақат даҳшатли учқичларнинг қўналғаси эмаслигига амин эди. Илло, у ерда тағин қандайдир сирли ишлар амалга оширилаётгани сабабли Тошқўрғон қишлоғи одамлари кўчириб юборилган...)

Ултон шунда сезиб қолдики, ўз ақидасига...

...дарвишона ҳаёт кечириш ғоясига зид бораётибди. Бироқ айна пайтда мактабда «Табиатшунослик»дан дарс бериб келаётгани бу ишга ўтиши ила муқобил тушадигандек бўлди: ҳа, табиатни муҳофаза этиш жамиятининг раиси бўлатуриб ҳам...

...ўша кулбасида яшаб қолаверади-ку?

Мошина беришса, марказга қатнаш осон бўлади. Ва идорадаям кўп ўтирмайди...

— Кечирасиз, — деди соқчи. — Биз сизнинг табиат ҳақида ёзган мақола, бирашураларингизни ўқиганмиз.

Ултон уҳ тортди.

— Раҳмат.

— Аммо лекин ҳозирнинг ўзида тоғда зира қолмади, — тўнғиллаб давом этди у. — Пишмасидан ўриб олишади... Вақтида рейдлар қилиб турилса, биз ҳам ёрдам берардик.

— Раҳмат.

— Энди мен постга борай.

— Бемалол... Назаримда, ҳалиги чол сўроқсиз кириб кетди?

— Келишини айтишган эди... У киши кечаги дўхтир опанинг отаси-да.

— А-а, — Ултон унга тағин қўл бериб ўтирмаслик учун аста қарағайлар томон бурилди.

Ва: «Нега мени мунча сийлаяпти Тўқлибой Қўчқоров? — деб ўйлади диққати ошиб. — Кеча «аблаҳ» деб турган эди... Агар тўй хусусида... «йўқ» деган сўз тилидан чиққанда...

Алҳазар!» — Ултон кўрқиб кетди.

Табиий: у ҳолда бу югур-югурлар бўлмас эди.

Қўчқоровнинг совчиликка... Унинг режалари... Дарвоқе, мактаб таъмири...

Нахотки бу саъйи ҳаракатларнинг ҳаммаси...

...Баҳор туфайли?

#### 48.

Эшик оғзида отаси кўринди-ю, ортидан бошқалар ҳам чиқаётган каби Ултон цемент зинадан боққа тушиб, сададек бўзқарағай<sup>1</sup> тагига бориб турди.

Султон бобо ўғлини кўрган экан, майдон четига келди.

— Ултон?

— Бир ўзингизми?

— Бир ўзим, — деди чол. — Улар ичкарида гурунглашяпти. — Сўнг шовилмай зинадан тушди. Қўйнини кавлаб, белбоғи узилмаган бир даста ўн сўмлик чиқарди. — Олинг муни.

— Яна сизлайсиз!

— Қайтамга яхши эмасми? Ахир, сиз ҳам... Хўп! — Ултонга пулни тутқазиб, фотиҳа ўқиди. — Бунини синфдошинг Турсунтошга бериб қўй. Келинимга сарпо олиши керак... — «Келинимга...» сўзини эшитган Ултоннинг вужуди жимирлашиб кетди: шундай бўлар экан-да! Баҳор кеча бегона эди... Қария томоқ қириб, давом этди: — Аёл халқи бир-бирининг тилини билади. Келиним... унга айтади. Сапхўзнинг рапкобига телепон қилинди...

«Қизиқ, мен энди Баҳорга кийим обераман-а? — кўнглидан кечди Ултоннинг. — У кияди. Мамнун бўлади...»

Ажаб, эр-хотинлик дегани... Умуман, буям табиий: ҳамма вақт шундай бўлган...»

Бироқ энди отасидан чиндан ҳам уялаётгани учун беихтиёр ёғина бошлади.

— У нима деди? Қўчқоров?

— Нима дерди... — Чол яна томоқ қирди... — Севишиб қопти, дедилар.

— Яна?

— Сизга айтишдан уялипти, дедилар... Сени мақтадилар. Ултонбойни кўтариш ниятимиз бор... Муни қара-я, улим, арбоб шунчалик бўлади-да! Ўзим бошдан у кишига ихлос қўйган эдим...

Шу нарсани қайд этиш керакки, Ултон билан Наби юртга борганларидан, келин бўлмишнинг фақат «врач»лиги айтилган эди, холос. Султон бобо бир-икки марта номзодни суриштирган, Набининг айтиб юборишига оз қолган,

<sup>1</sup> Кипарис.

аммо Ултон унга егудек бўлиб қараб: «Тўқлибой Қўчқоровдан билиб оласиз!» деганидан кейин...

Чол: «Ундай одамлар бош қўшган ишнинг охириям яхши бўлади. Уларнинг дидиям, фаросатиям аъло!» деган эди.

— Биламан, — деди Ултон. — Энди, ҳозир нима, қилмоқчисиз?

— Ҳозир борамиз Кенжабойнинг уйига. — Отасининг овозидан ёқимли титроқни пайқаган Ултон чол бу кунларни... жуда интизорлик ила кутганига яна амин бўлди. — Муни қара-я, — давом этди қария товуши баттар олиниб. — Кенжабой иков... омон қолсак, Олатоғда тўй қиламиз, бир-биримизга чопон ёпиб, қайтабошдан дўст бўламиз, дер эдик... Энди насиб этиб турганини қара...

— У киши яхши одамми? — отасининг кўнгли учун сўради Ултон: майли, мақтасин.

— У-ў, баҳоси йўқ! — хитоб қилди қария. — Ниҳоятда ҳалол, танти... — Сўнг тагин томоғини қирди. — Сени кўрипти, улим. Ҳа... Ўртоқ Қўчқоров жуда дангал гапирадилар-да! Кенжабой идорага кириши билан унга: «Айтинг, қизингизни шу чўпоннинг ўғлига берасизми, йўқми?» дедилар. Кенжабой бўлса: «Бир эмас, ўн қизим бўлсам, бердим!» деб юборди...

— Нима, қизи отасига айтганми... гап шундай деб?

— Йўғ-е.

— Ота, мен... яна нималар қилай? — сўради Ултон ва қарағай остида иршайиб турган Набини кўрди (хайрият, пулни киссасига солган, йўғасам уяларди).

— Янами? — Чол эчки соқолини сийпаб ўйга толди. — Эртага кўп ишлар бирёқли бўлади... Сапхўз актипларидан беш-тўрт кишини уйга айтамыз. Бу ердан ўртоқ Эгамқулова боради... Ҳа, сенга ёқмайдими у хотин? Барибир раҳбар.

— Бу кеча уйга борасизми?

— Боришим керак, — деди чол. — Агар боролмасам, шу бўйи тоққа чиқиб кетаман.

— Эшак қани?

— Ваҳмбоғда... Айтмоқчи, сен ашулачи-ўйинчи деганларниям айтиб қўйишинг керак.

— Ҳўп.

— Опанг келдими?

— Йўқ.

— Келмаган бўлса, эртага беш-ўнта қўй ҳайдаб тушамиз... Айтмоқчи, тўй жумага белгиланди!

Ултон, ниҳоят, отасига боқди. Ва яна тескари қараб, сигарета тутатди.

Ота унинг елкасига аста қоқиб, зинадан чиқиб кетди. Наби у кишига ни-мадир деб ҳазиллашди-да, пастга сакраб тушди. Сўнг Ултоннинг биқинини китиклаб:

— До-од, — деди. — Ўзим ҳам ўйнаб бераман. Лекин Хуррам девонанинг ўйинчисини қуритаман.

— Бу нима деганинг?

— Бир сўм қиётириб, ўн сўмлигини оламан. — Кейин бақириб кулди. — Ҳазил... Аммо Берди тентак шундай қилади!

— У ким?

— Ҳе, уни танимасангиз... Тўй бор, деб эшитса, етиб келади... Калласи тўла ақл! Жўрттага ўзини жинниликка солиб юради... — Сўнг бирдан чапак чалди. — Жўнадиқми? Бужорсинлар, куёв тўра! Лекин Хуррам девона билан келишмасангиз бўлмайдди. У бировга ваъда бериб қўйган бўлса, худо урсин, Қўчқоровнинг гапиниям олмайди! Бир-икки марта тўйчиларни алдаб бўлганича бўлган... Энди минг сўм бераман десангиз ҳам, ваъда бериб қўйган бўлса, юз сўмлик тўйга боради.

— Ҳозир уни топса бўладими?

— Музей жинниси-ку у, ётиб ҳам қолаверади... Кетдик! Майли-да. Бўлма-са, орқага қайтаверамиз. Мошина ихтиёримизда. До-од, олға!

Ултон унга эргашди.



Қабристонли боғни Ваҳмбоғ дейишади. Ултон интернатда ётиб юрган вақтларида (ҳозир интернатнинг ўрнига «Олатоғ» ресторани тушган) қизлар ётоғи олдидаги олмазорга сув боғлаб келиш учун гоҳо фонус кўтариб чиқишар (кундузлари навбат тегмас эди) ва боғнинг этагидан... ўтиб қайтишар эди: илло боғ ичидан кесиб ўтишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

Қари ёнғоқларнинг кавак таналари қолган, холос. Қучоққа сиғмас балх тутлари каллакланавериб ажабтовур склетга ўхшаб кетган. Қуриган тоғ писталари ва кўзтикану эшакжийда буталари ҳам босиб ётган боғ чиндан ваҳимали. Бунинг устига, у тўғрида турли афсоналар юрарди: тунларда қирқин қизлар базм қурармиш, ҳар-ҳар ерда гулханлар ёниб турармиш...

Бироқ боғ ўртасида, яъни эски қабристон жойлашган тепаликнинг ён-верида кечалари сон-саноксиз юлдузқуртлар<sup>1</sup> йилтиллер, ой ботгандан кейин юлдузли осмоннинг бир парчаси узилиб шу дўнгликка қопланиб қолганга ўхшар эди.

Ултон вилоят редакциясидан чиқиб Оқсувга келган кунларининг бирида...

...Мунди билан ўша Ваҳмбоғ этагида қурила бошлаган уйларни оралаб, эшигининг икки ёнига иккита полвонтош<sup>2</sup> қўйилган «Тарих музейи»га келишган эди. Район раҳбарлари, хусусан, Тўқлибой Қўчқоров билан барпо қилган, энди «кўргазмали қуроллар» ила жиҳозланаётган экан.

Ултон ўшанда Хуррам билан танишган: у «Низомий» институтининг тарих-жўрофия бўлимида ўқиётганида, «Пахтакор» стадионидаги воқеаларга<sup>3</sup> аралшиб қолгани учун ўн йилга кесилган, бироқ қамоқда қийналмаган — хуш-воз ашулачилиги қўл келган: қамоқ бошлиқлари уни хуфя базмларига чақириб туришаркан...

Хуллас, Ултон у билан ярим соатлик гурунғ асноси билимигаю ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларига тан берган, лекин унинг Тарихгаю Истиқболга муносабати, айтиш мумкинки, дунёқараши Ултонга анча жўн туюлган эди...

Хуррам эшигини қулфлаётган экан.

— Ў-ў, коллега! — дея йирик қоматини бемалол эгиб ва бир қўлини кўксига босиб кўришди. Сўнг Ултоннинг қўлини қўйвормай аста-аста силкитганича меҳрли боқиб, шошилмай сўрашди: — Зерикмай юрибсизми, оға? Султон бобом бардамми? Оқсув шарқираб оқаётгандир?

Ултон сўрашса — саволлари маъноли кимсага йўлиққандек:

— Раҳмат, Хуррамбек, — деди.

— Хув! Шопир одаммасми? — деб қолди Наби. — Қарзга бўлсаям мундай узатиб қўйинг!

— Эҳ, хўжайиннинг гумаштасиям шу ерда-ку! — Хуррам у билан ҳам кўришди. — Қалайсан энди?

— Кўриб турганингиз! — деди Наби ва очилиб кетди: — Домилла, бу одамни бежиз «девона» демайдилар... Жинлари бор! Кечаси анави боққа кириб, тепага чиқиб юрармишлар! Қўлларида хитой фонари!

— Юраман, — деди Хуррам табассум билан. — Ахир, у ердаям бир замонлар инсонлар яшаган...

— Кўмилган денг!

У беозоргина бош ирғади.

— Майли... — Сўнг Ултонга бир он ўйчан термулди-да, киссасидан ўн сўм чиқарди. — Набижон илоҳи омадингни берсин! Ҳамиша шундай вақтинг хуш бўлиб юр! Шунга битта коньяк олиб кел. Ресторанда бор...

Наби:

— Туф! — дея пулни ўпди. — Лекин ўз пулимга опкеламан. Бу — пултуғар червон.

— Бўлмаса сен ҳам отарчи бўлгин илоҳим!

Наби гап тополмадими:

<sup>1</sup> Тунлари нур сочадиган митти ҳашорат.

<sup>2</sup> Қадимда полвонлар шу тошларни кўтариб, маълум масофага оборишда куч синашган.

<sup>3</sup> 60-йил, бошларида копток ўйинидан чиққан 50000 кишининг тўполони, унда талай ўрислар шикаст еган эди.

— А-а-а! — дея кафтини тутди-да, Хуррам ҳам қўл чўзган эди, у мушт ўқталди. Кейин: — У-ў-ў, сизга кўтарилган қўл синади-ку! — деди. Сўнг Ултонни туртиб қўйиб, мошинага минди. — Домилла, у кишини гапга солинг... Лекин сизларнинг баъзи тарафларинг бир-бирига ўхшайди. — Мошинани буриб оларкан, бақирди: — Икковингиз ҳам дарвишсизлар!

Хуррам вазмин булкиллаб кулди. Ултон ҳам кулди-ю, вужудида туйқус сергаклик ва ундан нималарнидир билиб олиш эҳтиёжини туйиб:

— Бирон жойда ўтирсакми? — деди. — Менимча, иккаламиз тенгёш бўлсак керак?

— Мен каттароғ-у, лекин сиз... ака, — деди Хуррам эшикни очиб. — Марҳамат.

Ултон йўлакка кириши замон Хуррам чап қўлдаги эшикни итарди.

Бу чоққина хона — музей директорининг кабинети эди. Узун столнинг бошида тахтга ўхшатиб ясалган курси турар, курси ортида — деворга бир қатор расмлар қоқилган бўлиб, энг охиргисидан Брежнев мамнун боқар эди.

— Бу катта бобо этакка тушиб қоптилар-ку? — деди Ултон портретга ишора қилиб.

— Жойлари шу-да, — деди Хуррам. — Охирги пошшомиз.

— Ҳа-а, булар...

— Мана бу биринчиси Герай, — қайрилма қош, сочи гарданига тушган, манглайини тасма билан танғиб олган кишини кўрсатди. — Қрим хони эмас, Бақтрия подшоси! Иккинчи асрда зарб қилинган тангадан кўчиртирдим, яхши рассомимиз бор...

Ултон Герайни «кўрган» эди: Ремпел билан Пугаченкованинг «Ўзбекистоннинг антик санъати» китобида ўша тангалар суратиям бор.

— Бу — Канишка! — бошига кулоҳ кийган чўзиқ-совуқ юзли кишини кўрсатди Хуррам. — Қўшон императори. Биринчи аср... Бу — Хунишка. Канишканинг ўғли. Қаранг, униси — туркча: «кан» ичган, буниси форсча — хун» ичган. Демак, икки тилда сўзлашишган... Ушандаям!.. Бу киши — бобомиз Темур!

— У киши — Ленин, — кулумсиради Ултон. — Сизнингча, буларнинг бир-биридан фарқи йўқми?

— Йўқ экан... — лоқайдгина деди Хуррам. — Тўғри, афт-башараларида бор, иш тутимларида фарқлар бор, албатта. Лекин булар бари — жаҳонгирлар! — Ултон беихтиёр эшикка кўз ташлаганди, Хуррам солланиб кулди. — Бу ерда «қулоқ» йўқ. КГБ ҳар қанча бой бўлмасин, ҳар бир идорага «қулоқ» ўрнатишга кучи етмас экан. Тараканов шундай дейди... Утиринг, ака.

Ултон курсига чўкди.

— Сиз ундай кишилар билан ҳам... бемалол гаплаша оласиз-а?

Хуррам столга боқиб:

— Ҳе, ака — деб хўрсинди. — Санъатчилар ҳамма вақт улуғларнинг маҳраמידек бўлиб келган.

— Бундан чиқди, Тўқлибой ака билан ҳам...

— Яқинлигимиз бор. — Кейин: — У киши сизни ўқитган-а? — деди.

— Ҳа. — Ултон Хуррамдан ҳам «тўй» хусусида эшитадигандек бўлиб ва бу ерга келишлари боисини-да дарҳол айтишни ўйларкан, Хуррам:

— Бизгаям домла ҳисоб, — дея курси тортиб ўтирди. — Дарс бермаганлар... Лекин барибир-да! — Сўнг Ултонга ўйчан боқди. — Сизга ёқадилар-а?

Ултон кулумсиради.

— Ҳа, энди... Айтмоқчи, сиз у кишининг шеърларини...

— Ҳа, — Хуррам хокисор табассум қилди — Улуғларнинг амри вожиб! Бироқ менга кўп ёрдамлариям тегди. У киши бўлмаганда, бу бино қайда эди!... Махфират опа оми аёл...

— Кечирасиз, — деди Ултон бошини дадил кўтариб. — Тўқлибой ака билан шунчалик яқин экансиз... — (Баҳорнинг уйчасида магнитофондан эшитган қўшиқлари ёдига тушиб кетган эди.) — Наҳотки жума куни бўладиган тўй-базм ҳақида айтмадилар?

<sup>1</sup> Эрамининг I-III асрларида ҳукм сурган империя. Унинг пойтахти Сурхондарёда бўлган. Бу империя ўшанда ер юзиде ҳукмронлик қилган Хитой, Рим ва Парфия империялари билан тенг турган.

Хуррам карахт тортгандек қотди-ю бирдан хушёрланиб:

— Мабодо сизнинг тўйингиз эмасми? — деб сўради.

— Ҳа, — деди Ултон.

Хуррам унга фавқулодда шундай ёниқ бир меҳр билан боқиб ўрнидан қўзғалдики, стулни айланиб келиб:

— Бир қучоқлайин! — деди. — Ана... Мен кўп ўйлар эдим. — Ултонни бағридан бўшатмай давом этди: — Сиз билмайсиз, ака... Сизни ҳеч ким тушунмайди бу ерда! — Сўнг орқага тортилиб, қўлини тутди.

— Ўзим хизмат қиламан! Агар рози бўлсангиз...

— Э, э-э, — каловланиб қолди Ултон. — Сиз рози бўлсангиз, айтиш учун келиб эдим.

— Раҳмат, ака. — Хуррам жойига бориб ўтирди. — Сиз ҳаётда табиатдек табиий бўлишни яхши кўрасиз-а?

— Ҳа, — деди Ултон.

— Биламан.

Ултон бошини сарак-сарак қилди: бу девона нақ кўнглининг остидаги гапни топиб айтади-я!

— Раҳмат... Ҳозир нима иш қиляпсиз? — бирдан қизиқиб сўради Ултон.

— Ўша-ўша экспонат йиғиш, — кулумсиради девона. Сўнг эшикка термулиб қолди-да: — Тўй ўтсин, кейин сизга... шу тепани кўрсатаман, — деди махфий гап айтаётгандек овозини пасайтириб. — Бу тепа эмас — ҳазина... — Кейин кўзлари олайиб, уқтирди. — Албатта тилло-тангани кўзда тутмаяпман. Аммо ундан ҳам бор...

— Сал очиқроқ айтинг.

Хуррам юган тортилган отдек бўйинини гаж қилиб:

— Сиз тушунасиз, — деди. — Бу юртда фақат сиз... Насиб этса, сизни шу тепанинг ичига олиб кираман. Унда ибодатхона бор, — овози жуда пасайиб кетди. — Тухум шаклидаги ибодатхона... Биласиз-ку?

— Тухум шаклида бўлса... Будда! — деб юборди Ултон. Ўрта Осиёда мелоддан бурунги биринчи ва мелоднинг иккинчи-учинчи асрларида, яъни Буюк Қўшонлар империяси ҳукм сурган пайтларда Давлат дини ҳисобланган Буддапарастлик (Ҳиндистоннинг ярмисиям қарарди бу салтанатга!) ибодатхоналари қурилган. Бугунги кунда...

...20 га яқин ибодатхона топилганини Ултон билар, Тошкентдаги Оқтепада ва Термиздаги Қоратепада очилган шундай зиёратгоҳларни учинчи курсдаёқ кириб кўрган, анграйиб чиққач, соатлаб чайқалиб юрган эди.

Нималар йўқ бу Ҷаминда?

Тупроқ остида?

Кўмилган...

— Худди шундай! — сеҳргардек шивирлади Хуррам. — Будда!... Унинг ҳайкалиям бўлиши керак, — давом этди ишонч билан. — Ахир, бусиз мумкинмас!

— Албатта, — деди Ултон. — Сиздан бошқа биров билмайдими?

— Толстов ҳам! — жилмайди Хуррам. Академик Толстов — антик Хоразм экспедициясининг бошлиғи у киши, ўша ўлкадан топилган бари осори атиқанинг олиш-кўтариш-юклаш мумкин бўлганларини Ленинград Эрмитажига жўнатган.

— Массон ҳам-а? — кулумсиради Ултон. Бу академик эса, Термиздаги Қоратепа ибодатхонасини текшириб, топилган қирқин қизлар хайкалига-ча<sup>1</sup> Ленинградга юборган.

Хуррам девона қўлини узатиб, унинг бармоқларини қисди. Ултон ҳам беихтиёр унинг панжалари устига кафтини босди-да:

— Борингизга шукр, — деди. — Халқимизнинг сиздек ўғлонлари бор экан — унинг бахти! — Сўнг ҳовлиқиб кетди. — Унинг кўзи очилади...

— Шу, шунинг учун... — дея Хуррам дарвеш ён-верига — гўё музейнинг бошқа хоналарига ғарибона разм солди. — Баҳоли қудрат...

Шу пайт машина сигнали эшитилди.

<sup>1</sup> Деворий нақшмонанд ҳайкаллар — фреска

Хуррам бармоғини лабларига босди.

— Гулдир-гуп.

Ултон ғамгин ирғалди: ҳа, тепалик сирини ҳеч ким билмаслиги керак. Билса... кўрсичқонга<sup>1</sup> айланади.

— Мен учун энг бахтиёр кун — бугун, — деди Ултон ниҳоят. — Сизга минг раҳмат. Тўй ўтсин... Айтмоқчи, — унга майин кулумсиди, — «Келин ким» деб нега сўрамайсиз, Хуррамжон?

Хуррам бошини эгиб, бир он тек қолди-да, кейин:

— Ака, менда бир ақида бор, — деди. — Яхшими, ёмонми — билмайман, аммо у шундан иборатки, бировларнинг хотини, қизи, синглиси-опаси, хуллас...

— Тушунарли, — деди Ултон.

— Шу, мени қизиқтирмайди.

— Ажойиб.

— Муҳаммад Расулulloҳ айтибдиларки, аёл зотини ҳурмат қилмоқ лозим, зеро, у сенга ҳам Она, ҳам Сингил, ҳам Хотин: бари аёлдандир. Демак...

— Раҳмат! — деди Ултон ўзини тийолмай. Ва алами келиб қулди. — Бу ҳикматни гўё... XX асрда кашф этганга ўхшаймиз. Шундаям оғизда, шеърларда... — у тўлиқиб кетди. — Митрани эсланг, Хотин худосини! Буддапарастликдан олдин... а? Утпарастлик ақидаларини эсланг! Анахитани! Греklarда ҳам, бизда ҳам! — Кейин, бу гапи мобайнида хотирасида уйғониб бўлган нарсани айтиб юборди: — Сизда Хотин худосининг қолипи борми? Эсланг, редакцияда айтгандай бўлувдингиз...

Девона табассум қилди.

— Лекин менда бор, демовдим... — Сўнг Ултонга меҳр билан боқди. — Топамиз. Ҳайкалнинг ўзидан. — Сўнгра қандайдир бўғилиб, яна эшикка қаради. — Чиқамизми, ака? Жинтепани томоша қилайлик!

Ташқарига чиқишганда «Газик» ғишт синиқлари уюлиб ётган ерда эди. Наби боғни ўраган симтўсиқ ортида — қари олмага чиқиб, шохларини силкатарди.

Кўёш ботиб кетган, уфқ қонталаш, тепа ўрқачи алланечук қорайиб турарди.

— Шу-шу, — деди Хуррам. — Бизнинг ўтмишимиз... Уни тепалик яширгандек, биз ҳам халқдан яширишга мажбурмиз.

«Халқ» ҳақида Ултон кейинги йилларда ҳарчанд лоқайдлик билан фикр юритмасин, мактабу дорилфунуну дарсликлару домлаларнинг: «Халқ — тарих ижодкори! Тарихни ҳаракатга келтирувчи кучдир!» деб уқтиришлари изсиз кетмаган, қолаверса...

...партия (ҳукумат)нинг қарор ҳамда буйруқларини — «Халқнинг иродаси шу!» деб тақдим этилиши, бу борада жилла эътирфз билдиришга журъат этганларни дарҳол «халқ душмани!» деб айбланиши, редакцияларда ҳатто «авом, оломон» каби сўзларни қўллаш мутлақ таъқиқлангани учун «Давлат» қандай мавҳум ва қудратли бир рамзга ўхшаса, «Халқ» тушунчаси, демак, унинг ўзи ҳам шундай, балки ундан-да мавҳумроқ бир қудратга айланган эдики, бу йўриғда қалтисроқ фикр айтиш хавфли эди.

Шу боис Ултон:

— Тушунтирсангиз тушунар-ов, — деди Хуррамга қия қараб. — Фақат, лекин ҳалигидай...

— Англадим, — деди девона. — Бу масалада бошқа вақт гаплашамиз.

— Маъкул.

Хуррам Ултоннинг кифтидан бир қўли билан қучиб, тепага тикилганча ух тортди.

— Айтмоқчи, Таракановнинг нимага қизиқишини биларсиз-а?

Ултоннинг кўзи олдида гардиши кенг шляпасини олиб, Баҳорнинг қўлини ўпаётган киши намоён бўлди. Ва қизнинг уйчада у одам ҳақида гап очиб, Митра ҳайкалчасини кўргани тўғрисида дудмал гап қилганини эслади.

— Тарихга қизиқадими?

Хуррам ўйланиб:

— Жуда! — деди-да, илжайди. — Тўйингизга унияма таклиф қилсангиз керак?

<sup>1</sup> Крот.

— Нега? — Ултон хўмрайди. — Умуман, мен ҳайронман! — деди сўнг. — Сизга айтсам...

— Айтмай қўя қолинг. — Хуррам энди Ултоннинг тирсагидан ушлаб қисибгина қўйди. — Гўдак келаётир... Аммо лекин лақма бўлсаям мард бола. Қитмирга ўхшайди-ю, кўнгли тоза.

Наби кастюмининг ўнгирида олма кўтариб келди.

— Бизниям жинимиз бор, домилла. Қассобларниям жини бўлади, пири бўлади.

Хуррам унинг гапини давом эттирди:

— Пиринг тўғрисида бир нима демайман-у, жинингни кўрганман... Ҳў, у ерда! Олма пишганда фақат Набининг боққа тушишга ҳаққи бор, деган эди!

— Коньякка-чи?

— Шуни ичмайлик, — деди Ултон. — Биз йўл одами...

— Ҳа, ишимиз кўп, — тасдиқлади Наби. — Бошқа келишда ичамиз...

— Ундай бўлса, ўша келишгача мошинада турсин, — деди Хуррам. Сўнг Ултонга жилмайиб қўл берди. — Жумагача?

— Ҳа.

— Эшикни қулфлаётган эдингиз-ку? — деди Наби. — Қоласизми?

Хуррамнинг тиши оғригандек пешонаси тиришди.

— Озгина иш бор экан, эсладим. — деди. Ва кутилмаганда қизишиб кетди. — Падарига лаънат баъзи раҳбарнинг! Юзингга қараб туриб, кўзингга қўл суқади...

— Сизниям-а? — кулумсиради Ултон. — Улуғларнинг маҳрамини?

— Оғажон! — Ултоннинг билагидан тутди у. — Ўзбек доно халқ, мақолини эшитинг: «Ўзингники ўзагингни узади!» Ҳа, ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстинга.

— Ташаккур.

— Сиз шуни унутмасангиз, бас.

— Нега энди «мен?»

— Чунки сиз ҳам раҳбарларни яхши билмайсиз. Биласиз, лекин умуман...

— Бу гапингиз тўғри, — бўйнига олди Ултон: ҳа, у бирон арбоб билан ҳам сирдош бўлгани йўқ.

Рост: Қўчқоров билан яқин. Аммо бу яқинликда бир сир бордек...

— Бир бригадир айтган эди, — асабий тўнғиллади Хуррам. — «Ихтиёр менда бўлса, ҳукуматни бошқариб турган бари катгани бир ерга тўплаб, устига ермойи сепиб, ўт қўярдим!» Ермойи — керосин дегани...

— Ҳукумат қандай бўлса, ҳоким ҳам шундай бўларкан, — қистирма қилди Ултон.

Хуррам анқайиб қолди-да, бирдан уни қучиб чаккасидан ўпди.

— Раҳмат сизга. — Сўнг Ултоннинг кўзига тикилиб, давом этди: — Аттанг, ёлғизсиз... Ҳа-а, юнонлар билгич халқ бўлган. Уларнинг ҳам буюк ҳикматлари бор, масалан, шундай: «Нимаики содир бўлиши керак экан, содир бўлади!»

— Қисмат, — жилмайди Ултон.

— «Эй, фалақ, айбим надир...» Машраб айтган. Дарвоқе, мен тўйингизда фақат Машрабдан айтаман!

— Тўқлибой Қўчқоровдан-чи?

— Биз... пўм чиқдик.

## 50

Ултон Хуррамни қайтадан кашф этгандай мамнун, унинг Ватан тарихига фидойилигидан боши осмонда, аммо.

...туйқусдан раҳбарларни сўкиб кетгани... эриш туюлар эди.

Нега бирдан асаби бузилди?

Ҳатто «ўт бериш» ҳақида гапирди-я?

Бу хавфли гап...

— Наби, Хуррамда қандайдир ўзгариш йўқми? — сўради Ултон мошинада Оқсувга қайтиб келишар экан.

— Жуда бор-да, — деди Наби. — Бирдан катталарни ёмонлаб кетди...

Ўзи улар билан нону қатиғ-у!

— Бўтабой Сўпи билан ҳамми?

— Йўғасам-чи!

— Наби, — Ултон унинг тиззасига қўл қўйди — мошина секинлади. — Айтгин-чи, Бўтабой Сўпининг давраларида сен ҳам...

Наби шартта кесди:

— Осиб қўйдим даврасини! — деди. — Ҳе-е, бундан беш-олти ой бурун... ишга кирган паллаларим эди. Сал эркинсираб меҳмонхонасига кириб қолдим. Энағар-е, ёмон бир гап қилди: «Ҳар кимнинг ўз жойи бўлади, камсамол», деди. Шу! Умуман, яқинлашмайман дачасига!

— Ҳим, яхши одат бу, — минғирлади Ултон. — Лекин, кимлар бўлишини биласан-а?

— Э, менга нима кераги бор! — Наби «Газик»ни четга буриб тўхтатди-да, коньякни очди. Ғаладондан пиёла олиб, қўйди. — Кечирасиз, — дея отиб олди. Кейин чўнтагидан қурут олиб тишлади.

Ултон сигарет тутатди.

— Менгаям қўй.

Наби пиёлани чайиб, ярим қилиб тутди. Ултон ҳам ичиб, қурутдан шимаркан, назарида, бу тунда ҳам нималардир бўладигандек туюла бошлади: яна Баҳорнинг уйига...

«Йўқ-йўқ, уям тўй ташвишида... — деб ўйлади. — Балки амбулаторияда йўқдир?

Укасидан кўрқар экан-а?

Энди, ўғил бола опасини қизғанади...»

— Нега сўрадингиз, домилла?

— Нимани? А-а-а. Кечирасан, ўзим ҳам билмайман.

...Мактаб атрофида чироқлар ёниқ, ҳамон тарақ-туруқ эшитилар эди. Чойхонага етганда, Ултон:

— Братни уйига ҳайда! — деди.

Наби «Газик»ни ҳаш-паш дегунча бозорчадан ўтказиб тўхтатди.

Бир неча дақиқадан кейин Ултон, Наби ва Абдуқаюм чўнг харсангтош ёнида — ўша қўлбола стол теварагида ўтиришар, шишадаги ичимлик яримдан пастлаган, Ултон ҳорғин, ўртадаги гурунгу Набининг кулдириш учун қилган ҳаракатлариям унга кор қилмас эди. Чўғ ланғиллаб турган тандирни томоша қилар, хаёлининг қайси бир жойларида шундай чўғлар-да кўриниш берар ва, наздида, бугун Чўнтоғ пойида қолиши керакдай эди.

Ниҳоят, отаси берган пулни чиқариб, новвойнинг олдига қўйди.

— Турсунтошга берсангиз. Улай агар, мен Баҳорга...

Абдуқаюм гап нимадалигини дарҳол фаҳмлади.

— Хўп бўлади.

— Мен бориб, айтиб юборайми? — сўради Наби. — Амбулаторияга кетганлари аниқми?

— Э, эрига ёлғон гапирадими? — кулди новвой. — Менимча, Эгамқулова-ям ўша ерда бўлиши керак.

Наби кетгач, Ултон ҳам қўзғолди: қизиқ, унинг уйга боргиси йўқ, тўй ҳозирлиги кўрилиб бўлгунча, йироқроқ бир жойга бориб туриши керакдай эди.

У бир-бир босиб, Одил миршаб билан кеча учрашган жойидан ўтаркан, уни тагин кўрадигандек бир-икки қаради. Кейин дарбадар ўрисларни эслаб жадаллади. Иморат олдига боргач, унинг бир мунча пардоз ишлари борлигини хотирлаб ва у ишлар ғоят оғир вазифа каби: «Эҳ-ҳе-е!» деди.

Кейин эса Баҳорнинг... шу уйда яшаши кераклиги эсига тушиб, негадир тасаввур этолмади: бу ерда қандай қилиб яшаркан?

Қайси хоналарда?..

Уёқдаги жиҳозларни, демак, қайтариб бериши керак: Бўтабой Сўпига...

Умуман, Баҳор билан гаплашиб олиши лозим... Дарвоқе, ҳозир қандай кайфиятда у?

Бирданига ҳамма нарса... Ултоннинг ҳаёт тарзиям ўзгариб кетадиган бўлди-я?

Ишқилиб, эътиқодларига таъсир этмаса...

Ахир, Ултон (ўзига хос табиий) турмуш-оила остонасида турибди!

Остонадан ҳатлагач, ўша оламга киради: у олам ўзига хос қизиқ ҳамда, Баҳор туфайли жозибали, албатта...

Аммо Ултон бу ҳолниям тасаввур эта олмади: жозибалилик — қизнинг уйчасида... қолиб кетади шекилли. Ё хотира бўлиб қоладими?

Наҳот?

Ултон Баҳор билан бақамти ўтириб, «келишиб» олиши жуда-жуда шарт эканига яна бир бор амин бўлди-да, вужудидаги туғма шиддат ва ғайрат жунбуш қилиб, зинадан ирғишлаб чиқди.

Эшикдан мўралади: телевизор ғинғиллар, икки меҳмон шундоқ четда узала тушиб ётар, Ашим хонтахта қошида тиз чўкиб, Сетон Томпсонни ўқир эди.

У Ултонни сезиб, ялт этиб қаради-да, ирғиб турди.

— Қалай? — деди Ултон.

— Шу... Сал димлама қилдим, — деди Ашим. — Вино уриб ташлаган экан буларни...

— Телевизорни ўчир... Буларнинг қўлидан нима ишлар келар экан?

— Уйғотайми?

— Оббо.

— Эртага сўрайман.

— От қаерда?

Ашим кулба томонга ишора қилди.

Ултон отни эркалаб ўтаркан, салдан кейин уни миниб, яна амбулаторияга жўнаб қоладигандек бўлди. Сўнг руҳини кўтариш учун бу режани амалга ошириш ниятида тағин нималардир қилмоқчидек, уйчага кўтарилди.

Шифтдан осилган чироқни ёқиб, курсисига ўтирди-да, қийшайиб қолган шамларни сопол тақсимчага ўрнаштирди. Уларни ёққач, чироқни ўчирди ва сигарет тутатди. Креслога чўкиб тин оларкан, тағин ниманидир унутгандек, энг муҳим бир нарсани эслаши лозимдек туюлиб: «А-а-а!» деди — у волидасини хотирлаган эди...

Хотира Муллақизнинг сағанасига «ҳамроҳ» этиб Зикриёхон домлани ёдига туширди...

Кейин катга ўтиб чўзилди. Кулдонни ёнига суриб қўйди-ю, бу оқшом ҳам (оз бўлса-да) ичганидан пушмон еди. Ва: «Қачон тугар экан бу «ташвишлар?» дея кимгадир нола қилди.

Балки чиндан ҳам бирон ёққа бориб, яшаб туриши керакдир?

Ахир, усиз ҳам битади-ку бу ташвишлар?

Йўқ, Баҳор билса... хафа бўлади. Бировлар уни қочоққа чиқариши мумкин. Дарвоқе, қаерга ҳам бориб тураолади?

...Хаёл уни Чўнтоғ этакларига, кейин Тошқўрғон вайроналарию Қўрғондара камарларига етаклаб, ўша дарадаги чуқур бир камарга мўралатди: ажабо, у ерда айиқ... пахмоқ айиқ яшайдигандек, у бўкириб чиқиб қоладигандек туюлди-ю, иттифоқо камар ўрнини... бояги Жинтепа остида мавжуд қандайдир қоронғи йўлак эгаллади.

Шунда у: «Наҳотки Будда ибодатхонаси?..» деб юборди. Кейин Тошкентдаги «Тарих музейи»нинг бутун бир қаватини эгаллаган — мелоддан олдинги ва кейинги илк асрларга хос дин, санъат ва рўзғор «буюм»лари — одамбўйи ҳайкаллар, тошбутлар, турли санамлар, зеб-зийнат ашёлари кўз олдига келди: уларнинг ҳам асл нусхалари Ленинградга олиб кетилган...

«Вей, бу — юртни талаш-ку?!» деди Ултон овоз чиқариб, ва ўз гапидан кўрқиб кетиб, туриб ўтирди: бу ерда ёзиб оладиган ҳалиги «қўнғиз»дан йўқмикан?

Тараканов...

Ултон эшикдан чиқиб, зинага ўтирди. Шу пайт Олатоғ томонда портлаш бўлди. Еру осмон титрар, уйча қалтирар эди... Ултон тағин кичрайиб, зинага қапишиб қолгандек эди.

Товуш унинг устидан ўтиб кетди.

Йигит яна каравотга узала тушгач, кўзларидан ёш оқа бошлади...

Эртаси чошгоҳ маҳали Султон бобо билан кичкина хотини етиб келишди: аёл эшакда, айилга учта қўй маталган. Бобо пиёда, лекин кайфи чоғ.

Кечқурун совхознинг фаоллари Бўтабой Сўпи етагида ташриф буюриш-

ди. Бу пайтда уй биқинидаги дошқозонда шўрва қайнар, Мустафоқул амаки сочиқни елкасига ташлаб олиб, Қўрбоши чолга гап берар эди.

Меҳмонлар катта хона ўртасига ёзилган дастурхон атрофига қур тутиб ўтиришган ҳам эди, Абдуқаноим эшикдан мўралаб:

— Домла келаётирлар! — деди ва... фаоллар сафидан жой олган Махфират Эгамқулова:

— Кечирасизлар, мен ҳозир... — дея ташқарига чиқди-да, пилдираб газхонага кирди.

У ерда Ултон чекиб турар эди.

— У-ў-ў, куёв бола! — хитоб қилди котиба. Сўнг унинг биллагидан ушлаб, қандайдир ёлворди: — Жон ука, тўйингга ман-ман деган раҳбарлар келади. Редакциялардан ҳам... Шунинг учун ҳар қанақа лясис, чэпэларга йўл қўймаслик керак!

— Албатта, — деди Ултон. — Лекин ўзларинг тўйбошисизлар, сизларга боғлиқ-да...

— Бизга? — шивирлади опа. — Анави имомниям биз чақирдикми? Отанг чақирган!

— Энди, ёлғиз қария деб...

— Алдама! Ундан фотиҳа олишади ҳозир... Ҳозир мен кетаман. Сенга қўнғироқ қилдим Баҳор?

— Йўқ. Балки...

— Паспорт! Паспортинг керак менга... Бор, опке! Заксдан ўтиш ҳам бир валакита. Районга бориб юрасизларми? Мен ўзим бир нарсани ўйлаб қўйдим...

Ултон Баҳор ҳамда унинг қандайдир дугоналари билан мошинага тушиб, тагин қандайдир мошиналар ва кишилар ҳамроҳлигида район марказидаги ЗАГС бўлимига бориш ва қандайдир расмий саволларга жавоб бериш, ҳамда бу билан боғлиқ тантаналар... ўзига асло ёқмаслигини англаб қолди-да, сигаретни ташлаб, товонида эзди.

Ҳа, агар ўша сафарда карнай-сурнай овозиям ҳамроҳ бўлсам — нақ намойиш бўлади!

Рост, ундай юриш кимларгадир (келин-куёвларга ёхуд уларнинг оналарига) ёқади, албатта. Ва ўшандоқ дап-ноғора чалинадиган онларни орзу қилгувчилар ҳам кўп!

Бироқ ҳар қанақа парад-намойиш деганларидан аллақачон совиб кетган, уларда фақат сунъийлигу қуруқ дабдабани кўрадиган Ултон иттифоқо опадан миннатдор бўлди.

— Паспорт у ёқда...

— Йўғасам бирга чиқамиз. Мен мошинанинг ёнида қоламан... Менга қара, жон ука, ўзинг ёзувчисан! Халқни тарбия қилувчи!

— Махфират опа! — Унинг гапини бўлди Ултон. — Билиб қўйинг, биринчидан, ҳеч қандай ёзувчи халқни тарбия қилувчи ҳисобланмайди...

— Хўп-хўп. Ишқилиб, мени падвадит қилмасанг бўлди... Тушундингми? Эскича ҳалигидай... Ҳамма балони тушунади-ю, бунинг тўрсайиб туришини кўринг!

— Нима? Нима демоқчисиз?

Эгамқулова тахта ётқизилмаган ерга қараб турди-турди-да:

— Агар Баҳор икковинг... — дея тин олди яна. Кейин: — Бўпти. Ўзим шу атрофда бўламан-ку! — деди. — Кетдик!

Ултон фирқўм котибасининг нима демоқчи бўлганини тахминлаб, ғамгин жилмайди: ниқоҳ ўқитманглар, демоқчи. Бошқа нимадан қўрқади у?

«Падвадит қилманглар» деган гапининг маъносиам шу: ахир, «образцовий» тўйда, районнинг казо-казо партия ва хўжалик раҳнамолари бошчилик қилаётган ниқоҳ тўйида... эскича «ниқоҳ ўқитилса» — уларнинг шаънига (нима учундир) доғ бўлиб тушади-да!

«Э, худойим, — Ултон кулбасига яқинлашиб бораркан, беихтиёр секинлаб ингранди. — Ниқоҳ ўқитишнинг нима ёмон жиҳати бор экан?

Ахир, одат бўлиб қолган-ку? Қолаверса, маънавий масъулиятни кучайтиради, холос.

Шундай бўлмаганда, дейлик, Октябрь инқилобигача... ўзбек халқида бит-таям рўзғор бут қола олмас эди!



Қадимда гувоҳнома бўлмаган-а? — яна аччиқ кулумсиради Ултон. — Қоғоз, қоғоз, қоғоз...»

Ултон Чўнтоққа борганида, Султон бобо айтган юмушлари қаторида шу «нарсаси»га шам қилган, бироқ ўғлининг фаҳми-фаросатига инонибми, ёхуд бу «тадбир»ни табиий ҳол деб ўйлаганиданми, ортиқ изоҳлаб ўтирмаган эди.

Ултон ҳам бу йўриғда бош қотирмаган, чунки «иш»нинг амалга оширилишига одатдаги урфни бажариш каби лоқайд қарар эди.

Умуман-ку, Ултонга қолса... бунақа маросимлар, гувоҳлар ҳузурида (ЗАГСда ҳам) ваъда беришлар — кейинги асрларда, тўғрироғи, минг йилликларда расм бўлгани ва, табиий, оиладаги аҳилликни таъминлаш учун жорий этилганига тан бергани ҳолда, шу «тадбир»ларсиз ҳам...

...оила мустақкам бўлиб қолишига ишонади: ўртада севги бўлса, дунёқарашда бирлик ё яқинлик бўлса, йигит-қиз бир-бирини «тушунса», бас-да! Ибтидоий ҳаётда шундай бўлган-ку? Тўғри, ўшанда одамлар содда бўлишган...

Қанийди бугунги кунда ҳам ўша соддалик сақланган бўлса? Йўқ, йўқликка кетди.

Шунинг учун, яъни, Инсон табиийликдан, аниқроғи, Табиат билан уйғун ҳолда яшашдан...

...адашгани учун ҳам...

буюк фожеалар юз бермоқда!

Хатна тўйлари олдида «маслаҳат оши» берилишини Ултон билар эди. Аммо-лекин қизил тўйлар олдида ҳам шунақа «маслаҳат» бўлиши керак экан: илло гуруннга таклиф этилганлар тўй учун қўлларидан келган ёрдамни ваъда этишди: бири — бир машина ўтин, бошқаси — кўмир, тагин бири — бир қути ичимлик, яна бири — айтувчиликни бўйнига олди. Алқисса, бу «хизмат»лар тўёна ўрнига ўтаркан.

Тагин ҳиммат қилганлари...

## 52.

Кейинги куни... Ултон отни ечаётган эди, баргранг бир «Газик» иҳота тошлар узилган жойдан бу ёққа бурилди-да, бироз пастлади. Кейин тўғри кулбага ўрлаб кела бошлади.

Кабинадан бир киши сочи тўзғиган бошини чиқариб қарагач, Ултон мошинага пешвоз юрди: у йигит — Мунди эди. Уловни ҳайдаб келаётган ҳам — қандайдир таниш.

— Ассалом, азизим! — Мунди пастга тушибоқ қучоғини очди.

— Келинг, Мундивой, келинг, — деб Ултон уни бағрига олди. Мундининг бўйи паст, аммо чайир-бақувват.

Шофер ҳам ерга тушди. У — туман радиосининг муҳаррири эди: маллагина, китмиргина Собир деган йигит.

— Яхшими, Ултон ака? — деб уям кўришди. Кейин тисланиб: — Омин! — деди. — Айтган-бойлаганингизни яхшиликка буюрсин!... Хў-ўп, тўй қуллуғ бўлсин?

— Раҳмат, — деди Ултон. Сўнг: — мабодо шуни репортаж қилгани келмадингларми? — деб сўради-ю, буларга ортиқча беписандлик ила қараётгандек бўлди. — Кечирасизлар, — дея давом этди: — «Қуллуғ бўлсин»ни кўп эшитдим-да.

— Эшитасиз-да, эшитасиз! — нуқиб деди Мунди. — Йўғасам шу кулбада ётаверинг эди, худо деб... Худо кўрсатмасин, бир куни ўзингизга совчи келарди. Ултон яйраб кулди.

— Рост-да, Собиржон, — деб бу «гап»ни яна бўрттира кетди Мунди. — Ахир, районда бош кўтариб юролма қолдик-ку, азизим? Ким билан учрашмайин, сизни сўрайди. «Нимага у ёзувчи уйланмайди? Утиравериб эсдан чиқариб юборганми?» Худо урсин-а, гапим рост...

— Худо урмасин, — деди Ултон ва ҳозир нима қилишни ўйлади: ҳужрага таклиф этса, ўтиришлари керак, демак, анави ёққа тушиб чиқиш лозим...

Ултон боя у ёқдан хабар олган, «савобталаб» ўспиринлар ҳам кўпайиб қолган экан: уч-тўрттаси майдончадаги ғишт синиқларини бир четга тўплаяпти,

бир-иккитаси нари-беридаги тикан, янтоқларни қираётир, тагин: уй биқинида янги ўчоқ кавлаётган ким, ариқчага кўприкча қураётган ким... хуллас, Ултон унга-бунга қарашган бўлиб, тезгина бу томонга қайтган эди.

Сабаби: у ерда кўпроқ уймалашса, демак, тўйнинг тезроқ ўтишига ҳисса қўшаётгандек, демак, хурсанддек — демак, бу кунларни орзиқиб кутган каби кўринадигандек туюлди: ҳа, унинг четроқда, кўринмайроқ юргани маъкул.

Ҳозир у Гижингтойни боғ этагига оптушиб, арқонлагач, тўғри мактабга бориши керак эди...

— А, бу мактаб ремонтIAM авжида-ку? — деди Мунди шодлик билан. — Ҳамма мўри малахдай ёпишган!

— Ултон акамнинг ўзлари юрган бўлса керак, — деди Собир жиддийлик билан. — Йўқ, рост айтаяпман, Ултон ака! Сизни ўтган куниям, кечаям райком олдида кўрган экан кишилар. Шулар айтишди: «Бир гап бор, ёзувчининг қовоғи солиқ экан...» деб. Ким билади, ёзаман деб қўрқитдингизми...

— Ерунда, — деди Ултон. — Улар ёзишдан қўрқмайди.

— Бўлмасам...

— Ким билади-е!

Мунди сигарет тутатиб, гугурт чўпни ерга урди.

— Мен ҳам билмайман. Мана бу суратчи бўлса, «Ултон акам ёзувчи, у-бу», деб юрипти. Мана сенга ёзувчи! — У бармоқларини ҳалигидай қилди. — Ёзувчининг кушандаси-ку булар... — Йўлга қараб қўйди. — Тўнғизлар, милиён-нерлар...

— Кўяверинг, — деди Ултон. — Қани, уйга кирайлик. Мунди, тортинг.

Қўлларини лангар тутгандай қилиб шоти-зинадан кўтарилган Мунди эшикни очди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! — дея бўсаға ҳатлаб кирди-ю, девордаги терига қараб қолди. Кейин кўнгли бузилгандек ҳиқиллаб бориб уни силади. Собир эса ёлғондакам:

— Ув-в, — деб йиғлай бошлади. — Энди нима қилади Мунди акам? Ўзлари сени отиб олмоқчи эдилар. Қишда. Жунларинг бир қарич бўлганда...

— Ёп оғзингни, гўдак! — деди Мунди. — Ултонжон, милтиқ борми?

— Вой-во-ой, — деб ёғоч курсига ўтира қолди Собир. — Мен-мен... ўзим отиб олиб, сизга обориб бермоқчи эдим. Болаларингиз юпун. Қишдаям бир кўйлақда юришади...

Мунди пиқиллаб кулиб:

— Сен одам бўласан, — деди. — А, Ултонжон? Аммо лекин шу бола ўсапти!

— Ўссин, ўссин, — деб қўйди Ултон. — Мунди, ўтиринг. Хўш, нима олиб келай, нима ейсизлар? — Шу гап оғзидан чиқиши замон Мустафоқул амакининг ўтган кунги илтимоси эсига тушиб кетди. — Ёки чойхонага борамизми?

— Тузук гапиринг. Уят бўлади-е, Ултонжон... — деди Мунди. — Шундай кунда... — Катга ўтирди-ю, турасолиб, бошқа курсига чўкди. — Ултонжон, бир фотиҳа қилайлик, биз кетамиз.

— Энди келдинглар-у... — Ултон ўтирди. Фотиҳа ўқилгач: — Боққа тушамизми? Сувнинг бўйига, — деди.

— Иш бор, — жиддий ирғалди Мунди. — Бугун материал туширишимиз керак.

— Ҳа, — деди Собир ҳам, — Опаям илтимос қилган.

— Опангни эсламай тур! — силтаб ташлади Мунди. — Опа эмиш... Гапираверади-да у!

— Сизга Бўтабой Сўпининг гапи бўлса — гап-а?

— Албатта! — деди Мунди пишиллаб. — А-ахир, у менга... бериб туради. Яшириб нима қиламан, Ултонжон? У тўнғиз еганда, мен оч ўтиришим керакми?

Ултон чуқур нафас олиш баҳонасида хўрсинди: рост, вилоят газетаси редакциясида ҳам азбаройи тирикчилик ғамида айрим хўжалик бошлиқларини мақтайдиган ходимлар бор эди: камчилигини яшириб.

Табиий: мақтовга қурилган мақолага ҳамма вақт йўл очиқ...

Бироқ хилватда, айниқса, ичиб қолишганда, ўша ходимлардан баъзилари-

нинг йиғлаганиниям Ултон кўрган... ва хотиржамлик билан овулган ҳам: «Фойдаси йўқ, қадрдон. Ҳаёт ўзи шундан иборат экан. Кўриб турибсиз-ку?...»

Бу борада фалсафий хулосаси шу эди: «Жамият қандай асосга қурилган ва қандай йўлдан бораётган бўлса, унинг аъзолариям шундай...»

Тўғри, жамиятдан юксакроқда турадиган кишилар ҳам учрайди. Учрайди — шунинг учун ҳам улар оз.

53.

Ниҳоят, Ултон кулумсиради.

— Бу-у, мактаб ремонтиниям Бўтабой Сўпи айтдими сизга «ёз» деб?

— Ҳа-да, — бўғилиб деди Мунди ва кўз қисиб қўйди. — Анави кўприкниям ўшанинг номига ўтказиб ёзиб юборганман! Ҳе-е, хурсанд бўлмас экан-а!.. Ашим гаранг бор-ку, Ашим? Шу кечаси уйимга бир қўй обориб ташлаган... Бў-ўлди! Кўприк қурилганми?... Қурилган. Факт. Новвой шўрлик газет ўқимас экан. Тўғри, Турсунтош бир-икки марта ғингиб қўйди. «Э, Шўро опа, — дедим. — Борини ёзсам, эрингизни қайта кўрмасдингиз. Тўғрими?»

— Мактабни ёзиш керак бўлса, ёзинг, — деди Ултон. — Лекин, — у келишувчилик қилаётгандек ийманиб, Мундининг қўлидан ушлади, — шу Мустафоқул амакиниям... Қаранглар, йўқ чойхонани бор қилди, обод қилди...

— Э, мен суратиниям обқўйганман, — деди Собир.

— Энди, уйингга фотомонтаж қилиб илиб қўй, — деди Мунди. — Скилороз бўп қолганмисан?

— Айтдим-да.

— Қолганиниям айт! — Мунди Ултоннинг қўли устига кафт босди. — Азизим, яна реакция авж олаётир. Бизга яна «секретний писмо» келди... Райкомдан. Тепадан тушган-у, булар ўзича ишлаб чиқишганда... Шу! — Мунди чўнтагидан «Ту» чиқариб, шоша-пиша бирини тутатди. Ютақиб давом этди: — Унда айтилганки, уф... Ҳе, энасини Учқўрғондан кўрсатай мундай идеологияни! Ҳозир айтаман, Ултонжон.

— Чой-пой қилиб...

— Пиво борми?

— Пиво қишда бўлади, — деди Собир. — Сиз бор нарсани сўранг-да!

— Жим ўтир, — унга мушт ўқталди Мунди. — Улоқ беради, туёғиниям кўрсатмайман бўлмаса... Ана шундай ўтир. Гапга қўшилма, иззатингни бил!

— Кечирасиз, устоз.

— Пиво у ёқда, — дея Ултон «Прима»сидан тутатди. — Кейин?

— Ҳозир ўзимиз ҳам ўша ёққа бир тушиб чиқамиз... — Мунди яна мунгланди, думалоқ кўзлари сузилиб кетди. — Оғажо-он, — давом этди кейин, — бошингни қайси тошга уришингни билмайсан!... Хўш, сизга бир савол, азизим: «Ўзбек чопон киядими?» Ҳа, кияди. Миллий кийимимиз. Деҳқон шўрлик ёздаям эгнидан ташламайди... яғир бўлиб кетсаям! Дўппини-чи, дўппини?

— Ҳа.

— Хатда шундай дейилади: хўш, газетада чопонли, дўппили кишилар расми берилмасин.

— Ҳа, — деди Собир. — Бу нарса — пропаганда бўлар эмиш, миллий кийимнинг пропагандаси...

Ултон бақрайиб қолди. Кўз ўнгига вилоят редакциясидаги мошинка босувчи жувон келган эди: унинг ўрилган сочлари, лозими...

— Вой, кимга дод дейсан? — Мунди пешонасига бир шапати урди. — Мияга сиғмайди бу гап... Тавба, ғирт аҳмоқлик-а! Уф-ф. Лекин «Секретний...» дейилгани учун ўйладимки, улар халқдан қўрқишади. Шундай эмасми? Ҳе, онаизорингни...

— Мен... ҳеч нарсани тушунмай қолдим, — деди Ултон ўзига келиб. — Саксонинчи йилларда, бугунги кунда...

— Редактор ҳам ҳайрон! Бўлмаса ўзи қип-қизил камунист! — зўриқиб-чайқалиб туриб кетди Мунди. — Кетсанг, бошингни олиб! Шу дунёни сенларга бердим, деб...

— Қаерга? — сўради Собир.

— Гўрга! Йўқ... Гўрдан ҳам топишади... Эй, бу ерда «қулоқ» йўқми, Ултонжон?

Ултон бош чайқади. Собир:

— Бо-ор, — деди. — Деворниям қулоғи бор, дейдилар-ку?

— Тек ўтирасанми, йўқми?

— Кечирасиз, устоз.

— Ҳе, устозинг ўлиб, кўчада қол! — Мунди эшикдан Өлатоғ томонга қараб, чуқур хўрсинди.

Ултон жим: нима дейишини билмас... лол-ҳайрон ва аламда эдики, ўзини шундоқ ерга ташласа-да, кўзларини юмса. Сўнг ҳамма нарсани унутса...

— Тавба, — деди у бир маҳал. — Бундай жаҳолатни... олам кўрмаган. Шунда қандайдир тарих китобида ўқигани бир ҳолат хотирига келиб қолди. — Қадрдонлар, — деди овозини кўтариб. — Туркистон генерал-губернатори ўзимизнинг бойларимиз иштирокидаги бир базмда битта бойнинг боласи курашиш учун унга қўл узатганда, губернатор қўлни олмайди... Ҳа-ҳа. Русия бизни биринчи марта босиб олганидан кейин... Тошкентда... «Йўқ, болам, — дейди у. — Мен бегонаман. Ғайридинман. Сен сарт бўлиб, мусулмон бўлиб қолавер!»

— У-ў, қизиқ-ку! — деди Мунди.

— Бу гапи билан у ҳоким: «Сизлар Ғарб цивилизациясига яқинлашманглар!» демоқчи бўлади. Бу — ашаддий колонизаторнинг гапи эди.

— Лекин...

— Шошманг, — давом этди Ултон. — Бу ҳаракатда, ҳа, ўзлигингни унутма, деган гап ҳам бор... Аммо бу — маневр эди. Аслида мақсад ерли халқни русларга қизиқтириш, оқибат руслаштириш эди.

— Яшанг! — деди Мунди. — Мана шу «секретний хат» ҳам... ана шу мақсадни кўзда тутати.

Ултон бу фикрни тасдиқлаб юбориши, шу тариқа Мундини хурсанд қилиши мумкин эди: бироқ... у бундай бўлувига ишонмасди: илло бу — амалга ошмайдиган мақсад эканига ишонарди.

— Узр, — деди. — Хатга ким имзо чеккан?

— Тараканов билан Эгамқулова!

— Тараканов? Мумкин эмас, — деди Ултон. — Қолаверса, иккинчи котиб идеологияга аралашмайди!.. Биламан-биламан: ҳаммаси бир...

— Лекин энг зўри Тараканов!

— Тўқлибой ака-чи? Ахир, у киши биринчи котиб-ку?

— Устоз сал шошяйтилар, — гапга қўшилди Собир. — Сиз ўзи хатни кўрдингизми?

— Сен ҳам кўрдинг-ку?

— Йўқ, ушлаб...

— Ушлаб кўрганим йўқ, — гўё оғир бир гуноҳни бўйнига олди Мунди. Сўнг бирдан уқтира кетди: — Аммо лекин районда Тараканов аралашмаган иш йўқ. Ҳа, Ултонжон! Қолаверса, у уккағар — саводли! Ўзбекчаниям эплайди. Газетамизниям ўқийди, а? Тагин, область марказидаги... тарихий обидаларни муҳофаза этиш жамиятига аъзоям экан!

— Ну-у?

— Э, у тарихимизни, ўлай агар, ўзимиздан яхшироқ билади. Собир, шундайми?

— Мен ҳам шундай деб эшитганман.

— Тушундим, — деди Ултон. Қолганини ичида айтди: «Шунинг учун экан-да — Хуррам девона ҳам уни эслади... Э-э, Баҳор-чи? Митранинг ҳайкали хусусида... — Шунда у одам билан яқиндан танишиш, ҳатто тарих бобида би-ир суҳбат қуришни истаб қолди-да: — Ҳа, уни базмга айтаман!» деб қарор қилди. — Демак, Тараканов... қўл қўймаган?

Мунди қўл силтади.

— Редакторнинг тилидан тушмади у... Лекин Эгамқулова қўл қўйган!

— Ҳа, — деди Собир ҳам.

— Хўш, — Ултон беҳол тортиб кетди: «Демак, бугунги кунда шундай кампания яна бошланипти экан, би-ир ерларда... миллий туйғу кучайган,

қандайдир жиддий гаплар бўлган...» — Хатда бошқа гаплар ҳам бордир? — сўради у.

Мунди иягини асабий қашиб:

— Бор! — деди. — Чойхоналар ҳақидаям бир пункит бор...

Ултон энтикиб кетди: Тошкентда курсдошлари билан ҳафта — ўн беш кунда ҳалфана ош қиладиган жойлари — «Собир Раҳимов» чойхонасидаги барча ўчоқлар бир тунда милисалар тарафидан бузиб ташланган эди. Ушанда йигитлар ётоқ атрофида айланиб юрадиган (чойхонага дахлсиз) соқчи-миршабни тутиб уришган ҳам эди.

Эсида: шўрлик милиса: «Менинг айбим йўқ. Шундай қилинглар деган «секретний хат» келганини мен ҳам эшитганман, холос... Лекин менга буюрса, шу ишни қилмас эдим!» деб ёлворган эди...

— Тушунарли, — деди Ултон. — Демак, Мустафоқул амакининг чойхонасини ёзиш ҳақида...

— ...гап бўлиши мумкин эмас! — деди Мунди. Ва яна тиззасига уриб туриб кетди.

Ултон бир муддат сукутдан кейин:

— Бўлди, — деди. — Ҳаммаси тушунарли. — Кейин алам билан кулди. — Лекин ҳеч ким бунга қаршилиқ қилмайди, а?

— «Қилиб» кўрсин-чи!

— Рост. Фойдаси йўқ, — хаёлчан давом этди у. — Биз кўрқоқмиз. Юрак олдириб қўйганмиз.

Мунди бирдан қўлини фотиҳага очди.

— О-омин!

— Э, э, — деди Ултон.

— Ёмоннинг жазосини ўзи берсин!.. Хўш, яхшилар, қўшгани билан қўша қарисин... Яъни, сиз, ўртоқ Ултон Султонович!

— Райком секретарининг одами! — қўшимча қилди Собир.

— Табиатни муҳофаза этиш жамиятининг бўлажак раиси!

Ултон анқайиб қолди: «Булар ҳам ҳамма нарсани билади. — Шунда миясига бир гап урилди: — Баҳорни ҳам...»

Кейин Мунди юзига фотиҳа тортаётганини кўриб, ўзи ҳам ҳовучи-ла юзини силаб тушган бўлди ва:

— Мени авф этасизлар, — деди қийналиб. — Сўрашга ноқулай-у... аммо сизлар — менинг маслакдошларим. Айтиш мумкинки, энг яқинларимсизлар...

— Бўладигай гапни айтинг, ёрилиб кетаман, — деди Мунди.

— Гапнинг қисқаси, сизларнинг фикрингизча, Баҳор билан мен...

— ...Баҳор сизга, — давом эттирди Мунди, — сиз Баҳорга юз фоиз муносибсиз!

— Икки юз фоиз! — деди Собир.

Ултон бош ирғади-ю: «Нега сўраяпман? — деди ичдан ғижиниб. — Ахир, сени ўз дидинг, ўз талабинг бор. Шунга мос келди у... Яна нима истайсан? Бачкана бўлма.

Рост, баъзи нарсаларга ҳайронсан... Лекин вақти келиб, уларнинг ҳам тагига етасан-ку? Шунга қараб иш тутасан-да кейин...»

— Қани, ўзлари йўл тортсин! — деди Мунди Ултонга эшикни кўрсатиб. — Чўпон бобо билан гаплашайлик... Бизга қандай топшириқлар бор, билиб олайлик. Тўй — кўпчиликнинг иши, азизим. Бироқ мана бу малла бола ўртани оборишга уста. Радиодан жаврайвериб Жавҳарнилин бўп кетган. Мени ароқ тарқатишга қўйсангиз, бас...

— Ана шунда Олатоғнинг ароғиям етмайди, — деди Собир ва Мунди урадигандек қочди. — Қўлингиз очиқ демоқчиман, жон ака!

Тўй — ҳақиқатан кўпнинг иши экан. Ҳар куни ҳар хил ёшдаги кишилар келиб: «Ҳорманглар! Тўй муборак бўлсин!» деб, дарҳол ўзларига юмуш топиб, уннаб кетишар эди.

...Иморатнинг пардозсиз жойи қолмади. Ариқ устига тушган кўприкчадан яланг бедапояга янги сўқмоқ «тўшалди». Сўқмоқ тугаган жойда — қўш чор-

поя: бари — қариялар учун, бири — машшоқ-ҳофизларга. Шу ерда туриб тўғрига қарасангиз, баҳайбат «П» шаклида қўйилган стол-ўтирғичларни кўрасиз. Ва булар тепасидан қўшув ишорасига ўхшатиб сим тортилганки; уларнинг тегишли жойларидан ҳали ёриткичлар осилиб туради.

Турсунтош учун ниҳоят иш топилганга ўхшарди; бир оёғи шу ерда. Махфират Эгамқулова ҳам кунда бир келиб кетади... Абдуқаюм билан Мустафоқул амаки-да — бўзчининг мокиси... Зокир Уринов ила Узоқ Тўлаганов туш пайтлари пайдо бўлишади.

Одил миршаб... ҳам ўқтин-ўқтин кўриниш бериб қоладика, Ултон унинг нуқул ҳалиги ўрисларга дағдаға қилиб турган ҳолда кўради.

Ултон улар билан гаплашди ҳам.

Айтишларича, Сибирнинг кўп қишлоқларида қари-қартанглар қолишган эмиш: ўлимини кутиб... Ёш-яланглар шаҳарларга, шу бўйи қўшни жумҳуриятларга санғиб кетаётганмиш.

Сабаби Ултоннинг ғашини келтирди: улар деҳқончилик қилишни билишмас эмиш...

Ҳатто нонни ҳам катта шаҳарлардан қоплаб харид қилиб келишармиш...

«Меҳмон»лардан бири Ёқутистондан, иккинчиси Тувага чегарадош шор<sup>1</sup>лар яшайдиган қишлоқдан экани Ултонни дафъатан қизиқтириб қолди.

Гап шундаки, ёқутлар ҳам, туваликлар ҳам ўрисларни ёмон кўришар, «Юртларингга кетинглар!» деган гапни бемалол айтишар экан.

Нимагаки, уларнинг ов қиладиган жойларидан қазилма бойликлари чиқиб қолган ва ерликлар хуторларга кўчирилган («Маданиятли бўласанлар!» деб ҳайдалган). Табиий, бу иш ҳукуматнинг «пастановления»си (Буйруғи!) асосида бажарилган. «Бу иш қонунга зид эмасми? — Қанақа қонун? «Пастанавления»нинг олдида «закон»га йўл бўлсин!»

Сўнгра уларнинг фарзандлари «Ленин тилини ўрганиш учун» ўрис мактабларига қатнай бошлаган (она тилларида мактаб йўқ экан, чамаси...), орадан талай йиллар ўтгач, «эски фикр»ли ота-оналар «тўполон» қила бошлашпти.

Аслида-ку Москва билан Ленинградда ўқиб, ўша ёқдан «қандайдир йўллар» билан...

...«буржуа мафкураси таъсири»га тушиб қайтиб келган (яъни, ўзлигини таниб келган) ёшлар айбдор экан. Улар «миллатчи» эканда: халқни «чалғи-тишипти»...

Меҳмонлардан бири айтган қуйидаги сўзлар ҳам Ултоннинг миясига муҳрланиб қолди:

«— Вообще они правы, хозяин... Наши деди же завоевали ихнюю землю. Ермака знаете? Там его называют «казах». А вот шори считают себя потомками Кучимхана... Но мы не виноваты. Мы что? Мы обыкновенные люди. Хотим жить в мире и согласие. А они не хотят...

«Да, это тёмный народ, — кўшимча қилди иккинчиси. — А вы вот узбеки, это совсем другое дело...»

Ултон суҳбатга нуқта қўйди:

— После свадебного вечера вы свободны.

...Мактаб ҳам таъмирдан чиқди.

Мунди «Коммунизм учун!» газетасида чиққан — район партия кўмитаси тарафидан ёш авлодни тарбиялашга мислсиз ғамхўрлик кўрсатилаётгани учун унга чексиз миннатдорчилик билдирилган ҳамда бу «иш»га бевосита раҳнамолик қилган Бўтабой Сўпиевич шаънига ҳамду санолар ўқилган репортажида мактабни...

...«Оппоқ булут бўл-а!»деб ёзди.

Бу ўхшатиш муболаға эмас эди.

<sup>1</sup> Туркий элатлардан.

Бугун тўй. Базмнинг тезроқ ўтишини истаб қолган Ултон (У бугунги кунни ғоят диққинафаслик ила кутган эди) ўгай онаси кимгадир бериб қисқартирган костюм-шимини кийиб кўриш учун уйга яқинлашиб бораркан...

...тағин бир қурум ош еб чиққанларни кўриб, пастроққа тушди.

— Хуш кепсизлар, — дея пичирлаб қўл қовуштирди. Улар ўтгунча бурни-манглайи терлаб кетди. Кимлардир нималардир деб кулишди. Ултон бош кўтармади: синиқ ишшайиб, тислана-тислана бирдан уйга йўрғалади.

Айвон ҳам хотин-халажга тўла: тағин кулги, қутлов, гап отишлар...

Ултон олис йўлиб босиб мадори қуригандек ҳансираб:

— Опа-а! — деб бақирди. — Ҳов, хола, айтиб юборинг!

Ўгай она ўрнига отаси чиқди-да, пастга тушди.

— Улим, гап бор, — дея уйнинг қирга қараган ёнига йўл олди.

— Опанг хотинлар билан. Сарпосига сарпо қўйиш лозим... Ҳим, нима гапингиз бор? — Султон бобо тарнов суви учун ўтказилган ариқча лабида тўхтаб, йўталиб олди. — Заксга бормас эмишсизлар-а?

— Ҳа, — деди Ултон.

— Хў-ўш, алҳамдулилло, мусулмонмиз, улим...

— Тушундим, — деди Ултон. — Никоҳ ўқитамиз.

— Раҳмат... Биз — қудам иккимиз шундай фикрга келдик...

«Қуда... Қуда бўлишди-я? Ажаб! — дея кўнглидан кечирди Ултон. — Шундай бўлар экан-да!»

— Хўш? — деди Ултон.

— Лекин ижроқўм опа билмасин... Илгариям Зикриёхон домлага анча азоб берган.

— Биламан.

— Домла шунинг учун ҳам бугун... келмадилар. Бу ерда ҳар хил одамлар бор...

Ултон кулумсираб қўйди: ҳа, кечадан бери — хусусан бугун тонгданоқ келиб кетаётган одамларнинг тўқсон фоизини танимас эди.

— Алқисса, сен келиним билан бир йўлини қилиб учрашасизлар. Ҳозирми, кейинроқми... Ишқилиб, кечга қолмай тақсирнинг ҳузурда бўлиб қайтасизлар... Абдуқаюм вакил-ота бўлиб боради. Ишонган кишимиз шу... — Сўнг у сариқ беқасам желагининг қўйнига қўл суқиб, бир даста пул чиқарди. Тўртта йигирма бешталикни ажратиб Ултонга берди. — Керак бўлади. Домлагаям берарсан... Опанг алоҳида тугун қилиб беради.

«Яхши. Қистиришгаям етади», деб ўйлади Ултон ва соатига қаради.

— Уч.

— Шошилиш керак, болам. Мактабдан келавермадинг, мен ҳам «улимнинг тили қисик бўлмасин», дедим... Айтмоқчи, Эгамқулова Турсунтошгаям айтипти... Шу иш бўлса, палон-пекин бўлади, деб...

— Аблаҳ?

— Шу.

— Ўзлари эрга никоҳсиз теккан эканми?

— Балки, — жилмайди ота. — Шунинг учун ташлаб кетгандир.

— Баттар бўлсин.

— Ёмонлик тиламанг улим.

— Уф, шундай бўлса, атай... намоишкорона борсам! — деди Ултон. — Ота, мен қўрқмайман. Амалим бўлмаса.. унга қизиқмайман ҳам. Комсомолдан аллақачон чиқиб кетганман. Партиясига ўтишни ўйлаганим ҳам йўқ. Умуман, мен озод одамман ахир!.. Айни чоғда мусулмон фарзандиман. Урф-одатларимиз ҳам ўлса...

— Жон болам, шайтонга ҳай беринг. — Ялинди қария. — Бундай улўғ-айём кунда ҳеч кимнинг дилини ранжитмаслик керак. Таомили шу... Энди, замон шундай экан, унга боқишга мажбурмиз, улим.

— Хўп, ота.

— Оғир бўлинг. Эркак одамга оғирлик ҳусн беради... Қолаверса, ўша хотин ҳам сизнинг тўйингиз деб югуриб юрипти. Барибир унга раҳмат айтиш керак.

— Бўпти.

Ултон кулбага қайтиб келгандан кейин... костюм-шим хусусидаги «иш» эсига тушди.

— Ҳе-е, к чёрту! — деди-ю, телефон ускунаси жонли бир махлуққа айлангандек, аста қўл узатди. Тутқични олди ва тик турганича жавоб қайтишини кутди.

— Алё, алё-ё!

— Омон ака, менман, — деди Ултон беихтиёр қоматини ростлаб (редакциядан йўғон бир одам билан гаплашаётгандек).

— Э, ўртоқ Султонуп! Тўйлар муборак? Борар эканмиз-да?

— Албатта, — деди Ултон. — Агар келолмасангиз, насибангизни олиб қўямиз... Менга амбулаторияни...

— Баҳорой гаплашяпти... Бир минут сабр қиласиз. Дарвоқе, Набижон айтдими номерингизни?

— Бор эканми?

— Б-беришипти... Ёзиб олинг... 51-000. Ана шу! Райком бобомиз бебаҳо одам-да! Набижон бизнинг хўжайинга бир оғиз айтган эканлар, у киши ўртоқ Қўчқоровга қўнғироқ қиптилар... Қарабсизки, номер гатоп!

— Раҳмат, ака.

— Агар иложи бўлса, телефонни катта иморатга тушириш керак. Бошқа аппарат бўлса, паралел қилиш ҳам мумкин. Биронтаси сўраб қолса, базмдан чиқибоқ гаплашаварасиз.

— Раҳмат.

## 56.

Ултон ўтган кунлар мобайнида Баҳорни биргина марта — шундаям «Тез ёрдам»да ўтиб кетаётганида (ўзи мактабдан чиқаётгани) кўрган эди. Ва беихтиёр савқи табиий туйғуларни туйган эди: «Мошинада ўтиб кетсаям... меники. Тўйдан кейин у албатта мошинани тўхтатиб (агар мени кўриб қолса) одамларнинг кўзи олдида гаплашади...

Эру хотинлик — ажиб бир олам... бўлиши керак: бир-биринга сирдошсан: хоҳлаган одамнингни ғийбат қила оласан ва буни биров билмайди.

Билса, иккаланг ҳам тона оласан.

Қизиқ-да: бир қишлоқи йигит, дейлик, бир шаҳарлик қиз билан қўлтиқлашиб кетишаётган бўлса-ю, буни кўрган одамлар уларни ёмонлай бошлаганда, кимдир биров: «Улар — эр-хотин-е!» деб қўйсими, анавилар, турган гапки, хижлат тортишади... Дейлик, эр йигитнинг бошига оғир савдо тушиб, аёли йиғи-сиғи қила бошлади. Унга раҳминг келадими-йўқми? Келади... Балки наздинда, улар азалдан бир бутунлик эдилар-у, масалай, чиғаноқнинг икки палласини зўрлик билан ажратишгандай... йўқ, бир чаноқни шикастлашгандай туюлса керак.

Жуда ғалати, шу билан бирга ғоят табиий тугаллик-а улар?

Ажабо, улар ажрашиб кетадилар ҳам...

Ғалати!

Кейин бир-бирини эслашадими?

Албатта.

Улим ажратган бўлса-чи?

Унда балки кўпроқ эслар...»

Ана, марҳума онасини нечоғлик хўрсиниш билан эсга олади отаси!

Табиийки, онаси отасининг ёдида ўша пайтдаги, яъни, ўттиз яшарлик вақтдаги ҳусни, ақл-фаросати ва қилиқлари билан қолган. Бироқ чол эслаб қолганда, Ултонга шундай туюладики, Қўйсиний опаи бир жойда ушланиб қолаётир! Етиб келса, чол истаган маслаҳатни берадигандай!

Қизиқ!

...Ултон қўлида эшитгични қулоғига босган ҳолда тураркан, нозли сас уни бирдан ҳушёр этди.

— Эшитаман, афандим!—Баҳорнинг овози ҳақиқатан ҳам фавқулудда майин ва ёқимли эди.



— Мен, — деди Ултон беҳол тортиб. Афтига — титроқ, кўзларига синиқлик инди.

— Наҳот сиз?

— Кечиринг, — деди Ултон. Ва яна такрорлади; — Мени авф этинг.

— Тушунаман. Мениям ташвишим... Буни камида бир марта эрга тегиб чиққан хотин билади.

— Рост, — деди Ултон. — Мен ҳам бир қучоқ тажриба орттирдим! Жуда қизиқ...

Баҳорнинг ёнида кимлардир бор экан, уларга бир нимани уқтирди-да, кейин:

— Ҳой, тўрам, — деди яна ўша ноз билан. — Буёғи қандоқ бўлади энди?

— Турсуной айтмадимми? Соат олтиларда дўстлар билан бораман... Бирикки мошинада...

— Кейин мени опкетасиз?

— Ҳа-да.

Баҳор қаҳ-қаҳлаб кулди.

— Ё ўзим... сизникида қолайми? — давом этди Ултон. — Ҳе, ўша Умар Хайёмнинг рубойисида айтилгандек: «Бу сирли даргоҳга келсам, кетмасам...»

— Ҳо-о-о, эсладингизми? Лекин у тўртликни йўлига айтдим девдингиз-ку?

— Ҳа, — деди йигит. — Аммо сиз эшиттирган қўшиқлар ҳам фақат ўзингиз учун эмас экан-у?

— Қойил! — Баҳор сархушга ўхшар эди. — Айтмоқчи, Ултон ака, — давом этди. — Худди шу... «келиб кетмаслик» ё «бориб қайтмаслик» хусусида келишиб олишимиз керак. Менга кўп нарсалар жалка-да... Ну, бу тўғрида кейин гаплашамиз! Мана, Дунё ҳам шундай деяпти... У ёнимда ўтирипти. Махфират опаям шу ерда... Турсунтош опага трубкани берайми?

— Нимани гаплашардим... Айтмоқчи, бир масала бор, — деди Ултон.

— Эшитаман!

— Бу-у... — Оғзини микрофонга тақаб бир зум тек қолди-да, бирдан айтиб юборди. — Никоҳ!

Баҳор ҳам бир муддат тин олиб:

— Вечердан кейин ҳам... бўлар, — деди.

— Бўлмайди, — деди Ултон. — Қошингизда ўтирган Махфират опангиз рухсат этмайдилар.

— Ах-да-а.

— Шунинг учун бирон ярим соатдан кейин учрашсак. Эшитяпсизми?

— Шу ердами?

— Майли... мен Зокир Уриновнинг мошинасида бориб, сизни олишим мумкин.

— Йўқ-йўқ! Бирйўла опкетгали келасиз... А, қаерга боришимиз керак?

Ултон микрофонга шивирлади:

— Мозорга... Зикриёхон домланинг олдига... Тушундингизми? Беш-ўн минут вақт кетарди, ҳелос.

— Да, вы правы, — деди Баҳор. — Бўлмасам... беш минут сабр қилинг. Номерингиз эллик бир..

— Худди шундай.

— Сизни мушук есин!

Ултон елкасига унинг мушти тушгандай... роҳатланиб кулиб юборди.

— Ўзим қўнғироқ қиламан.

— Хўп.

Ултон ҳам дастакни жойига қўйди-да, ниҳоят, ёғоч креслога чўкиб, кўзларини юмди: «Мен бахтлиман, — шивирлади у юракдан. — Лекин аблаҳман: шунча кундан бери йўқламадим-а уни... Нима учун? — нидо қилди у. — Ундан қўнғироқ бўлишини кутдим-да? Рост...»

Айниқса, ёлғиз қолганимда, шу ерда.— Бироқ, ўша чоғларда катга чўзилиб кутганларини эслади.

Ҳа, у мактабда энг оғир ишларни ҳам қилди. Цемент қориш, оёқлари акашак бўлиб уни ташиш...

Таъмирга қўли тегиши — бурч энди ёхуд Бўтабой Сўпидан тили қисик бўлмаслиги учунгина эмас, наздида, бу ишларни...

... Баҳор учун ҳам қилди. Гоҳо унга шундай туюлардики, таъмирнинг жадал кетаётгани тўйни яқинлаштираётир ва ўзини ортиқча хижолатлардан (қаёққадир кетиб — яшаб туришдек инжиқ истагидан) ҳам халос этаётир.

Айни чоғда Баҳорни йўқламаётгани, ёки кечаси — хилватда сой ёқалаб бормаётгани учун ҳам баҳона бўлаётир.

Ҳаммасидан муҳими: айрилиқда...

... Баҳорни тобора кўпроқ севаётгани ва бу муддат ўзи учун (балки Баҳор учун ҳам) синовдек туюлаётгани, айни чоғда қиз ҳақида бировлардан маслаҳат сўрашга мутлақо чек қўйган эса-да, тагин бирон «ишқал» чиқиб қолишидан қўрқиш... бунга сабаб эди.

Ҳа: у ғалати ҳолатда эди.

57.

Ниҳоят, телефон жиринглади.

— Лаббай.

— Онангиз Қизил мозорда ётган экан-да? — Баҳор жаҳл қилгандек сўради.

Ултон энтикиб кетди.

— Ҳа, — деб хириллади. — Уша ерда...

— Мундай қиламиз... — Баҳор кимлар биландир яна гап олишди. Кейин: — Сиз ярим соатдан кейин карантин постга чиқиб тулинг, — деди, — Эшитяпсизми?

— Эшитдим... — Ултон ўзи ҳали шу гапни айтганини эслади-ю, фаҳмлади: Махфират Эгамқуловага чап бераяпти Баҳор.

— Демак, ўша ерда учрашамиз... Онангизнинг қабрига гул қўямиз, тўрам.

— Ҳа-а... — Ултоннинг мадори қуриб, кўзи ғилқ ёшга тўлди.

— Раҳмат.

— Шундай кунда эсламасак, қачон эслаймиз!

— Сиз ҳақсиз. Мен галварс...

— Келишдик.

Ултон ўзича бош ирғади. Баҳор дастакни жойига қўйди: тинг-тинг.

Ултон эшитгични ускунага босди-да:

— Э, худойим, — деди овоз чиқариб. — У бир мўъжиза. Мўъжиза, мўъжиза...

У галдириб ўрнидан турди-ю, бирдан эгни-бошига кўз солиб, ўзидан ижирғаниб кетди: «Исқирт... Табиий бўламан, деб одамликдан ҳам чиқиб бўлгансан! — дея эшикка қараб юрди. — Ахир, ҳайвонлар ҳам мавсумга қараб тусини ўзгартирадилар-ку?» — тасавурида Сетон Томпсоннинг «Қизил бўйин» қиссасидаги хўроз-каклик жамол кўрсатди: у айни баҳор палласи...

... макиён билан учрашиш олдидан шунақаям чиройли бўлиб кетадики!

Ана шу чиройи ҳам (овози, албатта) макиёни ўзига жалб этади.

Ултон зинадан тушаётганди, эгнида қора костюм-шим, капалак-нуска бўйинбоғ тақиб, сочларини силлиқ тараган бир йигит қўлида тугунча кўтариб, ёнбағирнинг боққа қараган томонидан ўрлаб келаётганини кўрди.

Кўриб, ҳайрон қолди-ю, танигач — баттар бўлди.

— Абдуқаюм ака?

Новвой иссиқ табассум қилиб, тугунни кўтариб кўрсатди. Сўнг қуйи лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди. Етиб келгач:

— Янги костюмингиз, — деди. — Бундай юриш... уят бўлади.

— Тавба! — деди Ултон. — Омадим юришгандан юришяпти!

— Қачондир юриши керак эди-да!

— А, мени кийинтириш каллангизга қаёқдан келди-я?

— Вей! Қизиқмисиз? — У ўзининг уст-бошига ишора қилди. — Мен ясаиб олдим-у!

— Бироз катта келганди...

— Ўзим келиштираман.

— Марҳамат, ака.

— Келин билан гаплашдингизми?

— Ҳа. — Ултон унга йўл берди-ю, яна кўзлари намланди. — Ака, у... — чайналди-ютинди, бош қимирлатди. — Мўъжиза...

— Нима, нима?

Ултон овози олиниб шивирлади:

— Энамни... Энамни зиёрат қиламиз. Олдин...

— Ў-ў-ў, зўр ўйлабсиз-да, Ултонжон.

— Мен эмас... ундан чиққан фикр бу.

— Баҳордан?

— Ҳа.

— Э-э, олийжаноб инсон экан-ку! — хитоб қилди новвой. — Қойил-е!

— Гул кўяр эканмиз.

— Муни қаранг-а!

— Мен эсам, мен... — овозида ҳам йиғи сезилди. — Ҳатто эсламовдим энамни...

— Худога шукр. Эзгуликнинг кечи йўқ, оғажон... Ҳе-е, шунинг учун эрхотин кўш хўкиз дейдилар. Кечирасиз, ўхшатишим кўпол чиқди. Яъники, бирининг камчилигини бири тўлдиради...

— Яшанг, ака.

— Қаерда учрашадиган бўлдингизлар? — уйга киргач, сўради Абдуқаюм. — Мошина тайёр. Зокир Уриновнинг «Победа»си. Ишқилиб, улов-да... Келишди ҳозир. Узоқ ака билан. Домла хурсанд. Ёнғоқ остига обордим. Яримта билан газак қўйдим... Шу мошинани ўзим ҳайдаб бораман.

— Сиздан карздорман, ака.

— Ултонжон, хижолат қияпсиз...

— Раҳмат.

Ярим соат ўтар-ўтмас Ултон билан Абдуқаюм биқинига «Карантинний пост» деб ёзилган вагон соясида туришар, тақир майдончада алмисоқдан қолган «Победа» ялтилар, куюш эса ўз йўлида — чуқур дара поёнида эди.

Ана ўша дарадан чиқиб келадиган асфальт йўл булар олдидан ўтиб тўғри «Оқсув» совхози марказига боради, ундан уёғи — вилоят пойтахтига кетади.

«Победа» юриб келган тошлоқ йўл эса, шлагбаум қошида анави ўша трактга қўшилади.

Теварак-атроф — жуда ифлос: унда-бунда пачоқ бочкалар думалаб ётибди, ҳар-ҳар ерга мой тўкилган — ҳалқоблар: қурмағур камалак рангида товланади: ёрилган баллон, салафан қоғоз ҳам сероб.

Яна тағин: катта йўлнинг у томонида ҳам, бу томонида ҳам яланғоч, занглаган темирдек малла тоғлар кўтарилиб турибдики, киши ўзини синиқ-ғамгин ҳис этади ва тезроқ очикроқ жойларга чиқиб кетгиси келади.

... Ултон совхозга бурилаверишда тирсақдай чиқиб турган тепадан кўз олиб, соатига қаради.

— Ў-ўн минут ўтди! — Сўнг Абдуқаюмга паришонҳол тикилди. — Қаюм ака, амбулаторияда ҳам тўй бўляпти-да?

— Албатта! — деди новвой. — Баҳорой: «Шу ердан чиқаман!» деб туриб олган экан. Ота-онаси олдига... Энди, ким билади, ҳовлиларидан чиққиси келмаганми... Шу, менимча, уй билан сал аразлашган кўринади. Кечирасиз, бу — менинг тахминим.

— Биламан, — деди Ултон. — Лекин шу гапингизда жон бор... Да, Баҳорнинг бу ерга келиб, яшаб қолиши қизиқ... Мен аминман, ота-онаси бунга қаршилиқ кўрсатган бўлиши керак. Укасиям опасини жуда тергар экан.

Абдуқаюм ғамгин тортиб қолган эди.

— Шу, шу, — деб чайналди. — Укасининг пойлашини эшитувдим... Лекин, жуда шаддод қиз-а!

Ултон тоғларга қараб ўйланди.

— Ҳа, мағрур... — Кейин кўнгли бир хил бўлиб кетди: Бош врачгаям бемалол дўқ қилади.

Ҳаққи бордек.

Катталар эркалатган... эркалатиб юборишган. Ҳарқалай, Тўқлибой акага суянса керак...

Ҳа-ҳа, унинг айтганини қилади: шунинг учун ҳам бу ерга келган...

У кишининг ўқувчиси-да. — Шунда ўзининг ҳам Тўқлибой акага ўқувчи эка-

нини эслади-ю, у кишининг тўй учун қилаётган саъйи ҳаракатларида табиий бир мантиқ кўргандай бўлди. — Демак, мен ҳам, пироварди, у кишининг одами-да?

Лекин уч йилдан кейин...

Шошма-шошма: ахир, редакцияга борганда ҳам, энг яқин одами сен бўлар эдинг-ку!

Сенга насиҳат қилар эди: «Партияга ўтиб қўй... Барибир районга борасан...»

— Ултонжон, тагин бир гапни эшитмабсиз дейман? — деб қолди Абдуқаюм. — Синфдошингиз айтувди, райондаям Кенжа бобо элга ош бераётган эмиш.

— Оббо, мунча тантана?

— Ў, ёлғиз қиз учун нималар қилмайди ота? Мана, ўзингиздан қиёс: сиз ҳам ёлғиз ўғилсиз...

... Тирсактепадан бурилиб ўтган, мовий «Жигули» бақанинг овозидақа сигнал берди.

Ултон машина биқинида ҳилпираб келаётган пуштиранг тасмани кўрибқоқ: «Шулар!» деб ўйлади. Абдуқаюм ҳам бўйнини чўзиб тикилди-ю:

— Келишяпти, — дея костюмининг этагини пастга тортиб қўйди.

58.

«Жигули» йўлни тўсиб турган олатаёққа етиб майдонга бурилди, «Победа» ёнида тўхтади. Ичкаридан очилиб-сочилиб-тошиб чиқа бошлашди: Баҳор...

Баҳорми шу? Оппоқ-ҳарир кўйлак эгнида, этаги ерга тегай-тегай дейди. Кўйлак рангига уйқаш туфлининг учлари кўринади, холос. Бошида шаҳарлик ўзбек келинлари ёпиниши расм бўлган чачвонли рўмол — уям оқ ва шу қадар юпқаки, қизнинг тундек қора сочлари баралла кўриниб туради.

Унинг чарос кўзлари... улар ҳам бу оқлик ичида «ягонаман!» дегандек порлар эди.

Этаги калта яҳудий атлас кўйлакли миқти жувон — Баҳорнинг дугонаси Дунё: Бўтабой Сўпининг хотини... унинг чўзиққа мойил юзлари қип-қизил, лаблари қонталаш — бўёқни шунча суртган. Сочини тепага кўтариб, шундай турмаклаганки, бир тутами ортиқчалик қилгану, уни шундоқ ёйиб ташлаб қўя қолган. Қулоқларида биллур кўзли зираклар. Оёғида тим-қора туфли, болдирлари бақувват. Хуллас, бундай аёлни чапани эркаклар: «Қайроқдай экан!» дейишади.

Бироқ айни чоғда унда кишини ҳайиқтирадиган бир вазминлик ва чангал урса тирноқлари суякка етадиган сор лочиннинг шаҳди бор эди.

Бу иккиси қошида Турсунтош... гўё оқсоч хотин эди, холос. Этсиз юзи тиришган-қотган, манглайини қўшиб боғлаган оққина қийиқда кампиргаям ўхшаб кетарди.

— Ў-ҳў! Бизнинг кавалерми бу одам? — деб шанғиллаб кулди у. — Худо урсин, қайта текканим бўлсин! Тўй қилмаса, чиқаман...

Ултон Дунёни илк марта кутубхонада кўрган ва у даргоҳни «ўрисча китоб босиб кетгани»ни айтганда, кутубхоначи, яъни Дунёхон: «Шунинг учун ўрисларни кўпроқ олиб келиш керак», деб жавоб қилган эди.

Кейин унинг Бўтабой Сўпига (хотин устига) теккани ҳақида Зокир Уриновдан эшитган, Уринов бошқа гапларни ҳам айтиб берган эди: масалан, у совхоз директорининг оддий «Маданият уйи» қурдиришгаям ҳафсаласи йўқ, деб ёзган шикоятномасида «аммо лекин... ёш хотин олишга ҳафсаласи бор», дея илова қилган экан. Хат қайтиб келиб Бўтабой Сўпининг қўлига тушганми, ё Дунёга биров етказганми, хуллас, у Зокир Уриновни чойхона олдида ушлаб, ўсал қилган экан: «Нима ишингиз бор-а? Яхши кўрдим — тегдим! Хўш? Ихтиёрим ўзимда, алкаш!»

Зокир Уриновнинг айтишича, Дунё ТошДУнинг филология бўлимини тугатган, кейин Олатоғ район комсомол қўмитасида иккинчи котиб бўлиб ишлаган...

... пахтакорлар қурултойида Бўтабой Сўпи билан «искашиб қолиб», сал ўтмай унга тегиб олган, у эса ёш хотинга Қоратоғ бағрида дача қуриб берган.

Дунё ҳозир ўша дачада яшарди.

... У Баҳорнинг тирсагидан олиб, лабларини қимтаганча Ултон томон

келаркан, Баҳорни кўриб «демона» бўп қолган Ултон ҳам уларга пешвоз жила бошлади.

Етди. Ва Баҳорнинг қўлини олди-да, эгилиб ўпди.

Кейин қип-қизариб кетиб, атрофга ночор аланглаб:

— Кечирасизлар, — деди.

Ва яна Баҳорга қаради-да, кўз узолмай қолди.

«Шуми Баҳор? Йўқ, бу — оппоқ фаришта-ку? Бу кўкдан тушган...

Бундай зот бу... йўқ: бўлиши мумкин ҳам эмас... Бунинг ўзи, холос!

Битта!

Унинг туришини қара... Жодугар, жодугар бу!

Бу — кечаги врачми? Дўхтир... Оқ халат кийган. Йўқ, атлас лозим-кўйлак кийган...

Наҳот?»

Умуман айтганда, ҳар қандай холис кимсаям бу манзарани кўрса, ҳайрон қолар эди: атрофда файзсиз тоғлар, ҳаво дим, қизиган асфальт ёқади.

Теварак-атроф ифлос...

Ана шу ерда... оппоқ бир пари турса!

Шунда Баҳор... кўз қисиб юборди-ю, Ултон ердан бир даража кўтарилиб тушгандай бўлди. Ва... ҳаётга қайтди: ҳа, бу — Баҳор.

Узининг қаллиғи... Ҳозир унинг қўлидан бемалол ушлаши ҳам мумкин.

Айтмоқчи, у Ултонни деб бу ерга келди-да: Ултон учун кийиниб...

Ҳозир мазорга боришади... Бу... ўзининг қайнонаси қабрини зиёрат қилади.

Қабрга гул қўяди.

... Ултон, ниҳоят, ўзига келди.

— Сиз яхшими, Дунёхон?

— Ўзларидан сўрасак? — деди у.

— Шу-у.

— Да, я не ожидала... Баҳор, қайси домлага ўқитиб-иситиб олдинг бу ёзувчини?

— Гапинг курсин, — деди Баҳор. — Балки мени иситиб олган чиқар бу одам! — Кейин қаққос отиб кулиб юборди.

... У кулди — гуё гуллар очилди.

— Бу тақдир, — деди Ултон.

— Эшитдингизми, бойвучча хоним?

Дунё хўрсиниб қўйди-да:

— Кетайлик бу ердан, — деди.

— Хўжайин, йўл бошланг! — деб яна шанғиллади Турсунтош. Ва эри томон ўтаркан, Ултоннинг биқинига тирсаги билан туртди. — Саломлашишни-ям унутибди!

— Йўқ, кечирасиз, Турсунтош...

— Ана, шопир ака билан сўрашинг! Қаллиғингизни олиб юрипти!

— Узр, узр.

59.

Абдуқаюм хотинини ёнига ўтказиб: «Ултонбек, келинни ёнида жойингиз бор» — деб «Победа»ни ҳайдаб кетди.

«Жигули» ҳам жилди.

Дунё олдинги ўриндиқда Бўтабой Сўпига ўхшаб кетадиган гумбаздек йигитнинг ёнида ўтирар, келин-куёв — орқада: Баҳор Ултонни қаттиқ соғингандек, ҳатто у чиқиб кетиши мумкиндек қучиб, пинжига киргудек бўлиб ўтирар, йигит...

... арши аълода эди.

— Ўртоқ Султонов, — дея Дунё бурилиб қаради.

Бу расмий мурожаат бойвуччага ярашар эди.

— Лаббай, ўртоқ Сўпиева! — деди Ултон.

— Кийинсангиз, бип-бинойи бўлар экансиз.

Ултон лов қизариб кетди.

— Вой, савил-е, — деб тўнғиллади Баҳор кўзлари совуқ ялтираб. — Кийим одамни «бинойи» қиладиган бўлса, чолингизни кийинтириб кўринг. Барий

бир бегемотдан фарқ қилмайди.— Сўнг ҳайдовчига сўз отди.— Тўғри-да, Ботир ака?

Шофёр кулумсиради. Дунё эса... силкиниб кулди.

— Чолимни билмапсан... менга ўхшагандан ўнтасини қаритади.

— Қаритиб бўпти... Сеними? — Баҳор Ултонга яна сурилиб, елкасига бошини қўйди.

Буларнинг гапидан (унингча, беҳаё гапларидан) ҳайратга туша бошлаган Ултон елкасидан баданига ҳарорат ўтаётганини туйиб энтикиб кетди. Ва бу ҳис...

... уни ҳайратдан халос этди: «Ҳа, булар тенгдош-да, — кўнглидан ўтказди. — Бирининг бирига ҳадди сиғади...»

Сўнгра иккиси ҳам салкам ўттизга кираётгани, бунинг устига бири хотин устига тегишга журъат этган жувон экани, иккинчиси эса... дўхтир эканини дилида қайд этиб, ўзининг ҳам жуда унақа пандовақи эмаслигини кўрсатадиган бир гап айтгиси келди.

Аммо Дунёнинг: «Кийинсангиз бип-бинойи бўлар экансиз», дегани эсига тушиб, яна қизарди: демак, кийинмаса... унақа эмас...

Дарвоқе, бу хоним... чиройли, қимматбаҳо кийимлар кийиш учун ҳам Бўтабой Сўпига теккан эмасми?

Ҳа, кийим — бунинг учун «ўлчов бирлиги».

Шошма, лекин «кийим»да буюк бир сир бор-ов.

Ахир, Баҳорни бу оқ либосда кўриб, қандай ҳайратда қолди?

Қолаверса, ўзи нима учун бу костюм-шимни кийди?

Шунда Ултон Баҳорнинг (анавиларга ҳам етарли қилиб) шивирлаганини эшитди:

— Парво қилманг, бойвуч-ча гапираверади.

— Гапларида ҳақиқат бор албатта, — деди Ултон. — Лекин, кечирасизлар, мен бундай... нарсаларга панжа орасидан қараб ўрганганман. Чунки бундан муҳимроқ, парво қилса жуда арзидиган муаммолар тўлиб ётипти! — У ҳозир қаерга бораётгани ва у ерда содир бўлган бир фожиа ёдига тушиб, тўлиқиб кетди. — Ана ўша Қизил мазорнинг мачити бўлганми?

— Бўлган, — деди Ботир. — Биз кичкина эдик бузишганида.

— Нимага бузишган?

— «Жаҳолат маскани!» — кулди Баҳор. Кейин ғижиниб кетди. — Уйингга ўт тушкурлар...

— Кимни кўзда тутаяпсан? — сўради Дунё.

— Ҳарҳолда Бўтабой Сўпини эмас.

Дунё дугонасига оғир-тахдидли қараб қўйди.

— У киши директор бўлишидан олдин бузишган, — деди Ултон. — Мени ёдимда: қари-қартанглр йиғлашган эди. Кейин уларни милисалар ҳайдаб юборди... У, қандай фожиа! — Ултон кўзи қизариб аланглади. — Лекин ҳеч ким қаршилиқ қилмади...

— Сиз-чи? — ўгирилмай сўради Дунё.

— Мен? — Ултон синиқ жилмайди. — Ушанда... «Шундай бўлиши керак», деб ўйладим шекилли. — Кейин ўртаниб кетди. — Ушанда биз, умуман, қарияларга паст назар билан қарардик: «Эскилик сарқити...» деб...

Баҳор ҳаво етишмаётгандек чуқур нафас олди.

— Жа-ҳо-лат маскани.

Ултон унга бир чимирилди-да, кесатиб айтаётганини англаб, бирданига томоғи бўғилиб хирқиради:

— Биласизларми, унинг пештоқида қандай ёзув бўлган?

— Ёзув бўлган, — деди Ботир.

— Қандай?

— Айтинг-да, билсангиз, — зарда қилди Дунё.

Баҳор Ултонга илтижо билан боқди.

— Улуғбек мадрасасидаги ёзувни эшитгансизлар, — деди у, — Уша:

«Ҳар бир муслим ва муслима учун илм олмоқ фарздуру».

Ботир ҳам, Дунё ҳам бурилиб қарашди.

— Шундай, — бош ирғади Ултон. Ва энди унгаям ҳаво етишмаётгандек энтикиб кетди. — «Жаҳолат маскани» эмиш...

— Сиз буни қаердан биласиз? — бироздан кейин сўради «бойвучча».

— Сизнинг отангиз қандай — билмайман, менинг отам саводли, — жавоб берди Ултон. — Хотирасиям бутун. Зикриёхон домла билан «улфат»чилигиям бор...

— Вот оно что...

— Бўпти,— деди Баҳор.— Ботир ака, тезроқ ҳайданг.

Шофёр ҳақиқатан ҳам мошинани секинлатган, қишлоқнинг илк уйи-томорқасидан ўта бошлаган эди.

— Шу ердан қирга ҳайдаб, айланиб тушсаям бўлади-ку?— деди Ботир.— Анави йўл сертупроқ...

— Бур! Қайтар! Ҳайда!— буюрди Дунё.

Ердан қайнаб чиққан бўйи қотиб қолгандек чағир тошлар устидан ўрлаган «Жигули» адирлар оша айланиб-эниб, мозорнинг кунботар томонида — девор тагида тўхтади.

«Победа» пастқамликда турарди.

Этақда — девор муюлишида Абдуқаям кўринди.

Тасодифни қарангки, булар тўхтаган жой — нақ масжиднинг ўрни эди: тупроғи топталиб ташланган тақир ер қора уй тикиладиган «юрт»ни эслатади. Мозорга кўмиладиган марҳум тобути қадим эътиқод тақозосидами, дастлаб шу ерга қўйилиб жаноза ўқилар, сўнгра қабристонга олиб кирилар эди.

— Мана,— деди Ултон.— Мачитнинг жойи...

— Шу, шу ер,— деди Ботир ҳам.

Баҳор эса бир нарса топадигандек тақир ерга тикилиб қолди.

— Эшик, устунларини олиб кетишган. Фишлариниям талаб кетишган-да?— сўров мақомида деди Дунё.

— Албатта,— тасдиқлади Ултон.

— Отангиз айтмадиларми ким опкетганини?

Ултон қўлларини ёйди.

— Опкетишган... Лекин, албатта «Музейга» деб олишади-ю, йўлда эга чиқади.

— Яхши.— Дунё бирдан мамнун кулумсираб Баҳорга қаради. Сўнг:— Сиз ҳақсиз,— деди Ултонга.

Абдуқаям етиб келиб, булар турган заминга бир сония боқди-да:

— Домла-имом шу ердалар,— деди.

— Ботир, гулни ол... Юринглар. Хотинингиз қани, новвой?

— Т-тўйхонага кетди.

— Қочиб кетди денг?

Абдуқаям илжайди.

— Шу ергача келди-ку.

— Шўри қурсин раҳбарларнинг.

— Осторожно,— деди Баҳор.

— Да, ну их...

— Уҳ-ҳ.

— Сизлар овруполикларга ўхшайсизлар,— луқма ташлади Ултон.— Мана бу киши ғирт оврупоча кийинган бўлсаям... мусулмон.

— Шундайми?— деди Дунё Абдуқаямга жилмайиб.

— Мана бу ерга боғлиқ.— Новвой кўксини нуқиб кўрсатди.— Африкача гапирадиган мусулмонларниям кўрганмиз.

— Бунга нима дейсиз, ўртоқ Султонов?

Ултон гангиб тўхтади-ю, бирдан қўлларини тепага кўтарди.

— Биз таслим!

— Ҳали кўп таслим бўласиз.

Ултон пишиллаб нафас олди.

— Кўрамиз.

— Эй, сенга ўзи...— Баҳор уни юлиб берадигандек қўлларини кўкси бўйи кўтарди-ю, Ултонни илкис қўлтиқлаб олди.— Бойвучча бугун чап ёни билан турган...

Қабристон бирор таноб ерни ишғол этган. Унинг этаги ва кунчиқар тарафида сархови уваланиб қирра бўлиб қолган девор чўзилган: этакда жийда буталари кўп, ён томонда — ёввойи супурги, шўра.

Ана шу супурги, шўралар ёнидан кетган тақиргина йўлка очиқ айвонга олиб боради.

Айвондан сал нарида — бу ёққа қараб тушган пешайвонли ҳужралар бор.

Абдуқаюм бошлиқ аёллар, кейинда Ултон билан Ботир тепаси очиқ эшикдан киришлари ҳамон барчанинг уни ўчди: гўё бу ерда сўзлашиш мутлақо ман этилгандай.

Фақат қадам товушлари эшитилади: тиқ-тиқ, тақ-туқ.

Ўнг томонда (яъни, девор қаршисида) — дўмпайган, чўккан, бир-бирига қўшилган ва яссиланиб қолган гўрлар-гўрлар. Барининг устида хас-хашак ўнган ва шу қадар ғариб, мискин кўринадики, даҳшат!..

Бу ерда бор овозда айтиладиган Инсонлар ётганига жилла ишонмайсан.

Аксинча, бир кун келиб тупроқ бўлишинг ва бу қадим заминга сингиб кетишинг дафъатан аён бўлади: бундан руҳинг тушиб, тобора маҳв этила борасан...

Айвончага етишди. Ва кўзлар равшан тортди.

Бунинг устига Абдуқаюм: «Ҳозир» дея тўрдаги уйчалар томонга кетди-ю, аёллар энгил нафас олишди.

Аммо айвончанинг кўриниши ва ундаги буюмлар ҳам ғариблик-юпунлик тимсоли эди: қийшиқ устунга кир жойнамоз илиғлиқ, унинг тагида қорни пачоқ қумғон.

Деворда бир боғлам исиріқ: ранги ўчиб оқариб кетган.

Унинг тагида иккита бўйра тўшоғлиқ: четлари титилиб бўлган.

...Ниҳоят, Абдуқаюм йўл-йўл, калта чопонли, бўзранг салласи тепадан босиб пасайтириб қўйгандай — паст бўйли, чувак юзли қарияни олдиға солиб кела бошлади.

Чол бир томонга сурилиб-сурилиб кетар, кейин биров уни тортгандай тўғри бўлар эди.

Бунинг сабаби Ултонга маълум: айтишларича, Зикриёхон домла Сибир конларида ишлаб юрган вақтларида (у киши ҳаммаси бўлиб ўн уч йил ётиб келган!) бригадир ва соқчилар олдидан бемалол ўтишнинг иложи йўқлигидан шунақа ёнбошлаб юришга ўрганиб қолган экан: илло шундай юрса, анави соқчи билан бригадирнинг уриб қолишидан огоҳ бўлар экан — чап бериши мумкин.

...Бу киши асли мударрис оиласидан чиққан: оталари Олатоғ мадрасасида дарс бераркан. Инқилобдан кейин: «Босмачиларга ҳомийлик қилган», деб Ваҳмбоғ қабристонидан отилган. (Айтишларича, уни отган қизил аскарнинг қўли шол бўлган эмиш.)

Биз «айтишларича» деган кишилар — Султон бобо билан «Абдуқаюм.

Қўрбоши чолнинг айтишича эса, марҳум мударриснинг бола-чақаси Ултоннинг бобоси — Қорақулбойлар қатори қулоқ қилиниб, қаёққадир ҳайдалган ва улар ном-нишонсиз йўқолиб кетишган.

Улардан биргина Зикриёхонни олиб қолишган экан: Бек қўрғонидаги штабда тилмоч қилиб (У Қозон мадрасасида ўқиганида ўрисчани бир миқдор ўрганган экан).

Кейинчалик, тилмочлар кўпайганиданми, у кишига ҳам бадарға бўлиш навбати етган.

Бу одам Улуғ Ватан урушида ҳам бўлган: қамоқдан олиб «штрафной баталон»га жўнатишган экан.

Аммо икки йилдан кейин... намоз ўқигани учун яна қамоққа қайтарилган.

Домла қишлоққа қайтиб келгач, уч ой ишсиз юриб, ниҳоят...

...Шу Қизил мазордан паноҳ топган: қоровуллик қила бошлаган. Ўшандан буён шу ерда.

Домла чопони ёқаларини жуфт қилиб ушлаб:

— Ассалому алайкум, — деди ҳеч кимга қарамай. Ва шу кўйи алик олиб: —

Хуш кепсизлар, — дея пичирлади-да, изига қайрилди.



Абдуқаюм синиқ илжайиб, қўли билан йўл кўрсатди.

— Марҳамат юринглар.

Ултон ҳушёр тортиб кетди: ҳа-а, демак, анави пешайвоғ олдидан ўтиб, ўнг томондаги қари гужум остига боришади, онасининг қабри ўшанинг рўпарасида. Юрдилар, ўтдилар, етдилар.

Гужумнинг кўп шохлари қуриган, хаскапа инларда полапонлар чирқиллар...  
...девор ортидан эса — сойнинг у бетидан — боғдан «Жигарпора» куйи эшитилар эди.

Абдуқаюм деворга тақаб-тахлаб қўйилган эски хариларга гул ўралган газетни ёзиб, аёлларга ишора қилди. Ултон ҳам бир харининг учига омонат чўкди. Новвой ҳам ёғочга рўмолчасини тўшаб ўтиргач, Ботир ҳам шундоқ сўқмоқда чўнқайди.

Зикриёхон домла сувоғи аллақачон ювилиб кетиб, анчайин дўнгалакка айланиб қолган қабрдан сал нарига ўтиб, рўпарасига ҳорғин боқиб пичирлай бошлади:

— Аъзуз биллаҳи минаш-шайтонир-рожийм. Бисмиллоҳир роҳийм...

Қариянинг кўзлари кичрайиб, қарийб юмилди. Бунга сари овози кўтарилиб, сеҳр ва қудрат касб этар, нотаниш-муסיқавий сўзлару уларнинг оҳанги юракларга шу қадар равон сингар, бутун вужуд бу сўзлару оҳангга кўпдан ташна эди-ю, энди ҳузур қилмоқда, қандайдир кенгаймоқда ва айни чоғда нималар биландир тўлиб бормоқда эди.

Ултон ҳам беихтиёр кўзларини юмиб, эгилиб қолди. Кейин эса унга шундай туюла бошладики, гўё у салмоғини йўқотаётир ва қандайдир енгил, фақат шу тиловатнигина эшитишга қодир бир моддиятга — вазнсиз вужудга — руҳга айланаётир...

— Табаракал-лазий биядиҳил-мулк. Ва ҳува аъла куллий шайин қодир...

Ултон отаси билан бу ерга келган чоғларида ҳам фақат шу сура айтилиши, у поёнига етаётганини англаб қолди-да, сергакланиб қўлини фотиҳага очди.

...Содақаллоҳул аъзим... Субҳона раббика раббил — иззати аммо яъсифун — вассаламун алал-мурсалин — валҳамдулиллоҳи раббил оламин.

— Омин! — деди Абдуқаюм.

Бошқалар ҳам қўлини дуога очиб, домлага қарашди. У киши бағри кенглик билан хотима қилмоққа ўтди:

— Илоҳо, парвардигоро, ушбу муборак Тиловати Қуръон савобини жамики пайғамбарлар, авлиёлар руҳларига, жамики аҳли мўминга ва шу ерда ётган ғарибу ғураболарнинг руҳи покларига фисабиллоҳ бахшида қилдик.

Ниҳоят Ултоннинг онаси шаънига айтди:

— Муҳтарам оналарининг арвоҳлари шод бўлсин. Ултонбойнинг қалбида нимаики ният-орзулари бўлса, Аллоҳ таоло ижобат қилган бўлсин...

— Омин.

Фотиҳа ўқилди.

Зикриёхон домла ўрнидан қўзғолар экан, бошқалар ҳам туришди.

— Тақсир, бир узрли сўровимиз бор, — деб қолди шу пайт Абдуқаюм.

Домла яна ерга тикилиб:

— Сўранг, — деди.

— Мана шу гулдастани...

— Қўйинг-қўйинг, — деди домла. Ва мийиғида билинар-билинмас жилмайди. — Қабрга гул қўйиш Исо Алайҳиссаломнинг умматларига хос. Аммо биз ҳам қўйганмиз.

Гулдастани Баҳорга бераётган Абдуқаюм:

— Сиз қўйсангиз? — деди.

— Ҳа, Қолимда. Бир ўрис руҳонийси... дўстимиз қазо қилганида қўйганмиз. Василка деган чечак бўлади, гунафшага ўхшайди.

— Вой, қандай яхши, — шивирлади Баҳор ва туйқус ҳайратланиб Ултонга қаради. — Қанақа Қолим?

— Кейин айтаман, — деди Ултон.

— Вот, это да-а, — деди Дунё. — Домляям зеклардан экан-да?

— Худди шундай.

— Бечора.

— Баҳор...

Баҳор ҳар нав атиргуллардан жамланган дастани Абдуқаюм кўрсатган жойга — қабрнинг ёнбошига қўйди-да, кўзи ғилқ ёшга тўлиб, тисланди.

Ултон ҳам нимадир қилмоқчи бўлди. Нима? Билолмади ва:

— Раҳмат, домла, ҳаммангизга раҳмат,— деди.

61

Булар айвонга етишганда, қария зинадан чиққан эди. У қўл қовуштириб бош эгди.

— Хуш кепсизлар.— Сўнг Абдуқаюмга маъноли тикилди.— Агар муддао ўша... ўтиришга...

— Ҳа-ҳа, албатта,— деди Абдуқаюм. Ва супага сакраб чиқди-да, уйчага кириб кетди.

Чол устун томонга четланди.

— Марҳабо.— Сўнг айвонга тўшоғлик шолча устидаги исқирт кўрпачага кўз ташлаб:— Ҳозир, ҳозир...— деди.

Ҳақиқатан ҳам Абдуқаюм битта қизил духоба кўрпача опчиқиб, «исқирт»га ёндош тўшади. Кейин қўлларини қовуштириб марҳамат дейишга чоғланар экан, Дунё:

— Юр энди,— дея зинадан кўтарилди. Туфлисини ечиб, духобага ўтди.

Баҳор ҳам этакларини чимдиб кўтариб чиқиб, дугонасининг ёнига борди. Ўтиришди. Ниҳоят Ултон ҳам уларга эргашди ва нақ шолчага чордона қуриб олди.

Абдуқаюм қийналиб-қипсиниб, унинг ёнига тиз чўкди. Ботир пастда қолиб, тағин чўнқайди.

Оқибат домла ҳам «исқирт»га чўк тушиб ва этакларини тиззаларига ёпиб, бош эгди-да, тағин Абдуқаюмга ҳалигидай боқди.

— Уф,— деб юборди шунда Дунё ва чолдан дангал сўради:— Отахон, нимага бу қабристон... мунча хароб? Қарамайсизларми?

— Қараш мумкин,— жавоб берди домла.— Лекин қўрқамиз, қизим.

— Кимдан?

Чол шикаста табассум қилди.

— Супуриб қўйсақ ҳам... уришадилар. «Намозхонлар кела бошладими?» деб.— Кейин ўзи ўтирган кўрпача четини чимдиб ушлади.— Шунини тўшаб қўямиз... Йўғасам анавиндай духобадан ҳам бир-иккита бор. Мурдани ётқизиб келганлар ташлаб кетишган. Савобталаблар...

— Шуниям-а?— сўради Дунё ўзлари ўтирган якандозни бармоғи билан кўрсатиб.

Баҳор эса кўзлари каттариб Ултонга қаради.

Иккисиям дарҳол туриб кетадигандек.

— Йўқ-йўқ, буни мен келтириб берганман,— деди Абдуқаюм.— Шундайми, тақсир?

— Балли,— деди қария ва яна мийиғида жилмайди.— Мулла Абдуқаюм кўприк қуришга биздан фотиҳа олгандан бери ота-бола бўлиб кетганмиз. Саҳарлигимиз ҳам шу кишининг бўйнида: ҳар эрта бир жуфт иссиқ нон...

Дунё хўрсиниб юборди.

— Э, худойим.

Чол хотиржамгина давом этди:

— Бу ерни обод қилса бўлади, қизим, лекин: «Одамларни жалб қилмоқчимисан?» дейишади...

— Ким? Кимлар?

— Олдинлари Ҳамрой рухсат этмас эди. Шўро раиси.

— Ҳозир... Турсунтошми?

— Йў-ў, у келиним инсофли. Кўпга кирсин... Райондан келадиган бир хотин бор. Райкомнинг котибаси.

— Эгамқулова?

— Ҳа.

— Ифлос... У ўлмас экан-да!

— Қўйинг, болам. Омон юрсин,— пичирлади чол.— Биз худога солганмиз. Худо ўзи кўрсатар.

Зикриёхон домла билан Дунёнинг савол-жавобига ҳеч ким қўшилмас, илло бойвучча хоним шу тобда уларнинг ҳам гапини айтмоқда эди.

— Авф этасиз, тақсир...— Абдуқаюм бир онлик сукунатдан фойдаланиб, соатига ҳам қараб олди.— Мана, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейдилар.

— Маъқул,— деди домла.— Фақат имон саломат бўлса, бас.

62.

Чол яна бир фасл сукутга толиб қолди-да, Ултонга зимдан тикилиб:

— Калимаи шаҳодатни биласиз-а, ўғлим?— деди.

Ултон ялт этиб Абдуқаюмга қаради: вакилнинг боши ҳам эди.

— Узр, тақсир,— деди ниҳоят.

— Мусулмончиликнинг иккинчи шарти шудир.— У боз ўртага кўз тикди.— Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадан Росулulloҳ. Яъни, Аллоҳдан бошқа илоҳ, яъни маъбуд — йўқ, Муҳаммад унинг Расулидир.

Ултон ичида қайтара бошлади-ю, «Ла илоҳа...»дан нарига ўтолмади. Ва терга ботиб, алами келиб («Ўзи анчайин гап экан-ку? Ҳа-ҳа, мусулмон учун Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ...»)

— Билдим, тақсир,— деди.

Домла ҳорғин бош ирғади.

— Зиён қилмайди...— Сўнг қандайдир хўмрайиб уқтирди:— Барча динлар учун — Аллоҳ биттадир. Муҳаммад қавмларини Исо Алайҳиссаломнинг умматлари ила яқин қиладургон буюк замин ана шунда... Шу боис,— овози титраброқ давом этди,— насроний ибодатхонасида ҳам, мусулмон масжидида ҳам никоҳдан ўтгувчиларга мудом бир хил сўроқ берилади ва бир хил тилаклар тиланади. Ултонбой Султонбой ўғли,— домла орқага тортилиб, Ултонга кўз қадади,— Баҳорой Кенжабой қизини тан маҳрамликка, яъни хотинликка олдингизми?

Ултон домлага бақрайиб тураркан:

— Ҳа,— деди.

— Сиз-чи?— домла энди Баҳорга кўз тикди,— Баҳорой Кенжабой қизи, Ултонбой Султон ўғлига ўз танингизни бахшида этдингизми, яъни, хотинликка розимисиз?

Баҳор аланглаб дугонасига қаради-да, унинг оғир бош ирғашини кўриб:

— Ҳа-ҳа,— деди синиқиб.

Шунда Дунё:

— Домла, буларни никоҳлаяпсиз-а?— деб сўради.

Зикриёхон домла унинг гапини эшитмаётгандай:

— Эр-хотинликнинг масъулияти ҳам бағоят кучли бўлади,— дея давом этди.— Бир-бирига садоқат бирламчи ўринда туради. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ҳадисларида айтадиларки, хотин эри ўлтирган кўрпачага бегона эркакни ўтқазмаслиги лозим.

Баҳорнинг кўзлари пирпираб, бошини эгиб қолди.

«Уялди...» деб кўнглидан кечирди Ултон, ва ўзига нисбатан (яъни, эрга нисбатан) ҳам шундай бирон «қўпол гап» айтилса, Баҳор билан тенг бўлиши учун:

— Тақсир, эркакка тегишли шундай... ҳадислардан ҳам бордир?— деб сўради.

Абдуқаюм чўчиб тушди: бундай вақтда савол бериш...

— Жуда кўп.— Домла пинак бузмади.— Лекин мен сиз... ларга бир воқеани айтиб бераман.

— Бош устига,— деди Абдуқаюм.

— Эштамиз,— деди Дунё ҳам.

Домла хиёл тебраниб, бошлади:

— Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу Алайҳи васаллам Жаброил Алайҳиссалом билан меърожга чиққанларида, учинчи осмонда дедилар: «Кўрдимки, бир тарафда семиз, покиза гўштар турибдур. Иккинчи тарафда нопок гўштар турибдур. Покиза гўштарни қўюб, нопок гўштарни

еб тургон жамоат кимдур?» Жаброил деди: «Бу жамоа ўзлариға буюргон ҳалол хотунларин қўюб, ҳаром хотунлар ила суҳбат қилғувчилардур».

Қариянинг тили-ташбеҳигина ўзгариб қолмасдан, унинг оҳангиям тиловат қилаётган пайтидаги каби маърузабоб жанронг касб этган эди ва домла...

...боя замонавий йўсинда гап бериб, жавоб қайтараётган чолга...

...ўхшамас эди.

Гўёки, бояги гап-сўзлар шунчаки сиртқи либоси бўлиб, ботини — шу тилу шу оҳангда.

— Ҳикоя маъносини уқдингизми?— Ултонга қарамасдан сўради домла.

— Ҳа, тақсир,— хитоб қилди Ултон.— Эр... хотинига содиқ бўлиши керак!— Баҳорга қараб олди. Унинг кўзи ерда эди.— Бўлса, яна айтинг,— деди Ултон.

Зикриёхон домла эгилинқираб, яна бошлади:

— Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом заминга тушганларидан кейин ҳикоя қилдилар: «Сўнгра бир тўда хотунларни кўрдумки, кўкракларидан осулуб қўюлубдурлар. Мен Жаброилдан сўрдум: «Булар кимдурлар?» Жавоб бердиларки: «Булар шундоғ хотунлардурки, эрларидин бўлмағон болаларни аларнинг болалари қилиб олурлар!»

Баҳор хўрсиниб юборди.

— Да, ундай хотинлар ҳозир ҳам бор,— деди Дунё ва билагидаги олтин соатига кўз қирини ташлаб, Ултонга боқди.

— Раҳмат. Мингга кириб, тақсир!— Ултон қўлини кўксига қўйди.

Тақсир ҳам қўлларини кўксига босиб, аста кўзгалди.

Йўлгага тушганларидан сўнг Ултон орқада қолиб, Зикриёхон домлага битта йигирма беш сўмлик узатди. Домла «ҳай-ҳай!» деганча ўнг томонга сурилиб кетди.

— Домлажон...— ёлворди Ултон ва Абдуқаюмни тўртди.

— Шундоқ ҳам гуноҳ қилдим, бўтам,— деди домла.— Тиловатдан олдин туҳфангизни олдим.

— Тугунча?— Ултон ингранди. Ва қабрлар ўртасидан кўтарилиб турган ёлғиз сағанага кўзи тушиб, сумрайиб қолди: «Отинқиз...»

— Ултонбек...

Ултон илкис қаради.

Абдуқаюм домланинг енгидан тутган эди. Ултон новвойнинг киссасига пулни тиқиб юборди-да, илдамлади. Бироқ...

...аёлларга тўқнашиб кетаёзди.

— У кимнинг қабри? Мунча?..— деб сўради Дунё сағанага ишора қилиб.— Наъматак ҳам бор экан...

— У ерда... бир фаришта ётипти,— деди Ултон.— Зебунисодай эр қилмай ўтган... Ҳе, қадимдан қолган бу...

— Эр қилмай ўтган?

— Ҳа.

— Нима учун?

— Ҳур келиб, ҳур кетгиси келгандир-да. Лекин ўша ерда бир тош бор... Кўрасизми? Ҳўп. Уша тошнинг тагида бир ғор бор. Туғмас хотинлар унга қўл суқиб, тупроқ олса-ю, ичидан, масалан, тугмами... бошқа нарсами чиқса, фарзанд кўрар экан.

— Интересно. Сен эшитганмисан, Баҳор?

— Ҳожар опа бир нималар деганди...— Сўнг Ултонга қия қараб турди-да:— Бир кун мени алоҳида опкеласиз,— деди.

— Жоним билан.

Кейин иккиси икки томонга қаради ва Дунёнинг кулгисига жўр бўлишди.

— Да-а,— деди кейин бойвучча.— Хайрият, бу омон қопти.

— Ҳа-ҳа. Шунгаям шукр қилишимиз керак,— деди Ултон.

— Тавба, шунақа аёллар ҳам ўтган-а... Уму непостежимо...

— Юр, юр,— деди Баҳор.

Зикриёхон домла билан Абдуқаюм буларга етиб, тўхтаб қолишган эди. Эшикка етдилар, чиқдилар. Тош зинадан тушдилар. Зинапоя устида қолган Зикриёхон домла фотиҳа берди:

— Омин, кўша-қариб, ували-жували бўлинглар. Меҳри оқибат сизларга ҳамроҳ бўлсин...

...Кейин ҳар ким ўзига тегишли мошинага тушиб кетдилар: «Жигули» келган йўли билан, «Победа» сой ёқалаб.

63.

Тепадаги симларда нокдай-нокдай чироқлар порлайди: уларга боқсанг — кўз қамашади, топталиб тупроғи чиқа бошлаган ерга қарасанг — чумоли ҳам кўринади. Дарахт япроқлари сокин ялтирайди: соялари ортига ўтган. Қайси бир айрига ўрнатилган овоз кучайтиргич ускунадан эшитилаётган «Лолалар» кўшиғи авжга чиққанда, бу ердан олисроққа кучган майналар чуғури ўчиб қолади-да, кейин яна хуруж қилади.

Аммо бу товушлар даврадаги ғалағул-кулги, гап отишлар «соясиди қолиб», бировнинг эътиборини тортмайди, жиғига ҳам тегмайди.

Бунинг устига, айримлар сархуш: кўчадан отиб келишган.

«П» шаклидаги давранинг тўри — келин-куёвнинг ўрни, илло у ерга қалин гилам тутилган. Бироқ Ултон билан Баҳорни...

...(уларнинг навкару дугоналарини ҳам) «П»нинг сой томондаги «ўқи» томонига ўтказишди.

Узлари яқинда келишди.

Ў, мошиналарнинг «па-ап-пу-уп!» товушларию сурнай-чилдирма садолари остида келишди. Хайрият, у ёққа бориш олдидан Мунди: «Пойдаси бор. Хурсанд бўласиз», деб Ултонга бир пиёла халигидан ютқазган экан: уялишни эсдан чиқардимиз — шоду хуррам бориб келди.

Амбулатория олдидаги ўтлоқда — стол-стуллар, дарахтлар остида шолча-кўрпача, дастурхонлар тўкин: тумонат эркак-аёл, катта-кичик ўйин-кулги қилиб ўтиришган экан.

Хуррам девона ҳам «состави» билан турган экан, нағмасини бошлагач, Турсунтош билан Шарофат ўртага тушиб кетишди: ана ўйинни, қарсакни кўринг!

Дарҳол пул қистириш бошланди.

Ултон шунча ёшга кириб энди билдики, аксар йигитлар, хусусан куёв навкарлар қистириш учун атай пул «ғамлаб» келишар экан.

Баҳорнинг онасини, жингалак соч, укки кўз укаси Умидни ҳам шу ерда кўрди: қайнона келиб, куёвнинг манглайдан ўпти, қайни унинг қўлини қаттиқ қисди.

Ултон бир муддат изтиробли, аммо нурли кечинмалар оғушида қолди: уйланиш керак экан...

... уйланиш ҳам — табиий яшашнинг шарт!

Ана, ўшалар ҳам — шу ерда ҳозир. Ва шу ердалиги учун ҳам Ултон хурсанд: ахир бу ер — уники.

Унинг боғи!

Бўш чорпояга қариялар ўрнашяпти: Расул бобо, қайнотаси Кенжа бобо... Ҳа-ҳа, ўша киши, отаси пастда таъзим қиляпти унга. У кишининг ёнидан сўрига чиқаётган баргранг шапкали... ҳа, шапкали чол ким бўлди? Унинг шапкасини «фуражка» дейишарди: Ултон ёшлигида кўп кўрарди...

Беқасам чопонини бар урган<sup>1</sup> Мустафоқул амақи ҳам пайдо бўлди.

Эй, шу чолларнинг кўр тўкиб ўтиришлариям яхши-да!

Қанийди Ултоннинг бобоси Қорақулбой ҳам ҳозир шулар сафида бўлса... Зикриёхон домла-чи?

Йўқ.

...Микрофон ўрнатилган сепояни кўтариб келаётган Собир:

— Ассалом алайкум, ассалом алайкум! — деб бўш қўлини кўксига қўйди. Собирнинг ортидан микрофон ичагини судраб чиққан Ашим уни ерга ташлади-да, йўрғалаб Ултонлар қошига келди.

— Салом алайкум. Утирибсизми? Домилла, чой опкелайми?

<sup>1</sup> Чопоннинг ўнгирини белбоққа қистириб қўйиш.

— У!— деди Ултон.— Раҳмат, қадрдон!— Кейин ҳиринглаб кулди.— Со-  
вуғиданми, иссиғиданми?

— Эҳ, очайми?— шивирлади Ашим столга ёпиб қўйилган докани кўтар-  
моқчи бўлиб.

— О, йў-ўқ,— деди Ултон.— Бизлар сабрли одамлармиз. Шундай эмас-  
ми, Баҳор?

— Агар акангизни ҳурмат қилсангиз, анави меҳмонларга қарашинг,—  
зарда қилди Баҳор.

— Ҳа-ҳа,— таъкидлади Ултон.— Улар область марказидан келишган.

— Ҳозир, ҳозир,— Ашим жавдираб буриларкан, дайди шамолдек пайдо  
бўлган Мунди йигитчанинг елкасидан итариб юборди.

— Нарӣ бор, э майда бачча! Қаерга борсанг — оёгинг остида... Ҳали  
амбулаторияга мен ҳам бораман, деб мияни қотирди! Бор, бор... Ана, КГБ  
отанг келди! Дўппи кийсин, айтиб қўй... Дўппиям ғанимат бўп қолди. Бўлмаса  
шапкасини отвораман!

Ашим кулиб, қайтиб кетди.

— Хўш, келин, ўзларидан сўрасак?— Мунди столнинг у ёнидаги узун  
ўтиргичга тиззасини тираб сўради.— Эсон-омон етиб келдингизми?

Баҳор пиқиллаб кулди:

— Биз-ку, эсон-омон етиб келдик. Лекин ўзларининг эсон-омон етиб  
боришлари гумонга ўхшаяпти.

— Ва-а-а!— Мунди чайқалиб кулди. Чиндан ҳам хийлагина «етилиб қол-  
ган», кўзлари йилтилар, сочи қулоқлари устига тушган эди.— Биру нў-ўл!—  
деб хитоб қилди. Кейин Дунёни кўриб қолдими, атай қилдими — бирдан  
қўлларини кўксига боғлаб эгилди.— Ассалом алайкум, жаноби олиялари!

— Ўлмапсиз сиздай мезбон,— деди Дунё.— Меҳмонларниям хурсанд  
қилинг. Ҳамкасбингиз бўлади-ку улар!

— Албатта!.. Бир оғиз сўзингиз... Ҳозир бой отамлар келсинлар, даврани-  
ям очамиз.

— Боринг-боринг.

— Хўп бўлади!— Мунди тантанали таъзим қилиб, Ултондан чап томонда  
ўтирган меҳмонлар томон жилди.— Қандай ўтирибсизлар, менинг жигарла-  
рим! Қалам билан кун кўрадиган заҳматкашларим! Хуш келибсизлар!

Улар кулишиб, келганларидан бери «ўзлари билан» бирга эканларини  
айтишаркан...

...Ултон Мундини суюб қолмасдан, унга қандайдир раҳми келаётганини  
ҳам туйди, бу туйғу Дунёнинг «Боринг-боринг!» дея «ҳайдаганию» таниқли  
мухбирнинг таъзим қилганини яна кўз ўнгидан ўтказди.

«Ким билади-е,— деди кейин.— Балки булар бир-бирининг гапини  
кўтарар?

Ҳаётдан айб излайвермагин, Ултон.

У шундай ҳам...

Қувон, томоша қил!

Икки-уч соатдан кейин — бари тугайди...

... бу ўтириш ҳам.»

## 64.

Келин-куёв рўпарасидаги столлар («П»нинг иккинчи ўқи)нинг у томони  
ҳам меҳмонларга тўла бошлади.

— Бизникилар. Қаранг,— шивирлади Баҳор ва Ултон улар орасидан ярим  
туриб, бошини эгиб-эгиб қўяётган кишига эътибор қилди: «Қўлдош Мўмин!»

Бош касалхонанинг бош дўхтири-жарроҳи... Ултоннинг башарасида қол-  
ган охириги питраларни шу одам олиб ташлаган, йўқ: олгач...

...эсдалиқ қилиб берган.

Ултон хиёл кўзғалиб қўйди.

«Крупская»лик ўқитувчилар ҳам дўхтирнинг ўтиришини кутиб турган  
эканми...

...Зокир Уринов бошчилигида адоқдан жой ола бошлашди.

Давранинг тўри — «П»нинг боши ҳамон бўш эди: у ер — Олатоғ улуғлари-

нинг жойи. Ултон бу ҳолга ҳайрон эмас — бунга-да кўниккан эди: райком котиблари иштирок этмайдиган базмлардаям давранинг тўри — маҳаллий арбобларники.

...Гидамнинг нари четида сариқ атлас кўйлакли, фарқи ажратилган сочини гарданида юмалоқлаб кўйган Махфират Эгамқулова билан Одил миршаб пайдо бўлишди-ю, ҳар ёнда шивир-шивир бошланди: кимдир бошини орқага буриб қаради, кимдир сурилди, кимнингдир юзида табассум яшнаб кетди.

— Зерикиб қолмадингларми?— деб бақирди котиба.— Ҳой, куёв тўра! Ҳозир...— сўнг елкаси оша Одил миршабга нимадир деганди, у турган еридан:

— Хуррам!— деб чақирди.

— Уф,— деди Баҳор энсаси қотиб.

— Тентакка тел<sup>1</sup> бер, қўлига бел бер,— деди Дунё.

— Э! Ана-ку, ўзлари-ку!— деб ўрнидан чайқалиб турди Мунди.— Чапаклар! Бормисан, отарчи дўстим! «Соғиндим мен, соғиндинг-му?»

Кимлардир қийқириб қулишди.

Таглик микрофон қошига чиқиб келган Хуррам девона ҳамда унинг шериклари жамоатга хиёл таъзим қилишди-да, Одил миршабга кўз тикишди. У орқасига қараб турарди, бирдан бурилиб, дирижёр таёқчасини туширгандай қилди. Ва хонанда шерикларига кескин бош ирғади: доира гумбирлаб кетди, тор унга жўр бўлиб тилга кирди.

Кейин Хуррам бошлади:

Тўйла-ар муборак,  
Кўрго-они ке-елдик.  
Сен бирла да-аврон  
Сурго-они ке-елдик...

Чапак, олқиш, хитоблар остида ҳамма ўрнидан турди. Чоллар ҳам тиззала-рига ва бир-бирларига суяниб кўзғала бошладилар.

Оқ костюм, қизил бўйинбоғда, оғзи қулоғига етгудек жилмайган Тўқлибой Қўчқоров чапак чалган кўйи тўрга йўл олди. Унинг изидан девдай бўлиб Тараканов, бўйи ундан паст эса-да, икки карра йўғон Бўтабой Сўпи, сўнг ижроқўм ва прокуратура бошлиқлари, ниҳоят, совхоз фаоллари эргашиб, айримлари Тўқлибой Қўчқоровнинг ортидан айланиб ўтиб, тегишли стуллар қошида тўхташди.

Ултон улардан кўз узмай турар экан, Тўқлибой Қўчқоровнинг... Биринчи Май намойиши куни қаноти туширилган юк машинаси устидан қўл қимирлатаётганини эслади-ю, унга шундай туюлди-ки, бу тўй ҳам...

...шу одам учун ўтаётибди.

Оломон келин-куёвни эмас, ўша одамни қутлаётибди.

Дарвоқе бу одам қанча кечикса, базм очилиши ҳам шунча кечикарди.

Бу — ҳоким-да!

Эл унга тобе.

Бироқ Ултон озод инсон-ку? Баҳор ҳам...

Шунда у ўзининг ҳам ўша одамни олқишлаб чапак чалаётганини англаб қолди-ю...

... қўлини ёнига туширди.

— Ҳа?— деб шивирлади Баҳор.

— Етар,— деди Ултон.

— Ҳим-да.

Тўқлибой Қўчқоров, ниҳоят, «базмнинг айбдорлари»га ҳам қараш лозим деб топдими — Ултон билан Баҳорга қўлларини чўзиб, чапак чалди-ю, давра буларга ўгирилди.

Чапак қарсақка айланиб кетди.

...Бир маҳал Қўчқоров стулини орқага торта бошлади ва ўнгу сўлдагилар тараддудланиб қолишди: Улар ўтириши ҳамон...

...ашула ҳам тугади.

<sup>1</sup> Тезлаш, ҳовлиқтириш, «телба»нинг ўзаги ҳам — «тел».

Яна бир бор чапак гуриллади-ю, микрофон олдига чиқиб келган Махфират Эгамқулованинг чинқиргандек товуши таралди:

— Ҳурматли ўртоқлар! Азиз меҳмонлар!.. Утирингизлар. Келин-куёв ҳам ўтирсин...

— Раҳмат,— деди Ултон.

— Худо берди бунга,— деди Баҳор.

Шунда овоз кучайтиргичдан Собирнинг қўнғироқдек овози янгради:

— Дастурхонлар очилсин! Ҳой, Мунди ака, қўл борми? Шўро раиси қаерда?

— Овозингдан айлана-ей! Олдинроқ айтмайсанми шундай қил деб!— қийқиллаб кулди Мунди.— Энг муҳим масала — шу-ку!...— Докани кўтаринглар! Энди тиззага қўйинглар! Ана, сочиқ ҳам тайёр! Қани, бисмилла-аҳи...

65.

Дастурхон обод эди. Лаганларда турфа газаклар: товуқ гўшти, яхна эт, лолагул қилиб кесилган помидор, бодринг. Буларнинг устига майдалаб тўғралган кўк пиёз, кашнич, шивит сепилган. Патир-нонлар бетига эшилган зувала билан «Тўй муборак!» деб ёзилган. Ароқ, коньяк, шампан. Пахтагулли жажжи пиёлалар... Коса-коса қовун-тарвуз...

— Уртоқлар! Тиш-ш...— Махфират Эгамқулова микрофонни Собирга кўтартириб, давранинг ўртасига келди. Кейин:— Тўй тўйдаё ўтсин! Мажлисга айланмасин, ўртоқлар!— деди.— Биз бу оқшом райондош укамиз, журналист-ёзувчи, шу билан бирга педагог Ултонжон Султонов билан гўзал синглимиз, ажойиб врачимиз Баҳорой Кенжабоеванинг никоҳ тўйларига йиғилдик!

— Одамлар билмаган экан-да?— деди Дунё.

— Маза қияпти-я?— деди Баҳор.

Ултон унақа гапларга ҳам кўникиб кетган эса-да, бойвуччанинг луқмаси завқини келтирди.

— Дугонангиз балол!

Баҳор кинояомуз бир нима деди, бироқ Эгамқулованинг овози босиб кетди.

— Мана шундай улуғ айём кунда, ўртоқлар, биз буларни чин қалбдан табриклаймиз! Ҳамда бахтли совет оилалари қаторига яна бир оила қўшилганидан беҳад хурсанд эканимизни изҳор этиб, бу азизларнинг қонуний эр-хотин бўлганларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, яъники «Никоҳ гувоҳномаси»ни топширишга руҳсат этгайсизлар! Қани, марҳамат, бу ёққа чиқсинлар!

Шунда Тўқлибой Қўчқоровнинг (олдида алоҳида микрофон бор экан):

— Кечирасиз, ўртоқ секретарь,— деган шўхчан овози эшитилди. Тағин ҳамма у кишига юзланди.— Сиздан илтимос, улар жойларида роҳатланиб ўтирсалар! Агар малол келмаса, шу гувоҳномани ўзлари обориб берсалар!

Чапак бўлиб кетди.

— Майли,— деди Эгамқулова.— Мен тушундим... Тўқлибой Қўчқорович расмий раҳбар бўлсалар ҳам, расмиятчиликни ёмон кўрадилар.

— Узингиз ҳам тўйни мажлисга айлантирмайлик дедингиз-ку, хоним?

Давра кулгига тўлди.

— Биру нў-ў-ў!— деб ҳайқирди Мунди.— Қани, опажон, бу ёққа қараб хиром этсинлар энди!.. Чапаклар! Чапак — аккумулятор, ура!

Эгамқулова:

— Қўймадинглар-да,— дея келин-куёв томонга йўналди. Собир бўйнидаги фотоаппаратни олиб, котибага эргашди.

Ултон билан Баҳор ўринларидан туришган эди.

Котиба булар қаршисида тўхтаб, тағин бир нима демоқчи бўлди-ю, гувоҳнома билан паспортларни Ултонга дангал тутқазди ва бўйнини чўзди. Ултон нима қилишини билмай узалди. Опа унинг манглайдан «чўлп» ўпиб, кифтини силади. Кейин негадир йиғламсираб Баҳорга интилди...

... уни роса «шимиб», қўлларини қисди.

— Бахтли бўлинглар! Худо урсин агар, чин кўнглимдан айтаётибман.

— Раҳмат, опа,— деди Баҳор. Ултоннинг наздида, келиннинг ҳам овозида йиғи бордек туюлди.



Сўнг бошини эгди-да, ичида кулумсиради: «Худо урсин агар... Атеистнинг қасами эмас...»

Ниҳоят (икки бор суратга тушгач), Эгамқулова тисланиб-бурилиб, яна микрофон қошига борди.

— Шуларнинг бахти учун... ана шу ичимликлардан оз-оз олишларингни сўрайман!

— Ура! Ибрат! Ибрат кўрсатилсин!— Мунди дарҳол бир пиёлани ароққа тўлдириб, унга етказди.— Қани, оқ қилиб берсинлар!

— Ҳе, уйингиз буғдойга тўлсин.

— Тўлсин, опажон! Жўжабирдай жонман!

Эгамқулова бир қултум ичиб:

— Уртоқлар! Даврани оборишни журналист укамиз Собиржон Тоҳировичга топшираман!— деди.

Собиржон:

— Раҳмат,— дея микрофонни таглиги билан кўтариб, адоққа кетди.

Ултон гангиб, қайси ичимликни очишни ўйлар экан, санъатчилар ўрнашган сўридан тушиб-йўртиб келган Наби:

— Поздравляю!— деб қўлларини кўксига қўйди. Кейин:— Сиз яхшими, янгабой?— деб Дунёдан ҳол сўради.

Дунёнинг ўрнига Баҳор жавоб берди.

— Сиз сўрагандан бери.

— Э, нима айб қипмиз, опажон?— Наби ўриндиққа тиззалаб чўкди.

— Юз сўмлик пул бўп кетдинг-ку!

— Хў-ў!— Наби ҳам ширакайф эди. Кафтлари билан бошини ушлади.— Янгаям биладилар-ку?... Тоғда қўтон номи борки, барини кўриб келдик. Қиш яқин...— Кейин дастурхонга тикилди-да:— Оббо!— дея ерга тушди.— Шуюм ўтириш бўлди-ю!

У ўртадаги шампан шишасини олиб, ҳалқасини буради. Зумда тиқин отилиб кетди.

— Қани!— Шишани ҳавода юргизиб, Дунёнинг у ёғида ўтирган қиз-жувонларнинг идишларига ҳам қўйди. Сўнг ароқни очиб, Ултондан бир ўрин нарида ўтирган меҳмонларнинг пиёлаларини ҳам тўлдирди. Ниҳоят Ултонга ва ўзига қўйиб:— Хў-ўш, аввало сизлар учун, сўнгра ў-ўзим учун ичаман! Чунки бу ерда мендан бахтлироқ одам йўқ! Ишонинглар, меҳмонлар!— дея ликқа ютди.

— Улмапти шу тости билан,— тўнғиллади Мунди.— Арақниям умрида кўрмаган экан.

— Йўғасам сиз қарашинг-да!— шанғиллади Наби. Ва меҳмонларга ишшайиб, қўлини кўксига босди.— Узр, бизлар ака-ука... Яна бир бор хуш кўрдик!

Вилоят газетининг маданият бўлими мудирини Тешабой Болтабоев:

— Хушвақт бўлинглар, — деди.

Ултон ўзини редакцияга ишга олдирган бу «оға»сига дуруст дилдорлик қилолмаётгани учун:

— Сизларнинг келишларинг ўзи — хурсандчилик!— деди.

Бу орада Баҳор пиёлани пастга олиб, Дунёнинг у ёнидаги аёл билан гап-лашмоқчидек орқадан қаради-да, ичди-қўйди. Сўнг дугонасининг кифтига туртди.

— Олсанг-чи.

— Набибой,— деди Дунё.— Анави коньякдан жиндек қуй менга.

— У, узр,— деди Наби.— Мен билмасам...

— Билмаганинг тузук.

Ултон ҳам пиёлани ярим қилди ва боягидек димоғи чоғ бўлиб... базмдан кўпроқ хузур қилиш, яқин кўрган кишиларига яхши сўзлар айтиш, ёмон кўрганларини, иложи бўлса, кечирришни ўйлай бошлади.

Собиржон у ёқда сайраб эди:

— Ҳурматли отахонлар, онажонлар! Районимизнинг раҳбарлари! Азиз

жўралар! Опа-сингиллар! Мен онт ичиб айтаманки, бундай тўйни биринчи марта кўришим!

— Отанга раҳмат!— деди Мунди.

— Устозимгаям раҳмат,— деб давом этди Собир.— Районимиз раҳбарларининг мундай саф бўлиб ўтиришларини биринчи кўришим. Жуда чиройли бўлар экан... Яна бир гап: куёвнинг базмига... қудаларнинг ҳам келиб, даврага файз қўшиб ўтиришлариниям биринчи кўришим.

— Тўғри, тўғри,— дейишди.

— Тағин бир нарсани алоҳида қайд этаман: неча йилдан буён ремонт қилинмай ётган «Крупская» момомиз бугун бамисоли келинчакка айланди! Бунинг учун район партия комитетига ва унинг бош секретари ўртоқ Тўқлибой Қўчқоровга, сўнгра «Оқсой»нинг машъал директори Бўтабой Сўпиевга миннатдорчилик билдирамиз... Энди, вилоят марказидан келган журналист акаларимизу санъаткорларимизга бир қаранглар!.. Бу — фавқулодда истисно тўйдир! Махфират опамиз адресларигаям...

Шунда Ултон тиззасида Баҳорнинг кафтини туйиб, тек қолди-да:

— Айланай,— деб шивирлади.

— Сиз билан... ўзимиз ўтиргим келяпти,— дея столга тикилди Баҳор.

Бироқ шунда Ултоннинг кўкраги оғриб кетди: «Каромат...» — Барибир, — деди ичида.— Унга сим қоқиш керак эди».

Собир:

— Бир жуфт ашула!— деб Хуррамга навбат берганидан кейин девона торни ҳамроҳига ушлатди-да, лўк-лўк юриб, келин-куёвнинг олдига келди.

— Менинг сўзим — ашула,— деди бир қўлини кўксига қўйиб. Сўнг бошқа қўли билан қўйнидан сопол ҳуштакдай ҳайкалча чиқарди-да, Ултонга узатди.— Маъбуда...— Сўнг Баҳорга қарамай давомини айтди:— Келин, бу — тумор...

Баҳор ҳайкалчага ўқрайиб қолган эди.

— Раҳмат, раҳмат,— дея бирдан Таракановга бурилиб қаради. Кейин яна санамга тикилди.

Хотин Худосининг ҳайкали жуда кичкина, бурни учган, кўкраги ғайритабиий отилиб чиққан эди.

Дунё ҳам бўйинини чўзиб қараркан, Хуррам:

— Бу — Она рамзи,— деди.— Шунинг учун муҳим аъзолари бўрттирилиб ясалган... Ҳар бир хонадонда — уйнинг тўрида турган бу. Қадимда...

Ултон ҳаяжонланиб кетган эди: ахир рўпарасида икки ярим минг йил бурунги обида турарди-да!

Ҳа: бу — Она-Ер тимсоли!

Ҳаётни давом эттирадиган...

...мўътабар Зот!

— Ултонбек, Баҳоройнинг ҳам сиз учун шундай санам бўлиб қолишларига ишонаман!

— Раҳмат, раҳмат,— деди Баҳор.

Ултон шу сонияда бир нарсани кашф этдики, ўз ҳаётидагина буюк-табиий ўзгариш бўлиб қолмасдан... ҳаётнинг бошқа айрим йўриқларига муносабати ҳам ўзгармоқда экан: ана, Қизил мозорда қандай ҳолатларга тушди?

Зикриёхон домланинг айтганлари...

Вой, Муҳаммад Алайҳиссалом умматларига шундай панд-насиҳат қилиб кетган экан, ахир...

... ундан фойдаланиш керак-ку?

Ахир, ўша ҳадислар икки жинсни бир-бирига занжирбанд қилади. Ва...

... бу алоқаларга илоҳий тус ҳам берадики, шунинг учун улар фақат мияга эмас...

...руҳга таъсир этади!

Демак, Аллоҳ бандаларни тўғри йўлдан юриш, ёлғон-хиёнатдан ҳазар қилиш, суйишганларни садоқатли-ҳурматли бўлишга чорлайди!

Биз эса...

Ултоннинг бу ҳаяжони-ўйларидан ҳайрон қолмаслик керак: илло у биринчи бор бундай ҳолатга тушган эди.

Унинг Аллоҳга, Ислом динию Муҳаммад пайғамбару у зотнинг ҳадисларига муносабати — бундай эди: Ултон инсоннинг руҳида ҳам, Ер куррасининг

сиртида ҳам (олам тортилиш қонуни каби) бир жозиба — бир буюк қудрат борлигига заррача шубҳа қилмасди. Ана шунинг учун унинг бу йўригдаги ақидаси шундай эди: «У қудратнинг номи — мусулмонлар учун «Аллоҳ» бўлса, насронийлар учун — «Бог». Пайғамбарлар номлари ҳам шундай: турлича...»

Бирок у тиловатдан ҳеч қачон бугунгичалик ҳузур топмаган, руҳан само-ларга учмаган эди.

Тағин: бор-борлиғи бугунгича қабармаган ва номаълум-сирли бир ни-малар ила тўлмаган, аини чоғда ўзини қушдай енгил сезмаган эди.

Ҳа, у Олий ҳаловат оғушида эди...

Қўшиқ:

...Боғимда шу оқшом жонон ўйнасин,  
Гулдай чиройига бўлай садаға,  
Очилиб-сочилиб чунон ўйнасин.  
Жўр бўлсин булбуллар чалган торимга,  
Қўшиқлар куйлайин вафодоримга.  
Тенги кам ўйинчи, тенги кам дилбар —  
Томошага келиб осмон ўйнасин...

— Миртемир шеъри, — деди Дунё ва Ултондан сўради: — Шундайми?

— Шундай.

— Охирги шеъриям қизиқ эди.

— Ҳа. — Ултон ҳаяжонланиб кетди:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

— Сизниям дардингиз кўп экан.

— Машраб эсга тушди.

— Ну-ка, послушаем.

— «Дард кўп, дардманд йўқ, душман кўп, ҳолим забун».

— Ау-у,— кулумсиради Дунё.— Чўлпоннинг беш-олтита шеъри бир алма-наҳда чиққан экан, изят қилишипти, деб эшитдим... Шу гап ростми?

— Бунга икки йил бўлди,— деди Ултон сўлғин тортиб.— Унинг «Халқ» деган шеъри яхши...

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исён-дир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Жим ўтирган Баҳор:

— Шуми халқингиз?— деб даврага қаради.— Шуми «ўч» оладиган, «исён» қиладиган халқ?— Пиёласини нарига суриб юборди.— Қўй-ку булар! Ултон титраб кетди. Чўнтагидан сигарет оларкан:

— Топиб айтдингиз,— деди.— Ҳолбуки, туркий халқларнинг бош онаси — бўри бўлган, дейдилар. Турк мифларида ҳам бу гап бор...

Баҳор унинг тиззасига яна кафтини қўйди.

— Мабодо айиқнинг ҳам алоқаси йўқми бизга?

— Билмадим,— деди Ултон.— Мен, масалан, айиқни жуда яхши кўраман!

— Уйингизда айиқ териси бор экан... Ростми?— сўради Дунё.— Бизнинг Зиёдулла ҳам шунақа нарсаларга қизиқади.

Ултон уф тортиб юборди.

— Келинлар, ўйинни томоша қилайлик. Узр, ҳали кўп гурунглашамиз.

— Ҳа, конечно,— деди Дунё.

Баҳор эса Ултоннинг тирсагидан қисиб, ўзига тортиб қўйди.

Шарофат рақс этар, Темир волгачи билан Наби қизнинг дўпписига (идора-да дўпписиз эди) қизил пуллардан қистиришар эди.

Шу пайт этакдан ҳарбийча қадам ташлаб келаятган қотма, кўзлари жонса-рак йигит микрофон қошига етди-да, қўлидаги пиёлани олдинга узатиб —

тўрга, сўнг Ултон билан Баҳор томонга, кейин Зокир Уриновлар тарафга қараб таъзим қилди.

— Философ,— деди Баҳор.— Энди давра қизийди. Маладес. Катталар-  
ниям аямайди.

— Справкаси бор-да,— деди Дунё.— Эй, шуни нафтентак дейдилар-да?

— Ўз фойдасини билади... Ким билмайди? Лекин ўз ишиниям яхши билади.

— Ким у ўзи?— сўради Ултон.

— Берди тентак-ку!

Ултон кулбасида... Мунди билан Собир айтган кишини хотирлаб:

— Эшитганман,— деди.

— Жиннихонанинг легишийи врач.

— У-ў.

Ултон ўша даргоҳнинг номини эшитса, юраги пўкиллаб турарди: у ерда соғ одамлар ҳам бор-да... Масалан, «Низомий» пединститутининг бир домласи «Ўзбек совет адабиёти» деган янги дарслик ёзгани учун ўша касалхонага тушган (редакцияда эшитганди), биров у одамни — «соғ» деса, биров: «Ўзида-ям бор эди. Жуда нервний эди...» дер эди.

Ўйин тугаб, Шарофат даврандан чиқди-ю, Хуррам ҳам шериклари билан чорпоёга қайтди. Ва Собир:

— Меҳмонлар, менинг ёнимда турган кишини танийсизларми?— деб ба-  
қирди.— Раҳмат... Ҳа, бу киши ҳаммамиз учун отнинг қашқасидек маълум ва  
машҳур дўхтир акамиз Бердиқул Урдиқулов бўладилар!

Чапак. Дўхтир яна таъзим қилиб, бош кўтарди.

— Гапирсин! Соғиндим мен...— деди Мунди.— Лекин сўз бермасанг ҳам,  
барибир гапиради!

— Албатта, оғажон,— деди Бердиқул.

— Ҳозир тўғри мадрасадан келяпсизми?

— Ҳа, оғажон. Биттаси қочган экан. Шуни излаб юрибман. Мана, насиба  
кўшилиб денг...

— Мадраса...— инжиқланди Ултон.— Қанақа мадраса бор бу атрофда?

Баҳор ҳайратланиб:

— Вой, чўлдаги-чи?— деди.— Полигонда бор-ку, Ғозибек мадрасаси. Тўғ-  
ри, чолдевор бўлиб қолган...

Ултон шошиб сигаретни тутатди: ҳа-ҳа, бир эски мадрасанинг вайроналари  
бўлиши керак...

Бироқ вилоят маркази билан Олатоғ тумани орасида ястанган чўл ҳарбий  
полигон ҳисоблангани учун у томонга ўтиш қатъиян манъ этилган эдики, Ултон...

...уни кўриш ҳақида ўйламаган ҳам эди.

— Мадрасага бу одамнинг нима алоқаси бор?— сўради у юраги сиқилиб.

Баҳор дугонасига қараб кўйиб:

— Ҳе, ўлиб кетсин бу... давлат,— деб ғингшиди.— Жиннихона мадрасага  
жойлашган-да. Нимага бақрайиб қолдингиз?

Ултон бун билмас эди.

Қолаверса, Хивада бўлсин, Бухорода бўлсин, ҳатто Самарқанду Ғузору  
Деновда ҳам баъзи мадрасалар — омборхона, ошхона (Деновдаги Саид Ота-  
лик мадрасаси мол бозори)... эканини яхши билган Ултонга биров шу гапни  
илгарироқ айтганда ҳам, у жуда ҳайрон қолмас эди.

Эҳтимол унда рамзий бир маъно кўрарди, холос...

Рост, редакцияда иш бошлаган пайтларида бу «муаммо»ларга қаттиқ  
киришган, хусусан юртнинг антик тарихи, бобида қатор эсселар ҳам битган эди.  
Бироқ эсселардан учтаси босилган, қолгани — қолган, бунинг устига дашном  
ҳам эшитган...

...энг даҳшатлиси — осори атиқаларнинг тезроқ йўқолиб кетишидан ҳоким  
мафкураю мутасадди арбобларнинг манфаатдор эканини уққанидан кейин  
йигитнинг руҳи тушиб, қўлёмаларини парча-парча қилиб ташлаган, нигоҳини  
тоғларга қаратган эди.

— Азиз райондошлар!— деб бошлади Бердиқул дўхтир.— Азизларим!  
Меҳрибонларим! Милие мойи!— бирдан авж олди.— Оламда энг гўза-ал  
нарса нима? Ҳаёт! Унинг қадрига ким етади? Аввало — мен!..— ҳиринг-ҳиринг  
кулги бошланди. Берди кўрмас-эшитмас эди.— Нимагаки, мен ҳаётдан, мана

шу нурафшон ҳаётдан бебаҳра инсонлар орасида яшайман. Мингтасини кўрдим!.. Ким бахтсиз? Ана улар бахтсиз? Хў-ў, азизларим,— деб дабдурустдан кўзлари ёшга тўлди. — Ҳиндуларнинг буюк пайғамбари Будда айтиб кетган экан: «Эй, фарзанд! Ҳарчанд оч бўлмагин, устинг юпун, бошпанасиз бўлмагин — барибир... ёруғ оламни кўриб турганинг учун шукрона айтишинг лозим. Чунки буни... кўрмаслигинг ҳам мумкин эди!» Яъни, туғилмаслигинг демоқчи... — У бўш қўлини мушт қилиб, кўзларини артки-да, яна хуруж қилди: — Кўриб турибман: бу қаторда ҳам, у қаторда ҳам бир талай такасалтанг ўтирипти! Бари ишсиз, бекорчи!.. Ана шунинг учун бу мунаввар ҳаёт буларга — адолатсизлик ва ҳақсизликдан иборат бўлиб кўринади! Кўзни каттароқ очмоқ лозим, ҳой, токи у... ёруғ оламни кўрсин! Ахир, ғамга ботиб, сил бўлиб ўлиб кетиш ҳам ҳеч гапмас.— У сал тин олиб, тўрга мурожаат қилди:— Бу гапга сиз нима дейсиз, отахоним Тўқлибой Қўчқор ўғиллари? Сиз-чи, Иван Иванович Суварак бобо ўғиллари?

Тўқлибой Қўчқоров пих-пих кулиб:

— Уроқдан ҳам тўғри!— деди.

— Сизга минг раҳмат, тўрам!— Сўнг у ўннга, сўлга ва орқага қараб олди.— Улуғларнинг гапи — гап! Улар ҳарқанча хато сўзласалар ҳам, бизнинг «тўғри»! деб турмоғимиз — ҳам қарз, ҳам фарздир. Чунки Пайғамбаримиз ҳам юрт эгаларини иззат қилмоқ лозим, деб айтганлар. Тағин шундай ҳикмат бор: «Сенга қуруқ таёқни — раҳбар деб қўйган бўлса, шу таёққа сажда қил!»

Собир микрофонга чертди.

— Регламент.

— Хўп, укажон!— Берди бирдан Ултон билан Баҳорга тикилиб ишшайди.— Буларга қаранглар! Тоҳир-Зухра, Лайли-Мажнун, Ширин-Шакар бўлиб ўтиришини кўринглар! Ҳой Султон бобомнинг ўғли! Мен сени танимасдим-у, билар эдим. Мақолаларингни ўқиганман. Бир-икки даврада ғийбатингниям эшитганман. Сени — «дарвиш, илм зўрлик қилган», девди биттаси. Бошқаси: «Зўр бир асар битаёпти! У тугаган куни рўёбга чиқади!» деди... Ўзинг тушунасан, ука, мен сенинг бу оламда ўйнаб-кулиб, эркин яшаб, зурёд қолдириб ўтишингни истаيمان, холос.

Микрофон яна чертилди. Бердиқул:

— Шусиз ҳам овозим етади,— деб олдинга чиқди.— Фақат бир илтимосим бор: ҳаёт мураккаб, сен ҳам мураккаб бўлмоғинг лозим!

— Гапингизни тушунолмадим,— деб юборди Ултон.

— Кейин тушуниб оласан.— Қўлини Ленинга ўхшатиб чўзди.— Ҳамма вақт сендай покиза инсонлар қийналиб яшаганлар, қийналиб ўтганлар!

— Ро-ст!— деб бақирди Мунди.— Мана, ўзинг ҳам жуда қийналиб ўтаяпсан!

— Йўқ, мен яшашни ўрганиб олганман,— деди Бердиқул.— Бировни алдайман, бировнинг бошини силайман. Ҳатто Иванниям — «милий мой!» десам, ювош бўлиб қолади.

Зокир Уриновлар қаторида — гиламга яқин ўтирган Махфират Эгамқулова:

— Бошқалар ҳам сўзлайди,— деди.

— Хўп, опажон... Энди, Кенжа бобомнинг қизлари, менинг коллегам Баҳорой!— давом этди у.— Сенга айтадиган битта гапим шу: эрингни ҳурмат қил! Унинг измида бўл! Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ҳам айтибдиларки: «Хотин — ибодатдан кўра, Эрининг хизматига тайёр турмоғи лозим!» Энди, охирги сўзимни айтаман: шарқ одами шарқона яшаши керак... Ўзбекона урф-одатларимизни қадрлашимиз, тилимизу динимизни маҳкам ушлашимиз керак!

— Раҳмат!— деди Собир.

— Катта раҳмат,— деди Эгамқулова ҳам.

— Секретарь опамизга ёқмади...— куйдирган калладай ишшайди дўхтир.— Ҳозир ёқади: мен «шарқона урф-одат» деганда бу кишига ўхшаган арбобларни ҳурмат қилиш, улар учун доим камарбаста бўлиб туришнниям кўзда тутаяпман, азизларим.— Сўнг бўғилиб уқтирди:— Ахир қадимда бир навкар ҳокимнинг ҳузурига жуда муҳим хабар билан келсаям олдин: «Бир қошиқ қонимдан кечсангиз?» деб илтижо қилар экан...

Ултон сигаретни ерга ташлаб:

— Тавба, — деди.

Баҳор илжайди.

— Шу гапларни рост деб ўйлаяпсизми?

— Ахир, бутун бошли фалсафа-ку бу?

— Лекин, — деб энгашиди Дунё. — Ночорликдан тўқилган фалсафа.

— Балки.

68.

Бердикул пиёлани бўшатиб, сўнг тўнқариб кўрсатди-да, орқасига қараб:

— Сарпо! — деди. — Бизнинг сарпони опкелинлар!

Турсунтош беқасам чопонни очиб чиқди.

— Марҳамат!

— Сиз зуккосиз, Шўро опа!

— Одамни кулдирманг! Бир нарса тилашингизни ким билмайди, оғажон? — деди Турсунтош.

— Фаросатингизга офарин!

— Қани, сарпо қутлуғ бўлсин?

— Қуллуқ-қуллуқ.

— Қаёққа?

— Мени кутишяпти.

— Ҳеч ким кутаётгани йўқ, — деди Мунди. — Яна битта тўйга боради!

Дўхтир тагин тўрга, сўнг ўнгу сўлга таъзим қилди-да:

— Бизга оқ йўл! — деди. — Айтмоқчи, азизлар! «Жинни қочди», деб алдадим сизларни. Мендан сўроқсиз қочиб бўпти!.. Лекин тўйга боришим рост!

— Йиғ! Уйинг тўлиб кетгандир?

— Барибир камлик қилади, Мундижон! — деб кулди меҳмон. — Хайр! Мана шундай кунларда учрашайлик!

Бердикул кетгач, Ултон яна ўша — дарслик ёзган олимни эслади, тўғрироғи у эсига тушиб: «Бу билади, — деб ўйлади. — Билади...»

Кейин ўша олимнинг жиннихонада ётган-ётмагани ростми-ёлғонми эканини сўрамоқчи бўлиб, Тешабойлар томонга қийшайган эди, доира яна гумбирлаб кетди, тор унга қўшилди-да, Хуррамнинг овози тагин атрофни тутди:

Кўрдим юзингни, девона бўлдим,  
Ақлу ҳушимдан бегона бўлдим.  
Тортиб жафони ўлсам кўйингда,  
Қайтмасман ҳаргиз — мардона бўлдим.  
Кавсар шароби ёдимга келмас,  
Лаъли лабингдан мастона бўлдим.  
Юмдим кўзумни сендин бўлакдин,  
Кечдим баридин, риндона бўлдим...

Ултоннинг кўзлари каттариб, бир нуқтада қотиб қолгандай тинглар экан, на ўйинни, на Хуррамнинг маъноли қараб қўяётганини кўрар, яланг ҳайрат билан: «Бу нима гап? — дер эди ичида. — Худди мени... менинг ҳолатимни ёзган! Вай, қисталоқ Машраб-е!»

Ултон иттифоқо Тўқлибой Қўчқоровга кўз отди-ю, унинг елкаси оша Махфират Эгамқулова билан гаплашаётганини кўрди. Кейин Бўтабой Сўпига энгашиб силқиниб кулди. Ва шунда кўзи Ултонга тушиб қолди-да, чап қўлини кўтариб, «ҳозир ўртага чиқаман!» дегандай қилди.

Ултон беихтиёр... илжайиб, қўлини кўксига қўйди. Кейин эса ўзидан фижиниб:

— Хон сўзламоқчи дейман? — деди Баҳорга.

— Шунинг учун анави жалаб борган экан-да, — деди Баҳор чирсиллаб. Сўнгра бирдан тайлоқланиб, эрининг елкасига елкасини тегизиб олди. — Узр, узр...

— Майли-ю, сўкинишни ёмон кўраман, — деди Ултон.

— Бўпти.— Кейин хўрсинди Баҳор.— Институтда олти йил ўрисча ўқисанг... Райондаям асосан ўрисча гапиришсанг...

— Сўкинишга алоқаси йўқ шекилли?

— Прямой алоқаси бор-да! Ана, Собирнинг олдига борди!

...Собир Хуррамга бир нима деганди, у бош ирғаб, қўшиқни тугатди:

...Машрабга май сун майхона ичра,  
Кечтим баридин — риндона бўлдим.

Зардўзи дўппи кийган миқти раққоса қистирилган пулларни ғижимлаб олиб, чорпоя томонга кетди.

— Олатоғ район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Тўқлибой Қўчқоров сўз айтадилар!— Собир анчагина расмий-тантанали эълон қилиб, қўли билан тўрни кўрсатди.

Чапак, олқиш.

Қўчқоров тўйган қўзидек эркаланиб ва ён-веридаги мулозимларга бир нималар дея ўрнидан қўзғалди. Микрофонни олди-да:

— Хў-ў, Султон ака!— деди.— Кенжабой ака, сиз ҳам бормисиз?

Кудалар ўринларидан апил-тапил туришди.

— Раҳмат!— деди Қўчқоров.— Айтинглар-чи, хурсандмисизлар?

Собир микрофонни таг-туғи билан кўтариб, уларга элтди.

Улар бир-бирига сал мулозамат қилдилар-у, Кенжабой ака микрофонга оғзини тутди:

— Шахсан менинг бошим осмонда!— деди.— Бу кун— менинг энг бахтли куним, райком бобо! Сизга мингдан бир раҳмат! Оёғига туя сўйсак ҳам келмайдиган одамсиз... Биз тушунамиз. Элимизнинг бахтига омон бўлинг!

— Ура!— деб юборди Мунди.

Яна чапак, олқишлар.

— Ўртоқ Қўчқоров,— деб бошлади Султон бобо.— Менинг оллоҳ таолодан ягона тилагим шулки, ўғлим Ултонбой билан келиним Баҳор бека кўпнинг қаторида ўйнаб-кулиб, ували-жували бўлиб, шундай тўй-томошалар ўтказиб юрсинки, ўша маъракалардаям ўзингиз бош бўлсангиз...

— Ў-ў-ў,— деди ҳиринглаб Қўчқоров.— Талаб шундай бўлса, илож қанча? Кулги. Яна чапак.

— Менинг бир оғиз сўзим бор,— деди кейин бошқотиб. Ва қоматини ростлаб, жиддий тортиб, меҳмонларга тепадан кўз тикди.— Бу ерда... ҳамма хурсанд! Анави меҳмонлар ҳам яйраб ўтиришипти!— Зокир Уриновлар қаторининг четида бетма-бет ўтириб бир-бирига гап бераётган дарбадар ўрисларга ишора қилди.

Уларнинг қошида қўлларини орқага қилиб турган Баҳром милиса дарҳол биттасининг елкасига қўлини қўйиб, Қўчқоровга қаратди.

— Аммо-лекин, ўртоқлар!— давом этди Тўқлибой Қўчқоров.— Бу даврда мендан хурсандроқ киши бўлмаса керак, деб ўйлайман!— Қийқирик, чапак, бўлиб кетди. — Ҳозир... Бунинг сабаби шундаки, буларнинг ҳар иккиси ҳам — Ултонбек ҳам, Баҳорой ҳам менинг ўқувчиларим! — Яна чапаклар. — Хўш, ҳозирги вақтда таълим-тарбия ишлари оқсаб қолаётир, ўқувчиларнинг савияси паст, деган гапларни тез-тез эшитишга тўғри келади... Шундай эмасми, ўртоқ Зокир Уринович?

Зокир аканинг кайфи жойида, аммо кўзларини чақчайтириб турарди.

— Шундай, ўртоқ Қўчқоров!— деди.

— Раҳмат... Лекин шуниси қизиқки, Ултонбой билан Баҳорой ўқиб юрган чоғларда ҳам худди шундай гапларни эшитар эдик. Шундай эмасми?

Ўзоқ Тўлаганов йўталиб қолди:

— Шундай-шундай!— деди.

— Демокчиманки, биз ҳамма вақт... ҳаётга ташна бўлиб яшаймиз! Талабимиз кундан кунга оша боради... Бу—бир жиҳатдан яхши! «Ҳаёт шу экан-да», деб хотиржамликка берилиш тўхтаб қолишдан нишона...

— Тўғри, тўғри!

— Энди...— Қўчқоров пиёлани қўлига олиши ҳамон бутун давра оёққа турди.— Азиз меҳмонлар!— дея (юк мошинаси устида тургандек) мурожаат қилди у.— Шуларнинг бахтли... мана шундай гўзал онлари беҳисоб бўлсин!

Бизга ўхшаганлар ҳам ўша онлардан баҳраманд бўлиб, буларнинг дуойи жони-ни қилиб юрайлик!— Шу пайт Бўтабой Сўпи унга бир гап айтганди—Қўчқоров бошини буриб, булкиллаб кулди-да:— Хуллас, бизнинг шу тилакларга қўшилган одамлар идишларини қўлларига олсинлар!— деди.

69.

...микрофон қошига келиб турган Хуррам девона шотирлари жўрлигида яна ашула бошлади:

Кўрсат жамолнинг мастоналарға,  
Ишқингда куйган парвоналарға.  
Мендин дуодир, сендин — ижобат,  
Жоним тасаддуқ жононаларға.  
Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,  
Қилғил назар сен бечораларға.  
Машраб сени деб, кечти жаҳондин,  
Бошини қўюб остоналарға.

Ултон тағин сўзлар сеҳрига тушиб ва негадир ўпкаси тўлиб аста-аста чай-қалар экан, бирдан хотинига қараб, ҳарир парда ҳамон бурнигача тушиб турганига эътибор қилди.

— Баҳор,— деди.— Юзингизни очиб ўтиринг...— Кейин эса, хиёл пушаймон еди: Баҳорнинг шундай соме бўлиб ўтириши беқиёс гўзал эди.

— Сиз шуни истайсизми?— Баҳор дафъатан шўхчанлик билан сўради.

— Агар мумкин бўлса...

— Берди тентак нима деди?— кўзлари қувлик билан жилваланиб шивирлади Баҳор:— Эрга хизмат қилиш — ибодатдан ҳам устун!

— Бўпти, оча қол,— деди Дунё ҳам.— Кошки, шу башарангни ҳеч ким кўрмаган бўлса!

— Башара эмиш...

— Шунча йилдан бери паранжи ёпиниб юрибмидинг?

— Уф...— Баҳор чачвон учини шартта кўтарди-ю, шу заҳоти туширди.—

Отангиз қараб турибди... Вой, Умидни қаранг, Умидни...

— Ичмаймизми?

— Ўзим,— деди Дунё.— Самообслуживания бўп қолди дейман.

— Мен қуяй,— деди Ултон.

— Ҳали сизгаям навбат келади.— Дунё ўзининг ҳам пиёласини ярим қилиб, тўрга қаради.

...Бўтабой Сўпи шу нигоҳни кутиб тургандек илжайиб, идишини кўтарди.

Дунё унга шифтни ва деворларни кўрсатгандай қилганди, Тўқлибой Қўчқоровнинг ҳам қараганини кўриб жилмайди, идишга ишора қилди. Сўнг Баҳорни туртганди, Баҳор ҳам мушт кетди мақомида эрини туртди.

Тўртовлон қадаҳларини ғойибона чўқиштириб, ичдилар. Дунё узумдан олиб:

— Суваракка қарамадим,— деди.— Ёмон кўриниб кетяпти... Бобом миссионер ўтган деб мақтанади-ю, ўзи шовинист! Падарингга лаънат. Ҳаммани алдаб юрипти...

— Бировни ёмон кўриб қолсанг — тамом, а?— минғирлади Баҳор.

Ултон тағин сигарет тутатди ва юраги сиқилиб кетди: «Булар мунча билафон... Мен соддаман. Ўзимни ҳаммадан ажратиб, ёт бўлиб қолганман.

Мана, базм ҳам тугайди...

Шошма, ҳаётим қандай кечади... кейин? Қаерда яшаймиз?

Кулба Баҳорга... ёқмайди.

Э-ҳе, бунинг уйчаси олдида у — бир бостирма-ку! Йўқ: бунинг учун у — экзотика.

Мен учун эса...

Уни тарк этиш...

...даҳшат!

Бу иморатда яшашнинг ҳам қизиги йўқ! Қолаверса, буям — Баҳордан йироқ...»



— Энди сўз Оқсувнинг сардори Бўтабой Сўпиевга!

«Миллионер» ўрнидан тураркан, микрофонни қўлига олди.

— Олис-яқиндан келган, ҳурматли меҳмонлар!— деди, афтидан, ўзининг мезбон эканига урғу бериб.— Тўқлибой Қўчқоровичдан кейин гапириш оғир бўлсаям, бир оғиз сўзлашни лозим топдим. Хўш, биринчидан, келин-куёвга тинч турмуш, ўзаро ҳурмат ҳамда аҳиллик тилайман.

— Яшанг!— деб юборди Мунди ҳушёр тортиб кетиб.

— Чапақлар!— деб қўйди Собир.

Бўтабой Сўпи давом этди:

— Иккинчидан, сизларга сапхўз правлениясининг қарорини эълон қиламан... Мана, оқсувликлар биладики, сапхўз марказида илгари медпункт бор эди. Баҳорой Кенжабоева келганларидан кейин медпункт амбулаторияга айлантирилди. Бунинг учун райздрав мудири Қўлдош Мўминдан ҳам миннатдор-миз...— Бош врач тиржайиб қўзғалаётган эди, директор қўлини пасайтирди.— Хў-ўш, мана энди қарангки, Баҳорой бизга келин ҳам бўп қолдилар. Шунинг учун сапхўз правленияси ўйлашиб, қарор қилди...

— Эшитамиз!

— Баҳорой келганларидан кейин амбулаторияга ёндоштириб бир ҳужра қуриб, уни жиҳозлаб берган эдик. Мебель-себел билан...

— Балли!

— Лекин бу гапларни ёзиб юрманг, Мундибой!— деди Бўтабой Сўпи.

— Езмайинми? Езмайман!

— Мана, бугун келинимиз куёвнинг уйига йиғиштириниб келди ҳисоб.

Тўғрими?

— Фақат сепини кўрмадик-да, директор бобо!

Баҳор чачвонни кўтарди. Ултон унинг билегидан ушлади. Дунё:

— Узингни бос,— деб шивирлади.— Буёғини эшит. Биламан, сенда бор.

— Шу жиҳозларни Баҳоройга тубли берган бўлсак, сеп ўрнига ўтадимми?— сўради Бўтабой Сўпи ва...

...гулдирос қарсак бўлиб кетди.

— Шундай қилдик!— давом қилди директор.— Правлениянинг қарори шу эди. Энди айтмоқчиманки, хоҳласалар — бу ерга келтириб олсинлар, хоҳласалар — ўша ерда тураверсин. Хўш, хоҳлаганда — бу ерда, хоҳлаганда — у ерда яшайверсинлар. Ихтиёр ўзларида.— Сўпиев рўпарасига келиб, ўзини суратга тушираётган Собирга илжайиб қўйди-да, жойига ўтираётган эди, Тўқлибой Қўчқоров унга тағин бир нима деди. Ва директор вазмин кулиб, олдидаги пиёлани олди.— Хуллас, шу камсамол келин-куёвнинг соғлиги учун... ҳар ким кўтарганча олсин.

Давра тағин чапақ, кулги, олқишларга тўлди.

— Яшанг, директор бобо!

— Тоза кенг одам-да!

— Камлик кўрманг...

Ултон гангиб, шу билан баробар кўнглининг тубида нотаниш, аммо малолли завқни туйиб, Баҳорга эргашиб қўзғалди. Қўлида қадаҳ. Бўтабой Сўпига қаради-ю...

...отаси учун миннатдорчилик билдирилиши керакка ўхшаш туйғуни ҳис этди.

Сўнг: «Нима учун?— деди алам билан.— Отамнинг тили қисиқ эмас-ку бундан? Керак бўлса, олсин ўша депутатлигини... Йўқ, отамга ёқади,— деди кейин сўлиб олиб. Кейин эса Бўтабой Сўпининг «правление қарори» дегани наша қилиб кетди.— Ким билмайди бу махинацияни, а?

Директор ўша мебелларни тухфа қилмоқчи бўлган, холос. Ўзини яхши кўрсатиш учунми...

Менгаям, «яқин бўлайлик», девди...

Умуман, шунча нарсани тухфа қилиш ўзи — ғалати!.. Ё бундай қилишним

Тўқлибой Қўчқоров айтганми?

Нима бўлганда ҳам Бўтабой Сўпи бир-икки шотирини чақириб, гап шундай-шундай деган. Улар нима дейишади? «Хўп, директор бобо!» Улардан нима

Ўжетади?

Директордан-чи?

«Карнайчидан — бир пуф!»  
Халқ эса...  
...қаранг, ҳозир ҳам чапак чаляпти!  
Вей, халқ билмайдими...  
...бу лўттибозликни?  
Аъло даражада билади!  
Лекин «шундай бўлиши керак», деб ўйлайди.  
Аттанг».  
Ултон жойига ўтирди-ю, гўё ўзи ҳам бу ҳолга бўйин эгди.  
Аммо шунда Мундининг «сеп» ҳақидаги гапи ёдига тушиб, фиғони чиқди.  
— Менга нима кераги бор!  
— Нима-нима?— сўради Баҳор.  
Ултон ўйини овоз чиқариб айтган эди.  
— Кечирасиз.  
— Мен ҳаммасини опкелтираман. Эртагаёқ!— деди Баҳор.— Бунинг учун  
ўша буюмлар — копейка.  
— Баҳор...  
— Ҳа.  
— Уша ерда тура турсин.  
— У, орингиз келдими?  
— Буям бор... Лекин унинг таклифи менга маъқул тушди.  
— «Ҳам у ерда, ҳам бу ерда?»  
— Ҳозирча.  
Баҳор бошини эгиб қолди-ю:  
— Яхши,— деди.— Сиз — эрсиз.  
— Йўқ, мен...  
— Тушундим.

70.

...Шу пайт орқа томонда тасир-тусир бўлиб қолди. Ултон бурилиб, Ашимни кўрди: у оғзига қўлини тутиб, энгашиб кетмоқда эди. Берироқда Умид қўлини белига тираб турар эди.  
— Укангиз. урди...  
Баҳор ҳам қаради-ю:  
— Да, ну!— деди.— Ичишган-да!  
— Ашим укангизни мақтар эди.  
— Қўйинг, шу исқиртни!— Баҳор ўнгланди-да, яна бутун гавдаси билан эрига ўгирилди.— Нима деб мақтар эди?  
— «Мард» деб...  
— Шу бола атрофингизда кўп уймалашади, а? Сизнинг тенгингиз эмас-ку у?  
— Гап бунда эмас. У самимий...— Ултон шундай деди-ю, Ашимнинг «ўн саккиз яшар» қизга уйланиш ҳақидаги «таклиф»и эсига тушиб, яна нафратланиб кетди.— Балки, сиз ҳақдирсиз...  
— Аёл сифатида менинг ҳам жиндак ҳуқуқим бўлса, эртадан бошлаб у бу ерга қадам босмайди.  
— Баҳор...  
— Гап битта.  
— Унга раҳмим келади-да.  
— Билиб қўйинг, бу дунё раҳмдиллар дунёси эмас!— Баҳорнинг кўзлари қандайдир ёсуман нигоҳидек йилтираб кетди.— Ишонаверинг, хўжайин,— деди кейин бўшашиб.— Кўнглингизга олманг-у, «дарахтнинг бўшини қурт ер экан».  
— Сиз ҳам файласуф,— жилмайди Ултон.— Кечирасиз, сиз...  
— Хўш?  
— Мунча?  
— Смелее!  
— Мен бўшман...  
Баҳор кулиб унинг билагидан тутди.

— Шунинг учун сизни яхши кўраман,— деди эҳтирос билан.— Сиз — биттасиз!

— Шунинг учун мени... асрайсиз?

— Албатта! А, сиз-чи?

— Мен пойингиздаман.

— Воҳ!— Баҳор яйраб кетиб Дунёга юзланди-ю, ўкрайди.— Мунча серёз-ний бўлмасанг? Нимани ўйлаяпсан?

— Кўп нарсани.

Ултон беихтиёр ортига қараб қўйди. Умид йўқ эди.

Навбат яна санъаткорларга теккан, Хуррам «Тановор»ни чертар, ўйинчи тағин хиром этар, калласи «қизиб қолган» ёш йигитлар ҳам бир-бирини тортиб ўртага туша бошлаган, «пулдор»лар ҳам кўпайиб қолган эди.

Қизиқ-да шу халқимиз!

Ёнида ҳалиги исқотидан бўлганда, уйига меҳмон келди дейлик: сочади!

Тавба, ўзини бой-бадавлат кўрсатмоқчи бўладими? Ҳолбуки, эртаси куни қозон сувга ташланиши мумкин... Бундан у ўкинади ҳам. Бироқ, «ишқилиб, меҳмонлар хурсанд бўлиб кетди-ку», деб ўзига таскин беради-да, шу билан янги меҳмон кутиш учун яна бел боғлайди...

Ашулачи, ўйинчига пул қистириш одатиям ғалати: шундай қилиши керак — вассалом!

Гўзал рақсни томоша қилиш ҳам, ёқимли қўшиқни эшитиш ҳам — текин бўлмаслиги учун шундай қиладими ёки завқи ошиб тошгани боис ўзидан кечадами?

Балки санъаткорни рағбатлантириш учундир? Буям бор-у...

...лекин барча сабаблар жамулжамигина, унинг борлигини ифода этиши мумкин.

Минг-минг йиллардан буён аҳвол шу...

...биноқ Шўро ҳукумати оёққа туриб олгандан буён танқид қилинади: икки куннинг бирида бирон газет ё журналда бу борада ўқиш мумкин.

Ултоннинг кичик онаси билагига талай матоҳларни ташлаб чиқиб, ўйинчиларга оралади-да, раққосага шойи рўмол ёпди, Хуррамнинг белига қийиқ боғлади, доирачига дўппи кийгизди, четларига попук тикилган рўмолчаларни йигитларга улаша бошлади.

Ултон жилмаяр, Баҳор мамнун, Дунё мийиғида кулумсираб, ўртани куза-тишар экан, микрофон олдида пайдо бўлган Махфират Эгамқулованинг оташин овози эшитилди:

— Уртоқлар! Бир минут!..— Чолғучиларнинг уни ўчиб, ўйинчилар тек туриб қолишди.— Уят... Уят бўп кетди-е!— деди.— Ахир, комсомол тўйи-ку бу? Бу ерда қандай раҳбарлар ўтиришипти? Уят қилиб кетишади-ку бизни? Ҳамон эскилик ботқоғида экан-да, деб?

— Ўйин-кулги ботқоқ эмас,— деди Мунди бурилиб.

— Кўрмаяпсиз-да!— жеркиб берди Эгамқулова. Сўнг боласига ақл ўртаётган она оҳангида:— Бас қилинглар пул қистиришни,— деди.— Тўйимиз бузилмасин... Ахир, бу энг ибратли, намунали тўй-а!

— Жуда тўғри айтасиз!

— Энди, азизлар, бу масаладаям ибрат бўлмасин бу тўй.— Сўнг Хуррамнинг кифтига қоқди.— Марҳамат, укажон! Даврани қизитинг, ўзим ҳам ўйнаб бераман... Райком секретариям ўйинни билади!

— Ҳа. Ўй-нашни билади, — мастликка солибми, ғулдиради Мунди.— Ўйнаш яхши...

Баҳор ҳиринглади. Дунё чорпоя томонга кетаётган Эгамқулованинг ортидан тикилиб:

— Мен уни даврадан чиқариб юбораман,— деди.— Сен жим ўтир, бунинг йўли бор.— Сўнг Ултондан сўради:— Қоғоз-қалам топиладими?

Ултон кавланиб қолди.

— Ҳозир...— Енига бурилиб, Болтабоевга жилмайди.— Тешавой ака, блокнот борми? Бир бет...— Маданият бўлими мудирини чапдастлик билан қўйин дафтариини чиқарди.— Ручка...

— Раҳмат.

Дунё қоғозни стол четига қўйиб, йирик ҳарфлар билан ёзди:

Сўнг уни буклаб ёнидаги жувонга берди:

— Қўчқоровга.

Жувон кўшнисига узатди: «Қўчқоровга». Қўшниси қўшнисига. Ниҳоят, хат эгасига етди.

Тўқлибой Қўчқоров ўқиди-ю, бу ёққа ялт этиб қаради. Сўнг қиҳ-қиҳ кўлиб, хатни Бўтабой Сўпига кўрсатди. Кейин даврага аланглаб, Зокир Уриновнинг орқасида турган Одил миршабни имлади.

Миршаб атай: «Меними?» дегандай бошмалдоғини кўксига қадади-да, қатор ортидан йўрта қолди. Ҳадемай бош котибнинг ортидан келиб, бошини эгди.

Қўчқоров унга бир нима-бир нима деди. У жиддий тинглаб, бирдан иш-шайган кўйи бош ирғади.

Сўнгра Қўчқоров Таракановга бўйнини чўзиб нимадир деганди, у ёнидагиларга етказди. Улар секин-секин нарига сурилишар экан, Иван Иванович Тўқлибой Қўчқоровга бир гапни уқтирди-да, ўрнидан турди.

— Арининг ини бузилди,— деди Баҳор.

— Ҳозир томоша кўрасан,— деди Дунё.

— Э, э, унга қара... Суварак келаяпти-ку!

— А-а-а. Кетмоқчи. Гапини эшит. Хўп де...

— Нима-нима?

— Сабр қил.

71.

Тараканов яна ўйинга тушаётганлар орасидан ўтиб, буларнинг қаршисига келганда, Собир ҳам аппаратини чоғлаб, етиб келди.

— Туринг-туринг,— шивирлади Баҳор ва Ултон пәришонҳол ирғиб турди.

Иван Иванович бир қўлини кўксига (панжаларини ёзганча) босиб, бирини Ултонга узатди.

— Табриклайман, Ултан!— иссиқ табассум қилди. Сўнг Баҳорнинг қўлини ўпти-да, қўлтиғидан сувқоғозга ўралган катта китобни олиб узатди.

Муқовада «Алмазный фонд СССР» деб ёзилган эди.

— О-о-о!— Альбомни Дунё олди.— Иван Иванович, жуда дидли одам-сиз-да!

Тараканов:

— Ну зачем?..— деди уялиб. Сўнг:— От всей души поздравляю,— деб бошини эгди. Кейин Ултонга боқди.— Она прекрасна! Вы—счастливый человек. Поздравляю!.. Оказывается у нас общего есть...

— Ўтиринг, Иван Иванович,— деди Баҳор. Ва эрига шивирлади.— Қуйинг

— О, йок-йок,— деди Иван Иванович.— Вы же знаете... Я хотел пригласить Вас обоих к себе,— давом этди илжайишини қўймай. Сўнг Дунёга қараб олди.— Они тоже приедут. Мама приехала из Ленинграда...

— Хў-ў!— қизалоқдек қувнаб деди Баҳор.— Име-ни-на?

— Да, но, биз...

— Биламиз!— деди Баҳор.— Райондаги квартирангизга бориш керакми

— Нет. Мама любит тот сад... Салдатлар тухтатса, мени айтасиз...

— Каждый своим ходом,— деб қўйди Дунё.

— Пожалуйста.

— Раҳмат, Иван ака!

Тараканов эгилганча изига бурилди. Сўнг тикка бўлиб ўйинчилар орасиг кирганда киссасидан иккита йигирма бешталик чиқариб, бирини раққосаг тутқизди. Бирини Хуррамга узатганди, у рад маъносида бош қимирлатди Тараканов уни дуч келган йигитга бериб, ўтиб кетди.

— У, кучингдан,— деди столнинг адоғидан кимдир.— Улоқни опкетди

— «Сайёра»ни эшитганмисан?— ғулдиради Мунди.— «Маккора экан ме

дек...» Дод, арбобларнинг соғлиги учун битта олайлик! Ҳе, Тешавой ака...  
Ҳаёт мана шундай...

— Бу одамни марказдаям кўплар танийди,— деди Болтабоев.

— Бу ерда... Ҳ-ҳ-ҳ! Лекин шу ерга келди-я? Таъзимниям болади...

«Ҳа-ҳа,— деди Ултон ичида.— Шу ерга келди... Райкомнинг иккинчи секретари!

Айтишларича, унинг районда аралашмаган иши йўқ... Шундай катта одам бизни уйига чақирса...

Вей, биз киммиз ўзи?

...Тўғри, биз мустақил инсонлармиз!

Аммо улар учун аслида — ҳеч киммиз-ку?

Айниқса мен...

Ҳа-ҳа: Баҳор туфайли...»

— Эй, Баҳор.

— Уни қаранг, уни...— шипшиди Баҳор.— Махфират опага қаранг!

Котиба Тўқлибой Қўчқоровнинг рўпарасида — даврага орқа ўгириб ўтирар, қўлида пиёла, бир нима деб нозланар, Қўчқоров билан Бўтабой Сўпи эса, унга далда беришар эди. Оқибат Эгамқулова пиёлани паққос бўшатди-да, эгилиб қолди. Сўнг Тараканов санчқида узатган газакдан чимдиб, аста ўрнидан турди. Эркакларга бир нима деб, бурилди. Ва столлар туташаман деб турган жойдан чиқиб кетди.

— Капут,— деди Баҳор.

— Эси бўлса, шу ерга бир келади,— деди Дунё.— Ўзи жуда слабий...

Баҳор эрига кўз ташлаб олди-да:

— Менга барибир,— деди.— Тўйни бузмаса, бас... Тавба. Идеолог эмиш...

— Одил миршаб қаерда?

Баҳор ҳиринглаб кулди. Тағин эрининг тирсагидан қучди-ю, чоллар томонга кўз отиб, дарҳол қўлини тортди.

— Айтмоқчи, бир нарса демоқчи эдингизми?

Ултон эслади.

— Ҳа.

— Қулоғим сизда.

— Сизни... сизни ҳамма танийди, а?— деди Ултон савол маъносида ҳайрат билан.— Мана, иккинчи секретар ҳам...— «Райкомнинг олдиаям қўлини ўпган эди...»— Билдим: чучмал одам экан. Ёки ўлгудек айёр...

— Унинг яхши томонлариям кўп,— деди Баҳор.

— Кечирасиз, сиз улар билан қандай бўлиб мунчалик...

— ...яқинсиз?

— Ҳа.

— Кўзга яқинман-да.

Ултон сапчиб тушгандай бўлди.

— Кечирасиз...

— А, нима? Нега яқин бўлмаслигим керак экан?— Ултонга тикилди у.— Ўзлари яқин бўлишгандан кейин? Районда педиатр врач — битта менман. Желтуханинг сони мингта...— У қандайдир титраб кетди.— Бари, бари...

— ...гербициддан топган.

— Ҳа!— деди у кескин.— Бу нарсани ёйиб бўлар эканми? Тушунмагандай гапирасиз!

Ултоннинг юраги гурс-гурс уриб, унга анқайиб сўради:

— Шу тўғрида дўхтирхоналарга «секретний хат» келгани ростми?

Баҳор чуқур-чуқур нафас олиб, жимиб қолди-да, қандайдир овози олиниб:

— Рост,— деди.— Улиб кетсин... Бошқа диагноз қўйишга мажбурсан...—

Кейин бошини кўтарди.— Ҳамма ерда шундай. Бутун республикада!— ўзини оқламоқчидек илова қилди-да, бундан баттар алами келиб кетдими: — Пахта теримидан кейин яна кўпаяди!— деди.— Уёғини сўрасангиз, Тошқўрғон... қишлоғингиз одамлариям бежиз кўчирилмаган!

— Радиация...

— Ҳаммаёқ — қалбакилик... Кечирасиз, одамни қийнайдиган саволларни берманг... Анавини томоша қилайлик. Ҳали замон тугайди...— Кейин бир-

дан кулумсиради.— Ақлли одамлар ҳаётга— «Бори шу», деб қарашар экан. Тўғрими?

— Ҳам «тўғри», ҳам нотўғри.

— Тушундим. Лекин бунӣ ўзгартириш... халқнинг қўлидан келмайди!

— Келмайди-ю...— Ултон ўртаниб кетди.— Дунёхон,— деди бўйнини чўзиб.— Чўлпоннинг «Кўнгил» деган шеърӣям бор.— Сўнг Баҳорға майин боқди.— Яхши шеър...

— Айтинг-чи! Биласизми?— деди Дунё.— Шунча мақташади. Биз билмаймиз...

Ултон томоқ қириб, бошлади:

Кўнгил, сен мунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?

— Ана холос!— деб юборди Дунё.— Гап бу ёқда денг! Эшитдингми, ҳой!

— Ўша шоир отилганми?— сўради Баҳор.

— Ҳа.

— Шу-да...

— Зўр экан,— деди Дунё.

— Хулласи калом, мана мундан жиндак-жиндак олиб, вақти хушлик қилиб ўтиришимиз керак!

— Мен қуяман,— деди Дунё.

— И-е, анавини кўр!

Эгамқулова йигит-қизлар орасида қўлларини сермаб-сермаб айланар, Одил миршаб уни тутмоқчи бўлар эди. Тирсагидан ушлаб олди-да, давра адоғига қаратиб тортди.

Опа икки-уч қадам босгач, силтаниб унинг қўлидан чиқди-ю, маъносиз кўзларини...

...Баҳор билан Ултон томонга тикиб:

— Эҳ, менинг келин-куёвим,— дея довдираб кела бошлади.

Унга эргашган Одил миршаб: «Бундай гаплар бўлади-да!» дегандай:

— Қалай ўтирибсизлар, меҳмонлар? Камчилик йўқми, мухбир? Ў-ў, келин-куёвни табриклаймиз!— деб кулди.— Шу ердаям биз постдамиз, кечирасизлар...

— Опа?— деди Мунди қайрилиб қараб.— Дори еган тараканга ўхшаб қопсиз-ку, опажон? Ўтиринг бу ерга! Дод! «Соғиндим мен, соғиндинг-му?»

— Малчи!— деб қўл силтади Эгамқулова ва Ултон билан Баҳорнинг қаршисидаги бўш ўриндиққа чўкиб, оёқларини бу томонга оширди.— Милиса, ўтиринг... Мен мана бу жигарим билан икки оғиз...

— Опа! Битта олайлик!— деб Мунди қуруқ пиёлани узатди.— Ҳа, миршаб? Олайма менга... Устингдан ёзаман область газетига. Мана оғайниларим...

— Ёз, ёз,— деди Эрматов котибанинг ёнига чўкаркан. — Хурсанд бўламан!

— Йиғлайсан!

— Одам хурсанд бўлганидан ҳам йиғлаши мумкин.

— Мен сени танқид қиламан-ку!

— Ундай бўлса, Мунди деган алкаш мухбирниям қўшиб танқид қиласан.

— Ҳе-е, сенлар...

Котиба столга мушт урди. Идишлар жиринглаб кетди. Хотин маъбудаси сакраб тушди. Ултон уни олиб, бағрига босди-да:

— Хуш кепсиз, опа,— деди.

— Кечирасан, мен... шу ердаман-ку? Нега «хуш кепсан?» дейсан?— Кафтини манглайига босиб, тирсагини столга тиради.— Мени ичиришди...— Бирдан кўзи олайиб тўрга қаради. Кейин эста Дунёга тикилиб қолди-да:— Узр, ўзим айбдор...— деди. Сўнг Баҳорға юзланиб турди-турди-да, кулиб юборди.— Ҳе, зўрсан, келин! Сенга беш кетдим!

— Нима учун?

— Уни ўзинг...

— Ундай бўлса, мен ҳам сизга беш кетдим, ўртоқ секретар!— деди Баҳор.— Сиққанича ичиш керак!

— Вей, менга ичиришди-ку? Ана, катта... хон, бек... Улар шундай: одамни жинни қилиб юборади. Кейин ўзлари кулиб туради... нақа.

— Улар оғзингдан...

— Баҳор!— деди Ултон.

— Йўк, йўк,— деди Эгамқулова.— Баҳордан хафа бўлма...

— Раҳмат,— деди Баҳор ва Одил миршабга зимдан қараб: «Опкетинг!» ишорасини қилди.

Эрматов бош ирғади-да, котибанинг тирсагидан ғижимлаб қўзғалди. Опа пешонаси тиришиб кетди. Шу бўйи ўриндиқдан у ёққа ўтди.

— Кечирасизлар... Лекин мен ўйнасам, анави жинқарча қочиб кетади.

— Сиз ўй-нашни қотирасиз!— деди Мунди.

Одил миршаб опани қўлтиқлаб жиларкан, бўш қўли билан Мундининг елкасига туртди.

— Камроқ ич. Витризвителда бўш жой бор.— Анави ерда иккита милса турипти: худо деб...

— Э, бор-е!

— Хўп. Давра бузилмасин. Кейин гаплашамиз...— У марказлик меҳмонларга илжайиб қўйиб, тагин кимларгадир гап отиб, Эгамқуловани қўйвормай қурдан чиқиб кетди.

— Витризвител... Ушани обор! Ушани!— бақриб қолди Мунди.— Ҳа, оборасан. Уйига оборасан...

## 72.

Ултон мийғида кулумсираб: «Идеология котиби-я?» деди. Бироқ у аёлга ичдан ачинаётганини ҳам ҳис этар, шунинг учун бу ҳолатга дош беролмай, бошқа нарсага чалғишни истар эди.

Аксинча, Қўчқоровнинг опани авраб ичираётгани кўз олдига келиб: «Қандай шафқатсиз одам!»— деди.

Элдан ҳам уялмайди...

Бу ёқда ҳамма кўриб турипти!

Қизиқ: одамларгаям қайтамга эрмак топилгандай бўлди... Уйламайди-я?

Ёки: «Баттар бўлсин!» деганими бу? Шунда таъмир бошланадиган куни чойхонада Бўтабой Сўпининг Эгамқулова устидан кулгани эсига тушиб кетди. — Ё опаниям эти қотиб кетганми?

Бундай десанг, ҳали йиғлағудай бўлди...— Сўнг Баҳорнинг у билан айтишиб қолаётганини эслаб:— Буларнинг орасида илгаридан бир гап ўтган...— деди.— Ҳа, ўзлари тушунадиган узук-юлуқ гаплар қилишди...

Шўрва тортилди-ю, Зокир Уриновга сўз берилди. Ултон безовталаниб қолди: домла эрталабдан ича бошлаган эди...

Хайрият, буёққа чиқмади: бир қўлини столга тираб, бирини узатди.

— Микрофон!

Собир тагликдан овоз кучайтиргични олиб борди.

— Гапиринг, домла! Тутиб тураман. Интервью олавериб ўрганиб кетганман.

Ултон фаҳмладики, микрофонни берса, домла кўп гапириб юборади, ёки тушириб-пушириб...

— Яхши,— деди Зокир Уринов. Сўнг ичкилик таъсир этмаган қўнғирқодек овози баралла янграй кетди:— Ўртоқлар! Оила — жамиятнинг ячейкасиди! Шу маънода ҳозирги вақтда оилаларнинг бузилаётгани авж олиб кетдики, бу ҳол жамият учун ўткир сигналдир!

— Дуруст,— деб қўйди Дунё.

Ултон Жан-Жак Руссонинг «Умум шартнома» асаридан Маркс «конспект» қилган ва кейинча унинг номига ўтиб кетган бу фикрни...

...қонун деб билар эди: зеро, оламдаги талай улкан ёзувчилар бутун бошли жамиятнинг ривожини ҳам, инқирозини ҳам — ана ўша битта оилани тасвирлаш орқали...

...кўрсатиб берганлар.

— Ултонбек билан Баҳоройнинг оиласи социалистик жамиятимиз пой-

деворидаги қулаган ғишлардан бирининг ўрнини босади, деб ишонч билди-  
раман!

— Раҳмат, домла,— деди Собир.

— Яна бир гап: буларнинг қадами бизнинг мактаб учун қутлуғ келди!..  
Уйлайманки, Баҳоройнинг қадами бу хонадон учун ҳам қутлуғ бўлади.

— Ултон акамнинг қадами-чи?

— Ултоннинг қадами ҳам, шубҳасиз, Кенжабой акаларнинг оиласи учун  
қутлуғ бўлади!

— Саломат бўлинг.

— Шошилма, э... Ундан қуй! Уртоқлар, ушбу қадаҳни ана шу икки ёшлар-  
нинг оиласи мустаҳкам бўлиши учун олишни таклиф этаман!

— Ура!

...Навбат Қўлдош Мўминга тегди.

— Бизнинг ҳамкасбимиз Баҳорой Кенжабоева билан собиқ пациентимиз  
Ултонжон Султоновнинг висол оқшомларида иштирок этаётганимиздан беҳад  
бахтиёрмиз! — деб гап бошлаган боштабиб уларнинг таърифига тушиб кетди:  
Баҳоройнинг район марказидаги «иссиқ»қина ўрнини совутиб, Оқсувга, яъни  
«Камчатка»га келиб «фидойи»лик билан ишлаётганини Қорақўтон чўлини  
(полигон унга туташ) ўзлаштирган «чўлқувар»лар меҳнатига ўхшатди: чўлқу-  
варлар чивинга таланса, амбулаториянинг атрофида ҳам — чивин бор. Чўлқу-  
варлар «ертўла»ларда яшашган бўлса, Баҳорой ҳам ғариб бир «ҳужра»да  
яшаётир. Чўлқуварлар тонг саҳардан кун ботганга қадар тер тўкишса, Баҳорой  
«круглосутко» ишлайди: ахир, ёлғиз ўзи...

Ултонбек ҳам — ўз «соҳаси»нинг фидойиси: чинакам табиатшунос, табиат  
химояси учун шу қадар «жон куйдиради»ки, ҳатто браконьерларнинг ўқидан  
ҳам «кўркмайди». Хайрият, дўхтирлар — аввало, Баҳоройнинг «хушёрлиги»,  
сўнгра «бошқа»ларнинг «чаққонлиги» туфайли «ажал ўқлари»дан халос бўлди.

Қисқаси, булар бир-бирига лойиқ ҳамда «юлдузлари бир-бирига тўғри  
келган...» — Бизнинг истагимиз ҳам, нақазимиз ҳам шулки, — деб сўзини якун-  
лади: — Бу қишлоқдан беморлар жуда-жуда оз чиқсин, чиқмаса — ундан яхши!

«Муттаҳам,— деди Ултон.— Ўша «махфий хат» олдин сенинг қўлингга  
тушгандир...

Касалнинг сабабини яшириб, унинг кўпайишига йўл очаётган ёвузлардан  
бири ўзингсан-ку?

Сенларни бир ерга тўплаб, ҳақиқатан ҳам устингларга керосин сепиб...»

Ултон ногаҳон аланга тафти ва эт исини туйгандек бўлди-ю, бу хаёлни  
дарҳол тарк этди. «Хомхаёл, нимлар деяпсан?

Лекин жамият чиндан ҳам фожеа ёқасига борапти...»

«Собиқ коллегаларнинг тўёнаси бор экан: Қўлдош Мўмин ипак тасма  
билан боғланган печенье қутисини кўтариши ҳамано Собир олиб, Турсунтошга  
берди.

— Шундай совға бор десангиз, икки минут қўшиб берардим, тақсир.

— Мана, бошқалар ҳам гапирмоқчи.

— Эртага телефонда айтсинлар,— деди Собир.— Записка юбориш ҳам  
мумкин.

Шунда Зокир Уриновнинг ортида пайдо бўлган Баҳром милиса Собирга  
давранинг тўрини кўрсатиб: «Боринг, тез боринг!» дегандай қилди.

Собир микрофонни жойига қўйибоқ Тўқлибой Қўчқоровлар томон йўр  
ғалади.

Иккисининг «гурунг»и бир дақиқалар давом этди. Кейин Собир бош ирғай  
ирғай тисланди. Ва бирдан бурилиб, тўғри чолларнинг қошига борди.

Улар билан «баҳс» ҳам бирон дақиқага чўзилди. Ниҳоят, у Султон боби  
билан Кенжабой аканинг олдига тушиб, жойига келди-да, баёнот берди:

— Уртоқлар, базмимиз — тонготар! Шунинг учун мен ҳозир тўй эгалари  
га сўз бераман — сизлар ҳайрон бўлманглар... Гап шундаки, Тўқлибой Қўчқо-  
ровлар кетишмоқчи! Булар ҳали идорада ҳам ишлашади. Сизу биз — бошқа  
уларни орқа қилиб юраверамиз!

Собир четланиши билан Султон бобо салласини ўрнаштириб, микрофо  
олдига келди.

— Ҳурматли райкомимиз Тўқлибой Қўчқоров! Директоримиз Бўтабо



Сўпиев! Уртоқ Тараканов! Мен бемалол айтишим мумкин: ўзим кичкина бўлсам ҳам, бошим осмонда ҳозир! Шунчалар хурсандман!

Ултоннинг дами ичига тушиб кетган эди: «Ишқилиб, эплаб гапирсин-да!»

Чолнинг илк сўзларидан ғаши келган эса-да, ҳазили уни андавалаб юборди.

— Азизларим!— деб давом этди чўпон.— Мен бу маъракани кўпдан бери орзу қилар эдим. Мана, бугун ниятимга етдим! Бизнинг шу шодиёналикни баҳам кўраётганларинг учун ҳаммангизга,— қўлларини кўксида чалиштириб эгилди,— таъзим қиламан! Илоҳи, сизлар ҳам тамоми орзу-ҳавасларингга етинглар!

Кейин Султон бобо қудасини микрофонга ундади-да, четга чиқди.

Кенжа бобо микрофонни — бўйи баравари қилиб:

— Мен қудамнинг гапларига юз фойиз қўшиламан!— деди ва у ҳам таъзим қилди.— Энди бир минут қулоқ беринглар, бир тарихни айтаман: фин урушида эдик, «кинжалний огон»га тушиб қолдик. Султонбой икковимиз... Тўрт тарафдан ўқ ёғилаяпти: ўзимизга жаноза ўқияпмиз. Тагин шу нарсани айтиш керакки, бизнинг қўмондонлик сводкада: «Фақат олға босаяпмиз!» дегани билан, биз ташвақадек жилар эдик. Финлар яхши уришади. Бунинг устига, улар ватанни ҳимоя қилишар эди...

Собир чолнинг пинжигга тикилиб:

— Биз ҳам бекорга ҳужум қилмагандирмиз?— деди.

— Мен бўлган гапни айтяпман... Хуллас, жигарларим, ўша окопда ният қилдик-да: «Агар омон қолсак, ичкилик ичмаймиз. Хўш, эгри йўлларга юрмаймиз. Одил-адолатли бўламиз!» Яна бир қасам ичдик: «Ватанга қайтиб борсак, элга ош бериб, бир-биримизга чопонлар кийдириб, қайтадан дўст бўламиз!» Узи, урфимизда шундай-ку?

— Шундай э-эди,— деди Собир.

— Энди, фалакнинг гардишини қарангки, ўша орзуимиз бугун ушалапти!

— Бир йўла қуда бўлиб ҳам олдинлар!— Собир Турсунтош келтириб тутган яшил зар чопонни олиб, Кенжа бобога тутди.

Бобо тўнни очиб, дўстининг эгнига ёпди. Кейин Султон бобонинг ўзи Турсунтошдан қизил зар чопонни олиб, жўрасининг кифтига кийгизди.

Чапак, хўштак. Ҳамма ўрнидан туриб кетди. Шу бўйи...

Тўқлибой Кўчқоров бошлиқ арбоблар ҳам чапак чала-чала сурилиб, даврандан чиқишди.

— Сен қоласан-а?— сўради Баҳор.

— Кўраман-да,— деди Дунё.— Соғиниб қолган эканман бундай ўтиришларни...

— Бирам яхшисанки!

— Ҳе, ўртоқ...

### 73.

«Базм — тонготар» дейилган бўлса ҳам, катталарга эргшиб, балки шу йўл билан уларга садоқатларини намоиш қилиб, мундайроқлар ҳам кўзғалишди. Турсунтош билан Собирнинг: «Қабобни ким ейди? Қаёққа?» дейишлари ҳам фойда бермади.

Иморат олдига чиқиб қайтганлар ва жойида қолганлар бир қатор столни тўлдиругудек эди: беихтиёр келин-куёв атрофида жам бўлишди.

Чоллардан ҳам Расул кўрбоши бобо билан подачи амаки қолган, нари қатор охирида эса ўша бир жуфт ўрис ўтирар — пиво ичишар, кайфлари чоғ эди.

Хуррам девона ҳам «состави»га саҳарлаб етиб келишини тайинлаб, торини кўтариб қайтди.

— Ў, терилиб қоппиз-ку? Майли, оз бўлсин-у, соз бўлсин!... Қалайсан, Умиджон?

Ултон сергакланиб, кўрга разм солди: Умид жингалаксоч бошини ҳам қилиб ўтирар, Ашим... унинг олдида чойнакни ўрнаштирмақда эди. Умид унинг қўлини силаб кўйди-ю, Ултоннинг юраги зир титради: «Қандай яхши!» Кейин унинг рўпарасида Қобил фаррошни кўриб, бир шодлиги ўн бўлди: «Бу йигит кўп хизмат қилди. Жиндак ўтирсин-да!»

Мунди елкасига қўл ташлаб олган ғўлабир, тақир бошига эски дўппини

қўндирган йигит — Темир волгачи эди: бу йигит, ғишт заводини ишга ташаббул қилган, ишдан бўшатилган. Янгисини қура бошлаганида, прокурор тўхтатқўн қўйган: «Пулни қаердан топдинг?» Абарудованияни қайдан опкеляпсан?»

Бу йигит, айтишларича, Москвадан «ГАЗ-21» «Волга» опкелиб қўшвилеятларга сотиб, бойиб кетган ва «волга»чи лақабини олган эди.

Хуррам Зокир Уринов билан Узоқ Тўлагановнинг ўртасига кириб ўрнашди.

— Нима, киндикларинг бирми?— Кейин домланинг кифтидан қучиб қўйдди.— Зўр гап айтдингиз, Зокир ака, «ячейка»да гап кў-ўп!

Кўзларини юминқираб ўтирган домла:

— У, сенмисан?— деди унга чақчайиб.— Утир... Шу, шу оқшом Тўх-хлбой Қўчқоровичдан айтмаганинг учун хурсанд бўлдим. Унинг шеърлари шеър эмас. Шизафреникнинг бачкана туйғулари...

— Узингиз шеър ёзиб кўрганмисиз, Зокир Уринович?— бемалол гап олди. Дунё.— Ё фақат шикоят ёзишга берилиб кетганмисиз?

Баҳор унинг биқинига туртди.

— Эҳ, малика ҳам шу ерда-ку?— деди Зокир Уринов.— Шеър ёзганман. Лекин бемаъни сўз тизимларини, мана, ўртоқ Болтабоевнинг газетасида бостириб, хурсанд бўлиб юргандан кўра, шеърхон бўлиб қолишни афсўс кўрганмиз, хоним!

— Ажойиб отишма бўлди!— деди Тешабой ва атай хахолаб кулди. Нима дедингиз, браконьер отган овчи?

Ултон жилмайиб, унга томон сурилди. Миясидан эса анча-мунча гўлғизиллаб ўтди: Табиатни қўриқлаш жамиятига раис бўлса, ўқ ейишни ундан кейин кўр...

— Мени ўрмон қоровули қилиб олишса, борардим,— деб қолди Қобил фаррош. Ва Мунди унга аланглаб қаради.

— Бу қўлинг ҳам ошиқчалик қиялпими?

— Нега?

— Ҳозирги браконьерлар вертолётдан отишади! Ултонжон, гапни тўғрими?

— А, нима, вертолётниям отиш мумкин,— деди Қобил.

Давра аҳли унга сумрайиб тикилди. У ўта хотиржам — ҳақиқатан ҳам вертолётни уриб тушириш унинг учун чўт эмасдек эди.

— Ўйлаб гапир, ўйлаб...— деди Зокир Уринов.

— Нимасини?

— Кайфинг борми?

— Озроқ ичдим.

— Озроққа шундай бўлсанг...

Хуррам домлани яна қучиб қўйди-да:

— Майли, мен орангларда Қоработир бўлмайин,— деб қўзғолди.— Ашқулу шу авганец билан бироз гурунг қилай... Ҳе-ей, биродарлар-е, бир замонлар бизнинг полвонларимиз афғоннинг тўйига бориб кураш тушиб келган эди. Чегаралар очиқ, бизлар... биродар эдик. Энди милтиқ кўтариб борадиган бўлдик. Биродарларни ўлдириш учун. Ёки улар қўлида ўлиш учун... Хуррам Қобилнинг ёнига ўтириб, шишани кўтарди: бўш эди.— Бу, тамом бўпти-ку?

— Аписи-анка!— чақирди Мунди.— Қаюм ака, қайдасиз? Турсунтош хасис. Шарбатхонани қулфлаб юради... Ҳой, Ашим! Тирикмисан?

— Кечирасизлар, ўртоқлар,— деди Зокир Уринов безовталаниб.— Хуррамнинг санъатини мен жуда ҳурмат қиламан. Тарихдан ҳам билимдон: табиат бераман... Лекин баъзан жиддий масалаларда субъектив мулоҳазалар билдириб қолардики, ҳайрон бўлардим... Ҳозирги гапи жуда ошиб тушди. Ахи масъулият қани?

— Хуррам акам тўғри гапни айтдилар-ку,— деди Қобил.— Афғонлик ўзбеклардан ҳам шу гапни эшитдим. Ҳозир «босқинчи» деб қарашади бизга... Ултон унга бақрайиб қолган эди: «Худди шундай», деб ўйлади.

Сўнгра бу йигитчани кўрган чоғида ёки у билан салом-алик қилгани, мияси қизий бориб, унда ғужғон ўйнайдиган омухта фикрлар яна бош кўтариб бошлади: Туркистон Бухоронинг Қизил Армия томонидан ишғол этилиши Илло, «Бухоро инқилобининг ҳаракатга келтирувчи кучлари» аслида... й...

эқани (Каромат илмий ишида бунинг аксини исботлаши керак эди. Зеро, бу ҳол умумий тарзда «исботланган» ҳам) большевойларнинг шафқатсизлиги бу тупроқдан чиққан сотқин, адашган ҳамда алданган кимсаларнинг қисматлари...

...бугунги кунда эса, Афғонистоннинг ҳам бошига йигирманчи йиллардаги Ўрта Осиёнинг куни тушгани: уларнинг ҳам ватанпарварлари — «босмачи» аталгани, ҳозир афғончага мосроқ бўлсин учун «душман» аталаётгани...

...пироварди, тинчлик даврида ўзбек ва бошқа миллат йигитларининг «интернационал бурч»ни ўташ ниқоби остида босқинчига айлантирилаётгани...

Зокир Ўринов қўлларини мушт қилиб, тиззаларига урди-да:

— Биз турамиз!— деди. Аммо шисаларни кўтариб адоқдан келаётган Турсунтошга кўзи тушиб.— У ёққа!— дея Тўлагановнинг елкасидан итарди.

«У ёқ»— келин-куёв билан Дунёнинг рўпарасида эдики, бу ерда сал тўхталиб, столнинг бош томонига ўтишди. Ботир билан қизғин баҳслашаётган Набининг ёнига бориб, ўтиришди.

— Бизга шу ер ҳам бўлади, Турсунтош! Бизни унутма. Аммо-лекин сен гапирмадинг-а? Т-тост айтмадинг... Қани, энди эшитайлик.

— Домлажон, раҳмат сизга!— деди Шўро раиси.— Мени эслаганингиз учун раҳмат... Кўриб турибсиз, хизматдаман. Аммо лекин идорадаям — шу: югур-югур. Дастёрлик... Шўри қурсин Совет раисининг! Ленин бобогаям ҳайронман... «Вся власть Советам!» «Совет»да власт борми?..— У битта шисани уларнинг ўртасига қўйди.— Лекин бугун чин дилдан хизмат қиялман!

— Синфдошингизни тўйи-да?

— Албатта!

— Қани, бўлмасам, домла айтганларидек, ўзлари бир сўз айтиб, фатво берсинлар!— деди Хуррам.— Лекин, менинг ҳам кайфиятим бошқача! Яна ашула айтгим келяпти...

— Ичгинг келмаса, бас.— деди Мунди.

— Тасаввур этингки, ичгим ҳам келаяпти... Олдин мана шу йигит билан чўқиштираман!— У Қобилни қучиб қўйиб, ўрнидан турди.

— Меҳмонларга қуй, девона... Раҳмат. Энди менга. Мен ҳам меҳмон-да! Дод! «Соғиндим мен...»

Микрофону унинг анжомларини жойлаштириб келаётган Собир:

— «Соғинган» бўлсангиз, уйга боринг,— деди.— Янгани опкелмагандан кейин...

— Янганг банд. Кадр ўстираяпти. Ўзбек халқи кўпайиши керак! Бу — буюк вазифа!

— Шу гапингиз зўр сарлавҳа экан-да!

— Йиғиштир шу газет-пазетингни...

— Газет ўзингизники-ю, устоз?

— Менда...

— Турсунтош?— Хуррам пиёлани чертди.— Эшитайлик.

— Ҳозир... Ана, Келяптилар! Битта гапимиз бор. Лекин ҳозироқ Ултонжон билан келинимдан узр сўрайман...

74.

Баҳор эрига қия қаради. Ултон елкасини қисди.

— Бошқа синфдошингиз йўқми дейман?— сўради Дунё.

Ултон хижолатгина тортиб қолмай, қйналиб ҳам кетди: «Ана, таънаям эшитдинг. Айб ўзингда...— Сўнг ғижиниб кетди.— Улар ҳам ишшаймаса...»

«Крупская»да бирга ўқиган синфдошларини Ултон яхши эслар (болалик хотиралари «ёпишқоқ» бўлади-да), бироқ уларнинг кўпи ҳар томонга тарқалиб кетган эди: Оқсувда завод-фабрика йўқ, тоғли жой бўлгани учун ер ўзлаштиришнинг ҳам иложи йўқ: ёшлар ягона йўл — шаҳарлар ва бўз ерларга кетишди. Рост, кейинги вақтда пахтадан «қўрқиб» тоққа қочаётганлар ҳам бор, аммо улар ҳам Олатоғ марказида...

Ултон интернатда бирга ўқиган йигит-қизларни эса, таажжуб, эсидан чиқарган эди. Улар ҳар жойдан келган ва сағирлар уйдан чиққан бўлиб, бир-

лари — жўн, бирлари айёр эдики, Ултон барчасига баланддан қарар, сирлари ўйларини ҳеч кимга айтмас...

...энг яқин сирдоши-дўсти — китоблар ҳамда ўзи... ҳа-ҳа, ўзи (ўзи билан ўзи гаплашарди) эдики, шунинг учунми, бу «ўрни» унга мавқедек туюлар бундан ташқари у синфда олди ўқувчи эди.

Сендан угина — мендан бугина: синфдошлари унга иршайиб қарашар айримлари юзига: «Шоир», деса, айримлари орқасидан: «Дарвиш» дер, Ултон бу лақабларни эшитганда гўё ғазабга минар, аммо ичида мамнун бўлар эди ўзининг алоҳида-ажралиб юриши унга ёқарди.

У ҳатто қизларга «қизбоп» муомала қилишнйам ўзига муносиб кўрмас эди. Турсунтошга эса бир тенгқури, ҳамқишлоғидек муносабатда бўларди. Ултон мужмаллик билан:

— Синфдошлар борликка бор,— деди. Ва енгил тортиб жилмайди.— Аммо дўстлар йўқ...

...Костюми устидан халат кийиб, қалпоғини ҳам бошига қўққайтирган Абдуқаюм катта баркашни бир кафтида баланд кўтариб, муқом билаң келарди эди. Чорпоя қошида таққа тўхтади-да, чолларга кабоб қўйди. Кейин ўрисларга ҳам улашиб бу ёққа йўрғалади.

Ва ҳаш-паш дегунча даврани айланиб — одам бошига бир жуфтдан кабобни қўйиб, пойгакка етди. Қўлларини бир-бирига ишқаб, дастурхонга разми солди-да, «Тошкент суви»дан қўйиб, қўлини чайган бўлди. Елкасидаги сочиққартгач, халатни шарт ечиб, қалпоқни ҳам дарахт шоҳига илди.

Ниҳоят бўш курсининг қанотига қўлларини тираб:

— Хў-ўш,— дея столнинг бошида тик турган хотинига боқди.— Саволлар борми?

Турсунтош Ултоннинг рўпарасини кўрсатиб, чиқиб келди. Абдуқаюм ҳам унинг ёнига бориб турди.

— Азизлар, — деди Турсунтош.— Бир нарса беихтиёр менинг эътиборимни тортди, Ултонжон... Баҳорой сизга, сизни Баҳоройга фақат муҳаббат боғлаган, яъни, шундай боғлаб ташланган эканки, унча-мунча жиддий нарсаларни ўйлаш хаёлларингга ҳам келмади. Тўғримми, хўжайин?

— Менинг гапимни айтдингиз.

— Бир ҳисобда шундай бўлишиям табиий...— ўйланиб давом этди Шўрраиси.— Лекин биз — хўжайин иккимиз битта принципал масалада...

— Э, бўлди-е!— деб юборди Мунди.— Детектив бўлиб кет-а!

— Детектив?..— деди Турсунтош.— Ҳа, шу тобда мени детектив десанглари ҳам бўлади.

— Қани, кимда қандай савол бор?

— Кечирасиз, менда бор... де-тек-тив-га!— деди Абдуқаюм ва хотинига тикили-иб сўради:— Мана шу келин-куёвнинг...

— Хўш?

— Уртоқлар, келин-куёвнинг қўлига қаранглари! Бармоқларига! Узукларига қани? Ҳалқа...

Давра уларга кўз тикди. Ултон ҳам Баҳор қатори беихтиёр бармоғига қаради-ю, қизариб кетди: «Йўқ,— деди гўёки таққан эди-ю, йўқолиб қолгандай. Сўнг беҳол тортиб кетди.— Мен эсарман... Ахир... Шошма! Баҳор кўнглига олган бўлса-ю, билдирмай ўтирган бўлса-чи?»

У хотинига мўралади-да, унинг нописандлик билан кулумсираб турганини кўрди.

— Ҳа?

— Нормална...

— Сиз ўйлабмидингиз?»

— Представте, йўқ...— Баҳор гангиб тепага кўз отди-ю, чиндан ҳам бир нарса етишмаётгандай бармоғини силади. Кейин турқи ўзгара бошлади. Бирдан бошини эгди ва Ултоннинг назарида, йиғлаб юборадигандай туюлди.

— Баҳор, ҳозир...

— Да, ну!

— Ахир...

— Энди кеч.— Эрига термилди у.— Лекин шу нарса эсимга келган бўлса, ўлай...

Ултон тагин... чўнг бир «масала»да ҳам Баҳор билан фикри, нуқтаи назари мос келганини «кўриб», шу қадар ҳаяжонланиб кетдики, уни...

...қучиб-қучиб ўпгиси келди.

«Айтмоқчи, бизда ҳалқа тақиш ҳам расм бўлмаган-ку?— деди ичида.— Азалдан...

Буям — Исо пайғамбарнинг умматларига хос одат... Лекин ўзимиздаям жуда расм бўлиб кетди-да!

Ҳа, қабрга гул қўйиш урфга кирганда, ҳалқа...»

Ултон ўзини босиб олиб, Турсунтошга боқди-ю, унинг кафтида... қизил духоба қутичани кўриб, қотиб қолди.

Унга нима дейиш керак: миннатдорчилик билдиришми ё ҳақини ҳозир тўлашни айтишми — ақли етмай, ҳамда бу ҳол — ҳаётда мутлақо истисно... ҳол эканини дилида қайд этган ҳолда Баҳорига қаради. У эса Турсунтошга бақрайиб турарди. Сўнг бирдан кўзи ёшга тўлди.

Бошини эгиб, Дунёнинг орқасига яширинган бўлди. Дунё унинг кифтини силади.

— Баҳор... Оббо! Мениям эсимга келмаган экан... Ҳой, мана, мендаям калцо йўқ. Буни кўр! Бу нима?

Баҳор гангиб, Дунёнинг бармоғидаги йўғон-қалин, ёқут кўзли узукка тикилди.

— Бўлдими?

Баҳор бирдан синиқ жилмайди-да:

— Кечирасизлар,— деди.— Узр, мен... Бошқа нарса эсимга...— Эрига боқди.— Бир нима дейсизми?

— Ҳа,— деди Ултон уни қувватлаб.— Шу, мен ҳам...— Бўлмади: чидай олмади.— Э, бу нар-са-ку!— деб юборди ва ҳалидан бери буларни кузатишга «мажбур» бўлган давра аҳли энгил нафас олди.

— Яшанг!— деб хитоб қилди Хуррам.— Сизни тушунамиз, келин!

Шу сонияда давра ҳам, келин-куёв ҳам Турсунтошнинг кафтидаги қутичани унутган эди.

Кейин эслашиб, қарашди-ю, ялписига чапак чалиб юборишди.

Сўнг эса ўринларидан туришди.

Турсунтош қутини очди. Эрига тутқазиб, ичидан шуъла сочаётган тўқ-сарик ҳалқани олди-да, Ултоннинг бармоғига кийгизди. Кейин бошқасини олиб, Баҳорнинг бармоғига солди. Ниҳоят, тисланиб, чапак чаларкан:

— Охиригача бахтли бўлинглар. Аҳил бўлинглар,— деди.— Бу ҳалқалар оддий эмас, занжир бўлсинки, уни ҳеч бир куч... ажрата олмасин!

— Ажратолмайди! Қанақа куч бор экан... биз турганда!— тўнғиллади Мунди.

— Шўро опамиз «куч»ни рамзий маънода ишлатдилар, менимча,— гапга қўшилди Тешавой.— Демак, ундай «куч»— рашк бўлиши ҳам мумкин, ғийбат, бўҳтон, ҳасад... Ёвуз кучлар кўп!

— Сиз ҳам философ экансиз...— деди Мунди ва Ашимга қараб қаҳ-қаҳ отиб юборди.— Бултур... Редакциядан чиқиб, пастдаги ошхонага кирсам, мана бу шўрва ичяпти. Йўл бўйида Бўтавой аканинг мошинаси турибди. «Қалайсан, Қоровой?» дедим. «Ака,— деб шивирлади бу.— Анави ерда бир киши гап беряпти! Биласизми ким экан? Пиласопия панлари фандидати экан!»

Бўлди кулги.

— Адабийча қилиб айтипти-да, акаси,— деди Хуррам бошқалар қатори ўрнига ўтирар экан, пиёлани олиб.— Ўзимиз ҳам кечагача «Аптека»ни «аптека» деб юрганмиз.

— Радиони эшитасизларми?— деди Мунди.— Ўзимизнинг радиони. Со-бир ҳам нуқул: «Фушкин!» дейди!

...Ултон ўтириб, ҳалқа бармоғини сиқаётгандай аста-аста силар экан, мия-сига ажиб бир ўй келганини сизди ва уни шарҳламоққа тутунди: «Ҳалқаниям биров берди...

Ҳамма бизнинг эр-хотин бўлишимиздан... хурсанд, а? Ҳатто тўйни тезлаш-тиришди: Қўчқоров ҳам, отам... Бўтабой Сўпи! Эҳ, Одил миршаб-чи?

Эгамқулова...

Ҳатто анави Ўзоқ акаям: «Дидингизга қойилман», деди... Тўғри, бу т  
ажжубли: бу ерда қандайдир бир нарсаям бордек... Бироқ Турсунтошнинг  
... «занжирбанд» қилгани нимаси?

Тагин: ҳаммалари бизнинг аҳил-иноқ ва садоқатли бўлишимизни ишташад  
Ҳатто Зикриёхон домла ҳам нуқул эр-хотиннинг бир-бирига садоқатид  
нақл қилди!

Аслидаям никоҳ ўқиганда шундай қилармикан?

Қизиқ...»

Алқисса, Ултоннинг хулосаси шу бўлди: ўзлари — Баҳор билан ўзи би  
бирига чамбарчас боғланди ҳисоб... Бунинг устига шунча одам кўшиш кўрса  
ган ва кўрсатаётган, демак...

...«ячейка»лари мустаҳкам бўлади.

75.

Абдуқаюм билан Турсунтош тиззалари тегай-тегай деб турган жой  
ўтиришди.

— Сизларга ҳавас қилса арзийди,— деди Дунё. Ва уларнинг камтарли  
юзасидан айтадиган гапини эшитгиси келмадими, давом этди: Қанча тура  
экан, бу ҳалқалар?

— Илтимос, у ёғини сўраманг,— деди Абдуқаюм.

— Лекин сизни бой дейишади.

Новвой мийғида кулди.

— Ҳарқалай камбағал эмасмиз.— Сўнг шошиб кўшимча қилди:— Бўтабо  
Сўпиевичдан мен жуда миннатдорман! Биз новвойхона очишдан олдин совх  
билан шартнома тузилиши лозим эди. Шунга қараб солиқ тўлашим кера  
солиқнинг бир бўлаги кейин менга маош бўлиб қайтиши керак эди. Бўтабо  
ака: «Икки ўн беш — бир ўттиз, деб юрамизми? Бор, тандирингни қури  
нонингни ёпавер. Чойхонага, кабобхонага иссиқ нон чиқиб турсин. Келим  
кетим бор. Буёқда кўприк қуриляпти», дедилар. Шундан бери ишлаб ётибми  
да, янга.

— Кўнглини топсангиз, кенг одам у,— деди Дунё.— Буғалтериядан ким  
дир: «Солиқ тўласин», деган экан: «Тўлаб бўлган!» деб жавоб қипти.

— Кўприкни...

— Айтмоқчи, кўприкка қанча сарфладингиз?

— Янгахон, ҳалиги саволни қайтардингиз яна?— деб кулумсиради А  
дуқаюм.

— Кечирасиз, унча пулни қайдан топган эдингиз?

Абдуқаюмнинг манглайи тиришиб кетди.

«Сиз прокурормисиз?» деса-я?— кўнглидан ўтди Ултоннинг.

Абдуқаюм:

— Пулни ҳар ким ҳар йўл билан топади,— деди чертиб-чертиб.— Леки  
кейин биров ўғил уйлантиради, биров қиз чиқаради. Бошқаси тоғда дача қури  
ди, машина олади...

— Сиз нега шундай қилмадингиз? Турсунтош опа билан тўйларинг ҳа  
ими-жимидида ўтган экан?

Новвой нари-беридан ўзларига кўз тикиб турганларга ҳам қараб олди-д

— Билмайман,— деди.

— Балки ном қолдиргингиз келгандир?

— Йўқ-йўқ.

— Савоб учунми?

— Эҳтимол.— Абдуқаюм хўрсиниб юборди.— Бироқ мен ўшанда — и  
ерга келиб тушиб селни кўрганимда... мард одамларниям кўрдим. Шундайла  
бор эканки!

— Бор, бор!— деди адоқдан Хуррам.— Вақти келса, шундай ишлар  
қиладики! Аммо лекин сиз ҳам шу мардлардан бирисиз!

— Хуррам...

— Кейин сизни прокурор анча овора қилган экан,— деди Дунё.— Боши  
чақирмадими? Биламан, Тўқлибой Қўчқоров ҳам ўртага тушганлар, Бўтабо  
акангиз ҳам...

— Бошқа чақирмади-ю, бироқ хоҳлаган пайтида иш қўзғаш и мумкин.  
 — Во дариғ!— деди Хуррам.

— Хўш, дапрос тугаган бўлса, девонадан битта эштайлик,— деб қолди Мунди.— Шариатдан тушадими? Ё яна Машрабданми...

— Фақат апалитичний гаплар бўлмагин,— Зокир Уринов ўтирган жойидан гап отди...

— Ҳозирча ундай гаплар бўлмади,— деди Тешавой Болтабоев.— Афғон масаласида, менимча, лутф қилдилар ҳали... Чиройли ўхшатиш бўлди...

— Мен ҳам тарихчиман!— Зокир Уринов кичкина муштини столга гурс этказиб қўйди.— Унинг нималарга ишора қилишини сезиб тураман!

— Чунки сиз совет тарихчиси-да,— табассум қилди Хуррам.— Кечирасизлар, мен сафарда юрган пайтларимдаёқ шу сўзни ёқтирмай қолган эдим. Маъноси йўқ экан... Лагер начальниги билан бир куни шу тўғрида тортишиб қолганимизда, у мени — «девона» деди. Кейин ким мени йўқлаб борса: «Девонага келдингизми?» дейишаркан.

— Тамо-о-ом! — деди Мунди.

— Ҳозир.— Мундининг пиёласига ароқдан қуйди Хуррам.— Бироқ, кейин хурсанд бўлдим: бу лақаб мени кўп жойларда асраб қолди...

— Ҳа. «Девона»— сенинг учун бир ниқоб!— деди Зокир Уринов.— Ур-тоқлар, мен жуда ҳайрон бўламан!— энди узр мақомида давом этди у киши.— Ҳукумат раҳбарларини танқид ҳам қилиш мумкин. Ҳатто сўкиш, устидан шикоят ёзиш ҳам... керак! Аммо нега энди системани айблаш керак? Ахир, социализмнинг нимаси ёмон? «Инсон инсонга тенг бўлсин!» деган гап — эзгуликнинг ўзи-ку!— Зокир Уринов иттифоқо (дарс ўтаётгандек) ўрнидан туриб кетди.— Ота-боболаримизнинг минг-минг йиллик орзуси-ку — бу ғоя.

...Ултон ҳам бир замонлар худди шу фикрда эди.

Кейинчалик мавжуд тузум шаклан бу ғояни шиор этгани, моҳияти билан эса шунчаки мустабид тузум — хонлик, амирлик ё бекликдан жилла фарқ қилмаслигига ақли етган, пироварди...

«Тузумларнинг фарқи йўқ!» деган хулосага келган эди.

Илло, инсоннинг табиати ўзи — шундоқ тузумни «қабул» қилар экан.

Тўғри, унга қарши бош кўтаришлар ҳам бўлиб туради: аммо бу ҳам — табиий ҳол...

— Жуда тўғри айтдингиз, домла!— деб хитоб қилди Хуррам.— Ота-боболаримизнинг ҳам орзуси шу бўлган у... ғоя!

— Ахир, социализм уни рўёбга чиқаради-ку?

— Чи-қара-ди?

— Албатта!

— Домла, ўйлаб гапиринг, салкам олтмиш тўрт йил ўтипти!.. Ахир, сезилмаяпти-ку? Аксинча, «Тенглик, Адолат» истаганларнинг бурни қонаяпти... Уни истаб чиққанлардан юз минглаби қамоқларда чириди! Отилди. «Халқ душмани», деб...

— Уша «душман»лар душманлигини бўйнига олганми, йўқми?

Хуррам ғамгин бош ирғади.

— Мен ҳам... «Пахтакор»даги тўпалонда бир ўрисни урдим, деб бўйнимга олганман...

— Сени қўлингдан келади!

— Эсиз... Ҳамма гапирганда ҳам сиз жим турсангиз бўларди, домла. Ахир, Олатоғда энг бадном бўлган киши — сиз эмасми? Нима учун? Ҳақиқатни истаганингиз учун!

— Мен барибир социализмга ишонаман!

— Коммунизмгаям ишонинг. Энди, биродарлар, мен сизларга бир факт-ни айтиб бераман!

— Қисқароқ бўлсин,— деди Мунди.

— Бир минут!..— Хуррам «Тошкент суви»дан ичиб, қўлини кўксига қўйди.— Бу фактни бу ерда фақат Ултонбек билсалар керак. Биласиз...

— Хўш?— деди Ултон.

— Ун еттинчи йили Русияда Октябрь Инқилоби бўлди. Бўлди. У инқилоб-миди, давлат тўнтаришимиди — билмайман... Аммо Фрунзе бошлиқ Қизил Армия Бухоро чегарасига келиб тўхтагандан кейин амирлик билан уруш

чиқаришга баҳона излаганини биласизларми?— Зокир Уринов яна дик этиб турган эди, Хуррам пешонасига бир урди.— Давомини эшитинглар... Лекин қўмондон бу мақсадни мундай ифодалайди: «Бухоро ўлкасини мустабид амир зулмидан озод қилишимиз керак!» Балки у шу гапига ишонгандир?.. Ҳарқалай дадил ҳужумга журъат этблмайди-да, Лениндан маслаҳат сўрайди: «Нима қилайлик?»

— Хўш?

— Владимир Ильич айтадиларки: «Зинҳор бу ишни қилманг!» деб.

— Ана, гап қаерда!— деди Мунди.

— Ҳой, жим ўтиринг!— Дунё уни жеркиб берди.

— Тавба қилдим, янгажон,— ялинди Мунди.

— Кейин?

— Кейин дохиймиз халоскор қўмондонга шундай телефонограмма юборадилар: «Бухоро биздан ёрдам сўрасин. «Бизни амирлик зулмидан халос этинглар!» деб илтимос қилсин. Буни дарҳол уюштириш керак. Ҳеч бўлмаса ўн киши, беш киши бўлсаям ўзларини — вақтли ҳукумат эълон қилиб, бизга расман мурожаат этсинлар!»— Хуррам яна сув ҳўплади. Давра жим, аммо тўфон кўпгудек эди.— Табиийки, ундайлар, яъни қўрбошилар тили билан айтганда, «сотқин»лар Бухоро шахрининг ўзидаям, Когондаям бор эди... Билсаларинг керак: Чор ҳокимияти давридаёқ Когонга темир йўл оборилган, мақсад — Бухорони босиб олиш эди. Лекин Чор ҳукумати эп-полмаган бу ишни большевойлар эплади... Хўш, ҳалиги сотқинлар, аниқроғи, «Амирлик эскирди, ўрнига демократик республика ўрнатиш лозим!», деб юрган «Ёш бухороликлар»дан бир гуруҳи зудлик билан Ленин ва Фрунзе номига илтимоснома тайёрлашади. Аммо бош қўмондон жаноблари ўша мурожаатни ҳам кутмасдан Бухорони босади. Чиниққан, мунтазам армия билан...

...Ултон бу ҳужжатнинг мазмуни билан таниш эди: тожикистонлик академик-тарихчи Мулла Эркаевнинг «Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубида Совет Ҳокимиятининг ўрнатилиши» деган китобда ўқиган ва...

Кароматга: «Буни кўринг!» деб саҳифадаги ўша жойни (телефонограмма ҳам китобда кўчирма гап шаклида келтирилган) кўрсатган, Каромат елка қисиб: «Шу жойлари учун бу китоб танқидга учради-ку?» деган эди.

Ултон бу «эски гап»ни биринчи марта эшитаётгандек бошини кафтлари орасига олди: «У-ў-ў, макр-ҳийла, босқинчилик билан...

...босиб олишган-ку юртимизни!

Тағин «Бухорони озод этайлик!» деган-а, уялмай... сурбетлик билан! Ленин эса...»

76.

— Афлотун бўлсанг ҳам, бу гапинга ишонмайман,— деди Мунди.

— Домляям ишонмайдилар,— деди Собир.— Лекин мен момодан эшитганман: ҳақиқатан ҳам Қизил Армия Олатоққа келганда, бутун халқ уларга қарши чиққан. Калтак, пилта милтиқ кўтариб... Ле-е-кин, Хуррам ака, Русия бизни босиб олмаганда, Англия босиб оларди-ку?

Ултон ёмон ўксиб кетди: «Ҳа, ҳамма вақт шу гап... билан оғзингга урадилар. Гўё Англиянинг кўлига тушсак, еб-ютар эди... Бу гапни мактаб партасидаёқ миянгга қуядилар. Институтда ҳам... Мақсад — Англияни қоралаш, Русияни — ёқлаш...»

У Хуррамнинг мантиқли жавоб беришини истаб унга боқди. Девонанинг лабига чучмал табассум ёйилган эди. Ҳамманинг кўзи унда: илло бошқаларнинг тилида ҳам...

...шу савол бор эди.

— Жуда яхши бўларди,— деди Хуррам.— Чунки...— У тағин Дунёга мурожаат этди:— Чунки улар вақти келганда, бизнинг юртдан чиқиб кетишарди. Ишонмасаларинг, дунё харитасини кўз олдинга келтиринглар... Ҳиндистондек бепоён мамлакат ҳам Англиянинг мустамлакаси эди! О, яна ўнлаб мамлакатлар! Бари озод бўлди-ку?

Биз эса...



Мунди ароқни отиб олди-да, Хуррамга зуғум қилди:  
— Ҳой, сенга нима бўлди ўзи? Соғ юргинг келмаяптими?

Бу гап дарҳақиқат (Ултоннигина эмас!) барчани сергак тортириб юборди.

— Яна қамоқни соғинган! Маълум бўлди,— деди Зокир Уринов.

— Менимча бу — провокация,— деди Ҳозор Тўлаганов.

Хуррам қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ҳозор ака, сиз авлиёсиз!

— Да, анча қалтис гаплар бўлди,— деди Тешавой Болтабоев.— Бу гапларнинг ҳаммасида албатта жон бор... Лекин биз — сиёсатчи эмасмиз, ўртоқлар... Қолаверса, мавжуд ҳаётимизда долзарб муаммолар шу қадар кўпки, улардан бирини ҳал этиш ҳам халқимиз учун...

— Ҳозор мухбир!— Дунё пинакка кетгандек қотиб ўтирган Баҳорни туртиб, Тешавойга боқди.— Сиз айтган ўша муаммоларнинг илдизи ўша «иш»ларда эмасми?

Ултон бош ирғаб тинглар экан, ўз-ўзидан... кулиб юборди. Кейин бемаврид кулганини фаҳмлаб қолиб, вазиятдан чиқишни ўйларкан, во ажаб, унга... бугунги даҳшат ёрдамга келди.

Еру осмон титради: момақалдироқ гумбирлаб, бутун борлиққа даҳшат солди. Сўнг йироқларга...

...думалаб кетди.

Ҳамма писиб — бош эгиб қолган эди.

Мунди Хуррамга бурилиб, икки бармоғи орасидан бошмалдоғини чиқарди.

— Мана сенга озодлик.

Жон ҳолатда чуғирлаб юборган қушлар саси тиниб, сойнинг шовқини яна эшитила бошлаганда, айримлар соатларига қарашар экан, нари томондаги столдан туриб...

...чайқалиб келаётган бир ўрис буларга икки-уч қадам қолганда тўхтади-да, қўлидаги фужерни олдинга узатиб:

— За вас!— деди.— Будьте счастливы!

— Спасибо,— Ултон пиёласини олиб, у билан чўқиштиргандай қилди-да, бир қултум ичди.

— Нет, смотрите, товарищи! Как красиво сидят,— давом этди ўрис.— Ваня, смотри, дурак... О, вы всё такие... Я рад. Очень рад, что вы так выросли!

Ултоннинг қулоғи чингиллаб кетди; «Выросли... Сенларни даврингда! Унгача ким эканмиз-а?» Ва дод солиб йиғлагиси келди... Шунда столнинг у ёғидаги ўриндиқ қимирлаб, ўтирганларнинг орқага ағанашига оз қолди.

Қобил фаррош ўрнидан ирғиб турган эди. Ултон унинг камарига қистириб қўйилган бўш енгига кўзи тушиб, бошини эгди.

Фаррош чайқалиб турган ўриснинг гарданига бор қўлини қўйиб, ёқасидан ушлади-да, нариги столга қаратди. Сўнг суриб бориб, ўриндиққа ўтказди.

— Сиди. Кушай, на здоровье. Будь достоин большому народу!

— Всё! Всё ясно! — У қўлларини тепага кўтарди. — Да здравствует узбекский народ. Древний...

«Асир тушганда, қўл кўтариш ҳам шулардан ўтган-ов...— деб ўйлади Ултон ва Қобилдан...

...бағоят мамнун бўлди. Йигит жойига қайтар экан, унинг бўйбастига ҳаваси келиб:— Буниям ичида дарди кўп,— деди.— Лекин вазмин экан».

У ўтиришга улгурмасдан Дунё чақирди:

— Ҳўв йигит! Бу ерга бир ке.

Қобил хокисор тортиб, соғ қўлини кўксига қўйганча келди.

— Ассалом алайкум, янга.— Сўнг Ултон билан Баҳорга ҳам қараган бўлиб:— Яхши ўтирибсизларми?— деди.

— Раҳмат сенга...— Баҳор ярмига тушган коньяк шишасини пайпаслаб олиб, бўш пиёлага қуяркан, қўли титраб кетди.

Дунё ҳам бўғилиб:

— Е, е,— деганча газаклар яйратиб қўйилган чинни лаганни у томонга сурди.— Бир минут ўтир.

— Утиринг, Қобилбой!— деди Ултон ҳам.

Давра аҳли буларга диққат билан қараб туришар, Турсунтош эса кўзини уқалар эди.

— Ол,— деди Дунё.— Биз ҳам ичамиз.— Кейин Қобилдан кўз узмай, унинг ўтиришини ҳамда пиёлани олишини кутди.— Сен учун, ука!

— Ҳаммамиз омон бўлайлик,— деди Қобил.— Лекин мен ичсам, хафа бўламан.

— Афғондаям ичармидинг?

— Ўша ёқда ўргандим-да.

— Ароқ серобми?

— Йўқ... Соляркага алмашардик. Мен десантчи эдим.

— А-а-а, вертолётдан...

— Ҳа.

— Сен ҳам... ўлдирдингми?

— Бўлмасам-чи.

— Босмачиларни?

— Ҳафизулло Аминниям.

— Сен? Сизлар-а?

— Бизга афғон формасини кийдиришди. Қораларга... Кейин қасрдан чиқаётганида, командир: «Стрелять!» деди, отдик.

— Э, худойим...

— Мен турайин, янга.

— Кабобпазлик қиласан дейман?

— Баъзан.

— Эртага тушдан кейин кутубхонага бор. Хўпми?

Фаррош елкасини қисди: бу буйруқ эди — бўйсунди.

Меҳмонлар теран бир ҳолатда эдилар. Қобил жойига бориб ўтиргач, энгил нафас олишди.

— Ука, би-ир суҳбатлашимиз керак экан-да,— деб қолди Тешавой.

— Ёзасизми?— сўради Қобил. Ва ўзи жавоб берди:— Ёзмайсиз.

— Нега энди?

— Афғонда хизмат қилганлар ҳақида бир оғиз ҳам рост гап ёзилгани йўқ.

— А, биз билмасак.

Ўзи билан кимсан — вилоят бош газетасининг бўлим бошлиғи гаплашаётгани ҳам чамаси...

...Қобилнинг парвойига келмас эди.

— Бизлар — интернационалист жангчилар эмас, босмачи эдик.

— Ҳай-ҳай!— деди Тешавой ҳиринглаб кулиб.— Фикрингиз тўғрима, тўғрима.

— Шу-да.

Шунда Зокир Ўринов:

— Бўпти! Бизга жавоб!— деди-да, ҳеч кимнинг чақириғига қулоқ солмай, илмий мудирнинг билагидан ушлаганча, гиламнинг шохларга тегиб турган жойидан у ёққа ўтиб кетди.

Ҳамма жой-жойида қолди.

Фақат чолларгина сўридан туша бошлашди.

## 77.

Хуррам Қобилнинг эгнидан қучиб, манглайдан ўпди. Ва торни олиб ирғиб турди. Уни бирпас тинғиллатиб тобига келтиргач, сочлари тўзиб, пешонасига тушган кўйи черта кетди.

Бу — кўнгилга ўта яқин, мунгли куй эди. Симлар чулдираб сени аврайди, куй юрак-бағрингга шиддат билан киради-ю, сўнг гўё вужудингга ёйилади. Кейин эса сиртга чиқиб-сочилиб...

...тунга, баргларга, сояларга сингади.

У тағин авж олганида Ултон пайқаб қолдики, бу куй қуръон тиловатига ўхшар экан.

Шунинг учунми, бутун борлиқ куйга йўғрилиб, бамисол куй шаклига кира бошлади-да, ушбу сирли мавҳумият ичидан теран бир фарёд эшитила кетди:

Не ғурбатларни чектим, чархи бевунёд, дастингдин,  
Тамони хонумоним ўлди чун барбод дастингдин,  
Мудом мотамда бўлдим, бўлмадим дилшод дастингдин.  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этармен, дод, дастингдин!

Давра фавқуллода лол эди.

Лекин қалблар йиғламоққа тутинган...

...тасаввурда аламли-армонли ўйлар манзаралари...

«Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин...»

Ултон бу сатрни ичида такрорлаб: «Ким обод бўлди?— деб ўйлади.—  
Билмайман...

Балки Шўронинг оёғи етмаган жойлар обод бўлгандир... Аммо, бизнинг  
нообод бўлганимиз аниқ: қадимият вайрон... Қадриятлар, ҳа, маънавий эъти-  
қодлар ҳам оёқ ости бўлган, Она-табиат эса — хавф остида...»

Қўшиқ:

...Чаманда булбули бехонумонман, ошёним йўқ,  
Мисоли чуғздек вайронада ҳаргиз маконим йўқ,  
Азизимдан жудо бўлдим, бошимга соябоним йўқ,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод, дастингдан!..

Кўзларини юмиб қолган Мунди:

— До-од!— деб кўкрагига урди-да, Умиднинг кифтига осилди.— Улдир-  
ди-инг! Улама-ан, девона!

...Дунё шарм-ҳаёни ҳам унутгандай бурқситиб сигарет чекар, кўзлари-  
дан милт-милт ёш оқар эди.

Нимани ўйлаяпти экан бу — бойвучча, оғзи полвон жувон?

Нима армони бор?

Дарвоқе, университетни битирган бу аёл, раҳбариятдаям ишлаб кўрган...

...олий маълумотли, дунёнинг пасти-баландини жуда-а тушунади!

Қизиқ: унча-мунча одамни оёғида кўрсатади-ю, оддий фаррошга эгачидек  
меҳр кўргизади.

Афтидан, одамларнинг ўзи ҳақида нима ўйлаши ҳам қизиқтирмайди.  
Балки ғийбатлар, миш-мишлар, пичинг-истеҳозларни эшитавериб...

...кўникиб кетгандир? Балки «нимаси» биландир улардан устунлигига мут-  
лақ аминдир? Хуррам:

...Бу олам халқи ичра дил паришон бўлмасин ҳеч ким,  
Кўзи ҳам телмуриб йўлларға, ҳайрон бўлмасин ҳеч ким,  
Бу дунё дийдасига торикистон бўлмасин ҳеч ким,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод, дастингдин!

Ултон «... паришон бўлмасин ҳеч ким»ни эшитиши замон, назарида,  
Баҳор...

...паришондек туюлган, сўнг гапга-гуруннга берилиб, уни... эътиборсиз  
қолдирганини англаб, кўнгил кўтаргувчи сўз ва узр айтишга чоғланган онда  
қўшиқнинг ҳосиласи — «...дод дастингдан!» айтилди-ю, Ултон Баҳорга ўгири-  
либ қаради.

Баҳор ҳарир либос ичида ҳайкалдек қотиб ўтирар, маъносиз нигоҳи эса  
нариги стол узра нимагадир қадалган эди.

— Мундай... гапга қўшилмаяпсиз?— деди Ултон.— Толиқдингизми?

У эрига ялт этиб қаради.

— Нима?

— У ёқда нима бор экан?

— У ёқда...— Баҳор хўрсинди.— Анавиларни уроласизми?

Ултон ўрисларга кўз отди.

— Уларни... худо уриб қўйипти-ку?

— Худонгиз ҳам номард экан... Бизни шуларнинг қўлига топшириб қўйди!

Ултоннинг эти жимирлаб кетди.

— Шундай-ку-я...

— Бўпти.

— Сиз ҳозир фақат шуни ўйлаб ўтирганмидингиз?

Баҳор чўчинқираб кетди.

— Бошқа... нимани ўйлар эдим?

— Узр... Энди, энг катта ўрис Тараканов билан мунча яқин сиз-у...

— Унинг йўриғи бошқа!

Шунда Хуррам:

— Эндиги банди ўзим учун!— деб эълон қилди-да, яна торни тилга киргизди.

Табий, Ултон ҳам «эндиги банд»га қулоқ берди:

...Илоҳи менга еткургаймукун хуршиди матлабни,  
Саодат вақтида бошимга чун иқболи кавкабни,  
Илоҳи, сен етур ҳиммат йўлига хаста Машрабни,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод, дастингдин!

78.

Тешавой соатига қараб олиб:

— Хуррамжон, сизга катта раҳмат. Ҳаммаларингга раҳмат,— дея Ултонга бурилди.— Энди бизга жавоб берсангиз. Келинпошша, базмниям охири бўлса керак?

Баҳор сергакланиб:

— Борасиз-да ўша шаҳрингизга!— деди.

— У қафасдан ўзга макон йўқ бизда!— деб кулди Тешавой.— Сизларга ҳавас қилиб қайтиб кетамиз. Яна шундай шодиёна кунларда учрашайлик!

— Раҳмат,— деди бирдан паст тушиб Баҳор.

— Буларни узатиб қўяйлик, мен ҳам кетаман,— деди Дунё.

Баҳор аллақандай хўрсинди.

— Наҳотки энди мен...— дея дарахт шохларига боқди.

Шаҳарликлар ҳурматига ерликлар ҳам туришмоқда эди.

Тешабой Болтабоев дуч келган киши билан қўл олиб хўшлашаркан, Қобил фаррошни тўқус қучоқлаб қисди.

— Укагинам, биз кўп нарсани тушунамиз...— деди.— Шўро опа! Хўш қолинг. Келин-куёвни сизларга, сизларни худога топширдик!.. Мундибой?

— Аҳволимиз шунақа, ака,— деди Мунди атайми-ростданми — мискин қиёфада. Кейин Собирга бақирди:— Ул-булингни йиғиштир сен ҳам! Сеням уйинг бор, бола-чақанг бор.

— Микрофон қолсин,— деди Хуррам. Сўнг ўзи томон жилаётган Тешавой билан ачомлаша кетди.— Яхши етиб борингизлар!

— Сизни зўр санъаткор деб билардик,— деди Тешавой.— Зўр тарихчи...

...ватанпарвар ҳам экансиз!

Хуррам қўл қовуштириб:

— Ишқилиб, сизларга соям тушмаса, бўлди,— деди.— Тушовни ечиб юбордик.

— Айтмоқчи, охирги бандда нима сир бор эди? «Ўзим учун!» дединг?— сўради Мунди.

— Айтилди-ку,— жилмайди Хуррам.— Уйга бориб, Машрабни очиб кўринг.

...Ултон ниҳоят эслаб қолдики, «Дод дастингдан!» ҳам Машрабники!

Бу тўғрида ўйламапти: тилсимга тушгандек қўшиқ оғушига кириб шўнғиб кетибди экан.

Меҳмонларни кузатгани Ултон ҳам жиларкан, Дунё ҳам Баҳорга кўзини қисиб, «юр» дегандек қилди. Тешавой: «Ўтиринглар, хижолат қилманглар», дер экан, Турсунтош кулди: «Биз хижолат бўлсак майлими?»

Собир эса:

— Дод дастингдан, девона!— деб ҳайқирди.— Шу кетиши бўлса, халқни бузиб...— Мунди уни урмоқчи эди, у қочди.— Э, сизнинг тарафингизни оляпман-ку?

Ултон Ашимга йўлиқиб қолди.

— Тинчликми?

— Ҳаммаси жойида,— тайлоқланиб деди Ашим.— Мендан ҳам Умиджонга ўтган эди. Рашёт бўлди.— Кейин шивирлади:— Ака, ҳужрадаям тайёргарлик бор...

Ултон Темир волгачига қўл узатди.

— Келганингиз учун раҳмат, оға... Сиз ҳақингизда кў-ўп ажойиб гаплар эшитганмиз!

— Ҳе, биродар, бу давлат ўзгармагунча, ҳеч нарса ўзгармайди,— деди у. ...Ултон унга қараб қолди.

— Ҳим, давлат деганда... орган одамларини кўзда тутасизми?

— Қандай тушунсангиз — шундай.

«Ҳа, базис ўзгармагунча, усқурма ўзгармайди», дилидан ўтказди Ултон ва...

...бир-бирини қўлтиқлаб, бир-бир босиб келаётган Дунё билан Баҳорга йўл берди.

— Синфдош!— деб бақирди шунда келинлар ортидан совғаларни эрига кўтартириб эргашган Турсунтош.— Бўларини айтинг, ҳозир чимилдиққа кирасизларми, йўқми?

Ултон уялиб кетди.

— Чимилдиққа бало борми!

— Бизга ўша кулбаям бўлаверади,— деди Баҳор ва турнақатор бўлиб кетаётганлар орасида гуриллаб кулги кўтарилди.

— Бўш келманг, янга!— деб қийқирди Собир.— Почча, сизгаям қувват берсин!

— Оббо.

Шунда Абдуқаюм унга шипшиди:

— Ҳазил қилади-да. Биласиз-ку уни... Ҳамма хурсанд. Тўй яхши ўтди...— Кейин сўради:— Балки олдин бу уйга бир кириб...

Ултон «бу уйга бир кириш» лозим эканини билса-да:

— Қирга!— деди.

...Иморат олдидаги майдонда тағин бироз аския-ҳазил қилишгач, айвонни тўлдириб турган хотин-халаж назари остида хайрлашув бўлди.

Бировлар уловларга ўтириб жўнашди: Тешавой билан шеригиям, Мунди билан Собир, Дунё билан Наби ҳам «Газик»ларида, Умид билан Ашим мотоциклда кетишди.

Темир волгачининг оқ «Жигули»си бор экан, Хуррам эшикни очиқ қолдириб Баҳор билан Ултоннинг қошига келди.

— Худо тепамдан урсин агар, сизларнинг аҳил, иноқ бахтиёр бўлишларингни истайман,— деди.— Сизлар менинг ҳаяжонимни тасаввур қилолмай-сизлар. Менинг дунёйим ўзгарди... Бунга сизлар сўнгги туртки бўлдинглар. Яъни, ҳар бир нарсанинг боши-адоғи бор экан, менинг ҳам кў-ўп изтиробларим ошиб-тошиб кетди.— Кейин тоғлар томонга қаради.— Мен одамларни овутиб юриб чарчадим. Буни сезардим-у, аммо чидар эдим...

— Ҳим, энди ҳалигидақа... сирларни очавераман демоқчимисиз?— Баҳор ундан кўз узмай сўради.

У эса кўзларини опқочиб:

— Йўқ-йўқ,— деди.— Менинг дардим бошқа...

— Ишқилиб, ўзингизга эҳтиёт бўлинг.

— Ҳ-ҳ, раҳмат.

Ултонга шундай туюлдики, бу гапларда бошқа маъно бордек.

Аммо:

— Мен Баҳоройнинг фикрига тўла қўшиламан,— деди.

— У-ў-ў, менинг дарвишим!

«Жигули» ҳам жўнаб кетди.

Бу икковлон гангиб туришаркан, Ултоннинг наздида, ёр-дўстлар ўзларига нисбатан қандайдир номардлик қилишгандек эди.

Ултон бирдан айвонга юз бурди.

— Ҳў-ўв, опа!

Угай она устунга суяниб турган экан, олмагули шол рўмолини йилтиратиб ёруғликка чиқди.

— Ҳа, Ултонжон? Кенгизлар!

— Биз у уйга борамиз,— деди Ултон.— Сизлар бемалол...

— Вей, расм-русм деган гаплар бор-ку, отажон... Соч тарар, ойна кўрсатар...

— О, кейин,— деди Баҳор ва қайнонасига ялинган бўлди:— Опажон, толиқдик... Уша расм-русмлар бўлди, деб ҳисоб қилаверинг! Кечирасиз!..— Бу гап ҳам озлик қилди, кулумсираб қўшди:— Махфират опа эшитиб қолса, бизга кун бермайди!

Опанинг ортидаги аёллар кулиб юборишди. Лекин яққол кўриниб турардики, уларнинг Баҳор билан сўзлашиш...

...ҳазиллашиш хоҳишлари бор: балки оқшомдан буён шуни кутишар эди.

Шу маҳал айвонда пайдо бўлган Турсунтош мулоқотга чек қўйди:

— Гап тамом! Уларга тегманглар... Қани, синфдош, қирга йўл тортинг! Пиёда чиқасизлар энди! Ултон, келинни кўтариб олинг, кўтариб!

Хотин-халаж кулишди. Ултон Баҳорга бир сония тикилди-да, бу ердан тезроқ жилиш учун ҳам уни шартта кўтариб олди: бир қўли қизнинг тақимлари тагида, бири кифтида...

...қир томонга ҳаллослаб йўрта кетди.

Баҳор икки марта: «Туширинг», деди. Кейин эрининг бўйнидан қучиб, лабидан шундай ўпдики, Ултон нафас ололмай бўғилиб қолди.

— Энди туширинг.

Ултон унга бўйсунди.

...Осмонда юлдузлар чарақлар эди.. Теварак-атроф Ултоннинг «ошна»лари бўлмиш чигирткаларнинг чир-чирига тўла, Олатоғ тарафдан елпинди эсар эди.

Уйга киришганда, шифтга осилган носқовоқдек ёритгич порлар, столда бир лаган емак-газак ва бир шиша коньяк билан шампан ҳам «диккайиб» турар, тагин стол четида...

...бир блок «Ту» сигарети ётарди. Боз қорни қаппайган чинни гулдонда атиргуллар, кат-каравотда эса ўтиргали жой йўқ; ҳар хил совға-саломлар ёйилган эди.

Эшик оғзида буларни мулозамат билан қаршилаб олган Абдуқаюм:

— Буюринглар,— деди.

Бошидан тўр чачвонли рўмолни юлқиб олган Баҳор чиндан ҳам Абдуқаюм ўзларининг мулозимидек:

— «Тошкент суви» йўқ экан-да?— деди.— Пепси-кола бўлсаям тешиб чиқмасди.

— Ҳозир.— Абдуқаюм уйдан чиқиб, нарвондан пастлаб кетди.

Ултон ўзини иттифоқо ўз уйига бегона бўлиб қолгандек тўйди-ю, бунинг сабаби Баҳор ҳам энди «бунга» шерик эканига ақли етди.

Кейин уни..

...қонуний хотинини кузатгиси келди: ўзини қандай тутаркан?

Шу истак кўнглида уйғонибоқ юраги зириллаб кетди: «Каромат...»

У ялт этиб жавонга боқди: унинг (уйларининг) телефон рақами қайсидир китобнинг муқовасига ёзилган эди...

Ултон беихтиёр сурп пардани кўтариб, миҳга илиб қўйди.

Бу жавон ҳам «қўлбола» эди: икки арча хариси бир-биридан салкам икки қулоч масофада тикка қилиб деворга маҳкамланган, улар орасига рандаланган тахталар остин-устун қоқилган, тахталар устига китоблар тахланган эди.

Баҳор совғаларни бир-бир кўриб чиқиб, катга таппа ўтирди-да, худдики шифт тепасидан босаётгандек — қандайдир пасайиб ўнгу сўлга, печка ва ерга қаради.

— Қизиқ.

Ултон унга ўгирилди.

— Нима «қизиқ»?

— Ҳеч ўйламовдим,— деди Баҳор ва елкасини учуриб кулди.— Улай агар...

Ултон тушунмади.

— Нимани?

Қиз унга тикилди.

— Йўқ, бу ерда...— Сўнг бирдан кат четига шаппати урди.— Утиринг!— Ултон ўтириши ҳамон уни қучиб, елкасига чаккасина тегизиб олди ва:— Хўш,— деди.— Сизга у ёқ ёқмас керак-а?

— Менга... сиз ёқасиз!— деди Ултон. Сўнг «Ту»дан бир қути чиқариб, битта тутатди-да, шу бўйи ёғоч креслога чўкди.

— Демак, мен хоҳласам...

— Ҳа.

— Ахир, сиз эрсиз-ку?

Ултон шаҳд билан шампан шишасини олди-да, «пўстини»— зарқоғозини тирноғи билан кўчира бошлади.

— Авваламбор, биз — озод инсонлармиз. — «Ҳа-ҳа, буям ўз мулоҳазаларига — озод», деган ўй кўнглидан кечди.— Сўнгра эр-хотинмиз.— У фикри равон чиққанидангина эмас, умуман, бу фикрнинг ўзи...

...унинг эр-хотин муомаласи хусусида аллақачон шаклланган қаноатию шуни айтганидан енгил тортиб кулумсиради.— Ахир, инсонда маънавият муҳим-ку?

— Бир гап айтайми? — сўради Баҳор.

— Бемалол.

— Сиз идеал эркаксиз.

— Оббо!

Шунда шампан «портлаб» кетди.

— Салют!— деди Баҳор.

— Олға!

— Ҳой, мени... тоққа олиб чиқасизми? Фақат иккимиз...

— Тоққа? Эрталабоқ чиқиб кетамиз!

Буни қаранг: ахир, ўзи яқиндагина шунга қасд қилганди-я? Хонбалиқни тутишганда ҳам...

Энди, Баҳори билан чиқса!

Ахир, Баҳор унинг суйган жойларини кўриши, пироварди суйиши ҳам керак-ку? Суюб қолади.

Демак, ҳозирданоқ тайёргарликни бошламоқ лозим: Ултоннинг бу борада малакаси ошиб кетган, нима ишлар қилиш кераклиги режалаб қўйилгандай эди.

У бирдан... ён-верига аланглаб қаранди-ю, шишани столга қўйиб, сапчиб турди. Сўнг қандайдир энкайиб юриб эшикка борди, қоziққа илиғлиқ чопон билан пўстинни кўтарди-да, қайиши ялтираб кетган биротар ов милтиғини олди. Уша ердаёқ уни шарт буклаб, стволи учини чироққа қаратди.

— У-ў, қадрдон... Ҳозир тозалаймиз!

Баҳор ҳуркиб ўзини орқага тортди.

— Ҳозир.... шартми?

Ултон: «Албатта! Тоққа борадиган киши яроғини аввал оқшом шай қилиб қўйиши шарт!» демоқчи эди, Баҳорнинг сасида...

...оғриниш сезиб:

— Ҳм, эрталаб тозаласаям бўлади,— деди. Аммо милтиқни қоziққа илмай жойига қайтди. Ва ўтираётиб фаҳмлаб қолдики, Баҳорнинг сўзини икки қилмаётир!

«Шуми эр-хотинлик?» деб ўйлаган кўйи, бу ҳолнинг ўзига заррача малол келмаётгани, аксинча...

...ёқаётганига амин бўлди.

Ва ҳайрон қолди: ахир, яқиндагина Баҳор бу рўзғорга келин бўлиб тушганидан кейин ҳамма нарса ўзгариб кетадигандек туюлмабмиди?

Анави иморатга ҳам кўпдан-кўп «тахрир»лар кирадигандек, ариқда эса ахлат...

Наҳот, уларгаям «кўникар?»

Йўқ-йўқ!

Баҳор тушунади: тоққа интилаётган киши, демак, табиийликка интилаётган бўлади-ку?

Ултон милтиқни ёнига тираб қўйиб, шампанни пиёлаларга қуяр экан, уйча дир-дир титради. Ва эшик ланг очилиб, қўлини орқасига қилганча Турсунтош кирди.

— Ҳх, қумриларим! Мен жуда хурсандман-да, Ултонжон! Менгайм қуйинг, кейин бир нарсани... Айтмоқчи, нима йўқотдингиз?

Ултон чўнтаклари устидан босиб-босиб қўйди. Баҳор ҳам беихтиёр сир-ғасини, сўнг бўйнидаги маржонни ушлади. Кейин ўларнинг ҳар иккиси ҳам бармоқларидаги узукка қарашди-ю, Турсунтош:

— Тополмадинглар!— деб ўнг қўлини бошига кўтарди. Бармоқлари учидан Хотин маъбуданинг ҳайкалчаси турар эди. Ултон ўрнидан туриб кетаёзди.— Олдин шампан... Раҳмат.— Пиёлани чап қўлига олгач, ҳайкални берди.— Нима бу? Ҳуштак десам ҳуштакка ўхшамайди: ичи бўш эмас, тешигиyam йўқ.

Ултон маъбудани шамлар ёнига қўйди.

— Бу — фаришта... Бу — Она,— деди лаззатланиб. Ва Баҳорга қараб олди.— Бу Хотин маъбудаси... Буни уйнинг тўрига — меҳробга ўтқазиб қўйганлар. Ота-боболаримиз, олис бобокалонларимиз...

— Ана шунинг учун мени ҳам бу ерга ўтқазиб қўйиптилар!— деб кулди Баҳор.

— Демак, сиз — бу кишининг маъбудаси!— деди Турсунтош.— Бир-бирларингга меҳр-оқибатларинг бепоён бўлсин!

— Раҳмат,— деди Баҳор.

— Яна битта гапим бор: уёқдаги уйча ҳам, анави данғиллама иморат ҳам сизларники! Кечирасизлар, бу хотин ақл ўргатяпти, деманглар...

— Опа...— Баҳор чимирилиб, винодан хўплади.— Биз қаерда яшашни келишиб олдик.

— Ҳа, — деди Ултон.

— Нима бўлганда ҳам,— Турсунтош алланечук қовоқ солиб уқтирди,— бирга туришларинг керак!

— Вей, бирга турмай...

— Мен, умуман, айтяпман-да...— Кейин у синиқ жилмайди.— Эр-хотин бир кеча бўлак ётишса, қирқ кун меҳри қочармиш!

Баҳор ҳам жилмайди.

— Агар ётиш керак бўлса, биз... кундузиям ётиб тураверамиз, опaxon. Турсунтош кулиб юборди.

Ултоннинг ёдига эса таниш ўй тушди: нечун буларнинг деярли ҳаммаси... ..«аҳиллик, иноқлик» ҳақида уқтиришади? Ахир, эр-хотиннинг ўшандай яшаши табиий ҳол-ку?

Қолаверса, булар, яъни: ўзи билан Баҳор бир бутуннинг икки бўлагидек эканлар...

Бу ерда иккиланишга ўрин йўқ: тўғри, айрим кишиларнинг муносабатларида бир «нима» бор...

Қолаверса, Баҳорда баъзан паришонлик кўринади: лекин буям табиий ҳолдир? Ахир, дугонасига: «Наҳотки энди шу ерда...» дейишyam — табиий-ку?

Ултоннинг ўзи-чи? Қанча ҳайрон бўлмади, бўлмаётир ҳам? Ҳар қадамда янги туйғу, мулоҳаза...

Кулба яна силкина бошлади. Абдуқаюм бир қўлида бир жуфт «Тошкент суви», бир қўлида сариқ чарм чамадон билан кирди-ю, Баҳорнинг кўзлари яшнаб кетди.

— Нимани эсимдан чиқардим, деб ўтирган эдим, ака... Раҳмат!— Кейин қаққос отиб кулди.— Ахир, шу уст-бошим билан ётмайман-ку!

Ултон шампандан қуйиб, Абдуқаюмга узатди.

— Шуни ичмасам,— деди новвой,— ухлаб қоламан... Мана, уч соатдай кейин тандирга ўт ёқишим керак...— Кейин хотинига илжайди.— Сизнинг ҳал ишингиз кўп, ўртоқ раис... Калла-поча кутмоқда!

— А-а! Ҳозир тозалаб, димлаб қўйсам, азонда тайёр бўлади!

Улар чиқиши билан Баҳор чамадонни очди-да:

— Чаппа қаранг,— деди эрига.— Кийинаман... Биров келмайдими?

— Йўғ-е.



— Эшикни занжирланг... Тавба, биринчи келганимда, бу ерда ётишни тасаввур ҳам қилмовдим...

— Биламан,— деди Ултон.

81.

Кун терак бўй кўтарилиб қолган. Осмон шишадек тиниқ. Кўкмайдондан учиб чиқадиган «ваҳима»нинг ҳам изи йўқ: бугун ҳордиқ кунимикан...

Отнинг юганига боғлиқ чилвирни узун ташлаб олган Ултон Оқсувнинг ўнг соҳили туташ тепадан энмоқда — туфлисининг тагчарми қовжираган ўт устида тойиб кетар, йигит ўтириб, ўтириб қолар, кулар, завқланар эди.

От устида — эгарга тўшалган кўрпачада куёвнинг уйига оборилаётган келиндек (қадимда келинларни шу алфозда олиб боришган) бўлиб ўтирган Баҳор от қайси оёғини босса — ўша ёққа оғар, эгар қошига маҳкам ёпишар, аммо изтироб чекаётгани билинмасди.

Сув бўйига тушдилар. Ултон чилвирни ташлаб, Баҳорга қўлини узатди.

— Энгашинг! Оёқни чиқаринг-да узангидан... Унисини буёққа олинг. Ана шундай...

Баҳор ўзини деярли ташлаворди. Ултон унинг қўлтиғидан тутиб ерга қўйганди, Баҳор уни қучоқлади.

— Ўлдириб қўяйми?

Йигит ҳиринглаб кулди. Сўнг кафтлари хонимнинг белидан пастга тушаётганини пайқаб қолиб:

— Шу ерда жиндак дам оламиз энди,— дея бағридан бўшатди.

Баҳор ердан бўртиб турган япалоқ тошга чиқиб, (одатда касал кўргани борганда киядиган) пошнаси паст, тумшуғи қайтиқ шиппагини ечди. Яланг оёқ бўлиб:

— Ху-у!— дея қулочини ёзди-да, кейин бир нарсани қучгандек — қўллари кўксига — атлас кўйлак бурмалари устида чалиштирди.

Кўрпачани майсага тўшаган Ултон отни нарига етаклаб бориб, юлғунга боғлади. Оғзидан сувлиқни чиқариб, айилни ҳам бироз бўшатди.

Сўнг кўз очиб юмгунча хуржунни бўшатди: ейимликлар қўш нон орасига жойланиб, шол дастурхонга ўралган эди — уни ёзди ва коньяк билан каллапоча солинган косани ҳам ўртага қўйди. Ниҳоят қўндоқдан ажратилган милтиқни бутун қилиб, битта патронни жойлади-да, туфлисини ечди. Сув ёқасига бориб, оёқ-қўлини ювди. Кейин пахмоқ сочиққа артинаркан:

— Утирсинлар,— деди.— Ё қўлни чаясизми? Ҳозир...— У пиёлада муздек сув олиб борди.— Ана шундай...

Баҳор сочиқни олиб, қаддини ростларкан:

— Буёғроқ келинг,— деди ва унинг манглайдан чип этказиб ўпти.— Мукофот...— Кейин этакда — Оқсувнинг поёнида қолиб кетган дарахтзорга (қишлоқ дарахтларига) қаради. Сўнг осмонга қанқайиб боқди.— Мунча катта бу юртимиз!— деди.— Қизиқ, осмонга қараб турибман-у, йиқилиб тушадигандек бўляпман!

— Жарлик лабида туриб пастга қарасангиз ҳам шундай бўласиз,— деди Ултон.— Келинг.

Баҳор катта қадам босиб тушди-ю, энгашиб сонларини уқалаб қолди.

— Эзиб ташлади бу эгарингиз...

— Ўрганмагансиз-да.

— Қанақа қилиб кун бўйи отда юриш мумкин!— Баҳор кўрпачага чиқиб, қийшайиб ўтирди.— Бир гап айтайми?

— Хўш?— Ултон шимининг тиззаси чиқиб қолишини хаёлига ҳам келтирмай чордона қурди.

— Уёқ ҳам... дабдала бўлди.

Ултоннинг киприклари пир-пиради ва энгашиб кулиб юборди.

— Нимага куласиз?— нозланди Баҳор.— Тўғриси-да... Бу одам кулади. Билмайдики, ўзининг бадани пўстак бўлиб кетган. Кулманг-э!

— Ўзингиз ҳам унақа...

— Дўхтирлар реалист бўлади. Ҳамма нарсани ўз номи билан атайди. Ҳалиям менда ҳаё бор...

Ултон энди хахолаб кулди.  
 — Сизнинг шунақа ҳазилларингиз ҳам ёқади!  
 — Бўлмаса ҳақини тўланг.  
 Ултон гангиб турди-да, коньякни очди.  
 — Ичимсиз,— деди Баҳор.— Менга жиндаккина...— Сўнг чийилл юборди.— Жиндак дедим-ку? Нима, бу спиртми сизга?  
 Ултон анграйиб сўради:  
 — Спиртни кўп қуядими?  
 — Уф-ф,— деди Баҳор.— Сизда юмор йўқ... Вой, магнитофон ҳам йўқ!  
 Ултоннинг кўз олдига Баҳорнинг хужрасидаги ўша ускуна келди.  
 — Йўқ, менда йўқ,— деди айбдорона.— Лекин, оламиз... керак бўлди.  
 — Албатта керак-да!— Кейин ҳушёр тортгандек:— Э, менда бор-ку!  
 деб юборди.  
 — Олинг.  
 Баҳор тескари қараб, пиёлани ярим қилди. Сўнг идишни дастурхон ташлаб:  
 — Падарига лаънат бу ҳаётнинг!— деди. Сопол косадаги каллапочад жичча узиб, тишлади.— Сиз маънавият ҳақида гапирасиз... Биз эса бузил бўлганмиз. Шу ўтириш, ичиш эпми ўзбечкага...— Ултон унинг яқинда худди «жиҳатлар» ўзбек қизларининг «хусусиятига» айланиб қолгандек қилиб пириганини эслади. Баҳор хаёлланиб луқмани чайнар экан, давом этди:— Баъзи қишлоқ қизларига шундай ҳавас қиламанки, улардай бўлсам дейман. Кейин уларга ачинаман...  
 — Нимага?  
 — Қул-ку улар! Пахтада ишлаганмисиз?— чирсиллаб кетди Баҳор. Шалвираган кўйлак, қоқ суяк бадан. Қўлда кетмон... Ё, тавба, олдига қоп тутти чопиқ қилаётганини кўрсангиз, кўзингизга ёш келади. Чанг!..— У йўтал қолди.— Холамнинг қизлари чўлда. «Чўлқувар» деб ҳайдашган... Ҳалиям тоғли жойларда бир нави...  
 — Ҳа, шундай,— деди Ултон.— Сизга раҳмат... Кўнглингиз яхши. Ҳозир мен мактабни биринчи кўрганда йиғламоқдан бери бўлганингизни эслади.  
 — Вой, Ултон ака...— Баҳор унинг тиззасига кўлини қўйди-ю, тортди.  
 Бас, биз ўйлаган билан...  
 — Рост айтасиз.  
 — Ўйлаш бекор.  
 Бу ер ям-яшил ўтлоқ эди. Анави тепаларда қовжираб қолган янтоқларнинг бу атрофдаги шёриклари ҳали кўк ва митти-митти оқ гуллари бор. Ҳар жойда ҳар жойда тўп-тўп юлғунлар ўсган, улар ҳам зумраддек, жимитдек гулла эса қип-қизил. Кўпчилигининг пояларига хас-хашаклар илашиб қолган: баъзи селларидан «эсдалик»...  
 Оқсув ёйилиб оқяпти: шўх, қувноқ. Сув юзасига чиқиб турган йирик тоғ фотмачумчуқ кўниб, узун думини ликиллатганча у ёқ-бу ёққа аланглаб туради, бирдан тош четига тушиб, сувга эгилди: ҳар «ютум» олганида тумшуг тепага қилиб, яъни жиғилдондан ўтказган кўйи атрофга қаради. Кейин пиллаб учиб кетди.  
 Сойнинг нари соҳили — сичқонқулоқ барглари диккайган ёввойи тол: баъзисининг шоҳида қуш ини кўринади... Ундан у ёқлар аста-секин кўтарили малла адирларга уланиб кетади.  
 ...Баҳор шимолга — Оқсув чиқиб келаётган Қўрғондарага қаради.  
 — Уша ёққаям борамизми?  
 Ултон чимирилди.  
 — Майли,— деди.— У дара босмачиларнинг қароргоҳи бўлган. Ҳа, у ердаги камарлар шифтида ўшалар ёққан гулханларнинг қуруми бор...  
 — Кўрамиз-а?  
 — Лекин мен хафа бўламан...  
 — Ҳим, да,— деди Баҳор.— Лекин Хуррам ака ўзгариб қопти... Ҳим!  
 Ултон унга ялт қаради: Баҳорнинг у билан хўшлашаётгани ёдига тушган уларнинг ўша қисқа гурунгида «бошқа маъно» ҳам бордек эди.  
 — Ҳа?— деди Баҳор.  
 — Шу... Хуррам ўзига эҳтиёт бўлиши керак. Сиз тўғри айтдингиз.

— Раҳ-мат!

— Хўш...— Ултон Қўрғондаранинг ўнг биқинида осмонталаш бўлиб турган ғадир-будир, орқа тарафи тизмаларга туташ чўққини кўрсатди.— Етимчўққи шу!— Шу оннинг ўзида чўққи узра баҳайбат ниначидек айланаётган баргранг вертолёт кўз олдига келди. Кейин тош босган арча буталари орасида ётган айиқ...

Баҳор «айиқ воқеаси»ни билса-да, «Етимчўққи» эсида қолмаган экан.

— Ҳақиқатан ёлғиз-а?— деди.— Устига чиқиб бўладими?

— Йўқ.

— Ана, бургут айланяпти!

Ултон чўққининг ўнг тарафидаги айри тизмага ишора қилди.

— Ана шу кам 'дан ўтсак, Зовбошига чиқамиз. У ерда бўритиканлар гуллаб ётипти... Худди наъматакка ўхшаб гуллайди. Кечалари ой нурида оппоқ бўлиб туради.

— Уша ерга борайлик! Узоқми?

— От бор-ку?— Ултон кулумсиради.— Бир ёнбош бўлиб ўтирасиз.

— К черту! Борамиз!— деди Баҳор.— Эй, ўзимизда... аёллар эгари бўлмайди-я? Киноларда кўрсатади-ю, қоши қийшиқ эгар?

— Графиня хонимлар ўтирадиган эгар?— Ултон мийиғида истехзоли жилмайиб, айна чоғда ғурур билан ўрнидан турди.— Бизнинг қадимги турк аёллари ҳатто яланғоч отларни миниб, ёй тортиб, жангга кирганлар!

— Биз ҳам энди...

— Йўқ, биз — уларнинг оқавалари, холос.

— Тақдирда бори шу экан-да... Ана, ана!— дея Баҳор бирдан эрининг қўлидан ушлади.

Қўрғондара кўчгандай бўлди. Ва мовий кўкда узун оқ тутун ўрлаб, буларнинг устидан ўта бошлади. Тутуннинг бошида ёй ўқидек нуқта бор, у тутунни «тортиб» бораётгандай эди.

## 82.

Баҳор тагин эгарда — оёғини эгар қошидан ўтказиб ўтирар, Ултон уни етаклаб Етимчўққининг кунгай томонидан кетар экан, қайнаб қотган буламиқдай жигарранг товатошдан қарсиллаган товушлар таралар, чумчуқларнинг чирқиллаши ҳам темир жарангидек совуқ эшитилар эди.

Тепадан «ҳув-ҳув»лаб ёввойи каптарлар ўтди.

Бу ерларда гиёҳ йўқ, бори ҳам хазон бўлиб — қоя тусига киргани учун манзара қандайдир жонсиз сайёрани эслатади ва Ултон беихтиёр камдан бош чиқариб турган арчаларга қараб-қараб қўяди.

Уша ерга чиқишганда, Гижингтой ихранар, сувлиғидан кўпик томар эди. Ултон ҳам болдирларини уқалар, Баҳор эса...

...этакда ястаниб ётган сийрак баргли, новча-новча арчаларга тикилиб қолган, чўнг уммондан яшил оролчага чиқиб қолган ва бундан ҳайратда қотган сайёҳга ўхшар эди.

— Тушай! Туширинг,— деди у бирдан.

Ултон унга яна қўлларини чўзди, қучиб олиб ерга қўйди. Жувон унинг терлаган пешонасини бармоғида артиб, ўша жойдан яна «чип» этказиб ўпти.

Ултон:

— Ана шунинг адоғида,— деди.— Зовбоши. Сиз отда кетаверсангиз бўларди.

— Не хочу! Сиз — пиёда, мен отда — графиня бўлиб, а?

Ултон унинг кифтига қўл солиб, олға бошлади-ю, шошилиб отга ўгирилди.

— Ҳе, жонивор, ҳозир, ҳозир...— дея хуржун кўзидан мили чиқиб турган милтиқни олди. Ва кучига куч қўшилгандай шиддат билан:— Олға!— деди.

— Олға!— деди Баҳор ҳам, Кейин бир қадам четланди.— Милтиқдан қўрқаман... Умид ярамас бешотар опкеламан, дейди. Хоҳласа, автомат олармиш!

<sup>1</sup> Тоғнинг кемтик жойи, эгари.

Ултон унга тикилди.

— Термизга юк оборади-ю! Афғон чегарасигаям ўтаркан... Ўша ерда ўзимизникилар сотишаркан!

— Ё, тавба! ..

Баҳор бир ишни қотириб қўйгандай жилди.

— Сиз билмайсиз-да!— Сал тин олиб, давом этди:— Таракановникига борайлик, эшитасиз. Ҳарбийлар ҳатто... УАЗик ҳам сотишади! Списат қилиб. Ана сизга Совет Армияси! Офицерлар сотади... Солдат сотмайди-ку? Ба-лиқ бошидан чириган.— Кейин тўхтаб қолиб, қандайдир мамнуният билан қўшимча қилди: «Худди ҳукумат бошлиқларига ўхшайди-я улар ҳам?»

— Яхши айтдингиз,— деди Ултон.— Ҳукумат бошлиқлариям сотишади: амални...

— Во, во!

— Ўзи бу тузумнинг бўлгани шу экан.— Ултон сигарет тутатмоқчи эди, Баҳор қўймади:

— Ҳозир чекманг. Упкангиз пишган... Бунинг устига, қаранг, ҳаво қан-дай тоза!

Арчанинг ҳиди оғир. Чангалзорга илк бор кириб қолган кишининг на-фас олиши қийин бўлади. Аммо аста-секин ўпка мослашади ва кўкрак қа-фаси бир маромда кўтарилиб туша бошлайди.

Бу ерда сербарг, мовий арчалар ҳам бор эди. Айримларининг уруғи қора кишмиш бошидек осилиб туради. Қуйи шохлари яланғоч бўлиб қолган туплар остида малла нина барглар кўрпа бўлиб ётади.

Шуниси қизиқки, ёнингдаги арчага нисбатан нарироқдаги арча яшилроқ кўринади. Унга етсанг — униси сени жалб этади. Баъзан қўш арчалар ора-сидан ўтгинг келади, баъзан баҳайбат тупини кўрсанг, уни айланиб ўтмай иложинг йўқ.

Ҳар қадамда зағизғон сайраши эшитилиб туради. Гоҳо яқинига бориб қолганинга бутуқлар орасидан потирлаб учади-да, бирон арчанинг албатта учки шохига бориб қўнади.

Улар бир майдонга тушиб боришди: бўйи белга урадиган эшакмиялар шу қадар текис ўсган эдики, устидан бемалол юриб кетиш мумкиндай туюларди.

Ултон уни четлаб ўтиш учун қаранаркан, Баҳор унинг билагига ёпишди.

— У нима?

Шу оннинг ўзида Ултон ҳам кўрди: ўн-ўн беш қадамлар нарида — миязор остидан баҳайбат бир аждаҳо биланглаб бораётгандай эди: ўсимлик устида шундай «из» ҳосил бўлмоқда!

Ултон милтиқни унга тўғрилаб тикила бошлади. Ўрмалаб бораётган жон-дор айри арчага йўналди. «Нима бу? Илон, бошқа нима?— деб ўйлади Ултон.— Каттаси экан...— У ўзи кўрмаган эса-да, тоғда ҳайбатли аждаҳолар бўлишини, улар ҳатто улоқ-қўзиларни ҳам бемалол ютиб юбориши, одамларни эса... ав-рагани ҳақидаям турли ваҳимали ҳикоялар эшитган эди.— Отайинми? Отиш керакмикан?»

Шунда Баҳорнинг дағ-дағ титраётганини кўриб, шахдидан тушди.

— Отинг-е! Нимага қараб турибсиз?— зўрға шивирлади Баҳор ва Ултон-нинг орқасига ўта бошлади.

Йигит чуқур нафас олди. «Нима бўлса, бўлар!» деб ўйлади-да, жондор арча тагига етдим деганда, тепкини босди. Атроф ларзага келиб, дори ҳиди анқиди-ю, чийиллаган бир товуш қулоқни қоматга келтирди.

— Қуён!— хўрсинди Ултон ва уни босиб олишни тасаввур этганича отил-ди. Арчага етиб, чап қўли билан кўзини тўсган кўйи... оралиққа ўзини урди.

Аммо арча тагидан ўтиши замон... ўша махлуқ яна чийиллаб юзига шун-доқ ташландики, Ултон у ёққа қандай ўтган бўлса, шундай бурилиб бу ёққа қайтиб чиқди.

Унинг тиззалари титрар, белидаги ўқдондан ўқ ололмас эди.

У нима?

Ултон кўролмай қолди: бироқ у қуён эмас... Йигит ниҳоят, милтиққа чўчка ўқдан жойлаб, арча тагига тўғрилади-да, кута бошлади.

Ҳеч нарса чиқмади.

...Ултон оёқлари акашак бўлгандай босиб, қўлларини кўксига тутган

ҳолда чўнқайиб ўтирган Баҳорнинг олдига борди. Баҳор турибоқ унинг кифтидан кучди.

— Кетайлик! Юринг-юринг...

Ултон бир нима демоқчи бўлди, аммо танглайи қотиб қолгани, овози чиқмаслигини англаб, бош ирғади. Сўнг Баҳорга эргашиб, ортига қарай-қарай, эшакмиялардан холи жойга етди. Баҳор беихтиёр уни баланд бир тошга тортди.

Тош устига чиқишгач, иккиси ҳам чуқур-чуқур нафас олган ҳолда айри арчага бир муддат қараб туришди.

— Нима экан у?

— Билмайман.

— Қанақа овчисиз ўзи?

— Мен овчи эмасман.

— Хўп, табиатшунос!.. Нима бўлиши мумкин у?

— Ҳайронман.

Ултон бундай «ҳодиса»га биринчи бор дуч келиши, дарҳақиқат у жониворнинг нима эканига ақли етмас эди.

Шу пайт орқа тарафда тошчалар шиқирлаб кетиб, иккисиям бурилиб қарашди.

Айриқир томонга чопиб бораётган териси йўл-йўл чўчка боласи бирдан тўхтади-да қуймучини ялай бошлади. Сўнг кулча бўлиб айланди-да, яна қочиб қолди.

— Вой!— деди Баҳор.

— Ҳа,— деди Ултон.— Уқ теккан жойини ялади. Сочма эди-да...

— Отиб ташланг... шу кўрқитгани учун! Нега қараб турибсиз? Ана, яна тўхтади...

Ултон бош чайқади.

— Юринг. Бу ердан кетамиз.— Кейин бирдан шошиб қолди.— Юринг-юринг!

— Нима-а?

— Онаси бўлса...

Баҳор тагин эрининг билагига ёпишди. Тошдан тушдилар.

— Сиз олдинроқ!— Ултон бир ёнбош бўлганича атрофга қарай-қарай жила бошлади. Ҳадемай ялангликнинг уёғига ўтиб олдилар. Шундан кейин ҳам беш-ўн қадам босиб, танаси силлиқ катта арча соясида тўхташди.

— Уф-ф,— деди Баҳор.— Қўлингизни қўйинг. Кўкрагимга қўйинг. Отдай тепяпти!

— Ҳозир босилади.— Ултон унга тасалли берган бўлса-да, ўзининг ҳам бўлганча бўлганини эслаб ва рангиям бир хилда эканини тусмоллаб, жилмайди.— Рост, мен ҳам кўрқдим.

— Ана шу-да!— деди Баҳор. Сўнг эрига термилиб, елкасига суйканди.— Уҳ-ҳ... Анави ерда тўхтаб қолдингиз-у... Жоним чиқай деди. Чақирай десам, овоз йўқ. Барибир сиз ботир экансиз.

Ултоннинг шунда... юраги шундай гурсиллаб уриб кетдики!

Ахир, у Баҳорниям... ҳимоя қилган эди. Баҳор унга суяниб қолди-ку? Қандоқ яхши — эр бўлиш, эркак бўлиш!

— Кетдикми?

Ултоннинг тилида: «Ҳа» деган сўз қолиб, бирдан аланглай кетди:

— От!

— Вой, ўлай!.. Вой, ана! Бизга қараб турипти.

— Ҳе, қадрдон!— Ултон милтиқни хотинига узатди-ю, бермади. Бояги тошдан наридаги пакана арча ортида қулоқларини чимириб турган Гижингтойни етаклаб қайтди.

— Онаси... кўринмаяпти-ку?

— Ҳа,— деди Ултон ва дарҳақиқат ҳайрон қолди: нега у якка юрипти?

Ултон билар эди: шу атрофда ёввойи тўнғизларнинг юрадиган сўқмоғи бор. Бироқ...

...чурпа<sup>1</sup>нинг ёлғиз юриши?

<sup>1</sup> Тўнғиз боласи.

— Онасига бир нима бўлган,— деди ниҳоят. Ва одам боласи ўлдирмаганига ишонгиси келиб, бошқа сабабларни айтди:— бўрилар еган бўлиши мумкин, ё жарликка учган...

— Браконьер-чи...— сўради Баҳор.

— Балки.— Ултон чўчқа этидан бўлган колбасани бемалол есада, этнинг ўзини ейиш — ақлига сиғмас эди. Эҳтимол, ҳарбийда хизмат қилганда, тановул этишга мажбур бўларди. Аммо у дорилфунунга кирган йили ҳарбий кафедра бор, бир йилдан кейин кафедра ёпилган ва Ултонлар «военнообязанный» бўлиб қолган эди.


— Агар онаси бўлса...

— Бизга ташланарди.

— Юринг, шу ердан кетайлик... Зовбошингиз қаёқда ўзи?

— Ана! Пастликда...

Давоми келгуси сонда



## Мақтублар

Ассалому алайкум. биродари азизлар. Камина сизларга улуг бобокалонимиз Машрабни мажзубнинг ҳурмати ҳаққи мақтуб битаётirman.

Шу ўринда ҳурматли ёзувчимиз Ҳамид Ғулумга бир саволим бор: у кишининг «Машраб» романини қайта ишлаш фикрлари йўқмикин?

«Туркийда тузулгон» китоблардан баҳолиқудрат хабардор бўлганлигим учун, инқилобдан илгари чоп этилган «Шоҳ Машраб» номли тошбосма китобни кўриб эдим. Унда, жумладан, шундай деб ёзилган эди:

«... отаси саводхон, зиёли. Оналари мунис ва меҳрибон, иймони бут... асли намангонлик покиза кишилар эрди... Анча камбағал ҳам эрмас эдилар.»

Утган йили Кошғар зиёратига бориб эдик. Машрабнинг муборак пирларининг азиз қадамжосини тавоф этиб, ҳурматларига Қуръон тиловат қилдик.

Таассуфки. Офоқ Хўжа мазористони лавҳида Машраб ҳақида ҳеч нарса битилмабди. У зотнинг етти йиллик умрлари шу жойда ўтиб эди.

Негадир, Кошғарнинг адабий мажалласи «Булоқ»да, шунингдек, «Кошғар адабиёти» тўпламида Машрабни «Андижонда камбағал бўзчи оиласида таваллуд топган», деб ёзибдилар. Жунун соҳибининг адабиётимиздаги баъзи бир образларида ҳам шундай чизгилар бор. Камбағал бўзчи... эмиш. «Социалистик реализм» ҳам эви билан-да.

Менимча, энди Машраб ҳақидаги ҳақиқатни рўй-рост ёзиш даври келди.

Абдурахимжон ҲОШИМОВ, Жалолобод

Мен ҳам «Шарқ юлдузи» ойномасининг садоқатли мухлисларидан бириман. Ҳатто бозор иқтисодиёти даврида, қолаверса, халқимиз бошидан кечираётган хавотирли кунларда ҳам инсонлар қалбини нурафшон этиб турган ушбу мажалла халқимизнинг уйғонишида катта хизматлар қилди.

Истардимки, «Шарқ юлдузи» ўз саҳифаларида Ш. Холмирзаев, И. Фафуров, Ҳ. Султонов, Ҳ. Худойбердиева, М. Кенжабоев, С. Саидовлар асарлари билан бир қаторда, ёш ижодкорларнинг асарларига ҳам кенг ўрни ажратса.

Яна бир истагим: чет эл адибларининг сара асарлари ҳамда жуда гўзал саналмиш ўзбек аёллар шеърятининг намояндалари — Зебуннисо, Нодирабегимлар жавоҳиротларидан ҳам чоп этилса.

Матлуба АЗАМАТОВА, ёш шоира



## Тилсим

Менга меҳр-вафо айларсан афзун,  
Қулфи дилим очиб кирмоқ-чун мавзун,  
Кўксимга бош кўйиб ўқурсан афсун:  
«Сим-сим-о-чил-сим-сим-о-чил-гин-о-чил...»  
Чил-чил-чил-чил...

Қўл солсанг қонатар бармоқларингни,  
Тирнасанг кўчирар тирноқларингни,  
Йўл олсанг оғритар оёқларингни,  
Товонингни тешар, кафтингни кесар —  
Шарр-шарр-шарр-шарр...

Қулфи дилим очиб кирсанг гар мавзун,  
Ишқ аро риёзат чекурсан афзун —  
Фақат тиг устида юрурсан маҳзун,  
Темир кавуш кийиб ҳам пўлат қўлқоп —  
Зил-зил-зил-зил...  
«Сим-сим-о-чил-сим-сим-о-чил-гин-о-чил!!!»



## Ҳукм

Айбини бўйнига кўйдингиз... Уни...  
Биламан... Ҳаммаси бўҳтон ва фириб,  
Сизга не ёмонлик қилувдим?! Мени  
ишонтирмоқчисиз, ёлғон гапириб.

Гирдимда оқловчи, қораловчи — сиз,  
Ўртада муҳаббат — энг одил ҳакам.  
Дарҳол ҳукм ўқилди: Айбланувчи қиз  
қалбимга қамалиб кетишга маҳкум.

Озод қилолмайсиз тушиб ўртага,  
Энди юрагимнинг асирасини —  
Рашкин келтирасиз холос, жўрр-тага  
Қора Отеллонинг набирасини...

## Мажнунтол

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиглаб бўлдим.

МИРТЕМИР

Куёвлари ўлган келинчакларнинг,  
Дарёга бош ювиб йиғлаши аён.  
Тул қолган мажнунтол куйинчакларинг,  
Сойга чайқар сочин кўзлари гирён.

Қабрингизни ўпиб йиғлар мажнунтол:  
— Мен учун йиғлаган шоир, турақол!  
Сочларини юлиб йиғлар мажнунтол:  
— Соямда ухлаган шоир, турақол!

Турғизмоқчи бўлар бағрига босиб,  
Сизни шовуллаган шохлари билан.  
Эзилган ўпкасин ололмай босиб,  
Дунёни тўлдирди оҳлари билан.

## Тўлғоқ

О, ҳаволарр,  
Ҳав-во-ларр!  
Чап қобирғам остида қизиб кетган, ҳаволар,  
Ичимдан бир нимани узиб кетган, ҳаволар,  
Синдиринг-ай,  
Синн-дирингг... қобирға — қафасларни!..  
— Ҳиҳ—ҳаа—ҳаа—а...  
— Ҳиҳ—ҳаа—ҳаа—а...

## Рустам Мусурмон

### Сочларини юлиб йиғлар мажнунтол

Рустам Мусурмоннинг шеърларида чуқур бир самимият бор. Одамни ўзига тортадиган самимият. Еш шоир кўнглини нурлантирувчи бу фазилатни халқона йўсин қурчлигида, руҳият тебранишларининг зичлигида, ҳолат ўзгаришларининг рангинлигида ифодалайди. Руҳиятнинг қувватига суяниб, ундан мадад олади.

Рустамнинг шеърларидан иллаган яна бир жиҳатим. Товушлар ҳаракатга айланади. Шақла киради. Ички муסיқийлик пайдо этиб, тўлишиб боради.

Шеър — ҳамisha ўзинг билан ўзинг шафқатсиз тўқнашувчи майдон. Рустам Мусурмоннинг қурби, ҳофизаси бунга имкон беришига тилакдошман.

Икром ОТАМУРОД

О, Ҳаволарр,  
Ҳав-во-ларр!  
Жонимга иссиқ-иссиқ дудоғ босган, ҳаволар,  
Ичимга чўғдай-чўғдай қадоғ босган, ҳаволар,  
Жон чиққунча тоқат-ла ҳайдангиз нафасларни,  
Парда ичра тўлғаниб бола туғинг — наволар...  
— Ҳих—ҳаа—ҳаа—а...  
— Ҳих—ҳаа—ҳаа—а...

О, ҳаволарр,  
Ҳав-во-ларр!  
Бера кўрманг гаровга шайтонларга жонимни,  
Чап беринг чап елкамда шивирлаган жинларга.  
Жомингизга тўлдириб қайнаётган қонимни  
Қулоқлар супрасида қориштиринг унларга...  
— Ҳих—ҳаа—ҳаа—а...  
— Ҳих—ҳаа—ҳаа—а...

\* \* \*

Гулл экурман жа-ҳоо-на, «Гул-зоор ўл-ма-ғунн-ча-ҳ...»	Доор ваҳмидин фа-лаак-лар, Кушод ўлмаз, ма-лаак-лар,
Жонн чекурман жо-ноо-на, Дил-доор ўл-ма-ғунн-ча-ҳ...	Хоор заҳмидин ю-раак-лар Гул-доор ўл-ма-ғунн-ча-ҳ...

Ёоор васлиға қаланн-дар, Ёоор васфиға саманн-дар, И-ишқ аҳлиға чаманн-зор — Моо-зоор ўл-ма-ғунн-ча-ҳ...	Гулл-пушш-та-ғаа, гул-моо-ҳимм, Уғўўт ўлур тур-поо-ғимм — Симурғ-лар-ға гул-боо-ғимм Боо-зоор ўл-ма-ғунн-ча-ҳ...
--	---

Гулл экурман жа-ҳоо-на,  
«Гул-зоор ўл-ма-ғунн-ча-ҳ...»  
Жоон чекурман жо-ноо-на,  
Дил-доор ўл-ма-ғунн-ча-ҳ...

## Кашта

### Ҳижрон кўшиғи

Бика, савсан, зайнови...<sup>1</sup>  
Булбул, байту ғазаллар —  
Юрагимга билганча  
Гул солдингиз гўзаллар.  
Гул солдингиз гўзаллар...

Сўзонанинг тарҳига  
Игна — киприк урдингиз.  
Қатимларнинг қатига  
Дурри маржон тердингиз.  
Дурри маржоон тердингиз...

Сўзонанинг тафтидан  
Яшнаб кетди яноқлар,  
Гулларни меҳр билан  
Гуркиратти нинаклар.<sup>2</sup>  
Гуркиратти нинакларр...


Бика, савсан, зайнови...  
Гуллари қуроқ-қуроқ —  
Юрагимга солдингиз  
Ҳар бирингиз бир йамоқ.  
Ҳар бирингиз бир йамоққ...

Бикаа, савссаан, зайнови...  
Юрагим қуроқ-қуроқ...

<sup>1</sup> Бика, савсан, зайнови — Қашқадарё шевасида пушти, сиёҳ, яшил ранглар дегани.

<sup>2</sup> Нинак — кўз қорачиғи.





Наим Каримов

## ШАМ ВА ЧАҚМОҚ

Воқеий ҳикоя

Абдурахмон ака неча бор шайланиб, неча бор айниган эди. Бугун у адибни ҳаётлик пайтида зиёрат этмаганидан минг бор афсусланиб, ўзини ўзи койиб, йўлга чиқди. Тонг энди ранг олаётган эди.

Муюлишга борганида, икки чинор орасидан қуёшнинг олтин найзалари отилиб чиқди. Шунда унинг юраги бир лаҳзага ҳаприқиб кетди. Мижжалари намланиб, жисму жонини оғир қайғу асир этди. Хотирисида ўша жаҳаннамнинг кечмиш воқеалари жонланди...

\* \* \*

...Маҳбусларнинг сўнги манзили Қарағанда бўсағасидаги ҳибсгоҳ эди. Йигирма беш йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган маҳбуслар Шарққа қайтиб, Қозоғистон даштларига яқинлашганларида, кадрдон замин таровати уларни маст қилгандек бўлди. Лекин Қарлаг бошқа лагерлардан қолишмас, аксинча, бу ерда инсонни таҳқирлаш «санъати» бошқа ҳибсгоҳлар тажрибаси билан бойиган, шунинг учун ҳам даҳшатлироқ эди. Назоратчилар учун маҳбуслар одам эмас, ҳайвон қатори эдилар. Ҳайвонларни эса фақат ишлатиш, азоблаш лозим. Шундай қилар ҳам эдилар. Мусулмон маҳбуслар кечқурунлари, гарчанд силлалари қуриган бўлишига қарамай, хира чироқ атрофига тўпланишар, Абдурахмон титилиб-тўзғиб кетган китобни қўлига олиб, ўқишга тушар, улар эса чурқ этмай тинглар эдилар.

...Маҳбуслар бу кеч ҳам тахта чорпоёга кўтарилиб, Абдурахмонга: «Қани, бошладик!» дейишди.

«...Навой ўтириб, дўстининг шахсий ишлари ҳақида сўрагандан кейин, — томоқ қириб олиб, давом этди Абдурахмон, — аввалги суҳбатларда бўлганидек, гап яна давлатга, халққа доир умумий масалалар соҳасига кўчди. Навой адолатли давлатнинг асосий сифатлари нималардан иборат бўлиши кераклиги, подшоҳнинг халққа ва халқнинг подшоҳга муносабати, вазирлардан ва беклардан тортиб, то энг кичик амалдоргача ҳар бир иш учун қонун олдида масъул бўлиши, халқнинг тирикчилигини яхшиламоқ учун лозим бўлган чоралар ва ҳоказо тўғрисида гапирди...»

— Келинлар, — ўқишни бўлди фарғоналик йигит Арслонбек, — китобнинг шу жойларини ташлаб, Дилдор бобидан ўқийлик. Романнинг ширали жойи ўша ердан бошланади.

— Ўқинг, мулла Абдурахмон, — гапга аралашди тошкентлик ҳамшаҳари, — Арслонбекка фақат Дилдорни таъриф қилган боблар бўлса!

— Фурсат кетмасин, ўқи! Ука, сен ҳадеб аралашаверма! Хотинингни соғинган бўлсанг, ётиб ухла, тушинга киради! — маслаҳат берди кимдир. Хамма кулди.

Абдурахмон давом этди:

«...Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки, — деди Навоий шавқла-ниб, — ўзга халқлар ибрат ола билсинлар... Токайгача инсонлар ваҳшат саҳро-сида қолурлар! Инсон барча махлуқотларнинг тожидир!..»

— Нима, нима, бошқатдан ўқи! — тошкентлик йигит романнинг инсонни эъзозловчи сатрларини ёд олиб юрарди.

«Инсон барча махлуқотларнинг тожидир! У шарафли, соф, гўзал яшамоғи керак. Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар, халқни парвариш этсалар, ҳаётнинг зангини олтинга айлантирмоқ мумкин.

— Ғоят гўзал фикр, ғоят гўзал ният, — таъкидлади Хўжа Афзал. — Лекин бу мамлакатда мансабдорлар тоифасининг халққа жабр-зулм қилмоғи бир одат ва анъана ҳолига кириб қолган... Мана бу зўр бало!

— Ҳар ерда жабрнинг тиғини синдирмоқ зарур, — деди Навоий қатъият билан. — Золимлар билан муроса қилмоқ жиноятдир. Мабодо ўзимиз синди-ра олмасак, подшоҳга арз этмоғимиз, уни ақлга, инсофга даъват қилмоғимиз керак...»

Юртдошлар бутун вужудлари қулоқ бўлиб, Абдурахмон оғзидан учган сўзларни диққат-эътибор билан тинглашар, ҳазрат Навоийнинг тиллага арзир-ли ҳар бир сўзи шояд бизларга ҳам нажот йўлини кўрсатса, деб умид қилар эдилар. Яқинда улар «халқлар доҳийси» Сталинга мурожаат этмоқчи, ўзларининг иложсизлик орқасида асирга тушганларини тушунтирмоқчи, ундан раҳм-шафқат сўрамоқчи бўлдилар. Аммо бу илтимосномалар ҳибсгоҳ бошлиғининг қўлидан нарига ўтмади. У бу хатлар Москвага етиб борган тақдирда ҳам Сталиннинг маҳбуслар қисматини заррача ҳам енгиллаштирмаслигини, унинг собиқ асирлардан ҳазар қилишини биларди.

«...Навоий яширин, ичдан хўрсинди. Подшоҳнинг бемаъни ўжарлигини синдириш учун жасур оҳанг билан деди:

— Шоҳо, халқнинг молини, жонини бўрилар ихтиёрига топширилса, улар бу қонхўр махлуқлар дастидан фиғон кўтарса, уларга қулоқ солмаслик адл-инсофдан эмас. Таҳдид ва сиёсат эмас, меҳрибонлик даркор. Халқ билан бўлғуси муомалада қиличга эмас, адл кучига суюнмоқ, халқни жабр-зулмдан қутқармоқ лозим. Зеро, халқ шундай бир дарёи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур, у шундай бир ўтки, унинг бир учқуни туташса, на хашакни қўяр, на фалакни... Бас, яхшилик қилмоқ керак: элнинг, юртнинг бахти барқарор бўлса, салтанат ҳам бехатар бўлур...»

...Кунларнинг бирида маҳбуслар ишдан ҳориб-чарчаб қайтаётган эдилар. Тўйиб овқат емаслик ва мунтазам оғир меҳнат орқасида тинка-мадори қуриган Арслонбек маҳбуслар карвонининг ортида базўр борар эди. Назоратчилар, гарчанд унинг исми Арслонбек бўлсада, чумчуқдек куч-қуввати йўқ, деб мас-хара қилганлари қилган эди. Бор-йўқ ишлари бояқиш маҳбусларни тергаш, ишлатиш, жазолаш бўлган назоратчилар эрмак учун хоҳлаган маҳбусни таҳ-қирлаши, калтақлаши, ҳатто отиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас эди. Чексиз-чега-расиз ҳуқуққа эга бўлган назоратчилардан бири аранг судралиб бораётган Арслонбекнинг ёнидан ўтаётган киши бўлиб, уни туртиб юборди. Арслонбек оқшомдан бери шивалаб ёғаетган ёмғирдан шилта бўлиб кетган тупроққа юзтубан йиқилди. Бошқа бир назоратчи эса итини қўйиб юборди, ит Арслон-бекка ташланди. Маҳбуслар назоратчиларнинг шундай йўллар билан ўзларини ўзлари овутишлари, ўзларининг бошқа зуваладан ясалган кишилар эканликла-рини намойиш этишларини яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам Абдурахмон Арслонбекка ёрдамга келишга энди чоғланган ҳам эдики, бошқа бир назорат-чи унинг елкасига милтиқ қўндоғи билан туширди. Аммо қандайдир мўъжиза юз бериб, Абдурахмон йиқилмай қолди. Акс ҳолда, Арслонбекни бир лаҳза-нинг ўзида чалажон қилиб ташлаган ит уни ҳам қиймалаб юборган бўларди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, катта назоратчи инграб ётган маҳбусни ҳибсгоҳга элтишни буюрди. Кимдир устидаги шинелини ечиб, кигиз замбил ясади. Арслонбек эрмакталаб назоратчилар қурбони бўлгани учун, «сир ош-кор бўлмасин» деган ниятда уни тиббий қисмга эмас, баракнинг ўзига жойла-

дилар. Маҳбуслар ҳибсгоҳма-ҳибсгоҳ кўчавериб, бундан ҳам баттар азобларни кўришган, қандай ярага қайси чорани қўллашнинг пири бўлиб кетган эдилар. Улар ўша кундан бошлабоқ Арслонбекнинг жароҳатларига малҳам топиш йўлини изладилар.

Абдурахмон хаста маҳбус теварагида парвона бўлар экан, ўзича, «Навоийнинг яхши бир байти бор, маъноси шундай: «Емонлардан яхшилик кутмоқ ҳайвон шоҳида гул унмагини орзу қилмоқ билан баробардур!» дер эди. Унинг бу китобий гаплари бошқа шерикларига малол келмади. Аксинча, улар дунёда Навоийдек улуғ зотлар бўлгани ва, эҳтимол, ҳали ҳам борлигидан қаноат ҳиссини туйдилар.

Уша тун ҳамманинг фикри-ёди Арслонбекда эди. Эртаси ишдан қайтганларидан сўнг, хастанинг ҳол-аҳволидан хабар олгач, одат бўйича, тағин мутолаага тушдилар:

**«...Дилдор енгилланиб хўрсинди. Қизнинг дилини ғаш қилган ташвишни йўқотгани учун Арслонқул ичдан қувонди. Қизга яқин сурилди. Унинг кўркем сочларини силади. Атрофга бир қараб олиб, ҳаяжон билан лабларини қизнинг ўпич сўраган сезгир, ақиқ рангли лабларига қўндирди...»**

Хоразмлик йигит Матёқуб мутолаани бўлди:

— Мунча тез ўқийсан! Ҳеч нарсани тушунмадим! Сен ҳам мириқиб ўқи, биз ҳам маза қилиб эшитайлик!

Абдурахмон лавҳани қайта ўқиди. Ўқир экан, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам синиқ руҳи қанот боғлагандек бўлди. Арслонбек эса аччиқ оғриқ оша олис юртида қолган ўн тўрт кунлик ойдек гўзал хотинини, у билан ўтказган уч-тўрт кунлик ширин ҳаётини бир-бир кўз олдидан ўтказди. Ит ғажиган баданидан дард бир сира аригандай бўлди. Шу туни тушига хотини кириб, унинг яраларига қандайдир хушбўй мой суртиб, қўл-оёқларини силаб, «Арслонбек ака, худо хоҳласа, тез кунда тузалиб, ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб кетасиз. Ҳали сиз билан кўп бахтли-саодатли кунларни бошдан кечираимиз!» деди...

Маҳбуслар мутолаада давом этар эканлар, Дилдор тақдири уларни кўп изтиробга солди. Мунис қизнинг Тўғонбек томонидан ўғирланиши, подшоҳга тортиқ қилиниб, ҳарамга ташланиши, бечора Арслонқулнинг эса Дилдор ишқиде куйиб ёниши уларнинг шусиз ҳам азоб-уқубатли ҳаётига янги руҳий қийноқлар олиб кирди. «Бояқиш хотиним бошига не кунлар тушди экан? Бирор номард йўлдан урмадимикан?» деб Арслонбекнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам бошлари ғовлаб кетди.

**«...Шундай аёллар бўладики, улар ишқни эътиқод каби муқаддас тутадилар. Бу аёллар кўнгилнинг эзгу орзуси учун, фақир йигитнинг хароб кулбасини шоҳона саройлардан ортиқ кўрадилар. Увада кийимли содда чўпонни шаҳзодаларга алишмайдилар. Улар бутун борлиқлари билан бир мақсадга интиладилар. Агар мақсад муяссар бўлмаса, унинг дардини бутун умр ўзларига ҳамшира қиладилар. Дилдор шундайлардан эди. Безак, май, мусиқий, фаҳш, ғийбат мавжлари билан қайнаган ҳаёт унинг кўнглидаги тоза севгини бўғмаган эди...»**

Абдурахмон ўқиган романнинг бу сатрлари маҳбусларга далда бўлди. Улар уйларида қолган хотинларининг разолат ботқоғига ботмаслигига, кўзлари тагига олган сўлим қизларнинг эса сабрли-қаноатли эканликларига ишондилар. Хуллас, романнинг ҳар бир боби, ҳар бир саҳифаси уларнинг жароҳатли қалбларига малҳам бўлиб тушди.

Астрободга бадарға этилган Навоий «бу шаҳарда бир кун бир йил билан баробардур!» деганидек, ҳибсгоҳдаги бир кунда минг хил савдо рўй берар эди. Ҳар куни, баъзан эса бир кунда икки маротабалаб баракда тинтув ўтказилар эди. Шундай пайтларда нинами, тўғноғичми чиқиб қолгудек бўлса, бу «совуқ қуроллар»нинг эгалари шу заҳотиёқ музхонага — карцерга ўн-ўн беш суткага ташланар эди. Ҳибсгоҳда қабул қилинган қоидага кўра, китоб сақлаш ҳам мумкин эмас эди. Шу туфайли назоратчилар романни топиб олганларида, уни баракнинг иккинчи қаватидаги чорпоядан пастга қараб шундай улоқтирар эдиларки, китоб варақлари қассоб қўлига тушган товуқ патларидек титилиб, учиб кетарди. Шундай дақиқаларда маҳбуслар ўзларидаги бирор эпакали нарса, кўпинча нон эвазига китобни қайтариб олардилар. Қорни ҳеч қачон тўймайдиган маҳбуслар учун эса бир бурда нон бир қозон овқатдек қадрли эди.

Кунларнинг бирида бир неча назоратчи яна тинтув ўтказди. Баракдаги

ҳамма нарса ер билан битта бўлди. Қанча-қанча нарсалар синди. Роман эса тақиқланган адабиёт сифатида мусодара қилинди. Ўзбекистонлик маҳбусларнинг бу азобгоҳдаги бирдан-бир юпанчи бўлган китобдан жудо бўлишлари ҳаёт билан боғловчи сўнги ришадан, бирдан-бир содиқ ва меҳрибон ҳамроҳдан, донишманд маслаҳатчидан жудо бўлиш билан баробар эди. Шунинг учун ҳам улар ҳибсгоҳ маъмурияти олдига бош эгиб, ялиниб бордилар. Китобнинг улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида эканлигини айтдилар. Бошлиқ — «Тўғонбек» ҳибсгоҳ — қироатхона, маҳбуслар эса мадраса талабалари эмасликларини писанда қилди. Китобни ёндириб юборишни, маҳбусларни эса ҳибсгоҳ тартибини бузганликлари учун музхонага ташлашини айтиб, бақирди. Аммо негадир инсофга келиб, бир қадар ён берди.

Уша кунги мутолаа, айниқса, нашъали бўлди.

«...Навоий Дарवेशалига киноя билан қаттиқ тикилди.

— Иним, бу тоифанинг ниятларидан биз беҳабармизми! — деди у жиддий қизишиб. — Мажидиддин Мухаммад ким! Ундан бадтаринлар ҳам бор. Юз минг танга маошни оз билиб, ҳар бурчакда сасиб юрувчилар бор. Ватанни тақсимламоқ орзусида юрган хонларни ҳам билурмиз. Уларни, албатта, йўқотмоқ керак. Лекин бу ишда мардона ва тўғри бўлмоқ зарур. Узгалар эгри бўлсалар, биз уларга эргашмайлик. Чақмоқ қанча баландда чақнамасин, эгри бўлгани учун, албатта, ернинг қаърига борур. Шамки, тўғри, адлдир — куйса ҳам бошдан-оёқ нур бўлиб куюр...»

Абдурахмон бу сўзларни ўқир экан, маҳбуслар беихтиёр: «Офарин!» деб юбордилар. Бу ажойиб сўзларда улар ҳаётининг бутун моҳияти ўз ифодасини топган эди. Улар ҳибсгоҳни идора қилиб турган бир гуруҳ шафқатсиз, томошаталаб, маҳбуслар қонини ичиш ҳисобига семириб юрган кишилар ўз қурбонларини қанчалик эзиб, ҳақорат қилмасинлар, дағдағалари, қамчи ва ўқлари чақмоқ сингари қанчалик баландда чақнамасин, бир куни адолат қуёшининг чиқишига, ўзларининг бу жаҳаннамдан нажот топишларига умидвор эдилар. Аммо улар — кундан-кунга адо бўлиб бораётган шамлар ҳали бу разил инсонлар ортида разил бир тузум турганидан, бу тузумнинг ҳам, унинг содиқ итларининг ҳам эгри чақмоқдек, албатта, ер қаърига киражагини билмас эдилар. Билишлари ҳам маҳол эди.

Ҳибсгоҳ маъмурияти яна турфа найранглар чиқара бошлади. Бир куни, совуқ ҳаддан ошиб, бир миска ювиндининг қаерга кетгани номаълум бўлган, маҳбуслар ичини ит таталаган пайтда «Тўғонбек» улар устидан кулмоқ истагида бир-икки бурда нонни ушатиб, икки-уч қадам нарига отди. Маҳбуслар бир тишлам нонга зор бўлишларига қарамай, «Тўғонбек» ўйлаганидек, ушоқ ортидан югурмадилар. Шунда ғазабни қайнаган бошлиқ ёнида турган Матёқубнинг бошидаги яғир қалпоғини олиб, сим девор томонга отиб юборди. Бу манзарани ҳавозадаги соқчи ҳам кузатмоқда эди. У «Тўғонбек»нинг шум ниятини билибми-йўқми, ҳар қалай, қалпоқ ортидан югурган йигитни ўйлаб-нетмай отиб ташлади. Ўз юртини, ота-онасини кўришни орзу қилиб, бу азобгоҳда кечаётган ҳар бир кунни эмас, ҳар бир дақиқани санаб юрган йигит шу лаҳзанинг ўзида тил тортмай жон берди. Бу воқеа бутун ҳибсгоҳ аҳлини ғазабга келтирди. Ўзбекистонлик биродарлар бу ёвузликка қарши кўзғолон кўтармоқчи бўлдилар. Лекин кимдир Ойбек домланинг сўзлари билан «бу ердаги ишлардан ақл ҳурқади», аммо «инсонлар ҳақ йўлни ҳамиша ақлнинг кўзи билан топмишлар», деб вазминроқ бўлишни маслаҳат берди.

Дўстлар юракларида қатланган аламни китобдан, мутолаадан олдилар.

«...Тонга яқин арава келди. Муллабачча кўрпа келтирди. Жасадни кўрпага ўраб, авайлаб аравага солдилар, Арслонқул болалардан хабар олмоқ учун Дилдорни тезда уйга жўнашга қистади, қиём чоғида Зайниддиннинг уйига келиб, оиласига таъзия билдириши кераклигини уқтирди-да, ўзи бошини қуйи солиб, арава ёнида кетди.

Марҳумни қари онаси, синглиси ва яқинда бир кўп можаролардан сўнг уйландиги хотини — шоира, қўшиқчи гўзал аёл — эшикда эссиз, ҳушсиз ҳолда қарши олдилар.

Кун чиққан вақтда Зайниддиннинг кенг ҳовлиси дўстлар, яқинлар, ақрабо-лар билан тўла эди. Пешинда Навоий бошлиқ қалин халқ унинг жанозасига қатнашди. Султонмурод қайғудан бутунлай мажолсизланган эди. Уни қабрис-

тоғга Арслонқул суяб-қўлтиқлаб олиб борди. Зайниддинни унинг бобоси машҳур тиб олимнинг сағанаси ёнига кўмдилар. Султонмурод тунамоқ учун дўстининг қабри бошида қолди...»

Романдаги Зайниддиннинг ўлими тасвирланган бу лавҳада дўстлар бечора Матёқубнинг хоинларча ўлдирилиши манзарасини кўрдилар. Ҳибсгоҳ тартиботига кўра, улар марҳумнинг дафн маросимида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Дўстлар марҳумнинг қабри бошида, Султонмурод сингари тун ўтказишни қанчалик хоҳламасинлар, бунинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар, мусулмон одатига кўра, тиловат қилиш билан кифояланиб, абадий бирга бўлиш, жанг ва жаҳаннамда синовдан ўтган дўстликка содиқ қолиш учун қасамёд қилдилар.

Тошкентлик йигит романдан ёдлаб олган сатрларни ўқиди: «Сиздан тилагим шулки, бир-биримизга, давлатга, юртга вафо, садоқат, муҳаббат билан боғланайлик. Бу қудрат билан тўла кўнгиллар ҳаётни нурлатурлар, улар фалокат дарвозаларига сад чекиб, саодат дарвозаларини очурлар.»

Бу қасамга розилик белгиси сифатида темирчиникидек қорайган, озиб тўзғиган, суяклари чиқиб кетган қўллар бир-бирлари сари узатилди...

Авжи навниҳол ёшида қурол-яроғсиз урушга кириб, армиянинг парокандалиги, қўмондонларнинг ношудлиги, мамлакатнинг эса ҳарбга мутлақо тайёр эмаслиги орқасида асир тушган, фашистлар қўлида асирлик азобини тортган бу ғариб йигитлар ана шу тарзда ўз юртларида минглаб кунларни ит азобида ўтказдилар. Сафарбарлик эълон қилинганда, ҳали мўйлаби ниш урмаган йигитларнинг соч-соқоли оқариб, аъзои-баданлари чандиқлар билан тўлди. Бу ноҳақлик учун улар кимга шикоят қилишлари мумкин? Ким уларнинг дилига малҳам бўлиши мумкин?..

Уларнинг бахтига, ўша машъум шароитда бундай меҳрибон сиймо бор, бу — улуғ шоир ва улуғ инсон Алишер Навоий эди.

«...Навоий муншилар хонасидан ўтиб, ичкари хонага кирди. Бу ерда ёлғиз Низомулмулкни учратди... Навоий киссасидан бир ҳовуч айри-айри букилган қоғозларни олиб Низомулмулкнинг олдига қўйди.

— Бу мушкилотларни тез ҳал қилмоқ керак!

Низомулмулк ҳамма қоғозларни бир-бир очиб, ўқиб чиқди.

— Бу каби ишларга жаноблари азиз вақтларини сарф қилмасалар ҳам бўлар эди, — деди Низомулмулк қуюқ қошлари учини бириктириб.

— Нечук! — сўради Навоий вазирга тикилиб.

— Агар халққа қулоқ солсангиз, шикоятларга ботиб кетасиз. Умрни эговламасдан, ўзаро битишинглар, деб кетавериш мумкин...

Навоий маҳкамалардан, вазифадорлардан халқ ўз яралари билан зарра қадар шифо кутмаганини, зулм ханжари бўғзига қадалганини сўзлади. Бу шикоятларни тез таҳқиқлашни талаб қилди.

— Халқ амалдорларга ёмон кўз билан қарайди. Ҳамиша шундай бўлган, — деди Низомулмулк.

— Халқ хато қилмайди, — деди Навоий. — Илонга ҳеч ким ўз кўксига жой бермас!..

— Усларига айб тушган зотлар, — деди Низомулмулк асабийлашиб, — давлатнинг содиқ хизматкорлари... Уларнинг кадр-қимматларини унутмоқ яхши эмас, албатта!

— Бу мамлакатда, — деди Навоий ҳаяжон билан, — зиндонлар, жазолар, жарималар, дорлар бор. Ким учун! Адолатли давлатда бу нарсалар ёлғиз жабркорлар учун тадбиқ этилур. Садоқатли золимларнинг хизмати давлат илдизига болта уришдан бошқа нарса эмас!..»

«Сен хоинсан! Сен сотқинсан!» деган сўзларни эшитавериб қадди дол бўлган маҳбуслар мутолаа асносида ўзларининг инсоний ор-номуслари, ғурурларини тиклаб, келажакка умид билан қарай бошладилар. Адолат қуёши уларга ҳам нур сочажагига асло шубҳа қилмай қўйдилар. Тез орада «инсоният қуёши» сўниб, ҳақ ва ҳақиқат офтоби жилва қилгандёк бўлди. Жаҳаннам дарвозалари очилиб, минглаб бегуноҳ маҳбуслар қариб-чуриган, майиб ва ногирон мўйсафидларга, чолларга айланган бўлсалар-да, киндик қонлари тўкилган юртларига қайтиш, ота-оналарини кўриш, ёр ва фарзандларини қучиш бахтига эришдилар.

1955 йили Абдурахмон ўз дўстлари билан жаҳаннамдан қайтди. Улар бир-бирлари билан қанчалик тез учрашиб, мудҳиш кунларни ёд этиб, уларнинг нажоткори бўлган китобни эъзозлаб юрган бўлмасинлар, бу китобнинг улғу муаллифи қошига бориб, унга таъзим қилишга журъат этмадилар. Ҳарҳолда «собиқ асир» тамғаси олдида ҳали ҳам кимлардир жунжикиб турарди.

...Кеча бутун жумҳуриятга қайғули хабар тарқалди. Мавлоно Ойбек — ўзбек халқини Алишер Навоий ҳазратлари билан ошно этган, унинг қалбида буюк бобокалонимизга ҳурмат ва муҳаббат гулларини ундирган, бир гуруҳ ғариб маҳбусларга эса ўзининг ўлмас сўзи билан мададкор ва нажоткор бўлган адиб оламдан ўтган эди.

Абдурахмон ака туни билан мижжа қоқмади. У отаси оламдан ўтганида ҳам бунчалик куйинмаган эди. «Нега шу кунга қадар тирик адиб ҳузурига бориб, сажда қилмадим?», «Тирик қолганим учун раҳмат Сизга!» демадим», деб ўзини-ўзи еди. Тонгга яқин бир дақиқаи-икки дақиқаи кўзи кетибди. Шунда туш кўрибди. Тушида Навоий ҳазратлари оппоқ соқол-мўйлабларини силаб турган эмишлар. Кейин, бу нуруний сиймо ўрнида Ойбек домла пайдо бўлиб, Навоий ҳазратларими ё Ойбек домлами — Абдурахмон ака билолмай қолди — шеър ўқибди:

Гаҳи топдим фалақдин нотавонлиғ,  
Гаҳи кўрдим замондин комронлиғ.  
Басе, иссиқ-совуқ кўрдим замонда,  
Басе, аччиқ-чучук тотдим жаҳонда.

Шундан кейин Ойбек ҳазратлари бир шамга айланибди-да, деразани дафъатан очиб кирган шамолдан ўчибди-қолибди.

\* \* \*


...Абдурахмон ака кўприк ва майдонлардан ўтиб, Ишчилар шаҳарчасидаги ўша қутлуғ хонадонга етиб келганида адиб ҳовлиси ва дарвоза олди мотамсаро одамлар билан тўлган эди. Ҳадемай, худди келишиб олганларидек, омон қолган собиқ маҳбуслар ҳам етиб келдилар. Неча йиллик азоб ва мутолаа йилларида уларнинг бири Зайниддин, иккинчиси Султонмурод, учинчиси Арслонкул... номларини олган эдилар.

Абдурахмон-Султонмурод ўз дўстлари билан марҳум адиб ётган хонага видолашгани кирди.

«...Султонмурод сокин, улуғвор ётган улуғ ўликни сўнг дафъа қучоқлаб чиқаркан, даҳлизда хотинлар орасида Дилдорга кўзи тушди. Тимқора кўйлак, нозик қошларига қадар тушган тимқора рўмол. Қора, шахло кўзларидан дурдур ёш қуйилади. Султонмурод оғир хўрсинди, гўё ичида бир олов туюқди: «Йиғланг, синглим, йиғланг! Букун бутун бир умр учун тўйиб йиғламаган кўзлар абадиян кўр бўлади!» — деди Дилдорга у. «Оҳ, тақсиржон, йиғи кучсиз. Куймоқ, кул бўлмоқ керак!» — деди Дилдор бўғилган овоз билан.

...Шоҳиларга ўралган тобутни шоир дўстлари, жанговар беклар, Ҳиротнинг аъён ва ақобирлари кўтариб чиқдилар... Улуғ мотамга бепарво қолишни истамагандек, осмондан булутлар ҳам дув-дув томчилар қуйдилар... Ҳар ким бу тобутга жилла бўлмаса бармоқ учини тегизиб қолишни бахт, инсоний бурч деб билар эди...»

Дўстлар хотирасидан асарнинг бу сўнги, аламли сатрлари бир-бир жонланиб ўтди. Лекин бу сафар улар ўлмас асарни ўқиётган эмас, балки унинг ўлмас ижодкорини сўнги манзилга кузатаётган эдилар.



Алоуддин МАНСУР таржимаси



Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, йигирма икки оятдир.

У бошдан-охиргача иймон-эътиқод мавзусини ёритувчи сура бўлиб, аввал узоқ ўтмишда мўминларни фақат Оллоҳ таолога иймон келтирганликлари учун азоблаб ўлдирган бир тўда золим кимсалар ҳалокатга дучор қилинганлари ҳақида хабар берилади ва барча замонлардаги аҳли иймонни фитнага солиб, уларга зулм қиладиган кимсалар дўзах азобига гирифтор бўлишлари таъкидланади.

Яратганнинг қудрати нақадар буюк эканлигига далолат қиладиган оятлар зикр қилинган, сура нихоясида Қуръони мажид ҳеч қачон бирон ҳарфи ўзгармайдиган-бузилмайдиغان Китоб экани уқтирилади. Бу суранинг номи «Буруж» бўлиб, «(Осмондаги) буржлар» деган маънони англатади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Буржлар эгаси бўлмиш осмонга қасам; 2. Ваъда қилинмиш (Киёмат) кунига қасам; 3. (Ўша Кунда) гувоҳ бўлгувчи (барча халойикқа) ва гувоҳ бўлингувчи (барча воқеа-ҳодисалар)га қасамки; 4—5. (Ўзига итқитилган одамларнинг таналаридан иборат бўлган) «Ўтин»ли олов — (Ўша олов ловуллаб ёнаётган) чоҳ эгалари лаънат қилингайлар! 6. Ўшанда улар ўша (чоҳ)нинг устида ўтириб олган — 7. — Ва мўминларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар.

*И з о ҳ:* Ушбу оятларда қадимда ўтган бир золим подшоҳ ва унинг малай-лари мўминларни Оллоҳ таолога бўлган иймон-эътиқодларидан қайтариш учун қўллаган мудҳиш чоралари ва оқибат-натижада ўзлари қазиган чоҳга ўзлари қулаб ҳалок бўлганлари ҳақида хабар берилди.

Ўшанда улар мўминларни ташлаб ёқиб юбориш учун узун ва чуқур чоҳ қавлашиб, ҳар бир мўминни ўша чоҳ ёқасига келтиришгач, агар иймонидан қайтмаса, мана шу ловуллаб ёниб турган чуқурга итқитилишини айтишганида, бирон мўмин иймонсиз яшашни иймон билан шаҳид бўлишдан ортиқ билмаган экан. Лекин улар ўша чуқурга отилган пайтларида ҳали олов баданларига тегмасдан Оллоҳ таоло уларнинг жонларини Ўз ҳузури олийсига чорлаган, мўминларнинг жасадларини куйдиришдан ор қилган олов эса юқорига ўрлаб, чоҳ ёқасида томошабин бўлиб ўтирган кофирларни куйдириб ҳалок қилган экан. Бу қиссадан ҳисса шуки, мангу саодатга элтгувчи Иймон йўли осон йўл эмас, балки барча замонлардаги носоз тузум ва бузуқ жамиятларда аҳли иймон бошига ана шундай оғир синов тушиши мумкин.

Ана ўша пайтда иймон имтиҳонидан гарчи шаҳид бўлиш баробарига бўлса-да, ўта олган мўминлар нажот топган бўлурлар. Уларга зулму ситам кўрсатган мустабид ҳокимлар эса, шак-шубҳасиз, ҳалокатга маҳкумдирлар.

8—9. Улар (мўминлардан) фақат у (мўминлар) қудрат ва мактов эгаси бўлган Оллоҳга — осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган зотга иймон келтирганлари учунгина ўч олдилар! Оллоҳ барча нарсага гувоҳдир! 10. Албатта мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра (бу қилмишларидан) тавба қилмаган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир ва улар учун ўт азоби бордир! 11. Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу катта бахтдир. 12. (Эй Муҳаммад), шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг (кофирларни азоб билан) ушлаши қаттиқдир. 13. Албатта Унинг Ўзи бошлар (яъни, бошлаб йўқдан бор қилур) ва қайтарур (яъни, халойикни ўлганларидан кейин қайта тирилтирур). 14. У (мўминларга) мағфиратли, муҳаббатли зотдир. 15. (У) арш соҳиби бўлмиш буюк зотдир. 16. (У) истаган нарчасини амалга оширгувчидир. 17—18. (Эй Муҳаммад), сизга кўшинларнинг — Фиръавн (ва унинг одамларининг) ҳамда (Самуд) қабиласининг хабари келдими?

*И з о ҳ:* Яъни, улар кофир бўлганлари сабабли ҳалокатга дучор бўлдилар-ку! Бас, Қуръонга ва Муҳаммад алайҳи-с-саломга иймон келтирмаганлар ҳам худди ўшалар каби ҳалок бўлурлар.

19. Йўқ, кофир бўлган кимсалар (ўзларидан аввал ўтган динсиз кимсалар йўлиққан азоб-ҳалокатлардан ибрат олмай, ҳали ҳам Қуръонни ёлғон дейиш-да) оёқ тираб турибдилар! 20. Ҳолбуки, Оллоҳ уларнинг ортида (барча нарсани билиб) иҳота қилиб тургувчидир. 21—22. Йўқ, (улар ёлғон дейишаётган нарса) Лавҳул — Маҳфуздаги (яъни, ҳарқандай бузилиш ва ўзгаришдан сақланган — ҳимояланган Лавҳдаги) Буюк Қуръондир.





Бу сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, ўн етти оятдир.

Унда ҳар бир инсоннинг қилган амаллари махсус фаришталар томонидан мунтазам ёзиб борилиши; Қиёмат кунда жамики ҳалойик қайта тирилиши ҳақ эканлиги; Қуръони каримнинг ҳақ билан ботилни ажратувчи Сўз эканлиги ва Оллоҳ таоло буюрган динга қарши турли ҳийла-найранглар қилиш кўчасига қирган кимсалар бир оз муҳлатдан сўнг ўз қилмишларига яраша жазо олишлари муқаррарлиги ҳақидаги мавзулар атрофида сўз боради.

Суранинг номи бўлмиш «Торик» сўзи «Тунги йўлчи» — яъни, «юлдуз» маъносида келгандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Осмонга қасам, тунги йўлчига қасамки; — 2. — (Эй Муҳаммад), сиз тунги йўлчи нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз. 3. (У) учар юлдуз-дир. — 4. — Ҳар бир жоннинг устида (унинг қилган барча амалларини) ёд олгучи (фаришта) бордир. 5. Энди инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин! 6—7. У (эркакнинг) бели билан (аёлнинг) кўкрак қафаси ўртасидан отилиб чикувчи бир сувдан яралган-ку! 8—9. Шак-шубҳасиз, (Оллоҳ) уни сирлар фош қилинадиган (Қиёмат) кунда қайта тирилтиришга қодирдир. 10. Бас, (у Кунда инсон) учун (Оллоҳнинг азобини қайтаргучи) бирон куч ҳам, бирон ёрдамчи ҳам бўлмас!

*Изоҳ: Демак, ҳар бир инсон ўзини бир томчи сувдан яратишга қодир бўлган Оллоҳ уни Қиёмат кун қайта тирилтиришга ҳам қодир эканини ўйлаб куч-қувватининг борида иймон-эътиқод ва яхши амал билан ўша Кунга ҳозирлик кўрсин.*

*Мазкур оятларда Қиёмат ҳақида хабар берилгач, энди мана шу хабар келган Қуръони карим қандай китоб экани баён қилинади.*

11. Қайта-қайта тушгучи (ёмғир) эгаси бўлмиш осмонга қасам; 12. (Ўша ёмғир сабабли) ёриб чикувчи (дон-дун, ўт-ўлан) эгаси бўлмиш ерга қасамки; 13. Шак-шубҳасиз, у (Қуръон ҳақ ва ботилни) ажратувчи сўздир. 14. У (яъни, асоссиз, беҳуда сўз) эмасдир. 15. Албатта (кофирлар Муҳаммад алай-ҳи-с-саломга қарши турли) ҳийла-найранг қилурлар. 16. Мен ҳам бир ҳийла қилурман (яъни, уларнинг ҳийла-найрангларига муносиб жазо берурман). 17. Бас, (эй Муҳаммад), сиз уларга озгина вақт-муҳлат беринг (яъни, сиз бир оз шошмай туринг, майли улар бугун дину иймонга қарши қўлларидан келганини қилсинлар, эртага Қиёмат қойим бўлганида албатта қилмишларига яраша жазоларини олулар)!



Мақкада нозил қилинган бу сура ўн тўққиз оятдир.

Сура аввалида барча нарсадан олий ва юксак бўлган зот — Оллох таолонинг номини пок тутишга амр этилади. Бу суранинг «Аъло» — «Энг олий зот» деб номланишининг боиси ҳам шудир.

Сўнгра Тангри таоло Ўз пайғамбарига нозил қиладиган оятларини у кишининг қалбига ҳеч қачон ўчмайдиган қилиб муҳрлаб қўйиши ҳақида башорат беради.

Бу сурада фақат Яратгандан кўрақадиган кишиларгина панд-насиҳатни қабул қилиб фойдаланишлари, аммо дўзахий бадбахтлар эса эшитишдан қочишлари баён қилинади.

Сура ниҳоясида ўзини пок тутиб, Парвардигорини ёд этиб намоз-ибодатини қанда қилмайдиган ҳар бир киши нажот топиши ҳақида хабар берилади ва бу сўзлар аввал ўтган Иброҳим ва Мусо пайғамбарларга нозил қилинган саҳифаларда ҳам бор эканлиги уқтирилади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллох номи билан бошлайман.**

1. (Эй Мухаммад), энг олий зот бўлмиш Парвардигорингизнинг номини (ҳар қандай айб-нуксондан) покланг! 2. У (барча нарсани) яратиб, расо қилиб қўйган зотдир. 3. У (ҳар бир нарса учун муносиб йўлни) белгилаб, (у нарсани ўша йўлга) ҳидоят қилиб қўйган зотдир. 4—5. У ўт-ўланни ундириб чиқариб, сўнг уни қорамтир хас-хашак қилиб қўйган зотдир. 6—7. (Эй Мухаммад), Биз сизни (Жаброил фаришта воситасида, Куръон) қироат қилдирурмиз. Бас, сиз Оллохнинг ўзи (унутишингизни) хоҳлаган оятлардан бошқа (бирон оят)ни унутмасиз. Албатта У зот ошқора (сўз ва ишлар)ни ҳам, яширин нарсаларни ҳам билиб турур. 8. Биз сизни осон (динга) муваффақ қилурмиз.

*Изоҳ: Дарҳақиқат, шариати исломия динларнинг ичида энг осон ва энгилдир. У буюрган барча аҳкомларни ҳар бир ақли расо киши ҳеч қийналмасдан адо этиши мумкин. Фақат ёлғиз Оллоҳга ва У зот юборган Куръонга сидқидилдан иймон келтирган бўлса бас.*

9. Бас, агар панд-насиҳат фойда берса, (кишиларга) панд-насиҳат қилинг (яъни, насиҳат қор қилмайдиган кимсаларга сўзингизни исроф қилманг) 10. (Оллохдан) кўрақадиган киши панд-насиҳат олажак. 11—12. Катта ўтга (дўзахга) қирадиган бадбахт кимса эса ўзини у (насиҳат)дан четга олур. 13. Сўнгра у жойда на ўла олур ва на яшай олур! 14—15. Дарҳақиқат, (куфру исендан) пок бўлган ва Парвардигорининг номини ёд этиб намоз ўқиган (ҳар бир) киши нажот топгандир. 16. Йўқ, сизлар (эй кофирлар), ҳаёти-дунёни устун қўюрсизлар! 17. Холбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир. 18—19. Дарвоқе, бу (сурада мазкур бўлган панд-насиҳатлар) аввалги (пайғамбарларга нозил бўлган) саҳифаларда — Иброҳим ва Мусо саҳифаларида ҳам бордир.

# Ғошия сура си

88.

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, йигирма олти оятдир.

У барча халойикни ўв даҳшати билан ўраб оладиган Қиёмат куни рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни баён қилиш билан бошланади. Шунинг учун бу сура «Ғошия» — «Ўраб олгувчи» деб номлангандир.

Бу сурада Еру осмондаги ҳар бир мавжудот ягона Яратгувчининг — Оллоҳ таолонинг борлигига далолат қилиб туриши таъкидланади.

Сура ниҳоясида пайғамбар алайҳи-с-саломнинг зиммаларидаги вазифа фақат панд-насиҳат билан Ҳақ йўлига даъват қилиш эканлиги уқтирилиб, панд-насиҳатга қулоқ тутмаган кимсалар Оллоҳ таолонинг ҳузурига борганларида ўз қилмишларига яраша жазо олишлари ҳақида хабар берилади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. (Эй Мухаммад), сизга ўраб олгувчи (Қиёмат куни) ҳақидаги хабар келдими? 2. У Қунда (кофирларнинг) юзлари эгилиб қолгувчи; 3 (Бўйин ва қўл-оёқлари кишан ва занжирларни судраш билан) меҳнат-машаққат чеккувчидир. 4. (Улар) кизиган дўзахга кирур! 5. Қайнаб турган булоқдан сугорилур! 6—7. Улар учун бирон таом бўлмас, (уларнинг емишлари) фақат (еган кимсани) семиртирмайдиган ва очликдан халос қилмайдиган зарийъдан (заҳарли ва тикансимон бадбўй ўсимлик) бўлур! 8. (Мўминларнинг) юзлари эса у Қунда (ўзларига ато этилган ноз-неъматлардан) шод-хуррам; 9. (Ҳаёти-дунёда Оллоҳ йўлида қилган) саъй-ҳаракатларидан рози бўлур. 10. (Улар) олий жаннатда бўлиб; 11. У жойда бирон беҳуда сўз эшитмаслар. 12. У жойда оқар булоқ бордир. 13. У жойда баланд сўрилар; 14. Ва (булоқ бўйига) қўйиб қўйилган қадахлар; 15. Тизиб қўйилган ёстиклар; 16. Ва тўшалган гиламлар бордир.

*И з о ҳ:* Юқоридаги оятларда кофирлар тушадиган дўзах азоби ва мўминлар етадиган жаннат неъматлари тасвирланди. Охират ҳаётидан келтирилган бу жонли лавҳалар кишилар ўқиб, ибрат олишлари учун эди. Энди инсонлар кўриб ибрат олишлари ва Яратганнинг борлигини, бирлигини билиб иймон келтиришлари учун улар ҳар кун, ҳар соатда рўбарў келадиган тўрт нарса мисол тариқасида келтирилади.

17—18—19—20. Ахир улар туянинг қандай яратилганига; осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига; тоғларнинг қандай тикланганига ва ернинг қандай ёйиб-текислаб қўйилганига (ибрат назари билан) боқмайдиларми?!

*И з о ҳ:* Ушбу оятларда кишиларнинг назари аввало ҳайвонот олаmidан «сахро кемаси» деб ном олган туяга қаратилмоқда. Дарҳақиқат, сахро аҳли учун туя — ҳам алоқа воситаси, ҳам оғир юкларни ташувчи ва оғир вазифаларни бажарувчи хизматкор; унинг юнги кийим бўлса, сути тўйимли ва суюмли таом. У ўзи баҳайбат ва ниҳоят даражада бақувват бўлишига қарамасдан, ёш гўдак етакласа ҳам бўйсуниб кетаверади. Унга миниб ёки вазмин юкларни ортиш жуда қулай; бир ишора билан олдингизга чўкиб, гўё бир харсанг тошдек қилт этмасдан туради, миниб олгач эса яна бир ишора билан у — «харсанг тош» ўрнидан кўчиб, исталган тарафга равона бўлади. Булар туянинг ташқаридан кузатилган пайтда кўзга ташланадиган жиҳатларидир. Энди унинг вужудида ибрат назари билан қаралса, у ойлаб овқатсиз, сувсиз юра олишидан тортиб, унинг баданидаги ҳар бир аъзо нақадар сахрога мослаб яратилганини кўриб, Яратганнинг қудратига тан бермай илож йўқ.

Энди яна кўриб, ибрат олишимиз лозим бўлган мавжудотлардан бири устимизда «том» бўлиб, бизларни бошқа сайёралар ва бошқа оламлардан етиши мумкин бўлган зиён-заҳматдан сақлаб тургувчи осмон бўлса, яна бири «ернинг қозиқлари» бўлган тоғлардирки, улар ўзларининг атрофидаги иқлимни мудом мўътадиллаштириб туришларидан тайшқари, ичларида инсонлар учун зарур бўлган хазиналарни ҳам асраб берадилар. Энди тоғлардан ерга тушадиган бўлса, у ҳам бизлар яшашимиз, уй-жойлар бино қилишимиз ва экинзорлар, боғ-роғлар барпо этишимиз учун қулай — текис қилиб қўйилибди. Хўш, буларнинг барчаси ўз-ўзидан пайдо бўлиб, шундай аниқ ва ҳикматли тартиб-интизомга келиб қолдиларми? Ёки бу мавжудотларнинг ҳар бирини одамлар ўз қўллари билан яратиш, мана шундай жойлаштириб қўйдилармикин? Бу икки тахминнинг ҳам тўғри эмаслигини билиш учун катта илмнинг ҳожати йўқ, фақат тоза, заҳарланмаган фикр ва озгина инсоф бўлса бас, мазкур мавжудотларни яратиш фақат барча оламлар Парвардигори бўлмиш Оллоҳ таолонинг қудрат қўлидан келиши маълум бўлади-қолади. Шунинг учун ҳам юқоридаги оятларда барча инсонлар Еру осмондаги нарсаларга ҳолис кўз билан, ибрат олиш учун назар солишга даъват қилинди.

Куйидаги оятларда пайғамбар алайҳи-с-саломга кишиларни Исломга даъват этишда мана шундай ибратли мисоллар билан панд-насихат қилиш йўлини тутмоқ амр этилди.

21. Бас, (эй Муҳаммад), сиз панд-насихат қилинг! Зотан, сиз фақат бир панд-насихат қилгувчидирсиз, холос. 22. Сиз уларнинг устида зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз. 23. Илло ким (бу панд-насихатдан) юз ўғириб, кофир бўлса; 24. У ҳолда Оллоҳ уни энг катта азоб билан азоблар! 25. Зеро ёлғиз Ўзимизга қайтишлари бордир 26. Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш (жазо бериш) ҳам ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир!



Бу сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, ўттиз оятдан иборатдир.

Унда сўз аввал узоқ ўтмишда ўтган ва Оллоҳ таолонинг пайғамбарларини ёлғончи қилганлари сабабли ҳалокатга дучор бўлган баъзи бир қавмлар ҳақида, сўнгра Тангри таоло бандаларини бойлик билан ҳам, камбағал-фақирлик билан ҳам имтиҳон қилиши хусусида ва сура ниҳоясида эса, Қиёмат куни рўй берадиган дахшатли ҳодисалар ва дунёдаги ҳаётини иймону эътиқодда устивор бўлиб ўтқарган жонлар у Кунда жаннат неъматларига эришишлари тўғрисида боради.

Сура ўзининг илк ояти билан «Вал-фажр» — «Тонгга қасам» деб номлангандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Тонгга қасам; 2. (Зул-ҳижжа ойидаги аввалги) ўн кечага қасам; 3. Жуфт ва тоқ (ракаатли намозларга) қасам; 4. Утиб бораётган кечага қасамки, (албатта кофирлар азобга гирифтор бўлурлар)! 5. Мана шу (қасам ичилган нарсаларда) ақл эгаси учун (етарли) қасам бордир?! 6—7—8. (Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз (бошқа) юртларда ўхшаши яратилмаган, баланд устунли (қаср)лар эгаси бўлган Ирам (шаҳридаги) Од (қабиласи)ни қандай (ҳалокатга дучор) қилганини кўрмадингизми? (Қуро) водийсида харсанг тошларни кес(иб ўзларига уйлар солиб ол)ган кимсалар бўлмиш Самуд (қабиласини

қандай ҳалокатга дучор қилганини-чи)? 10. Қозиклар (яъни, ерга қозикдек қоқилган баланд эҳромлар ва қасрлар) эгаси бўлган Фиръавннинг (қандай ҳалокатга дучор қилганини-чи)? 11—12. Улар юртларида ҳадларидан ошиб, у жойларда бузғунчиликни кўпайтириб юборган эдилар; 13. Бас, Парвардигорингиз уларнинг устига турли азоб-офатни ёғдирди! 14. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз (барча нарсани) кузатиб тургувчидир.

*Изоҳ:* Юқоридаги оятларда куфру исёнлари сабабли ҳалокатга дучор бўлган қавм ва қабилалар зикри йтгач, энди бахт-саодатни мол-дунё билан йлчайдиган кофир кимсалар ҳақида хабар берилади.

15. Бас, энди инсон, қачон Парвардигори уни имтиҳон қилиб, азиз қилиб қўйса ва унга неъмат ато этса, дарҳол: «Парвардигорим (иззат-хурматга лойик бўлганим учун) мени азиз қилди, дер. 16. Энди қачон (Парвардигор) уни имтиҳон қилиб, ризкини танг қилиб қўйса, дарҳол: «Парвардигорим мени хор қилди», дер. 17. Йўқ, (сизлар гумон қилганларингиздек, иззат-икром — бойлик билан, хор-зор қилиш — камбағаллик билан бўлмас)!

*Изоҳ:* Оллоҳ таоло бировни яхши кўргани учун бой қилиб, ёки бошқа бировни ёмон кўргани учун камбағал қилиб қўймайди. Умуман, агар Оллоҳ наздида мол-дунёнинг пашшанинг қанотича ҳурмати бўлганида кофирга ундан бир чақа ҳам бермаган бўлур эди. Лекин Оллоҳ таоло инсонларни шуқр қиладиларми-йўқми синовдан ўтказиш учун бойлик беради ёки улар сабр қиладиларми-йўқми синовдан ўтказиш учун ризқларини танг қилиб қўяди. Демак, инсоннинг бойлик билан суюниб, камбағаллик билан куйиниб кетиши нотўғридир.

Оятнинг давомида энди Макка кофирларига хитоб қилиниб, уларнинг ўта очкўз ва хасис кимсалар эканликлари, бировнинг ҳаққидан ҳазар қилмасликлари ва ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормасликлари фош қилинади.

Йўқ, сизлар етимни иззат-икром қилмассизлар!

18. Мискин-бечорага таом беришга ҳам бир-бирларингни тарғиб қилмассизлар! 19. Меросни эса (ўзларингизнинг улушингизга ўзгаларникини ҳам) қўшиб ейиш билан еяверурсизлар! 20. Яна мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан кўрурсизлар! 21. Йўқ, (бундай кирдикорларингиздан қайтингиз)! Қачон ер (зилзилага тушиб, барча нарса) чил-парчин қилинганда; 22. Парвардигорингиз (нинг ҳукми) ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда; 23. (Кофирлар кўришлари учун) ўша Кунда жаҳаннамни ҳам (яқин) келтириб қўйилганда — ана ўша Кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатма-ибрат олур! (Аммо у Кунда) бу эслатма-ибрат (нинг фойдаси) қаёқдан тегсин?! 24. У: «Эҳ, кошки эди, мен ҳаёт вақтимда (яхши амаллар) қилиб ўтган бўлсам», деб қолур! 25. У Кундаги (Оллоҳ)нинг азоби каби ҳеч ким азоблай олмас! 26. Ва У зотнинг (кишан ва занжирлар билан) боғлаши каби ҳеч ким боғлай олмас! 27. (У Кунда ҳаёти-дунёдан Оллоҳ ваъдасига ишониб иймон ва эзгу амаллар билан ўтган мўминларга ҳисоб қилиниб, дейилур): «Эй хотиржам, сокин жон; 28. Сен (Оллоҳ ато этган неъматларидан) рози бўлган (ва Оллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (ҳузури)га қайт! 29. Бас, (солиҳ) бандаларим қаторига киргин; 30. Ва Менинг жаннатимга киргин!»



Маккада нозил қилинган бу сура йиғирма оятдан ташкил топгандир. Сура аввалида Оллоҳ таоло — Ўзининг неча-неча пайғамбари туғилиб

ўсган ва хусусан, сўнги пайгамбари Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг она масканлари бўлган улуғ шаҳар Маккаи мукаррамага ва барча инсонларнинг ҳақларига қасамёд қилиш билан — инсон зоти бу дунёга меҳнат-машаққат чекиш учун келиши ҳақида хабар беради. Бу сура «Балад» — «Шаҳар» деб номланишининг боиси шудир.

Сўнгра қўлларидagi мол-мулкларини хўжакўрсинга созуриб, мактаниб юрадиган кимсалар огоҳлантирилиб, фақат иймон-эътиқод билан Оллоҳ таоло буюрган жойларга бериё сарф-харажат қилиш билангина охират бахт-саодати-га эришиш мумкинлиги, Оллоҳ таолонинг оятларига кофир бўлган кимсалар эса, шак-шубҳасиз, дўзахий бадбахтлар эканликлари таъкидланади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**


**1—2—3.** (Эй Муҳаммад), мана шу шаҳарга — ҳолбуки, сиз ҳам мана шу шаҳарда яшайсиз — ҳамда ота ва ундан бўлган болаларга (яъни, Одам алайҳи-с-салом ва унинг барча зурриётларига) қасамёд қилурманки; **4.** Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик.

*И з о ҳ:* Яъни, инсон ўзига жон ато этилганидан то ўша жон баданини тарк қилиб чиқиб кетгунича меҳнат машаққатида ҳаёт кечиради. Бу борада мусулмон ҳам, кофир ҳам бир-бирига ўхшаган меҳнат машаққатларини бошдан ўтказади. Лекин мусулмон Яратган буюрган иш — амалларда жон куйдиради, ўзининг куч-ғайратини имкон қадар савобли ишларга сарфлайди ва керак бўлса, ҳақ йўлида жонини қурбон қилиб, охиратдаги мангу роҳат-фароғатга эришади. Аммо кофир, эътиқодсиз кимсалар эса арзон ҳою-ҳаваслар ва ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам бефойда, бевафо бўлган пуфак орзу-хаёлларга етиш йўлида жонларини жабборга бериб, оқибатда бу дунёдаги меҳнат-машаққатларидан ташқари, у дунёдаги дўзах азоби машаққатига ҳам гирифтор бўладилар. Қуйидаги оятларда ана шундай топган мол-дунёси ва куч-қуввати билан мағрурланиб, пайгамбар алайҳи-с-саломга ва бошқа мўминларга дилозорлик қилиб юрадиган бир кимса ҳақида ҳикоя қилинади.

**5.** У ўзига ҳеч кимнинг кучи етмайди, деб ўйларми?! **6.** У (мактаниб): «Жуда кўп мол-дунёни (сарфлаб) йўқ қилдим», деб. **7.** У ўзини (риёкорлик билан мол-дунё созураётган пайтида) ҳеч ким кўрмаган, деб ўйларми?! (Йўқ, Оллоҳ таоло ҳар вақт, ҳар нарсани кўриб-билиб турур!) **8—9.** Ахир Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб (ато) қилмадикми?! **10.** Ва Биз уни икки баландликка йўллаб қўйдик-ку!

*И з о ҳ:* Яъни, Оллоҳ таоло инсонни яратиб, яхшилик йўлига юришга ҳам, ёмонлик йўлига юришга ҳам ихтиёр бериб қўйди. Бу икки йўл баландликдир. Демак иккисига чиқиш учун ҳам тер тўкиш, машаққат чекиш лозим бўлади. Лекин яхшилик баландлигига чиқиш учун саъй-ҳаракат қилиб, доводдан ўтган киши жаннат неъматларига етса, ёмонлик баландлигига чиққан кимса унинг ортидаги дўзах жарлигига қулайди.

**11.** Бас, у (мактанчоқ кимса) яхшилик довоини ошиб ўтмади! **12.** (Эй Муҳаммад), довод (ошиш) нима эканини сиз қаердан билар эдингиз? **13.** (У бир кул) бўйнини (кулликдан) овоз қилмоқ; **14—15—16.** Ёки очарчилик кунда бирон қардош етимга ё муҳтож бечора мискинга таом бермоқдир — **17.** — Сўнгра у (мактанчоқ кимса) иймон келтирган ва бир-бирларига (тоат-ибодатни адо этишдаги машаққатларга) сабр-қаноат қилишни тавсия этган, бир-бирларига (Оллоҳнинг бандаларига) меҳр-муруват кўргузушни тавсия этган зотлардан бўлмади! **18.** Ана ўша (яъни, юкориндаги фазилатларга эга бўлган) зотлар ўнг томон эгаларидир (охират Кунда ишлари ўнгдан келгувчи саодатманд кишилардир). **19.** Бизнинг оятларимизга кофир бўлган кимсалар эса чап томон эгаларидир! **20.** Уларнинг устида қопланиб қолгувчи олов-дўзах бўлур!



Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. У ўн беш оятдир.

Унда Оллоҳ таоло Ўзи яратган бир қанча мавжудотга ва Ўз зотига қасам билан ўз жонини иймон билан пок тутган киши нажот топиши, уни куфр билан хор қилган кимса эса номурод бўлиши ҳақида хабар беради. Сўнгра ана шундай ҳалокатга учраган қавмлардан Самуд қабиласи мисол қилиб келтирилади.

Сура ўзининг илк ояти билан «Ваш-шамс» — «Қуёшга қасам», деб номлангандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**


1. Қуёш ва унинг ёғдусига қасам; 2. У (қуёш)нинг ортидан келган ойга қасам; 3. У (қуёшни оламга) ошкор қилган кундузга қасам; 4. У (қуёшни ўз зулмати билан) ўраб-яширган кечага қасам; 5. Осмонга ва уни бино қилган зотга қасам; 6. Ерга ва уни ёйиб-текис қилиб қўйган зотга қасам; 7—8. Жонга ва уни расо қилиб — яратиб унга фиск-фужурини ҳам, тақвонини ҳам илҳом қилиб — ўргатиб қўйган зотга қасамки; 9. Дарҳақиқат, уни (яъни, ўз нафсини — жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. 10. Ва у (жонини фиск-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди.

*Изоҳ:* Саҳобалардан Ибн Аббос томонидан (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилинишича, пайғамбар алайҳи-с-салом қачон юқоридаги оятларни тиловат қилсалар, бир тўхтаб Тангри таолога бундай дуо қилар эканлар: «Оллоҳим, Ўзинг нафсимга — жонимга тақво ато этгин. Ўзинг унинг эгаси — хожасисан ва Ўзинг уни энг яхши поклагувчисан».

Энди қуйидаги оятларда Самуд қабиласининг кирдикорлари баён қилинади. Улар ўзларига юборилган пайғамбар Солиҳ алайҳи-с-саломни ёлғончи қилишиб, у зотдан мўъжиза талаб қилганларида Солиҳ алайҳи-с-салом Оллоҳ таолонинг қудрати билан бир харсанг тошни тирик туяга айлантириб қўядилар ва Самуд қабиласининг одамларига у туяга бирон зиён-заҳмат етказмасдан, навбати келганда суғориб туришни буюрадилар ва акс ҳолда ҳалокатга учрашлари ҳақида огоҳлантирадилар. Лекин у кофирлар пайғамбарнинг устидан кулишиб, туяни сўйиб юборадилар ва барчалари ҳалок бўладилар. (Биз бу ҳодиса ҳақида аввалги сураларнинг изоҳларида ҳам айтиб ўтган эдик).

11. Самуд (қабиласи) ҳаддан ошганлари сабабли (ўз пайғамбарларини) ёлғончи қилишди. 12. Эсланг, уларнинг энг бадбахтлари (туяни сўйиш учун) кўзғалганларида; 13. Оллоҳнинг пайғамбари (Солиҳ алайҳи-с-салом) уларга: «Оллоҳнинг туяси (ни сўйиб юборишдан) ва уни суғориш (га тўсиқ бўлиш)дан сақланинглар» деди. 14. Бас, улар (пайғамбарни) ёлғончи қилишиб, у (туя)ни сўйиб юборган эдилар. Парвардигорлари ўзларининг гуноҳлари сабабли устларига қирғин юбориб, уни (қирғинни барчаларига) баробар қилди. 15. (Зотан, Оллоҳ таоло бу ишининг) оқибатидан қўрқмас!

*Изоҳ:* Яъни, Еру осмонлардаги барча мавжудот Оллоҳ таолонинг Ўз мулки бўлганлиги сабабли У зот Ўз мулкини Ўзи хоҳлаганидек тасарруф қиладди ва бу тасарруфи хусусида ҳеч кимнинг олдида ҳисоб-китоб бермайди. Аксинча, бутун борлиқ У зотнинг ҳузурида ҳисоб-китоб беради.



Йигирма бир оятдан иборат бўлган бу сура Маккада нозил қилинган. Унда сўз инсонларнинг туриш-турмушлари ҳам, саъй-ҳаракатлари ҳам турли-туман экани хусусида бориб, охират кундаги мукофотга иймон келтириб, такво ва мухтожларга хайру саховат билан умрларини ўтказадиган кишиларга ато этиладиган жаннат ва бахиллик, имонсизлик билан тирикчилик қилиб ўтадиган кимсаларнинг борар жойлари бўлган дўзах азоби тўғрисида хабар беради.

Сура ниҳоясида ёлғиз Оллоҳнинг розилигини кўзлаб қилинган эзгу амалларгагина ажр-савоб берилиши таъкидланади. Бу сура ҳам ўзининг илк ояти билан «Вал-лайл» — «Кечага қасам», деб номланган.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. (Борлиқни ўз зулмати билан) ўраб келаётган кечага қасам; 2. Ёришиб кўринган кундузга қасам; 3. Эркак ва аёлни яратган зотга қасамки; 4. Шак-шубҳасиз, сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз хилма-хилдир. 5. Ана энди ким (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва (Оллоҳдан) кўрқса; 6. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни, жаннат бор эканини) тасдиқ этса; 7. Бас, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз.

*И з о ҳ: Ушбу оятлардан маълум бўлишича, ким дунё ва охиратда бахтли-саодатли ҳаёт кечирishi учун йўл изласа, у киши уч хислатга эга бўлиши лозим экан: ўз зиммасидаги Оллоҳ таоло буюрган хайр-эҳсонни камбағал-бечораларга ато этиш, мудом тақво билан, ёлғиз Оллоҳдан кўрқиб яшаш ва яхши амал учун гўзал мукофот — жаннат бўлишини чин дилдан тасдиқ этиш. Тангри таоло ана шу уч хислатга эга бўлган кишиларга жаннат йўлини осон қилишга ваъда берди. Энди қуйидаги оятларда юқоридаги хислатларнинг зиддига мубтало бўлган кимсалар ва улар топажак оқибат ҳақида сўз юритилади.*

8. Энди ким (Оллоҳ йўлида хайр-саховат кўрсатишдан) бахиллик қилса ва (ўзини Оллоҳ хузуридаги ажр-мукофотлардан) беҳожат билса; 9. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни, Оллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон деса; 10. Бас, Биз уни (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) оғир йўлга «муяссар» қилурмиз! 11. Ва у (дўзахда) ҳалок бўлган вақтида молу дунёси унга фойда бермас! 12. Шак-шубҳасиз, ҳидоят (яъни, инсонларни Тўғри йўлга йўллаш) ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир. 13. Шак-шубҳасиз, охират ҳам, дунё ҳам ёлғиз бизникидир.

*И з о ҳ: Яъни, дунёнинг ҳам, охиратнинг ҳам яккаю ягона ҳақиқий подшоҳи — эгаси ёлғиз Оллоҳ таолодир. Бас, кимки Оллоҳдан ўзга бирон кимсага бош эгса, Оллоҳдан ўзга бирон кимсадан ҳидоят ёки бахт-саодат сўраса, у очиқ гумроҳдир.*

14. Бас, (эй инсонлар), Мен сизларни ловуллаб ёниб турган оловдан — дўзахдан огоҳлантирдим. 15—16. Унга фақат (Ҳақни) ёлғон деган ва (иймон-этиқоддан) юз ўгирган бадбахт кимсагина кирур! 17—18. Узи покдомон бўлиб, мол-давлатини (яхшилик йўлида) сарф қиладиган такводор зот у (дўзах)дан йироқ қилинур. 19. У (такводор зот) хузурида — зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир, (яъни, у бирон кимсанинг ўзига ўтказиб қўйган яхшилигини қайтариш учун хайр-саховат кўрсатмайди). 20. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорнинг юзини — ризолигини истаб



(мол-давлатини сарф килур). 21. Ва яқинда (Парвардигори унга ато этадиган мукофот — жаннат неъматларидан) рози бўлур.



Мақкада нозил қилинган бу сура ўн бир оятдан иборатдир.

У Пайғамбар алайҳи-с-салом шахсиятларига хос бир сура бўлиб, унда Оллоҳ таоло Ўзининг сўнги пайғамбарига нисбатан меҳр-муҳаббати ва раҳм-шафкати ҳақида хабар беради. Сўнгра у кишига илоҳий йўл-йўриқлар кўрсатилади.

Сура ўзининг илк ояти билан «Ваз-зуҳо» — «Чошгоҳ вақтига қасам», деб номланган.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

**1. Чошгоҳ вақтига қасам; 2. (Ўз зулмати билан чор-атрофни) қоплаб-ўраб олган кечага қасамки; 3. (Эй Муҳаммад). Парвардигорингиз сизни тарк этгани ҳам, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқдир.**

*Изоҳ:* Ушбу оятлар пайғамбаримизга ваҳй келиши бир неча муддат тўхтаб қолган ва айрим мушриклар «Мана, Муҳаммадни Парвардигори ташлаб кетди», деган гап тарқатган вақтларида нозил бўлгандир. Оллоҳ таоло Ўзи яратган чошгоҳ (ёруғлиқ) ва кеча (қоронғулик) ҳақида қасам билан Муҳаммад алайҳи-с-саломни тарк этмагани ва ёмон кўриб қолмагани ҳақида хабар бериш орқали гўё ойнанинг (ваҳй келмай қолган) ўн беши қоронғу бўлган бўлса, қолган ўн беши ёруғ бўлишига ишора қилаётгандек.

**4. Албатта охират сиз учун дунёдан яхшироқдир. 5. Яқинда Парвардигорингиз сизга (шундай неъматлар) ато этурки, сиз (у илоҳий неъматлардан) рози бўлурсиз. 6. (Эй Муҳаммад, Парвардигорингиз) сизни етим ҳолда топгач, бошпана бермадим?**

*Изоҳ:* Бу ўринда пайғамбар алайҳи-с-салом ёш гўдаклик чоғларида етим бўлиб қолганларида аввал боболари Абдулмуталлиб, сўнгра амакилари Абу Толиб қарамоғларида тарбия топганларига ишора қилинмоқда.

**7. У зот сизни гумроҳ — ғофил ҳолда топиб, (Ҳақ йўлига) ҳидоят қилиб кўйди-ку! У зот сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб кўйди-ку! 9. Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг! 10. Сўровчи — гадони эса (бирон нарса бермасдан) ҳайдаманг! 11. Парвардигорингизнинг (сизга ато этган пайғамбарлик ва бошқа барча) неъматлари ҳақида бўлса (кишиларга доимо) сўзланг!**

*Изоҳ:* Ушбу илоҳий йўл-йўриқлар фақат пайғамбар алайҳи-с-саломнинг ўзларига тааллуқли бўлмай, балки у зотнинг барча умматларига ҳам алоқадордир. Зеро ҳар бир иймон-эътиқодли кишининг бурчи ўзи фазлу марҳаматига муҳтож бўлган энг олий зот — Оллоҳ таолонинг унга ато этган беҳисоб ноз-неъматларини эслаб, ўзига муҳтож бўлган етим-бечораларга зулм қилмай, аксинча уларга қўлидан келганича ёрдам бериб юрмоқдир.



Бу сура ҳам Маккада нозил килинган бўлиб, саккиз оятдир.

У ҳам ўзидан аввалги сура каби бошидан-охиригача пайғамбар алайҳи-с-саломга хитоб бўлиб, Тангри таоло томонидан у зотга ато этилган фазл-марҳаматлар зикр қилинади ва у зотни машаққатларга сабр-тоқат қилишга ҳамда Оллоҳ таолонинг ибодатига мудом рағбат кўрсатишга даъват этилади.

Суранинг номи бўлмиш «Шарх» калимаси, «Очмоқ, кенг қилмоқ», деган маънони англатади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

**1. (Эй Мухаммад), Биз сизнинг қалбингизни (иймон ва Куръон нури билан) кенг — мунаввар қилиб қўймадикми? 2—3. Ва Биз сиздан елкангизни эзиб турган оғир юкингизни олиб қўйдик.**

*Изоҳ:* Мазкур оғир юкдан мурод пайғамбар алайҳи-с-салом йўл қўйган ва йўл қўядиган — мунофиқларнинг жиҳодга чиқмасликларига изн беришлари, олдиларига келган кўзи ожиз саҳобага қовоқ уйганлари каби кичик хатолар эдики, булар мудом оғир юк бўлиб пайғамбаримизнинг елкаларини эзиб-азоблаб турар эди. Ушбу оятлар билан Оллоҳ таоло ўзининг ҳабиби ва сўнги пайғамбарига у кишининг бу янглиғ кичик хатолари афв этилгани хусусида хабар бермоқда. Энди қўйидаги оятда расулуллоҳга ато этилган яна бир файзи илоҳий ҳақида сўз боради.

**4. Ва Биз сизнинг зикрингизни (яъни, мартабангизни) баланд қилиб қўйдик.**

*Изоҳ:* Дарҳақиқат, ҳар бир мўмин-мусулмон қаерда Оллоҳ таолонинг номини ёд этиб, У зотни улуғласа, албатта У зот билан бирга пайғамбари Мухаммад алайҳи-с-саломнинг номларини ҳам зикр қилиб, у кишига саловат ва салом айтадики, бу мартабаи олия пайғамбаримиздан ўзга ҳеч кимга насиб этган эмас.

**5. Бас, албатта ҳар бир оғирлик — машаққат билан бирга, бир енгиллик ҳам бордир. 6. Албатта ҳар бир оғирлик — машаққат билан бирга, бир енгиллик ҳам бордир.**

*Изоҳ:* Агар муҳтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, юқоридаги оятларда ҳар бир машаққатдан кейин эмас, балки айни ўша машаққат билан бирга енгиллик борлиги икки бор таъкидланди. Бунини икки маънода тушуниш мумкин. Биринчиси: ҳар бир қийинчиликдан кейин шу қадар тез осонлик келадики, гўё улар иккиси бирга, ёнма-ён тургандек бўлади. Бас, демак қийинчиликка рўбарў келганда, ноумидликка тушишининг асло ҳожати йўқ. Иккинчи маъно — бир кишининг иймон, эътиқоди сабабли бирон оғирлик тушса, у киши бундан ранжимаслиги лозим, зеро у охиратдаги осонликка — мангу саодатга айни мана шу дунёда тортаётган қийинчилиги шарофати билан, яъни мана шу қийинчиликка сабр-тоқат қилгани сабабли эришиши мумкин. Демак, у киши тортаётган муваққат машаққатнинг ўзида унинг учун мангу бахт-саодат бор экан.

**7. Бас, (эй Мухаммад), қачон сиз (кишиларни Ҳақ йўлига даъват қилишдан) фориг бўлсангиз, (ўрнингиздан) туринг; 8. Ва ёлғиз Парвардигорингизга юзингизни буринг!**



Бу сура саккиз оятдан ташкил топган бўлиб, Маккада нозил қилинган. Унда Оллоҳ таоло яратган энг гўзал ва мукаммал хилкат инсон эканлиги, лекин айрим кимсалар куфру исён ботқоғига ботиб, пастларнинг пастига айланиб қолишлари, бу ҳаёти-дунёдан иймон ва эзгу амаллар билан яшаб ўтган инсонлар эса беадок ажр-мукофотларга эга бўлишлари ҳақида сўз боради. Сура ўзининг илк ояти билан — «Ват-тийн» — «Анжир мевасига қасам», деб номлангандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Анжирга қасам, зайтунга қасам; 2. (Оллоҳ таоло Мусо пайғамбар билан бевосита сўзлашган) Сино тоғига қасам; 3. Мана шу тинч, осойишта шаҳар (Маккаи мукаррама)га қасамки; 4. Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик. 5. Сўнгра (у Биз ато этган шундай гўзал сурат ва мукаммал хилкатнинг шукрини қилмасдан, куфру туғён йўлига кетгач), уни асфаласофилинга (яъни, энг тубан дўзахга) қайтардик. 6. Фақат (қай) бир зотлар иймон келтирсалар ва яхши амаллар қилсалар, ана ўшалар учун битмас-туганмас ажр-мукофот бордир. 7. Бас, (эй инсон), энди (яъни, Оллоҳ таолонинг барча нарсага қодир зот эканлигини билганингдан сўнг) нима сени (Қиёмат кунда бандаларнинг қилиб ўтган амалларига бериладиган) жазони ёлғон дейишга мажбур қилур?! 8. Ахир Оллоҳ ҳукм қилувчиларнинг энг адолатлиси эмасми?! (Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Қиёмат кунда энг одил ҳукм қилгувчидир.)



Маккада нозил бўлган бу сура ўн тўққиз оятдан иборатдир. Суранинг ўқиб-ўрганишга ва Яратганнинг қандай зот эканини, У инсоннинг нимадан яратилганлигини англашга даъват этгувчи аввалги беш ояти заминни осмон билан боғлаб тургувчи Қаломуллоҳнинг барча инсонлар учун илоҳий дастуруламал бўлиши Куръони каримнинг илк оятларидир, Оллоҳ таолонинг сўнгги пайғамбари Муҳаммад алайҳи-с-саломга қилган илк илоҳий хитобидир.

Суранинг кейин нозил бўлган оятларида инсон табиатидаги бир қусур — ўзини бой-беҳожат кўриши билан туғёнга тушиши тўғрисида сўз юритилиб, ана шундай ҳадларидан ошган кимсалар ҳали Парвардигор даргоҳига қайтиб ҳисоб-китоб бериш борлиги ҳақида огоҳлантириладилар. Сўнгра ўшалардан

бири, ўзининг мол-дунёси ва ҳамтовоқларининг кўплигига ишониб, ҳаддидан ошган ва пайғамбаримизга тинимсиз озор-азиятлар етказган Абу Жаҳл (Жоҳил — нодонларнинг отаси) лақабли бир малъун кофирнинг кирдикорлари келтирилиб, агар у ўзининг куфру туғёнидан қайтмаса, охир-оқибат дучор бўладиган ҳалокати ҳақида хабар берилади.

Бу сурада инсон қуюқ лахта қондан яратилгани тўғрисида илк бора айтилгани сабабли у «Алак» — «Лахта қон» деб номланган дир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

**1.** (Эй Муҳаммад, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! **2.** У инсонни лахта қондан яратган (зот-дир). **3—4.** Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни, хатни) ўргатган ўта қарамли зотдир. **5.** У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди.

*Изоҳ:* Ушбу оятлар инсоният ҳаётига янги илоҳий таълимот ва тоқибат бузилмай сақланиб қоладиган, Оллоҳ таоло юборган динларнинг энг сўнггиси бўлган мукамал бир дин Ислом кириб келгани ҳақидаги илк хабарлар эди. Ушбу илк оятларданоқ Ислом дини инсонларни жаҳолат, хурофотга эмас, балки илм-маърифатга қорлаши ва фақат ўқиш-ўрганиш билан Яратган рози бўладиган Ҳидоят йўлини топишга даъват этиши маълум бўлди. Шунинг учун ҳам пайғамбар алайҳи-с-салом: «Илм исташ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», деб марҳамат қилганлар.

Энди қуйидаги оятларда динсиз кимсаларни мол-дунё ва мансаб-мартабалар қандай кўйларга солиши ҳақида хабарлар берилади.

**6—7.** Дарҳақиқат, (кофир) инсон ўзини бой-беҳожат кўргач, албатта туғёнга тушар — ҳаддидан ошар. **8.** (Эй инсон), албатта ёлғиз Парвардигорингга қайтишинг бордир! (Ушанда бу туғёнларинг учун ҳисоб-китоб қилиниб, жазоланишинг аниқдир!) **9—10.** (Эй инсон), бир бандани (яъни, Муҳаммад алайҳи-с-саломни) намоз ўқиган вақтида (намозидан) тўсадиган кимсани кўрдингми?! **11—12.** Хабар беринг-чи, агар у (намоз ўқигувчи) ўзи Тўғри йўлда бўлса, ёки (ўзгаларни) тақвога (Оллоҳдан кўркишга) буюрса (уни намоздан ва тақводан тўсган кимса ҳалок бўлмасми)? **13—14.** Хабар беринг-чи, агар у (намоздан тўсгувчи кимса Оллоҳнинг Китобини) ёлғон деса ва (у Китобга иймон келтиришдан) юз ўгирса, албатта Оллоҳ унинг барча қилмишларини кўриб туришини билмасми?!

*Изоҳ:* Бу оятлар Қурайш зодагонларидан бўлган Абу Жаҳл лақабли ашаддий кофир бир кимса ҳақида нозил бўлгандир. У пайғамбаримизни Масжид-ал-Ҳаромда намоз ўқишларидан тўсиб: «Агар Муҳаммад ана шу ерга келиб намоз ўқийдиган бўлса, унинг бўйинини эзиб, юзини тупроққа белайман», деб ўзининг бутлари номига қасам ичади. Юқоридаги оятларда бу кофирнинг барча қилмишларини Оллоҳ таоло кўриб тургани айтилган, энди қуйида агар у бундай беъаъниликларни тўхтатмаса, қандай азобга гирифтор бўлиши ҳақида хабар берилади.

**15—16.** Йўқ! Қасамки, агар у (бундай гумроҳликдан) тўхтамаса, албатта Биз унинг пешона сочидан — ўша ёлғончи, адашган пешона сочидан тутармизда, (жаҳаннамга отурмиз!) **17.** Бас, у ўзининг жамоасини (ёрдамга чақираверсин). **18.** Биз эса азоб фаришталарини чақиражакмиз! **19.** Йўқ! (Эй Муҳаммад), Сиз унга итоат этманг ва (ёлғиз) Оллоҳга сажда — ибодат қилиб, У зотга яқин бўлинг.

*Изоҳ:* Ушбу ояти қарима Қуръондаги сўнги сажда ояти бўлиб, бу оятни ўқиган ёки эшитган киши бир марта Оллоҳ таолога сажда қилиши вожиб бўлади. Бу оятдаги хитоб гарчи пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-саломга қаратилган бўлса-да, унинг ҳукми барча мусулмонлар учун умумий бўлган ҳукмдир. Бинобарин, Яратганга ибодат қилишдан тўсадиган бирон кимсага итоат этмасдан ёлғиз Оллоҳ таологагина сажда қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир.

# Қадр сураси

97

Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, беш оятдан иборатдир. Унда сўз инсоният тарихида мисли кўрилмаган бир кеча ҳақида — инсонларга бу дунёдан чин инсоний ҳаёт кечириб ўтиш йўл-йўриklarини кўрсатиб берадиган сўнгги мукамал илохий дастуруламал бўлмиш Қуръони карим нозил бўла бошлаган ниҳоят қадрли бир Кеча ва унинг фазилатлари ҳақида боради.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Албатта, Биз у (Қуръон)ни қадр кечасида нозил қилдик. 2. (Эй Муҳаммад), қадр кечаси нима эканлигини сиз қаердан билар эдингиз? 3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.

*Изоҳ: Демак, у кечада қилинган тоат-ибодат ҳам минг ойлик ибодатдан яхшироқ бўлади. Биз бу кечани баракоти ҳақида «Духон» сурасининг 2—5-оятлари изоҳида айтиб ўтган эдик. Кўпчилик уламоларнинг айтишларича, Қадр кечаси Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечасидир.*

4. У (кеча)да фаришталар ва Рух (яъни, Жаброил алайҳи-с-салом) Парвардигорларининг изни-ихтиёри-ла (йил давомида қилинадиган) барча ишлар билан (осмондан заминга) тушурлар. 5. У (кеча) то тонг отгунча тинчлик-омонликдир.

# Баййина сураси

98

Бу сура Мадинада нозил қилинган. У саккиз оятдир.

Бу сурада сўз аҳли китоблардан бўлган яҳудий ва насронийларнинг ҳамда мушрикларнинг кирдикорлари ҳақида; ёлғиз Оллоҳ таолонинг Ўзига ихлос билан ибодат қилиш лозимлиги тўғрисида ва охиратда кофирлар дучор бўладиган азоб ҳамда иймон ва яхши амал билан ўтган зотларга муяссар қилинадиган мангу бахт хусусида боради.

Сурадан пайғамбар алайҳи-с-салом Оллоҳ таоло томонидан юборилган аниқ ҳужжат эканликлари ҳақидаги оятлар ҳам ўрин олгани сабабли бу сура «Баййина»—«Аниқ ҳужжат» деб номлангандир.


**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар то уларга очик ҳужжат келгунича (куфрдан) ажрагувчи бўлмадилар. 2—3. (У очик ҳужжат)

Оллоҳ томонидан (юборилган) бир пайғамбар (яъни, Мухаммад алайҳи-с-салом бўлиб, уларга) ичида энг тўғри ёзувлар — ҳукмлар бўлган покиза саҳифаларни (яъни, Куръонни) тиловат килур.

*Изоҳ:* Оллоҳ таолонинг сўнги, мукаммал дини бўлмиш Исломи дини келиши арафасида Таврот, Инжил каби аввал нозил қилинган китоблар берилган яҳудий ва насронийлар ҳам, бутпараст мушриклар ҳам куфр ботқоғига ботиб қолишган, аҳли китоблар Таврот ва Инжилда келиши айтилган бир пайғамбарга кўз тутаётган эдилар. Қачонки, улар кутган ҳужжат — пайғамбар алайҳи-с-салом тилларида Оллоҳнинг каломи — Куръон билан келганларида эса...

4. Китоб ато этилган кимсалар фақат уларга очиқ ҳужжат — пайғамбар келганидан кейингина бўлиниб кетдилар (яъни, айримлари ўша ўзлари кутган пайғамбарга иймон келтирдилар, айримлари эса кофир бўлдилар)! 5. Холбуки, улар фақат ягона Оллоҳга, У зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу Тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир. 6. Албатта, аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қолурлар! Ана ўшалар энг ёмон махлуқлардир. 7. Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар — ана ўшалар яралмиш жонзотларнинг энг яхшисидирлар. 8. Уларнинг Парвардигорлари ҳузуридаги жазо — мукофотлари остидан дарёлар оқиб турадиган мангу жаннатлардир. Улар ўша жойда абадул-абад қолгувчилардир. Оллоҳ улардан рози бўлди, улар (Оллоҳдан) рози бўлдилар. Бу (мукофот) Парвардигоридан кўрққан киши учундир.



Саккиз оятдан ташкил топган бу сура ҳам Мадинада нозил бўлгандир. «Залзала» («Зилзила») деб номланган бу сура дастлаб қиёмат қойим бўлган кунда замин зилзилага тушиб, титраб-ёрилиб тилга кириши ҳақида ҳикоя қилади.

Сўнгра у Кунда ҳаёти-дунёда қилиб ўтилган бир зарра мисоли яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бежазо қолмаслиги баён қилинади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Қачон Ер ўзининг (энг даҳшатли) зилзиласи билан ларзага тушганида; 2. Ва Ер (ўз бағридаги хазинаю дафиналаридан ва инсон жасадларидан иборат) «юк»ларини (юзага) чиқариб ташлаганида; 3. Ва ҳаётлик пайтида қайта тирилишни инкор қилгувчи бўлган инсон (қайта тирилганидан даҳшатга тушиб: «Ерга» нима бўлди ўзи?» деб қолганида; 4—5. Ана ўша Кунда ер, Парвардигорингиз унга ваҳй қил (иб, сўзлашга буюр) гани сабабли ўз хабарларини сўзлар!

*Изоҳ:* Саҳобалардан Абу Ҳурайра (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилишларича, пайғамбар алайҳи-с-салом Ернинг хабарлари нима эканлиги ҳақида сўзлаб: «Ернинг хабарлари — ҳар бир эркагу аёл унинг устида қандай амал қилган бўлса, барчасини Оллоҳ таоло ҳузурида сўзлаб, гувоҳлик беришидир», деган эканлар.

6. Ўша Кунда одамлар, уларга (қилиб ўтган) амаллари (нинг жазо ёки мукофотлари) кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар! 7. Бас, ким

(хаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисоличалик яхшилик қилса, (Қиёмат) кунда ўшани кўрур. 8. Ким зарра мисоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур.



Маккада нозил қилинган бу сура ўн бир оятдан иборатдир.


Бу сурада Оллоҳ таоло йўлида жиход қилгувчи зотлар жангга миниб борадиган учқур отларга қасамёд қилиш билан динсиз-эътиқодсиз инсонлар, албатта Яратган ўзларига ато этган неъматларга ношукрлик қилгувчи, ашаддий дунёпараст бўлишлари таъкидланади ва Тангри таоло барча ишлардан хабардор бўлиб туриши, демак бирон ёмонликни бежазо қолдирмаслиги уқтирилади.

Сура ўзининг илк ояти билан «Вал-одиёт»—«Чопкир отларга қасам», деб номлангандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1—2—3—4—5. (Оллоҳ йўлида) ҳарсиллаб чопадиган, (чопган пайтида туёқларидан) чакмоқлар чиқадиган, тонг пайтида (ёв устига) бостириб борадиган, бас, ўшанда чанг-тўзон кўтариб, шу (чанг-тўзон) билан (душман) жамоасининг ўртасига кириб келадиган (от)ларга қасамки; 6. Шак-шубҳасиз (кофир) инсон Парвардигори (унга ато этган неъматлар)га кўрнамаклик қилгувчидир. 7. Ва, шак-шубҳасиз, бунга (ўзининг бу ношукрлигига) гувоҳдир. 8. Ва, шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ (берилгувчи)дир. 9. Ахир у билмасмики, (қиёмат қойим бўлиб) қабрларнинг ичидаги нарсалар (жасадларга қайта жон ато этилиб, ташқарига) чиқарилганида; 10. Ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида; 11. Ана ўша Кунда, шак-шубҳасиз, Парвардигорлари улардан (яъни, барча халойиқнинг хаёти-дунёда қилиб ўтган ишларидан) огоҳ-хабардор-ку!

*И з о ҳ:* Бу оятларда Қиёмат кунда барча сирлар ошкор бўлишини эслатиш билан ҳар бир инсон ўз ҳаётини ўша Кунда шарманда бўлиб қолмайдиган тарзда ўтказиши лозим эканлиги уқтирилмоқда.



Маккада нозил қилинган бу сура ҳам ўн бир оятдан ташкил топгандир. Бу сурада ҳам Қиёмат даҳшатлари тасвирланиб, у Кунда ҳар бир инсон ўз қилмишига қараб мукофот ёки жазога мустаҳик бўлиши ҳақида хабар берилади.

Сураинг номи бўлмиш «Ал-Қориа» калимаси «Қалбларни қаттиқ қоққувчи (Қиёмат)» деган маънони англатади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Ўша даҳшатлари билан кишилар қалбини қаттиқ қоққувчи (Қиёмат)! 2. У қаттиқ қоққувчи недур?! 3. Эй инсон, қаттиқ қоққувчи (Қиёмат) нима эканлигини сен қаердан билар эдинг?! 4. У Қунда одамлар тўзғитиб юборилган парвоналар каби бўлиб қолурлар (яъни, қабрларидан чиқишиб, Қиёмат даҳшатидан ўзларини ҳар ёнга уриб, тўзиб кетадилар)! 5. Тоғлар эса титилган жун каби (осмонда учиб юрадиган) бўлиб қолур! 6—7. Бас, энди (у Қунда) кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўша (хар бир инсон) рози бўладиган — орзу қиладиган ҳаётда бўлур. 8—9. Энди кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил келса, унинг жойи «жарлик»дир! 10. Унинг нима эканини қаердан ҳам билар эдинг?! 11. (У) кизиган дўзахдир!



Бу сура Макка сураларидан бўлиб, саккиз оятдан ташкил топгандир. Бу сурада кўп одамларнинг то жонлари чикиб, қабрларига киргунларича мол-дунё тўплашга ва ўша арзимас матолар билан бир-бирларига мақтанишга машғул бўлишиб, Оллоҳни эшладан ва У зот буюрган Ҳақ йўлда юришдан юз ўгирганлари баён этилади ва уларга бу қилмишларининг оқибати жаҳаннам экани тўғрисида хабар берилади.

Сура «Такосур»—«Тўплаб кўпайтиришга берилмоқ» деб номлангандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1—2. (Эй инсонлар), сизлар то қабрларни зиёрат қилгунларингизча (яъни ўлиб, қабрга киргунларингизча) сизларни (мол-дунё) тўплаб кўпайтириш (Оллоҳга тоат-ибодат қилишдан) машғул қилди!

*Изоҳ: Дарҳақиқат, бутун ҳаётларида Оллоҳ таолога бирон кун ибодат қилмасдан мол-дунёга сиғиниб ўтадиган кимсалар жуда кўндир. Бу хусусда Саҳиҳул-Бухорийда ривоят қилинган пайғамбаримизнинг бир ҳадислари ибратлидир: «Майитнинг — ўликнинг ортидан уч нарса эргашиб боради ва кейин у учовидан иккиси қайтиб кетади, бири эса ўлик билан бирга қолади. Унга бола-чақаси ва мол-дунёси ва шу дунёда қилган амаллари эргашиб боради-да, сўнгра бола-чақаси ва мол-дунёси яна қайтиб кетади. Қилиб ўтган амаллари эса у билан бирга қабрда қолади».*

3. Йўк, сизлар яқинда (бу қилмишларингиз оқибатини) билурсизлар! 4. Яна бир бор йўк, сизлар яқинда билурсизлар. 5. Йўк, агар сизлар (дунёга қул бўлиб қолишнинг оқибати нима эканлигини) аниқ билиш билан билсаларингиз эди (унга қул бўлиб қолмас эдингизлар)! 6. Қасамки, албатта сизлар дўзахни кўурсизлар. 7. Яна бир бор қасамки, сизлар аниқ кўриш билан кўурсизлар! 8. Сўнгра ўша Қунда, албатта (ҳаёти-дунёда сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар!





Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, уч оятдан иборатдир.

Куръони каримдаги энг қисқа суралардан бири бўлган бу сурада Оллоҳ таоло Аср намозининг вақтига қасам билан, инсоният ҳақиқий бахт-саодатга эришиши учун тўрт нарсага — иймонга, эзгу амалга, Ҳақ йўлга ва шу йўлда чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилишга муҳтож эканлигини тавқидлайди.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1—2. Аср (вақти)га қасамки, (барча) инсон, зиён — бахтсизликдадир.  
3. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчидирлар).



Тўққиз оятдан ташкил топган бу сура Маккада нозил бўлгандир.

Унда тўплаган мол-дунёлари билан қувонишиб, ўша моллари ўзларини ҳар қандай бало-офатдан сақлайди, деб ўйлайдиган ва ҳадларидан ошиб, бировларнинг обрўларини тўкиб юрадиган ғийбатчи-бўхтончи кимсалар, албатта дўзах азобиغا дучор қилинишлари ҳақида сўз юритилади.

Суранинг номи бўлмиш «Хумаза» сўзи «Бўхтончи» деган маънони англатади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Барча (кишиларга дилзорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган) бўхтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлмайди; 2—3. У (топган) мол-дунёси ўзини мангу (ўлмайдиган) қилиб қўйган, деб ўйлаган ҳолида (фақат) мол тўплаган ва ўша (мол-дунё)ни ҳисоб-китоб қилиб (бирон савобли ишга сарфламасдан) юрган кимсадир. 4. Йўқ, (унинг бу) ҳисоб-китоби бекордир! Қасамки, албатта у чил-парчин қилгувчи (дўзах)га ташланур! 5. (Эй инсон), чил-парчин қилгувчи нима эканлигини сен қаердан билар эдинг?! 6—7. (У) Оллоҳнинг ёқиб қўйилган бир оловидирки, (ўз алангаси билан баданларини тешиб ўтиб) юракларга қадар етур! 8—9. Албатта (у кофирлар) узундан-узун устунларга (занжирлар билан боғлаб қўйилган ҳолларида олов) уларнинг устида

қопланиб қолгувчидир (яъни, на улар жаҳаннам қаъридан қутулиб чиқа олурлар ва на улар нафас олишлари учун бир ютум тоза ҳаво кирур)!



105

Бу сура беш оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилингандир.

У Қаъбатуллоҳни вайрон қилиш ғаразида келганлари сабабли Оллоҳ таолонинг ғазабига учраб ҳалок бўлган «Асҳоби фил — фил минган лашкарлар» қиссаси ҳақида сўзлайди. Бу воқеа Тангри таолонинг энг сўнги ва энг суюкли пайғамбари Муҳаммад алайҳи-с-салом таваллуд топган мелодий 570 йилда рўй берган бўлиб, саноксиз лашкар билан, қудратли филларга миниб, Оллоҳнинг уйини бузиш учун Яман ҳокими Абраҳа бошчилигида бостириб келган кофирларни Оллоҳ таоло ўзининг ожиз махлуқлари бўлмиш қушлар тумшукларида келтирган майда тошлар билан ҳалок қилади ва Қаъбатуллоҳни яқинда туғилажак Муҳаммад пайғамбар алайҳи-с-салом учун, келажак янги дин, янги уммат учун сақлаб қолади. Кейин, ҳазрат дунёга келиб вояга етгач ва у кишига Куръон оятлари нозил бўла бошлагач, ўша илоҳий мўъжиза то Қиёматгача Қаъбатуллоҳ томон юзланиб ибодат қилгувчи мўминларга ибрат, Оллоҳнинг динига қарши тургувчи кофирларга эса бир аччиқ сабоқ бўлиши учун у ҳақда мана шу сураи карима нозил қилинди.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. (Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми? 2. У зот уларнинг (Қаъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўллаган барча) хийла-найранглариини барбод қилмадимми? 3—4. У зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп қушларни юбориб; 5. Уларни қурт-қумурсқалар томонидан еб ташланган сомон каби (илматешик) қилиб юборди!

*И з о ҳ:* Ривоят қилинишича, қушлар томонидан отилган ҳар бир тош бир кофирнинг бошидан тешиб кириб, остидан чиқиб кетган экан.



106

Бу сура Макка сураларидан бўлиб, тўрт оятдир.

Бу сурада пайғамбар алайҳи-с-саломнинг қабилалари бўлмиш Қурайш қабиласига Оллоҳ таоло томонидан ато этилган икки улугъ неъмат — тинчлик-омонлик ва тўқлик-фаровонлик неъматлари зикр қилиниб, қурайшликларни

мана шундай роҳат-фароғатда яшашларига сабабчи бўлган Байтуллоҳнинг Парвардигорига ибодат қилишга даъват этилади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1—2. Қурайшга осон қилиб қўйилгани — уларга киш ва ёз сафари осон қилиб қўйилгани учунгина; 3. Улар мана шу Уйнинг Парвардигорига ибодат қилсинлар! 4. У зот уларни очликдан (қутқариб) таомлантирди ва хавфу хатрдан тинч қилди.

*И з о ҳ:* Яъни, Қурайшга Оллоҳ таоло томонидан жуда кўп неъматлар ато этилгандир. Агар улар бошқа неъматлар учун Оллоҳ таолога ибодат қилмасалар ҳам, уларга тижорат, олди-сотди қилсинлар, деб қишда Яманга, ёзда эса Шомга сафар қилишлари осон қилиб қўйилгани ва улар бу сафардан доимий равишда фойдаланиб келаётганлари учун мана шу Байтуллоҳнинг Парвардигорига ибодат қилишлари лозимдир. Чунки, айти мана шу Байтуллоҳнинг шарофатидан атроф-жавонибдаги одамлар қурайшликларга тегмайдилар ва: «Қурайш қабиласи Байтуллоҳнинг қўшилари дир. Ким уларга бирон зиён етказса, худди Абраҳа ва унинг қўшинига ўхшаб мана шу Уйнинг эгаси бўлган Оллоҳ таолонинг ғазабига учрайди», дейдилар. Демак, Қурайш одамлари сафар-саёҳатларида бирон кимса уларга зиён бермай, тинчлик ва тўқин-соқинликда яшаётганлари учун мана шу Байтуллоҳдан ва унинг эгаси бўлмиш Тангри таолодан қарздордирлар. Бас, улар У зотга ибодат қилиш билан ўзларига ато этилган неъматнинг шукрини адо этсинлар.



Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. У етти оятдир.

Бу сурада диннинг моҳияти ҳақида сўз юритилиб, айрим ўзларини диндор ҳисоблаб юрган, лекин атрофларидаги етим-ғарибларга дилзорлик қиладиган, бечора-мискинларнинг ҳолидан хабар олмайдиган кимсаларни динни (яъни, қилинган ҳар бир иш-амал учун охиратда ҳисоб-китоб, жазо бор эканини) инкор қилгувчилар, деб аталади.

Шунингдек, бу сурада ўзлари ёлғиз бўлганларида намоз ўқишни «унутиб» қўядиган ва фақат элқўрсинга намозхон бўлган ҳамда кўни-қўшнилardan, одатда, ўртада ишлатиладиган энг арзимас рўзгор буюмларини ҳам аяйдиган риёкор ва хасис кимсалар ҳақида дуоибад қилинади ва бу билан етим бечораларга мудом ёрдам қўлини чўзадиган, тоат-ибодатини ёлғиз Яратгanning ризолигини кўзлаб, бериё қиладиган хайр-саховатли зотларгина ҳақиқий мўмин-мусулмонлар эканлиги таъкидланади.

Суранинг номи бўлмиш «Моъувн» калимаси — идиш-товоқ, болта-теша каби майда рўзгор буюмлари, деган маъноларда келади.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Динни (охиратдаги жазони), ёлғон, дейдиган кимсани (нг қандай кимса эканлигини) кўрдингизми-билдингизми? 2—3. Бас, бу етим-есирни (кўполлик билан) ҳайдаб соладиган ва (кишиларни) мискин-бечорага таом беришга тарғиб қилмайдиган кимса дир.

*И з о ҳ:* Яъни, кимки иймон келтирганман, деса-ю, аммо етим-есирларнинг ҳаққидан кўрқмаса, бечора-мискинларнинг бошини силаб меҳрибонлик қилмаса, у динни инкор қилгувчи кимсалар билан баробардир.

4—5. Бас, намозларини «унутиб» кўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга ҳалокат бўлгайки; 6—7. Улар риёкорлик қиладиган ва рўзгор буюмларини ҳам (кишилардан) ман қиладиган (яъни, бирон кишига фойдалари тегмайдиган) кимсалардир!



Уч оятдан ташкил топган бу сура Маккада нозил қилингандир.

Қуръони каримдаги энг ихчам бўлган бу сурада пайғамбар алайҳи-с-саломга хитоб қилиниб, Оллоҳ таоло у кишига ато этган буюк неъмат жаннатдаги Кавсар ховузи зикр этилади ва бу билан у кишига ўз умматлари билан бирга ана шундай илоҳий мукофотга етишнинг барча воситалари — Қуръон, пайғамбарлик ато этилгани таъкидланиб, ҳазратни бундай илоҳий марҳаматнинг шукронаси учун намоз ўқишга ва қурбонлик қилишга даъват этилади.

Сўнги оятда эса кимда-ким пайғамбар-алайҳи-с-саломни ёмон кўриб — душманлик қилса, ана ўша кимса беному нишон йўқ бўлиб кетиши ҳақида башорат берилади.

**Меҳрибон в раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. (Эй Муҳаммад), албатта Биз сизга Кавсарни ато этдик. 2. Бас, сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва (жонлик) сўйиб, қурбонлик қилинг! 3. Албатта сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир (яъни, беному нишон йўқ бўлиб кетгувчидир)!



Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, олти оятдир.

Бу сурада Исломи дини кучайиб тарқалиб кетаётганини кўриб хавотирга тушиб қолган кофирлар пайғамбар алайҳи-с-саломни ҳам, саҳобаларни ҳам бу Тўғри йўлдан чалғитиш ғаразиди, у кишининг олдиларига келиб: «Эй Муҳаммад, кел, бизлар сенинг худойингни тан олиб унга ҳам ибодат қилайлик, сен ҳам ўз худойингга кўшиб бизларнинг бутларимизга сиғингин», дейишганида, нозил бўлгандир.

Бу сурадан кўзда тутилган мақсад пайғамбар алайҳи-с-саломни ҳам, у зотнинг то Қиёматгача келадиган барча умматларини ҳам кофирларнинг бундай найрангларига учмасликка ва ёлғиз Оллоҳ таологагина ибодат қилишга даъват этишидир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. (Эй Муҳаммад), айтинг: «Эй кофирлар! 2. Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. 3. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Оллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. 4. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. 5. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Оллоҳга) ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. 6. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир!»



Мадинада нозил бўлган бу сура уч оятдан иборатдир.

Унда пайғамбаримизга ва барча мўмин-мусулмонларга Оллоҳ таоло Ўз динини барча динлардан ғолиб қилган Кунга гувоҳ бўлганларида берган мадад ва ғалабаси учун Оллоҳга ҳамду тасбеҳ айтиш ва У зотдан мағфират сўраб, тавба-тазаррулар қилиш таълим берилади.

Сура «Наср»—«Ердам» деб номлангандир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. (Эй Муҳаммад), қачон Оллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса; 2. Ва одамлар тўп-тўп бўлишиб Оллоҳнинг дини (Ислому)га қираётганларини кўрсангиз; 3. Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай «шерик»лардан) покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир.

*Изоҳ:* Ушбу сураи каримада мўмин-мусулмонларнинг вазифаси имконлари борича диннинг равнақи йўлида саъй-ҳаракат қилиш эканига, ғалабани эса ёлғиз Оллоҳ таолонинг Ўзи беришига ишора бор.



Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, беш оятдир.

Унда гарчи ўзи пайғамбар алайҳи-с-саломга амаки бўлса ҳам, лекин пайғамбаримизга ҳаддан ташқари азиятлар етказган «Абу Лаҳаб»—«Дўзах ўтининг отаси» деган лақабга эга бўлган бир ашаддий кофир ва унинг куфрда ундан қолишмайдиган хотини ҳақида сўз юритилади.

Сура «Масад»—«Пишиқ тола» деб аталгандир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай — ҳалок бўлгай! (Аниқки) у қуриди — ҳалок бўлди! 2. Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! 3—4—5. Яқинда у ва унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан эшилган арқон бўлган хотини (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак!

*Изоҳ:* Абу Лаҳабнинг хотини Умми Жамил доимо кишиларни пайғамбар алайҳи-с-саломга қарши гиж-гижлаб, уларнинг ўртасида адоват ўтини ёқиб юргани сабабли, Қуръон уни «ўтин орқалаган» деб сифатлади ва дўзахга ҳам эри билан бирга худди ўша ҳолида кириши ҳақида хабар берди.



Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. У тўрт оятдир. Мазкур буюк сура мўминларга Оллоҳ таолони қандай танишни ва У зотга қандай ихлос — эътикод қилишни ўргатади.

Бу сура бир гуруҳ Макка мушриклари пайғамбар алайҳи-с-салом ҳузурларига келишиб, Оллоҳнинг таъриф-тавсифини қилиб беришни сўрашганида, ўшаларга жавобан нозил бўлгандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. (Эй Муҳаммад), айтинг: «У — Оллоҳ Бирдир (яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир). 2. Оллоҳ (барча хожатлар билан) Кўзлангувчидир (яъни, барча хожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). У туғмаган ва туғилмагандир (яъни, Оллоҳнинг ўғил-кизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). 4. Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир».



Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, беш оятдир.


Ушбу ва бундан кейинги сура «Ал-Муавваттони» яъни, «Икки паноҳ

сўралгувчи сура», деб ҳам аталади. Чунки ҳар икки сурада Оллоҳ таоло пайгамбар алайҳи-с-саломга ва барча мўминларга Еру осмондаги ҳамма ёмон нарса ва ҳодисалардан ёлғиз Ўзига илтижо қилиб, паноҳ сўрашларини таълим беради.

Бу сура ўзининг илк оятидаги сўз билан «Фалақ»—«Тонг» деб номлангандир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1—2—3—4—5. (Эй Мухаммад), айтинг: «Мен Тонг Парвардигоридан (менга) Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан; тугунларга дам солгувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман».



Бу сура ҳам Маккада нозил қилинган. У олти оятдан иборатдир.

Мазкур сура, айтиб ўтилганидек ўзидан аввалги суранинг узвий давомидир.

Бу сурада жинлар ва инсонлардан бўлган, кишиларни васвасага солиб йўлдан урадиган «шайтон»ларнинг ёмонлигидан ёлғиз Парвардигорга сифиниб паноҳ сўраш лозимлиги уқтирилади.

Сура ўзининг илк оятидаги сўз билан «Ан-нос»—«Инсонлар» деб номлангандир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1—2—3—4—5—6. (Эй Мухаммад), айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) Ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (қачон Оллоҳнинг номи зикр қилинганда) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман».

#### ТАРЖИМОНДАН:

Оллоҳ таолонинг тавфиҳ ва мадади билан Қуръони қаримнинг ушбу таржимаси ҳижрий 1412 йил Рабийус-соний ойининг 21 — сешанба кунда (милодий 1991 йил 29 октябри) ўз ниҳоясига етди.

Ушбу таржимада қуйидаги тафсир китобларидан фойдаланилди:

1. Тафсирул — Қозий Байзовий (4 жузъ)

2. Тафсирул — Жалолайн

3. Тафсири ибн Қасир (2 жилд)

4. Тафсирул — Қуртубий (20 жузъ)

5. Тафсирул — Насафий (2 жилд)

6. «Ал-муҳаррар ал-важийз». Абдуллоҳ Андалусий асари (20 жузъ)

7. «Фий зилол ал-Қуръон». Саййид Қутб асари (6 жилд)

8. «Сафватул-баён лимаонил-Қуръон». Муҳаммад Махлуф асари

9. «Ал-Мунтаҳаб фий тафсирил-Қуръонил-карим»

10. «Софватут-тафосир». Муҳаммад Али Собуний асари (3 жилд)

11. «Равоийул-баён». Муҳаммад Али Собуний асари.

#### **ТАҲРИРИЯТДАН:**

Қуръони Каримнинг ойномадаги нашрига ёзувчи **ОМОН МУХТОРОВ** ва исломшунос **АНВАР ТУРСУН** муҳаррирлик қилишди.

Қуръон нашри давомида юзлаб ойнома мухлисларидан мактублар олинди. Биз уларга чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз. Энди нашр тугагач, улар таржима тўғрисида, яхлит ҳолда кўриб чиқиб, яна мулоҳазаларини билдиришади, деб ўйлаймиз. Бу ойномадаги нашрга асосланиб, Қуръонни китоб ҳолида эълон қиладиган ўртоқларга ҳам маълум даражада қўл келиши, ёрдами тегиши шубҳасиздир.

**© ҚУРЪОНИ ҚАРИМ МАЗМУНИЙ ТАРЖИМАСИ БИРИНЧИ БУЛИБ «ШАРҚ ЮЛДУЗИ»ДА АМАЛГА ОШИРИЛГАНИ САБАБЛИ У БЕВОСИТА ОЙНОМАНИНГ МУЛКИ ҲИСОБЛАНАДИ. БИНОБАРИН, УНИ «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» БИЛАН МОЛИЯВИЙ ШАРТНОМА ТУЗМАСДАН ТУРИБ КИТОБ ҲОЛИДА НАШР ЭТИШ МАН ҚИЛИНАДИ.**





# Уиллар, боқедлар, ҳужжатлар

Музаффар Аҳмад

## „Қирқ минги бахшидир, қўлида сози...“

Эссе

### ОЛТМИШ ЙИЛ БУРУН

Атоқли фольклорчи олимлар В. М. Жирмунский ва Х. Т. Зариповларнинг «Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси» номли йирик тадқиқотида шундай бир лавҳа бор:

«Бу ерда (Шимодий Хоразм)ги бахшиларнинг кўпчилиги саводхон — дoston куйлаётганда, кўшиққа навбат етган пайтда улар шеър тўкиб бадиҳагўйлик қилмайдилар, дoston матнини ўқиб ёд олган бўладилар, баъзи ҳолларда дostonнинг қўлёзма матнларини ёнларидан олиб юрадилар ва куйлаётган пайтда ўша матндан фойдаланишлари ҳам мумкин. Дostonларни шундай жўровоз ҳолда ижро қилиб тингловчиларга кучли ҳиссий таъсир ўткази олади.

Яқингинада, 1930 йилда фольклорчилар ноёб бир воқеанинг гувоҳи бўлдилар: Аҳмад бахши раҳбарлигида тўрт кишидан иборат бахшилар гуруҳи Манғит районидаги кишлоқ хўжалик коммунасида 300 нафар томошабин олдида ўз санъатларини намойиш қилдилар. Бир кўшиқнинг авжида бош ижрочи Аҳмад бахши кўшиқ сеҳридан жўшиб-илҳомланиб кетиб ўрнидан тура бошлади, унинг изидан бошқа ижрочилар ҳам биринкетин ўтирган жойларидан турдилар; сал ўтмай, кўп сонли тингловчилар ҳам ўзлари сезмаган ҳолда оёққа қалқиб, тикка турган кўйи жўшқин куй-кўшиқнинг сеҳрли таъсирига тамомила фарқ бўлдилар...»<sup>1</sup>

Маълумки, 30-йиллар Ўзбекистонда халқ оғзаки ижоди фанининг энди оёққа туриб келаётган йиллари бўлиб, халқнинг бой оғзаки ижоди намуналари — дostonлар, эртаклар, терма-кўшиқлар, мақол, топишмоқ ва латифаларни ёзиб олиш ишлари мунтазам йўлга қўйилмоқда эди. Ўзбекистон ССР Халқ маориф комиссариати Давлат илмий кенгаши 1928 йилда ғайратли ёш олим Ҳоди Зариповга этнография, оғзаки ижод ва археология бўйича илмий-текшириш кабинетини ташкил этишни топширади. Ўша йиллардан бошлаб жумҳуриятимизнинг турли бурчакларига илмий сафарлар уюштирилади. Бу сафарларда илмий ходимлар, ёш тадқиқодчилар, билимгоҳларнинг талабалари иштирок қиладилар. Кейинчалик эса худди ўша илмий сафарлар мобайнида тўпланган бойликлар жумҳуриятимизда оғзаки ижод фанининг ривожланишида, халқ оғзаки ижоди намуналарининг тўпланиши ва нашр қилинишида улкан ўрин тутди. Биз юқорида келтирган воқеа ҳам ана шундай илмий сафар таркибида 1930 йил Хоразмга келган олим Х. Зариповнинг шахсан иштирокида бўлиб ўтади. Буни қуйидаги хотира-суҳбат ҳам тасдиқлаб турибди...

<sup>1</sup> Жирмунский В. М., Зарипов Х. Т., «Ўзбекский народный героический эпос». Москва, 1947 йил, 55-бет.

«— Аҳмад бахшининг ўғлимидиз?»

— Ҳа,— дедим мен. Ҳоди ака бироз жимликдан сўнг яна:

— Уйларингиз ҳозир ҳам Манғитарна ёқасидами?— деб сўради.

— Худди шундай.

— Мен сизларнинг уйингизга 1930 йилда борган эдим. Хоразмда илмий иш учун материал тўплаб юрганымда. Сизнинг уйингизда ҳам хафта-ўн кунча бўлиб, отангиз Аҳмад бахши билан суҳбатлашиб, у киши билан бирга кишлоқлардаги тўйларда, маъракаларда, сайилларда бўлиб, ижрочилик санъатини кузатиб, ундан дostonлар ёзиб олганман ўшанда. Борган кунларда у киши мендан ҳадиксирагандай бўлди, ётсираган алфозда, менинг гапларимга кулоқ беришни истамагандай туюлди. Мен ўзимнинг кимлигимни, нима максатда келганимни, халқ бахшилари билан учрашиб, улардан керакли нарсаларни ёзиб олишимни ётиғи билан тушунтиргач, унинг ишончини қозонганимдан сўнг, менга очик жавоб бера бошлади ва у билан ўрганишиб кетдик. Ана шундай қилиб, Аҳмад бахши билан танишишга ва ундан фанга керакли бўлган анчагина халқ дostonларини, терма-қўшиқларни ёзиб олишга муваффақ бўлдим...»<sup>1</sup>

Юқорида мазкур бўлган икки воқеани ҳужжат сифатида келтираётганимизнинг сабаби шундаки, улар билан танишгач, ўз-ўзидан қатор саволлар, мулоҳазалар туғилди. Шубҳасиз, маълум бир муддат билан воҳага борган илмий сафар аъзолари иложи борича ўша даврда энг машҳур бўлган, бой репертуарга эга бўлган бахшиларга мурожаат қилганлар. Ҳўш, олимлар «муҳим объект» сифатида танлаб олган Аҳмад бахшининг ўзи ким эди? У қандай оила муҳитида туғилиб, ўсиб-улғайиб элга танилди? Бахшидан ёзиб олинган дostonлар, терма-қўшиқларни нашр этиш, илмий-лингвистик таҳлилга тайёрлаш, халққа қайтариб бериш ишлари нима бўлди? Умуман, Аҳмад бахшининг кейинги тақдири қандай кечди?

Аввало, бахши етишиб чиққан муҳит ҳақида...

### ОИЛА

Аҳмад бахши Матназар ўғли 1894 йилда Манғитнинг Осовбий маҳалласида майда хунарманд (ипакчи) онасида дунёга келди.<sup>2</sup> Отаси — Матназар ипакчи илм-фанга, санъатга мойил кўнгил билан қаровчи оддий фуқаро бўлиб, у ўз фарзандларининг хат-саводли бўлиши, хунар эгаллаши учун ҳеч нарсани аямаган, фарзандларига ўша пайтларда камёб бўлган соз-асбоблар — дутор, ғижжак, най, доира ва хатто гармонь ҳам сотиб олиб берган. Бахшининг онаси — халқ орасида Ҳабиба кампир, Ҳабиба байтчи ва (мактаниб, бойларга ўхшаб керилиб гапиргани учунми) Ҳабиббой номлари билан танилган. Кўрган одамларнинг гувоҳлик беришларича, Ҳабиба кампир (вафоти тахминан 1940 йил) гапга чечан, кайвони, тўй-маъракаларда тўрдан тушмайдиган аёл бўлган. «Байтчи» деб лақаб олганига сабаб — у олдида турган одамнинг юзига қараб шеър айтиб юбораверган, бадиҳагўй бўлган. У тўқиган кўплаб терма шеърлар, байтлар Манғит халқи орасида тез тарқалиб, оғизма-оғиз юрган.

Оиланинг тўнғич фарзанди Розия (Розиясулув) халфачиликка меҳр қўяди. Саводдон, ниҳоятда зехнли, хушовоз бу қиз ўша даврда — асримиз бошларида воҳа халқи севиб тинглаган диний ва ишқий дostonлар: «Гул — Санобар», «Сайфулмулк ва Мадҳалжамол», «Ғариб ва Шоҳсанам», «Сайёҳдон — Ҳамро», «Хурлико — Ҳамро», «Нурнома», «Юсуф ва Аҳмад» сингари асарларни меҳр билан ўқиб-ўрганган, қироатга солиб маъракаларда ижро қилган. Розиясулув бундан ташқари халқ терма-қўшиқларини катта истеъдод билан, таъсирли ижро қилиб, қиз-дугоналарининг таҳсинига сазовор бўлади. Қизийгинларда қўшиқ айтиш учун отасидан рухсат сўрашга уялиб юганини эшитиб, Матназар ипакчи сеvimли кизини бу хавасдан Мосуво қилмайди, мутаассиб қариндош-уруғларининг, таниш-билишларининг қаршилигига қарамасдан, кизига дугоналари даврасида қўшиқ куйлашига рухсат беради.

*Манғитнинг йўллари йўл бўлдимикан?  
Тиканлар очилиб гул бўлдимикан?  
Келмакка ҳайпиққан ул севар ёрим,  
Биз ғарибни эслаб оҳ урдимикан?*

*Орқа ёндан келар булбул овози,  
Бошинда шерози, қўлинда сози,  
Сасин олиб чиққан эдим дализга,  
Онғисиз қолдим, урди тонгининг оёзи.*

<sup>1</sup> Ушбу кўчирма бахшининг ўғли—Усмонжон Аҳмедовнинг шахсий архивидан олинди. Манба: «Амударё ҳақиқати» рўзномаси, 1975 йил, 29 июль сони.

<sup>2</sup> Ўзбек Совет Энциклопедиясида (1 том, 612-бет) Аҳмад Матназар ўғлининг таваллуд ва вафот йиллари 1891—1937 деб кўрсатилган. Кейинги пайтда бу саналар қайта текширилди, қиёсланди, таваллуд ва вафот йиллари 1894—1938 саналарга тўғри келиши аниқланди.— Муаллиф.

Қулимда узугим уч ойлони,ди,  
Узун бўйим кўриб ичим ёнади...

Чиқонжон, уйингда орчол сондиқ,  
Инг ёмон ўтларда ўзимиз ёндиқ,  
Кўшиқ амас, ўт куйдирди буюзимди,  
Юрагим ўрнинда куюкли чандиқ...

Чарх ийириб ийри қўлим толибди,  
Менинг ойном тувғон уйда қолибди,  
Юртлардинг ойноси қўлли-қўлинда,  
Менинг ойнам саргарданлик йўлинда...

Сарҳовуз бўйинда қўшдим қўшимни,  
Сен ёр учун гаров қўйдим бошимни,  
Тургалганда ерга тийган сочимди  
Ювиб солланмадим сен ёр келгунча...  
(Розиясулув қўшиқларидан)

Розиясулув 1910 йилларда Манғит атрофларида Розия халфа номи билан кенг шуҳрат топади. Афсуски, бу хушовоз, истеъдодли кизнинг хаёти фожиаги яқунланди: турмушга чиққанидан сўнг савдогар эри унга умуман кўшиқ куйлаш, китоб ўқишни ман қилади. Қизиқ воқеа — эри кўшиқни ман қилганидан кейин Розиясулув тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолади. Айтишларича, у Хабиба кампирга: «Мени нечун эрга бердингиз? Менинг ичимда ўтми, тўлқинми — бир нарса бор, кўшиқ айтмасам ёниб, тошиб бораётгандай бўламан. Мен энди кўп яшамасам керак» — деб йиғлайди. Эри савдо ишлари билан сафарга кетган кунларнинг бирида Розиясулув кизийгинда дугоналарининг кистови билан кўшиқ айтади, ҳамма сел-сел бўлиб йиғлайди. Бу унинг энг сўнгги ноласи эди — бир неча кундан сўнг Розиясулув эрининг калтаклари остида жон беради.



Аҳмад бахши Матназар ўғли

Бахшининг сиймоси сақланган ушбу ягона тасвир 1930 йил  
Манғитда Ҳоди Зарипов томонидан суратга олинган.

Афсуски, Розиянинг ўлими ипакчилар оиласи учун сўнгги фожиа бўлиб қолмади. Орадан йигирма йиллар ўтиб, кўшиқ учун ўлим жазоси оиладаги иккинчи фарзанд — Аҳмаднинг қисматига ҳам битилди...

Дивордон қарийман гул шохин босиб,  
Амаджон келмади дугорин осиб,  
Бир укам бор — қошу кўзи йипакдай,  
Овозин эшитмак қилмоди насиб.

(Розиясулув термаларидан)

Аҳмаднинг санъат соҳасидаги илк кадамлари опаси Розиянинг ўлиmidан кейин — тахминан 1915—1916 йилларда бошланади. Бу йилларда у шаҳарда хаттотлиги, гўзал хуснихати билан ҳам танилган эди. Шеърлар машқ қилган. Лекин асосий вақти отасининг иш хонасида — ипак бўяладиган уй ичида кечади. Оилада тўнғич ўғил фарзанд бўлгани учун у ёлғизқўл отага ёрдамлашар, ўрам-ўрам ипакғалтакларни турли бўёқларга бўяшдек машаққатли юмушга жуда ёшлиқдан ўрганиб кетган эди. Бўш вақтларида эса китоб ўқир, ёрдам сўраб келган фақир-фуқароларнинг аризаларини битар, зиёфатларда дутор чалиб кўшиқ куйлар эди. Уша йиллари Хива мадрасасидаги вазифасидан истеъфога чиқиб, ўзи туғилган манзилга қайтиб келган мударрис—хожи Саттор Охунд ёш Аҳмаднинг ҳаётида катта ижобий ўзгариш ясади. Хива, Бухоро мадрасаларида таҳсил олган, Ливан мамлакатаида тахсилни давом эттирган, қатор араб мамлакатларидаги кутубхоналар ҳазинаси билан танишиб келган бу улкан дин пешвоси камбағал бир йигитчанинг қайси бир фазилатини ёктириб қолгани бизга қоронғу, лекин 1915 йилда бу нуруний зот ўзининг Манғитдаги оиласида туғилиб вояга етган севимли кизи — Ҳанифаойни Аҳмаджонга тўй қилиб узатади. Эътибор учун шуни ҳам айтиб кетиш мумкинки, Саттор Охунднинг Хивадаги оиласида туғилиб вояга етган ўғли Худойберган ўша йиллари Манғит шаҳрида ҳоким эди. Қайнотасининг турли диний-ахлоқий, тарихий-бадий, ҳуқуқий-фалсафий аҳамиятли китоблардан ташкил топган бой кутубхонаси зехли Аҳмаднинг ҳаётида қандай ўрин тутганини тасаввур қилиш қийин эмас. (Нега айнан китобларни тилга олаётганимизнинг сабаби кейинги саҳифаларда ойдинлашади.)

Ешлигидан меҳнатда суяги қотган Аҳмаджон ва маърифатли оилада тарбия топган Ҳанифаойлар ўзларининг биргаликда кечирган йигирма йиллик оилавий ҳаётида бахтли яшадилар, деб айтишимиз мумкин. Лекин шум қисмат уларнинг бахтли турмушига ўзининг золим чангалини тез-тез ботириб, туғилган чакалоқларининг нафасини бўғиб кўяверди. Энамининг: «Отангни тукқанимга қадар олти болани, отангдан кейин яна олти болани ерга қўмганман...» деб йиғлаб ўтирганларини ҳали-ҳануз титраб-титраб эслайман. Бутун воҳага машҳур бўлиб юрган пайтларида ҳам Аҳмад бахши ўзи борган тўй томошаларини шафқатсиз қисмат, сўқир ўлим, фарзанд доғи ҳақидаги кўшиқлар билан бошлаган:

*Дуторим чертилмай қолмасин, худой!  
Манго тирноқ берсанг ймриминан бер!  
Бахшилик не керак ёлғизга, худой,  
Қўшиғим ойтғидой бир полвонни бер!*

(Аҳмад бахши термаларидан)

## БАЪЗИ ТАФСИЛОТЛАР

Бахшининг дунёга келган ўн уч нафар фарзандидан ёлғиз биттагина ўғли — Усмонжон ҳаёт қолиб, бошқа ҳамма фарзандлари турли касалликлар, тасодифий ҳалокатлар туфайли бир-бир ярим яшар чоғларидаёқ нобуд бўлиб кетаверганлар. Аҳмад бахши ёлғиз ўғлини еру-қўкка ишонмай, кўпинча тўйларда ҳам ўзи билан бирга олиб юрган, тўйларда ўз тенги болаларни кўриб, уларга қўшилиб ўйнаш учун югуриб кетаётган Усмонни ушлаб олиб, ўзлари ўтирган жойда боғлаб қўйган вақтлар ҳам бўлган. Гўдак Усмонжоннинг онги куй билан ўсиб-шаклланиб, кулоғи мусика билан очилган дейиш мумкин.

Аҳмад бахши воҳадаги таникли санъаткорлар — Ҳожихон Болтаев, Бола бахши, Юсуф масҳарабозлар билан, туркман халқининг ифтихори — машҳур Чувал бахши (Махтумқули Гарриев), Назар бага, Сафар судратма (ғижжакчи), шунингдек, қорақалпоқ ва қозоқ бахши-жировлари, созандалари билан жуда яқин дўстона, устоз-шогирдлик муносабатида бўлган, ҳамкорликлар қилган. У «Гўрўғли» туркумидаги дostonларни (бу туркумга кирган дostonлар сони қирқдан ошади), ишқий-саргузашт мавзудидаги «Ғариб — Шохсанам», «Хурлико — Ҳамро», «Сайёдхон—Ҳамро», «Нажаб ўғлон», «Юсуф—Аҳмад», «Қунтуғмиш» ва ҳоказо дostonларни тўйларда куйлаган, Навоий ва Махтумқули асарларини халқ орасида тарғиб қилган. Тенгдошларининг, қариндош-уруғларининг хотирлашларига қўра, Аҳмад бахшининг янги замонга, фан-техника янгиликларига бағишланган терма-шеърлари 20—30 йилларда вақтли матбуотда чоп этилиб турган.

Хуллас, мухтасар қилиб айтганда, 1930 йилда пойтахтдан Хоразмга келган ёш олим Ҳоди Зарипов учун Аҳмад бахши ва унинг оиласи энг муҳим «фольклор манбаи» бўлганлиги юқоридаги қатор мисоллар асосида равшанлашади. Олим, ўзи эътироф қилганидек, ҳафта-ўн кун мобайнида бахши билан мулоқотда бўлиб, ундан дostonлар, терма-

лар, шу жумладан, ўша даврда машхур бўлган «Қирк минглар» достонини ҳам ёзиб олади, бахшини ва унинг шогирдларини тўй-хашамларда, маъракаларда суратга туширади. Лекин ёзиб олинган материалларини нашр эттириш ишлари фидойи олимга насиб этмади — Аҳмад Матназар ўгли «халқ душмани» тамғаси остида камокқа олинди. Унинг куйлаган достонларини нашр этиш уёқда турсин, номини тилга олишнинг ўзи хавфли бўлиб қолди. Барибир, олимнинг жасоратига қойил қолиш керак: Ходи Зарипов 1947 йилда, урушдан кейинги «янги зулм-найранглар»нинг хиди кела бошлаган даврда — академик В. М. Жирмунский билан ҳамкорликда Москвада нашр қилинган китобида Аҳмад Матназар ўғлининг номини ҳам бир неча ўринда келтиради, бахшининг юксак ижрочилик маҳоратига оид лавҳани тилга олиб ўтади.

Бу тафсилотлар Аҳмад бахши ҳаётидаги, руҳиятидаги, феъл-хусусияти ва атворсажиясидаги муҳим ва кизиқарли қирраларга мисол сифатида келтирилди. Бахши тарбияланган оилавий муҳит ҳақидаги гапларга яқун ясаб, шунини қўшимча қилмоқчи-манки, Матназар ипакчи хонадонига туғилиб-ўсган кейинги икки фарзанд — Ўтаниёз ва Мададларда санъат, мусика, кўшик соҳасида алоҳида истеъдодлар сезилмаган. Лекин Ўташ (Ўтаниёз) аўмам ҳам, Мадад отам ҳам ўз ҳаётларида гапга чечан, ҳақгўй, ҳалол-одил инсонлар сифатида яшаб, хотира қолдирганларига манғитликлар гувоҳ. Буларнинг бари ипакчилар оиласидаги яхши таълим-тарбиядан, эркин муҳитдан дарак бериб турибди.



Шогирдларнинг бир гуруҳи

Чапдан ўнгга: ғижжакчи Оллош Муродов, бахши Худойберган Ўтаган ўгли (марҳум), бахши Йўлдош Дўсимбетов, буламончи Жумамурод Ёқубовлар. 1960 йил, Мангит

Сўнги тафсилот. Эслашларича, Аҳмад бахши кейинги пайтларда «Бозиргон» достонини айтмай кўяди. Одамлар бунинг сабабини сўрашганда, бобом: «Э оғайнилар, мен энди бу достонни кўйдим. Ахир, Гўрўғли айёр душманининг сўзига, алдоқларига учиб, ўзининг жонажон дўсти бўлмиш Бозиргонни ўлдирди — шу инсофданми, му-сулмончиликка ётадимми? Мен шунинг учун ҳам бу достонни айтгим келмайди» — деган экан. Бу сўзлар айтилган пайтда (башорат деймизми, огоҳлантириш деймизми?) замон кўчаларида 34—35 йиллар шахдам қадамлар ташлаётган, даҳшатли қирғин-қатағонларнинг совуқ шамоли увуллаб эса бошлаган эди...

— Манғитдан чикканимизгаям ўн-ўн беш кун бўлиб қолган эди. Аввал туркман овулларида тўй совуб<sup>1</sup>, шундан сўнг Гурлан томонларга ўтдик. Қайси ой эканлиги ёдимда йўқ, махласи<sup>2</sup> — Гурланда эдик, изимиздан бир одам бизларни топиб келди: Воқимдаги Йўлдош чўлок қизи Ҳалимага оёқ тўйи<sup>3</sup> бераётган экан, шунга ҳамма бахшиларни қақираётган экан, даров қўшни қўшни йўлга тушишимиз керак экан. Бу гапни эшитиб гурланликлар жуда хафа бўлишди: «Ўзларимиз неча ойлardan бери Аҳмад бахши келади, деб тўйларимизни сизларнинг келишингизга қаратиб қўйган эдик, бир ҳафтагача рухсат йўқ, кетмайсизлар» — дейишди. Шунда акам айтди: «Хов Гурланнинг улли-кичи жамоаси, бизнинг ҳам кетиш ниятимиз йўқ, лекин биз бахшиларнинг «Йўлдош чўлок тўй берадиган бўлса, ким қаерда бўлишидан қатъи назар, етиб борамиз» деган сўзимиз бор эди, ваъдамиздан чиқмасак бўлмас, бизга рухсат беринг, бугун кетсак, тўйини совуб, худо хоҳласа уч кундан кейин қайтиб келиб, яна шу ерда тўй-томошанингизни давом эттираверамиз». Шундан сўнггина гурланликлар қайтиб келиш шарти билан, ноиложликдан рухсат бердилар. Манғитга қараб йўлга тушдик. Воқимга келиб, Йўлдош чўлокнинг уйига кирганимизда — бахшиман деганнинг ҳаммаси тўпланган экан. Гурра туриб акамни тўрга олдилар...

Сухбатдошим — етмишлардан ошган туркман оқсоқоли Оллош ғижжакчи. Оллош Муродов ўн тўрт ёшда Аҳмад бахшининг ёнига шогирд бўлиб келади. Икки йил бахшининг ёнида ғижжак чертиб, созандаликдан, одамийликдан таълим олади. «Устоз — отангдан улуғ» деган ҳикмат бу инсоннинг қон-қонига сингиб кетган, у ўз устози ҳақида хотирлар экан, худди ибодат қилаётгандай оёқларини тиз букиб, икки қўлини тиззалари устига олади. Мен унинг оғзидан чиққанини қолдирмай ёзиб бораёпман.

— Акамнинг келаётганини эшитиб халқ ҳам ўзи йиғилган экан, бундай улкан қурни кўрмаган эдим. Гоҳ акам ўртага чиқиб халойиқни зор-зор йиғлатади, гоҳ Юсуф масхарабоз гур-гур қулдиради. Икки йил бирга юриб, акамнинг бунчалик очилиб айтганини эшитмаган эдим. Бир қўшиқни айтиб бўлиб тўхтатаман деса, қурдагилар «айт!» деб гувуллайтиди. Ғижжак чалавериб-чалавериб қўлларим увишиб кетди. Бир пайт қарасам — акамнинг бармоқларидан қон томчилаяпти, ипак тор ҳам одамнинг қўлини кесар экан! Ҳанифа чечам айтарди: «Оллош, қўли қонай бошласа, акамнинг дуторини олиб қўй, қўшигини тўхтатсин, бугун керак бармоқ эртага керак эмасми» — деб. Сал олдинроққа чиқиб акамга имо қилдим. Бармоқларидан томчилаётган қон дуторни ҳам бўяб ташлаган — акам шунга ҳам эътибор бермай қўшиқ айтаётган эди. Акам, халиям айтаверардим, бироқ... — дегандай қўлини кўтарди. Халойиқ шундан кейингина тинчиди. Навбатни бошқа бахшиларга бериб ичкарига кирдик.

Оллош бува — Аҳмад бахшининг сўнгги икки йиллик ҳаётидаги ажралмас ҳамроҳи бўлган одам. Устози туркман бўлган ўзбек бахшилари ўзларига туркман созандалари ичидан ғижжакчи танлаганлар. Туркман ғижжакчилари нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Шарқда — Эрон, Афғонистон, Ироқ, Курдистонда донг таратганлар, уларнинг халқ орасида қозонган шухратлари бахшилар қозонган шухратдан кам эмас. Уч торли туркман ғижжагининг ноласини эшитганмисиз — суяк-суягингизга буров солиб ингратади!

— Бир кеча-кундуз томоша бўлди. Созандахонада дам олиб ўтирган эдик. Бир вақтлар, Язовми, Язинми деган бир татар начанник милиса бор эди, шу келди машинасини ҳайдаб. Хонага қирмай бўсағада ай бир ўн минутча тик турди. Тўрга ўтинг дедик, ўтиринг дедик. Тим-тик тураверди. Акамдан қўшни узмайди. Кейин акам бир пиёла чой узатди. Олди. Тик туриб ичди. Юсуф масхарабоз бир чакмоқ қанд ҳам узатган эди, олмади. Чойни ичиб бўлиб айтди: «Бахши, нерларда юрибсан, бир ҳафтадан бери излайман, тўйма-тўй изингни қувиб юрибман. Гурланга борсам, сени буёққа кетди» дейишди. Қани, отлан, қўлингга кишан ураман, машинага чиқ». Акам айтди: «Юр десанг, кетавераман, мени лекин бу уйдан кишан солиб ҳайдаб чиқма, ташқарида қирқ-эллик минг одам ўтирибди, жанжал-панжал чиқмасин. Қишанингни машинага чиққандан кейин солавер». «Бахши, нерга кетишингни биласанми ўзинг? Гап-сўздан қолай демайсан, қўрқмайсанми?» «Ғуноҳи бор одам қўрқадиди-да, мен худо деб юрган одамман...» Акамни охири қўрганим шу бўлди... (1989 йил, ноябрь ойи).

### ҲАБИБА КАМПИР ҚУШИҚЛАРИ

Ўттиз еттинчи йилдаги дахшатли қатағон даврининг фожиалари марказий матбуот нашрларида кенг ёритилмоқда. Уларда асосан Россиядаги, марказий шаҳарларда бўлиб ўтган ноҳақликлар қаламга олинади. Бу дахшатли қатағоннинг чекка ўлкалардаги, хусусан Ўзбекистондаги кўринишлари ҳали матбуотда ўзининг тўла ва ҳаққоний

<sup>1</sup> Тўй совмоқ — тўй хизматларини адо қилмоқ.

<sup>2</sup> Махласи — ҳулласи (туркманча).

<sup>3</sup> Фарзанд атак-чечак қилиб, юрадиган бўлган пайтда бериладиган қувонч тўйи.

аксини топмади. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирлар қисмати Ўзбекистонимизнинг минглаб фарзандлари пешонасига қон билан битилди — уларнинг аниқ сони ҳали эълон этилмади. Қатағонлар қабристонидоғи суяклар, кафансиз кўмиб ташланган жасадлар ҳали ҳам устма-уст тахланиб ётибди қаерлардадир!

Айтишларича, ҳар бир вилоятга, туманга юқоридан «Фалон миқдорда халқ душмани топиб қамайсизлар!» деган буйруқ берилиб, план белгиланар экан-у, шу планни бажариш-тўлдириш учун беғуноҳдан-беғуноҳ одамлар тўппа-тўғри турмаларга жўнати-лар экан.

Аҳмад бахши 1936 йилнинг ноябрь ойида «эски, диний асарларни тарғиб қилишда (66,3-модда билан) айбланиб», камокка олинади. 1937 йил Хоразм область суди томонидан судланиб, уч йиллик жазо муддатига ҳукм қилинади. 1938 йилда август-сентябрь ойларида лагерда (Кармана станцияси, Норпой совхози худудида) касалланиб вафот қилади. 1961 йилнинг февраль ойида бахшнинг оиласига қуйидаги мазмунда маълумотнома келади: «Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаким, Ўзбекистон ССР Олий Суди Президиумининг 1960 йил 27 декабрдаги қарорига биноан Ўзбекистон ССР Олий Суди Махсус коллегиясининг ҳукми бекор қилинади ва Матназаров Аҳмаднинг айблов иши, унинг фаолиятида жиноят таркиби бўлмаганлиги туфайли, тўхтатилади...»

Тамом. Қамалган одам беғуноҳ экан — оқланди. Бўлдимми?

Лекин, ўтган йигирма беш йил мобайнидаги ғам-ғуссаларни, азоб-изтиробларни, аёлнинг — туллик, ёлғиз фарзанднинг — етимлик ҳасратларини кимга, кимларга ҳавола қиламиз?! Ҳабиба кампирнинг ўлим тўшагида ётиб, боласининг вафотини эшитиб айтган кўшиқларини кимга тақдим қиламиз?! Айтгандай, ўғлининг вафоти ҳақида хабар келганида Ҳабиба энамиз мана шундай байтларни тизиб йиғлаб ётган экан:

*Эккан жийдаларим ири бўлмасма?  
Ноҳақ кетган болам тири бўлмасма?  
Ўзин оқлаб, соқолларин ўстириб  
Келотирғонлардинг бири бўлмасма?..*

*Соғосиз<sup>1</sup> сувларни юзиб ўтайин,  
Болам банди бўлди, энди нетайин?!  
Боламни қаматган энағорларди  
Қўлларима тушса ҳайрон этайин..*

*Шойи рўмолимди шамол олибди,  
Менинг болам Зарафшонда қолибди,  
Худойнинг олдинда жавобин берсин —  
Бошима ким бу савдони солибди!..*

*Говоча поядан поя бўларма?  
Бошингга талпагинг соя бўларма?  
Булбулди йилотқон Амаджон болам  
Душман тувматиннан зоя бўларма?..*

*Сочим узун бўлса — иккилаб ўрсам,  
Лопо<sup>2</sup> улли бўлса — ичина кирсам.  
Пўйизларга минсам, мошинга минсам,  
Боламнинг ўлисин-тирисин кўрсам...*

*Уйимнинг алдинда боғдинг тарағи<sup>3</sup>  
Чиқмади-ғў Амаджоннинг дарағи,  
Боламнинг бўйини кўрсам узоқдан,  
Қўлим бўлар ойрополон паррағи...*

*Дарёда кўринса қатирдинг боши,  
Дарё бўлиб оқар кўзимнинг ёши,  
Оқ бошима қоро кунди солғоннинг  
Чаён бўлсин гўр ичинда йўлдоши...*

*Чарх ийирсам кўзим тушар кийикка,  
Югураман «Амаджон!» деб бийикка<sup>4</sup>  
Ёмон экан боло дарди, ёронлар,  
Ичим тўлди тутун билан куюкка...*

*Утиривидим ўроқ тишлаб<sup>5</sup> сояда,  
Бир шапкали келиверди пиёда.  
Шапкалининг алдин кесиб чиқсамми?  
Товиб бер деб ўроғимди тиксамми?..*

*Сори матиримни<sup>6</sup> солдим бозора,  
Не тувматлар қўйди мени озора,  
Монғолойимди қайси гўрга босойин,  
Менинг улим тушмади бир мозора...*

*Ийнимда кўйлагим гуллари пўтти,<sup>7</sup>  
Ёмон бўлор экан ойролиқ ўти,  
Боламни қомотғон хунасалардинг  
Халойиқ олдинда қон бўлсин кети.*

*Соллоно-соллоно солдирдим ойвон,  
Кунда супураман, келмийди миймон.  
Миймоннинг йўқлиги кўнглимда армон,  
Боламнинг йўқлиги ёмондан ёмон...*

Фарёду қарғиш тўла бу байтларни шарҳлашга хожат борми, чидам борми, куч борми?!

<sup>1</sup> Соғо — арик, ёп, дарёларнинг бошланиш жойи.

<sup>2</sup> Лопо — конверт.

<sup>3</sup> Тарағи.

<sup>4</sup> Тепаликка.

<sup>5</sup> Ўроқнинг тишини эғовлаб.

<sup>6</sup> Матир — инак рўмол.

<sup>7</sup> Пўтти — гуллари хунук бўялган, киришшга тайёр.

Аҳмад бахши Матназар ўғли оғзидан Ҳоди Зарипов ёзиб олган бу дoston «Гўрўғ-ли» туркумидаги дostonлар сирасидан бўлиб, мазкур асар ҳали ўзбек матбуотида бирон марта ҳам ёруғ кўрмаган. Дostonнинг ўзбекча нусхаси туркман тилидаги нусхаси («Гўрўғли», Ашхобод, 1980 йил)дан ҳажм жихатидангина фарк қилади, Ҳоди Зарипов ёзиб олган нусха бирмунча кичик, қискарган. Туркманча нусхада кўпсўзлик, воқеаларни ўқувчиларга батафсил баён қилиб бериш услуби устунлик қилади. Аҳмад бахши айтган нусха — тингловчиларни зериктирмай, хаяжонда ушлаб туриш учун бўлса керак — ички шиддатга бойлиги, воқеаларнинг тез, сикик вақт ичида ривожланиши, шева-тил хусусиятларига, халқ ибораларига бойлиги билан ажралиб туради. Профессор Тўра Мирзаев устоз Ҳоди Зариповнинг фольклоршунослик фанига қилган улўғ хизматларини таъкидлар экан, унинг намуналар тўплаётган худудда шева хусусиятларига алоҳида эътибор берганлигини, иложи борича тўла сақлаб қолишга ҳаракат қилганлигини кўрсатиб ўтган эди. Шева сўзларига бўлган меҳрни биз «Қирк минглар» дostonи матнида ҳам аниқ кўрамиз: ёзиб олувчи асар баёнидаги, кўшиқларидаги маҳаллий хусусиятларни сақлаб қолган, шева сўзларининг маъноларини изохлаган. Мазкур дoston 20-йиллар Хоразм шеваси тил бойликлари, жилва-жаранглари ҳақида ҳам равшан тасаввур бера олади.

Сўзимни яқунлар эканман, дostonнинг ёруғ кўришида ўзининг хизматларини, маслаҳатларини аямаган мухтарам домламит Тўра Мирзаевга, маттни нашрга тайёрлаган Зубайда Ҳусайновага самимий миннатдорчилик билдираман.



#### МУАЛЛИФДАН:

Ўзингга яқин бўлган одам ҳақида ёзишнинг осон томонлари ҳам, қийин томонлари ҳам бор экан. Осонлиги шундаки, қўлингда керакки маълумотлар бор қариндош-уруғларинг, таниш-билишларнинг хотираларига суяниб, эшитган-тинглаганларингга ўрни-ўрнида қоғозга тушираверасан.

Қийин томони... Қийин томонини дафтатан сўз билан ифодалаб бериб бўлмайди. Гап шундаки, бобом — Аҳмад бахши Матназар ўғлининг ҳаёти, қисмати жуда мураккаб, чигал кечган. Халқ оғзаки ижоди, халқ бахшилари ҳаёти ва дostonлар таснифи, тадқиқи билан шуғулланган олимлар Ҳоди Зарипов, Тўра Мирзаев, Сафарбой Рўзимбоевлар ўзларининг қатор илмий тадқиқотларида Шимолий Хоразм дostonчилиқ мактабининг шаклланишида Аҳмад бахши бош ўринни тутганлигини таъкидлайдилар. Бироқ шу пайтгача Аҳмад бахшидан ёзиб олинган дostonлар ёруғ кўрмай, илмий тадқиқ қилинмай, ўрганилмай келинди. Унинг таржимаи ҳоли, ҳаёти, фожиали қисматига оид маълумотлар матбуотда чиқмади. Ўзбек Совет Коммунистнинг 1-жилдида Аҳмад бахши Матназар ўғли ҳақидаги маълумотда унинг вафот санаси 1937 йил деб кўрсатилган. 1937—1938 йиллар эса мамлакат тарихидаги энг машҳум давр эди...

Шундан хулоса чиқариш мумкин: Аҳмад бахши 1936 йилда қатағонга учраб, туҳмат туфайли қамалганлиги, қамолда оғир юқумли касаллик билан оғриб ҳалок бўлганлиги юқоридаги ишларнинг амалга ошишига монелик қилиб келган. Халқ севган бахшининг қамалиш сабаблари, фожиавий ўлими халқдан сир тутилган. Бугун афсуслар ила таъкидлаш лозимки, таниқли давлат арбоблари, улўғ ёзувчи-шоирлар бошига тушган шафқатсиз кунлар созандаларни, халқ бахшиларини ҳам четлаб ўтмаган экан! Бу ҳақда энди ҳам ёзмалик, жим туриш — бегуноҳ ўлиб кетган марҳумлар хотираси олдидан кечирилмас ҳол бўлув эди. Чунки давр фожиаларини яшириш, индамай ўтиш — ўша фожиаларга хайрихоҳлик деган гандир.

Мен Аҳмад бахши Матназар ўғли ҳақида «Бобомни билганлар борми?» («Санъат» ойномаси, 1990 йил, 9—10-сонлар), «Бобомдан қолган мерос» («Ёш ленинчи» рўзномаси, 1990 йил 25 декабрь сони) эсселаримни эълон қилган эдим. Кўлингиздаги битикларим ўша эсселарнинг мантиқий давомидир.





# ҚИРҚ МИНГЛАР

Айтувчи Аҳмад МАТНАЗАР ўғли

Езиб олувчи Ҳоди ЗАРИФ

Чортоқли Чамбил бели, такали туркман эли, саксон минг уйли юртга Гўрўғлибек султон бўлиб юриб эди. Гўрўғлибекнинг оти-овозаси иқлимга кетди. Гуржистон шаҳринда Хунхор подшо маслаҳат этди: «Гўрўғлини тирик тутиб ё ўлдириб, калласини кесиб келайик», — деб яқин ерга от йўллади, узоқ ерга хат йўллади. Саккиз подшо, ўн икки минг араб эли, эллик минг гуржистон эли, уч юз минг исфиҳон эли, уч юз минг рум эли, уч юз минг фаранг, етти минг тўпчи, етти минг қоровул, йигирма тўрт минг хон, қирқ тўрт шоҳ тўп-дастгоҳи билан Гуржистондан чиқиб, Чамбилбел юртига қараб, бадар кетди. Бу аскар бир неча манзил йўл юриб Чамбилли белига яқин келаберсин, энди Гурўғлидан сўз эшитинг.

Гўрўғлининг Гаждумбек деган оғасидан қолган бир синглиси бор эди. Гулшаҳрижон деб от бериб эди. Узи ҳам ўн саккиз ёшида эди. «Гўрўғли тоғам душмани келиб, бунга озор бермасин», — деб қалъанинг қоровулхонасига чиқиб, мудом тўрт тарафга кўз тикиб, душманни қараб ўтирар эди. Бир куни кўрса: Гуржистон тарафидан бир аскар келаётир. Осмон юзини туман тутиб, аскарлар тўп отиб, милтиқ отиб, оқ чойшаб алам<sup>1</sup> тикиб, Чамбилбел қалъасининг атрофини қўрчаб<sup>2</sup> олиб тура берди. Чўпда, чорда, мўрда, малаҳда сон бор, бу аскарда сон йўқ. Гулшаҳрижон сийнасинда тоби-тоқат қолмай, қоровулхонадан тушиб, Гўрўғлининг ётган ерига келди. Кўрса, Гўрўғли ҳали уйқуда ётган экан. Гулшаҳрижон уйда туриб, Гўрўғли оғасини уйғотмоқчи бўлиб, бир сўз айтиб турибди:

<sup>1</sup> Байроқ.

<sup>2</sup> Қўршаб.



Осмон юзин ўтиб келди,  
Турғил, оға, туман бўлди!  
Кўзим қонли ёша тўлди,  
Турғил, оға, ёмон бўлди!

Туман-а, тумандир тоғлар,  
Хазона дўнанди боғлар,  
Туринг-ҳа, такали беклар,  
Беклар, охирзамон бўлди!

Бул туманнинг ҳасти бордир,  
Орқасида пўсти бордир,  
Оға, сенда қасди бордир —  
Турғил, оға, ёмон бўлди!

Бу думона борилмади,  
Бориб хабар олинмади  
Олтин коса йўрилмади,  
Турғил, оға, ёмон бўлди!

Гулшаҳрижондир азали,  
Буйла қисматти ёзали,  
Бу жабра нечук дўзали,  
Турғил, оға, ёмон бўлди!

\* Гулшаҳрижон бу сўзни айтган вақтда Гўрўғли уйғонмади. Авазхон югуриб келди. Авазхон айтди:

— Эй, Гулшаҳрижон, оғамнинг уйқусидан бузма. Бу келган аскардан ўзим хабар оларман.

Сайсхонага бориб, Гўрўғлининг Ғиротини эгарлаб, майхонага кириб, Гўрўғлининг яроқларини қўшанди.<sup>1</sup> Отни миниб, қалъадан чиқиб, Асқартоққа қараб юзланиб, бораверди. Авазхон бораберсин.

Хунхорнинг Ҳасанхон деган ботири бор эди. Ёнига қирқ йигит-навкар олиб, Жодоғ деган довонга буққу ташлаб<sup>2</sup>, яшириниб ётар эди. Авазхон ғофилликда туюқсиндан<sup>3</sup> Ҳасаннинг устига бориб қолди. Ҳасанхон қирқ йигити билан Авазхоннинг атрофини қуршаб олди. Дарров Авазхонни Ғиротдан тортиб олди. Авазхоннинг икки қўлини орқасига маҳкам боғлади. Авазхонни, Ғиротини — иккисини ҳам Хунхорга юбора берди. Авазхон, Ғироти Хунхорга кетаберсин.

Гўрўғлининг Дали Меҳтар деган бир қоровули бор эди. Авазхоннинг, Ғиротнинг Хунхорга асир тушганлигини кўриб эди. От чолиб, дарҳол Гўрўғлининг ёнига келди. Кўрса, Гўрўғли ҳали уйқуда ётган экан. Дали Меҳтар от устида туриб, йўғон овоз билан Гўрўғлини ўйотмоқчи бўлиб, бир сўз айтиб турибди:

Бекларим, отланинг, сардан кечали,  
Не Ҳалаптан, не Шервондан келан бор,  
Бул майдонда ол шароблар ичали,  
Не Фарангдан, Рум шаҳридан келан бор.

Қизилли, яшилли чодир қурилди,  
Томошага олтин ковоқ урилди,  
Болибекнинг яшил туви кўринди,  
Не Ғожордан, Гуржистондан келан бор.

Ғўла тўпни бизга қараб отибди,  
Болибекдан бизга ёрлиқ етибди,  
Авазхон боғланиб шоҳга кетибди,  
Не Шероздан, Туркистондан келан бор.

Дали Меҳтар билмас унинг сонини,  
Боғлаб олиб кетди Авазхонингни,  
Қилич уриб тўкди қизил қонини,  
Не Фарангдан, Истамбулдан келан бор.

Гўрўғли бу сўзга сесканиб ўрнидан турди. Гўрўғли бунинг айтивотирган сўзига зеҳн этиб қараб ўтирса: чўпда, чорда, мўрда, малаҳда сон бор, келган лашкарда сон йўқ. Дарров югуриб сайсхонага борди. Кўрса, Ғирот йўқ. Ундан сўнг майхонага келди, яроқлари ҳам йўқ. Авазхон қўшаниб кетган экан. Ҳайрон бўлиб чиқиб келиб эди, Гўрўғли-

<sup>1</sup> Тақиб олди, кийди.  
<sup>2</sup> Биқиниб.  
<sup>3</sup> Тўсатдан, кўққисдан.

нинг бир деҳқони чаман ёби<sup>1</sup> ни хоро<sup>2</sup> дан чиқариб олиб кела берди. Гўрўғли деҳқоннинг қўлидан чаман ёбини олиб олди. Бир мушоддан бир кўҳна қанғи<sup>3</sup>, эгар, шай<sup>4</sup> топиб олди. Чаман ёбини эгарлаб, бир кўҳна лойкапчани<sup>5</sup> қўлига олди. Ёбининг устига миниб, капчани ҳам олдиға ўнгарди. Дали Меҳтарни олдиға солиб, йўлга бошчи этди. «Душман бўлса бошлай бер», — дея қалъадан чиқиб, аскарни қараб бораберди. Чаман Ёбининг хорозда чоғи кетиб<sup>6</sup>, иши битиб қолган экан. Чаман ёбини санаб ўн икки урганда зўрдан бир йўртиб бораётир. Дали Меҳтар айтди: — Эй тоға, бу боришимизда обрў бекор-да. Остингдаги от бўлмаса, қўлингдаги яроқ бўлмаса, остингда чаман ёби, қўлингда бир капча. Бу боришимизда худой сақлағай-да.

Унда Гўрўғли айтди:

— Бу капчада хислат кўп. Бу капча етти йил ер тагида ётган капча, ер сувини ичган капча. Юзини занг босган капча, саркопга ҳам етган капча, қулоч, ярим қулоч, чорак даста солинган капча. Ўзи ғаним учун тузатилган капча, ғанимга қараб силтаб қўйганимда, ғанимнинг қорнига қарич ниш кириб, ғалт-ғалт сас берадиган капча!

Капчанинг таърифини айтиб бўлганча, Ҳасанхоннинг устига бориб қолган экан. Ҳасанхон ўрнидан туриб, Гўрўғлидан хабар сўради. Унда Гўрўғли айтди:

— Мен Гўрўғлининг хизматкори бўламан.

— Гўрўғлининг ўзи нерда?

— Ўзи қалъада.

— Қалъада бўлса, сен олдинга капча олиб нерга борасан?

Унда Гўрўғли айтди:

— Шу ён тарафдан бир қизил сув оқиб келаётир. «Қизил сувнинг олдиға чиқиб қайча ол<sup>7</sup> — деб буюрди. Мен қизил сувнинг олдиға чиқиб, қайчи олмага бораётирман.

— Ҳей, манглайнинг қаро бўлибди сенинг, — деди.

Гўрўғли айтди:

— Не бўлди?

— Қизил сув бўлиб кўриниб келаётган ул кўп аскар. Мен сенга отмо-от айтиб тунтириб берай: ана ул келаётган аскар — ўн икки минг араб эли, эллик минг гуржистон эли, уч юз минг исфиҳон эли, минг тўпчи, минг лойхўр, ўн икки минг қоровул, йигирма тўрт хон, қирқ тўрт шоҳ — Гўрўғлининг устиға урушга келаётган аскар. Бул аскар Гўрўғлининг қалъасига кун юзини туширмас. Гўрўғли оғанга хабар бер, уруш жойини тайинлай берсин.

Унда Гўрўғли айтди:

— Сенинг бу сўзининг бариси ҳам ёдимда йўқ. Гўрўғи оғам ёнига борганимда ҳеч қулоғимда турмас. Сен шу сўзларни менга хатга ёзиб бер. Гўрўғли оғам ёнига бориб ўқисак — тушинмак осон бўлади.

Унда Ҳасанхон девонини ёнига чақириб олди. Девон қўлига бир тахта қоғоз олди. Ҳасанхон айтиб ўтирди, девон ёзиб ўтирди, Гўрўғли тинглаб ўтирди.

Ғазали Ҳасанхон:

*Дунғондан, Достондан, Ширвон, Халафдан,  
Кўрсанг энди балли-балли келмишдир.  
Қадимги ясовдан, тараф-тарафдан,  
Доҳо<sup>8</sup>, қирқ минг боён йўлда келмишдир,—  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.*

*Қирқ минги оғадир, қирқ минги сода,  
Қирқ минги мергандир ўқ қўяр овда,  
Қирқ минги шоҳ, ҳамма келибди дода,  
Доҳо, қирқ минг бекдан балли келмишдир,—  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.*

*Қирқ минги тўпчидир, тўпни отғучи,  
Қирқ минги соп бедов от еталовчи,  
Қирқ минги савдогар, сунни сотувчи,  
Доҳо, қирқ минг бекдан балли келмишдир,—  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.*

<sup>1</sup> Чаман ёби — насли паст бўлган от тури.

<sup>2</sup> Эшак билан юргизиладиган тегирмон.

<sup>3</sup> Яроқсиз.

<sup>4</sup> От эбзаллари.

<sup>5</sup> Лой ишида ишлатиладиган курак.

<sup>6</sup> Кучи кетиб.

<sup>7</sup> Қайчи олмоқ — тўғон солмоқ.

<sup>8</sup> Тағин, яна.



Қирқ минги ошпаздыр, тилла тобоқли,  
Қирқ минги ўғлондыр, бодом қобоқли,  
Қирқ мингтаси куртдыр, оғзи қовоқли,  
Доҳо, қирқ минг бурни қилли келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги оташбоз, ўтлар газдырар,<sup>1</sup>  
Қирқ минги жодугўй, одам оздырар,  
Қирқ минги мардикор, юртинг тўздырар,  
Доҳо, қирқ мингтаси филли келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги мулладыр, қирқ минги қози,  
Қирқ минги номишкор<sup>2</sup>, қўлинда бози,  
Қирқ минги бахшидыр, алинда сози,  
Доҳо, қирқ минг ширин тилли келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, мендан ҳам бошқа.

Қирқ минги қорадан, кезарлар кеча,  
Қирқ минги қаландар, борарлар ҳажа,  
Қирқ минги сайиддыр, қирқ минги хўжа,  
Доҳо, қирқ минг, уйли пирлар келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги келади экин экмага,  
Қирқ минги келади чилим чекмага,  
Қирқ минги келади нонинг емага,  
Доҳо, қирқ минг ошпазлари келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги ботирдыр, урушга тайёр,  
Қирқ минги жодугар, қирқ минги айёр,  
Қирқ минги ўрисдыр, қирқ минги хушёр,  
Доҳо, қирқ минг зарбоф тўнли келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ мингини сайлаб келтирдим марддан,  
Қирқ минги бошингни чиқормас дарддан,  
Қирқ минги ғожордан, қирқ минги курддан,  
Доҳо, қирқ минг қоровулли келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Қирқ минги синчидир, боқарлар изга,  
Қирқ минги ботирдыр, санчарлар кўзга,  
Қирқ мингини кўрсанг — мингани ўзга,  
Доҳо, қирқ минг отли, филли келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Боғдоддан кун тувиб, чиқса осмона  
Торозу қурувли охирзамона,  
Ҳасанхон дер, бўйла қайтди нишона  
Доҳо, қирқ минг ясавулли келмишдыр, —  
Шоҳданам бошқадир, менданам бошқа.

Ҳасанхон хатни ёздириб, Гўрўғлининг қўлига берди. Бир тахта қоғознинг икки ён тарафи ҳам тўлди.

— Олиб бор, ўқитиб эшитсин, уруш жойини тайинлаб берсин, — деди.

Унда Гўрўғли айтдики:

— Менинг Гўрўғли оғам кўп қизма<sup>3</sup> киши. «Шунча сўзни айтиб хатга ёзган экан, менинг тузимни ҳалоллаб, сен ҳам унга қараб бир сўз айтиб келганингда, сенинг тилингни кесармиди?» — деб оғам менга кўп қотиш этар<sup>4</sup>. Мен ўзимни Гўрўғлига ўхшатиб, сенга бир сўз айтиб кетсам, тинглармисан?

Унда Ҳасанхон:

— Айта бер, — деди.

Гўрўғли чаман ёбининг устида туриб, капчани соз этиб, бир сўз айтди:

<sup>1</sup> Уйнатар.

<sup>2</sup> Қуш тутадиган овчи.

<sup>3</sup> Қизма — қизиққон, жаҳлдор.

<sup>4</sup> Уялтирар, юзимни қизартирар.



Ман санга дейин, Ҳасанхон пошмо,  
Мандин санга дўғру сўзларим бордир.  
Отингни ўғратма<sup>1</sup> қиядан доша,  
Манинг от ишламас<sup>2</sup> ерларим бордир.

Эгри дема, санга тўғридир сўзим,  
Душманни кўрганда қувонар кўзим,  
Магар отим мудраб, йиқилсам ўзим,  
Устимда оҳ чаккан пирларим бордир.

Ман санга не дедим, кам сойдинг<sup>3</sup> бизни,  
Чиқарман чўлларга, овларман тузни,  
Авазга боргунча қирарман сизни,  
Карбало даштора чўлларим бордир.

Гўрўғлибек отим оламга дoston,  
Фиротга минганда нор кўзим мастон,  
Ҳайбатимдан титрар Курду Гуржистон,  
Такали — туркманли элларим бордир.

Ҳасан қирқ йигит билан Гўрўғлининг атрофини қуршаб тураберди. Гўрўғли чаман ёби билан аскарнинг ўртасида қолаберди. Гўрўғли: «Чаман ёби билан булардан қутула билмасман. Буларга бир ҳийла ясамасам бўлмас», — деди. Гўрўғли айтди:

— Ҳов Ҳасанхон, менинг Гўрўғлидан ўрганган мингда бир урушим бор. Шу урушлардан бирда-ярмини ўрганиб қўйсанг, сенингдай ботир йигитларга ҳар вақт урушларда даркор бўлади.

Ҳасанхон айтди:

— Ҳа, йигитлар, бунинг урушини ўрганайик.

Гўрўғли айтди:

— Сизлар уруш ўрганар билсангизлар, қирқингиз ҳам отдан тушинг. Мен сизларга бир уруш ўргатиб кетайин. Пиёдалаб менинг ёнимга келинг.

Шунда булар қирқиси ҳам отдан тушиб Гўрўғлининг ёнига келди. Гўрўғли айтди:

— Йигирмангиз бу ёнда туринг, йигирмангиз бу ёнда туринг, бўйнингизни ҳам қўз-гаманг.

Ана булар йигирмаси бу ёнда, йигирмаси бу ёнда, ўртадан кўча бериб тураберди.

Ҳасанхон айтди:

— Жўра, сен бизларга бу урушининг отини айтиб тушунтир.

Унда Гўрўғли айтди:

— Урушимнинг аввал бошига «қаландарнинг отига чурру юклаш»<sup>4</sup> деб от беради. Кейин «ит уруш», ундан сўнг «айлан товоғим» дегани бор. Ундан сўнгиндагина «боса-бос» деб от беради, ундан сўнгисини «урҳо-ур» дейди. Энг сўнгида, бариси қизиб кетган вақтларда, «қира-қир» дейди.

Ҳасанхон: «Бунинг ҳисоблигина уруши бор экан» — деб қараб тураберди. Гўрўғли «чуррук юклаш» деб бу ёнга чиқди; «боса-бос» деб у ёнга чиқди, «урҳо-ур» деб бу ёнга ўтди. Киссасидан дурма қиличини чиқариб олди. «Е, Шоҳимардон — деб, бу ёнга қараб бир силтаб қўяберди. Йигирмасининг калласи кетди пориллаб. У ёнга қараб силтаб қўяберди, йигирмасининг калласи кетди зориллаб. Ҳасанхон дурма қиличнинг тагидан чиқиб қочди. Гўрўғли Ҳасанхоннинг кейинидан қуваберди. Ҳасанхон оёғи сурилиб кетиб дустуман йиқилди. Оғзи ер қопди, бурни қумга бир қарич кирди. Гўрўғли Ҳасанхонни тутиб олиб, икки қўлини орқасига маҳкам боғлади. Ҳасанхоннинг қулоқ-бурнини ҳам кесиб олди. Қирқ йигитнинг ҳам қулоқ-бурнини кесиб олди. Ҳаммасини бир чуволга<sup>5</sup> тиқди. Бир чувол (тўла) қулоқбурун бўлди. Ҳасанхонни отига миндирди. Чуволни ҳам сиртига тангди. «Кўрган-билганингни Хунхорингга айтиб бор», — деб ура-ура қувиб юборди.

Ана сўзни Ҳасанхондан эшитинг. Калласи рўян<sup>6</sup> дугулан соқининг<sup>7</sup> сопи яли<sup>8</sup>, оғзи-бурни қон ялаган итдай, кўзлари авланинг чироғидай<sup>9</sup> қизил-қора қон. Ялт-юлт йўртиб бориб, Хунхорга салом берди.

Ҳайдама, чопдирма.

<sup>1</sup> Юролмас.

<sup>2</sup> Кам сойдинг — кам кўрдинг, менсимадинг.

<sup>3</sup> Гап бу ерда ҳозирги қаратэ ва шу хил якка курашларнинг усуллари ҳақида кетяпти.

<sup>4</sup> Қоп.

<sup>5</sup> Томирдан ранг тайёрланадиган ўсимлик.

<sup>6</sup> Кели.

<sup>7</sup> Янглиғ.

<sup>8</sup> Авла — қабристон. Бу ерда қабрдан тараладиган ўт (фосфор ёғдуси)га ўхшатиляпти.

Хунхор айтди:

— Ҳасанхон, хабаринг(ни) бер!

Ҳасанхон айтди:

— Гўрўғлининг ёнига борманг!

— Не бўлди? Қирқ йигитинг нерда?

— Қирқ йигитим қирилиб қолди.

— Қирилган бўлса, нишонаси борми?

— Нишонаси бор, қулоқ-бурнини келтирдим.

— Ўзингнинг қулоқ-бурнинг қай ерда?

— Узимники-да шунинг ичида бордир.

Шунда Хунхоршоҳ:

— Занғарнинг қулоқ-бурнини топиб олиб ўзига ёпиштиринг, — деди.

Подшоликдан анжомлашиб юрган табиблар бир чувол қулоқ-бурунни четга чиқариб пиёз тўккан яли этиб, тўкиб ташлади. Ҳасанхоннинг ўзини жинни тутгандай этиб қулоқ-бурунларнинг ёнига олиб борди.

— Қулоқ-бурнингни ўзинг тани, — деди.

Унда Ҳасанхон айтди:

— Шу четда ётган шоникорнинг зоғомаси<sup>1</sup> яли исли қулоқ бизникидир, келтир бунда.

Ана булар қулоқ-бурунни олиб, ёпиштира берсин, энди сўзни Гўрўғлидан эшитинг.

Гўрўғли Ҳасанхоннинг қирқ йигити ўлгандан сўнг қирқ отни олдига солиб сура берди. Чамбилбелга борди. Майхонанинг олдига бориб, қирқ йигитга қараб, Ғиротнинг, Авазхоннинг Хунхорга тушганлигини баён этиб, бир сўз айтди:

Гўжа тоғларнинг бошинда,

Ёз бир ёна, қиш бир ёна.

Титрашар оғзим ичинда,

Тил бир ёна, тиш бир ёна.

Изимиздан қувғин етса,

Дегра-дошим туман тутса,

Аваз ўғлон қўлдан кетса,

Бош бир ёна, лош бир ёна.

Тутуним арша чекилди,

Оҳ чекиб, белим букилди,

Кўзимдан ёшим тўкилди,

Қон бир ёна, ёш бир ёна.

Гўжа тоғдан йўллар ошиб,

Ёз бўлганда ёплар тошиб,

Аваз ўғлон айро тушиб,

Тоғ бир ёна, тош бир ёна.

Гўрўғли айтар: нетали,

Бош олиб қаён кетали,

Авазга кўмак этали,

Тўрт бир ёна, беш бир ёна.

Қирқ йигит Гўрўғлидан бу сўзни эшитгандан сўнг дарҳол ўрнидан туриб, отларини эгарлаб, яроқларини қуршаниб, отланиб, Гўрўғлининг кейинига тушаберди. Энди Гўрўғли қирқ йигитга бош бўлиб, қалъадан чиқиб, аскарга қараб, юзланиб тураберди. Унда йигитлар айтди:

— Бу сафар худой сақлағай. Остингда Ғирот бўлмаса, қўлингда яроқ бўлмаса.

Унда Гўрўғли:

— Йигитлар, сизлар ҳафа бўлманг, ваҳм этманг. Бирор эрлик берилганда, кишига мушт ҳам яроқ, ҳар нарса ҳам яроқ бўла беради. Мен сизларга дунёдаги тигларни таъриф этиб берайин, — деб қўлидаги капчани соз этиб, тигларни таъриф этиб бораётир:

От айтур, сакраб букарман,  
Найза айтур, мен навкарман,  
Пуркитиб қонлар тўкарман,  
Отим йилдам бўлан чоғда.

Ёй айтур, белим эгарман,  
Ўқ айтур, турмай тегарман,  
Олис ердан қон тўкарман,  
Чапчитим<sup>2</sup> зўр бўлан чоғда.

Милтиқ айтур, уним ёмон,  
Ғанимларга бермам омон,  
Оламан жонни бегумон,  
Пилтамни ўт олан чоғда.

Қилич айтур, мен порлайин,  
Порлаб осмондан келайин,  
Язитни икки бўлайин,  
Ола фўлот бўлан чоғда.

<sup>1</sup> Зоғома — шони, бугдой, дон шопиришда ишлатиладиган анжом.

<sup>2</sup> Шиддатим, силтовим.



Чашмир<sup>1</sup> айтур, менинг ишим,  
Ун икки порадир бошим,  
Дубулға билан савошим,  
Сердүпадан<sup>2</sup> уран чоғда.

Қолқон айтур, мен қалъаман,  
Таслим бўлмаса, баломан,  
Ғўч йигитларга бўламан,  
Серпиб-серпиб олан чоғда.

Болта айтур, мен дастаман,  
Номард қўлинда хастаман,  
Уриб йиқмага устаман,  
Майдон олиб уран чоғда.

Пичоқ айтур мен яроғам,  
Қўшоқ<sup>3</sup> остдан олур оғам,  
Ёмон кунинда керагам,  
Қучоқлашиб уран чоғда.

Юмрук<sup>4</sup> айтур, мен қортаям<sup>5</sup>  
Мудом ёнингда йўртаям,  
Тутсам ёқангни йиртаям,  
Жангур-жунгур бўлан чоғда.

Гўрўғли айтур, ё жаббор,  
Шоҳмардон бўлса мададкор,  
Ғўч йигитга барин даркор,  
Пирдан мадад бўлан чоғда.

Гўрўғли бу сўзни айтиб, Хунхорга яқин бориб қолган экан. Гўрўғли айтди:

— Энди сизлар шу ерда қола беринг. Мен ўзим бориб бу лашкардан бир аломат қўптириб қайтайин.

Унда қирқ йигит айтди:

— Сенинг аломат қўптирганингни нердан биламиз?

Гўрўғли:

— Шу кўриниб турган қирқ тўрт туғдан бир туғ йиқилар. Менинг аломат қўптирганингни маълуми шу бўлар. Шу вақтда иккиланмай етиб бора беринг, — деди.

Қирқ йигит қола берди. Гўрўғли чаман ёбининг фондозига<sup>6</sup> қарсса-қарс қўйдириб кета берди. Йўртиб тўғри Хунхорнинг олдига борди... Хунхорга салом берди. Хунхор айтди:

— Не қорасан?

Гўрўғли:

— Мен Гўрўғлиман, — деди.

Унда Хунхор:

— Гўрўғли бўлсанг, бурунроқ келсин, деб одам ювардик, не учун келмадинг? — деди.

Гўрўғли:

— Мен у вақтда ётиб эдим, — деди.

— Касал ётган бўлсанг, ғиротни, Авазхонни бериб юборсин, деб одам юбордик. Уни не учун бериб юбормадинг?

Гўрўғли:

— Ғирот дебсан, Авазхон дебсан, пешкаш бўлсин, деб иккисини ҳам олдиндан бериб юбордим-ку! — деди.

— Оға Юнус паризод деган ҳалайи<sup>7</sup> бор деб эшитдик. Уни не учун бериб юбормадинг?

Гўрўғли айтди:

— Оға Юнус паризод дейсан, лекин, Гўрўғли ҳалайининг лозим болоғидан<sup>8</sup> тутуб подшога олиб бориб берди, деб биров айтмаса, биров айтар. Паризод бўлса, уни ҳам ўзларимиз сўнглик билан енг учида олиша берамиз, деб доврүк солмай келдим.

Унда Хунхор айтди:

— Занғар, сен туркман ўғли, гапингни топдинг! Сенинг гуноҳингни ўтдим, сени кўп созанда-шоир деб эшитар эдим. Сен бизга бир давр<sup>9</sup> сўз айтиб бер. Ундан сўн кетабер.

Унда Гўрўғли айтди:

— Сен айтган созинг, сўзинг бу кунлари менда топилмайди.

— Нечук топилмайди?

Гўрўғли:

— Ғирот остимда бўлса, Авазхон назаримда кўриниб турса, шу вақтда топилади, — деди.

Унда Хунхор қийқира берди:

— Келтир Ғиротни! Келтир Авазхонни!

Гўрўғлининг Ғиротини қўлига берди. Авазхонни ҳам ўнгинда қўйди. Гўрўғли отнинг устига миниб бир дапиштириб<sup>10</sup> юборди. Ғирот тўғри бориб қизилбош аскарининг ўн тўрт туғини бирдан йиқитиб кетди. Яна Хунхорнинг олдига келди.

<sup>1</sup> Шамшир.

<sup>2</sup> Бошидан, бошнинг тепасидан.

<sup>3</sup> Белбоғ.

<sup>4</sup> Мушт.

<sup>5</sup> Эшакдайман.

<sup>6</sup> Сонига.

<sup>7</sup> Аёли.

<sup>8</sup> Болоқ — поча.

<sup>9</sup> Бироз вақт, бир навбат.

<sup>10</sup> Депсинмоқ, оёғи билан тепиштирмоқ.



Хунхор:

— Нима иш этиб юрибсан? — деди.

— Э-ҳе, мени олиб қочди бу, — деди.

— Қани айтчак<sup>1</sup> сўзинг бўлса, айт! — деди.

Гўрўғли Фиротнинг устида туриб, Хунхорга қараб бир сўз айтди:

Гўч йигитнинг сетораси  
Очилди майдон ичинда.  
Қиличдан қирмизи қонлар  
Сочилди майдон ичинда.

Мисри қилич кесар ялаб,  
Дардли кўнглим истар талаб,  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилди майдон ичинда.

Кўрмишам саксон тўрт беги,  
Ҳисоб этмам мунча саги<sup>2</sup>,  
Қизилбошнинг қирқ тўрт туғи,  
Йиқилди майдон ичинда.

Ун тўртлик ой шекиллари<sup>3</sup>,  
Қирқ йигитим, тўқулали,  
Авазнинг зар кокиллари  
Сарпиллар майдон ичинда.

Мард бўлган дўнмас бул ҳушдан,  
Ундан, мингдан, юздан, бешдан,  
Гўрўғли, кечайин бошдан,  
Чарх уриб майдон ичинда.

Гўрўғли бу сўзни айтиб, Фиротни дапиштириб қўяберди. Яна қизилбош аскарининг ўн тўрт туғини йиқиб кетди. Гўрўғлининг қирқ йигити ҳам етиб келди. Хунхоршоҳ аскар-рига буюрди:

— Бирдан устига от солинг!

Гўрўғли қирқ йигитига бош бўлиб, қизилбош аскарларига қараб от солди. Бир уруш бўлди, замин-замон, макину-макон бир бўлди. От чопилди, қон тўкилди. Ана у кун са-ҳаргача уруш бўлди. Гўрўғлининг қирқ беш еридан ўқ тегди. Фиротдан жудо бўлиб йиқи-либ қолди. Хунхоршоҳ Гўрўғлининг отини бандга тортиб келди. Гўрўғли ярадор бўлиб, Фиротдан жудо бўлиб, қирқ йигитини изласа, йигит тугул замбил ҳам йўқ. Йигитлар, қимматчиликнинг ғалласидай, ҳар қайсиси бир ёнга оғишиб кетган экан. Гўрўғли тоғнинг бир баланд ерина чиқиб, йигитларига қичкириб ўтиргани:

Араб от кирса майдона,  
Баланд тоғнинг бошин кўзлар.  
Гўч йигит кирса савашга,  
Тўртин йиқиб, бешин кўзлар.

Майдонда салкишан отлар<sup>4</sup>,  
Ўқ берганда тўпанг чатнар,  
Юзи қаро муҳаннаслар<sup>5</sup>,  
Қочайин деб ташин кўзлар.

Мард бўлиб майдонда юрсам,  
Гўч йигитнинг кадрин билсам,  
Мен бугун зуредсиз ўлсам,  
Таламоққа қўшин кўзлар.

Гўрўғли, кетайин Макка,  
Муҳаннас жабрини чека,  
Гўч йигит тўғмасин якка,  
Кўп йиқилса, ташин кўзлар.

Ана Гўрўғли бу сўзни айтгандан сўнг, қирқ йигит, арзончиликнинг ғалласи яли, ҳар қайсиси бир ёндан етиб келди. Гўрўғли қирқ йигити билан бир оқшом шу ерда ётди. Гўрўғлининг яралари юлдуз кўриб<sup>6</sup>, сиҳат топди. Тонг отди, кун чиқди. Хунхор шоҳ Гўр-ўғлининг Фиротини бандга тортиб олиб эди, олиб келиб яланғочлаб кўрди. Хунхорнинг Фиротга қайфи кетди. Унда Гўрўғлининг кўзи Фиротга тушди.

Гўрўғли:

— Ҳей, калланг кесилмади, Фирот! Бу қизилбошлар сенинг қадрингни на билсин. Мен сенинг таърифингни бир соз билан атайин, — деб баланд ерга чиқиб, йўғон овоз билан бир сўз айтди:

От олсангиз, сағрисига қараб ол,  
Араб отга қай ерига син керак?  
Сен билмасанг асли зотин, сўраб ол,  
Ойқириб кишнарга баланд ун керак.

От олсанг, ол калта бели-биқини,  
Жабр айласанг, чекар норнинг юқини,  
Йўғон истар сабо куннинг оқини<sup>7</sup>,  
Уруш майдонинда ҳам полвон керак.

<sup>1</sup> Айтидиган.

<sup>2</sup> Итни.

<sup>3</sup> Шакллари, қиёфалари.

<sup>4</sup> Отнинг силкиниб чопиши.

<sup>5</sup> Номардлар.

<sup>6</sup> Юлдуз кўриб, яралари тузалиши — Гўрўғлининг эранлар бахш этган афсонавий хислати.

<sup>7</sup> Эртанги куннинг тонгини.

Қуйруқ чиққан ери баландда бўлар,  
Сағрисида тегирмонлар увалар,  
Қовурға этаги кенгдан айланар,  
Ҳам қочиб-қувмага кенг майдон керак.

Гўрўғлибек айтар, бир ширин сўзли,  
Ҳўкиздай қайишли, нормоя тизли,  
Кичкина бошлидир, ҳам олма кўзли,  
Калласи илашган устихон керак.

Гўрўғлининг бу сўзи Хунхорнинг қулоғига борди. Хунхор айтди:

— Бу зангарнинг Ғироти ўзига муносиб экан. Бу Ғиротни ўзига олиб бориб беринг. Ғироти билан у ётган аскарни қириб тугатар бўлса, тугатсин!

Ул вақтда Хунхорнинг Карам Султон деган бир ботири бор эди. Карам Султон ботир:

— Ҳай, унга айтган хўшаматни менга айтиб, Ғиротни менга берсанг эди. Гўрўғлини тирик тутиб, қўлини орқасига боғлаб олиб келтирар эдим!— деди.

Хунхор айтди:

— Ундай бўлса, Ғиротни бунга беринг!

Карам Султон ботир Ғиротнинг устига минди. Ғиротни бир дапиштириб қўйиб юборди. Ғирот Карам Султонни олиб қочиб кетди. Карам Султон ботир Ғиротни зўрлик билан ўхшатиб олди<sup>1</sup>. Устидан ерга тушди. Хунхор айтди:

— Нечук тушдинг?

— Усти ёмон ҳаволи экан. Мен шу Ғиротни устига мингандан сўнг икки оёғимни айиллиғидан бойлаб кетинг. Бўйнимга ҳам ип тақиб, зингиригидан<sup>2</sup> бойланг. Яғринимга ҳам икки ботмон кўҳна шамхол олиб келиб тақинг. Душманга абай<sup>3</sup> бўлар, сиёсат бўлар, — деди.

Карам Султон ботирни янга<sup>4</sup> айтганидай этиб боғладилар. Яғринига икки ботмон кўҳна шамхол олиб келиб тақдилар. Карам Султон Ғиротни бир дапиштириб қўя берди. Ғирот Карам Султонни кўкка отиб ҳўнгуламакка<sup>5</sup> қаради, Яғринидаги кўҳна шамхол яғринига гурс-гурс тегиб ётир. Карам Султон ботир эсанкиради. Ғиротни зўрға ўхшатиб олди.

Хунхор айтди:

— Эй ботир, нечуксан?

Унда Карам Султон:

— Менинг қўлимга бир дутор олиб беринг. Бўлажак ишларни сизга айтиб кетайин, — деб Ғиротнинг устида туриб, бир сўзни айтиб турибди:



Шоҳим, рухсат берсанг, алҳол урушсак,  
На фойдаки, дугушара<sup>6</sup> қўймаюр.  
Иқболдадир насибадан кўришсак,  
На фойдаки, дугушара қўймаюр.

От солишиб ол майдонда кезардим,  
Аваз билан қанду нобот эзардим,  
Бундан борсам, Чамбил белин бузардим,  
На фойдаки, дугушара қўймаюр.

От солишсам, бу майдони меники,  
Аваз отли ширин жони меники,  
Оға Юнус паризоди меники,  
На фойдаки, дугушара қўймаюр.

Оға беклар, хабаримни сўрашар,  
Ғўч йигитлар савашима қарашар,  
Карам Султон, Ғирот сенга ярашар,  
На фойдаки, дугушара қўймаюр.

Карам Султон ботир Ғиротни бир дапиштириб қўйиб юборди. Ғирот бир сакраб кетди. Карам Султон ботир қанғғиб<sup>7</sup> Ғиротнинг сағрисига борди. Ғирот ҳам аскардан чиқиб, Гўрўғли тарафга қараб қочиб, кўтарди ўкчани<sup>8</sup>. Карам Султон оғиб Ғиротнинг айиллиғига борди. Новмид чобук<sup>9</sup> экан, калласини Ғиротнинг оёғини орасидан ўткариб олди. Ғиротнинг икки оёғини кучоқлаб бора берди. Гўрўғли Ғиротни ушлаб олди. Кўрса,

<sup>1</sup> Бир амаллаб тўхтатиб олди, келиштирди.

<sup>2</sup> Отнинг думғазаси.

<sup>3</sup> Дўқ.

<sup>4</sup> Хозиргина.

<sup>5</sup> Орқа оёқлари билан юқори кўтарилиш, шатталаш.

<sup>6</sup> Дугушмоққа — тўқишмоққа, жанг қилмоққа.

<sup>7</sup> Учиб-силкиниб.

<sup>8</sup> Тез қочиб қолди.

<sup>9</sup> Чаққон.

Фиротнинг остида бир одам бор. Гўрўғли айтди:

— Не қорасан?

Унда Карам Султон айтди:

— Отингни келтирдим.

— Отни келтирганда остига миниб келтирасанми?

— Сен бир ҳужук<sup>1</sup> бўлсанг, сенинг минган ерингга минмайин, босган ерингга босмайин, деб Фиротнинг остига миниб келаётирман.

Унда Гўрўғли:

— Занғар, сен гапингни топдинг, гуноҳингни ўтдим, — деди. Карам Султонни Фиротдан ёздириб олди.<sup>2</sup> Устига тўн берди, остига от берди. Бир хуржунни тоғнинг тошига тўлдирди. Оғзини гўжалади.<sup>3</sup>

— Бу ҳам Хунхорнинг чой пули. Хунхорга айтиб бор. Бу тоғда гаччи<sup>4</sup> боққан чўпон билан уришиб ётмасин, юртига қайта берсин, — деди.

Карам Султон ботир вақти ҳўш бўлиб, от чопдириб Хунхорнинг олдига келди.

Хунхор айтди:

— Ботир, хабарингни бер!

Унда Карам Султон:

— Устимга тўн берди, остимга от берди. Сенинг чой пулингга ҳам бир хуржун танга бериб эди, — деб хуржунни губалатиб зингитди.<sup>5</sup>

Хунхор хуржуннинг ичини очиб кўрди. Кўрса, ичи тўла улли тоғнинг ёғжим тоши<sup>6</sup> экан.

Хунхор:

— Жаллод! — деб қийқирди.

Жаллодлар тайёр бўлди.

— Бу занғарни бирлаштинг! — деди.

Карам Султонни тоғнинг бошига чиқориб, бошини оёқ, оёғини юқори (билан) бирлаштирдилар.

Хунхор аскарларга жар солдирди:

— Гўрўғлининг атрофини қўршаб ётинг, кечаси қочмасин, — деди.

Сонсиз аскар Гўрўғлининг атрофини қўршаб ёта берди. Тонг отди, кун чиқди. Хунхорнинг Лойхўр деган бир полвони бор эди. Белни беллади. Хунхордан рухсат олди. Гўрўғлининг маърака майдонига чиқди. Гўрўғли ўрнидан турди. Лойхўр келиб, Гўрўғлининг ёқасидан тутди. Гўрўғли ҳам Лойхўрнинг ёқасидан тутди. Иккиси кураш этди. Озондан пешингача курашди, ҳеч бир-бирини йиқа билмади. Лойхўр деган ёмон полвон экан. Гўрўғлининг оғзи-бўрнидан қон оқа берди. Лойхўрдан муҳлат тилади. Лойхўр муҳлат берди. Гўрўғли аскарнинг ўртасида туриб, авлиёю анбиёларни ёд этиб, пирлардан мадад тилаб, бу сўзни айтиб турибди:

Е яратган карим худо,  
Қодир олло, сен мадад бер!  
Келди Лойхўр, бергил яна,  
Етти султон, сен мадад бер!

Кўрдим Лойхўрнинг дамини,  
Бир этди осмон-заминни,  
Йўқ этгайдинг бор жамини,  
Улли пирлар, сен мадад бер!

Кўйингда юрган эранлар,  
Ҳақ деб кўксин зах беранлар,  
Олло деган қаландарлар,  
Фахри жаҳон, сен мадад бер!

Бугун, пирим, бир мадад эт,  
Ғамгин Гўрўғлини шод эт,  
Мени Лойхўрдан озоод эт,  
Шоҳимардон, сен мадад бер!

Гўрўғли бу сўзни айтиб, киссасидан дурма қиличини чиқариб, югуриб бориб Лойхўрнинг бўйнига бир урди. Лойхўрнинг калласи дарров Хунхорнинг устига бориб тушди. Буни кўриб Хунхорнинг аскари бари бирдан Гўрўғлига қараб тўкилди. Гўрўғли ҳам қирқ йигити билан урушга кирди. От чопилди, қон тўкилди, ўмма ўтирилди, қўл кўтарилди.

<sup>1</sup> Ҳурматли, ҳурмат эгаси.

<sup>2</sup> Бўшатиб, озоод қилиб.

<sup>3</sup> Боғлади, маҳкамлади.

<sup>4</sup> Эчки.

<sup>5</sup> Олдига отди.

<sup>6</sup> Шағал тош.

Қизилбош аскари босқи топди, ҳар қайсиси бир тарафга қараб қоча берди. Гўрўғли Ғиротни, Авазхонни, қирқ йигитини омон-соғ топиб олди. Қизилбош аскарига босқи бериб, вақти хуш бўлиб, отларини ўтга юбориб, чой ичиб, чилим чекиб, наҳор-шом этиб<sup>1</sup>, қирқ йигити билан ўлтириб эди, йигитлар айтди:

— Ҳай, оға, бу ўтиришда бир давр соз, бир давр сўз керак бўлди.

Ана унда йигитларнинг ўртасида ўтириб, қўлига соз олиб, Гўрўғли бир сўз айтиб турибди.

Ғазали Гўрўғли:

Эй ёронлар, мусулмонлар,  
Ғўч йигитлар майдон ошди.  
Эранлардан бўлди ҳиммат,  
Душманлар босилиб қочди.

Бу сўзни айласам охир-а,  
Дин йўлинда мен овора,  
Истамбулдан келган қора, —  
Макка сари қараб қочди.

Ғўч йигитлар ичди шароб,  
Қизилбошлар бўлди хароб,  
Қон олмоққа келган араб,  
Аробасин араб<sup>2</sup> қочди.

Ғўч йигитга тегди даврон,  
Қизилбошга бўлди армон,  
Ғўрўғли дер, Шоҳимардон  
Ғўч йигитнинг йўлин очди.

Гўрўғли бу сўзни айтиб бўлгандан сўнг қирқ йигит билан отланиб, Чамбил юрти қайдасан деб, отларига қамчисини босди. «Уч юлдуз тоғи» деган бир тоғ бор эди. Тоғнинг устидан туман кўрина берди. Гўрўғли от устида алига соз олиб бу сўзни айтиб келаётир:

Кетма-кетма<sup>3</sup> сендан хабар олайн,  
Учюлдуз тоғ, нечун кетмас туманинг?  
Элингга, юртингга банда бўлайин,  
Учюлдуз тоғ, нечун кетмас туманинг?

Ҳар дам кўрсам ҳаволижа<sup>4</sup> бошинг бор,  
Ранг берибди бу олама, тошинг бор,  
Менинг каби минг савдоли бошинг бор,  
Учюлдуз тоғ, нечун кетмас туманинг?

Кучли ғаним келди бизга сурилиб,  
Эргашарлар соясинда юрилиб,  
Устинга чиққанда олам кўриниб,  
Учюлдуз тоғ, нечун кетмас туманинг?

Тоғларнинг ичинда тоғлар шоҳисан,  
Ҳурларнинг ичинда малак моҳисан,  
Ҳар дам Гўрўғлининг сайилгоҳисан,  
Учюлдуз тоғ, нечун кетмас туманинг?

Гўрўғли бу сўзни айтиб бўлиб, тоғнинг устига келди. Бир бўлак отлининг изи кўринди. Гўрўғли йигитларини қалъага қайтариб юборди. Узи Ғиротни миниб, ул отнинг изини олиб бора берди. Кўрса, бир кавакка келиб кирган экан. Гўрўғли кавакка қийқира берди, хабарлаш деб.

Кавакдан бир сас пайдо бўлди:

— Мен Тўқмон султон деган бекман. Урушда сендан қочиб шу ерга кирдим. Сендан кўрқаман, майдонга чиқмасман, кета бер, — деди.

Унда Гўрўғли от устида туриб, бу сўзни айтиб турибди:

Ғўч кўзидан тувғон кўзи ғўч бўлур,  
Ғўч йигитдан ғўччоқ дўрар, султоним,  
Бир ғўч йигит саваш этар майдонда,  
Муҳаннаслар ночор бўлур, султоним.

<sup>1</sup> Эрта-кеч овқатланиб.

<sup>2</sup> Ҳайдаб.

<sup>3</sup> Кета-кетгунча.

<sup>4</sup> Ҳавога етадиган.

Муҳаннасининг сўзи недир ўзина,  
Ғўч йигитлар кўникадир озина,  
Бир ғўч йигит ғанимининг кўзина  
Учи йитти<sup>1</sup> ханжар бўлур, султоним.

Гўрўғли дер, саваш-саваш қурилар,  
Аввал ғўч йигитнинг оти урилар,  
Ипак била қолқон юза турилар<sup>2</sup>,  
Яланг қилич ялаб олар, султоним.

Гўрўғли бу сўзни айтган вақтида Тўқмоқ султоннинг бир юз олтмиш ботири бор эди. Тўқмоқ султон, уни ўққа тутинг, деб буюрди. Ҳаммаси бирдан Гўрўғлини тўпанглади, ўққа тутди. Гўрўғлининг етмиш икки еридан ўқ тегди. Ғиротга ҳам етмиш икки еридан ўқ тегди. Гўрўғлининг ҳуши бошидан учди. Ғиротнинг ёлига ёпишиб, саҳаргача (беҳуш) ётди. Кўрса, ҳамма ери заҳмдор, Ғироти ҳам ярадор. Иккиси қизил қонга бўялиб ётганини кўрди. Гўрўғли «Энди бу ерда ўлиб, лошим бунда қолар бўлди», — деб йиғлаб хафа бўлиб ўтирган вақтида Ғиротнинг қўлтиғидан бир қанот пайдо бўлди. Гўрўғлини кўтариб осмонга учди. Бир чўли биёбонга келиб тушди. Гўрўғли ўзини чўли биёбонда кўриб, ғамгин бўлиб, хафа бўлиб, бу сўзни айтиб ўтирибди:

Ғўч йигитнинг таърифини деяли,  
Аттанг<sup>3</sup>, бу дунёдан ўтдинг, Гўрўғли,  
Бир жаллоддир отинг Усмон элина,  
Дунёдан армонли ўтдинг, Гўрўғли.

Таъриф этсам ғўч йигитнинг аслини,  
Келган-кетган эшитсинлар сасини,  
Бориб олдинг Хунхор хазинасини,  
Анда ганжи қамаб ёттинг, Гўрўғли.

Баланд тоғ бошинда қуриб даввони,  
Босиб Тавриз, Нишопурни, Ширвонни,  
Рум шаҳрина бориб, қизу жувонни  
Анда хуш дил билан олдинг, Гўрўғли.<sup>4</sup>

Гўрўғлига яхши вазир керакдир,  
Жала-жил устинда нозир керакдир.  
Ҳаммаси шу ерда ҳозир керакдир,  
Дунёдан армонли ўтдинг, Гўрўғли.

Гўрўғли бу сўзларни айтгандан сўнг Ғирот Гўрўғлини кўтариб осмонга яна париллаб учди. Чамбилбел қалъасининг ўрта белига келиб тушди. Ғирот чорлаб, бир кишнаб тура берди. Ғиротнинг кишнаган саси Оға Юнуснинг қулоғига борди. Паризод уйқудан сесқаниб турди. Майдонга чиқиб кўрса, Ғирот Гўрўғлини кўтариб олиб келиб турибди. Иккисининг ҳам яраларидан қон оқиб, Гўрўғли Ғиротнинг ёлига ёпишиб ётир. Паризод Гўрўғлини Ғиротнинг устидан тортиб олди. Ғиротни сайисхонага боғлади. Гўрўғлини ўтовга олиб келди. Гўрўғлининг бошини тизининг устига олиб, зор-зор йиғлаб, бу сўзни айтиб ўтирибди:

Етиб эдим бир зоринжи<sup>3</sup> сас келди,  
Мен айланай отинг билан ўзингдан!  
Сени кўриб баланд кўнглим паст бўлди,  
Мен айланай отинг билан ўзингдан!

Сен ўлсанг, Ғиротинг осмона учар,  
Туриб қирқ йигитинг ҳар ёна қочар,  
Ўлканг хароб бўлиб, Чамбилбел кўчар,  
Мен айланай отинг билан ўзингдан!

Сарҳовузинг қолар бўлса соясиз,  
Қирқ йигитинг қолар бўлса доясиз,  
Чамбилбелни кўйиб кетма иясиз<sup>4</sup>,  
Мен айланай отинг билан ўзингдан!

<sup>1</sup> Йитти — ялтироқ (ўткир деган маъноси ҳам бор).

<sup>2</sup> Турилмоқ — тутилмоқ, осилмоқ.

<sup>3</sup> Зорлаган.

<sup>4</sup> Эгасиз.

Чамбилбелда дегра-дошни кезарлар,  
Авазхоннинг юрак-бағрин эзарлар,  
Зурриёдсиз йигит мулкин бузарлар,  
Мен айланай отинг билан ўзингдан!

Бошимдаги тилла жиғам ўтаган,  
Кўнглимдаги дарднинг бўлмас адоғи,  
Оға Юнус пари бўлғай садағанг,  
Мен айланай отинг билан ўзингдан!

Паризод бу сўзни айтди. Гўрўглининг шу яралари юлдуз кўриб сиҳат топди. Тонг отди, кун чиқди. Гўрўглининг вақти хуш бўлиб, юртини чақириб, етти кеча-кундуз тўй-томоша бериб, маърака-майдонда ўлтириб, йигитларини ёнига чақириб, бу сўзни айтиб ўтирибди:

Эй ёронлар, ғўч йигитнинг  
Аввал-агар оти керак,  
Ёнинда кескир қиличи,  
Ёйи ундан қатти керак.

Йигитнинг бўлса давлати,  
Бедав бўлса минган оти,  
Ҳам саводи бўлса хати,  
Теран ақли доно керак.

Фалакнинг чархи дунёси  
Ўтди биздан, қолди наси,  
Жуппа-совут дубулғаси,  
Бедави кўшинда керак.

Сура кўринг бул даврни,  
Зое кечирманг умрни,  
Кийинг-а кўм-кўк темирни,  
Беклар савашинда керак.

Гўрўгли дер, бечорани  
Ҳисоби бўлмас ярани,  
Ўлтирган ғўччоқ тўрани,  
Давлати бошинда керак.



Ана Гўрўгли етти кеча-кундуз тўй-томоша бериб, Чамбилбел юртида қарор топди.

Нашрга тайёрловчи **Зубайда ҲУСАИНОВА**



«ҚАТЛНОМА»НИ УҚИБ...

Е алҳазар... Қодирий бобо 1938 йилнинг 4 октябрида отилмаган бўлса-я?

1938 йилнинг декабрь ойида бизнинг кичкина қишлоғимиздан уч киши қамалди. Бири жамоа раиси Нуриддин Каримов, иккинчиси — пахта топширувчи Мўмин Мирзабеков, учинчиси — Йўлдош ака деган пахта пункти мудирди. Уларга 350 кг пахта ўғирланган, деб айб қўйилган. Улар Куйбишев номли жамоа ҳўжалиги планини байрам арафасида тўлдириш учун юқоридаги рақамни уч кун олдинга олиб ёзишган экан. Бу воқеа 6 ноябрь куни содир бўлган.

Уларнинг бири турмада вафот этди, бири кўнгилли бўлиб фронтга кетди, яна бири 8 йилдан сўнг қайтиб келди.

Адабиёт муаллими сифатида Қодирий, Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳорларни маданиятимизнинг устунлари деб ўйлайман. Қодирийнинг романларини 50-йилларда икки мартадан ўқиганман. «Қутлуг қон»ни ҳам «Меҳробдан чаён» ва «Утган кунлар»дан кейинги юксак роман сифатида ўқувчиларга тушунтирганман ва ҳоказо. Уша давр хавфсизлик органларининг кишиларни қандай жазолаганликларини билмайман-у, фашист гестапочиларининг ҳарбий асирларга муносабатини китоб ва кинолардан яхши биламан. Бечора Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳорлар нима қилсинлар? Дўзах эшигини очиб қўйиб, калтакни пеша қилсалар, қийнасалар...

Фикримча, ёзувчилар ҳаётнинг яхши ва ёмонини тарози палласига солиб, халққа кўрсатиб турадиган кишилардир. Мана, беш-олти йилдан буён бир неча ноқобил раҳбарлар туфайли қанчадан-қанча одамлар кўрбон бўляпти.

1988 йилги маълумотларга кўра, СССРда самогончилик билан шуғулланган 40 минг киши қўлга тушган, 10 минг киши заҳарланиб ўлган. Уша ўн минг кишининг ҳеч йўқса ўн минг хотини, ўн минг боласи бўлгандир. Уларнинг аҳволи қандай? Ароқ таъқиқланмаса, меҳнат интизоми қаттиқ ушланса, бундай аҳвол юз бермас эди. Бундай сиёсат юргизганларни Қодирийлар олдидан нима деб аташ керак?

П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар»и, яхшиямки, бизнинг замонда ёзилди. Шундай бўлса ҳам, бу китобга бир неча йиллар тош отилди-ку. Адабиёт халқнинг маънавий мулки, уни зўрлаб сиёсатлаштириш ана шундай мўдҳиш оқибатларга олиб келади. Уқувчилар «Темурнома»ни, «Қиссасул анбиё»ни, «Ҳикматлар»ни, «Шоҳ Машраб»ни ўқиб маънавий озуқа олишяпти, бунинг нимаси ёмон?

«Шарқ юлдузи»дан умидимиз катта. Бу ойномани 1960 йилдан буён ўқийман. Қисса муаллифининг орзуси амалга ошишига, Қодирий ҳаётининг сўнгги кунлари фожиаси ҳам ойдинлашишига ишонаман.

Мухлисингиз: Балиқчи ноҳиясидаги 40-мактаб ўқитувчиси  
Ўзбекистон жумҳурияти халқ маорифи аълочиси,  
методист-ўқитувчи **Турғунбой МАМАЖОНОВ**

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳрир ҳайъати аъзолари! Ёзувчи Набижон Боқийнинг «Шарқ юлдузи» ойномасининг шу йил 5-сонидан босилган «Қатлнома» ҳужжатли қиссасини ўқиб, ўз фикрларимни сизларга маълум қилмоқдам.

1. Агар ойнома таҳририятига яна шундай яхши асарлар келса, бир иложини қилиб бутун ҳолида беришларингиз мақсадга мувофиқ бўларди.

2. Агар романим бўлганда ҳам, уни ана шу қиссага алмаштирган бўлардим. Балки Абдулла Қодирий ҳам тирилик келганда ана шу ҳақиқатгўйлик ва машаққатли ижод учун «Қатлнома»га бирорта романини алмаштиришга рози бўлар...

3. «Қатлнома» ҳужжатли қисса деб номланган. Бироқ унда чинакам романининг кучи бор. Уни роман деган одам ютқазмайди. Асарни тезроқ алоҳида китоб қилиб чиқаришга ҳам ойнома ташаббускорлик қилса, айни муддао бўларди.

4. «Қатлнома»ни ёзган Набижон Боқийга, қиссани босиб чиқаришга ҳисса қўшган таҳририят ходимларига самимий миннатдорчилик изҳор қиламан.

5. Шунингдек, ойнома саҳифаларига «Йиллар, воқеалар, ҳужжатлар», «Ёднома», «Меросимизни ўрганамиз» сингари рунлар остида берилаётган мақолаларни қизғин маъқуллайман. Улар халқни маърифатга бошлайди. Жамиятда ишонч муҳитини мустаҳкамлайди. Иллатлардан тозалайди. Одамларни покликка ўргатади. Айниқса, Дукчи эшон ҳақидаги қисса сингари тарихий асарларни кўпроқ беришларингизни илтимос қилар эдим.

Ҳурмат билан: **Абдулла ЖАЛИЛ**

НАСР

Ортиқбой Абдуллаев. Аччиқ мевалар. Эссе . . . . .	3
Илҳом Зойиров. Елпатак. Қисса . . . . .	28
Шукур Холмирзаев. Олабўжи. Романдан катта ҳикоя . . . . .	64
Наим Каримов. Шам ва Чақмоқ. Воқеий ҳикоя . . . . .	153

МУШОИРА

Улғайиб бормоқда умиднинг гули . . . . .	28
--	----

НАЗМ

Тоҳир Қаҳҳор. Бу — фалак тожи қуёш, дарди башар . . . . .	57
Исмоил Тўлаков. Бизнинг қалбларимиз титраган япроқ . . . . .	60
Уллибиби Отаева. Бир мужда кўнглимга нурлар сепеди . . . . .	62
Рустам Мусурмон. Сочларини юриб йиғлар мажнунтол . . . . .	151

ҚУРЪОН . . . . .	159
------------------	-----

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Музаффар Аҳмад. Қирқ минги бахшидир, қўлинда сози . . . . .	185
Аҳмад Матназар. Қирқ минглар. Достон . . . . .	193

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
№ 2

Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «ШАРҚ» при управлении  
делами аппарата президента республики Узбекистан,  
Ташкент — 1992

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев    Рассом Ф. Алимов    Мусаҳҳиҳ К. Зиямуҳамедова

Таҳририятга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Ойномадан рухсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз майди. Ойномадан рухсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар. (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 3.12.91 й. Босишга рухсат этилди 20.12.91. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма тобоғи 19,25+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Адади 101523 нусха. Буюртма 6506. Обуна баҳоси 2 сўм, сотувда 3 сўм.

Ўзбекистон республикаси президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — П, «Правда» кўчаси, 41.